

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Д. ТОЖИБОЕВА

**МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ**

Ўқув қўлланма

Тошкент2007

Д. Тожибоева. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. –Т.: «FAN VA TECHNOLOGIYA», 2007. 541 бет.

Мазкур қўлланма иқтисодий фанлардан дарс ўтишда қўлланиладиган мавжуд методлар билан таништириш, дарс ўтишни ташкил этиш ва уни такомиллаштириш, талабаларда иқтисодий фанлардан дарс ўтиш малакасини ҳосил қилиш сингари вазифаларни ҳал этиш муаммоларини қамраб олади. Иқтисодий фанларни ўқитишда қўлланиладиган методлар мисоллар билан асосланади. Маъруза матнини тайёрлаш намуналари ва семинар дарси ўтишнинг услубий кўрсатмалари берилган. Қўлланма иқтисодий фанлардан дарс ўтишни ташкил этиш ва ўқитишда ҳозирги замон интерактив методларидан кенг фойдаланишни ўрганишга ёрдам беради.

Қўлланма касб таълими (иқтисодчи – педагог) йўналишидаги талабалар ва иқтисодий фанлардан дарс берувчи ўқитувчиларга мўлжалланган.

Олий таълимнинг 140000 «Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани» таълим соҳасидаги 5140900 «Касб таълими» бакалавриат таълим йўналишлари учун.

Қўлланма Тошкент Молия институти қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий услубий Кенгашнинг 2006 йил 8 июлдаги йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

Такризчилар: ТДИУ профессори, и.ф.д. **Н. Хўжаев**;
ТМИ доценти, и.ф.н. **Х. Ҳакимов**;
ТМИ катта ўқитувчиси **Г. Авалова**.

СЎЗБОШИ

Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, онажоним хотирасига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, «Таълимтарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни етказиш тўғрисида»ги Фармони (08.10.1997 йил), «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш – давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ушбу дастурий ҳужжатларда кадрларнинг мамлакатимизни иқтисодий раванқ топишини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнаши ҳисобга олинган.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг қонунқоидаларига амал қилган ҳолда турли йўналишлар бўйича педагоглар тайёрлашга киришилди. Шу жумладан, профессионал иқтисодчи педагоглар тайёрлаш ҳам қўйилган вазифани амалга оширишнинг муҳим бўғини ҳисобланади.

Жамиятнинг тараққиёт даражаси, давримизнинг ахборот асрига айланиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шуни кўрсатадики, ёшларни етук, вазиятни тезда баҳолайдиган, ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри ва оқилона қарор қабул қила оладиган малакали мутахассис қилиб тайёрлаш учун фақат анъанавий услубларга таяниб дарс ўтиш етарли эмас. Бу эса таълим тизимида жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланишни талаб этади. Шу талабдан келиб чиқиб, касб таълимининг бакалавриат йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга мутахассислик фани сифатида **«Махсус фанларни ўқитиш методикаси»** дарси ўқитиладиган бўлди.

Республикада иқтисодиётни эркинлаштириш ва бу соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш билим олишга, иқтисодиёт сир-асрорларини ўрганишга бўлган ҳаракатни, фанни чуқур ўрганишга бўлган талабларни ҳам кучайтирди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий қонунларни яхши биладиган, турли вазиятларни таққослаш, иқтисодий ресурслар чекланганлиги шароитида самарали хўжалик юритиш учун муқобил вариантларни тўғри танлаш ва қарор қабул қилиш малакасига эга бўлган иқтисодчилар тайёрлашнинггина эмас, **балки уларни ўқитадиган иқтисодчи педагоглар тайёрлашни ҳам талаб қилади.**

Иқтисодчилар тайёрлашдаги мутахассислик фанларини ўқитадиган иқтисодчи педагоглар тайёрлашда иқтисодий фанлар етакчи ўрин тутди. Шу сабабли бу соҳадаги касб таълими бакалавриат йўналиши талабалари учун махсус мутахассислик фанлари бу иқтисодий фанлар бўлгани туфайли **иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси** ўрганилади.

Иқтисодий фанларни ёшларга ўргатиш учун ўқитувчининг ўзи бу фанларни яхши билиши, дарс бериш методларини маҳорат билан қўллай олиши талаб этилади. Шу билан бирга, педагогика, психология, махсус фанларни ўқитиш методикаси, педагогик технология ва бошқа фанларни ҳам чуқур билиши зарур бўлади.

Кадрлар тайёрлашдаги асосий мақсад зарур билимларни ўзлаштириш билан бирга талабаларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, уларда мустақил танлаш ва қарор қабул қилиш қўникмасини ҳосил қилишдир.

Маълумки, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ўз навбатида ишчи кучига ҳам алоҳида талаблар қўяди. Яъни, ишчилар малакали, маҳоратли, талабнинг ўзгаришига мослашувчан, ўз малакасини оширишга интилувчан бўлиши талаб этилади. Ишчи кучига бўлган талабларни талабалар чуқур идрок этишлари, мустақил изланиш, фикрлаш, турли қарашларни таққослаш, таҳлил қилишга, оқилона хулоса чиқаришга ўрганишлари лозим. Жаҳон педагогикасида диққатэтибор талабаларда ана шу хислатларни ҳосил қилиш ва тарбиялашга қаратилган. Тажриба талабаларда айнан ана шу хислатлар, қўникмаларни

ҳосил қилишда дарс беришнинг интерактив¹ методларини қўллаш ижобий натижа беришини кўрсатди. Бу услублар дарс ўтишни диалог тарзида амалга оширишга, айниқса, талабаларни дарсга фаол қатнашишларини таъминлашга қаратилган.

Бу борада иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси фани ўзига хос ўрин тутди ва талабаларнинг иқтисодий фанларни чуқур ўрганишларига ёрдам беради. Иқтисодиёт сирасорларини чуқур ўрганиш, аввало, иқтисодиёт назарияси фанини, қолаверса бошқа иқтисодий фанларни ҳам, чуқур билишни талаб этади. Тошкент Молия институтида ўқитиладиган «Банк иши», «Солиқ ва солиққа тортиш», «Молия», «Бухгалтерия ҳисоби», «Молиявий ва бошқарув таҳлили», «Аудит» ва бошқа фанларни яхши билиш орқали талабалар касбхунар коллежлари, академик лицей ва ўрта мактаб, қолаверса, магистратурани битиргач, олий ўқув юртларида ҳам дарс бера оладилар.

Маълумки, иқтисодий фанлар, бир томондан, умумий жиҳатларга эга бўлса, иккинчи томондан эса уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шубҳасиз, бу иқтисодий фанларни ўқитиш методикасида ҳам ўз аксини топади. Дарс ўтиш методларини танлашда ўрганилаётган махсус иқтисодий фанларнинг хусусиятидан келиб чиқиш зарур.

Муаллиф мазкур қўлланмада иқтисодий фанларни ўқитиш методининг ўзига хос хусусиятлари, асосий интерактив методларни ёритиб беришга ҳаракат қилган. Ҳозирги пайтда кенг қўлланилаётган методлар, иқтисодий фанларни ўқитишдаги илғор мамлакатларда тўпланган тажрибалар ҳам ҳисобга олинган.

Мазкур ўқув қўлланма шу соҳадаги дастлабки қадам бўлиб, унинг тузилиши ва мазмуни тўғрисида билдирилган фикр ва мулоҳазалар келажакда уни янада такомиллаштиришга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Муаллиф китобни нашр этишда катта ёрдам берган ТМИ ректори А. В. Ваҳобовга, қўлланмани ёзишда ўз маслаҳатлари билан катта ёрдам кўрсатган Тошкент Солиқ коллежи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, и.ф.н., доц. А. Йўлдошевга, «Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика» кафедрасининг мудирини, и.ф.н., доц. Т. Жўраевга, кафедра аъзоларига, «Бошқарув» факультети декани, и.ф.н., проф. Ф. Каримовга, «Ҳисобиқтисод» факультети декани, и.ф.д., проф. Б. Ҳасановга, «Аудит» кафедраси мудирини, и.ф.н., доц. Ш. Файзиевга, п.ф.н., проф. М. Раёмовга ҳамда барча тақризчиларга чин дилдан миннатдорчилик билдиради.

¹ Интерактив - инг. interact сўзидан олинган бўлиб, inter-ўзаро, act-фаолият юритиш маъносини беради.

I боб. МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

1- §. Иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси фанининг предмети, мақсади, вазифалари

Мамлакатимизда ҳозирги пайтда ёшларга таълим ва тарбия беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим–тарбия ҳамиша жамият тараққиётининг асоси бўлган. Чунки, инсон жамиятдаги барча муносабатлар, алоқаларнинг марказида туради. Фантехника ва ахборотдаги революция инсон ва унинг илмиймаърифий потенциаллини ижтимоийиқтисодий тараққиётнинг ҳал қилувчи омилига айлантирди.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи учун иқтисодий ўсиш омилларининг сифат жиҳатдан такомиллашиб бориш жараёни хосдир. Фантехника тараққиётининг илғор натижаларини қўллаш, ишлаб чиқаришни интенсифлаштириш, юқори самарали техника технологиялардан фойдаланиш билан бир қаторда, энг муҳими юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бу борадаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқаро меҳнат тақсимотида муносиб ўрин эгаллаш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш муаммолари кўп жиҳатдан иш кучининг билими, малакаси, вазиятга қараб иш тута олишига боғлиқ. Келажакда эришишимиз лозим бўлган буюк мақсадларга етишиш учун энг аввало юқори малакали, замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлашимиз керак.

«Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурияти туғилмасин, гап охириқибат барибир кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажакимиз, мамлакатимиз келажакги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрларни тайёрлашга боғлиқдир»¹

Мамлакатимизда қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги қонун» ва 1997 йилдан кучга кирган кадрлар тайёрлашнинг «Миллий дастур»и бўйича бутун таълим тизими ислоҳ қилинар экан, асосий диққат ана шундай савиядаги кадрлар тайёрлашга қаратилган.

Ёшлар тарбияси ҳамда уларни тарбиялашда таълим тизимининг нақадар аҳамиятга эгаллиги, Президентимизнинг Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг «Таълимкелажакка йўналтирилган сармоя» минтақавий конференцияси иштирокчиларига йўллаган табригидаги ушбу жумлалардан ҳам англаш мумкин: «Ҳозирги пайтда бир ҳақиқатни ҳар қачонгидан кўра теран англаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Самарали таълим тизимини яратмасдан туриб, жамиятни ислоҳ этиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини тасаввур этиш қийин.

Ушбу соҳага устувор аҳамият берилиши шубҳасиз, унинг келгуси тараққиёти учун замин ҳозирлашдир»²

Билимдон мутахассис кадрларни тайёрлаш, инсон салоҳиятини юзага чиқариш эса ҳар жиҳатдан устозларга, уларнинг билимдонлик билан ўқитиш жараёнини ташкил қилиши ва дарс беришига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ўқув жараёнини ташкил этиш, талабаларнинг чуқур билим олишига ёрдам берувчи ўқув услубларини қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги даврда ўқув жараёнини ташкил этиш ўқитувчидан фақат чуқур билимгина эмас, балки педагогик маҳоратга эга бўлишларини, дарс беришнинг турли методларини билишни ҳамда ўз устида тинмай ишлашни талаб қилади.

Ҳар бир инсоннинг ҳаёти асосини иқтисодий фаолият ташкил этар экан, табиийки ҳар бир одамдан иқтисодий фикрлашни ўрганиш талаб этилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш билан бу талаб янада кучайди. Фарзандларимизнинг ёшлиқдан иқтисодий фикрлай

¹ Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси.– Т.: «Шарқ», 1998, 83-бет.

² И.А.Каримов. Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти «Таълим келажакка йўнал-тирилган сармоя» минтақавий конференция иштирокчиларига йўлланган табрик. «Маърифат», № 7апрель 2004 йил, № 28.

билиши учун, мамлакатимизда ўрта мактабдан бошлаб иқтисодий билим асосларини ўрганишга киришилди.

Олий ўқув юртининг, айниқса, иқтисодий йўналишдаги ўқув юртининг талабалари эса иқтисодий фикрлашнигина эмас, кенг доирадаги иқтисодий муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш, иқтисодий ривожланиш тенденцияларига баҳо бериш, бу ўзгаришлар келажакда қандай натижага олиб келиши мумкинлигини ҳис қила билиши, кўз ўнгига келтира билишни ўрганиши зарур. Бунинг учун эса иқтисодий фанларни чуқур билиш талаб қилинади. Мураккаб хўжалик дунёсини ақс эттирувчи бу фанларни ўрганиш учун тўғри метод танлаш муҳим аҳамиятга эга. Дарс ўтишда тўғри метод танланмаса, назарий жиҳатдан ўқитувчининг билими юқори бўлишидан қатъи назар, кутилган натижани бермайди. Ўқитувчининг билими педагогик маҳорат билан қўшилгандагина ўқув жараёнини самарали ташкил этиш мумкин. Бунинг учун ўқув жараёнини ташкил этишнинг турли методлари ва уларни қўллашни билиш керак. **Иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси (услугияти)** айнан ана шу мақсадга қаратилган. У **иқтисодий фанларни ўрганиш методлари ва уни дарс жараёнида қўллаш йўллари**ни ўргатади.

Дарс бериш методи атамаси билан биргаликда, одатда, ўқитиш, дарс бериш услуги атамаси ҳам тезтез ишлатиб турилади.

Дарс бериш методикаси (услугияти)нинг предмети, бу дарс бериш (ўқитиш) жараёнининг ўзидир.

«Метод» атамаси юнонча «methodos» тадқиқот ёки билиш йўли, назария, таълимот» сўзидан келиб чиққан бўлиб тадқиқот йўли, ҳақиқатга интилиш, билиш, ҳаракат қилиш йўллари, кутилаётган натижага эришиш усули маъносини англатади. Метод деганда воқеликни амалий ёки назарий ўзлаштириш усуллари тушунилади. Фаолиятнинг турли жабҳаларини ўрганишни қамраб олгани ҳолда илмий билиш ва унинг усуллари методиканинг асосий йўналишидир. Унда таълим ва тарбия бериш усуллари асосий ўринда туради. Одатда **методика (услугият) деганда илмий билиш фаолиятининг шакллари ва методлари мажмуи ҳақидаги фан тушунилади. Бу назарий жиҳатдан қўйилган** мақсадга етиш, ҳақиқатни, реалликни, фаолиятни назарий ёки амалий билиш, ўрганишнинг усуллари ёки операциялари мажмуидир.

Педагогик амалиётда, анъанага мувофиқ, ўқув тарбиявий мақсадларга эришиш учун қўлланилаётган, тартибга солинган фаолият усули метод деб тушунилади. Бунда ўқитувчининг ўқитиш фаолияти усуллари билан ўқувчининг ўқиш фаолиятининг усуллари бирбирига боғлиқлиги таъкидланади.

Ўқитиш методи куйидагича тавсифланади: ўқитишнинг мақсади, ўзлаштириш усули, ўқув жараёни қатнашчилари (ўқитувчи, ўқувчи, талаба)нинг ўзаро муносабати.

Ўқитиш методикаси тушунчаси:

а) педагогнинг ўқитиш усуллари ва ўқувчининг ўқиш усуллари ҳамда ўқувчининг ўқитувчи билан ўзаро боғланганлигини;

б) ўқитишдан кўзланган мақсадга эришиш бўйича ҳамкорликда ишлашнинг ўзига хослиги, яъни, ўқитиш методлари белгиланган мақсадга етиш учун таълим вазифаларини ҳал этишда ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолиятидир.

И. П. Подласыйнинг фикрича, методжараённинг ўзаги, режалаштирилган мақсадни якуний натижа билан боғловчи бўғин. «Мақсад – мазмун – методлар – шакллар ўқитиш воситалари» тизимидаги ролларни аниқловчидир¹.

Таълим методлари бир томондан, объектив характерга эга бўлиб, қайси педагог қўллашидан қатъи назар, доимий амал қиладиган мустаҳкам қонунқоидалар билан боғлиқ. Улар барча дидактик қоидалар, қонунларнинг талаби ҳамда мақсадларнинг доимий компонентлари, ўқув фаолиятининг мазмуни, шаклини ифодалайди. Иккинчи томондан, субъектив характерга эга бўлиб, у педагог шахси, ўқувчиталабаларнинг ўзига хос томонлари, аниқ шароит билан белгиланади,

¹ Подласый И.П Педагогика, Новый курс, М.: 1999

Методларнинг объектив ҳамда субъектив характери ҳақидаги фикрлар хилмахилдир. Методларнинг объектив характерини бутунлай инкор қилиб, уни тўлиқ субъектив характерга эга, шунинг учун ҳам такрорланмасдир, у ҳар бир педагогнинг ижоди тарзида юзага чиқади, деган фикр билдирувчилардан тортиб, унинг тамомила акси бўлган, тўла объектив характерга эга дейдиганлар ҳам мавжуд. *Ҳақиқат, одатда, барча фикрларнинг ўртасида тугилади.* Айнан ҳамма методлар учун доимо умумий бўлган объектив томони, дидактика назарияси, кўп ҳолатларда эса энг яхши бўлган амалиёт йўллари тавсия этилади.

Методларнинг объектив жиҳатларида барча дидактик қоидалар, қонунлар, тамойиллар, таърифлар, мазмун бутунлигининг доимий компонентлари, ўқув фаолиятининг шаклларига хос бўлган умумий томонлар акс этади. Методларнинг субъектив жиҳати педагог шахси, унинг маҳорати, таълим олувчиларнинг ўзига хослиги ва аниқ шароитга боғлиқ.

Дарс жараёни ҳар икки томон бир бутун бўлиб, бирлашган ҳолда ташкил этилади. Унинг амалий ифодаси қўйилган мақсадга кўра эришилган натижада ўз аксини топади.

Методларнинг объектив жиҳатини дидактик принцип нуқтаи назаридан талқин этиш, унинг назариясини ишлаб чиқиш, амалиётда қўлланиши зарур бўлган энг яхши методларни тавсия этиш, мантиқий танлаш муаммоларини муваффақиятли ечиш имконини беради.

Методларни оптималлаштириш учун эса педагоглар маҳорати, ижодий ёндашиш зарур бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитиш методлари юқори даражадаги санъат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Метод ниҳоятда серқирра бўлиб, жуда кўп компонентларни жамлайди. Мураккаблиги учун ҳам методни ягона маънога эга тарзда ифодалаш қийин. Шу боис методнинг мазмунмоҳиятини, сифатларини соддалаштирилган вариантдаги таърифларда беришга тўғри келади.

Шарқ мутафаккирлари ҳам билишнинг методларига катта эътибор билан қараганлар. Ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўқитиш методларига алоҳида эътибор берган аллома Аристотелдан сўнг «иккинчи муаллим» деб ном қозонган Абу Наср Форобий ўқитиш методлари ҳақидаги трактатларида таълим олувчиларга турли билимлар бериш билан бирга мустақил ҳолда билим олиш йўллари ҳам кўрсатган, билим олиш зарурлигига шакшубҳасиз ишонтириш лозимлигини таъкидлаган¹.

Ҳозирги терминлардан фойдаланиб, Шарқнинг қомусий алломаларининг ўқитиш методларини билишнинг умумий қонунларига мувофиқлигини аниқласа бўлади. Улар фойдаланган ўқитиш методларини бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Булар Ибн Сино қўллаган кўрғазмалитажриба методлари, Абу Райҳон Беруний, Ал Хоразмийнинг кўникма ва малакаларни шакллантириш методлари, Форобий ва Ал Хоразмийнинг билимларни текшириш методлари ва бошқалардир. Уларнинг ҳаммаси ўқувчиталабаларнинг фаолиятини кучайтириш, мантиқий тафаккурини ривожлантириш мақсадини кўзлаган.

Методика ва унинг вазифаси. *Методика педагогиканинг таркибий қисми (педагогика юнонча *paidagogike*²) бўлиб, инсонни шакллантиришида муайян мақсад сари қаратилган систематик фаолият тўғрисидаги ҳамда таълимтарбия беришнинг мазмуни, шакли ва методлари (услуглари) ҳақидаги фандир.*

Методология эса (юнон. метод ва логия сўзларидан) фаолиятнинг таркиби, мантиқий тузилиши, метод ва воситалари ҳақидаги таълимотдир.

Методологик билим, биринчидан, муайян фаолият турларининг мазмуни ва изчиллигини ўз ичига олган одат ва нормалар шаклида, иккинчидан, амалда бажарилган фаолиятнинг таъсири сифатида юзага чиқади. Ҳозирги замон адабиётларида методология дейилганда, аввало илмий билиш методологияси, яъни илмий билиш фаолиятининг шакллари ва усуллари тушунилади.

¹ Аль. Фаробий. Математические трактаты. Алма-ата: Илъм, 1972, стр. 327, 328.

² Paidagogos - (юнон.-тарбиячи, ўқитувчи, бола етаклаган киши.)

Методика, қисқача қилиб айтганда, маълум бир фанни ўрганиш, ўқитиш методлари тўғрисидаги таълимот. **Иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси (услугияти) эса шу фанни ўрганиш, ўқитиш методларини ўрганади.** Иқтисодий фанларни ўқитиш методикасининг мақсади иқтисодийназарий таълим беришнинг қонуниятлари, турли методларини ўрганишдир.

Бошқача айтганда методика бу дарс ўтишда ўқитувчига қўйиладиган талабларни реализация қилишни амалга оширадиган турли методларнинг мажмуидир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодиётга давлат аралашувининг қисқариб, нодавлат тармоқларнинг ривожланиши, мамлакатимизни жаҳон иқтисодий тизимига интеграцияси таълим тизимини ҳам ислоҳ қилиш, ҳозирги замон таълим тизими олдида турган масалаларни қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, ёшларни иқтисодий саводхонлигини ошириш муҳим масалалардан бири бўлиб қолди.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда иқтисодий таълимтарбия беришга мактабдан бошлаб алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча касб таълими йўналишидаги бакалаврлар учун «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» ўрганилиши зарур бўлган асосий предметлардан бири ҳисобланади. Иқтисодчипедагоглар тайёрлашда эса махсус фанлар иқтисодий фанлар бўлиб, ана шу фанлардан дарс ўтиш методикаси ўрганилади.

Дарс ўтиш ўқитувчидан фанни пухта билишнигина эмас, балки ўз билимини усталик билан талабалар онгига етказишни ҳам талаб қилади. Талабалар фанни пухта ўзлаштиришлари учун уни ўрганишда қўлланиладиган методлар катта аҳамиятга эга. Шу сабабли иқтисодчи–педагоглар иқтисодий фанларни ўрганиш методларини пухта эгаллашлари, уларни маҳорат билан қўллай билишлари керак. **Мазкур фаннинг мақсади касб таълими (иқтисодчипедагог) йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларни фанни ўрганишда қўлланиладиган анъанавий ва интерактив методлар билан таништириш ва келажакда ўз фаолиятларида қўллашни ўргатишдир.**

Иқтисодий фанлар фақатгина назарий эмас, амалий фанлардир. Улар бевосита амалиётга таянади, аниқ маълумотлар, далиллар, рақамлар ҳисобкитобларга асосланади. Шунинг учун иқтисодий билимларни ўрганиш, иқтисодий тафаккурни шакллантириш, реал иқтисодий жараёнлар асосида амалга оширилади.

Иқтисодиётни ўргатувчи, иқтисодий билим берувчи фанлар хилма хил. Иқтисодий фанларни ўрганиш объектини миқёси, иқтисодий билимларни камраб олиши жиҳатидан шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Умумиқтисодий фанлар. Улар иқтисодиётни, унга хос бўлган иқтисодий қонунлар, тамойилларнинг амал қилишини яхлит ҳолда ўрганади. Буларга, энг аввало, иқтисодиёт назарияси фани киради. У барча иқтисодий фанларга асос бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиётнинг қонунқоидаларини билиш, шу фанни ўрганишдан бошланади.

Ўрта махсус ўқув юртларида “Иқтисодий билим асослари”, “Иқтисодиёт асослари”, олий ўқув юртларида эса “Иқтисодиёт назарияси” ўрганилади.

2. Хусусий иқтисодий фанлар. Булар микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, миллий иқтисодиёт, ижтимоий иқтисодиёт, меҳнат иқтисодиёти ва бошқалар бўлиб, улар иқтисодиётнинг у ёки бу соҳасини ўрганади.

3. Функционал иқтисодий фанлар. Бу фанларга бухгалтерия ҳисоби, молия, аудит, молиявий таҳлил, солиқ, суғурта, менежмент, банк иши ва бошқалар киради. Одатда, улар кўпроқ мутахассислик фанлари сифатида ўрганилади.

Шунга кўра, ҳар бир иқтисодий фан ўз предметини умумфалсафий, умумиқтисодий ҳамда бошқа алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, шу фанга хос бўлган методлар ёрдамида ўрганади. Фанни ўрганиш жараёнида эса нафақат фаннинг предметини ўрганишда қўлланиладиган методлар, балки фанни ўрганиш, билиш жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган методлар ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки ўқитиш жараёнида фанни талабалар онгига етказиш, уларни билим олишга чорлаш, қизиқтириш, ўз устида ишлашга йўналтириш кўп жиҳатдан унда қўлланиладиган методларга боғлиқ.

Иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси ўқувчигалабаларда иқтисодий фикрлаш, тафаккурни шакллантиришга қаратилган. Иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси фанининг бир томонида иқтисодий фанлар: иқтисодиёт назарияси, микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит, молия, солиқ, статистика ва қатор бошқа иқтисодий фанлар турса, иккинчи томонида эса, педагогика, педагогик технология, психология каби педагогикага оид фанлар туради. Махсус фанлар, яъни иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси уларни бирбирига боғлайди.

Касб таълими йўналишида ўқийдиган бакалаврлар бухгалтерия ҳисоби ва аудит, молиявий таҳлил, солиқ ва солиққа тортиш, банк иши, молия ва бошқа иқтисодий фанларни, педагогикани чуқур ўрганишлари зарур. Иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси фани олдида қуйидаги вазифалар қўйилади:

- хўжалик юритувчи субъектлардан бошлаб, бутун жамият миқёсида узлуксиз кузатиш олиб бориш, маълумотлар, ахборотлар тўплашни нақадар зарурлигини талабалар онгига етказиш;

- талабаларга қўйилган мақсадга кўра тўпланган иқтисодий ахборотларни қайта ишлаш, таққослаш, қиёсий характеристика бериш, таҳлил қилишга ўргатиш;

- ходисалар ва жараёнларни чуқур ўргатиш, иқтисодий ривожланиш тенденцияларига баҳо бериш ва хулосалар чиқариш;

- иқтисодий фикрлай билиш, мустақил фикр юритиш, ўз нуқтаи назарини асослашга ўргатиш;

- иқтисодий фанларни ўрганиш учун татбиқ этиладиган дарс ўтиш методлари билан таништириш

- фаннинг предметини ўрганишда қўлланиладиган методлар билан дарс ўтиш методларини тўғри боғлай билиш;

- фаннинг мавзуларига кўра дарс ўтиш методларини тўғри танлай билиш ўз фаолиятида моҳирлик билан фойдаланишни ўрганиш кабилардан иборат.

Иқтисодчипедагог касбини танлаган касб таълими йўналишидаги бўлажак мутахассислар ўз олдиларига қўйилган талабаларга жавоб бериши учун мутахассислик фани билан боғлиқ ҳолда:

- иқтисодиёт назарияси ва бошқа иқтисодий фанларни чуқур эгаллаган бўлиши;
- ҳуқуқий давлат, демократик жамият қурилишига оид фанларни мукамал билиши;

- ёшлар тарбияси билан шуғулланиш учун – педагогик маҳорат ва тажрибага эга бўлиш учун интилиши;

- дарс бериш методларини яхши ўрганиб, уларни фаннинг йўналиши ва мавзуси бўйича қўллай оладиган бўлиши;

- ўзбек халқининг тарихини билиш, миллий ғурур, маданиятга эга бўлиши;
- мутахассислик фани билан боғлиқ янгиликларни ўрганишга интилувчан бўлиши;
- фантехника ютуқларига қизиқувчан бўлиши;
- ўқувчигалабаларга фанни ўргатишда тасдиқланган дастур асосида фанга қизиқиш уйғота олиш, ҳар бир ўқувчи, талабанинг савияси, индивидуал хусусиятига кўра вазифа, топшириқ бериш ва талаб қилиш санъатига эга бўлиши лозим.

Шундай қилиб, методика ўқув жараёнини ташкил қилиш шакллари, методлари, қонунқоидаларини ўрганади. **Методика, бир томондан ўрганилаётган фанда эришилган ютуқлар, иккинчи томондан, педагогика фанининг ривожланиши билан бойиб боради, ривожланади.**

Фаннинг ривожлана бориши билан ўрганиш методларининг роли ортиб боради. Методларсиз қўйилган мақсадларга эришиб бўлмайди. **Ўқитувчининг методик маҳорати, дарс ўтишнинг янги методларини ўзлаштиришига етарли эътибор берилмас экан, таълимга, инсон капиталига инвестицияларнинг қанчалик кўпайишидан қатъий назар таълим сифати ошмайди.** Ўқитувчиларнинг методик

маҳоратини оширишга қилинган харажатлар, уларни бунга рағбатлантириш «минимал харажат қилиб, максимал самара» олиш имконини беради.

2§. Дарс ўтиш методлари ва унга турли жиҳатдан ёндашиш

Ўқитиш методларининг серкирралиги, мураккаб тузилишга эга эканлиги унга турли жиҳатдан ёндашувларда ўз ифодасини топади.

Дидактик тадқиқотлар машғулот ўтказишни диалектик жараён сифатида ўрганади. Унга кўра:

- Ўқитиш методлари тизими динамикада, ҳаракатда, таълим тизимида юз бераётган барча ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўзгаради, ривожланади, деб қаралади.

- Барча методлар бирбири билан алоқадор. Бири иккинчисини тўлдиради, бири иккинчисига боғлиқ.

1. Дастлаб, дарс бериш методларини таснифлашга анъанавий жиҳатдан ёндашилиб, ўрганиладиган билим манбаларига кўра гуруҳларга ажратилган. Бундай гуруҳланишнинг ижроси қадимги фалсафий ва педагогик қарашларга бориб тақалади. Бундай манбалар, қадимда учта: амалда синаш, яъни практика (тажриба), кўргазмали, оғзаки (сўз орқали) ифодаланган. Жамият тараққиёти туфайли кейинчалик унга китоб билан ишлаш қўшилди. Сўнгги 20 йил мобайнида ҳаётга, шунингдек, таълимга шиддат билан янги методлар, қоғозсиз ахборот манбаи: видеокомпьютер тизими кириб келди.

2. Шундай қилиб, ҳозирги пайтда ўрганиладиган билим манбаларига кўра, методлар 5 гуруҳга бўлинади, ҳамда қатор усулларни ўз ичига олади:

1) Амалда синаш, тажриба методи:

- тажриба ўтказиш, амалиёт ўтказиш;
- машқ қилиш жараёнида қатнашиш, меҳнат, ишлаб чиқариш.
- **Кўргазмали намойиш қилиш методи:**
- ўқувчи, талабалар томонидан кузатиш, амалиёт ўтказиш.

2) Оғзаки сўз орқали ифодаланадиган метод:

- тушунтириш, онгига етказиш;
- ҳикоя қилиш;
- ўзаро фикр алмашув;
- суҳбат ўтказиш;
- йўл – йўриқ, кўрсатма бериш;
- маъруза;
- мунозара, мубоҳаса, баҳс ва бошқалар

3) Китоб билан ишлаш:

- ўқиш, ўрганиш, тезда кўриб чиқиш;
- цитата келтириш ва унинг устида ишлаш, баён ёзиш;
- реферат ёзиш, конспект тузиш.

4) Видео метод:

- компьютерда машқ, тест ечиш;
- назорат ўтказиш;
- интернетда ишлаш;
- ўқув фильмларини тайёрлаш ва намойиш этиш;
- ахборот технологияларига асосланиб, ишлаб чиқилган дастурлар асосида компьютерда иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш, уларга омиллар таъсирини ўрганиш;

▪ мультимедиа асосида тақдимот тайёрлаш, намоиш этиш ва бошқа шу кабиларни камраб олади.

3. Педагог олимлар (М.А. Данилов, Б.П. Есипов) ўқув жараёнини ташкил қилиш мақсадлари ва уни амалга ошириш босқичларига кўра дарс ўтиш методларини қуйидаги гуруҳларга ажратади:

- билимни эгаллаш;
- малака ва кўникмаларни шакллантириш;
- олинган билимни амалда қўллаш;
- ижодий фаолият;
- олинган билимни мустаҳкамлаш;
- билим, малака ва кўникмаларни текшириш методлари

Гуруҳлашдан кўриниб турибдики, у дарс жараёнини ташкил қилишнинг классик схемаси асосига қурилган. Бунда асосий мақсад, педагогларга ўқув–тарбия жараёнини амалга ошириш ва методлар мажмуини соддалаштиришга қаратилган.

4. Психологик нуқтаи назардан, билимларни ўзлаштириш методларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин (чизмага қаранг).



5. Идрок этиш, билим фаолияти характериға кўра методлар 4 гуруҳга бўлинади.

А) Тушунтиришиллюстратив(ахборотрецептив):

- тушунтириш;
- иллюстратив;
- ахборот;
- рецептив¹

¹ Репродуктив – худди шундай қайтармоқ, акс эттирмоқ, тасвирламоқ, яъни хотирада сақланган билимни қайта тиклашга асосланган.

² Лот. Prodoco, маъноси – ишлаб чиқараман, яратаман.

Бу методларнинг характерли хусусиятлари билимлар тайёр ҳолда тавсия этилишидир. Бу методлар билимларни идрок қилиш, тушуниш, хотирага жойлаштиришга қаратилган.

Ўқув жараёнида ахборотларнинг турли манбалари (сўз, кўргазали қурооллар ва бошқалар) қўлланилади. Баён қилиш ҳам индукив, ҳам дедуктив йўл билан олиб борилиши мумкин.

Бу методнинг мазмуни унга хос бўлган қуйидаги хусусиятлар билан ажралиб туради:

- Билимлар ўқувчи, талабага тайёр ҳолда берилади;
- Ўқитувчи турли усуллар билан бу билимларни ўқувчи, талабалар томонидан қабул қилинишини ташкил қилади;
- Ўқувчи, талабалар билимни ўзлаштирадидлар ва хотираларида сақлаб қоладидлар.

Билимларни қабул қилиш билан чекланиш доим ҳам олинган билимлардан фойдаланиш маҳорати ва кўникмаларини шаклантирмайди. Билим олиш фаолиятини фақат тайёр билимни эслаб қоишга қаратилиши уларни хатосиз, айрим ҳолларда тушунмасдан ҳам хотирада сақлаш ақлий фаолликни паст даражада бўлишига олиб келади.

Б) Репродуктив метод.

Бу метод талабаларни олган билимларини англаш, тушуниб етишларини, эслаб қолишларини таъминлашга қаратилган. Олинган билимни мустаҳкамлиги тез–тез такрорлаш йўли билан таъминланади.

Ўқитишнинг репродуктив методи қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

- Ўқитувчи билимни тайёр ҳолда етказади;
- Фақат баён қилиш билан чекланмасдан, уни тушунтиради ҳам;
- ўқувчи, талабалар билимларни тушуниб ўзлаштирадидлар. ўзлаштиришнинг мезони олган билимларини хотирада тўғри тикаш (репродукция)дир;
- ўзлаштиришнинг мустаҳкамлиги ахборотни кўп марта қайтариш йўли билан таъминланади.

Ҳар икки методнинг афзаллиги қисқа муддатда, кўп куч сарфамай катта ҳажмдаги ахборот ва билимларни ўқувчи, талабаларга етказишни таъминлаш имкониятига эгаллигидир. Билимни пухта эгаллашга такрорлаш орқали эришилади.

Ўқитишнинг ҳар икки методи ўқувчиталабаларга таълимнинг тайёр мазмунини узатишга, ўқув дастурлари, дарсликлар, фан бўйича ахборотни ўзлаштиришга қаратилган.

Мавжуд камчиликларига қарамасдан, информаионрецептив усул кам куч сарфлаб, билимлар ва кўникмаларнинг каттагина ҳажмини ўзлаштириш имконини беради.

Инсон фаолияти табиатан репродуктив, ижрочи ёки ижодий бўлиши мумкин.

Репродуктив фаолият ижодий фаолиятга туртки беради, унинг бошланиши бўлади. Шунинг учун уни таълимда қўллашни назар–писанд қилмаслик, менсимаслик нотўғри. Шу билан бирга уни ҳаддан ташқари кенг қўллаш ҳам тўғри эмас. Энг маъқули, уларни бошқа методлар билан биргаликда қўллашдир.

В) Муаммоли баён қилиш методи

Бу методда ўқитувчи томонидан мавзунинг мазмуни муаммоли тарзда баён қилинади. Ўқитувчи мавзунинг мазмунидан келиб чиқиб, муаммо қўйиб, уни ечимини кўрсатади. Бу метод талабаларни ижрочиликдан ижодкорликка ўтишини таъминлайди. Ўқитиш жараёнининг маълум босқичларида талабалар муаммоли масалаларни мустақил равишда еча олмайдилар. Шунинг учун ўқитувчининг дарс ўтиш усулини кузатиб, шундай вазиятларда масалани қай тарзда ечишни, қандай қарорга келишни ўрганадилар.

Г) Қисман ижодий (эвристик) методлар.

Бу методда:

- Билим мустақил равишда эгалланади;

¹ Рецепт – врач ёзиб берадиган дори қоғози, тайёрлаш усули, усул, йўл, андоза.

▪ ўқитувчи ахборотни ўрганиш ёки билим эгаллашда турли методлар ёрдамида мустақил ишлашни ташкил этади;

▪ ўқувчи, талабалар мустақил фикр юритишади.

Масала, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш тақсимлаш, умумлаштириш, хулоса чиқаришга ўрганишади. Натижада талабаларда англаб етилган пухта билим шаклланади.

Ўқувчиталабалар кўпинча мураккаб муаммони мустақил ҳал қилиша олмайди. Уларга ўқитувчи кўмак беради. Ўқув фаолияти **ўқитувчи–ўқувчи, ўқувчи–ўқитувчи схемаси**да амалга ошади. Билимларнинг маълум бир қисмини ўқитувчи беради, қолган қисмини ўқувчиталабалар мустақил ўрганишади.

Д) Тадқиқий методлар:

Бундай метод билимни тадқиқ этиш жараёнида эгаллашни кўз да тутади.

У:

▪ Ўқитувчи ўқувчиталаба билан муаммоли масалани аниқлайди, уни ҳал қилишга вақтнинг маълум бир қисми ажратилади.

▪ Ўқитувчи мавзуни баён қилмайди. Талабалар мустақил равишда муаммоли масалани ечиш, олинган жавобларни турли вариантларини таққослаш жараёнида мавзуни ўрганишади. Натижани қандай бўлишини ҳам ўзлари аниқлашади.

▪ Ўқитувчининг фаолияти муаммоли масалаларни ечиш жараёнини бошқаришдан иборат бўлади.

▪ Ўқув жараёни юқори интенсивлиги билан характерланади. Ўқиш қизиқарли бўлиб, олинган билимнинг чуқур ва пухталиги, амалда қўллашни ўрганиш билан фарқ қилади.

Бу методни қўллаш ўқитувчидан юқори даражада малака талаб этади.

6. Дидактик мақсадлар бўйича дарс ўтиш методларини педагог олимлар (Т.И. Щукина, И.Т. Огородников ва бошқалар) икки гуруҳга бўлишади:

А) Ўқув материални дастлабки ўзлаштиришга имкон яратувчи методлар: буларга ўқитувчининг мавзуни оғзаки баён қилиши, суҳбат, китоб билан ишлаш ва бошқалар киради.

Б) Олинган билимни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга имкон яратувчи методлар. Бу гуруҳга масала, машқлар ечиш, амалий ишлар бажариш ва бошқалар киради.

7. Ўқитиш методларини бинар (қўш) ва полинар (кўп қиррали) гуруҳларга ажратилиши ҳам мавжуд. Бинар гуруҳларини И.И. Махмутов дарс бериш методлари билан ўрганиш методларининг бирга қўшилиши тарзида кўрсатади.

Ўқитиш, дарс бериш методлари:

- Ахборот бериш – баён қилиш;
- тушунтириш;
- кўрсатма бериш;
- тушунтириш – даъват этиш;
- ундовчи, даъват этувчи.

Ўрганиш методлари:

- Ижро этиш;
- репродуктив;
- продуктив – амалий;
- қисман ижодий;
- ижодий изланишга асосланган методлардан иборат.

Ўқитиш методларининг полинар таснифи В. Ф. Паламарчук ва В. И. Паламарчук сингари тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда таъкидланишича, билим манбаи унинг фаоллиги даражаси, ўқиш жараёнида олинадиган билимларнинг мантиқий йўллари мажмуидан таркиб топади.

Гуруҳларга ажратиш, таснифлашга доир яна қатор ёндашувлар мавжуд. Улардан бири дидактика бўйича немис мутахассиси Л. Клинберг таснифи бўлиб, у ўқитиш

методларини ҳамкорлик шакллари билан бирга олиб қарайди, яъни: монологик методлар: маъруза, ҳикоя, намойиш қилиш;

диалогик методлар; суҳбат, мунозара ва бошқалар; Ҳамкорлик шакллари: индивидуал, гуруҳий, умумий (фронтал), жамоа тарзида баён қилинади.

Дарс жараёнидаги методлар қўллаш имкониятларига кўра қуйидаги сифатларни ўз ичига олади:

1. Билим бериш, идрок этиш, ўзлаштириш, эътиқодни таъминловчи методлар. Бу гуруҳга маъруза, талабаларнинг мустақил ишлари, мустақил таҳсил олиш бўйича ишлар, ишлаб чиқариш жараёнларини кузатиш, маслаҳатлар, кўрсатмалар бериш, оммавий ахборот, дастурлаштирилган материалларни идрок этиш ва бошқалар киради.

2. Билимларни татбиқ этиш ва мустаҳкамлаш, малака ва кўникмаларни хосил қилиш, эътиқодни чуқурлаштириш методлари. Бу гуруҳга семинар, амалий, лаборатория машғулоти, назорат ишларини бажариш, дастурлаштирилган ўқитиш кабинетларидаги машғулоти, ишлаб чиқариш амалиёти киради.

3. Билимлар, эътиқодларни шакллантириш, талабаларнинг касбий тайёргарлигини аниқлаш методлари. Бу ўқув жараёнининг рейтинглари, коллоквиумлар, суҳбат ўтказиш, курс ва битирув малакавий ишлари, давлат аттестация натижаларини баҳолаш кабиларни ўз ичига олади.

Методларни ажратиб турувчи сифатларга: биринчи гуруҳда билимни идрок қилиш ва ўзлаштириш, иккинчи гуруҳда татбиқ этиш ва мустаҳкамлаш, учинчи гуруҳда аттестация ва олинган билимлар даражасини аниқлаш киради.

Умуман олганда методларни гуруҳларга бўлишнинг барчасида ҳам камчиликлар мавжуд. Шунинг учун ҳам педагоглар методларни таснифлаш, гуруҳларга ажратишни такомиллаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Шу сабабли методларни гуруҳлашдан воз кечиш тенденцияси вужудга келди. Методларнинг мураккаблиги уларни турли шароитларда қўллашга аҳамият беришга мажбур қилмоқда.

Ҳар бир дарсни ўқитиш жараёнида бир неча метод бир-бирига боғланиб, қоришиб кетади. Ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро мулоқоти натижасида таълим методлари бир-бирига сингиб кетади. Тадқиқотчи Ю. К. Бабанскийнинг фикрича, биз у ёки бу методни қўллаш ҳақида гапирар эканмиз, бу шу методнинг маълум босқичда етакчи роль ўйнашини билдиради, холос.

Педагог, психолог мутахассисларнинг таъкидлашларича, методлар ўқув-тарбия жараёнида қуйидаги функцияларни бажаради:

Таълим берувчи.

Методлар ёрдамида таълимнинг мақсади амалга оширилади. Методлар ўқитувчи ва ўқувчиларнинг назарий ҳамда амалий билимини таълим олиш борасидаги вазифаларни бажаришга қаратади.

Камолотга бошлаш функцияси:

Ўқувчи, талабаларни фикрлаш доирасини, билим олиш, ақлий ривожланиш суръатини тезлаштиришда, қизиқувчанлигини оширишда ўз ифодасини топади.

Тарбиялаш функцияси:

Ўқув материални ўрганиш, ўзлаштириш жараёнига мустақил қараш, фикрлаш, ирода хусусиятлари, ахлоқий, маънавий қарашларнинг шаклланишига олиб келади.

Билим олишга даъват этиш, истак, хоҳиш уйғотиш функцияси:

Методлар талабаларни билим олишга даъват қилувчи восита ҳисобланади. Асосий, гоҳида билишга қизиқтирувчи, истак, хоҳиш туғдирувчи ягона стимулятор вазифасини бажаради.

Назорат функцияси:

Методлар ёрдамида ўқитувчи ўқувчи, талабаларнинг билимини назорат қилибгина қолмай, ўқув жараёни натижаларига кўра унга зарур ўзгартиришлар киритади.

Методларнинг функционал жиҳати бутун ўқув жараёнида ўзгармас эмас, яъни қотиб қолмайди. У шароитга, қўйилган талабга, интенсив тарзда қўлланиш ёки қўлланмаслигига кўра ўзгариб туради.

Бир хил методлар кўпроқ таълим бериш, ўқувчиларни камол топтириш, тарбиялашда муҳим рол ўйнаса, бошқалари билим олишга даъват этиш, учинчилари эса билимни назорат қилишда кенг имкониятларга эга.

Айрим методлар кўпроқ ўқувчи, талабаларни билим доирасини кенгайтириш, назарий билим олишларида қўл келса, **бошқалари** кўпроқ тажриба тўплаш, кўникма ҳосил қилиш, ўз билимини амалда синаб кўришда ёрдам беради. **Учинчилари** эса билимини ошириш учун мустақил ўз устида ишлашга даъват этади, **тўртинчилари** билим, кўникмаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шунингдек, айрим **методлар** билишга бўлган қизиқишни кучайтириб, тафаккурни ривожлантирса, **иккинчиси**, фаоллик, ўрганганларини узоқ эсда сақлашга ёрдам беради. **Учинчиси** ирода, ўз фикрини мустақил айтиш, ҳимоя қилишга ўргатади. **Тўртинчиси** ҳис–туйғу, кечинмаларни бошқаришга ёрдам, руҳий озука беради.

3§. Дидактика, унинг тамойиллари ва ўқув жараёнини ташкил этиш

Методика ва дидактика узвий боғлиқдир. Методика деганда билиш фаолиятининг шакллари ва методлари мажмуи ҳақидаги фан тушунилишини кўриб ўтдик. Бу фан дидактиканинг бўлиמידир.

Дидактика (юнондидакликос ўқитадиган, ўргатадиган) – педагогиканинг билим олиш, таълим ва тарбия назариясига оид соҳаси. У талабаларнинг билим олиш, ўзлаштириш ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёнига хос таълим принциплари, услублари ва ўқув жараёнини ташкил қилишга оид ҳамма масалаларни ўрганади.

Дидактика «нима?» ва «нима учун?» ўқитиш керак деган саволлар билан шуғулланса, методика эса у билан узвий боғлиқ ҳолда «қай тарзда?» ва «нималар ёрдамида ўқитиш?» лозим масалалари билан шуғулланади.

Дидактика ва методиканинг мақсади: таълим бериш, ўқитиш, ўргатишни амалга оширишдир.

Дидактика термини дастлаб XVII асрда чех педагоги Я.А. Каменский томонидан ишлатилган. У “Буюк дидактика” асарида (1657 йил) дидактиканинг асосий масалаларини ишлаб чиққан. XIX аср ўрталаридан педагогиканинг алоҳида соҳаси сифатида ўрганила бошланди. Ўзбекистонда дастлаб жадид мактабларида дидактиканинг тамойилларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда дидактика соҳаси аввалги эришилган ютуқларни сақлаб қолгани ҳолда янгиликлар билан бойитилиб, янги босқичга кўтарилмоқда.

Мамлакатимизда дидактикага тарбиядан алоҳида ҳолда қаралмайди. У ёшларни тарбиялашдаги умумий мақсад ва вазифалардан келиб чиқади.

Ёшларга таълим бериш жараёни жамият тараққиёти, фантехника тараққиёти, жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсади билан чамбарчас боғлиқ. Таълим ва тарбиянинг мазмуни, мақсадининг ўзгариши дидактика принциплари, услублари ва ташкилий шакллариининг ҳам ўзгаришига, ривожланишига сабаб бўлади.

Барча фанларни ўрганишда дидактик принциплар муҳим ўрин тутаяди.

Дидактик принциплар дарс мазмуни ва дарсни ташкил этишга тегишлидир. Дидактик тамойилларга ўқитиш ва ўқиш жараёнида қоидалар сифатида риоя қилиниши зарур.

Улар бирбирига боғланиб кетади, қуйидаги принциплар ўқитиш ва ўқиш жараёнини самарали ташкил қилиш бўйича қоидалар бўлиб, улар узоқ вақт давомидаги тажрибага асосланган.

Таълим бериш (дидактика)нинг асосий тамойиллари қуйидагилар:

- **Фаоллик тамойили**

Инсон таълим олишининг ҳақиқий, чинакам моҳияти ўзининг ақлий фаолияти натижасида билимнинг янги янги сирасорларини мустақил равишда англаб олишидир.

Талаба, ўқувчи ўз ҳаракати билан фанларни яхшироқ ўрганади ва ўзлаштиради. Ўқув жараёни шундай ташкил қилиш керакки, уларнинг ўзлари фанга қизиқсин, уни билишга ҳаракат қилиб, интилсин. Бунинг учун ўқувчигалабалар дарсга фаол қатнашиши лозим.

▪ **Назария билан амалиётнинг бирбири билан боғлиқлиги**

Назарий билим доим касбхунар амалиёти билан боғланиши лозим. Амалий таълим ҳам ўз навбатида назарий билимларга асосланган бўлиши керак.

▪ **Кўргазмалилик**

Билимларни иложи борича кўргазмали ва реал ҳаётга яқин тарзда тақдим этиш тилнинг тушунарлилигини ва таълим жараёнида аудиовизуал воситалардан фойдаланишни, бевосита иш ҳолатида ва реал объектларда ўқитишни талаб қилади. Дарслар кўргазмали қуроллар ёрдамида берилса, ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари осонлашади.

▪ **Тушунарлилик**

Ўқув материалининг мазмуни шундай танланган ва тузилган бўлиши керакки, ўқувчилар уни ўзларидаги билимлар билан боғлай олишсин ва уни тушунишда қийналмасин. Яъни, ўқув материалининг мазмуни, шунингдек, ўқитувчининг тили ва фикрларини ифодалаш усули ўқувчигалабанинги билим савиясига мос келиши лозим. Лекин бу илмий терминлардан фойдаланилмайди, дегани эмас.

▪ **Намуналардан фойдаланиш**

Ўқув материалининг мазмуни тушунтириш учун ҳар доим намуналарни танлашга ҳаракат қилиш керак. Яхши модел, амалиётдан олинган типик мисоллар, турлича маҳсулотлар ҳам олинган натижанинги сифати қандай бўлишини аниқ кўрсатади.

▪ **Илмийлик**

Ўқув материалининг мазмуни ҳақиқий ва илмий жиҳатдан тасдиқланган ёки илмий тадқиқотлар асосида синалган бўлиши керак. Шунингдек, фаннинг янги ютуқлари ва кашфиётларини ўзида акс эттириши лозим.

Ўқитувчининг тахминига ёки субъектив фикрига асосланган материал қўлланилмаслиги керак.

▪ **Билимларни қўллаш**

Ўқувчигалабалар олган билимларини амалда қўллаш олиши керак. Шунинг учун бу билимлар қўлланилган ва амалий вазиятда синалган бўлиши зарур. Бундай амалий вазиятлар ўқитувчи томонидан яратилиши лозим.

▪ **Натижаларни мустаҳкамлаш тамойили**

Ўқишдаги муваффақиятлар тан олиниши ва баҳоланиши керак. Бу ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида доимий алоқа бўлишини талаб қилади. Натижалар эса махсус «Баҳолаш варақалари» да қайд қилиниши керак.

Дидактик тамойиллар ўқитувчи фаолиятининг йўл-ўриғи сифатида хизмат қилади, алоҳида олганда эса тушунарлилик принципини қўллаб қувватлайди.

Ўқитишнинг асосий қоидалари:

- тушунарлидан – тушунарсизга;
- яқиндан узокқа;
- осондан қийинга;
- аниқдан мавҳумга;
- умумийдан хусусийга, умумлаштирилгандан яқкага;
- хусусийдан умумийга.

Ўқиш ва ўқитиш дидактик хаттиҳаракатлар билан боғлиқ. Дидактик хаттиҳаракатларга ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва баҳолаш фаолияти қиради.

Бу фаолият қуйидаги саволларда ўз ифодасини топади:

1. Кимлар ўқитади?


2. Кимларни ўқитиш керак?
3. Ўқитиш орқали қандай мақсадларга эришиш мумкин?
4. Мақсадга эришиш учун нимани, қандай ўқитиш керак?
5. Назарий ва амалий дарсларда қайси методларни қўллаб, дарс ўтиш керак?
6. Назарий ва амалий дарсларни қандай шароитда ўтказиш керак?
7. Ўқишни қандай ташкил қилиш керак?
8. Кўзланган мақсадга эришишни текшириш учун натижалар қандай баҳоланади?

Дарс беришнинг шакллари, услублари турлитуман. Мақсад, ўтилаётган дарс ҳар бир талабанинг онгига етиб борсин. Бу ерда ҳал қилувчи ролни дидактик саккизбурчак ва ўқув жараёнининг мазмуни ўйнайди.

Схемадан кўриниб турибдики, ўқув жараёнини қандай ўтиши қўйилган мақсад билан уни амалга ошириш бирлигидан иборат.

Ўқитувчи, дарс берувчи сифатида ҳар сафар қандай қилиб, қайси усул билан дарс ўтсам қўйилган мақсадга эришаман деб ўз олдига савол қўйиб, ўйлаб кўрса, дарс ўтишнинг айнан мавзуга мос келадиган услубини топиши мумкин.

Дидактик саккизбурчак



Дарс ўтишнинг услубини танлаш қуйидагиларга боғлиқ:

1. Ўқитилаётган гуруҳнинг дарсга тайёргарлик даражаси;
2. Ўрганиладиган предмет;
3. Дарсда ўтиладиган мавзу;
4. Ўтиладиган мавзунинг мазмуни;
5. Дарс ўтишда қўллаш мумкин бўлган техник воситаларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Дарсни қандай ўтиш борасида аниқ бир қарорга келишда, асосий мўлжал олишда дарсни нимага қаратилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Агар:

- мақсадга эришиш мўлжалга олинган бўлса, дарс жараёнида қандай мақсадларга эришиш кераклигини аниқ белгилаб олинishi лозим;
- дарсда қатнашадиганлар мўлжалга олинса, талабалар (ўқувчилар) гуруҳи кимлардан иборатлигига эътибор қаратилади;
- ўтиладиган мавзу, унга ажратилган вақт мўлжалга олинса, қандай ўқув материални талабалар онгига етказиш зарур ва унга қанча вақт ажратилганига диққат қаратилади;

- ўқув воситалари мўлжалга олинса, қўлимизда қандай ўқув воситалари бор ва улардан қай даражада фойдаланишимиз мумкинлигини ҳисобга оламиз;

- талабалар (ўқувчилар)нинг дарсга фаол ёки пассив қатнашуви мўлжалга олинса, қандай дарс ўтиш услубларини қўллаш кераклигини танлаймиз;

- дарсни ташкил этиш мўлжалга олинса, қандай ташкилий шартшароитлар мавжудлигини ҳисобга оламиз;

- ўзлаштиришни назорат қилиш мўлжалга олинса, қандай тартибда талабалар билими назорат қилинади ва баҳоланади, диққат ана шунга қаратилади (IY боб, 3§ га қаранг).

Ўқув жараёнини ташкил қилиш ва уни бошқариш машғулотларда қўйилаётган мақсадга боғлиқ. Ўқитувчи дарсда талаба иқтисодий категория (тушунча)ни ёки тенденцияни ўргатишни мақсад қилиб қўйяптими ёки уни тушуниш, таҳлил ёки татбиқ қилишни ўрганиши керакми? Иқтисодий воқеликни синтез қилишни ёки турли вариантларни таққослаб, уларнинг ижобий, салбий томонларини ўрганиб баҳо беришни билиш керакми?

Тушунарли бўлиши учун макроиқтисодиётга доир икки саволни таққослаб кўрайлик:

1. Марказий банк пул таклифини тартибга солиш учун қуйидаги тадбирларнинг қайси биридан кўпроқ фойдаланади?

а) ҳисоб ставкасини ўзгартиради;

б) банк маржаси бўйича талабни ўзгартиради;

в) очик бозорда қимматбаҳо қоғозлар олдисотдиси;

г) резерв (заҳира) миқдорини ўзгартиради.

2. Агар иқтисодиёт ресурсларнинг тўла бандлиги таъминланмаган ҳолатда бўлса, Олий Мажлис ва Марказий банк ишлаб чиқариш имкониятларини рағбатлантириш учун қўллаган қайси тадбир мақсадга мувофиқ бўлади?

а) очик бозорда қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш эвазига фоиз ставкасини кўтариш;

б) давлат харажатларини камайтириш учун қатъий пул сиёсатидан фойдаланиш;

в) истеъмолга солиқни пасайтириш, даромадга солиқни кўтариш, давлат трансферт тўловларини камайтириш;

г) очик бозорда операциялар эвазига фоиз ставкасини тушириш, истеъмолга солиқни кўтариш;

д) капиталнинг ўсишига солиқни кўпайтириш ва пул таклифини камайтириш.

Кўришиб турибдики, иккинчи савол мураккаб, чунки биринчи савол фақат олган билимни, ахборотни ёдга олишни талаб қилади. Иккинчи саволга жавоб бериш учун эса, фақат аввалги ўрганган билим, ахборотни эслаш камлик қилади, жавоб бериш учун турли вариантларни солиштириш керак. Демак, иккинчи саволда фикрлаш даражаси аввалги саволдагига қараганда бошқача юқорирок даражада бўлиши талаб қилинади.

Билим олиш даражасини тасвирлаш учун АҚШ педагоги Бенжамин Блум томонидан 1956 йил эълон қилинган “Таксономия целей обучения” часть 1. “Когнитивная сфера” (Taxonomy of Educational Objectives: Handbook 1: Cognitive Domain) китобида таълим мақсадларини қатъий белгиланган мезонларини ишлаб чиққан. Ундан ўтиладиган дарснинг мақсадини режалаштиришда, аудиторияда амалий иш бажариш ёки назорат иши учун саволлар, тест тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Б. Блумнинг фикрича, билим олиш (когнитив)¹ даражаси маълум иерархия тарзида жойлашиб, ҳар бир босқич аввалгисига қараганда мураккаб ҳамда аввалги босқичларни ҳам ўз ичига олади. Яъни билим ҳар бир янги поғонага кўтарилар экан, албатта, аввалги босқични ҳам такрорлаш лозим бўлади. Улар қуйидагилар:

1. Олинган билимни ёдда сақлаш. Бу эслаш қобилияти ёки дарсда ўтилган, ўқиганларни керак бўлганда эслаб, ёдга тушириш қобилияти. Бунда аввалги дарсларда

¹ лот. cognito – билим маъносида.

ўтилган тушунча, тенденция, умумлаштирилган хулоса кабиларни эслаб ёдга солиш кўзда тутилади. У дарсинг дастлабки мақсади.

2. Тушуниш. Талабаларнинг дарсда эшитганлари, ўқиганлари, кўрганлари маъносини тушуниши. Қонунлар, тенденциялар, тушунчалар, ғоялар маъносини тушуниб, уларнинг ўзгариши нимага олиб келишини кўз ўнгига келтира олиш қобилияти. Лекин тушуниш учун аввал олинган билимни ёдда сақлаш керак.

					Баҳолаш	6
				Синтез		5
			Таҳлил қилиш			4
		Кўллаш				3
	Тушуниш					2
Олинган билимни ёдда сақлаш						1

3. Олинган билимни кўллаш. Ғоя, принцип, концепцияларни янги вазиятларда кўллаш иқтидори. Бунда энг аввало билганларни ёдга тушириб, уни янги вазият билан таққослаш керак.

4. Таҳлил қилиш. Бу воқеаҳодисаларни бўлакларга бўлиш, улар ўртасида мантиқий алоқаларни аниқлашни талаб этади. Таҳлил қилиш (анализ) иқтисодий воқелик, жараёнларни, у ёки бу шаклда индукция ёки дедукция услубини кўллашга таянади. Таҳлил қилиш учун эса олган билимни ёдга тушириш, муаммога тушуниш, уни кўллай билиш керак.

5. Синтез қилиш. Билим олиш ва фикрлашнинг бу босқичида алоҳида таркибий қисмлар ва турли манбалардан олинган ахборотни бир бутун ягона тизимга келтириш қобилияти намоён бўлади. Бунинг учун ёдга тушириш, масалага тушуниш, уни кўллай билиш, таҳлил қила билиш зарур.

6. Баҳолаш. Бу билишнинг юқори босқичи бўлиб, талабанинг қўйилган масалага ўз фикри, нуқтаи назарини билдириш қобилиятини ифода қилади. Бунда у ёки бу муаммони ечишнинг турли йўллари шаклланади. Унинг қайси бири тўғри, самарали, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги баҳоланади. Одатда, баҳолаш мезонларидан фойдаланилади. Бу мезон ўқитувчи томонидан қўйилиши ёки уни талабаларнинг ўзи белгилashi мумкин. Баҳо бериш учун, аввало олган билимни ёдга тушириш, масалани тушуниш, янги вазиятда билганларини кўллай билиш, таҳлил қилиш, синтез қилишни билиш керак. Талабага берилаётган топшириқ, ана шу билишнинг олти босқичидан қайси босқичига тўғри келишини аниқлашда кўлланиладиган асосий даъватлар қуйидаги сўзлар ҳисобланади.

1. Аниқланг, тасвирланг, санаб чиқинг, ёдга тушинг, кўрсатинг.
2. Таққосланг, фарқини кўрсатинг, тушунтиринг, гапириб беринг, мисоллар билан изоҳланг, ўзгартириб, ифода қилинг.
3. Кўлланг, тузинг, намоёни қилинг, фикрни давом эттиринг, чуқурлаштиринг, лойиҳасини тузинг, ишлаб чиқинг, ечинг.
4. Таҳлил қилинг, категорияларга, бўлакларга бўлинг, тасвирланг, фарқини кўрсатинг.
5. Ишлаб чиқинг, тузинг (яратинг), тенденцияни, қонуниятини аниқланг, умумлаштиринг, тавсия қилинг, таърифлаб беринг.
6. Тингланг, ечинг, баҳоланг, муҳокама қилинг.

Билишнинг босқичларига кўра талабанинг фикрлаш доираси, қобилиятини ҳисобга олиб, топшириқ, вазифа бериш керак. Ўқитишнинг турли услубларини кўллашдан асосий

мақсад, талабалар билимини юқори босқичларга олиб чиқишдир. Кейинги бобларда ана шу мақсадга эришиш йўллари ҳақида фикр юритамиз.

Дарс беришнинг мазмуни шу фанда мужассамлашган объектив реаллик билан аниқланади. Методика (услугият) фаннинг ўқув жараёнидаги ҳаракати, ривожланиш шаклидир. Фан билан уни ўқитиш ўртасидаги фарқ шундаки, фан бевосита объектив реаллик бўлиб, унинг ривожланиш қонунларини ифодалаш билан бирга, ўқув предмети сифатида ана шу жараёни бевосита тасвирлайди. Умуман олганда, ўқитиш, илм бериш объектив дунёни билишни шу фан эришган ютуқлар даражасига кўтаради. Фан доимо ривожланиб янги кашфиётлар, билимлар билан бойиб боради. Ўз навбатида, талабаларга билим бериш жараёнида улар онгига ушбу кашфиётлар сингдириб борилади.

Иқтисодий ҳаётнинг янги қирралари, муаммолари уларни ечиш йўллари ўрганиш жараёнида бетўхтов чуқурлашиб боради. Ўқув жараёнида янги методлар қўлланилади, янги ўқув курслари киритилади. Иқтисодий фанлардан дарс беришни маънавий, назарий томондан юқори босқичга кўтариш кўп жиҳатдан таълимтарбия жараёнида қўлланиладиган ўқув шакллари, методлари, талабаларни иқтисодчи олимларнинг ишларини ўрганишлари даражасига ҳам боғлиқ.

Иқтисодий саводхонлик талабаларнинг Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётида юз бераётган воқеликка жамият тараққиёти ва жаҳон миқёсидаги жараёнлар бирлиги нуқтаи назаридан қарашни ўрганишлари билан боғлиқ. Бозор иқтисодиётига ўтишимиз иқтисодий фанларнинг ролини ниҳоятда ошишига олиб келди. Ўз навбатида, бу фанларни ўқитиш замон талабига жавоб бериши зарур. Бунинг учун эса ҳар бир ўқитувчи ўз ишига ижодий ёндашиши, ўз устида тинимсиз ишлаб, изланиши талаб қилинади.

4§. Ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил этувчи субъект

Ўқитувчининг ўз ишига ижодий ёндашуви жамият ҳаётидаги ўзгаришлар, янгиликларни тезда илғай билиши, фан янгиликларини ўрганиб, ўз фаолиятида қўллаши билан ифодаланади. Бунинг учун эса ўқувчи тезкор ахборот билан таъминланиши даркор. Ахборотнинг роли беқиёс ўсган даврда керакли маълумотларсиз иқтисодий ҳодисаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш мумкин эмас.

Ахборот тўплашнинг асосий усуллари қуйидагилар:

- библиография тизими;
- ўқитувчи ва талабалар томонидан тўпланган маълумотларни тизимлаш;
- ўқитувчилар кучи билан янги адабиётларга тақризлар ва шарҳлар ёзиш;
- илмий мунозаралар ташкил қилиш ва илмий докладларни муҳокама қилиш, интернет ахборотидан фойдаланиш ва ҳоказолар.

Лекин шуни ёдда тутиш керак:

1. Аллақачонлар кўпчилик бир фикрга келган масалалар, иборалар бўйича қайтадан мунозара бошламаслик;

2. Меъёрдан чиқмаслик, ҳамма мавзуда албатта мунозарали саволни ўртага ташлаш шарт эмас;

3. У ёки бу муаммо, тушунча ҳақида бошқалар ўз фикрларини айтгач, албатта, муносабат билдириш;

4. Мунозарали саволларни аввало кафедра йиғилишида муҳокама қилиб, бир фикрга келиш, сўнгра талабалар муҳокамасига қўйиш керак.

Шу билан бирга, мураккаб ҳодисажараёнларни асоссиз равишда соддалаштиришга ҳам уринмаслик керак. Ҳар бир масалага бир томонлама ёндашиш ҳам нотўғри хулоса чиқаришга олиб келиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик зарур.

Дарс ўтишда ўқитувчи талабаларнинг қайси гуруҳини мўлжалга олиши керак: билимдонларними, билими ўртачаларними ёки билим доираси пастларними? Бу саволга жавоб бериш учун ҳар қандай дарсда мазмун ва шаклни ҳисобга олиш керак.

Ҳар қандай маъруза мазмунан назарий жиҳатдан юқори даражада, шаклан эса ҳаммага тушунарли бўлиши керак. Маърузанинг ҳаммабоплиги аввало униг шаклига, услубига, қандай аудиторияда ўқилишига боғлиқ. Кўпинча, талабалардан ўқитувчи зерикарли маъруза ўқийди, тушуниб бўлмайди, деган шикоятларни эшитиш мумкин. Тажрибали педагоглар бунинг сабабини дидактиканинг принциплари бузилганида, изчил мантиқнинг йўқлигида, гапларнинг мураккаб тузилишида, яхши мисоллар танланмаганлигида, олдинги маъруза билан боғланиш йўқлигида деб кўрсатишади.

Дарс беришнинг объектив ҳамда субъектив томонлари мавжуд. Унинг объектив томонига фаннинг предмети, шу фаннинг хусусиятлари, мавзунинг мазмуни кирса, субъектив томонига шу фанни ўқитувчи томонидан ўзлаштирилиши киради. Ундан ташқари, методик жиҳатдан тайёргарлик даражаси, индивидуал методик тамойиллар, услублар ва уни ўқувтарбия жараёнида қўллаш ҳам шу муаммога киради.

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва дарс бериш услубини танлаганда мутахассис тайёрлаш билан бирга, ёшларга етуклик, ахлоқан поклик, ватанпарварлик, байналмилалчилик руҳини ҳам сингдириш зарурлигини ёддан чиқармаслик керак.

Ўқитувчининг шахси, психологик сифатлари, назарий ва методик жиҳатдан тайёргарлик даражаси дарс бериш методига катта таъсир кўрсатади. Бир методни қўллаш турли ўқитувчилар дарсида турлича натижа бериши мумкин.

Дарс бериш методларининг самарадорлиги ҳақида фикр юритилар экан, ўқитувчининг шахсий сифатларидан унинг илмийуслубий тайёргарлиги даражасини ажратиб бўлмайди.

Дарс бериш жараён сифатида объектив ва субъектив томонларнинг бирлигидир.

Дарс беришнинг **объектив томонига** ўқитувчига боғлиқ бўлмаган, ўрганилаётган фаннинг мазмуни, дарс ўтиш тамойиллари киради. **Субъектив томонларига эса:**

а) ўқитувчининг шу фанни қандай эгаллагани, билим даражаси;

б) ўқитувчининг услубий тайёргарлиги, методиканинг қонунқоидаларини қўллаш билиш маҳорати;

в) ҳар бир ўқитувчининг таълимтарбия жараёнида у ёки бу услубни қўллашдаги индивидуал хусусиятлари киради.

Дарс беришда педагог субъектив омил сифатида намоён бўлади. Кўп жиҳатдан талабаларнинг ўзлаштирилиши ўқитувчининг дарс ўтишда танлаган методларига боғлиқ.

Ҳар бир ўқитувчи ўз қобилиятини дарс беришда намоён қилиб, маъруза ва нутқида ўзига хос жиҳатларини кўрсатади. Маълум бир мавзунинг ёритишда ўқитувчи ўзи яхши билган ёки ўзининг илмий изланишлари билан боғлиқ бўлган, лекин шу мавзуга тўғридантўғри боғлиқ бўлмаган саволга кўп вақт ажратиб, қолган саволларни кўриб чиқиш учун вақт етмай қолиши мумкин. Бу мавзунинг баён қилишда дидактиканинг изчиллик принципларини бузилишига олиб келади.

Шунинг учун дарс ўтишдаги муҳим вазифалардан бири, бу – субъектив омиллар, албатта, объектив омилларга бўйсиниши, айнан шу фаннинг мазмунини очиб беришга хизмат қилиши керак. Бунда, албатта, тўпланган методик тажриба қўл келади.

Ҳар бир ўқитувчи ўзида **қуйидаги психологик** сифатларни ҳосил қилишга ва ривожлантиришга ҳаракат қилиши керак.

1. Ўқитувчи аудиторияда ўзини эркин тутиши дарс бериш имкониятига ишониши керак.

2. Ўқитувчи **гапириб туриб, ўйлашни** билиши керак. Ўқитувчилик касбининг, меҳнатининг, маҳоратининг ўзига хослиги ҳам шунда. **Дарс беришда фикрлаш, ўйлаш ва гапириш жараёни қўшилиб кетади.** Аввал ўйлаб олиб, кейин гапиришга фурсат бўлмайди.

3. Ўқитувчининг фикрлаши ва шу вақтнинг ўзида уни баён қилиши аудиторияда юз беради. Шунинг учун ўқитувчи унга тикилиб турган кўзлардан кўрқмаслиги зарур. Уларни таъсирдан холи бўлишни ўрганиши, билиши керак. Шу билан бирга, ўқитувчи

аудиториядаги талабалар билан ўзаро боғлиқликни йўқотмасликни ҳам ўзида тарбиялаши шарт.

4. Ўқитувчи аудиторияда ўтирган талабаларнинг муносабатини, улардаги ўзгаришни тўғри аниқлаши учун кузатувчилик қобилиятига ҳам эга бўлиши керак. Аудиторияни психологик ҳолатини (сукунат, шовқин ва ҳоказолар) тез илғаши зарур.

Ўқитувчи бир психологик ҳолатдан бошқа ҳолатга осон ўта олиши керак. Ўқитувчининг ишончли далиллари, илмий, асосли мулоҳазалари, унинг фикрларини талабаларга таъсирини бир неча марта оширади. Ўзига ишончи эса кенг доирадаги билими, ўз фикрини илмий асослаб бера олиш қобилиятига эга бўлишда шаклланади.

Ўқитувчи келтирган мисолларида талабаларга меҳнатга, жамиятга, ўртоқларига, жамоага қандай муносабатда бўлиш зарурлигини англатиши керак. Талабаларга таъсир кўрсатиш учун, албатта, ўқитувчи улар ўртасида ҳурматга эга бўлиши керак.

Ўқитувчи (ораторлик) маъруза ўқиш қобилиятига эга бўлиши керак. Ўқитувчида талабаларни ўз фикрига маҳлиё қилиш, ўзини қандай тутишни билиш қобилияти бўлса, у ҳақиқий талант соҳибидир. Буюк файласуф, «биринчи муаллим» Аристотел ҳар бир сўзни қандай айтишни аввал соатлаб ойнага қараб, машқ қилган экан.

Ўқитувчининг бутун фаолиятида самимийлик, ўзига ишонч муҳим аҳамиятга эга. Ўқувтарбия фаолиятида қўлланиладиган методлар ўқитувчи билан талаба ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга қаратилган. Бу ўқитувчи билан талаба ўртасида ишчанлик муҳитини яратишда ўз ифодасини топади. Бунда талабанинг фикри ўқитувчи билан бирга кечиши ёки озгина орқада қолиши ёки озгина олдинга ўтиб кетиши мумкин.

Ўқитувчи аудиторияни кўриши, ҳис қилиши, у билан бирга ишлаши керак. Талаба ҳам, ўз навбатида, ўқитувчи уни кўриб, нима қилаётганини билиб туришини ҳис қилиши керак.

Ўқитувчи дарсни зерикарли бўлмаслигига ҳаракат қилиши, ўз маърузасига талаба кўзи билан ҳам қараши лозим. Ана шунда ўзини камчиликлари, дарс ўтишда қўллаётган услуби тўғри ёки тўғри эмаслигини тез илғаб олади. Ўз ишига ижодий ёндашиш, ундан ташқари талабалар ҳаётини яхши билиш, талабаларни қизиқтирадиган масалаларни ечишга ёрдам беради.

Бир сўз билан айтганда, методика ўқитувчи учун чуқур, қизиқарли, тушунарли тарзда билим бериш асосидир.

5§. Таълим тизимида ўқитишнинг асосий шакллари

Ҳозирги пайтда талабаларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, уларда мустақил танлаш ва қарор қабул қилиш кўникмасини ҳосил қилиш объектив заруриятга айланди.

Маълумки, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, ўз навбатида, ишчи малакаси, маҳоратининг юқори бўлиши, меҳнат бозори талабига мослашувчан, ўз малакасини оширишга интилувчан бўлишни талаб этади. Шунинг учун ўқувчиталабаларга ҳам мустақил изланиш, фикрлаш, турли қарашларни таққослаш, таҳлил қилиш, хулоса чиқаришни ўргатиш лозим бўлади. Буни ўргатиш, энг аввало, таълим жараёнида амалга оширилади.

Таълим тизими, ўқитишнинг шакл ва методлари мажмуи ўқув жараёнининг объектив қонуниятлари билан белгиланадиган ягона дидактик комплексни ташкил этади. Психологик нуқтаи назардан қараганда инсоннинг билим эгаллаш жараёни сезиш, идрок, хотира ва тафаккур туфайли кечади. Сезиш ва идрок билимнинг дастлабки, энг оддий босқичи ҳисобланади. Сезиш орқали ташқи дунё таассуротлари, хусусиятлари бош мияга алоҳидаалоҳида ахборот тарзида берилиб акс этади. Идрокда ана шу таассуротларнинг яхлит образи ҳосил бўлади.

Демак, идрок сезишга нисбатан мураккаб босқич. Унга одамнинг ёши, билими, ҳаётий тажрибаси, нутқи, идрок объектига муносабати, руҳий ҳолати ва бошқалар таъсир

этади. Сезги ва идрок асосида одамнинг ички дунёси шаклланиб боради. Хотира идрок этилган таассуротларни бош мияда сақланиб қолиши, кейинчалик қайта тикланиши ҳисобланади.

Инсоннинг эса сақлаб қолиши туфайли унга қараганда ҳам мураккаб жараён тафаккур шаклланади. Тафаккур деганда шахснинг маълум муаммо хақида ўйлаши, фикр юритиши тушунилади. Тафаккур кенг ва чуқур билимга асосланади. Инсонда ўйлаш, фикр юритиш маълум бир муаммо пайдо бўлганда, объектив зарурат туфайли содир бўлади. Ўқувчиталабаларни билим олиш, теран фикрлашга ўргатиш эса таълим жараёнида амалга оширилади.

Ўқув юртларида ўқувчиталабаларга таълим бериш жараёнида реал ҳаётда синаб кўрилган ҳамда ўзини оқлаган ўқитиш шакллари: маъруза, семинар, маслаҳат, амалиёт дарслари, лаборатория ишлари, ўқув ва ишлаб чиқариш практикаси, курс иши ва битирув малака иши, аудиториядан ташқари мустақил ишлар, жорий, оралик, якуний баҳолаш, давлат аттестация комиссияси имтиҳони, турли конкурслар, олимпиадалар ва бошқа шаклларида ҳамда турли методларидан фойдаланилади.

Таълим бериш жараёнида ўқитишнинг асосий шакллари: аудиторияда ва аудиториядан ташқарида машғулот ўтказишга бўлинади.

Аудиторияда ўқишга маъруза, семинар дарслари, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, маслаҳат дарси, жорий, оралик, якуний баҳолаш, давлат аттестация комиссиясининг якуний баҳолаши кирса, аудиториядан ташқари ўқишга сайёр дарслар, ўқув анжуманлари, илмийамалий конференциялар, давра суҳбатлари, ўқув ишлаб чиқариш амалиёти, курс иши, битирув малакавий иши, аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишлар киради.

Санаб ўтилган ўқувтарбия шаклларида ҳеч бири универсал эмас. Бири иккинчисининг ўрнини боса олмайди. Шу билан бирга, улар бир бирига боғлиқ, бири иккинчисини мантикий кетма – кетлигини тақозо этади.

Таълим–тарбия беришнинг бир шакли албатта, иккинчисига таъсир кўрсатади. Масалан, маъруза ўқиш, унда муайян методни қўллаш семинар ўтказиш савиясига катта таъсир кўрсатади ва ҳоказо.

Дарс ўтишнинг шакл ва методлари ўртасидаги нисбат ўзгариб туради. Юқори курсларда семинар дарсларининг ва мустақил ишларнинг роли ортади. Ўқув машғулотларининг барча турлари талабаларни, билишнинг энг юқори босқичи баҳолаш даражасигача кўтарилишини таъминлашдир.

Ўқув жараёни ўзаро боғланган, бири иккинчисини тақозо этувчи икки фаолиятни камраб олади ва таълим унга таянади:

- 1) Ўқув жараёнини бошқариш ва ташкил этиш бўйича ўқитувчиларнинг фаолияти;
- 2) Талабаларнинг ўқув ва билим олиш фаолияти.

Таълим (дарс) жараёни – таълим берувчи ва таълим олувчининг дарсга қўйилган мақсадни амалга ошириш борасида аввалдан кўзланган натижага эришишга қаратилган фаолият жараёнидир (жараён лотинча *processiv* олдинга ҳаракатланиш, ўзгариш маъносини ифодалайди).

Ўқувчиталабаларнинг фани ўрганишларида назарий ва амалий дарслар билан бир қаторда маслаҳат дарслари ҳам муҳим ўрин тутати. Ўқув жараёнини ташкил қилишда, айниқса, семинар, амалиёт дарсларини кўнгилдагидек ўтишини таъминлашда маслаҳат дарсларининг ўз ўрни бор.

Маслаҳат дарслари гуруҳий ва индивидуал тарзда ўтказилиши мумкин. Гуруҳий маслаҳат дарсларини семестр якунида ёки мураккаб мавзунини муҳокама қилишда ўтказиш ёки гуруҳнинг талаби билан, айтайлик, янги ўқув адабиётини ўрганиш, мунозарали муаммоларни ҳал этиш учун ташкил этиш мумкин.

Маслаҳат дарсининг асосий қисми индивидуал тарзда ўтказилиб, у ихтиёрий равишда ташкил этилади. Талабалар қаерда маслаҳат дарсидан зарур ёрдам олсалар, ўша ерда маслаҳат дарсига бажонидил қатнашишади. Айнан маслаҳат дарсларида талабалар

адабиётларни конспект қилиш, мустақил ўқишни ташкил этиш масалалари бўйича ҳамда ўзлари учун қийин бўлган бошқа саволларга жавоб олишади. Ўқитувчи маслаҳат дарсида фақат талабанинг саволига жавоб бериш билангина қаноатланиб қолмай, балки қолоқ талабалар билан ишлашга эътибор қаратиши лозим. Маслаҳат дарси қаерда, қачон, қандай мавзуда ўтишини талабаларга етказиш керак.

Индивидуал маслаҳат дарси ўқитувчининг ўқувчи, талабани яқиндан билишига, унинг ички дунёси, психологик хусусиятларини тўлароқ ҳис қилишига ёрдам беради. Унда ўқувчигалаба фақатгина ахборотга эга бўлиб қолмай, фан бўйича ҳар томонлама маслаҳат олади. Шунинг учун ҳам фанни чуқур ўзлаштиришга, изланишга, унинг қизиқишини кенгайтиришга ёрдам беради.

Талабаларни амалиёт билан яқиндан танишишида сайёр дарсларнинг роли катта. Бундай дарс ўрганилаётган соҳа бўйича корхона, ташкилот, муассасаларда ўтказилади. У ерда ишлаётган мутахассислар ўқувчи талабаларни иш жараёни билан таништириб, дарс ўтадилар. Натижада, талабалар амалиёт билан яқиндан танишадилар.

Электрон дарсликлар яратилиши билан ҳаётга масофадан ўқитиш кириб келди. Унинг ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари бор. Ўқитишнинг бундай шакли қандай ривожланишини келажак кўрсатади.

Асосий тушунчалар ва атамалар:

Методика, педагогика, метод, методларга ёндашиш, репродуктив фаолиятни таъминловчи метод, продуктив фаолиятни таъминловчи метод, дидактика, дидактика принциплари(тамойиллари), дидактик саккиз бурчак, билишнинг (когнитив) даражаси, дарс ўтиш принциплари(тамойиллари), ўқитиш шакллари, маслаҳат дарслари.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар:

1. Махсус фанларни ўқитиш методикаси фани нимани ўргнади? Фаннинг мақсади ва вазифаларини кўрсатинг. Иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси қандай ўрин тутди?

2. Методика деганда нимани тушунамиз? Методларнинг объектив ва субъектив жиҳатларини таърифланг.

3. Методларга турли жиҳатдан ёндашиш нуқтаи назаридан уларни қандай гуруҳларга бўлиш мумкин?

4. Дидактиканинг асосий принциплари (тамойиллари) нималар? Дидактик саккизбурчак нимани ифодалайди? Нега олти ёки еттибурчак эмас?

5. Назарий жиҳатдан билим олишнинг қадамбақадам модели нималарни ўз ичига олади? Иккита савол ва унга жавоблар асосида ана шу моделни ифодалашни кўрсатадиган тест тузинг ва уни изоҳланг.

6. Ўқитиш жараёнининг объектив ва субъектив жиҳатларини кўрсатинг.

7. Дарс жараёнида ўқитувчининг роли, ўрта махсус ва олий мактаб ўқитувчиларига қўйиладиган талабларни гапириб беринг. Сизнингча, ўқитувчига яна қандай талаблар қўйилиши керак?

8. Ўқитишнинг асосий шакллари ва уларнинг фарқини кўрсатинг.

II боб. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДАРС ЎТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

1§. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайтадан кўриб чиқишни тақозо этди.

Айниқса, кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий–техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқувуслubbий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг мавжуд эмаслиги ва бошқа жиддий камчиликлар мавжуд эди.

Таълимтарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бирбири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълимтарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас эди. Амалдаги таълим тизими замонавий тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмади.

Мутахассислар тайёрлаш, таълимтарбия тизими жамиятда бўлаётган ислохот, янгилаш жараёнлари талаблари билан боғланмаган. Мактабгача таълим ва тарбия аҳволи қониқарсиз. Мактабгача тарбия ҳам жиддий ислохотлар талаб қиларди. Мактабларда ва бошқа ўқув юртларида таълим жараёнининг ўзидаги ва ўқитиш услubbиятидаги ҳар хил камчиликлар оқибатида билим беришда юзага келган нодемократик ҳамда жамият учун зарарли муҳит шунга олиб келдики, ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қолди. Оқилона ҳаётий ечимлар қабул қилиш учун етарли тайёргарлик бўлмади. Натижада, 911 синфларни тамомлаган ёшлар мустақил ҳаётда ўз ўринларини аниқлай олмади. Чунки уларда ўзларига ишонч шаклланмаган эди.

Таълим тизимида, мавжуд умумтаълим ва касбхунар дастурлари ўртасида узвийлик ва ворисийликнинг йўқлиги ҳам ўрта мактаб битирувчиларида касбга иштиёқ ва меҳнат фаолиятига тайёргарлик даражасига салбий таъсир этди. Натижада, йигит ва қизлар ўз қобилиятлари, истаклари, ижодий имкониятлари ва қобилиятларига, мойилликларига монанд ҳаёт йўлини танлашда қатор қийинчиликларга дуч келдилар.

Ўқув жараёни, одатда, билим даражаси ўртача бўлган ўқувчиларга мўлжалланади. Шу боис таълимнинг иқтидорли ёшлар билан яқка тартибдаги ўқув дастурлари бўйича ишлаши каби механизмларидан яхши фойдаланилмади. Хунартехника билим юртларидан янги типдаги таълим муассасаларига ўтиш кўпроқ оғизда бўлиб, амалда эса уларда таълим эскириб қолган моддий техника ва ўқувуслubbий базада, тегишли қайта тайёргарликдан ўтмаган ўқитувчи кадрлар билан амалга оширилди.

Касбхунар таълимининг обрўси ҳамда ўқитувчилар, тарбиячилар ва мураббийларнинг, илмий ва илмий педагог кадрларнинг ижтимоий мақоми пасайиб борди. Ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисмининг яхши тайёргарлик кўрмаслиги, билими саёзлиги ва касб савияси пастлиги туфайли тайёрланаётган кадрларнинг малакаси паст даражада қолди. Республикамизда илмий ва илмий педагог кадрларнинг ўртача ёшлари улғайиб борди.

Кўнгилдагидек билимдон, мутахассис кадрлар тайёрлаш, инсон салоҳиятини юзага чиқариш ҳар жихатдан устозларга уларни ўқитиш жараёнини ташкил этишларига боғлиқ. Таълим тизими кадрларнинг миқдори ва малакаси, мутахассислиги жихатидан бозор талабларига тезда мослаша оладиган бўлиши зарур. Тизимдаги қатор камчиликлар, замон талабларини ҳисобга олган ҳолда республикамизда кадрлар тайёрлашнинг мутлоқ янгича тизимини барпо қилишга киришилди.

Таълим тизимини ислох қилиш, ўқувчиларни касбга йўллаш ва таълимнинг амалий йўналтирилганлигини етарли босқичга кўтариш ёшларда мустақил фикр юритиш, меҳнат фаолияти кўникмаларини ёрқинроқ шаклланишига ёрдам беради.

Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни эски мафкуравий қарашлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш мақсадида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.

Бу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги қатор вазифаларни амалга оширишни талаб қилиши белгилаб қўйилди:

– “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тизимни ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида тизимни ягона ўқув – илмий – ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

– таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиш жараёнига мослаш;

– кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

– кадрлар тайёрлаш тизими мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;

– таълим оловчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатидан тарбиялаш ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

– таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатида баҳо беришнинг ҳолис тизимини жорий қилиш;

– янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишнинг кафолатларини устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

– таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек, нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

– узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестицияларини жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

– кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ўзига хос узлуксиз таълимнинг ўзбек модели сифатида вужудга келди.

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади
(1997 йил 29 августда қабул қилинган)**



Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун ҳал этилиши лозим бўлган вазифалардан бири янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва

сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишнинг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий техника ва ахборот базасини яратишдир. Шундай экан, таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини таъминламай туриб, ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи малакали кадрлар тайёрлаш мумкин эмас.

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини уч босқичда амалга ошириш кўзда тутилган. Биринчи босқичда (19972001) асосан янги узлуксиз таълим тизими учун меъёрий асослар яратиш ишлари амалга оширилди.

Биринчи босқичда мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий илмий-услубий, молиявий-моддий шартшароитлар яратиш кўзда тутилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг иккинчи босқичи(20012005)да таълим сифатини таъминлашга эътибор қаратилди.

Иккинчи босқичда Миллий дастурни тўла рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш мўлжалланди.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) – тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели марказида ўқувчи, талаба, малакасини оширувчи – хуллас «бир сўз билан айтганда» шахс туради. У кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти. Таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси, шу билан бирга, уларни амалга оширувчи ҳамдир.

Давлат ва жамият – эса таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини тартибга солади ва назорат қилишни амалга оширади. Шу билан бирга кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафили сифатида ҳам асосий роль ўйнайдилар. Модел *узлуксиз таълимни* амалга ошириш билан ажралиб туради.

Узлуксиз таълим малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади. Миллий моделда фанга, унинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда алоҳида ўрин берилади. *Фан* – юқори малакали, мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи илғор педагогик ва ахборот технологияларни ишлаб чиқади. Кадрлар тайёрлаш тизимига илмфаннинг узвий равишда кириб бориши назарда тутилади.

Кадрлар тайёрлашнинг пировард натижаси, бу ишлаб чиқариш (товар ва хизматлар) учун зарур малакали мутахассислар тайёрлашдир.

Ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси сифатида иштирок этади.

Бир босқичли олий таълим меҳнат бозори эҳтиёжларини, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларни ва илғор халқаро тажрибани тўлиқ ҳажмда ҳисобга ололмади. Илғор мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, уни икки босқич: бакалаврият ва магистратура босқичларига бўлинди. Ҳозирги пайтда дастурнинг икки босқичи яқунланиб, учинчи босқич вазифалари амалга оширилмоқда. Таълим тизимини ислоҳ қилиш давом этмоқда. Дастлабки муваффақиятларга эришилди. Шунга қарамай, умумтаълим мактабларидаги мавжуд камчиликлар жиддийлиги, айниқса, умумтаълим мактабларининг моддий базаси мутлақо талабга жавоб бермаслиги, камчиликларни тезроқ бартараф қилишни талаб этиши уларга алоҳида диққат қаратишни зарур қилиб қўйди. Президентимиз, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига

бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам алоҳида таъкидлаб, мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масаласини жиддий муаммо бўлиб тургани. Ўқитувчиларнинг 30 фоиздан кўпроғи олий маълумотга эга эмаслигини кўрсатди.

«Барчамиз шуни ёдда тутишимиз керакки, мактабни битирган фарзандларимиз эртага янги турдаги ўқув масканлари ва коллежларига ҳар тарафлама пухта билим ва тайёргарлик билан келишлари зарур»¹

Бу ердаги камчиликларни ҳисобга олиб, умумтаълим мактаблари тизимини ривожлантириш масаласини алоҳида кўриб чиқиш ва махсус дастур тайёрлаш топширилди. 2004 йил 22 май куни матбуотда «20042009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

Шундай қилиб, Миллий дастурни амалга ошириш таълим тизимидаги махсус дастур билан янада тўлдирилди, ривожлантирилди.

2§. Академик лицей ва касбхунар коллежлари узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми


Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълимтарбия соҳасидаги кенг кўламли ишлар таълим тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ.

Янги таълим тизимининг эскисидан фарқи, унинг узлуксизлигидир. Яна бир кўзланган мақсад ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллашига эришишдир. Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоийиқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий–техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир. Айнан узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахснинг шаклланиши юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун зарур шартшароитлар яратади.

Узлуксиз таълим давлат таълим стандартларига мувофиқ турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касбхунар таълими узлуксиз таълим тизимида мустақил тур ҳисобланади. Ўрта махсус, касбхунар таълими йўналиши академик лицей ёки касбхунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ, ўрта махсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишни таъминлайди.



¹ Каримов И. А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш - асосий вазифаларимиз. // Халқ сўзи, 2004 й, 10 февраль, №28.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касбхунар кўникмаларига эга бўладилар. Бу кўникмаларни олий ўқув юртлирида давом эттиришлари ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Касбхунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус касбхунар таълими беради, ўқувчиларнинг касбхунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касбхунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касбхунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлик, ўқув жараёнини ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касбхунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

Академик лицейлар ва касбхунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлайди. Академик лицейлар ва касбхунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касбхунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланишича, ўрта махсус, касбхунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

- академик лицейлар ва касбхунар коллежлари фаолиятнинг норматив базаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан, чет элларда тайёрлашни ташкил этиш;
- ўрта махсус, касбхунар таълимлари ўқув муассасалари учун таълим ва касбхунар дастурлари, ўқув услубига мажмуалар ишлаб чиқиш;
- академик лицейларининг ўқувчилари меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- касбхунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касбхунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;
- ҳудудларнинг жўғрофий ва демографик шартшароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касбхунар таълим тизими муассасаларининг ташкил этилишини ва улар оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;
- академик лицейлар ва касбхунар коллежларининг моддийтехника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингандан кейин узлуксиз таълим турларининг энг асосий ўрта бўғини бўлмиш ЎМКХТ (ўртамахсус касбхунар таълим) бизнинг кадрлар тайёрлаш миллий моделимиз бошқа мамлакатларнинг таълим тизими билан ўхшаш эмаслигини кўрсатди. Бунда, айниқса, узлуксиз таълимдаги муҳим бўғин 3 йиллик мажбурий ЎМКХТ қандай бўлиши керак, унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат, уни ташкил этиш ва бошқариш механизмлари қандай бўлиши керак, битирувчиларга қандай намунадаги ҳужжатлар берилиши лозим, академик лицей ва касбхунар коллежлари қандай ҳужжатлар асосида фаолият кўрсатишлари зарур деган саволлар юзага келади.

Президентимиз И. Каримов ҳам Миллий дастурни амалга оширишдаги энг оғир, энг мураккаб ва энг нозик масала 3 йиллик таълим муассасаларини ташкил этиш ва бу

поғонада болаларимизга билим бериш ва касбхунар ўргатиш муаммоларидир деб, кўп марта таъкидлаган.

Юқоридаги саволларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус касбхунар таълимини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва шу Қарор асосида тасдиқланган “Ўрта махсус, касбхунар таълими тўғрисида”ги Низом ойдинлик киритди.

Бу Низомга асосан касбхунар бўйича чуқурлаштирилган, табақалаштирилган таълим бериш ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиши ва уларнинг ўз қобилиятлари ва мойилликларига мувофиқ танланган касбхунар бўйича мутахассисликларни эгаллашини таъминлаш ўрта махсус, касбхунар таълимининг мақсади ҳисобланади. Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати 3 йиллик мажбурий таълим тури бўлиб, унинг йўналиши академик лицей ёки касбхунар коллежи ўқувчилари томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстириш, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касбхунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган ўрта махсус ўқув юртидир. 9 йил давомида мактабларда ўқувчилар умумий таянч маълумот олган бўлсалар, эндиликда улар ўзи танлаган йўналиш бўйича билим олиш ва олий ўқув юртига кириш учун мақсадга йўналтирилган фанларни мукамал ўрганиши билан махсус билим олиш имкониятига эга бўладилар.

Касбхунар коллежи ўқувчиларнинг касбхунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танлаган касблари бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган ўрта махсус, касбхунар ўқув юрти. Унда ўқувчиларга ўзлари танлаган касбхунар йўналишлари бўйича махсус билим берилади ва касбхунар ўргатилади. Улар замонавий жиҳозланганлиги, ўқитувчипедагоглар савияси, ўқиш жараёнини ташкил этилиши ва талабаларга камида 23 замонавий касбхунар бера олиши билан олдинги касбхунар мактабларидан тубдан фарқ қилади.

Таълим соҳасидаги ислохотлар туфайли таълим тизими таркиби ўзгариб борди. Уни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўрса бўлади.

Таълим тизими ривожланишининг асосий кўрсаткичлари¹.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2000/2001 й.	2002/2003 й.	2003/2004 й.	2004/2005 й.
ЯИМнинг таълимга ажратилган давлат харажатлари	%	6,7	6,8	6,8	7,0
Умум таълим мактаблари	Сони	9788	9729	9834	9835
Ундаги ўқувчилар сони	Минг киши	6076,4	6329,1	6263,1	6151,4
9синф битирувчилари	Минг киши	...	600,1	600,7	578,1
11 синф битирувчилари	Минг киши	...	44,6	281,5	303,8
Академик лицейлар					
Жами лицейлар	Сони	47	51	54	65
Ундаги ўқувчилар сони	Минг киши	17,5	20,5	20,6	30,5
Қабул қилиш	Минг киши	10,6	9,3	10,3	13,4
Битирганлар сони	Минг киши	...	4,4	2,6	7,0
Касбхунар коллежлари					
Жами коллежлар	Сони	303	414	533	827
Ундаги ўқувчилар сони	Минг киши	130,0	366,9	531,6	757,6

¹ Ўзбекистон иқтисодиёти 2002. Т.: 2003. 78-бет.

Основные показатели развития народного образования и подготовки кадров за 2004 год. Статистический бюллетень. Ташкент: 2005, стр. 3.

Қабул қилиш	Минг киши	77,3	184,1	145,9	310,1
Битирганлар сони	Минг киши	...	24,4	26,4	194,7
Олий ўқув юртлари					
Жами ўқув юртлари	Сони	61	62	62	63
Ундаги талабалар сони	Минг киши	195,8	232,3	254,4	263,6
Қабул қилиш	Минг киши	44,7	54,2	60,0	59,3
Битирганлар сони	Минг киши	...	39,8	45,5	52,8

Изоҳ: Ҳар бир ўқув юрти бўйича битирганлар сони мувофиқ равишда 2002, 2003, 2004 йиллар бўйича кўрсатилган.

Жадвал маълумотларига қараганда республикада умумтаълим мактаблари ва ўқувчилар сони унчалик ўзгармагани ҳолда кейинги йилларда 11синф битирувчилари 2000 2001 йилларга нисбатан анча кўпайгани сезилади. Академик лицей ва айниқса, касбхунар коллежлари ва уларда ўқиётганларнинг сони ортиб бораётганини қувончлидир.

2000/2001 ўқув йилида Ўзбекистонда барча олий таълимгача бўлган (биринчи синфдан бошлаб) билим масканлари ўқувчиларининг 0,15 фоизини академик лицей ва 0,9 фоизини касбхунар коллежлари ўқувчилари ташкил этган бўлса, 2002/2005 ўқув йилига келиб, мувофиқ равишда 0,5 фоизини ва 10,9 фоизини ташкил этди. Ёки 2004/2005 ўқув йилида 2000/2001 йилга нисбатан академик лицей ўқувчилари 3 марта, касбхунар коллежи ўқувчилари 12,7 мартадан ортиқ кўпайди. Бу рақамлар академик лицей ва касбхунар коллежларининг таълим тизимидаги салмоғи борган сари ортиб, қамрови кенгайиб бораётганини кўрсатади. Агар 9 синфдан кейинги ўқувчилар таркибини олсак, уларнинг асосий қисмини академик лицей ва касбхунар коллежлари ўқувчилари ташкил қилаётганини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган академик лицейлар сони 1,6 мартага, касбхунар коллежлари эса 3,4 мартага ортди. Демак, ана шу йиллар давомида республикада 25 академик лицей ва 586 касбхунар коллежи қурилиб, ишга туширилди ёки тубдан реконструкция ишлари амалга оширилди.

Шу йиллар давомида олий ўқув юртлари сони 2 тага кўпайиб, 63 тага етди. Улардаги талабалар сони 143,8 фоизга кўпайди.

Касбхунар коллежларининг ихтисослашуви бўйича таркиби¹

(2004/2005 ўқув йили, фоиз ҳисобида)

	Ўқув даргоҳлари		Ўқувчилар		Жумладан қизлар,
	сони	жамига нисбатан фоиз ҳисобида	сони	жамига нисбатан фоиз ҳисобида	жамига нисбатан фоиз ҳисобида
Ҳаммаси	827	100,0	757562	100,0	47,3
Жумладан, соҳалар бўйича:					
1. Саноат	140	16,9	119649	15,8	35,6
2. Қурилиш	73	8,8	50133	6,6	35,6
3. Транспорт	31	3,7	33920	4,5	16,6
4. Алоқа	21	2,5	23962	3,0	33,6

¹ Манба: Основные показатели развития народного образования и подготовки кадров за 2004 год. Статистический бюллетень. Ташкент, 2005, стр. 54 (Маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган)

5. Қишлоқ хўжалиги	203	24,5	140783	18,6	28,7
6. Иқтисод	102	12,3	87300	11,5	41,1
7. Хуқуқ	2	0,2	5946	0,8	34,8
8. Соғлиқни сақлаш	57	6,9	112943	14,9	83,5
9. Жисмоний тарбия ва спорт	12	1,4	5576	0,7	13,5
10. Маориф	49	5,9	91447	12,1	80,5
11. Хизмат кўрсатиш	102	12,5	66159	8,7	42,6
12. Санъат ва кинематография	35	4,2	19744	2,6	45,4

Жадвал маълумотларига назар солсак, ҳозирги пайтда республикамызда 827 касбхунар коллежлари бўлиб, улардан 203 таси қишлоқ хўжалиги, 140 таси саноат, 102 таси иқтисод, 102 таси хизмат кўрсатиш, 73 таси қурилиш, 57 та си соғлиқни сақлаш, 49 таси маориф йўналишлари бўйича ёшларимизга билим, малака бермоқдалар. Уларда ўқиётганлар, барча ўқувчиларнинг асосий қисмини ташкил қилади.

Ўрта махсус, касбхунар таълими муассасалари ҳудудларнинг демографик ва географик шароитларини, тегишли муассасаларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни амалиётдан узоқлаштирмасдан «имкони борича кўпроқ қамраб олиш чораларидан келиб чиқиб» ташкил этилади.

Ҳозирги пайтда, касбхунар таълими соҳасида 50,8 минг педагог ва муҳандиспедагоглар фаолият кўрсатишяпти. Улардан 45,6 минги олий маълумотга эга. 2010 йилга келиб, соҳада жами 167 минг педагог ва муҳандиспедагоглар ишлаши назарда тутилган. Олий ўқув юртларида эса тўла ставкада 20 мингдан ортиқ профессорўқитувчилар дарс беришмоқда. Улардан 1470 таси фан доктори, 7113 таси фан кандидати, 1232 киши профессор, 4885 киши доцент лавозимида ишлайди.

Ҳозирги пайтда иқтисодий ривожланиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, асосий вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Бу вазифани тайёрлаган мутахассис кадрларимиз, айниқса, касбхунар таълими битирувчилари амалга оширишади.

Ўрта махсус касбхунар таълимини ривожлантиришда қатор ютуқларга эришилгани билан бир қаторда камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтишимиз зарур. Бу, энг аввало, республикамыз иқтисодиётида барқарор равишда 1520 минг бўш ишчи ўрни жой бўлиш тенденцияси кузатилишида ифодаланади.

Иккинчидан, саноатга юқори малакали, асосан IV ва ундан юқори разрядли ишчилар керак. Меҳнат бозорини эса, асосан, 23 разрядга эга бўлган коллеж битирувчилари тўлдираяпти.

Учинчидан, ҳозирги пайтда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда, кичик мутахассислар тайёрлашда буни ҳисобга олиш керак.

Тўртинчидан, фантехника тараққиёти, кўп тармоқларда ишчи кучига бўлган талабни қисқартиради. Мутахассислар тайёрлаётганда буни ҳам ҳисобга олиш керак. Янги техника, технология унча тез суръатлар билан жорий қилинмайдиган тармоқлар учун кўпроқ, тез ўзгарадиган соҳаларга нисбатан камроқ мутахассислар тайёрлаш керак.

Шунинг учун академик лицей, касбхунар коллежлари меҳнат бозорида ўзлари маркетинг тадқиқотлари олиб боришлари, унга асосланган ҳолда мутахассис тайёрлашга ҳаракат қилишлари керак.

3§. Кадрлар тайёрлаш ва дарс бериш мазмунини ўзгартириш – давр талаби

Фантехника тараққиётининг илғор натижаларини қўллаш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, юқори самарали техникатехнологиялардан фойдаланиш меҳнат омилига янги талаблар қўймоқда.

Ҳозирги кунда унинг миқдор ва сифат жиҳатлари ўртасидаги нисбат кескин ўзгариб бормоқда. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқаро меҳнат тақсимоотида муносиб ўрин эгаллаш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш муаммолари кўп жиҳатдан ишчининг билими, малакаси, вазиятга қараб иш тута олишига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

1998 йили ЮНЕСКО ташкилотчилигида «XXI асрда олий таълим: ёндашувлар ва амалий тадбирлар» деган мавзуда ўтказилган жаҳон анжумани декларацияси янги асрда олий таълимга бўлган талаб мисли кўрилмаган даражада ўсиб бориши, яъни ёш авлод янги билим, ғоя ва кўникмаларни эгаллаши, ижтимоий, маданий ва иқтисодий тараққиётда унинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кенгроқ англашга интилишининг кучайишини таъкидлаган эди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, XXI аср таълим олишнинг ўзига хос даври бўлиши кутилмоқда, чунки эндиликда таълим ахборотлар оқими кучайган шароитда амалга оширилади. Бу жараёндан албатта касбий таълим ҳам четда қолмайди.

Мустақиллик, бозор иқтисодиётига ўтишимиз мамлакатимиздаги барча соҳалар каби таълим соҳасини ҳам ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқарди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўрсатилгандек, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва қатор чора-тадбирлар кўришни: «Таълим тўғрисида»ги қонунни жорий этиш, янги ўқув режалари, дастурлари, дарсликларини тайёрлаш, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқиш, ўқув юртларини аттестациядан ўтказишни ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни тақозо этди.¹

Дастурда таъкидланганидек, кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқувуслугий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларининг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги ва бошқалар кадрлар тайёрлашдаги муҳим камчиликлар эди. Мамлакатимизда таълим тизимида қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, у ўз навбатида замон талабларига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлашга тўсқинлик қила бошлади. Уларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг камчиликлар ва муаммолар қисмида кўрсатиб ўтилган.

Таълимни меҳнат бозори эҳтиёжларини, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларни, жаҳондаги илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш зарурати вужудга келди. Бундан ташқари илмий муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий институтларни кадрлар тайёрлаш жараёнига етарли даражада қўшилмаганлари ҳам мамлакатимизда кадрлар тайёрлашни замон талабига жавоб бермаслигига олиб келди.

Республикада илмий ва илмий педагог кадрларнинг ўртача ёшлари улғайиб борди. Олий ўқув юртларида 40 ёшга тўлмаган фан докторлари 2000 йили жами фан докторларининг 0.9 фоизини, 50 ва ундан катта ёшдагилари эса 79 фоизини ташкил этади. Фан докторлари илмий даражасига тасдиқланганлардан ўртача 50 нафар фан номзоди 36 ёшда бўлган. Ҳозиргача ҳам бу соҳада катта ўзгаришлар бўлгани йўқ.

Кўнгилдагидек билимдон мутахассис кадрларни тайёрлаш инсон салоҳиятини юзага чиқариш уларни ҳар жиҳатдан билимдонлик билан ўқитиш жараёнини ташкил этишга боғлиқ.

Шундай қилиб:

1. Маълум сабабларга кўра, жаҳон ҳамжамияти тараққиётида ортда қолган жамиятимиз, тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш учун, аҳоли таълимини

¹. Олий таълим Меъёрий ҳужжатлар тўплами. “Шарқ”. Тошкент.2001, 20-бет.

жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш учун энг илғор педагогик тадбирлардан фойдаланиш зарурлиги.

2. Анъанавий ўқитиш тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли “ахборотли ўқитиш” сифатида тавсифланиб, ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб қолганлиги.

3. Фантехника тараққиётининг ўта ривожланганлик натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги.

4. Кишилиқ жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ яқунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги.

5. Ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилиши.

6. Талабаларни индивидуал хусусиятлари, ахборотни қайта тиклаш қобилияти ва бошқа хислатларини рангбаранглиги замон талабига мувофиқ кадрлар тайёрлаш учун замонавий таълим усулларини қўллашни талаб қилади.

4§. Олий таълим муассасаларида, академик лицей ва касбхунар коллежларида дарс ўтишнинг хусусиятлари

Ҳозирги даврда фантехника тараққиётининг ўта ривожланиши ахборот оқимини кескин кўпайишига олиб келди.

Лекин ахборотни қабул қилиш, ўзлаштириш, таҳлил қилиш, баҳолаш, улар асосида хулоса чиқариш учун вақт ниҳоятда чекланган. Ахборот олинадиган манбалар турли туман ва хилмаҳил. Тараққиёт туфайли улар янада такомиллашиб, янги янги турлари вужудга келмоқда.

Инсон туғилганидан бошлаб, то умрининг охиригача ахборот қабул қилади ва олинган ахборотга ўз муносабатини билдиради. Инсон томонидан қабул қилинадиган ахборотлар тайёр ёки янги шакллантириладиган билимлардан иборат бўлади.

Биринчи ҳолатда тайёр билимлар ўзлаштирилади. Иккинчи ҳолатда янги билимга эга бўлиш учун интилиш туфайли уларни такомиллаштириш ва бойитиб бориш жараёни амалга оширилади. Ҳаёт учун кураш, инсоннинг ўз ўзини сақлаш, ҳимоя қилиш инстинкти янги билимлар учун интилишни ҳаётий заруриятга айлантиради. Ёшларнинг мавжуд билимларни ўзлаштириш, янги билимлар учун интилиши, асосан, таълим жараёнида шакллантирилади.

Таълим жараёни таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги қўйилган мақсад асосида белгиланган билим, кўникма ва тарбияни таркиб топтиришга йўналтирилган ўзаро мулоқот (таъсир кўрсатиш) жараёнидир.

Таълим мақсади таълим натижаси сифатида ўқувчи эришиши лозим бўлган билим, кўникма, малака, одоб бўлиб, айнан шулар унинг шахсий фазилатларини шакллантиради.

Ахборотларни ўзлаштириш жараёнида қуйидаги билим босқичлари иштирок этади.

- Сизги (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, ҳис қилиш, улар инсоннинг кўзи, қулоғи, бурни, тили, териси орқали юз бериб, билишнинг бошланғич воситачилари ҳисобланади). Сизиш ҳали маълумотларни ўзлаштириш деган сўз эмас, бунда сезгилар орқали маълумотлар бир неча хусусиятларига кўра яхлит ҳолатга олиб келинади. Бу – маълумотларни идрок қилиш, дейилади.

- Идрок (маълумотларни ранглар, белгилар, ҳаракат, кўриш, эшитиш, сезиш, ҳис қилиш орқали яхлит тасаввурга олиб келиш).

- Хотира. У механик, образли, қисқа ва узоқ муддатли, ихтиёрий, ихтиёрсиз, тезкор бўлиши мумкин.

- Тафаккур. Инсонни инсон сифатида барча мавжудотлардан алоҳида ажралиб туриши, уни табиатнинг гултожи сифатида эътироф қилиниши ҳам тафаккур билан боғлиқ. У таҳлил қилиш, синтез қилиш, таққослаш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, классификациялаш (туркумларга ажратиш), қарор қабул қилиш кабиларни ўз ичига олади.

- Хаёл, ижодкорлик. Янги тимсоллар, янгиликлар яратиш, ихтиролар қилиш кабилардан иборат.

Одамлар таълим олиш, янги билимларни ўрганиш жараёнида билишнинг турли воситалари, шакллари, босқичларига мурожаат қилишлари табиий. Бу жараён инсоннинг ёш хусусиятларига кўра ўзгариб такомиллашиб боради. Маълумки, академик лицей ва касб ҳунар коллежларида ўқиётган ўқувчиларнинг ёши 1518 ёш атрофида. Улар кўпроқ ўзларидан катта ёшдагиларнинг, хусусан ўқитувчининг маслаҳатига, ёрдамига муҳтож.

Олий мактаб талабалари эса балоғатга етган, етук, мустақил ҳаётга қадам ташлаган ёшлар. Уларнинг дунёқараши академик лицей ва касб ҳунар коллежлари талабалари дунёқарашидан анча фарқ қилади. Улар кўпроқ мустақил фаолият юритишга интилишади.

Шунинг учун ҳам *академик лицей, касбҳунар коллежларида ҳам, олий мактабда ҳам дарс жараёнини ташкил қилишда ўқувчи, талабаларнинг ёшини ҳисобга олиш зарур.*

Ёшларга хос қатор хислатлар дарс жараёнини ташкил этиш, дарс ўтиш методларини танлашда муҳим роль ўйнайди. Чунки дарс улар учун зерикарли машғулотга айланмаслиги керак.

Асосийси, дарс жараёнида қўлланадиган услублар ўқувчиталабаларни таҳлилий фикр юритишга, ўз фикрини мустақил баён қилишга ўргатиши лозим.

Академик лицей ва коллежларда иқтисодий фанлардан дарс ўтишнинг ўрта мактаб ва олий мактабдагидан муҳим фарқи дарс жараёнини ташкил этишдир.

Академик лицей ва коллежларда дарс 80 минут бўлиб, мавзунинг ўқувкалендарь режасида ажратилган соатига кўра «назарий ва амалий машғулот»га бўлинади. Муфтовик равишда дарсни ташкил этиш шакли ҳам фарқ қилади.

Академик лицей ва коллежларда ўтиладиган фанлар уч гуруҳга бўлинади:

1. Умум таълим фанлари.

- а) чуқурлаштирилиб ва қўшимча гуруҳлаштирилиб ўтилаётган фанлар.

2. Умум касбий таълим фанлари.

3. Махсус фанлар.

Иқтисодий фанлар мазкур академик лицей ёки касбҳунар коллежида қайси блокка киритилишига кўра дарс соатлари белгиланади.

Ўқитувчи дарс ўтиш ва дарс ўтишда қўлланиладиган методларни танлашда фанни қайси блокка киритилганлигини ҳам ҳисобга олиши керак.

Академик лицей ва касбҳунар коллежларида таълим кўпроқ мавжуд билимларни ўзлаштиришга қаратилса, олий таълимда эса кўпроқ ижодий изланувчанликка қаратилади.

Психологларнинг фикрича, **билимларни ўзлаштириш, буянги қабул этилаётган ахборотни ўқувчиталаба онгидаги аввалги мавжуд бўлган ахборотлар тизимига киритишдир.** Уларда билим қанчалик кенг бўлса, янги ахборотни қабул қилиши шунчалик осон кечади.

Ўқитувчи яна шунга эътибор бериши керакки, у янги фанни ўрганишни ёки янги мавзунини ўтишни бошлар экан, албатта уларга тааллуқли, ахборотни қайта тиклаши ҳамда янги фанни, мавзунини ўзлаштириш учун асос ҳосил қилиши зарур. Айниқса, шу ёшдаги ўқувчи, талабаларни қизиқтирадиган савол, муаммоли вазият яратилиши уларни фанни, мавзунини ўрганишга фаоллигини кучайтиради.

Шунинг учун академик лицей, касбҳунар коллежларида ўқитувчи дарс ўтиш методларини фанни ўрганиш, унинг асосий тушунчаларини ёдда сақлаш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда танлаши зарур. Асосий тушунчаларни англаб, пухта ўзлаштиришлари

баробарида тафаккурни ўстиришга, ривожлантиришга қаратилган ўқув методларини қўллашга аҳамият бериш керак.

Олий ўқув юрти ўзининг юқори илмий савияси билан ўрта таълимдан фарқланади. Фанни ўрганиш фанда эришилган замонавий ютукларни амалиёт билан боғлаш, долзарб муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимини топишга йўналтириш билан ажралиб туради.

Олий ва ўрта мактабдаги таълимнинг ўзига хослиги дарс ўтиш методларини танлашга ҳам таъсир кўрсатади. Олим И. Т. Огородников ўз тадқиқотларида олий мактабдаги ўқитиш методларининг ўзига хослиги деганда, унинг илм ўрганиш методлари билан яқинлашувидир деб таърифлайди. С. И. Архангельский эса олий мактабдаги ўқитиш методлари нафақат дарс бериш усуллари ва услубларини бирлаштириш, балки билишнинг ўқув ва илмий фаолиятга йўналтирилган тизими деган фикрни билдиради.

Шунинг учун кўпроқ талабаларни ўйлашга ундайдиган дарс ўтиш методларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Умуман ўқувчиталаба ўйлашга ўрганмаса, олган билимларидан фойдалана олмайди. Айниқса, бозор иқтисодиётида инсоннинг ўйлаши, таҳлил қилиши, таққослаб, қарор чиқариши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки ҳар қандай соҳада муваффақиятли иш юритиш учун тафаккур ривожланган бўлиши зарур.

Ўқитиш услубининг пировард мақсади чуқур билим беришгина бўлмай, ёшларда мустақил билим олишга интилишни уйғотиш, уларни тарбиялаш ҳамдир. Ахборот турлитуман шаклларда қабул қилинади. Кимнинг ахборотни турли тарзда қабул қилиш кўлидан келмаса, бу унинг учун катта йўқотиш бўлади.

Агар ўқитувчи ўқувчи, талаба ёқтирмайдиган услубда дарс олиб борса, унинг ўқишдан кўнгли совиб, фан билан шуғуллангиси келмай қолиши мумкин. Шунинг учун турлитуман усуллар билан дарс ўтиш, ҳар бир ўқувчи, талабанинг дарсга фаол қатнашишига омил бўлади. Уларда мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш кўникмасини ҳосил қилади.

Таълим методларини ўқитиш методлари ва ўрганиш методларига ажратиш мумкин:

Ўқитиш методларига билим бериш усуллари сифатида қаралади. Бунда ўқитувчи талабаларнинг билиш фаолиятига таъсир кўрсатади, унинг дунёқарашини шаклланишига ёрдам беради.

Ўрганиш методлари билим, малака, кўникмаларни ижодий эгаллашга йўналтиради.

Олий мактабдаги таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ўқув жараёнини ташкил этишда ҳам кўринади. Ўрта таълимда ўқув жараёни асосан дарс ўтиш шакллари: назарий дарс, амалий машғулоти, лаборатория машғулоти тарзида ташкил этилса, олий ўқув юртларида эса ўқув жараёни дарс машғулотларидан ташқари давра суҳбати, илмий конференциялар ва бошқаларни ҳам кенг қўллаб ташкил этилади.

Академик лицей, касбхунар коллежлари олий мактаблардан **ўрганиладиган билим ҳажми** билан фарқ қилади. Демак, дарс жараёнини ташкил этиш, фанни ўрганиш бўйича уй вазибалари ва топшириқлар ҳажми ҳам фарқланади.

Коллеж, мактаб таълими методларини шакллантиришда, ўқитишни ташкил этишда таянч муассаса ҳисобланади. Академик лицей ва касбхунар коллежларида дарс ўтганда ўқитувчилар дарс ўтиш методларини ўқувчиларнинг ёшига мосларини танлаши, мураккабларининг эса соддалаштирилган вариантларини ишлаб чиқишлари ва қўллашлари зарур бўлади.

Шундай қилиб, академик лицей, касбхунар коллежлари ва олий ўқув юрти ўқитувчилари дарс ўтишда, албатта, ўқув юртининг, ундаги таълим оловчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишлари, шу билан бирга, уларни дарсга фаол қатнашишларини таъминловчи, тафаккурни ўстиришга, ривожлантиришга қаратилган ўқув методларини қўллашга эътибор беришлари лозим.

Ўқитувчиларнинг малакаларини оширишга, уларни дарс бериш жараёнида турли методларни қўллашлари учун тажриба алмашишга катта эътибор берилишига қарамай, ҳали ҳам барча таълим масканларида ўқув жараёнини ташкил қилиш ва дарс ўтишда

турлитуман интерактив методларни қўллаш кўнгилдагидек эмас. Бунинг қатор сабабларини кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, барча ўқув юртларида моддий таъминот бир хил эмас.

Иккинчидан, барча ўқитувчилар интерактив услубларни қўллаш бўйича тажриба тўпламаган.

Учинчидан, бунга ҳар бир ўқитувчи учун белгиланган дарс соатининг ҳафтасига қанча бўлиши ҳам таъсир кўрсатади.

Ўқитувчиларни ҳар бир дарсга мавзу бўйича тайёрланиш, янги методларни қўллаб, дарс ўтиш жисмонан толиқтиради. Шунинг учун осонроқ йўл қидиришлари табиий. Улар учун камроқ куч, ташвиш талаб қиладиган методларга мурожаат қилиш қулайроқ.

Тўртинчидан, турли услубларни қўллаб дарс ўтиш учун зарур қўлланмалар йўқ.

Шунинг учун:

1. Турли услубларни қўллаб, қизиқарли дарс ўтадиган ўқитувчиларни алоҳида рағбатлантириш зарур.

2. Дарс жадвалини тузганда, ҳафталик дарс соатлари тақсимотига аҳамият бериш, дарсда интерактив услубларни қўллаб дарс ўтиш учун зарур жиҳозлар, тарқатма материаллар ва бошқаларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим.

3. Дарс ўтишда қўлланиладиган методлар бўйича услубий қўлланмалар тайёрлаш ва уларнинг конкурсини ўтказиш керак.

4. Малака оширишда дарс ўтиш методларини такомиллаштиришга қаратилган дарслар ҳам ташкил этишга эътибор бериш зарур.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Таълим тизимини ислоҳ қилиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, узлуксиз таълим, академик лицей, касбхона коллежи, олий таълим, Миллий дастурнинг мақсади, Миллий дастурни амалга ошириш босқичлари, дарс ўтиш хусусиятлари.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Таълим тизимини ислоҳ қилиш заруриятининг сабабларини айтиб бера оласизми?
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилган таълим тизимидаги асосий камчиликлар ҳақида қандай фикрдасиз?
3. Узлуксиз таълим тизими деганда нимани тушунасиш?
4. Академик лицей ва касбхона коллежларини ташкил қилишдан мақсад нима? Уларнинг таълим тизимидаги ўрни ҳақида нималар дея оласиз?
5. Кадрлар тайёрлаш ва дарс бериш мазмунини ўзгартиришга нима сабаб бўлди?
6. Академик лицей ва касбхона коллежларида дарс ўтишнинг қандай хусусиятлари бор? Олий таълим ва умумий ўрта таълимдан қайси жиҳатлари билан фарқланади?

III боб. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА ДАРС ЎТИШ МЕТОДИКАСИ

1§. Педагогик технология ва унга турли жиҳатдан ёндашиш

Ҳозир мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий рақобат фан, техника ва технология соҳасидаги рақобатга айланди. Демак, рақобат интеллектуал моҳият касб этиб, таълим соҳасидаги рақобатга айланмоқда десак хато бўлмайди.

Бироқ республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашни таъминлашга доир ўтказилаётган ислохотлар аввалги таълим тизимининг ижобий томонларидан тамомила воз кечиш дегани эмас. Барча соҳада, жумладан, таълим тизимида ҳам аввалги эришилган илмий потенциалга таяниш, маънавий меросни амалиётга татбиқ этиш, ижобий жиҳатлардан фойдаланиш зарур. Асосий мақсад замонавий талаб даражасида ёшларимизни тарбиялаш, ижодий фикрлай оладиган малакали мутахассислар тайёрлашдир. Бу эса, ўз навбатида таълим жараёнига бошқача назар билан қарашни талаб этади. Мамлакатимизда таълим тизимида қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, у ўз навбатида замон талабларига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлашга тўсқинлик қила бошлади. Уларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг камчиликлар ва муаммолар қисмида кўрсатиб ўтилган.

Ушбу дастурий ҳужжатда мамлакатимизда узлуксиз таълим–тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинмагани, амалдаги таълим тизими замонавий тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмаслиги, мутахассислар тайёрлаш, таълимтарбия тизими жамиятда бўлаётган ислохот, янгилаш жараёнлари, бозор талаблари билан боғланмагани, мавжуд умумтаълим ва касбхунар дастурлари ўртасида узвийлик, ворисийликнинг йўқлиги сабабли, таянч ва ўрта мактаб битирувчиларида касбга йўналтирилганлик ва меҳнат фаолияти кўникмалари шакллантирилмагани, ўқув жараёни билим даражаси ўртача бўлган ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, таълимнинг иқтидорли ёшлар билан яқка тартибдаги ўқув дастурлари бўйича ишлаш каби механизмларидан яхши фойдаланилмагани таъкидланган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «Мактабларда ва бошқа ўқув юртларида таълим жараёнининг ўзидаги ва ўқитиш методидаги ҳар хил камчиликлар оқибатида билим беришда юзага келган нодемократик ҳамда жамият учун зарарли муҳит шунга олиб келадики, ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қоляпти, оқилона ҳаётий ечимлар қабул қилиш учун етарли тайёргарлик йўқ,» дейилади.¹

Ана шу камчиликларни ҳисобга олган ҳолда Миллий дастурни амалга оширишнинг биринчи босқичидаёқ педагог ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш масаласи қўйилган.

Иккинчи босқичда эса таълим муассасаларини моддий техника ва ахборот олиш базасини мустақамлашни давом эттириш билан бирга ўқувтарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланиши амалга оширилиши ва кейинги босқичда ҳам давом эттирилиши кўзда тутилган эди.

Маълумки, собиқ Иттифокда 1917 йил таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, болаларнинг миллати, жинси, ижтимоий ва моддий аҳволдан қатъи назар текин билим олиш имкони яратилиб, 1936 йилга келиб ёппасига саводхонлик тикланган эди. Шунинг учун ҳам фантехникада, айниқса, атом, космик тадқиқот соҳаларида катта ютуқларга эришилди. Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилди, космосга биринчи инсон парвоз қилди.

АҚШ, Япония ва бошқа мамлакатлар бунинг сирини ўрганишига киришиб, охиरोқибат ўз мамлакатларида таълим тизимини ислоҳ қилишга киришдилар. Собиқ Иттифокда кейинчалик таълим тизимидаги маъмурий авторитар бошқарув, қаттиқ

¹ Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент, 2001, 22-бет.

партиявий диктатура ва бошқа қатор камчиликлар таълим тизимини ҳам турғунликка олиб келди ва пешқадамлик бой берилди. Фан техника тараққиёти таълим тизимида ҳам туб ўзгаришларни заруриятга айлантирди. Натижада, педагогикада ҳам янги оқим таълим технологияси, ўқитишнинг интерактив методлари ишлаб чиқилиб, дарс жараёнида фойдаланишга катта аҳамият берила бошланди.

Мамлакатимизда бир томондан, қатор сабабларга кўра таълим соҳасида йўқотилган илгариги мавқеини тиклаш, иккинчи томондан, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш учун таълим самарадорлигини ошириш, бунинг учун эса зарур чора-тадбирлар белгилаш зарур эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиши билан ана шу заруриятга алоҳида диққат қаратила бошланди. Айнан ана шу зарурият туфайли Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди ва уни амалда қўллаш таклифи киритилди.

Таълим жараёнини жаҳон тажрибалари асосида ташкил қилиш, ўқувчиталабаларни мустақил фикрлашга ўргатишга аҳамият берила бошланди. Республикамизда ҳам таълим жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишга эътибор бериш бошланди.

“Технология” – юнонча *techne* ва *logos* сўзларидан олинган бўлиб, маҳорат, санъат ва сўз, таълимот маъносини англатади. Одатда, технология ишлаб чиқаришга нисбатан қўлланилган. Технология деганда маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё, материаллар, ярим фабрикатларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш йўллари, усуллари тушунилган. Фантехника тараққиёти туфайли технология ҳам такомиллашиб борган.

Патент, лицензиялар сотиладиган ва сотиб олинадиган бўлгач, технология деганда тайёр маҳсулот олиш учун хом ашё, материалларга ишлов бериш усуллари, бажарадиган ишларнинг кетмакетлиги ва қандай тарзда бажарилиши ҳақидаги ҳужжат ҳам тушуниладиган бўлади. Масалан, саноатда ишлаб чиқариладиган маҳсулот, айтайлик, детални лойиҳалаганда қандай материалдан тайёрланади, шакли қандай бўлади, бунинг учун стандарт белгилари, чизмалар ва улардаги ўлчамларни аниқлаш ва бошқа талаблар акс эттирилади. Тараққиёт “Технология”ни фан сифатида ҳам ўрганишни объектив зарур қилиб қўйди. У фан сифатида физик, химик, механик ва бошқа қонуниятларни аниқлаш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришнинг самарали усуллари ўрганиш, янгиликларни топиш ва тажрибада синашни ўрганади. **Лойиҳада акс эттирилган хом ашё ва унга ишлов бериш операциялари оғишмай бажарилса белгиланган стандартдаги маҳсулот тайёрланади, яъни маҳсулот сифати юқори даражада кафолатланади.**

XX асрда физика, кимё, энергетика, биология, математика, информатика ва бошқа фанларнинг ютуқларига таянган технологиялар технологик инқилобни келтириб чиқарди. Фантехника тараққиёти яратилган техника ва технологияларни тушунадиган уларни ишлата оладиган, кўрсатилган технология бўйича маҳсулот ярата оладиган кадрлар тайёрлашни ҳам объектив зарур қилиб қўйди. Мутахассис кадрларнинг қай даражада билим олиши, кўникма маҳоратига эга бўлиши таълим муассасаларида таълимтарбия жараёнини кўп жиҳатдан қандай ташкил этилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам кўплаб педагоглар ўқувчи талабаларга нимани ўқитиш, ўргатиш керак, қандай ўқитиш, ўргатиш керак? деган савол қўйиб, унга жавоб топиш учун тинимсиз изланишлар олиб борадилар. Педагог олимлар ва амалиётчилар ишлаб чиқариш технологиясини назарда тутган ҳолда ўқув жараёнини ҳам “технологиялаштиришга” яъни ўқитишни натижасини кафолатланган ўзига хос технологик жараёнга айлантиришга уринадилар. Натижада педагогикада янги йўналиш – педагогик технология, хусусан, ўқитиш ва тарбиялаш технологияси пайдо бўлди.

Педагогик технология бу таълим самарадорлигини ошириш учун қўлланиладиган ҳамда педагогика назарияси ва амалиётининг барча соҳалари билан ўзаро боғлиқ бўлган ўқитиш шакллари, методлари, воситалари, унга ёндашувлар, тизимлар, концепциялар, тенденциялар, ғояларнинг фанлараро ўзаро бирикиб ягона мажмуа тарзида ифодаланишини билдиради.

Педагогик технология деярли ярим аср давомида тадрижий равишда ривожланди ва ҳозирги даражага етди. Бу даврда ўқитиш «оғзаки – аудиовизуал–дастурашмультимедиа–гипермедиа» кетма–кетлиги бўлиб алмашинди.

Педагогик технологиянинг эътироф этилиши даврини уч босқичга бўлиш мумкин.

1. Педагогик технологиянинг ўрганиш объекти сифатида эътироф этилиши. XX асрнинг 30 йилларида АҚШ таълим тизимига аудиовизуал ўқитиш дастурлари киритила бошланди. У нафақат таълимда технологик инқилобга, балки янги фан педагогик технологияга асос солди.

1946 йилда АҚШ нинг Индиана унверситетида ўқув дастурига аудиовизуал таълим режаси киритилди(муаллифи Л Ларсон).

Биринчи давр (50 йилларнинг боши ва ўрталари) таълим муассасаларида ахборотларни тақдим этишнинг техник воситалари товушни ёзиб олиш ва қайта эшиттириш, бошқача қилиб айтганда “аудиовизуал воситалар” нинг пайдо бўлиш билан характерланади. Дастлаб ҳар бир дарс, ўтиладиган мавзуда ўқув ва тарбия мақсад вазибалари ишлаб чиқилади. Бу ҳолда ишлаб чиқаришдаги **бошқарувчи** билан таълимдаги **педагог фаолиятида ўхшашлик** бор. Ўқув жараёнининг барча босқичларида бутун тизимнинг асосий технологик жиҳати ўқув жараёнини сўнгги натижалари бўлган мукамал билимга эга бўлган кадрлар тайёрлашга эришиш мақсади турган.

Анъанавий ёндашувга, одатда, кўргазмалитишунтирув, ахборотрецептив, репродуктив каби усуллар киритилади. Уларнинг умумий томони тайёр билимларни ўқувчи, талабага етказиш, баён қилишга асосланган бўлиб, ўқувчи билим олувчи ролини бажаради. Анъанавий ўқитишда:

- Янги материалларнинг деярли ҳаммаси ўқитувчи томонидан оғзаки баён қилинади; Билимлар талабаларга тайёр ҳолда тақдим этилади;
- Ўқитувчи турли йўллар билан бу билимларнинг қабул қилинишини ташкил қилади;
- Ўқувчилар билимни қабул қиладилар (рецепция) ва уларни маъносига етадилар, ўз хотираларида сақлаб қоладилар;

- Дарслик асосан мустақил иш учун қўлланилади;
- Аудитория машғулоти пайтида дарсликлар: айрим ҳолларда педагог тишунтиришларига ҳалақит бермаслиги учун ёки ўқувчи, талабалар диққатини бузмаслик мақсадида қўлланилмайди. Кўпинча дарслик уйда ҳам қўлланилмайди, унинг ўрнини дарс пайтида тузилган конспект босади;

- Билимларни текшириш асосан машғулот вақтининг сезиларли қисмини эгаллайдиган индивидуал оғзаки сўровлар, ҳамда узоқ муддатларда ўтказиладиган назорат ишлари ёрдамида амалга оширилади;

- Мустақил ишнинг нисбий миқдори жуда кам.

Ўқувчи, талабаларни олинган билим, ахборотларни хотирада сақлаб қолиш, мустақамлашга ундади. Таълимга анъанавийкўргазмали ёндашувда асосан дарс ўтишнинг анъанавий (таълим жараёни марказида ўқитувчи бўлган) методлари қўлланилади. Бу методларда ўзига хос афзаллик ва камчиликлар бор.

Методларнинг афзалликлари:

- аниқ, маълум тушунчаларни билиш, маълум кўникмаларга эга бўлиш;
- ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнини ва ўқитиш муҳитини юқори даражада назорат қилиш;
- вақтдан унумли фойдаланиш;
- аниқ илмий билимларга таяниш.

Методларнинг камчиликлари:

- ўқитишнинг бундай тизимини энг жиддий камчилиги талабаларнинг машғулотлардаги пассивлиги ва бундан келиб чиқиб билим олиш самараси пастлиги;
- ўқитувчининг тўла назорати барча ўқувчилар учун мотивация иштиёқини вужудга келтирмайди;
- ўқувчи, талабалар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириша олмайди;

- эслаб қолиш даражаси ҳаммада тенг бўлмагани сабабли гуруҳда ўзлаштириш паст бўлиши мумкин.

- Мустақил ўрганиш ва ечимлар қабул қилиш учун шароитлар яратилмайди

XX асрнинг бошларида яшаган немис педагоги Рудольф анъанавий дарс ҳақида шундай деган экан: фақат эшитиш ва кўриш методи билан таълим олган ўқувчилар жуда пассив зотларга айланадилар. Улар ҳаётининг ҳақиқат олдида ожиз бўладилар. Бу фикр ҳозирги кун учун янада долзарбдир.

Технологик ёндашув таълим жараёнини ўзaro узвий боғлиқ босқичларга ажратиш, қўйилган мақсадга эришиш учун белгиланадиган амалларни бажариш ва маълум кетмакетликда амалга оширишни лойиҳалаштирилган иш ва амалларни бир хил талаб асосида бажаришни назарда тутди. Ўқув материали таълим мақсадига мос тузилади.

Учинчи, тадқиқийижодий ёндашувда ўқувчи, талабаларнинг муаммоларни ечиш қобилиятини ривожлантириш, уларни янги билимларни мустақил ўзлаштириши, ташаббус кўрсатишига кўпроқ эътибор берилади. Шахсий ташаббуслари фаоллаштирилиб, қўллабқувватланади ва ривожлантирилади. Ижодий фикрлашга ундади. Таълим ҳамкорликка асосланади.

Ҳар икки ёндашувда ҳам умумий жиҳат: таълим жараёни марказида ўқувчи туради. Ўқувчи, талабаларнинг мустақил билим олишга, ўқишга, мустақил фикр юритиш, таққослаш, хулоса чиқаришга ўргатилади. Дарсда фаол қатнашишларига кенг имкон берувчи, уларни ўйлашга ундовчи, ҳамкорликда ишлашга ўргатувчи методлар қўлланилади. Бу методларни қисқача ноанъанавий методлар деб ҳам юритилади. Бу методлар ҳам ўзига хос афзаллик ва камчиликларга эга.

Ноанъанавий (таълим жараёни марказида ўқувчи турган) ўқитиш методларининг афзалликлари:

- ўқувчи, талабаларнинг дарсда фаол қатнашиш имконияти кенглиги;
- дарс мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши;
- нафақат мазмунни ўзлаштиришга ёрдам бермай, балки танқидий ва мантикий, таҳлилий фикрлашни ҳам ривожлантиришга ёрдам бериши;
- муаммоларни ечиш кўникмаларини шакллантириши;

Иккинчи давр (5060 йилларнинг ўрталари) ўқитиш жараёнига технологик ёндашувнинг татбиқ этилиши билан характерланади. Бу ёндашувнинг назарий асоси дастурли ўқитиш ғояси ҳисобланади. Унинг технологик асосини ўқув мақсадлари учун махсус мўлжалланган аудиовизуал воситалар (тескари боғланиш воситалари, электрон синфлар, лингафон хоналари, тренажёрлар) ташкил этади. Бу даврда таълим технологияси дейилганда муқаррар равишда олдиндан режалаштирилган натижага олиб келувчи педагогик жараённинг илмий тавсифи (восита ва методлари мажмуи) тушунила бошланди.

Бу даврда педагогик технологиянинг касбий категория сифатида эътироф этилиши, дастурли ўқитиш ғояси (1954 йил) асослаб берилди (муаллиф Б. Ф. Скиннер) ва бу ҳол педагогик технологиядаги устуворликларнинг ўзгаришига сабаб бўлди.

Учинчи давр педагогик технологиянинг педагогикадаги назарий билимлар тармоғи сифатида эътироф этилиши. 70 йиллар педагогик технология базаси асосининг кенгайиши билан характерланади.

Педагогик технологиянинг асосини яратишда информатика, телекоммуникация назарияси, педагогика, тизимли таҳлил фанларининг ютуқларига таянилди. Педагогик технологиянинг методологик асоси ўзгарди. Оғзаки ўқитишдан аудиовизуал ўқитишга ўтилди. Айниқса, 1976 йили биринчи шахсий компьютер «APPLE» (олма) яратилиши (муаллифлар: Стив Жобс ва Стив Уозник) таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришларга олиб келди.

Ҳозирги вақтда педагогик технологияни эътироф этишнинг тўртинчи даври давом этмокда. Бугунги кунда педагогик технология фанлараро боғланишни амалга оширувчи жараён сифатида тан олинмокда.

1998 йили ЮНЕСКО ташкилотчилигида «XXI асрда олий таълим – ёндашувлар ва амалий тадбирлар» мавзусида ўтказилган жаҳон анжумани Декларацияси янги асрда олий таълимга бўлган талаб мисли кўрилмаган даражада ўсиб бориши, яъни ёш авлоднинг янги билим, ғоя ва кўникмаларни эгаллаши, ижтимоиймаданий ва иқтисодий тараққиётда унинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кенгроқ англашга интилиш кучайишини таъкидлади.

Педагогик технология моҳияти жиҳатидан бошқа технологиялар билан бир сафда туради. Чунки ҳар бир технология ўз хусусий соҳаси, методлари ва воситаларига эга. Маълум «**материал**» билан иш кўради. Бироқ, педагогик технология инсон онги билан боғлиқ. Билим олиш, таълим бериш соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган педагогик жараёнини ифода этиши билан ишлаб чиқариш, биологик, ахборот ва бошқа технологиялардан ажралиб туради. Унинг энг асосий ўзига хос томони, унинг «материали» инсон.

Педагогик технология ва инсон капиталига инвестиция тушунчаларининг ҳаётга кириб келишини деярли бир даврда юз бериши бежиз эмас. Чунки ҳар иккиси ҳам соғлом мустақил фикрлай оладиган, вазиятни тўғри баҳолаб, самарали вариантни фарқлай биладиган, танлаган мутахассислиги бўйича талабга мувофиқ малака, кўникмага эга бўлишнинг объектив зарурлигини кўрсатувчи, таъкидловчи тушунчалардир. Педагогик технологиянинг моҳияти, унга асосланиб дарс жараёнини ташкил этиш ҳақида камида ярим аср давомида илмий мунозаралар олиб бориляпти. Бу мунозараларнинг мазмуни, натижаси турли муаллифлар педагогик комиссиялар ва уюшмаларнинг таърифу тавсифларида ўз аксини топди. Бир гуруҳ муаллифлар педагогик технологияни ўқитишнинг замонавий воситалари мажмуаси деб ҳисоблашса, бошқалари коммуникация жараёни, учинчи гуруҳдагилар ўқитиш жараёни ва воситаларининг бир бутунлиги деб қарашади.

АҚШ педагогик технологиялар ва коммуникациялар уюшмаси 1979 йили педагогик технологияларнинг маъноси тўғрисидаги мунозараларга яқун ясаб, унинг расмий таърифини эълон қилди. Бу таърифга кўра педагогик технология одамларнинг ғояларни, билимларни ўзлаштириши, таълим олишни режалаштириш, таъминлаш, баҳолаш ва бошқариш фаолиятини ташкил этиш методлари ва воситаларини ўз ичига қамраб олган мажмуавий интегратив жараёндир.¹ Лекин ҳозирги пайтда ҳам бу ҳақдаги мунозаралар тўхтагани йўқ.

Машҳур педагог олим Беспалько В.П. педагогик технология бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир, деб таърифлаган. Педагогик технологияни теран маъносини В. П. Беспалько, биринчидан, педагогикадаги экспромтлардан холи бўлиш ва таълим жараёнларини лойиҳалашда, иккинчидан, ўқувчининг ўқиш, билим олиш фаолияти тузилиши ва мазмунини ишлаб чиқишда, учинчидан, ўқувчининг ўқув материални ўзлаштириш сифатини, унинг шахс сифатида камол топиш даражасини назорат этиш ва мақсадли ташхис қилишда, тўртинчидан, ўқувтарбия жараёни таркибий қисмлари (компонентлари) мазмундорлиги ва тизимини яхлитлиги тамойилини жорий этишда кўради.² Педагогик технология республикамиз педагог олимлари томонидан турлича талқин этилади. «Педагогик технология бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиш ва акс таъсир маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини жадал шаклланишини кафолатлайдиган жараёндир».³ Тадқиқотчилар Сайидахмедов Н, Мирзажонова Д. таърифларига кўра «Педагогик технология бу илмий асосланган дидактик жараён амалга оширадиган, самарадорлиги ва

¹ Silber K, N. Some implicational of the history of Educational Techology: we re all in this together. In: J. W. Brown and S. N. Brown. Educational Media Yearbook, Littleton, Colorado: Librares Unlimited, 1981, p. 21.

² Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. М: «Педагогика», 1989, с. 192.

³ Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Тошкент: «Молия», 2003, 6-бет.

ишончилиги юқори бўлган ҳамда таълим натижасига эришишни кафолатлайдиган педагогик фаолият»дир¹.

Ҳозирги пайтда барча педагоглар педагогик технологияга берилган энг мукамал таъриф бу ЮНЕСКО таърифи, деб тан олишади. Лекин қизиғи шундаки уни инглизчадан таржимаси турли китобларда фарқ қилади. Масалан, «Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари» китобида «Педагогик технология – бу бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида ўз олдига таълим шакллари самарадорлаштириш вазифасини кўювчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиб, билимларни яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли методидир»² деб қайд этилади.

Бошқа муаллифлар «Педагогик технология – бу билим бериш ва уни эгаллашда техника ва инсон ресурсларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриб, бутун таълим жараёнини лойиҳалашда ва амалда қўллашда (системали) мажмуали ёндашув усулидан фойдаланишдир» деб таърифланган, деган фикрни билдирадилар.³ Яна бир китобда «Педагогик технология – бу таълим шакллари жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил тизимидир» дейилади ЮНЕСКО таърифида, деб кўрсатилади.⁴

«Таълим технологияси таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида инсон ва техника ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш тизимидир», деб берилади, таълим самарадорлигини ошириш йўлларига бағишланган семинар тренинг материалларида.⁵

«ЮНЕСКО таърифига кўра, ПТ(педагогик технология) икки маънога эга: ўқитишнинг техник воситаси(ЎТВ) ва ПТ, яъни дастлабки маънода «бу – ўқитишнинг техник воситаси», кейингиси бўйича эса, «ПТ – бу режалаштириш – жорий этиш – баҳолаш (densing – applying – assessing) чизиғи бўйича тизимли ёндашув. Бу педагогик технологиянинг барча янги таърифлари ва уларнинг концепциялари учун характерлидир»⁶

Кўриниб турибдики, муаллифлар ўз қараши нуктаи назаридан таърифни турлича талқин этишга ҳаракат қилишган. Бир таърифда бутун технология, уни қўллашнинг тизимли методи сифтида талқин этилса, иккинчисида, таълим жараёнини лойиҳалашда ва амалда қўллашда (системали) мажмуали ёндашув усулидан фойдаланишдир дейилса, бошқаларида эса методлар ҳақида очик фикр билдирилмай, кўпроқ тизим сифатидаги томонига эътибор қаратилади.

Турли қарашларни ҳисобга олган ҳолда педагогик технология таърифига ёндашсак, “ишлаб чиқариш” натижаси “маҳсулот” – **маълум малакага эга бўлган мутахассис тайёрлаш** учун илмий асосланган дидактик жараённи амалга ошириш, яъни ўқитиш жараёнини қўйилган **мақсадга кўра изчил кетмакетликда, турли методларни қўллаш орқали** самарали таълим натижасига эришишнинг ишончилигини таъминловчи педагогик фаолият деб тушунтириш мумкин.

Педагогик технологияда таълим ва тарбия умумий тарзда қаралади. Лекин ҳаёт кўрсатдики, таълим соҳасидаги технологияни ҳамма вақт ҳам тарбия соҳасида қўллаб бўлмас экан. Сабаби, таълим жараёнида мақсадни ташхислаш ва режалаштириш имкони мавжуд. Тарбия жараёнида эса мақсадни ташхислаб бўлмайди. Бундан ташқари ҳар

¹ Н. Сайидахмедов, Д. Мирзажонов. Педагогик технология таълим, замонавийлик ва илмийлик. Касб-хунар таълими N:1 2005 йил.

² Фарберман Б.В., Мусина Р.Г., Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Тошкент, 2002, 60-бет.

³ Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология, Тошкент, 2001, 7- бет.

⁴ Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат, Тошкент, 2003, 63-бет.

⁵ «Таълим самарадорлигини ошириш йўллари.» мавзусидаги семинар-тренинг материаллари. Тошкент, 2002, 41-бет.

⁶ Педагогик технологияларнинг ривожланиш тарихи. Нашр этилган материаллар шарҳи. Касб-хунар таълими. 2005, №2, 20-бет.

қандай педагогик технология пировард мақсадга эришишни таъминлаши зарур. Лекин ҳозирги вақтгача педагогикада инсоннинг тарбияланганлик даражасини, инсонда шаклланган муайян шахсий сифатларни, инсоний қадриятларни, умуман олганда унга тарбиявий таъсир кўрсатиш натижаларини аниқлаш жуда қийин ва бу мезонлар ишлаб чиқилмаган.

2§. Таълим технологиясида дарс ўтиш методларининг тутган ўрни

Таълим технологиясини ўқув жараёнига жорий этишнинг долзарблиги куйидаги заруриятдан келиб чиқади.

- Қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзланган мақсад вазибаларни амалга ошириш, ижтимоийсиёсий ҳаётда онгли равишда қатнаша оладиган, ижтимоий жараёнларга фаол таъсир эта оладиган, мамлакат тақдирига жавобгар бўла оладиган, масъулиятни ҳис этадиган, мустақил ва эркин фикрловчи шахсни шакллантириш;

- Жаҳон талаблари даражасида рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш;
- Бозор талабларига тезда мослашиш зарурияти.

Таълим технологияси ўз ичига:

1. Ўқув предмети, ҳар бир ўрганиладиган мавзу бўйича мақсадвазибалар ва уларнинг рўйхатини ишлаб чиқиш;
2. Ўқув мақсадига эришиш йўллари методларини танлаш, ишлаб чиқиш;
3. Қўйилган мақсадни қай даражада амалга оширилганини назорат қилиш учун методларни тайёрлаш ва назоратни амалга ошириш;
4. Эришилган натижани баҳолаш:
 - А) Хусусий ўқув мақсадвазибаларни қайта кўриб чиқиш ва тузатишлар киритиш;
 - Б) Назорат натижаларини таҳлил қилиш, мувофиқ равишда тузатишлар киритиш кабиларни олади.

Кўп ҳолларда методикани таълим технологияси, усулни методлар билан аралаштириб юборилади. Шу боис бу тушунчаларга аниқлик киритиш зарур. Методика, илгариги бобда айтганимиздек ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуаси бўлиб, қандай, қай тарзда, нималар ёрдамида ўқитишни ўргатади.

Таълим технологияси эса қўйилган мақсадни амалга ошириш ва натижасини маълум даражада қафолатлаш учун турли методлар ва воситалар орқали ўқитиш жараёнини ўзаро боғлиқ қисмларини бир бутун қилиб бирлаштириш ва маълум тартиб, тизим асосида изчил, мантиқий кетмакетликда бажаришни кўзда туттади.

Методика тушунчаси усул, метод тушунчаларини қамраб олади. Усул ва метод тушунчалари ўзаро боғлиқ. Метод усулга нисбатан жуда кенг маънога эга. Методнинг ўзи бир неча усулларни ўз ичига қамраб олиши мумкин. Шу билан бирга, метод усул сифатида, усул метод сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Усул бу методнинг бир унсури, унинг таркибий қисми, бир марталик фаолият, методдаги алоҳида бир ташланган қадам.

Ўқитиш методи мураккаб, кўп ўлчовли, серкирра тушунча, агар биз уни фазовий моделини чизишни уддалаганимизда, қаршимизда кирралари кўзни қамаштирадиган ва рангбаранг товланадиган ажойиб биллур намоён бўларди.

Ўқитиш методлари, бу педагогик технологиянинг нерв томирлари, чунки қўйилган мақсадни қандай амалга ошириш, қандай натижага эришиш айнан қайси методни қай тарзда қўллашга боғлиқдир.

Таълим технологиясида ишлаб чиқариш натижаси, “маҳсулоти”, яъни маълум малакага эга бўлган мутахассис тайёрлаш учун кўриладиган услубий тадбирлар мажмуаси, бошқача қилиб айтганда мақсад қўйиш ва унга қандай тарзда эришиш кўрсатилади. Уни умумий тарзда 70бетдаги чизма орқали ифодалаш мумкин.

Таълим мазмуни ўз ичига:

- * таълим стандартлари;
- * ўқув режаси;
- * ўқув дастури;
- * ўқув адабиётларини олади.




3§. Таълим тизимига ёндашувлар ва дарс ўтиш методлари

Таълим тизимидаги ўзига хос хусусиятларни баҳолаш мезонлари, дарс ўтишда ўқитувчининг алоҳида урғу бериладиган роли ва бошқаларга кўра ўқитишга ёндашувни турли гуруҳларга бўлиш мумкин.

Бугунги кунда таълимга ёндашувлар ниҳоятда турли туман. Уларни атрофлича ўрганган таниқли олим Г. К. Селевко ўзининг “Современные образовательные технологии” китобида педагогик технологияларни турли жиҳатдан ёндашган ҳолда энг кўп (12)та гуруҳга ажратади. Уларни турли жиҳатдан гуруҳларга бўлиб, чуқур ўрганиш педагогик технологиялар фанида амалга оширилади.

Биз махсус фанларни ўқитиш методикаси фани нуқтаи назаридан ёндашиб, ўқитиш методларини қўллаш жиҳатидан ҳозирги пайтда кенг фойдаланилаётган ёндашувлар ҳақида тўхталиб ўтамиз. Ўқитувчининг тутган ўрни, қўйилган мақсад, ўқитиш методлари ва бошқаларга қараб, таълим жараёнини ташкил этишни уч гуруҳга бўлиш мумкин: кўргазмали анъанавий (тушунтирувиллюстратив) ёндашув, технологик ёндашув, тадқиқий ижодий ёндашув. Ўқитишга уч хил ёндашувни бирбиридан қандай фарқланишини қуйидаги уларга берилган қиёсий характеристика орқали кўриш мумкин.

Таълим (дарс) жараёнини ташкил этиш



Ўқитишга уч хил ёндашувнинг қиёсий характеристикаси

Кўргазмалар анъанавий (Тушунтирув – иллюстратив) ёндашув	Технологик ёндашув	Тадқиқий ижодий ёндашув
<p>1. Ўқитувчи билимларни ўргатувчи.</p> <p>2. Ўқув мақсад вазифалари доимо аниқ қўйила бермайди.</p> <p>3. Тайёр билимлар баён қилинади.</p> <p>4. Таълим беришнинг устувор методлари баён қилиш ва суҳбат.</p> <p>5. Ахборотларни тўплаш, хотирада сақлаб қолиш, мустаҳкамлашга доимо ундаш.</p> <p>6. Машғулотлар асосан академик характерга эга бўлиб, бўлғуси мутахассислик фаолияти билан етарлича боғланмаган.</p> <p>Айрим ҳолларда билим босқичларини бир бутун тизимга етарлича бирбири билан боғланмаган фанлар ташкил қилади.</p> <p>7. Қандай натижага эришиш кўпинча ноаниқ. Мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш кўникмасини ривожланишига имкон яратилмайди.</p>	<p>1. Ўқув жараёнини тизимли ёндашувдан фойдаланган ҳолда лойиҳалаш.</p> <p>2. Кўзланаётган натижага кўра максимал даражада ўқув мақсадларини аниқ қўйилиши.</p> <p>3. Ўқитиш ўқувчигалабаларнинг фаол катнашиши орқали амалга оширилади.</p> <p>4. Таълим жараёнида интерактив методлар қўлланилади, вазиятга кўра тузатишлар киритиш мумкин.</p> <p>5. Ўқувчи, талабани фаоллигини таъминлаш, мустақил ўқишга ўргатиш</p> <p>6. Қўйилган мақсадга эришиш учун бажариладиган амалларни ривожлантириш ва маълум кетма кетликда амалга ошириш.</p> <p>7. Режалаштирилган натижаларга кафолатли эришиш.</p>	<p>1. Вариантларни баҳолаш ва қарор қабул қилиш, муаммоларни ечиш.</p> <p>2. Ўқув жараёнини изланиш, тадқиқот ўтказиш тарзида ташкил қилиш.</p> <p>3. Маълумотлар тўплаш, гипотеза ва фаразларни илгари суриш ва текшириш</p> <p>4. Ўқувчи, талабаларни шахсий ташаббуси, янги билимларни мустақил ўрганишларини қўллаб қувватловчи методлар.</p> <p>5. Мустақил фикрлаш, таҳлилий фикрлаш фаолиятини юз бериши учун муҳит яратиш.</p> <p>6. Таълимда ҳамкорлик қилиш эксперимент, тажриба синов ўтказиш, моделлаштириш.</p> <p>7. Таҳлилий, танқидий, ижодий фикрлай билиш.</p>

- мустақил фикрлай оладиган ўқувчи, талабаларнинг шаклланишига ёрдам бериши;

Ноанъанавий методларнинг камчиликлари:

- кўп вақт талаб этиши;

- ўқувчи, талабаларни доимо ҳам кераклича назорат қилиш имконияти пастлиги;

- мураккаб мазмундаги материаллар ўрганилганда ҳам ўқитувчининг роли паст бўлиб қолиши;

- билими паст ўқувчи, талабалар бўлгани сабабли билимдонларнинг ҳам паст баҳо олиши ёки аксинча ҳолат бўлиши;

- ўқитувчининг ўзи ҳам фикрлаш қобилиятига ва муаммоларни ечиш кўникмаларига, вазиятни тезда баҳолай олиш, ҳозиржавоб бўлиш кўникмаларига эга бўлиши талаб этилади.

Ҳозирги пайтда таълимда интегратив ёндашув ҳам кенг ёйилмоқда.

(Интеграция сўзи лотинча бўлиб, тиклаш, тўлдириш, қисмларни бир бутун қилиб бирлаштириш деган маънони англатади). Таълимда билимлар интеграцияси ёки фанлараро боғланишдан кўп фойдаланилади.

Интеграллашган таълим ўқувчи, талабаларни ижодий фикрлашга ўргатади. У нафақат ўқувбилим фаолиятини тизимлаштиради, жадаллаштиради, балки таълим олувчиларнинг умумий маданиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилади, Предметлараро боғланиш туфайли интеграция турли даражада намоён бўлади:

бир неча фанларни бирлаштириб, махсус курслар яратиш;

ўқув фанларининг турли бўлақларини маълум бир блокка бирлаштириш;

бир мавзунини икки ёки бир неча предметлар асосида ўрганиш;

билимларни умумлаштириш асосида яратилган курсларни ўрганиш.

Кейинги пайтларда кенг қўлланилаётган, таълимни ривожлантиришнинг самарали йўналишларидан бири—фанларни **модул технологияси** асосида ўқитишдир. Маълумки, анъанавий таълимда мақсадлари, асосан, билим беришга, модул технологияси асосида ўқитишда эса таълим олувчилар фаолиятига йўналтирилади.

Модул – бу фаннинг бирбирига ўзаро боғлиқ бўлган фундаментал тушунчаларини ўрганишга йўналтирилган ва дидактик тамойил асосида тузилган ўқув материаллари бирлиги бўлиб, унда фан бўйича ўқув дастурлари қисқартирилган ва чуқурлаштирилган тарзда табақалаштирилади. Натижада босқичмабосқич ўқитиш имконияти яратилади.

Педагогларнинг фикрича, агар модул технологияси асосида ўқитиш тўғри ташкил этилса, таълимнинг ҳар қайси босқичида ўқувчи, талабалар янги ўқув материалларини ўзлаштиради, кўникма ва малакасини такомиллаштиради. Модул алгоритм асосида ишлаб чиқилади ва қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: аниқ мақсад, назарий билим, амалий машғулот, услубий кўрсатма йўлйўриқлар, назорат, ўзлаштирилган билим, малакани синаш ва баҳолаш ва ҳоказо.

Модул технологияси асосида ўқитиш қуйидаги кетмакетликда амалга оширилади:

модулли ўқитишдаги дастлабки шартшароитларни таҳлил этиш;

модулнинг ўқув мақсадлари ва мазмунини белгилаш;

ўқувдидактик материаллари ва ўқитиш воситаларини тайёрлаш;

назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;

ўқувчи, талабаларнинг олган назарий билими ва амалий кўникмаларини баҳолаш.

Юқорида келтирилганларнинг ҳаммаси таълим олувчиларни фикрлаш даражасини кенгайтириш, юз берадиган воқеа – ҳодисаларнинг сабабини англаш, изланишни ўргатишга қаратилган.

Модул тизимининг моҳияти шундан иборатки, таълим олувчилар таълимнинг алоҳида бирлик модулларини изчил ҳолда кетмакет ўзлаштирадилар.

Таълимда модул тизимини қўллаш эски модул бирлиги ўрнига тезда янгисини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш имкониятини беради.

Модул тизими асосида таълим беришнинг афзаллиги шундаки, эътибор кўпроқ таълим олувчига, унинг ўз устида мустақил ишлаши, ҳамда ўз ўзини назорат қилишига қаратилади.

Модул тизими асосида ўқитишнинг давомийлиги таълим олувчининг тайёргарлигига ва касбий малакани қай даражада эгаллаш истагига боғлиқ. Ўқитишни таълимнинг истаган моделидан кейин тўхтатиш мумкин.

1. Модул технологияси асосида ўқитишни ташкил этишда дастлабки шартшароитларни таҳлил этиш. Иқтисодий фанларни модул технологияси асосида ўқитишга тайёргарлик кўриш, яъни назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш учун дастлаб уч йўналишда иш олиб борилади.

Биринчидан, ўқувчигалабаларнинг тайёргарлик ҳолати таҳлил қилиниб, уларнинг билими, ўқув материалларини ўзлаштириш даражаси ва қобилияти аниқланади. Чунки уларнинг таълим олишида ўзига ишончи, қобилияти, шахсий ҳолати, ва ёши муайян даражада таъсир кўрсатади.

Ўқувчигалабаларнинг қобилиятига кўра табақалаштириш асосида уларга фанни мустақил ўзлаштириш тавсия этилади.

Иккинчидан, мавжуд шартшароитлар таҳлил этилади. У ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

Ҳуқуқий шарт-шароитлар. Бунда таълим жараёнига тааллуқли ўқув режаси ва дастурлар ўрганилади.

Ўқув жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ шартшароитлар. Бунда модул таркибига кирган назарий ва амалий машғулотлар ташкил қилинадиган жой ва бошқа шароитлар ўрганилади.

Техникавий шартшароитлар. Бунда техник жиҳоз ва мосламалар, ўқув ва ёрдамчи аудиовизуал воситаларининг мавжудлиги, ҳолати ўрганилади.

Учинчидан, ўтиладиган иқтисодий фанлар таҳлил қилиниб, модуллар мазмунини белгилашда зарур бўладиган турли манбалар, яъни ўқув материаллари ва бошқалар ўрганилади. Масалан:

* Иқтисодий, педагогика соҳалари бўйича дарслик, қўлланма ва бошқа адабиётлар;

* Илмий адабиётлар (илмийиқтисодий, педагогик журналлар, махсус мақолалар, диссертациялар, Интернет маълумотлари) ўрганилади,

2. Модулнинг ўқув мақсади ва мазмунини белгилаш. Модул технологияси асосида ўқитишда дастлаб ўрганиладиган фаннинг ўқитиш мақсади ва мазмуни, модулларнинг мақсади ва мазмуни белгиланади. Ўқув мақсадлари якунида таълимтарбия натижаси сифатида ўқувчи, талаба эришиши лозим бўлган билим, малака ва шахсий кўникмалар белгиланади. Ўқув мақсадлари тармоқ таълим стандарти талаблари асосида ишлаб чиқилади.

Модулни ўрганиш мақсади қанчалик аниқ бўлса, унга эришилганлик даражасини баҳолаш шунчалик осон бўлади.

3. Модул бўйича ўқувдидактик материаллар ва ўқув воситаларини тайёрлаш. Ўқув дидактик материаллар ва ўқув воситалари дейилганда билим ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилувчи ахборот манбалари тушунилади.

Модулли технология асосида ўқитишда ўқув дидактик материаллар сифатида назарий ва амалий дарсларда матнли визуал воситалар, масалан, ўқув адабиётлари, картотека ва маъруза матнлари, тарқатма материаллар, услубий кўрсатмалардан фойдаланилади.

4. Назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш. Модул таркибига киритилган назарий машғулотларни қуйидаги кетмакетликда ўтказиш тавсия этилади.

Қизиқтириш (мотивация уйғотиш). Иқтисодий фанларни модул технологияси асосида ўқитишда дарсларни қизиқарли, ҳатто дарсга тўғридантўғри тааллуқли бўлмаган

маълумот билан бошлаш мумкин. Масалан, мавзу билан боғлиқ қизиқарли кашфиёт, янгилик ёки хизматни тушунтириш билан дарс бошланади. Бу таълим олувчилар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади ва уларнинг шу соҳага ёки кейинги дарсларда ўрганиладиган мавзуга қизиқишига ёрдам беради.

Маълумот (билим) бериш. Ўқитувчи ўқувчигалабаларга янги материални тушунтиради, қисқа маърузалар ўқийди, мунозаралар, ўқув суҳбатлари уюштиради. Янги модул бирлигини ўрганишдан аввал ўтилган модул бирликлари қисқача умумлаштирилган ҳолда такрорланади.

Модул бирлигига мос тарқатма материаллар берилади. Бу ўқув жараёнини осонлаштиради. Уларни модул бирлигига монанд равишда биринкетин тарқатиш ва кўриб чиқиш учун етарли вақт ажратилади.

Ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш учун топшириқлар бериш. Ўқувчи, талабаларга тафаккур қилиш ва маълумотларни қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар берилади.

Ҳар бир топшириқ ёки машқдан кейин бажарилган ишлар баҳоланади. Натижаларни гуруҳларда очикойдин ва самимий муҳокама қилиш ҳам юқори самара беради. Модулни ўрганиш охирида якуний суҳбат учун вақт ажратилиши керак. Бу –ўқитувчи ва ўқувчигалабалар фаолияти натижалари, уларнинг амалга оширган ва оширмаган ишлари юзасидан мулоҳаза юритиш учун яхши имконият беради.

5. Ўқувчи, талабаларнинг назарий билими, амалий кўникма ва малакасини баҳолаш.

Махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитишда ўқувчи, талабалар билими ва кўникмалари ўқув мақсадларига мувофиқ ҳолда мунтазам баҳоланиши керак. Баҳолаш ҳуқуқий, педагогик ва психологик тамойилларга ҳамда Давлат таълим стандартларига асосланади. Баҳолаш орқали бутун модулни ўрганиш жараёни ва унинг барча компонентлари мақбуллиги текширилиб кўрилади. Бу билан модулли ўқитиш кутилаётган натижани бераётгани ёки бермаётгани аниқланади.

Шундай қилиб, педагогик технология, тўғрироғи, таълим технологияси, қўлланиладиган методларнинг барчаси ҳам таълим олувчиларни чуқур билим олишлари ва талаб даражасида кўникмага эга бўлишларига қаратилган. Ҳамма гап қўйилган мақсадни қай даражада амалга оширишдадир.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар:

Технология, педагогик технология, таълим технологияси, тарбия технологияси, таълим жараёни, дарс ўтиш методларига ёндашув, анъанавий кўргазмали ёндашув, технологик ёндашув, тадқиқийижодий ёндашув, интегратив ёндашув, модул технологияси

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар:

1. Педагогик технологияни ўрганиш объекти сифатида эътироф этилиши босқичлари(давралари)ни кўрсата оласизми?
2. Педагогик технология деганда нимани тушунасиз, унга берилган қандай таърифларни биласиз?
3. Педагогик технологияга берилган таърифларнинг қандай умумий томонлари ва фарқлари бор?
4. Таълим технологияси билан методларининг фарқи борми? Методлар таълим технологиясида қандай ўрин тутади?
5. Ўқитишнинг анъанавий методлари билан ноанъанавий методларининг қандай фарқи бор? Уларнинг афзалликлари ва камчиликларини кўрсата оласизми?
6. Ўқитишга (таълимга) уч хил ёндашувнинг қиёсий характеристикасига кўра қандай хулоса чиқариш мумкин?

IV боб. ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎРГАНИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МЕТОДЛАР ВА УЛАРНИ ТАНЛАШ МЕЗОНЛАРИ

1§. Иқтисодий фанлардан дарс ўтишда турли методларни қўллаш зарурияти

Ҳозирги пайтда, аввал таъкидлаб ўтганимиздек, **тайёр билимни ўзлаштириш асосий мақсад бўлмай, энг асосийси, талабаларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, мустақил танлаш ва қарор қабул қилиш кўникмасини ҳосил қилиш объектив заруриятга** айланди. Бу мақсадни амалга ошириш эса кўп жиҳатдан дарс ўтиш методларини танлашга боғлиқ.

Ҳар қандай фанни ўрганишда турли методлар қўлланилади. Бунинг сабаби, **биринчидан**, дарс ўтишда турли услубларни қўллаш уни қизиқарли бўлишига, талабаларни диққатини ўтилаётган дарсни ўзлаштиришига қаратилади. Бир хил методда дарс ўтилавериши талабаларни зериктиради. Психологлар тадқиқотларига кўра ҳар қандай моҳир ўқитувчи ҳам бир хил методни қўллаб дарс берар экан, айтайлик, маъруза ўқир экан, талабалар дастлаб 20 минут, сўнгра дарсни тугашидан олдин 20 минут маърузани диққат билан эшитар, колган пайтда хаёлга берилиб кетар экан.

Иккинчидан, талабаларнинг дарсни ўзлаштириш, билимни қабул қилиш қобилиятлари ҳар хил бўлиб, турли услубларни қўллашгина ўтилаётган мавзунини талабалар томонидан нисбатан тўлиқ ўзлаштиришга олиб келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, билимни ўзлаштириш жараёнида мавзунини тезроқ англашга бир хил талабаларга бир услуб ёрдам берса, иккинчиларига бошқа услуб ёрдам беради.

Учинчидан, дарс ўтиш методлари талабаларни фикрлаш доирасини шакллантиришга ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам, барча педагоглар талабаларга билим беришнинг энг самарали йўли, дарс ўтишга турли методларни қўллаш зарур деган фикр тарафдори бўлиб, айнан қайси метод қайси категориядаги талабалар учун қўлланилиши маъқуллиги бўйича эса ягона қолип йўқ, Жаҳон педагогикаси тажрибаси шуни кўрсатадики, **таҳлилий фикр** юритадиган талабалардангина муваффақият билан ишловчи бизнесменлар, сиёсий лидерлар(сардорлар), фан арбоблари етишиб чиқади.

Таҳлилий фикрлаш мустақил фикрлашдир. Ҳар бир кишининг фикр юритиши индивидуал характерга эга бўлиб, бошқаларникидан ажралиб туради. Ахборот эса таҳлилий фикрлашнинг бошланғич нуқтасидир.

Ғарб олимлари томонидан чоп этилган услубий – билим бериш услубига таъсир этувчи параметрларга:

- а) ҳар бир талабанин индивидуал хусусиятлари;
- б) ахборотни қайта тиклаш қобилияти;
- в) талабаларни бирбирига ўзаро таъсир кўрсатиши, ҳамкорлик қилиш хислатларини киритишади.

1. Ҳар бир кишининг – индивидуал, ўзига хос хусусиятлари инсон томонидан ахборот қабул қилишда ҳам ифодаланади. У бошқа омилар билан бирга унинг шахсий

¹ Curry I (1987) *Integrating concepts of cognitive style: A review with attention to psychometric standards*. Ottowa & Ont: Canadian College of Health Service Executives.

Punn R. & Dunn K (1978) *Teaching students through their individual learning styles. A Practical approach*. Reston, VA, Reston Publishing.

Kelder, R.M. (1996) *Matters of styles*, ASEEP risin, 6 (u), 18-23 (Destmber).

Griggs.S.A. (1991) *Learning styles counseling*. Ann Arbor MI: Eric Cjnseling and Personnel Services Clearingiose The University of Michigan.

Keefe JW (1989) *Learning style profile hond book: Accommodating percepbul, study and instructional Preferences* (vjl.II) Reston V.A. National Accommodaling of secondary school Princ ipols.

Witkin H.A. (1954) *Personalty throu ght Perception: An experimen tal aund c linical sty dy westport CT: Green Wood Press.*

Áδρñ Áæáñ è Ìàððà Ááéé. Ìääéè íáo-áíèÿ. 1996. ва бошқалар

хусусиятларига ҳам чамбарчас боғлиқ.

Психологлар одамларни интроверт ва экстраверт гуруҳларга бўлишади:

Интроверт типдаги талабалар кўпроқ индивидуал қатнашиш устун дарс ўтиш услубларини ёқтиришади. Масалан, маъруза эшитиш, китоб ўқиш, адабиётларни **конспект қилиш, назорат иши, реферат, доклад ёзиш** кабилар.

Экстраверт гуруҳидаги талабалар ўқитишнинг фаол турларини, бошқалар билан ҳамкорликда бажариладиган услубларни ёқтиришади. Масалан, кичик гуруҳларда ишлаш, моделлаштирилган ўйинлар ўтказишда қатнашиш кабилар.

2. Инсонда олган ахборотни қайта ишлаш қобилияти ҳам турлича. Талабалар билим олиш, олган ахборотларини ёдда сақлаш, тушуниш ва қўллашда ҳам бирбиридан фарқ қиладилар. Баъзи талабалар учун вербаль (сўзда ифодаланган) ахборот, масалан, маъруза эшитиш ёки радио орқали тинглаш етарли. Бошқалари учун эса визуал (кўриш) ахбороти муҳим. Улар кўргазмаларни қуроллар: жадвал, схема, график, диаграмма кабилар орқали мавзунинг мазмунига тез тушунишади. Учинчи гуруҳ талабалар учун кинестетик (ўзи қатнашувчи) ахборот фойдали. Улар ўқитишнинг актив услублари, моделлаштирилган ўйинларда рол ўйнаш орқали ахборотни яхши ўзлаштиридилар.

3. Талабалар кўп нарсаларни бир бирларидан ўрганишади. Шунинг учун талабаларни бирбирларига таъсир кўрсатиш, ҳамкорлик қилишга асосланган дарс ўтиш методлари муҳим аҳамиятга эга. Масалан, баъзилар мустақил, биринчи бўлишга интилиши билан ажралиб туради. Улар алоҳида ўқишни маъқул кўради. Уларга дебат, мунозара олиб бориш, конкурсларга қатнашиш ёқади. Бошқалар ёлғизликдан кўра ҳамкорликда ўқишга мойил. Улар учун кооперациялашган ўқитиш услубларини қўллаган маъқул. Баъзи талабалар аниқ фактлар, маълумотларни тезроқ қабул қилади. Бошқалари назарий математик моделларни ёқтиради. Баъзи талабалар кўргазмалар расмлар, диаграммалар орқали, бошқалари мунозара қилганда, учинчилари эса амалиётда ўзи бажаришда қатнашса яхшироқ, пухтароқ ўрганади.

Умуман олганда, таълимтарбиянинг методлари қотиб қолган эмас. Вақт ўтиши билан улар ўзгаради. Талабаларни билим олиши ва олган ахборотини қайта ишлаши учун турлитуман методларни ўйлаб топиб, қўллаш мумкин. Айниқса, ҳозирги пайтда муваффақиятли фаолият юритиш учун жуда кўп соҳаларга билишнинг турли усулларини қўллаш ва билим беришда мослашувчанлик, рангбаранг педагогик методлар қўллаш талаб этилади.

Ўқитувчиларни дарс жараёнида турли услубларни, ўқув топшириқларини қўллаб, талабаларда билим олишга иштиёқ уйғотишлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Талабаларнинг қобилиятини, уларни индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда турли методларни қўллаш, албатта, ўзлаштириш натижасини кўтаради.

Тажриба шуни кўрсатадики, ўқувчиганларни баркамол, чуқур билим эгаси, мустақил фикрлайдиган инсон бўлиб шаклланиши фақат индивидуал хусусиятларига боғлиқ эмас. Таъсир кўрсатадиган яна бир муҳим омил, таълим бериш жараёнини ташкил этишдир.

Таълим бериш жараёнини ташкил этишда эса ўқитиш шакллари ва методлари асосий роль ўйнайди. Айниқса, таълим методларини танлаш катта аҳамиятга эга. Ўқув методларини танлашда эса унинг самарадорлигини эътиборга олиш зарур.


Педагог олимларнинг тадқиқотлари бўйича ўқитиш жараёнида берилган ахборотни эслаб қолиш қўлланилган методларга кўра қуйидагича кўринишда акс этар экан (80бет).

Биз маъруза, доклад эшитар эканмиз унинг 5 фоизини, ўқиган материалларимизни 10 фоизи, видео, расм, кўргазмаларни кўрганимизни 20 фоизини, тажрибани намойиш қилинганида кўрган ва эшитганларимизни 30 фоизини, мунозарага киришсак, бирга муҳокама қилганимизни 40 фоизини, машқ ечар эканмиз, ўқиган, ёзган, гапирганларимизнинг 50 фоизини эслаб қолар эканмиз. Ишбилармон ўйин, лойиха методи, мустақил ўқиганларимиз, таҳлил қилганларимизни муҳокама қилиш самарали метод экан. Бунинг натижасида талабалар онгида маълумотнинг 75 фоизи сақланиб қолар

экан. Лекин, ўқувамалий машғулотлар жараёнида талабаларнинг бирбирларига ўргатишлари ундан ҳам самаралироқ ҳисобланади, бунда 90 фоиз маълумот ўзлаштирилади.

Инсоннинг эсда сақлаш хотираси – биокомпьютердир. Одатда, олинган ахборотнинг жуда кўпи қисқа муддат ёдимизда сақланади.

Ўқитиш «пирамида»



1. Маъруза, доклад. Эшитганимизнинг 5 фоизи;
2. Ўқиш. Ўқиганимизнинг 10 фоизи;
3. Видео, расм, кўргазмаларни кўриш. Кўрганимизнинг 20 фоизи;
4. Тажрибани намойиш қилиш. Кўрган ва эшитганимизнинг 30 фоизи;
5. Мунозара. Бирга муҳокама қилганимизнинг 40%;
6. Машқ. Ўқиган, ёзган, гапирганларимизнинг 50%;
7. Ишбилармон ўйини, лойиҳа усули. Мустақил ўқиганларимизнинг, таҳлил қилганларимизнинг, муҳокама, ҳимоя ва ёзганларимизнинг, намойиш қилганларимизнинг 75 фоизи;

8. Бошқаларни ўқитиш. Бошқаларни ўқитган нарсаларимизни 90 фоизи.

Бошқа янги ахборотни қабул қилар эканмиз, аввалги ахборот хотирадан кўтарилиб кетади. Ахборотлар ниҳоятда хилмаҳил бўлиб, инсон ҳар куни ўз ҳаётида қабул қиладиган ахборотлар миқдори турлича бўлиб, хотирада сақланиб қолиш жиҳатидан бирбиридан фарқ қиладди.

Психологларнинг фикрича, ахборотни хотирада узоқ сақланиб қолиши учун, у гўёки миянгизда филтрдан ўтиши, сараланиши, гўёки хотира қурилмасига ўтказилиши керак экан. Ахборот сараланиб, охиरोқибат у ёки бу томони билан ажралиб турадиганларигина хотирага ўтар экан.

Узоқ муддат хотирада қоладиган ахборотларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ниҳоятда қизиқарлилиги, жўшқинлиги ва бошқа шу каби хусусиятлари билан ажралиб турувчи ахборотлар;
- Тасаввур, ҳистуйғу ва шу каби бирбирини эслатадиган боғланишдаги ахборотлар;
- Инсон томонидан тушуниб, моҳиятига етилган ахборотлар;

¹ «Таълим самарадорлигини ошириш йўллари» мавзудаги семинар-тренинг материаллари. Тренерлар учун қўлланма. Тошкент, 2002, 67-бет.

- Фаоллик билан қабул қилинган ўрганилган, масалан, такрорланиб турадиган ахборотлар .

Билимни ўзлаштириш билан бир қаторда уни ёдда сақлаш, ундан фойдаланиш, такрорлаб туриш муҳим аҳамиятга эга. Олинган билимдан фойдаланилмаса, такрорлаб турилмаса хотирадан кўтарилади.

Демак, талабалар энг аввало ўқув материални ўзлаштириши, ёдда қолиш учун олинадиган ахборотни иложи борича эшитиш ва кўриш орқалигина эмас, балки ўзи гапириши, ўз фаолиятида синаб кўриши орқали етказиши катта аҳамиятга эга экан.

Бунга дарс ўтишда турли туман методларни қўллаш орқали эришиш мумкин.

Умуман олганда, ўқитувчиларнинг дарс жараёнида турли методларни, ўқув топшириқларини қўллаб, ўз талабаларида билим олишга иштиёқ уйғотишлари нихоятда муҳим аҳамиятга эга.

Педагогларнинг муҳим вазифаси, мақсади айнан турли методлар орқали талабаларни билим, ахборот олишни турли шаклларига тезда мослашишга, ўз дунёқарашини кенгайтириш учун ҳаракат қилишга талабаларни қизиқтириш ва уни амалга оширишдир.

Айниқса, ҳозирги пайтда муваффақиятли фаолият юритиш учун жуда кўп соҳаларга, билишнинг турли методларини қўллаш ва билим беришда мослашувчанлик, рангбаранг педагогик усуллар қўллаш талаб этилади.

2§. Интерактив методларни қўллаш ва ўқув жараёнини ташкил этишдаги қийинчиликлар

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар, ислохотлар таълим стандартларини ўзгартиришга, янги фан, ўқув курсларини киритишнигина эмас, балки дарс ўтиш методларини ҳам ўзгартиришни, талабаларни дарсга қизиқиб, фаол қатнашишларини таъминлайдиган методларни қўллаш эҳтиёжларини келтириб чиқарди.

Шунинг учун жаҳон педагогикасида асосий эътибор талабаларда ана шу хислатларни ҳосил қилишга қаратилди. Тажриба талабаларда айнан ана шу хислатлар, кўникмаларни ҳосил қилишда дарс беришнинг интерактив методларини қўллаш ижобий натижа беришини кўрсатди. Бу услублар дарс ўтишни диалог тарзда амалга оширишга, айниқса, талабаларни дарсга фаол қатнашишларини таъминлашга қаратилган.

Ҳар қандай фандан дарс ўтишда турли методларни, айниқса, интерактив методларни қўллаш зарурияти яна шунда ифодаланадики, биринчидан, бундай методларни қўллаш дарсни қизиқарли ўтиш ва талабаларни дарсга фаол қатнашишларини, иккинчидан, уларнинг диққатини ўтилаётган дарсни ўзлаштиришга қаратишларини таъминлайди.

Дарс ўтишда қўлланиладиган методларни **шартли** равишда: **анъанавий** дарс ўтиш услублари ҳамда талабалар фаоллигини оширувчи **интерактив** методларга ажратиш мумкин.

Анъанавий дарс ўтишда дарснинг асосий мақсади кўпроқ тушуниришга қаратилган бўлиб, ўқитувчи билим берувчи, ўқувчигалаба билим олувчи ролни бажаради. Уларни ўрганилаётган мавзунини қай даражада ўзлаштирганларини назорат қилиш жараёнида билдирган фикрларига қараб аниқланади.

Педагоглар, педагоголимлар дарс жараёнида ўқувчи, талабалар ўртасида ҳамда улар билан ўқитувчи орасида юқори даражада ҳамкорлик ўрнатилса, уни интерактив ҳисоблашади.

Одатда бундай ҳамкорлик у ёки бу муаммони ечиш йўллари фикрлашиб топишда, қабул қилинган қарорни қай даражада қўлласа бўлишини муҳокама қилишда ўрнатилади. Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, муҳокама жараёни уни жавобларидан ҳам муҳимроқ. Таълим интерактив методларининг мақсади билим бериш эмас, балки ўқувчи, талабаларда мустақил равишда ўқиш, изланиш, саволларга жавоб топиш, қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантиришдир.

Дарс ўтишининг талабалар фаоллигини оширувчи интерактив методлари айрим адабиётларда ноанъанавий дарс ўтиши методлари деб ҳам таърифланади. Бу методлардан авваллари ҳам фойдаланилган, лекин камроқ эътибор берилган. Ҳозирги пайтда бутун дунёда фаол интерактив методларни қўллашни дарс ўтишининг самарали методи сифатида тан олиниб, кенг қўлланилмоқда.

Интерактив методика ўзаро ҳамкорликнинг ниҳоятда кўп усул ва турларини камраб олади. Лекин методик усул қандай бўлишидан қатъий назар, ўқувчи талабаларнинг тажрибалари асосий таълим манбаи ҳисобланади. Ҳамкорлик асосида амалга оширилаётган методларнинг асосий хусусияти шундаки, унда ўқувчи, талаба ўзи учун ниманидир кашф қилади.

Интерактив методлар «ўқишга ва уқишга» ўргатади. У ўқувчиталабаларнинг ниҳоятда катта интеллектуал потенциалидан фойдаланиш имконини беради, уларни ўқув жараёнида фаол қатнашишларини таъминлайди. Ўқув жараёнида нафақат ҳамкорлик, балки мусобақа, беллашув элементларини ҳам қўллаш имконини беради.

Интерактив методлар талабаларни ўз фикрини ифодалаш учун кенг имконият яратиб берибгина қолмай, ўртоқларининг фикри, асослари, далилларини тинглаб, ўз фикридан қайтиши ёки фикрини тамомила ўзгартириши мумкин. Интерактив методлар бошқаларнинг фикрига ҳурмат билан қарашга, уни сабртоқат билан эшитишга ҳам ўргатади. Аудиторияда ҳамкорлик муҳитини яратишнинг реал имкониятини яратади.

Ўқитувчи яхши дарс беришнинг тайёр рецептига эмас, балки интерактив методларга асосланган таълим технологиясига эга бўлиши керак. У ижодий ҳамкорликда ишлашга ва масъулиятли қарорлар қабул қилиш учун тайёр туришга ўргатади.

Таълимнинг интерактив методлари педагогларда:

- дарсда ўрганилаётган мавзуга қизиқиш уйғотишни таъминлайди;
- ўқув материални пухта ўзлаштириш имконини беради;
- ўқувчи, талабанинг таҳлилий фикрлашини ривожлантиради;
- барча ўқувчи, талабаларни ўқув жараёнига тортиш, фаоллигини ошириш учун шароит яратади;
- гуруҳда кўнгилдагидек ижобий психологик иқлим, муҳит яратади.

Дарс ўтиш методлари турлича бўлиб, улардан айримлари қуйидагилар:

Тўғридантўғри баён қилиш услуби. Бу модел (услуб)да янги тушунчалар, навбатманавбат, астасекинлик билан, мантикий изчилликда бериб борилади. Бу услуб кўпроқ маъруза ўқиганда қўлланилади.

Гуруҳларда жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиниб ишлаш. Бу услубда жуфтлик ёки кичик гуруҳ билан биргаликда қўйилган у ёки бу масалани, маълум белгиланган вақт ичида ўзаро фикр алмашиш, мулоқот қилиш орқали ечиш кўзда тутилади.

Интервью – бир ёки бир неча кишилардан ахборот олиш учун аниқ мақсадга қаратилган сўров (саволжавоб) ўтказилади.

Дарсни аниқ йўналтирилган (мўлжалланган) саволлар асосида олиб бориш. Бу услубда мавзу бўйича аниқ йўналтирилган саволлар билан мавзу муҳокама қилинади. Ўқитувчи саволжавоб, суҳбатни бошқариб туради.

Моделлаштирувчи амалий ўйинлар ва машқлар. Бу услубда талабалар қатнашади. Моделлаштиришда абстракт услублардан фойдаланиб, реал воқеликка иложи борича яқинлаштирилади. Бу услуб осон тушунадиган талабаларга қўл келади. Моделлаштирувчи ўйинда талабалар ўзлари белгиланган ролларни бажарадилар. Ўз хаттихаракатлари орқали зарур малака ва кўникмаларни эгаллашади.

Реферат – баҳолаш нуқтаи назаридан нейтрал позицияда турган ҳолда мавзу бўйича оғзаки ахборот бўлиб, у аниқ объектив, структура, китоб ёки рисоланинг мазмунини қисқача баён қилиш ёки бирон мавзу, асар бўйича қисқача доклад тарзида тайёрланиши мумкин.

Доклад ёки қисқача доклад мавзу ёки муаммони тартибга солинган ҳолда таништириш ёки баҳолаш тарзида баён қилинади.

Масала ёки машқ ечиш. Ўтилганларни назарий жиҳатдан ёдга тушириб, берилган топшириқни бажариш. Назарий билимни мустақкамлаш ва амалий кўникмаларга эга бўлишга қаратилади.

Тадқиқот методи. Бу методда бирон муаммо ёки гипотеза қўйилиб, гуруҳ биргаликда тадқиқот ўтказилади, мантиқий хулоса чиқарилади, уни илгари сурилган гипотеза билан таққослайди.

«Ақлий штурм» методи муайян муаммо ечиш учун талабалар ўртасига қўйилади. Унда ҳар бир гуруҳ ёки алоҳида талабалар томонидан фикр ва мулоҳазалар билдирилади. Улар солиштирилади ва хулоса чиқарилади.

Конкурс(танлов)лар ўтказиш. Маълум бир мавзу ёки муаммо бўйича талабалар олган билимларини аниқлаш ва баҳолаш учун қўлланилади.

Дарс ўтишда бошқа қатор методлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ўқитувчи мавзунинг мазмуни, гуруҳнинг тайёргарлигига қараб, қўллаши мумкин.

Дарс бериш жараёнида турли методларни қўллашни ҳозирги пайтда кенг тарғиб қилинаётганига қарамай ҳали қутилган натижага эришилгани йўқ. Бунинг қатор сабаблари қуйидагича:

- дарс жараёнини турли методлар асосида ташкил этиш, методларни қандай қўллаш бўйича методик қўлланмаларнинг йўқлиги;
- интерактив методларни қўллаш бўйича ўтказиладиган дарсларга тайёргарликнинг кўп вақт ва маблағ талаб қилиши;
- интерактив методларни кенг қўллаш учун барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида моддий базанинг етарли эмаслиги;
- интерактив методларни кенг қўллаб, дарс ўтиш ўқитувчидан чуқур билим ва маҳорат талаб қилиши;
- барча ўқитувчиларни бунга бирдай жалб қилишнинг қийинлиги ва ҳоказолар.

Бундан ташқари, ўқув жараёнини ташкил этишдаги қийинчиликлар ва камчиликлар ҳам турли методларни қўллаб, дарс ўтишга тўсқинлик қилади.

Ўқиш жараёнини ташкил этишдаги қийинчиликлар:

- а) бутун ўқув жараёнини ташкил қилишга тегишли;
- б) ўқув материалнинг маълум бир қисмига тегишли бўлиши мумкин.

Камчиликлар эса:

- 1) умумий характерга эга бўлган;
- 2) ўқув жараёнидаги индивидуал тўсиқлар;
- 3) гуруҳ туфайли келиб чиққан қийинчилик;
- 4) дарс жараёнини ташкил қилишдаги қийинчиликлар туфайли келиб чиққан тўсиқлар.

Дарсни ташкил қилиш билан боғлиқ қийинчиликлар шовқин, дарс пайтидаги танаффус, дарсни бошқалар томонидан бузилиши туфайли келиб чиқиши мумкин.

Дарс жараёнида қўлланиши керак бўлган техник воситалар, дарслик, зарур ўқув қуроллари етишмаслиги кабилар ҳам қийинчиликлар туғдиради.

Ўқитувчининг ўз фанини пухта билмаслиги, фанга доир янгиликлардан хабардор эмаслиги, ўзини бирорбир айби бор ёки бирор нарса етишмаётгандай тутиши ҳам дарс ўтишда қийинчилик туғдиради.

Талабаларнинг дарсда ўзини тута билмаслиги, ўзаро рақобатлашуви, ҳам дарс ўтказишга тўсиқ бўлиши мумкин.

Дидактик характердаги камчиликлар:

- а ўқитувчининг ҳукмронлик ролини ўйнаши;
- а ўқитувчининг ўзини тута билмаслиги;
- а ўқитувчида сабртоқатнинг етишмаслиги;
- а хушмуомалалик, хушфееьликнинг етишмаслиги;
- а ёрдам беришга тайёр туришдаги камчилиги;
- а хайрихоҳ эмаслиги, талабаларни кўркўрона сўзсиз бўйсунушга мажбур қилиши

кабилардан иборат.

Дарс ўтишда юз берадиган турли камчиликлар натижасида талабаларнинг ўқишдан қўнгли совийди. Бу индивидуал, руҳий ва интеллектуал қобилияти даражасига нисбатан ўзлаштириш даражасини тушиб кетишида ифодаланади.

Ўқув жараёнида тўсқинликлар юз берганми йўқлигини қуйидаги мезонлар бўйича аниқлаш мумкин:

- ўзлаштириш кўрсаткичининг пасайиши;
- дарсга қатнашиш даражасининг пасайиши;
- материални ўзлаштириш учун ажратилган вақтда улгурмаслик.

Демак, дарс жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи иложи борича ана шу камчиликлар юз бермаслигининг олдини олишга ҳаракат қилиши керак.

Дарсда педагог интерактив методларни қўллаши учун шахсий тажриба талаб қилинади. Интерактив метод ва уларни қўллаш ҳақида кўплаб ўқув, услубий адабиётларни ўқиш мумкин. Лекин уларни қўллаш малакасига эса бевосита ана шу жараёнда ўзи қатнашибгина эга бўлиши, кўникма ҳосил қилиши мумкин.

3§. Дарс ўтиш методларини танлаш мезонлари

Ўқитувчи дарсни режалаштирар экан, албатта, уни қандай метод асосида ўтказиш ҳақида бош қотиради. Юзаки қараганда, ҳар бир мавзунини хоҳлаган методни қўллаб ўтказаверса бўлади, лекин амалда бунинг иложи йўқ. Бунга қатор объектив ва субъектив сабаблар, мавжуд шароит салбий таъсир кўрсатади.

Психология, педагогика бўйича ўқув ва илмий адабиётларда дарс ўтиш методини танлашга таъсир қилувчи жуда кўп омиллар кўрсатилади. (I боб, 3§ га қаранг)

«Методика преподавания экономических дисциплин» китоби муаллифларининг фикрича таълим методини танлаш ёки аниқлашнинг олтига умумий шартшароитларини ажратиб кўрсатиш мумкин.¹

Булар;

1. Ўқитишнинг қонуниятлари ва тамойиллари;
2. Фаннинг мазмуни ва ўрганиш методи, жумладан, унинг предмети ва мавзулари;
3. Ўқитишнинг мақсади ва вазифалари;
4. Талабаларнинг ўқув имкониятлари (ёши, тайёргарлик даражаси, гуруҳнинг хусусиятлари);
5. Ташқи шароитлар (географик, ишлаб чиқариш, атрофмуҳит);
6. Ўқитувчиларнинг имкониятлари.

Турлитуман омилларнинг дарс ўтиш методини танлашдаги ўринларини иерархик тарзда жойлаштирадиган бўлсак, кўпчилик психологлар ва педагог олимларнинг фикрича, биринчи ўринда таълимнинг мақсади туради. Айнан дарс ўтиш мақсадида биз нимага эришишимиз лозимлиги ифодаланади, эришишимиз зарур бўлган натижа белгиланади. Иккинчи ўринда таълимнинг мотивация даражаси туради.

Мотивация – бу биологик жиҳатдан инсоннинг ирсий ва тўпланган тажрибаси асосида индивидуал ва гуруҳий равишда эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган, ундайдиган туйғу. Инсонни ўқишга ўрганишга ҳам ана шу туйғу ундайди. Ўқитувчи дарс ўтиш методини танлар экан, албатта, ўқувчи, талабалардаги мотивация даражасига эътибор бериш керак.

Дарс ўтиш методини танлаганда таълим қонуниятлари ва — реализация қилишни назардан қочирмаслик керак (қонуният объектив амал қилувчи ҳодисаларнинг муҳим

¹ Н.Хўжаев, П.З.Хошимов, Т.Т.Джураев, О.Б.Гимранова. Методика преподавания экономических дисциплин. Тошкент 2004, стр. 16.

² Принцип (лотинча principium- асос, бошланиш):

1. Назария, таълимот, фан, хатти-ҳаракатнинг асосий қонун-қоидаси.
2. Киши қаттиқ ушлаб олган, оғишмай амал қиладиган қоида, нуктаи назар, қараш, маслак, етакчи ғоя.

алоқадорлиги, боғланишлари ва уларнинг қонунлари, қонуний асосда табиий равишда ўзўзидан келиб чиқувчи муқаррар иш, ҳодиса ва бошқа шу кабилар).

Ҳар бир фанни ўрганишда дарс ўтиш методлари таълим қонуниятларидан, дидактик принциплардан келиб чиққан ҳолда танланади.

XVXVI асрларда машҳур олимлар билишнинг асосий қонуниятларига фақат ўқитишнинг эмас, балки ахлоқий тарбиялашнинг ҳам етакчи асоси сифатида қараганлар.³

Ижтимоийпедагогик қонуниятлар қуйидагиларда ифодаланади:

- таълим жараёни жамият тараққиётини акс эттиради;
- таълим ва тарбия жараёни ҳамда ўқувчи – талабалар тафаккурини ривожланиши бирбири билан узвий боғланган;

- ўқитиш ва ўрганиш жараёнлари яхлит таълим жараёни, муайян таълим мазмуни билан бирбирини тақозо этади ва икки томонлама қонуний алоқани ташкил этади;

- ўқувчи, талабани биронбир фаолиятга ўргатиш уни шу фаолиятга мақсадга мувофиқ жалб этиш орқали амалга оширилади;

- ўқитиш мақсади ва ўқув юрти таълим мазмуни, ўқитиш методлари ва шакллари ўртасидаги қонуний боғлиқлик;

- ўқув жараёни ўқувчи талаба мақсадининг ўқитувчи мақсадига мувофиқ бўлиши туфайли амалга ошади. Бунда ўқитувчи фаолияти ўзлаштириши лозим бўлган мазмунига мос бўлиши шарт;

- таълим мазмунини ўзлаштириш суръати ва пухталиги, ўқитувчи томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ўқув фаолиятига, ўқувчи, талабаларни билишга бўлган қизиқишини таъминлаш;

- уларнинг ҳар томонлама ривожланиши, камол топиши учун ўзлаштириши мумкин бўлган ўқув жараёнига қай даражада жалб қилиниши;

- ўзлаштирилган ўқув материали мазмунининг пухталигини таъминлашда мавзуни тўлиқ ёки қисман такрорлаш.

Ўқув жараёнида талабалар билим қонуниятларидан қандай фойдаланишлари дидактик принципларга амал қилиш билан боғлиқдир.

Албатта, дарс ўтиш методларини танлаётганимизда фанни ўрганишга қўйилган талаблар ва фаннинг мазмунига алоҳида аҳамият бериш лозим. Бир фанни ўзлаштиришда яхши натижа берган метод бошқа фанга талабаларни чуқур ўзлаштиришлари учун яхши ёрдам бермаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам дарс ўтиш методларини танлаганда, албатта, фаннинг хусусиятларига алоҳида диққат қаратиш лозим.

Фанни ўрганишда **ўқув материалининг мураккаблиги ва миқдори** ҳам муҳим роль ўйнайди. Демак, дарс ўтиш методини танлашда фаннинг бу жиҳатларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, олий ўқув юртларида иқтисодиёт назарияси, академик лицей, касбхунар коллежларида иқтисодиёт асослари фанини ўрганишда абстракт тафаккур ниҳоятда катта роль ўйнайди. Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, солиқ ва бошқа шу каби фанларда амалий методлар фанни ўрганишга катта ёрдам беради. Демак, методларни мувофиқ равишда танлаш лозим.

Дарс ўтишда қандай методни танлаш **ўрганилаётган фанга, унинг хусусиятларига, ўрганиладиган мавзуларга** боғлиқ. Масалан, статистика фанида иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш асосий роль ўйнаса, бухгалтерия ҳисоби фанида эса ҳужжатлаштиришга асосий диққат қаратилади. Бир мавзунинг мазмуни мунозарада чуқур ўзлаштирилса, иккинчисиники, масаламашқ ечишда кўпроқ тушунарли бўлади.

Дарс жарёнини қандай метод асосида ташкил этишда **ўқувчи талабаларнинг ўртача билим даражаси** ҳам муҳим роль ўйнайди.

Гуруҳда талабаларнинг билим даражаси юқори бўлса, мувофиқ равишда ижодий изланишга ундайдиган методларни қўллаш зарур. Бу уларни янада кўпроқ ўқишга,

³ Р. Мавлонова, О.Тўраева, К. Холикбердиев. «Педагогика». Т. «Ўқитувчи», 2001, 185-бет.

изланишга олиб келади. Билим даражаси паст бўлса, уларга фаннинг мазмунини ўзлаштиришга ёрдам берувчи методларни танлаган маъқул.

Дарс ўтиш қийин бўлган гуруҳ талабаларнинг билим даражаси бирбиридан кескин фарқ қиладиган гуруҳдир. Шунинг учун бундай гуруҳларда билимдонлар бошқаларга ёрдам беришига эришишга, фанни ўзлаштиришга кўмаклашадиган методларни кўпроқ танлашга тўғри келади.

Ўқитувчи дарс методини танлар экан **талабаларнинг фаоллиги, қизиқишини** ҳам ҳисобга олиши зарур. Талабаларнинг қизиқиши паст гуруҳларда уларнинг фаоллигини оширувчи, фанни ўрганишга қизиқиш уйғотувчи методларни қўллаш зарур. Бунда моделлаштирувчи ўйин турли қизиқарли машқлар, конкурслар ўтказиш, талабаларга индивидуал топшириқлар бериш, айтилик, бирон иқтисодий кўрсаткичларни ўзгаришидан қандай хулоса чиқиши борасидаги фикрлашлар билан кечади.

Талабаларнинг фаоллиги юқори гуруҳларда уларни ўз устида мустақил ишлашларини таъминловчи, эришган даражада қотиб қолмай, янада кўпроқ билишга илҳовчи методларни қўллаш муҳим.

Дарс ўтиш методини танлашда **таълим бериш муддатини** ҳам ҳисобга олиш зарур. Маълумки, вақт инсон учун энг чекланган ресурс. Шунинг учун талабаларни доимо вақтдан унумли фойдаланишга ўргатиш зарур. Фанни ўрганишга умумий қанча вақт берилгани, шулардан мавзуларга қанча вақт ажратилганига қараб, дарс ўтиш зарур.

Шубҳасиз, дарс ўтиш методларини танлашда **моддийтехник база, ўқитишнинг ташкилий шарт шароитлари** ҳам муҳим ўрин тутаяди. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир мавзуга ажратилган вақтдан келиб чиқиб, мақсадга эришиш учун ўрганилиши зарур бўлган асосий саволларга кўпроқ вақт ажратиши, шунга мувофиқ дарс ўтиш методини танлаш ва уни ўтказишни режалаштириши зарур.

Дарс ўтиш методини танлашга таъсир этадиган яна бир омил дарснинг шакли ва таркибидир. Албатта, назарий дарсда танланган методни амалий, дарсда ҳам қўллаш кутилган натижани бермайди. Ўқитиш методини танлашда **гуруҳдаги талабалар сони** ҳам катта роль ўйнайди. Кичик гуруҳларда муваффақият билан қўлланилган методлар катта гуруҳларда кутилган натижани бермаслиги мумкин, ёки умуман қўллаш қийин бўлади.

Дарс жараёнида қўлланиладиган методни танлашда ўқитувчи билан талабалар ўртасида ўқув жараёнида шаклландиган муносабатларда ўзаро ҳамкорликка диққат қаратилса, бошқаларида авторитарлик устун. Дарс ўтиш методини танлашда энг муҳим омил бу ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги даражасидир. Чунки қайси методни қўллаш, қандай қилиб дарс ўтиш, дарснинг мазмуни талабалар онгига етказиш ўқитувчига, унинг билими, салоҳияти, касбий кўникмаси, маҳоратига боғлиқ.

Юзаки қараганда дарс ўтиш методини танлаш мураккаб эмас. Уларни қандай қўллаш учун ўқитувчида тажриба бор. Улардан бирортасини танласа бўлди, дея фикр юритамиз. Лекин кўриб ўтганимиздек, дарс жараёнини ташкил этишга кўплаб омиллар таъсир қиладди.

Бундан ташқари реал жараёнга кутилмаган ҳолатлар, сабаблар таъсир қилиши мумкинки, уни аввалдан кўриб, ҳисобга олиб бўлмайди. **Дарс ўтишда самарали методларни қўллаш деганда, мавжуд турлитуман методларни орасидан қабул қилинган мезонлар бўйича мавжуд шароитда энг юқори натижага эришиладиган методларни қўллаш тушунилади.** Улар ҳар бир фан, мавзу, савол, гуруҳ учун турлитуман бўлиши мумкин.

Дарс ўтиш методларини танлашда янги мавзуни, материални ўрганилиши, уни мустаҳкамлаш, мавзуни умумлаштириш ва дарс жараёни босқичлари ҳам катта роль ўйнайди.

4§. Иқтисодий фанларни масофадан ўқитиш методини қўллашнинг объектив асослари, афзалликлари ва муаммолари

Тараққиёт туфайли ҳаётимизга компьютер, интернетнинг кириб келиши, ўқиш, ўрганишнинг муҳим методи сифатида масофадан ўқитишни шаклланишига, ривожланиб боришига олиб келди. Ёшларнинг чуқур билим, малака, кўникмага эга бўлишига эҳтиёжларини қондириши мумкин бўлган юқори малакали профессорўқитувчилар билан таъминланган билим масканларининг марказда ва йирик шаҳарларда жойлашгани масофадан ўқитиш тадбирларининг вужудга келишига туртки берди.

Ҳаётда шундай категориядаги кишилар борки, улар ўз билимларини оширишга тинмай изланишга эҳтиёж сезадилар. Лекин уни амалга ошириш учун анъанавий таълим тизими хизматларидан фойдаланишга имкониятлари йўқ. Улар учун энг қулайи ўз хизмат вазифаларини бажарган ҳолда малакаларини оширишдир. Бундай эҳтиёжни масофадан ўқитиш ёрдамида қондириш мумкин.

Масофадан ўқитишни қулайлиги шундаки, ундан барча аҳоли қатламлари фойдаланиши мумкин. Масофадан (дистанцион) ўқитиш талабани мустақил билим олишга асосланган таълим жараёнини янгича ташкил этишдир. Таълим олиш жараёни, муҳити шу билан характерланадики, билим олаётганлар ўқитувчидан вақт ва масофа жиҳатидан ажралган ҳолда, узоқда, лекин телекоммуникация воситалари ёрдамида диалог олиб бориш имкониятига эга бўладилар.

Масофадан ўқитиш ўқув материални хатлар, топшириқлар ёки аудиовизуал воситалар орқали мустақил ўрганишдир.

Масофадан ўқитиш ўзига хос қатор афзалликларга эга бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Сабоқ олаётганлар анъанавий ўқишга ўхшаб маъруза, семинар дарсларга мунтазам қатнашмайдилар. Улар ўрганаётган фанини, курсини ўзлаштириши учун, мутахассислик бўйича зарур билимларни олишга қанча вақт зарур бўлса, шунча ўқийди.

2. Ўқиш жараёнини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, касбий фаолият билан биргаликда олиб бориш мумкин.

3. Республикаимизнинг энг чекка ҳудудларида яшаётганлар ҳам юртимиз ва чет эллик энг таниқли профессорўқитувчи олимлардан сабоқ олиш, жаҳоннинг машҳур кутубхоналари фондидаги ноёб асарлар билан танишиш имконига эга бўладилар. Ундан ташқари ўқитиш ҳар икки томон учун қулай вақтда, суръатда, келишилган ҳолда олиб борилиши мумкин.

4. Масофадан ўқитиш кенг ёйилган мамлакатлар тажрибаси, ҳисобкитоблари шуни кўрсатадики, анъанавий таълим тизимига қараганда бу 1050 фоиз арзонга тушади.

Харажатларни пасайтиришга ўқув хоналари, техник воситалардан самарали фойдаланиш, ўқув материалларини концентрацияси ва унификацияси орқали эришилади. Шубҳасиз, ана шу афзалликларни ҳисобга олган ҳолда республикаимизда ҳам кейинги пайтларда масофадан ўқитишни йўлга қўйишга катта эътибор қаратилмоқда. Лекин масофадан ўқитишни республикаимиз миқёсида жорий этиш биз хоҳлаганимиздек тезда амалга оширилиши қийин. Сабаби, қатор муаммолар мавжудки, уларни ечмай туриб, қўйилган мақсадга эришиб бўлмайди. Энг аввало, масофадан ўқитишни ташкил этиш учун мувофиқ равишда инфратузилмани яратишни талаб қилади. Зарур миқдорда дастурлар билан компьютерларга эга бўлиб, уларни умумий тармоққа улашни ташкил этиш керак. Масофадан ўқитиш янги информация технология, компьютер, аудио, видеотехника, телекоммуникация воситалари тизимини талаб қилади, уни шакллантириб, хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш лозим.

Виртуал ахборотдан фойдаланмоқчи бўлганлар учун кутубхона фондлари компакт дисклар, мувофиқ равишда каталоглар билан таъминлаш, уларни умумий тармоққа бирлаштириш зарур. Ўқув адабиётларининг электрон вариантларини комплекс тарзда тайёрланишига аҳамият бериш зарур. Фанлар, курслар бўйича таълим мазмуни давлат таълим стандартлари талабларига мос ўқув комплексларини яратиш лозим. Бу ҳолда

дарсликдар, қўлланмалар ўрганилаётган фан бўйича масала, машқ, тестлар, глоссарий, ўзўзини текшириш учун саволжавоблар, кўргазмали куроллар ҳозирланиши, ўқув методик тўпламларнинг электрон вариантлари яратилишига аҳамият бериш зарур.

Иқтисодий фанларни ўрганиш анча мураккаб бўлиб, ўрганувчидан кучли ирода ва сабртоқат, тинимсиз изланишни, ўз устида ишлашни талаб қилади.

Маълумотлар, далиллар ўзгариши қандай натижага олиб келиши, улар асосида тўғри хулоса чиқаришни билиш иқтисодий фанларнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий йўналиш бўйича билим олаётган ёшлар учун, айниқса, иқтисодий фанларни, аввало, иқтисодиёт назариясини чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиёт назарияси, бошқа иқтисодий фанларни масофадан ўқитиш учун зарур электрон ўқув дарсликлари, қўлланма, услубий адабиётлар тайёрлаганда буни албатта ҳисобга олиш зарур. Лекин ҳали ана шу талабларга жавоб берадиган ўқув, услубий адабиётлар яратилганича йўқ. Уларни яратиш машаққатли меҳнатни, вақтни талаб қилади.

Бундан ташқари, масофадан ўқитиш ўқишни хоҳлаганлардан ўз устида тинимсиз ишлаш, ўз вақтини тўғри ташкил этиш, маълум даражада бошланғич билим ва кўникмага эга бўлишни талаб қилади. Бунга, албатта, катта миқдордаги маблағ, вақт, меҳнат зарур.

Қўйилган мақсадни қисқа муддатда амалга ошириш учун эса, талабаларга дастлабки билим берувчи, ўқув адабиётлари комплексини тайёрловчи профессорўқитувчилардан бошлаб, масофадан ўқитишни ташкил қилишга масъул юқори бошқарув бўғинлари вакилларигача ўз ишларига масъулият билан ёндашишлари талаб қилинади. Бу ерда яна бир нарсани унутмаслик керакки, талаба билан ўқитувчи ўртасидаги жонли мулоқотни ўз ўрни бор, уни ҳеч нарса боса олмайди. Масофадан ўқитиш технологияси кўп миқдордаги талабаларга мўлжалланган. Агарда уларнинг сони кам бўлса, сарфхаражатларни ошириб кетишига олиб келади.

Асосий таянч тушунча ва атамалар:

Ахборот қабул қилиш, таҳлилий фикрлаш, инсонга хос индивидуал хусусиятлар, интроверт, экстрроверт, ўқитиш пирамидаси, интерактив методлар, мотивация, принцип, педагогик қонуниятлар, масофадан ўқитиш.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар:

1. Иқтисодий фанларни ўрганишда турли методларни қўллаш зарурлигининг асосий сабаблари нимада деб ўйлайсиз?
2. Ахборот қандай тарзда қабул қилинса, уни эслаб қолиш даражаси энг юқори бўлади? Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?
3. Ўқув жараёнини ташкил қилишда қандай қийинчиликлар бўлиши мумкин?
4. Турли методларни қўллаб дарс ўтишнинг ижобий томонлари кўплигига қарамай, нима сабабдан ҳали ҳам турли интерактив методларни қўллаш талаб даражасида эмас?
5. Анъанавий дарс ўтиш методи билан талабаларни фаоллигини оширувчи (интерактив) методлар қайси жиҳатлари билан фарқланади?
6. Дарс ўтишнинг асосий методларини санаб беринг. Уларни қисқача тафсилотини айта оласизми?
7. Дарс ўтиш методларини қандай мезонларга кўра танлаганимиз маъқул?
8. Дарс ўтиш методларини танлаш осонми?

V боб. ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎРГАНИШДА МАЪРУЗА

1§. Маъруза, унинг ўқув жараёнида тутган ўрни ва унга қўйиладиган асосий талаблар

Маъруза (арабча, лекция (лот. lectio) ўқиш) ўқув материали, бирор масала, мавзу кабиларнинг изчил, маълум бир тизимга солинган баёнидир.

Маъруза ўқув жараёнининг асосий бўғини, дарс ўтишининг асосий шакллари билан биридир.

Маъруза ўқувчиталабалар билан мулоқотда бўлишнинг алоҳида шакли ва уни бошқа ҳеч қандай ўқув шакли билан алмаштириб бўлмайди. Маърузанинг олдида қўйиладиган мақсад ҳар хил бўлиб, бу мақсад максимал даражада амалга ошиши учун, унинг функцияларига аҳамият бериш керак. Маъруза ўқитишнинг қуйидаги қатор функцияларини бажаради.

1. Профессинал таълим бериш ва дунёқарашни шакллантириш.

2. Талабалар диққатини асосий мақсадга йўналтириш. Маърузада талабаларнинг диққатэтибори ўқув материалнинг асосий мазмуни, қонунқоидалари, уларнинг назарий ва келгусидаги амалиётда, мутахассислик фаолиятида қандай ўрин тутиши ва аҳамиятига, уни ўзлаштириш методларига қаратилади.

3. Талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатиш. Уларни ахлоқий, маънавий жиҳатдан баркамол бўлиши, меҳнатга муносабати, ижтимоийпсихологик хислатларини шакллантириш.

4. Билим бериш, ўрганаётган фан бўйича ахборот олиш, олган ахбороти асосида хулоса чиқаришга ўргатиш.

5. Методологик маъруза жараёнида тадқиқот методлари таққосланади, қиёсланади, илмий изланиш тамойиллари аниқланади.

6. Идрок, тафаккурни ривожлантирувчи – тингловчиларда билмаганини билишга қизиқиш уйғотади. Мантикий фикрлаш ва ўз фикрини асослашга ўргатади.

Маърузада мавзунинг асосий саволлари кетмакетлик асосида ёритилади. Албатта, маърузанинг методик жиҳатдан ёритилиши, баён этилиши қўйилган мақсад, ўрганилаётган фаннинг, мавзунинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Маъруза фақатгина иқтисодий ривожланишнинг асосий қонуниятларини очиқ бериш билан чекланиши керак эмас, фаннинг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда илмнинг амалиётда қандай аҳамиятга эга эканлигини, ҳаётда реал муаммоларни ечишдаги аҳамиятини, ечиш йўллари ҳам кўрсатиши керак.

Маъруза қандай фандан ўқилишидан қатъи назар, илмий характерга эга бўлиши, турли назарий йўналишлар, илмий мактабларнинг асосий ғояларини талабалар онгига етказиши ва олган билимини ишончга айлантириши керак. Ҳар қандай маърузанинг энг зарур шarti аудитория билан мулоқотга киришидир. Маъруза ўқиш, энг аввало, унга тайёрланишдан бошланади. Бунинг учун биринчи навбатда, маъруза мавзуси бўйича адабиётлар танлаш ҳамда улар билан танишиб чиқиш керак.

Иккинчидан, фан бўйича ишлаб чиқилган дастурга кўра, маъруза режаси ва режа бўйича матн тайёрланиши ҳамда дарсни ўтказишда қўлланиладиган методларни танлаб чиқиш, дарс жараёнини технологик тизим сифатида таркиби, кетмакетлигини аниқлаш лозим.

Маърузада дарсни уч босқичга бўлиш мумкин:

1. Кириш. Аввалги маърузада нималар ўрганилган, унинг натижаси нималар билан боғлиқ, бугунги дарсга қандай мақсад қўйилапти? Аввало дарс илгариги мавзу билан боғланади. Кейин янги мавзу эълон қилинади. Маъруза режаси, мустақил ўқиш учун зарур асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати тавсия этилади. Мавзуни ўрганишдаги асосий термин, тушунчалар, мустақил равишда бажариладиган ишлар, топшириқлар берилади.

2. Асосий босқич. Бу босқич маъруза режасига кўра танланган дарс ўтиш методларини қўллаган ҳолда ўтказилади. Тингловчиларга мўлжалланган ахборотлар етказилади.

3. Якуний босқич. Маърузага якун ясалади, қисқача хулоса чиқарилади. Талабалар диққати учун мазкур мавзудаги энг асосий тушунча, эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, ҳодисалар таъкидланади. Қўйилган мақсадга қай даражада эришилди, бу таҳлил қилиб, баҳоланади. Бугунги маърузада бажарилган иш келгуси фаолиятда қандай муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилади.

Маърузаларни дидактик вазифасига қараб:

- * кириш;
- * мавзулар бўйича;
- * йўлйўриқ кўрсатадиган;
- * таҳлилий;
- * якунловчи маърузаларга бўлиш мумкин.

Кириш маърузаси маълум бир фанни, мавзуни ёки муаммони ўрганишга бағишланиб, унда ана шу масала, муаммолар ҳақидаги фикрлар, уларнинг ижобий томонлари, камчиликлари, ечилмаган муаммолар кўрсатилади. Ўрганишни бошланган фаннинг предмети, ўрганиш методлари бўйича маъруза кириш маърузасига типик мисол бўла олади.

Мавзулар бўйича маърузалар энг кўп ўқиладиган маъруза бўлиб, унда ўрганилаётган мавзунинг асосий мазмуни, амалиётда синалган, қабул қилинган илмий қарашлар, мавжуд ечимини кутаётган масалалар баён қилинади. Уларни ечишнинг мавжуд йўллари кўрсатилади, янгиларини топиш тавсия этилади.

Йўлйўриқ кўрсатувчи маъруза талабаларга мустақил ишлашни ўргатишга қаратилади. Унда кўпроқ методик маслаҳатлар берилади. Тавсия қилинадиган адабиётларни мустақил ўқиш, улар устида ишлаш жараёнида диққатни қаратиш лозим бўлган масалалар кўрсатилади.

Таҳлилий маъруза у ёки бу муаммо, мавзу ёки маълум бир тизимга солинган саволларни маълум бир мантикий алоқадорликда баён қилишга қаратилади. Кўпинча олий ўқув юртларида якуний назорат ёки имтихонаттестациялар олдидан ўтказилади.

Якунловчи маъруза маълум бир мавзу, муаммони ёки фанни ўрганиб, унинг якуни бўйича ўтказилади. Муаммо ечимлари ва фаннинг предмети тўғрисида асосий хулосалар баён этилади.

Маъруза ва унга қўйиладиган асосий талаблар
--

Иқтисодий фанларни ўрганишда талабаларнинг ижодий фикрларини ривожлантиришга таъсир кўрсатиши, уларни жамият ривожланиши иқтисодий қонун, тенденцияларини чуқур тушуниши, назарий масалалар билан амалиётни боғлаш маҳоратини ҳосил қилишлари учун маъруза қуйидаги асосий талабларга жавоб бериш керак:

- Маълум бир йўналишга, иқтисодиётни асосий қонунлари, тенденциялари, принциплари, ижтимоий, иқтисодий тараққиётнинг муаммоларини таҳлил қилишга қаратилган бўлиши керак. Шунингдек, ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантириш, ҳаёт кечириш тарзини танлашнинг тарбиявий аҳамиятини ошириши лозим. Илмийлиги жиҳатдан назария асосларини амалиёт билан, масаланинг қўйилишини илмийлик билан ҳамда иқтисодиётнинг янги долзарб масалаларига ижодий ёндашиш билан, назарий далилларнинг мантикийлик билан узвий бирлиги таъминланиши керак.

Иқтисодий фанлардан маъруза ўқиш ўқитувчи олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

- талабаларга иқтисодиёт фанларининг назарий бойлигини очиб бериш;
- дунёдаги машҳур иқтисодчилар, Ўзбекистон республикаси Президенти ва таниқли иқтисодчи олимларнинг ишларини чуқурроқ ўрганишга ёрдам бериш;

- бир фандан олган билимларини бошқа фанларни ўрганишда ижодий қўллашларига ёрдам бериш;
- талабаларга бозор иқтисодиёти шароитида мураккаб ижтимоийиқтисодий муаммоларни ечиш учун тўғри йўл топиш борасида ўзига ишонч руҳини тарбиялаш.

Маъруза талабаларда фанни ўрганишга қизиқиш, иштиёқ уйғотиши керак. Маърузани шундай тузиш керакки, талабада фанни чуқур ўрганиш учун мустақил равишда адабиётлар топиш, уларни устида ишлаш, тушунишга хоҳишистик туғилсин. Шунинг учун зарур материаллар, китоблар, журнал ва бошқа манбаларни танлаш принципиал аҳамиятга эга.

Маърузанинг ижтимоийиқтисодий йўналиши унинг илмийлиги билан боғлиқ. Маърузачи реал ҳаётнинг объектив таҳлилига, иқтисодий тараққиётнинг асосий қонуниятларига, иқтисодий ҳодисалар ва хўжалик ҳаётининг омиллари ўртасидаги ички боғланишларни аниқлашга, таҳлил қилишга асосланиши керак.

Тажриба шуни кўрсатадики, талабага ишончли далиллар, чуқур таҳлил кўпроқ таъсир қилади. Ҳар қандай фан, жумладан, иқтисодий фанлар ҳам ишончли далиллар, маълумотлар, назарий ва амалий хулосаларга таянади.

Психологларнинг кузатишларича билиш, ўрганиш жараёни фикрлар қарамақаршилиги асосига қурилса, самарали бўлади. Илмий мунозара талабалар учун ижодий муҳит яратади. Иқтисодчипедагоглар учун мўлжалланган маърузада мунозарали саволларни қўйиш, турли нуқтаи назарларни баён қилиш мақсадга мувофиқ. Маърузачининг ўзи маълум бир нуқтаи назарни қўллабқувватлар экан, талабаларга ҳам ана шу қараш тўғрилигини тушунтириши, аудиторияни ишонтириши керак.

Маърузанинг илмийлиги материални баён қилишнинг изчиллиги, саволларни аниқ, тушунарли қўйилишини кўзда туттади. Илмийиқтисодий жараёнлар, иқтисодий ҳаётни таҳлил қилишда тарихийлик ва мантикийликка амал қилишни талаб этади.

Маърузага тайёрланиш жараёнида ўқитувчи мавзу бўйича саволларни қандай баён қилишни, қандай услублар қўллашини кўз ўнгига келтириши керак. Ана шундагина мавзу бўйича адабиётларни, зарур маълумотларни тўғри танлаши мумкин. Ўқитувчи, зарур далиллар, маълумотларга эга бўлсада, уларни ишонарли, асосланган ҳолда баён қилмаса фандаги долзарб саволларга жавоб беришдан четлаб ўтиши ёки четга чиқиши мумкин. Бу ҳол талабаларда маърузадан қониқмасликка, унинг ишончлилиги ва тарбиявий аҳамиятини туширишга олиб келади.

Назария билан амалиётнинг ўзаро боғланиши ниҳоятда мураккаб жараён. У турлитуман: ички, ташқи, билвосита ва бевосита, муҳим ва унча муҳим бўлмаган омиллар билан аниқланади. Шунинг учун ҳам маърузага тайёрланиш пайтида ана шу жараёнларни чуқур таҳлил қилишни билиш, у ёки бу ҳодисани ривожланишининг асосий тенденцияларини аниқлаш керак. Мавзудан четдаги турлитуман мисоллар билан чекланиш ярамайди.

Назарияни асослаш учун хўжалик ҳаётидаги турлитуман ҳодисаларни ижобий ёки салбий мисол сифатида келтириш унчалик қийин эмас. Лекин реал воқеликни нотўғри кўрсатиш, фақат юзаки ташқи алоқаларни таъкидлаш билан чекланиш ярамайди. Улар масаланинг моҳиятини ифодаламайди ва очиб бермайди.

**Маърузада реал фактлар,
маълумотларнинг ўрни**

Иқтисодий фанлар бўйича ўқилади ган маърузада фактлар, реал маълумотларнинг ўз ўрни бор. Чунки улар иқтисодий жараён, муаммоларни моҳиятини очишга ёрдам беради. Лекин улардан маҳорат билан фойдаланишгина қутилган натижани беради. Бунинг учун қонуний боғланишлар, тенденцияларни кўрсата оладиган рақамларни қўллаш керак.

Рақамлар, маълумотлар ўрганилаётган предметнинг мазмунини тасаввур этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Албатта рақамлардан ўз фикрини тасдиқлаш учун фойдаланиш, мумкин. Лекин назарий қоидалар иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар моҳиятига тушунишда

хам муҳим роль ўйнашини ёддан чиқармаслик керак. Ҳар бир педагог рақамлардан юзаки, шунчаки фойдаланишдан кочиши керак. Иқтисодчиларнинг фикрича, далиллар, рақамлар қайта ишлашни талаб этадиган маълум қурилиш материали, холос.

Реал маълумотлар, рақамлар куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- ҳозирги замон ҳўжалик ҳаётининг ўзига хос айрим томонларини кўрсатиши, кўз ўнгига келтиришига ёрдам бериши;
- синчковлик билан уларни танлаб олиш ҳодисани ўрганишга, унинг ўзига хос томонлари, тутган ўрнини аниқлашга ёрдам бериши;
- маълумотлар, далилларни танлаётганда хилмаҳил бўлишига аҳамият бериш, шу билан бирга, тасодифий фактлардан эҳтиёт бўлиш керак. Чунки улар у ёки бу ҳодисани моҳиятини очиб бера олмайди, аксинча, талабаларни чалғитиши мумкин. Шунинг учун:
- маърузага тайёргарлик кўрганда янгилиги нуқтаи назаридан энг сўнгги рақамларни келтириш керак;
- танланган далиллар ишончли, синалган бўлиши, ҳеч кимда иккиланиш уйғотмаслиги;
- ҳар қандай маърузада фактларга назарий қоидалар моҳиятини очишга хизмат қиладиган даражада ўрин берилишига эътибор қилиш керак. Агар назария билан фактлар ўртасида оптимал нисбат бузилса, талаба фактларни чалқаштира бошлайди. Ваҳоланки, маърузада асосий мақсад назарий концепцияларни талабалар онгига етказишдир.
- Маърузада негатив фактларни ҳам тўғри шарҳлаш, уларни қандай оқибатга олиб келиши, бартараф қилиш йўллари ҳақида тўхташ керак. Маърузачининг вазифаси негатив фактларни эълон қилиш эмас, балки уларни таҳлил қилиш, хулоса чиқаришга ўргатишдир.

Фактлар маърузага жонли мазмун, ҳаётийлик нафасини бахш этади, унинг аҳамияти бу жиҳатдан бебаҳодир.

Маърузани баён қилиш методлари

Индуктив метод маърузада хусусийликдан умумийликка, дедуктив метод эса умумийликдан хусусийлик томон баён қилишни ифода қилади.

Индуктив метод далиллар, хусусий, умумий хулоса, назарий қоидалар, аниқ фаолият учун амалий хулосалар тарзида баён қилинса, дедуктив метод назарий хулоса, умумий, хусусий, фаолият учун практик хулоса тарзида баён қилинади.

Талабаларнинг иқтисодий фанларни ўрганишларида, илмий дунёқарашни шакллантиришда маърузанинг роли беқиёсдир. Шу билан бирга, маърузанинг мазмунини талабаларга етказишда ўқитувчининг ролини унинг барча методлар, кўргазмалар, куруллар, тарқатма материаллар ва бошқаларни қўллашдаги моҳирлигини ҳисобга олмай, маърузанинг ролини кўрсатиб бўлмайди.

Биринчи курсдан бошлаб, хусусийликдан умумий мантиқий хулоса чиқариш ўрганилар экан, ўқитувчи шу тизимни бузмагани ҳолда ундан фанни чуқурроқ ўзлаштириш учун фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Яна шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, талабаларда хулосани шошилинич умумлаштиришга ҳаракат қилиш ҳолати учраб туради. Айрим пайтларда талабалар ўйлаб ўтирмай дангал, умумлаштириб бўлмайдиган хусусий фактларни ҳам умумлаштиришга ҳаракат қилишади. Ўқитувчи маъруза ўқишга тайёрланар экан, бу тенденцияни ҳам ҳисобга олиши зарур.

Маърузада материални қай тарзда баён қилинишига қараб **далиллар, хусусий, умумий** хулоса, назарий қоидалараниқ фаолият учун амалий хулосаларга келиш тарзида берилиши мумкин. Индуктив методда маъруза кўпинча қизиқарли, кўзга ташланадиган факт ёки мисолдан, айниқса, шу куннинг бирон долзарб масаласи бўлган, аудиториянинг диққатини жалб қиладиган масаладан бошланади.

Индуктив метод талабаларни хусусий кузатувлардан кетмакет умумий хулоса чиқаришга ўрганиш имконини беради. Уларни мустақил фикрлашга ўргатади.

Дедуктив методда эса маъруза умумий назарий масалалардан бошланади. Бу метод иқтисодий фанларнинг умумий қонунлари, қоидаларини реал ҳаётга татбиқ қилиш, амалиётда кўриш ва баҳолаш, хўжалик ҳаётида қўллаш, иқтисодий ҳаёт ҳодисалари, жараёнларини, хўжалик юритиш сиёсатини чуқурроқ тушуниш имконини беради.

Тажриба шуни кўрсатадики, маъруза ҳам индуктив, ҳам дедуктив метод асосида олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Аввал ишчи гипотеза, таклиф шаклида аудиторияга умумий савол ташланади, сўнгра талабаларни мулоҳазалари далиллари, фактлари таҳлил маълумотлари шу саволга тўғри келиши биргаликда муҳокама қилинади, хулосалар чиқарилади.

Бу ҳолда маърузаасосий ғоя, уни далиллар асосида тасдиқлаш хусусий саволларни изчилликда баён қилиш, дедуктив методда мавзунинг умумий характеристикасини бериш тарзида тузилади.

Маърузанинг самарасини оширишда кўргазмали қуроллар (диаграмма,схема, жадвал, график кабилар)нинг аҳамияти каттадир. Кўргазмали қуроллар орқали ахборотни қабул қилиш, мавзуни чуқурроқ тушунишга, ўқув материални хотирада узок сақланишига ёрдам беради. Лекин кўргазмали қуролларга ҳаддан ташқари берилиб кетиш ҳам керак эмас, чунки аудитория билан мулоқот йўқолади ва натижада маърузанинг самараси пасаяди. Аммо танлаб олинган, тайёрланган кўргазмали қуроллар сўзсиз маъруза самарасини анчагина оширади.

Маърузага иложи борича талабалар диққатини қаратиш керак. Бунинг учун маърузанинг кириш ёки унинг асосий қисмида масаланинг моҳиятини очиб беришга қаратилган савол қўйиш мақсадга мувофиқ. Педагоглар тажрибаси шуни кўрсатадики, ўқитувчининг мавзуни баён қилишидан аввал ёки баён қилиш жараёнида савол қўйиши, уни баён қилиб бўлгач, қўйилган саволига қараганда тўлиқроқ, яхшироқ натижага олиб келар экан. Чунки илгари қўйилган савол талабани жавоб қандай бўлиши керак, деб ўйлантира бошлайди ва жавобни ўқитувчидан эшитишга диққатини қаратади.

Иккинчидан, маъруза бошланганидан 20 дақиқача вақт ўтгач, талабалар диққати сусаяди. Буни ҳисобга олиб, ҳар 1520 дақиқада ёки ҳар бир узвий саволни баён қилишда турли методлардан фойдаланиш, талабалар диққатини жалб қиладиган саволлар ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Дарс бериш жараёнида мисол келтирганда гуруҳдаги талабаларга бевосита мисоллар келтириши диққатни ўзига жалб қилади. Масалан, «Одилжон билан Эркинжон бизнес билан шуғулланишмоқчи, лекин ишни нимадан бошлашни ўйланиб туришибди. Сизнингча, улар нимадан иш бошлаши керак?», «Дилбар доимий ўртача харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортган сайин камайиб боради, дейди, Динора эса йўқ, ўзгармайди, дейди. Сизнингча, уларнинг қайси бири ҳақ?» сингари мурожаатлар жонли мулоқотга бошлайди.

Бошқа ўқув шаклларига қараганда маърузачининг маърузасини ҳисҳаяжон, жўшқинлик билан баён этиши муҳим роль ўйнайди. Маърузачи ҳисҳаяжонини ўзгартириш, мимикаси орқали талабаларни дарсга қизиқишини кучайтириши ёки аксинча, сусайтириши мумкин.

1. Маърузанинг эмоционал таъсири ўқитувчининг маъруза материални эркин баён қилиши билан тўғридантўғри боғлиқ. Эркин баён қилиш орқали аудитория билан боғланиш яхшиланади. Талабаларнинг акс таъсирини кузатиш имкони вужудга келади. Оғзаки нутқ хусусиятлари, яъни диалогдан фойдаланиш мумкин бўлади.

Аксинча, маъруза матнига қарайвериш аудитория билан контакт ўрнатишни қийинлаштиради, уни бузади, чунки ёзма нутқ, одатда, монолог тарзида бўлади. Бу ерда гап фақат маърузачининг тайёрланган материални эркин эгаллаган бўлиши, маттни зерикарли тарзда ўқимаслиги ҳақида бормоқда.

2. Оғзаки нутқ, яъни маъруза тушунарли, эшитиб, қабул қилишга осон, қисқа жумлалардан тузилган бўлиши керак, чунки узун, мураккаб жумлалар фикрни хиралаштиради. Ўқитувчи баён қилинаётган материални яхши билишидан ташқари ўз овозини ҳам назорат қилиши зарур. Интонацияни гоҳ баланд, гоҳ паст қилиб нутқ ўзгартириш орқали талабалар диққатини тортиш, ўз вақтида пауза ва бошқа интонациялардан ҳам фойдаланиш зарур.

«Эркин манера» тарзида дарс бериш, маърузачининг аудиторияда у ёқдан бу ёққа юриши талабаларни диққатини тортади ва тушунишни қийинлаштириб, уларни мавзудан четлаштиради. Педагог ўзининг «иш зонаси»га эга бўлиши, ундан фойдаланишни билиши керак.

4. Маърузачи ўзининг ташқи кўринишига ҳам эътибор беришни ёддан чиқармаслиги зарур.

5. Маълумки, маърузанинг жўшқинлиги, маълум даражада унинг ёркинлигига боғлиқ. Жўшқин, маъноли нутқ фақат аниқ, мисоллар билангина эмас, балки мақол, матал, бадиий образлар билан бойитилиши зарур. Бу ҳол маърузани қизиқарли қилиб, талабалар диққатини жалб этади.

Шундай қанотли сўзлар ҳам бўладики, улар ниҳоятда ажабланарли даражада нишонга тегиши билан мураккаб ҳодисалар моҳиятини очиб беради. Фақат ана шу бадиий сўз, мақоллар, маталлар баён қилинаётган материал билан бир бутунликни ташкил қилиши зарур. Масалан, меъёрий нафлиликни тушунтирганда талабаларга «Меъёрий нафлилик мазмунини ифодаловчи қандай мақолни биласиз?» деб мурожаат қилиш ёки «Нафлиликни даражаси пасайиб бориши қонунини ифодаловчи қандай мақолни биласиз? Нафлилик товарнинг нархини шаклланишида қандай рол ўйнайди?» ёки «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар» мақоли нимага ишора қиляпти? деб мурожаат қилиш мумкин. Биринчисида талабалардан «ҳолванинг ози ширин», иккинчисида «олдиндан оққан сувнинг кадри йўқ», учинчисида, «ҳисобкитобнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди» жавобини олишга аҳамият бериш ёки мақолни баён қилиб, уни баённи талабалар билан биргаликда нафлилик назарияси билан ёки харажатлар, фойда ва бошқалар ҳисобкитоби билан боғлаш мумкин.

6. Маърузанинг тўғри тузилиши, дарснинг ҳар бир минутидан самарали фойдаланиш машғулотларнинг муваффақиятини таъминлайди.

7. Аудитория билан «қайта алоқа» ўрнатишда талабаларнинг саволи ва ўқитувчининг жавоби муҳим роль ўйнайди. Одатда, кўпинча маърузанинг охирида саволларга вақт ажратилади, лекин бу маъруза жараёнида савол берилмайди, дегани эмас.

Саволларга жавоб берганда жавобнинг қисқа, асосланган бўлишига аҳамият бериш керак. Агар савол қўшимча далилларни талаб этадиган бўлса, буни очиқ айтиш мумкин, (айтайлик, статистик маълумотлар шу дақиқада йўқ бўлса) сабабини кўрсатиб, келгуси дарсда жавоб беришга ваъда қилса, бунинг айби йўқ. Агар савол индивидуал тарзда бўлса, маърузадан сўнг ёки маслаҳат дарсида жавоб бериш мумкин.

Саволжавобда ўқитувчининг нутқ оҳангидан доимо хайрихоҳлик сезилиб туриши, саволдан салбий муносабат сезилмаслиги керак, акс ҳолда аудиториянинг ишончи йўқолади.

8. Ҳар қандай шароитда (ташқаридаги шовқинсурон, эшик ортидаги ғалағовур, қурилиш ва ҳоказо) ўқитувчи ўзини тута билиши лозим.

9. Нутқда таклиддан қочиш, бир гапни бир неча марта такрорламаслик керак.

10. Нутқда сийқаси чиққан сўзларни имкон қадар ишлатмаслик зарур.

Албатта, идеал тарзда маъруза ўқиб бўлмайди. Лекин ҳар бир ўқитувчи ўзининг барча имкониятини, маҳоратини ишга солиб, дарс ўтиши шубҳасиз, маърузанинг ижобий томонларини устун бўлишига олиб келади.

Таълим тизимидаги ўрнига кўра, маърузалар мавзуни, бўлимни, курсни ўрганишни бошловчи ёки таълимнинг маълум бир босқичини тугалловчи маърузаларга бўлинади.

Ахборотни талабаларга етказиш нуқтаи назаридан **монолог** ёки **диалог** тарзида ўтказилган маърузалар бўлади. Монолог тарзидаги маърузада асосан маърузачи гапиради, кўрсатади. Тингловчилар маъруза ўқиш жараёнига суст иштирок этадилар. Аксинча, диалог тарзидаги, тингловчиларнинг ҳам фикрини эшитган ҳолда ўтказиладиган маърузалар жонли бўлиш унда тингловчилар фаоллиги таъминланади.

Таълим беришнинг асосий метод ва усулларига кўра, маърузаларни ахборот берувчи, муаммоли, жадаллаштирилган, бинар (бирбиридан фарқ қилувчи икки хил фикр билдирилувчи), аввалдан атайлаб хато фикр ҳам баён қилиниши режаллаштирилган, маслаҳат маърузаларига бўлиш мумкин.

Ҳозирги пайтда нисбатан кўп қўлланиладиган ёки борган сари оммалашиб бораётган маъруза шакллари: ахборот берувчи, муаммоли ва жадаллашган (чуқурлаштирилган) маърузалар бўлиб, улардан ҳозиргача энг кўп қўлланиладигани ахборот берувчи маърузадир. У анъанавий методга асосланган бўлиб, асосий вазифа ўқув ахбороти – мавзунинг мазмунини талабаларга баён қилиш, тушунтиришдан иборат. Унда ўқитувчи асосан билим берувчи ролини бажаради. Бу монолог тарзида баён қилинади.

Мамлакатимизда 80йиллардан бошлаб маърузаларни муаммоли тарзда баён қилишга эътибор берилди бошланди. Бунда мақсад янги билим олиш, яъни янги мавзуни ўрганиш, муаммоли саволлар, масалалар қўйиш, муаммоли вазият яратиш орқали амалга оширилади. Билиш жараёни диалог тарзида амалга оширилиб, ўқитувчининг фаолияти талабалар билан ҳамкорликда кечади. Дарс тадқиқот фаолиятига ўхшаб кетади. Дарс ўтишда педагогик вазифа янги мавзуни муаммо сифатида ўртага қўйиб, турли нуқтаи назарларни ҳисобга олган ҳолда, уни ечиш йўллари топиш орқали удаланади.

Ҳозирги куннинг талабларидан келиб чиқиб, дарсда талабалар фаоллигини оширишга қаратилган жадаллаштирилган (чуқурлаштирилган) маъруза методини қўллаш борган сари оммалашмоқда.

2§. Маъруза матнини тайёрлаш

Маъруза матни ҳар бир фаннинг ишчи ўқув дастури асосида, мавзуга ажратилган вақтдан келиб чиқиб, тайёрланади. Бунинг учун мавжуд адабиётлар ўрганилади, турли манбалардан ахборотлар йиғилади.

Мавзуни ўрганишнинг мақсадидан келиб чиқиб, зарур саволлар қўйилади, мавзуни ёритиш методи танланади.

Иқтисодиёт назарияси барча фанлар учун асос бўлишини ҳисобга олиб, намунавий маъруза матни шу фандан берилди. Маъруза ўқиладиган иқтисодий фанларнинг хусусиятларидан келиб чиққанда маърузада маълум бир фарқлар бўлиши мумкин, лекин маърузанинг асосий моҳияти ўзгармайди.

Анъанавий маъруза матни

Мавзу: «ИҚТИСОДИЙ РЕСУРСЛАР ВА ЖАМИЯТ ЭҲТИЁЖЛАРИ»

Кириш

Илгариги мавзуда иқтисодий ғояларнинг вужудга келиши, иқтисодиёт назарияси фани нимани ўрганиши, иқтисодий қонунлар ва категориялар, фанни ўрганиш услубларини кўриб чиқдик. Иқтисодиёт назарияси барча иқтисодий фанларнинг

пойдевори эканлигини, у бажарадиган вазифаларни ўргандик. Бугунги дарсимиз «Иқтисодий ресурслар ва жамият эҳтиёжлари» мавзусига бағишланади.

Иқтисодиёт назарияси фанини ўрганишни айнан ижтимоийиқтисодий эҳтиёжлардан бошлашимиз бежиз эмас. Чунки инсон яшар экан, унинг эҳтиёжлари мавжуд. Инсоннинг бутун умри ана шу эҳтиёжларни қондиришга қаратилган.

Одамлар доимо гоҳ у ёки бу нарсани етишмаслигидан шикоят қилишади. Вақтимиз етмайди, пулимиз етмайди ва ҳоказо. Бунга сабаб нима? Ҳеч ўйлаб кўрганмисизлар?

Бугунги ўтиладиган мавзуда ана шу саволларнинг жавобини топишга ҳаракат қиламиз. Мавзу ижтимоийиқтисодий эҳтиёжлар, уларнинг таркиби, эҳтиёжларнинг чексизлиги, бу эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган неъматларнинг уларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларнинг чекланганлиги муаммоларини ўрганишга қаратилган.

Ресурсларнинг чекланганлиги танлаш ва қарор қабул қилиш заруратини кўндаланг қилиб кўяди. Шунинг учун ҳам ҳар бир қадамимиз танлаш ва қарор қабул қилишимиз билан боғлиқ. Ҳар бир кишининг ҳаёти, иқтисодиётнинг, қолаверса, бутун жамиятнинг тараққиёти қабул қилган қароримизга, яъни турли вариантлардан нимани танлашимизга боғлиқ. Бугунги мавзу ана шу масалаларни ҳам ўрганишга қаратилган. Кейинги мавзуларда эса қандай қилсак, бошқача айтганда, қандай қарорга келсак тўғри йўлни танлашимиз мумкинлигини ўрганамиз. Бугунги маърузада қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги узвий саволларни муҳокама қиламиз.

РЕЖА

1. Эҳтиёжлар ва уларнинг таркиби.
2. Эҳтиёжларнинг чексизлиги. Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши қонуни.
3. Ресурсларнинг чекланганлиги ва эҳтиёжларни қондириш. Иқтисодиётнинг бош муаммоси.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1992.
3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.: «Ўзбекистон», 9том, 2001
4. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. // Халқ сўзи, 20февраль, 2003 й.
5. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. // Ўзбекистон овози, 17февраль, 2005й.
6. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005
7. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // Халқ сўзи, 2006 йил, 11 февраль
8. Макконнелл К., Брю С. Экономикс, гл. 2. М.: «ИнфраМ», 1999.
9. «Маънавият, илму фан ва иқтисодий билим ёшлар тарбиясига хизмат қилсин» мавзудаги республика илмийамалий конференция материаллари, 2004 йил, 25 ноябрь, Тошкент, 2004

10. Тезисы и доклады международной научнопрактической конференции на тему: «Социальноэкономические проблемы переходной экономики» (Опыт, обобщения, закономерности). СанктПетербург: 2005.
11. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма, Т.: «Ўқитувчи», 2002.
12. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика, ч. I, гл. 1, М.: «Дело», 1999.
13. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма, Т.: «Молия», 2002.
14. Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений (Колл. авт.). Т.: «Шарк», 1999.
15. Экономическая теория. Учебник. Под ред. Николаевой И.Н, М.: «Проспект», 1998.
16. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси, Тошкент: «Меҳнат», 1995.
17. Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Тошкент: «Шарк», 2006.
18. Ўзбекистон иқтисодиёти, Узбекистан в цифрах. Статистический сборник, Т.: 2005

Маъруза ўқишда қўлланиладиган кўргазмали қуроллар

1. Ишлаб чиқариш ресурслари таснифи, чизма.
2. Мавжуд ресурсларни тўла ишлатиш шароитида гуруч ва автомобиль ишлаб чиқариш, жадвал.
3. Ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси, чизма.
Асосий қисм:

1. Эҳтиёжлар ва уларнинг таркиби

Кишилик жамияти, албатта, инсонлардан таркиб топган. Инсон эса барча жонзотларнинг энг олийси. У бошқа жонзотлардан ўзининг ақлидроки билан ажралиб туради. У ҳаёт кечириб учун турли эҳтиёжларини қондириши шарт, чунки бусиз инсон яшай олмайди.

Инсонларнинг яшаши, ҳар томонлама камол топиши учун зарур бўлган барча неъматлар уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини ташкил этади. Инсон ўз эҳтиёжларини қондириш йўлини қидиради. Эҳтиёжларни қондириши зарурлиги, яъни яшаш учун кураш уни фаолликка ундайди.

Ҳар бир инсон учун ўзининг қадрқиммат ўлчови мавжуд. Бир инсон томонидан қадрланган, ҳаётий аҳамиятга эга бўлган нарса иккинчи бир киши учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин. Аҳамият нуқтаи назаридан эҳтиёжларни тартибга солиш қийин. Инсонлар учун энг зарур ва қимматли кадриятларни, ашёларни саноғига етиш қийин. Ҳар бир инсон ўзига нималар зарурлигини ўзи белгилайди.

XX аср кўпинча «ахборот асри» деб аталган. XXI асрга келиб ахборотнинг аҳамияти янада ортди. Ахборотни биз турлитуман манбалардан, масалан: радио, телевидение, газета ва журнал, китоб, глобал компьютер тармоғи internet кабилардан оламиз. Шу билан бирга «анъанавий» ахборот манбалари ҳам мавжуд. Улар отаона, қариндошуруғ, дўстбиродарлар, кўникўшчилар, танишлар, тасодифий учрашган одамлар ва ҳоказо. Бизнинг атрофимизни ўраган оламни, табиатни кузатиб, янги янги маълумотлар, янги ахборот оламиз. Инсонахборот қабул қилиш манбаи. Чунки айнан **ахборот бизни барча эҳтиёжларимизни шакллантиради.**

Бизнинг барча одатларимиз, ҳистуйғуларимиз, билим ва ҳаётий тажрибамиз, фикрмулоҳазаларимиз хоҳишистакларимиз – асосида ахборот ётади. Янги ахборот янги

эҳтиёжларни вужудга келтиради. Ахборот инсонни беихтиёр ҳаракатга солиши яратувчанликка бошлаши мумкин.

Фантехника тараққиёти, янги янги кашфиёт ихтиролар туфайли янги товарлар ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилмоқда. Масалан, компьютер, қўл телефони сингари товарлар бўлмаган. Демак, бундай эҳтиёж ҳам бўлмаган.

Илгаридан мавжуд бўлган товарларнинг хусусиятларини билмаган одамга, бу ҳақда янги ахборот олиши туфайли янги эҳтиёжлар вужудга келади. Масалан, анъанавий озиковқат маҳсулотлари сабзавотлар, мевалар, витаминларнинг хусусиятлари тўғрисидаги янги маълумотлар, бўлмаслиги мумкин. Улар тўғрисидаги ахборот бундай маҳсулотларнинг тарқалишига ёрдам беради.

Кишилар ҳаётида янги вазият, янги муаммолар пайдо бўлиши натижасида ҳам янги эҳтиёжлар ҳам вужудга келади. Масалан, оилада фарзанд туғилиши натижасида чақалоқ учун зарур буюмларга, касал бўлганда дорига, касбини ўзгартирганда иш курулларига зарурият пайдо бўлади. Хуллас, инсон ҳаёти давомида янги янги ахборотлар олади, унга мувофиқ равишда эҳтиёжлар вужудга келади. Ҳар киши аввало ахборотга эга бўлади сўнгра, шу ахборотдан фойдаланиш учун тегишли қарорга келади.

Эҳтиёжлар ниҳоятда турлитумандир. Уларга турли жиҳатдан ёндашиш мумкин. Кўпгина, иқтисодчилар у ёки бу хусусиятларига кўра эҳтиёжларни турли гуруҳларга ажратиб, тушунтиришга ҳаракат қилишади. Альфред Маршалл немис иқтисодчиси Германнинг фикрига асосланиб, эҳтиёжларни абсолют ва нисбий, минимал ва максимал даражадаги эҳтиёж, қондирилиши зарур ва қондирилиши кечиктирса бўладиган, бевосита ва билвосита қондириладиган эҳтиёжлар, жорий ва келажакда қондириладиган эҳтиёжларга бўлади. Айрим адабиётларда эҳтиёжлар: бирламчиэнг зарур эҳтиёжлар ва иккиламчи қондирилиши кечиктирса мумкин бўладиган иккинчи даражадаги эҳтиёжларга бўлинади. Бирламчи эҳтиёжларга инсоннинг энг зарур бўлган озиковқат, кийимкечак ва бошқа шунга ўхшаш эҳтиёжлари, иккиламчи эҳтиёжларга инсоннинг маънавий, интеллектуал фаолияти билан боғлиқ бўлган билим олиш, санъат, турли кўнгили очар тадбирларга қатнашиш эҳтиёжларини киритиш мумкин. Лекин бундай табақалаш шартлидир. Зарурат ҳар бир инсон учун индивидуал муаммо бўлиб, бир инсон учун кийимкечак, турар жой биринчи зарурат бўлса, бошқаси учун булар шундай зарурат бўлмаслиги мумкин. Биров учун кийимкечакдан кўра билим олиш зарурроқдир. Баъзи кишилар учун ҳатто маънавий бойлик ҳашам бўлса, бошқаси учун кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёж бўлиши мумкин.

Инсон эҳтиёжлари таркибига турли жиҳатдан ёндашиб, уни ҳархил гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Эҳтиёжлар – кўра:

а) индивидуал;

б) гуруҳ;

в) умумжамиат эҳтиёжларига бўлинади.

Индивидуал эҳтиёж – бу ҳар бир инсон учун бўлган заруратни ифодалайди. У физиологик эҳтиёжлар, ижтимоий контактда бўлиш, ўзининг ҳар томонлама камол топишига бўлган эҳтиёжлар ва бошқаларини ўз ичига олади.

Гуруҳ эҳтиёжи бу оила ёки бир тўп кишиларнинг бирор мақсадда бирлашган гуруҳлари (меҳнат жамоаси, турли уюшмаларнинг) эҳтиёжлари бўлиб, биргаликда яшаш, фаолият юритиш жараёнида вужудга келадиган умумий эҳтиёжлардир. Буларга ҳудудий эҳтиёжларни ҳам мисол келтириш мумкин. Масалан: туман, вилоят, айрим ҳудудда яшовчилар эҳтиёжи ва ҳоказо. Гуруҳлар эҳтиёжи, умуман олганда мулкнинг иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашуви билан боғлиқ.

¹ Лотинчадан олинган «субъект» сўзи- эга, «объект» эса предмет маъносини англатади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида кўрсатилишича, субъект, ақл-заковат, ирода эгаси, борлиқни билишга, ўзгартиришга кодир, фаоллик билан ҳаракат қиладиган шахс ёки гуруҳдир.

Умумжамият эҳтиёжи бу мамлакат миқёсида, қолаверса, ер курраси миқёсида инсонларнинг шаклланган таркиб топган эҳтиёжларидир. У ўз ичига биринчидан, барча турдаги индивидуал ва гуруҳ эҳтиёжларини олса, иккинчидан жамиятни яхлит организм сифатида яшаб туриш учун зарурдир. Буларга табиий ресурсларни асраш, тинчлик, жамиятни бошқариш ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Жамиятнинг эҳтиёжи турли ижтимоий тоифа ва гуруҳларга мансуб кишилар эҳтиёжининг яхлитлиги сифатида намоён бўлади. Табақаланиш даражасига қараб эҳтиёжлар ҳам фарқланади.

2. Эҳтиёжлар – кўра: моддий эҳтиёжлар, ижтимоиймаънавий эҳтиёжларга бўлинади.

Моддий эҳтиёжлар азалий бўлиб, улар инсон билан бирга вужудга келган. Моддий эҳтиёжлар энг зарур ва ҳаёт учун керакли ашёлардир. Озиқовқат, кийимкечак, тураржой, транспорт ва ҳоказолар шулар жумласига киради. Улар яшашнинг бирламчи шартидир.

Ижтимоиймаънавий эҳтиёжлар азалий бўлмай, жамият тараққиётининг маълум босқичида, цивилизация пайдо бўлиши билан юзага келди. Жамият ривожланган сари бундай эҳтиёжлар табиий заруратга айлана боради. Ижтимоиймаънавий эҳтиёжлар, асосан, турли хизматлардан фойдаланишга бўлган заруратлар тарзида юзага чиқади. Ўқитувчи, врач, санъат арбоби, спорт ва бошқалар хизматидан фойдаланиб, инсон ахлоқий, маънавий, эстетик, жисмоний жиҳатдан тарбияланади, билим олади, касб эгаллайди, ҳар томонлама камол топади. Бу эҳтиёжлар ҳаётнинг турли босқичларида ўзини намоён этади.

3. Фаолият доираси ижтимоийиқтисодий эҳтиёжлар жиҳатидан меҳнат қилиш, атрофдагилар билан мулоқотда бўлиш, дам олиш, иш қобилиятини тиклаш, иқтисодий фаолият юритиш қабиларни ўз ичига олади.

Меҳнат эҳтиёжи инсонинг яшаш учун кураши замирида мужассамлашган. Меҳнатсиз инсон яшай олмайди, чунки меҳнатсиз нозу неъматлар яратиб бўлмайди. Меҳнат эҳтиёжи инсонда ижод қобилиятини шакллантиради. Инсон меҳнатда ўз ўрнини топиши, ўз қобилиятини ишга солиб, обрўэътибор қозонишга ҳаракат қилади. Инсон яшар экан доимо бошқалар билан мулоқотда бўлишга эҳтиёж сезади. Инсон меҳнат қилар экан, албатта иш қобилиятини тиклаш учун дам олиши, турли кўнгилочар тадбирларда қатнашиши зарур.

4. Эҳтиёжларга улар қай тарзда қондирилиши жиҳатидан қараганда, якка ва биргаликда қондириладиган эҳтиёжлар кўзга ташланади. Ҳар инсон ўз эҳтиёжларининг бир қисмини якка тартибда, иккинчи қисмини эса бошқалар билан биргаликда қондиради. Масалан, кийим кийишга бўлган эҳтиёж якка тартибда, билим олишга бўлган эҳтиёж биргаликда қондирилади.

5. Эҳтиёжларни қондиришдан қандай мақсад кўзланганига қараб, уларни: шахсий эҳтиёжлар ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига бўлиш мумкин. Бошқача айтганда, истеъмол товарлари ва иқтисодий ресурсларга эҳтиёж. Биринчиси инсоннинг бевосита эҳтиёжлари бўлиб, унинг ҳаёт кечириши, ҳар томонлама камол топишига қаратилган. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари эса инсон учун билвосита заруратлар бўлиб, унинг ёрдамида инсон яшаши, камол топиши учун зарур бўлган турли неъматлар ишлаб чиқариш учун зарур инвестицион товарлар яратилади.

Эҳтиёжлар қандай гуруҳларга бўлинмасин, уларга қай жиҳатдан ёндашилмасин, бирбири билан боғлиқ, бири иккинчисини тақозо қилади ҳамда **ягона умумжамият эҳтиёжлари тарзида шаклланади.**

Жамиятнинг умумий эҳтиёжлари таркиб топиши ва ривожланишига қатор омиллар таъсир кўрсатади. Уларни умумий тарзда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Аҳоли сони, ёши, жинси.

2. Табиийгеографик шароит.

3. Тарихий миллий анъаналар ва одатлар.

4. Жамиятнинг иқтисодий тараққиёти.

¹ Объект эса кишининг фаолияти, диққат - эътибори жалб этилган предмет, ходиса.

5.Маданий жиҳатдан эришилган даража.

Жамият ҳар хил одамлардан таркиб топар экан, албатта уларнинг ҳар бирининг эҳтиёжи шаклланишига таъсир этадиган объектив ва субъектив омиллар мавжуд.

2. Эҳтиёжлар чексизлиги. Эҳтиёжларнинг юксалиб бориш қонуни

Кишилиқ жамияти тараққиётига назар ташлар эканмиз эҳтиёжларни бетўхтов юксалиб боришини кўрамиз. Эҳтиёжларнинг узлуксиз ўзгариб туриши ва ўсиб бориши ҳар қандай жамиятга хосдир. Фанда инсон эҳтиёжининг чексизлигини, унинг доираси доимо кенгайиб бориши аллақачонлар аниқланган. Эҳтиёжларнинг чегараси йўқлиги халқимизнинг «Инсоннинг кўзи тупроққа тўлгандагина тўяди» деган нақлда яққол ифода этилган. Ҳозирги назариячилар эҳтиёжлар чексиз, улар ўсишининг тўхташи, жамият ҳаётининг тўхташини билдиради, дея эътироф этишади. Эҳтиёж ўсмаганда эди, ишлаб чиқаришни тараққий эттиришга зарурат бўлмас эди.

Эҳтиёжлар доирасининг тўхтовсиз кенгайиб бориши икки йўналишда амалга ошади.

1. Кишиларнинг эҳтиёжи миқдоран ўсиб боради. Бу, бир томондан аҳоли сонининг кўпайиб бориши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, истеъмолнинг кўпайиши билан боғлиқ. Масалан, Ўзбекистонда аҳоли сони 1990 йилга нисбатан ҳозирги пайтга келиб, 1,2 марта кўпайди. Агар индивидуал эҳтиёж ўзгармади, деб ҳисоблаганимизда ҳам, жамият миқёсида эҳтиёжлар 1,2 мартага ортган. Масалан, ҳар 100 оилага тўғри келадиган енгил автомобиллар сони 1,3 мартага кўпайди. Демак автомобиллардан фойдаланиш билан боғлиқ эҳтиёжларимиз ҳам шунчага кўпайди.

Эҳтиёжлар кўпаяр экан унинг таркиби ўзгариб боради. Айрим эҳтиёжлар йўқолиб, ўрнига янгиси пайдо бўлади. Лекин йўқолиб кетадиган эҳтиёжларга қараганда янги вужудга келадиганлари кўп бўлади. Ишлаб чиқаришнинг ўзи эҳтиёжларнинг ўсишига, улар таркибини ўзгаришига катта таъсир кўрсатади. Масалан, XX асрнинг 40йилларида одамлар телевизор нима эканини билишмаган. Ҳозирги пайтда ҳар бир хонадонда телевизор бор. Айрим хонадонларда эса иккиучтадан телевизор бор.

Демак, эҳтиёжлар борган сари таркибан янгиланиб, кўпайиб сифат жиҳатдан ўзгариб боради.

Биринчидан, ишлаб чиқариш орқали турли неъматлар яратилади ва шу неъматларга бўлган эҳтиёжларни қондиришга имкон яратилади. Эҳтиёжни қондирилиши ўз навбатида янги эҳтиёжларни вужудга келтиради. Масалан, автомобиль сотиб олиб эҳтиёжни қондирилиши ўз навбатида қатор янги эҳтиёжларни келтириб чиқаради. Яъни машина турадиган жой, ёнилғи, эҳтиёт қисмлар керак, суғуртага эҳтиёж сезилади.

Иккинчидан, фантехника тараққиётининг тезлашуви, аҳоли турмуш тарзи ҳам эҳтиёжларни тубдан ўзгартиради. Янги ихтиро қилинган техникани ишлаб чиқариш, уларга эҳтиёжни вужудга келтиради. Уларни одамлар сотиб олишга ҳаракат қиладилар. Бунга кир ювиш машинаси, видео магнитофон ва бошқаларнинг ихтиро қилинишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Учинчидан, ишлаб чиқариш маиший ҳаётни яхшилайти. Оддийгина мисол. Ибтидоий одамларнинг овқат тайёрлаши билан ҳозирги замон овқат тайёрлаш технологияси тубдан фарқ қилади.

Ишлаб чиқариш эҳтиёжларни шакллантирар экан, ўз навбатида эҳтиёжлар ҳам ишлаб чиқаришга таъсир этади:

1. Эҳтиёжлар яратувчанлик фаолияти кенгайтиришга сабаб бўлади.

2. Инсон эҳтиёжларининг миқдор ва сифат жиҳатдан тез ўзгариши ишлаб чиқаришни унга мослашишига ундайди.

3. Эҳтиёжлар авангардлик ролини ўйнайди, пастдан юқорига интилади.

Бутун иқтисодий тарихини маълум маънода эҳтиёжларнинг шаклланиши тарихи тарзида тасаввур этиш мумкин. Ҳозирги замон цивилизацияси даражасига, эҳтиёжлар ва ишлаб чиқаришнинг бирбирига таъсири асосида эришилган.

Жамиятнинг ижтимоийиқтисодий тараққиёти эҳтиёжларнинг юксалиб бориши қонунида ўз ифодасини топади. Бу қонун **ишлаб чиқариш ва маданиятнинг ривожланиши билан инсон эҳтиёжларининг юксалиб боришини, унинг миқдоран ўсиб, таркибан янгиланиб боришини ифодалайди.**

Бу қонун ишлаб чиқариш билан эҳтиёжлар ўртасида боғланишлар мавжудлигини ва бундай муносабат барқарор, доимо бўлишини кўрсатади. Эҳтиёжлар чексизлиги кўпроқ, ижтимоий – маънавий заруратларга тааллуқлидир.

Адам Смит «овқатга интилиш ҳар бир одамда киши ошқозонини кичик сиғими билан чекланади, лекин қулайликларга ҳамда уйжой, кийимкечак, уй шароити ва анжомларни безашга интилиш афтидан чексиз ёки муайян чегараларга эга бўлмаса керак» деб таъкидлаган. Комфорт (қулайлик) умуман тугамайдиган чексиз нарса, деган Гегель.

Эҳтиёжлар ўзгаришини ўрганишда статистика истеъмол товарларини асосан уч гуруҳга бўлади:

- а) озиқ овқат маҳсулотлари;
- б) ноозиқ овқат товарлари;
- в) узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар.

Эҳтиёжлар қондирилиши истеъмолда ўз ифодасини топади. Истеъмолнинг таркиби ва миқдори, унинг ўзгариши жамият тараққиётига, яратилган ЯИМ ва ишлаб чиқариш билан мослашишига боғлиқ.

3. Ресурслар чекланганлиги ва эҳтиёжларни қондириш иқтисодиётнинг бош муаммоси

Иқтисодиёт назарияси асосини икки: эҳтиёжларнинг чексизлиги ва уларни қондириш учун зарур товарларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун керакли ресурсларнинг чекланганлиги муаммолари қамраб олади. Ер юзида аҳоли бугунга келиб 6 миллиард кишидан ошди. Ердаги табиий бойликлар, экин майдонлари, ўрмонлар, қазилма бойликлар, чучук сув ва ўсимлик, хайвонот дунёси миқдори чекланган. Улар камайиб бораёпти. Сарф этилган ер ости бойликларини умуман қайта тиклаб бўлмайди.

Маълумки, эҳтиёжларни қондиришнинг ягона йўли ишлаб чиқаришдир. Бунинг учун эса турлитуман ресурслар керак. Ресурслар деганда турли эҳтиёжларни қондирадиган товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун ишлатиладиган табиат томонидан ёки одамлар томонидан яратилган неъматларни ва меҳнатга лаёқатли кишиларни тушунамиз. Бу ресурслар моддий ва меҳнат ресурсларига бўлинади.


1. **Моддий ресурслар** табиий ва меҳнат билан яратилган ресурсларга бўлинади. Табиий ресурсларга ер, фойдали қазилмалар сингари бойликлар киритилса, меҳнат билан яратилган ресурсларга капитал киради. У биноиншоот, асбобускуна, машина, механизмлар, ҳар хил қурилма, хом ашё, материаллари кабиларни ўз ичига олади.

2. Меҳнатга лаёқатли, маълум малака ва маҳоратга эга кишилар меҳнат ресурслари ҳисобланади.

Кейинги пайтда кўпгина иқтисодчилар бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ва ахборот ресурсларини алоҳида ажратиб кўрсатишмоқда.

Молиявий ресурслар жамият томонидан ишлаб чиқаришга, унинг ривожланиши учун ажратилган пул маблағларидан иборат. Унинг манбалари қимматбаҳо қоғозлар, солиқлар, пул жамғармалари, давлат заёмлари кабилардир.

Кўргазмали материал



Бозор иқтисодиёти фантехника инқилоби шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ахборотлар ва ресурсларсиз «кўлоёқсиз» бўлиб қолади. **Ахборот ресурслари** турлитуман, бўлиб, унинг муайян асосий қисмини компьютер техникаси ёрдамида автоматлаштирилган бошқаришни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ташкил қилади.

Ҳар бир ресурс, ундан ишлаб чиқаришда фойдалангандагина самара беради. Ресурс келтирадиган натижанинг ўз чегараси бор. Ҳар қандай ресурсдан энг яхши, оқилона фойдаланилган тақдирда ҳам маълум чегарадан ортиқ маҳсулот яратиб бўлмайди. Масалан, яхши натижага эришиш учун ҳар қанча ҳаракат қилинган тақдирда ҳам 1 тонна рудадан 1 тонна металл олиб бўлмайди. Мавжуд ресурслардан маълум миқдор ва турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин.

Зарур ресурсларнинг чекланганлиги ишлаб чиқариш имкониятларини ҳам чекланишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш имконияти деганда нимани тушунамиз? Ишлаб чиқариш имконияти деб, мавжуд иқтисодий ресурслардан тўла фойдаланиш эвазига энг кўп маҳсулот ишлаб чиқариш тушунилади.

Ҳар бир хўжалик, корхона, фирма, тармоқ, мамлакат ўзининг ана шундай чегарасига эга. Ресурслардан фойдаланиш даражасига қараган корхоналарнинг товарлар бўйича ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси ҳам турлича бўлиши мумкин.

Эҳтиёжлар доимо кенгайиб бориши, ресурсларнинг эса чекланганлиги сабабли заруратни тўла қондириш учун керакли миқдорда товар ишлаб чиқаришнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳар бир кишидан тортиб жамият миқёсигача чекланганлик муаммосига дуч келинади. Чекланганлик эса ҳар қадамда бизни изланишга, танлашга мажбур қилади.

Оила бюджетининг чекланганлиги турмуш учун нимани харид қилишни, ресурсларнинг чекланганлиги қайси ашёларни сотиб олиш ва қандай товар (хизмат)ларни ишлаб чиқаришни, давлат бюджетининг чекланганлиги маблағларининг қайси мақсадлар учун ишлатишни танлашни зарур қилиб қўяди. Масалан, талаба ўз вақтини дарс тайёрлашга ёки дам олишга сарфлаши мумкин. Деҳқон ўз ерига пиёз ёки, дейлик, картошка экиши мумкин. Тадбиркор ўз пулига янги асбобускуна ёки хом ашё сотиб олиши мумкин. Вилоят бюджетидан маблағни янги мактабга ёки кўприк қуришга сарфлаш мумкин ва хоказо.

Ана шу имкониятлардан бирини танлаш қолганларидан воз кечишга олиб келади, ёки бирининг миқдорини кўпроқ танласак, иккинчисининг миқдорини камроқ

танлашимизга тўғри келади. Танлаш асосида эса қарор қабул қиламиз. Қарорни эса танловнинг муқобил қийматини таққослаш асосида чиқарамиз.

Танловнинг муқобил қиймати нимани ифодалайди?

Танловнинг муқобил қиймати деб, танлов натижасида воз кечилган имкониятлар ичидан танловчи учун энг катта наф келтирувчи ёки қадрланувчи имкониятга айтилади. Масалан: сизга китоб, дафтар, фломастер керак. Энг зарури китоб бўлса, иккинчи навбатда дафтар, учинчи навбатда фломастер турсин. Пулингиз ҳаммасини керакли миқдорда сотиб олишга етмайди. Китоб сотиб олдингиз. Унинг муқобил қиймати дафтар бўлади. Бордию, дафтардан кўра фломастер зарурроқ бўлса, у ҳолда китобнинг муқобил қиймати фломастер бўлади. Агарда ҳар биридан маълум миқдорда сотиб олинса мурасали танлов амалга оширилган бўлади. Демак, танлов ҳар бир кишининг манфаатидан ва имкониятидан келиб чиқиб амалга оширилади. Манфаатда эҳтиёж гавдаланса, имкониятда ресурслар чекланганлиги ифодаланади. Воз кечилган имконият эса танлов ҳақи бўлади.

Муқобил қиймат **доимий, ўсиб борувчи, пасайиб борувчи** бўлиши мумкин.

Илмий абстракция усулини қўллаб, ана шу имконият чегарасини икки тур маҳсулот ишлаб чиқариш модели асосида таҳлил қиламиз. Икки хил маҳсулот гуруч етиштириш ва автомобиль ишлаб чиқарилади, дейлик. Ҳамма ресурсларни пулда ифодаласак, 100 бирлик (100 миллиард сўм, доллар, марка) дейлик. Гуруч етиштириш учун 2 бирлик, автомобиль ишлаб чиқариш учун 4 бирлик зарур. Агарда гуручни X, автомобилни Y билан белгиласак, мавжуд ресурслардан фойдаланиб ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарлар миқдори ўртасидаги боғланиш куйидагича бўлади.



$$2X+4Y=100$$

Мавжуд ресурсларни тўла ишлатиш шариоитида гуруч ва автомобиль ишлаб чиқариш имконияти чегараси

Маҳсулот Турлари	Муқобили ишлаб чиқариш					
	А	Б	С	Д	Е	Г
гуруч (минг тонна) «X»	0	10	20	30	40	50
автомобиль (минг дона) «Y»	25	20	15	10	5	0

Кўриниб турибдики, агарда, гуруч етиштирмай, фақат автомобиль ишлаб чиқарсак, у 25 мингга, фақат гуруч етиштирсак 50 минг тоннага тенг бўлар экан. Биринчисини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, албатта иккинчисини камайишига олиб келади.

Жадвал маълумотлари асосида график чизсак, у куйидаги кўринишда (а расм) бўлади.



а)
расм в) расм

Кўриниб турибдики, мавжуд ресурслардан максимал фойдаланиб, турли комбинацияда гуруч билан автомобиль ишлаб чиқариш мумкин экан.

АГ чизигини ишлаб чиқариш имкониятлари **эгри чизиги** ёки **трансформация эгри чизиги** деб аталади. Бу эгри чизик одатда қаварик шаклида (в расм) бўлади. Сабаби, реал ҳаётда ишлаб чиқарувчиларнинг сони кўп, уларнинг имкониятлари фарқ қилади; иккинчидан чиқариладиган маҳсулотлар ниҳоятда хилмахил; учинчидан, кўпинча муқобил қиймат ўсиб ёки камайиб боровчи бўлади.

Мамлакатда:

А) Гуруч етиштиришни 0 дан 10 минг тоннага етказилиши автомобиль ишлаб чиқаришни 5 минг донага камайишига олиб келади. 10 минг тонна гуручнинг муқобил қиймати 5 минг дона автомобиль ($25 \rightarrow 20 = 5$);

Б) Гуруч етиштиришни 10 минг тоннадан 20 минг тоннага кўпайтирсак, автомобиль ишлаб чиқариш 15 минг донагача қисқаради. Муқобил қиймат 5 минг автомобиль ($20 - 15 = 5$);

В) Гуруч етиштиришни 20 минг тоннадан 30 минг тоннага етказишимиз, автомобиль ишлаб чиқаришни яна 5 минг донага камайтиради. Муқобил қиймат яна 5 минг дона автомобиль бўлади. ($15 \rightarrow 10 = 5$);

Г) Гуруч етиштиришни 30 минг тоннадан 40 минг тоннагача кўпайтиришимиз автомобиль ишлаб чиқаришни яна 5 минг донага камайтиради. Муқобил қиймат 5 минг дона автомобиль ($10 - 5 = 5$);

Мисолимизда муқобил қиймат доимий. Чунки гуруч етиштиришни кўпайтиришимиз доимо бир хил миқдорда автомобиль ишлаб чиқаришни камайишига олиб келяпти.

Минг тонна гуруч = 0,5 минг дона автомобиль.

Муқобил қиймат доимий бўлганда имконият эгри чизиги тўғри чизик кўринишида бўлади.

Гуруч ва автомобиль ишлаб чиқаришни қандай комбинацияда бўлишини танлаш керак. Корхона, фирма доирасида қандай комбинациялар бўлишини, қанча, қайси маҳсулот ишлаб чиқариш, қандай ишлаб чиқариш ва ким учун ишлаб чиқариш муаммосини тадбиркор ҳал этади, мамлакат миқёсида эса ҳукумат танлайди. Агарда маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини кўрсатувчи нуқта ОАГ майдон ичига тўғри келса, у мавжуд ресурслардан тўла фойдаланмаганликни, имкониятларга қараганда кам миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилганини кўрсатади.

Масалан, 15 минг тонна гуруч ва 10 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш учун 70 миллиард сўмлик ресурс талаб этилади. Биздаги мавжуд ресурс эса 100 миллиард сўм. Демак, ресурслардан тўла фойдаланилмаган.

ОАГ майдондан ташқари нуқта маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини мавжуд ресурсларга нисбатан кўпайишини билдиради.

Айтайлик, 30 минг тонна гуруч, 20 минг дона автомобиль ишлаб чиқарилмоқчи, у ҳолда 140 млрд. сўмлик ресурс талаб қилинади. Тадбиркор олдида икки йўл турибди. Бири мавжуд ресурслардан максимал фойдаланиб товарлар турини кўпайтириш, ресурсларни тежаш йўлларини топиш, иккинчиси эҳтиёжларни ўсишига қараб, ўзида бўлмаса, четдан жалб қилиш, қарзга олиш мумкин. Бу муаммони ҳар бир тадбиркор, ҳар бир мамлакат индивидуал тарзда ҳал этади. Лекин ресурслар чекланганлиги шароитида мавжуд ресурсларни тежаб ишлатиш товар турларини муқобил вариантыни, энг оптимал даражасини танлаш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу рақобат курашида ҳам катта роль ўйнайди.

Иқтисодчиларнинг тадқиқоти кўрсатадики, биргаликда турли товарлар ишлаб чиқарганда 5 фоиз ресурслар тежалар экан. Ана шу тежалган миқдор коэффицентини 0,05 десак, мисолимизда ишлаб чиқариш имконияти формуласи қуйидаги кўринишни олади:

$2X + 5Y + 0,05XY = 100$; агарда В вариантни танласак,

• $2 \times 10 + 4 \times 20 = 0,05 \times 10 \times 20 = 90$; Демак 10 миллиард сўмлик ресурс тежалаяпти. Тежалган ресурс эвазига қўшимча равишда гуруч ёки автомобиль ишлаб чиқариш мумкин.

Шунинг учун корхона, фирмалар иложи бориша маҳсулот турини кўпайтирсалар ресурслар тежалиши эвазига ҳаражатларни пасайтиришга эришадилар. Қайси товарни кўпроқ ишлаб чиқаришни танлаш эса, уларга бўлган талаб билан таклифнинг нисбати, бошқача айтганда, бозор нархларига боғлиқ бўлади.

Ҳаётдаги турлитуман вазиятда танловнинг вариантлари ниҳоятда хилмахил бўлиб, қарор қабул қилишни қийинлаштиради. Муқобил вариантлардан бирини танлаш учун ҳар бир киши беихтиёр шу вариантларни таққослашга тушади.

Таққослаш мезонлари жуда кўп ва хилмахил бўлиб, улар маълум шароит, вазият, қўйилган мақсад ва бошқаларга боғлиқ. Худди шу фикрни муқобил вариантлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Муқобил вариант икки ва ундан ортиқ бўлса танлаш, танлаш учун эса таққослаш зарур бўлади. Бунинг учун мезонлар белгиланади. Таққослаш натижасида у ёки бу қарорга келинади. Бу жараён алоҳида шахслар, оиладан бошлаб бутун мамлакат миқёсигача амалга оширилиши мумкин.

Қарор қабул қилишда албатта қўйилган мақсад асосий роль ўйнайди. Ҳар бир вазият, қўйилган мақсад учун муқобил вариантлар ва қарор қабул қилиш мезонлари бошқача бўлади. Масалан: тадбиркорнинг қандай фаолият турини танлаш муқобил вариантлари мактаб битирувчисининг келажакда қандай касб танлаши вариантларидан фарқ қилади. Албатта, мезонлари тўғрисида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Масалан, депутат номзодига овоз беришда ҳам, албатта, муқобил вариантлар ичидан ўзимиз белгилаган мезонларга кўра қарор қабул қиламиз.

Шундай қилиб, ресурсларнинг чекланганлиги ва эҳтиёжларнинг, аксинча, чексизлиги барча муаммоларнинг асосини ташкил қилади ва уларни қамраб олади. Шунинг учун ҳам ресурслар чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммоси иқтисодийнинг бош муаммоси ҳисобланади.

Эҳтиёжларнинг қондирилиш даражаси

Эҳтиёжларни қондирилиш даражаси, одатда, истеъмол билан ўлчанади. У йил давомида аҳоли жон бошига истеъмол қилинган товар ва хизматлар миқдори бидан ўлчанади. Масалан, аҳоли жон бошига истеъмол қилинган нон ва нон маҳсулотлари, сут, гўшт, сабзавот, мева ва ҳоказолар. Ҳар бир оиллага тўғри келадиган узоқ муддат фойдаланадиган товарлар: телевизор, кир ювиш машинаси, совутич, уйжой майдони ва бошқалар.

Жамият тараккий этган сари истеъмол ўсиб, эҳтиёжлар тўлароқ қондирилади боради. Эҳтиёжни қондириш усуллари ҳам ўзгаради. Истеъмол неъматлари тури кўпаяди. Эҳтиёжларни қондирилиши умумий тарзда турмуш даражасини кўрсатади. Турмуш даражаси аҳоли эҳтиёжларини қондирилишига қараб баҳоланади. Аҳолининг эҳтиёжларини қондирилиши фуқароларнинг фаровон яшаши, узоқ умр кўриши гаровидир. Бунинг учун эса ана шу эҳтиёжларни қондирадиган даражада ишлаб чиқариш зарур.

Ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётида эҳтиёжлар ва ишлаб чиқариш нисбати қандайлигига иқтисодчиларнинг алоҳида диққати қаратилмоқда. Эҳтиёжлар билан ишлаб чиқариш нисбатининг ҳозирги даврда асосан уч варианты мавжуд:

1. **Регрессив.** Бундай ҳолат ишлаб чиқаришни узоқ муддат тушкунликда бўлиши натижасида келиб чиқади. Аҳолининг истеъмол даражаси миқдор жиҳатдан ҳам сифат жиҳатдан ҳам камайиб боради. Иқтисодийни бундай ўзгаришини кичрайиб борувчи спирал, яъни **гирдоб** тарзида кўриш мумкин. Борган сари кишиларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириш ҳам қийинлашиб боради. Ҳозир шундай вазиятни Осиё, Африка, Лотин Америкасининг қатор мамлакатларида кузатиш мумкин. Ривожланиб бораётган

мамлакатларнинг 2/3 қисмида 80йилларнинг иккинчи ярми ва 90йилларда аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш ва даромад қисқариб борган.

2. **Турғун.** Бу вариантда нисбатан чекланган турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам, эҳтиёжлар ҳам ниҳоятда секинлик билан ўсиб боради. Яратувчанлик фаолияти суст бўлиб, ишлаб чиқариш тақсимот – айирбошлаш истеъмол эҳтиёжлар **доиравий ҳаракатини** эслатади. Иқтисодиётда умумий турғунлик юз бериб, кўпинча, у маҳаллий халқларнинг анъана ва урфодатлари билан боғланиб кетади.

3. **Прогрессив.** Бунда ишлаб чиқариш миқдори кўпаяди. Сифати яхшиланади, истеъмол ва эҳтиёжлар ўсади. Уни тобора кенгайиб боровчи **спиралсимон** ҳаракат тарзида ифодалаш мумкин. Бир қадар беқарорликка қарамай, ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш ҳам, эҳтиёжлар ҳам ўсиб боради.

Биринчи ва иккинчи вариантда эҳтиёжларнинг ўсиб боришига қатор омиллар акс таъсир кўрсатади.

Жамиятнинг моддий ва маънавий аҳволи, фуқароларнинг яшаш тарзи маданияти эҳтиёж доирасини белгилаб беради. Бу ҳолда эҳтиёжга қуйидагилар таъсир кўрсатади:

моддий ва маънавий маданиятнинг пастлиги, инсон учун заруратнинг энг асосийлари билан чекланиш. Энг зарур эҳтиёжларнинг эса жуда секин ўсиши;

меҳнат тақсимотининг пастлиги, моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва эҳтиёжларнинг ошиб боришига йўл қўймаслиги;

нархларнинг баландлиги, даромадларнинг пастлиги энг оддий эҳтиёжларни қондиришга ҳам тўсқинлик қилиши;

кўплаб мамлакатларда аҳоли сонининг моддий неъматлар ишлаб чиқаришга нисбатан тез ўсиши.

Эҳтиёжларнинг барқарор ўсиб боришини учинчи вариант таъминлашга қодир бўлиб, у меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, аҳолининг пул даромадлари ва аҳоли жон бошига реал бойликнинг кўпайиши билан характерланади. Шу билан бирга, бу ерда эҳтиёжлар билан ишлаб чиқариш ўртасида қарамақаршилиқ мавжуд. Чунки инсонларнинг хоҳиши билан имконияти ҳар доим ҳам мос келвермаслиги мумкин.

Яқуний қисм

*Демак, инсон яшар экан унинг турлитуман эҳтиёжлари мавжуд ва улар қондирилиши зарур. Эҳтиёжларни қондириш кишиларнинг яшашлари, камол топишлари учун зарур. Бироқ эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўладиган неъматлар чекланган. Сабаби, уларни ишлаб чиқариш учун ресурслар чекланган. Чекланганлик бизни ҳар қадамда танлашга, имкон қидиришга мажбур қилади. Энг зарур ечимларни танлаб қарор қабул қилишимиз учун муқобил вариантларни таққослашимиз, таққослаш учун эса унинг мезонларини белгилашимиз керак.

*Эҳтиёжлар таркиби ниҳоятда хилмахил бўлгани учун уларга турли жиҳатдан ёндашиб, қўйилган мақсадга кўра маълум бир гуруҳларга бўлиш, уларнинг муҳимларини ажратиш мумкин. Бу танловни осонлаштиради. Турли вариантлардан бирини танлаш, баъзи эҳтиёжлардан воз кечишга ёки истеъмол миқдорини камайтиришга олиб келади. Инсоннинг бутун ҳаёти танлов асосида қандай қарорга келишига боғлиқ.

*Иқтисодиёт назариясининг асосий вазифаси ҳам ана шу танловни энг мақбул йўллари топиб, тўғри қарор қабул қилишни ўрганишдир.

*Эҳтиёжни қондиришдан қандай мақсад кўзланганига қараб, улар шахсий ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига бўлинади. Шахсий эҳтиёжлар кишиларнинг яшаш учун зарур, шахсий истеъмол заруратини қондирадиган неъматларга бўлган эҳтиёжи бўлса, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари эса ана шу неъматларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иқтисодий ресурсларга эҳтиёж бўлиб, улар моддий, меҳнат, ахборот, молиявий ресурслардан иборат.

*Мавжуд иқтисодий ресурслардан тўла фойдаланиш эвазига энг кўп маҳсулот ишлаб чиқариш «ишлаб чиқариш имконияти» дейилади. Ресурсларнинг чекланганлиги ишлаб чиқариш имкониятларини ҳам чеклайди.

*Иқтисодиётнинг бош муаммоси, бу жамият аъзолари эҳтиёжларининг чексизлиги ва уларни қондириш учун зарур ресурсларнинг чекланганлиги муаммосидир. Чунки у бошқа барча муаммоларни қамраб олади. Кишилиқ жамияти уни ечиш учун ҳаракат қилиб, янгиликлар яратади, ихтиролар қилади. Жамият тараққиётининг асосида ҳам ана шу муаммо ва ҳар бир аниқ вазиятда уни ҳал этиш учун қилинган ҳаракатлар, уринишлар, охиқоқибат уларнинг натижаси ётади.

*Эҳтиёжларни тўлароқ қондиришнинг ягона йўли ишдаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш ва уларни яратиш учун сарфланадиган ресурслар миқдорини камайитиришдир. Навбатдаги мавзулар ана шу масалаларни ўрганишга қаратилган.

Асосий таянч тушунчалар:

1. Эҳтиёж.
2. Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши иқтисодий қонуни.
3. Иқтисодий ресурслар.
4. Иқтисодиётнинг бош муаммоси.
5. Танловнинг муқобил қиймати.
6. Ишлаб чиқариш имконияти чегараси.
7. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Эҳтиёж нима? Нима сабабдан уни биз объектив ва субъектив ҳарактерга эга деймиз?
2. Иқтисодчилар томонидан эҳтиёжлар қандай гуруҳларга ажратилади?
3. Яққа ва биргалиқда қондириладиган эҳтиёжларга қандай эҳтиёжлар киритилади?
4. Иқтисодиётнинг бош муаммоси нима? Нима сабабдан уни бош муаммо деб атаймиз?
5. Танлов нима? Унинг мезонларичи?
6. Ишлаб чиқариш имконияти ёки трансформация эгри чизиғи нима?
7. Нима сабабдан иқтисодиёт назариясини ўрганишни эҳтиёжларни ўрганишдан бошладик?

3§. Ўқитишнинг муаммоли–изланиш методлари ва уларни қўллаб маъруза ўқиш

Бугунги кунда методларни самарали қўллашнинг муҳим мезонларидан бири муаммоли вазиятни вужудга келтириш, муаммони кун тартибига қўя билишдир. Педагогларнинг фикрича, муаммоли ўқитиш талабанинг мустақиллигини, фикрлаш доирасини кенгайтиришга олиб келади. Муаммоли ўқитиш талабаларни фаол билиш жараёнига ундаб, тафаккурни илмий тадқиқотга йўналтиради.

Муаммоли вазият муайян педагогик воситаларда мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган ўзига хос ўқитиш шароитида юзага келади. Муаммоли вазиятнинг моҳияти шуки, у талаба таниш бўлган маълумотлар, билганлари билан янги фактлар, ҳодисалар ўртасида ҳамда муқобил танлов зарурияти вужудга келиши натижасида қарор қабул қилишнинг қийинчилиги оқибатида келиб чиқадиган вазиятдир.

Муаммоли вазиятнинг вужудга келиши талабаларнинг ақлини пешлайди. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини, ечимини топишга ундайди.

Муаммоли савол кўйиб ўқитиш талабаларнинг билимларни онгли ва мустаҳкам ўзлаштиришига, билиш фаолиятини жонлаштиришга, илмий изланишга, тадқиқотга чорлайди. Шунинг учун ҳам хоҳ маъруза, хоҳ амалий машғулот, семинар бўлсин ўқитувчининг муаммо кўйиши, ёки муаммоли вазият вужудга келтириши катта аҳамиятга эга.

Педагогикага оид адабиётларда муаммолар кўйилиши жиҳатидан қуйидаги даражаларга бўлинади:

1. Муаммони ўқитувчининг ўзи қўяди, уни шакллантиради, талабаларни уни мустақил равишда ечимини топишга, ечиш йўлини қидиришга йўналтиради.

2. Ўқитувчи фақат муаммоли вазиятни вужудга келтиради, талабалар муаммони мустақил шакллантирадилар ва ечимини излайдилар.

3. Ўқитувчи маълум бир муаммони кўрсатмайди, балки унга талабаларни рўбарў қилади, уларни мустақил фаолиятга йўналтиради. Талабаларнинг ўзи мустақил равишда муаммони англайдилар, уни шакллантирадилар ва ечимини топишга ҳаракат қилдилар.

Ўқитувчи ўтилаётган дарснинг шакли, ўтилаётган фан, мавзу ва унинг хусусиятларига кўра қандай муаммо кўйишни, муаммоли вазият вужудга келтиришни ўзи ҳал қилади.

Мазкур методнинг ўзига хос жиҳати талабалар олдига муаммо кўйилишидир.

Ўқитишнинг муаммоли– изланиш методлари

Муаммоли маъруза савол, яъни муаммо кўйиш орқали бошланади. Бу муаммо эса ўқув материални баён этиш жараё

нида маърузачи томонидан изчил ва мантиқий ҳолда ечиб берилади ёки уни ҳал этиш йўллари кўрсатилади.

Муаммо ўқув материалнинг аниқ мазмуни билан боғлиқ бўлади. Таълим жараёнида мақсадга эришиш учун муаммоли ўқитишга қатор талаблар қўйилади:

* муаммоли ўқитиш таълим олувчилар эҳтиёжларини қондириш ва фаоллигини оширишга йўналтирилиши;

* тақдим этилган муаммонинг таълим олувчилар учун аниқ ва тушунарли бўлиши.

Булар:

*қўйилган муаммонинг муҳимлиги;

*муаммо иложи борича реал ҳаётдан олиниши;

*таълим олувчилар учун муаммо маълум аҳамиятга эга бўлиши;

*таълим олувчиларнинг ҳамкорликда фаол ишлаши;

*муаммога алоқадор ахборотлар базасини яратиш;

*муаммонинг бошқалар учун ҳам аҳамиятли эканини кўрсатиши лозим.

Муаммоли ўқитишнинг мақсадлари:

- Таълим олувчиларнинг мазмунли ва изчил билим олишини таъминлаш;
- Муаммо ечимларини топиш ва унинг бошқа ечимлари бўйича ҳам истиқболли ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш;
- Таълим олувчиларни кичик гуруҳларга бўлиниб, муаммоли вазиятлардан чиқиб кетишга ўргатиш;
- Ўқувчи, талабаларда шахсий масъулият туйғусини уйғотиш ва мустақкамлаш.

Муаммоли ўқитишнинг тўрт босқичдан иборат мантикий схемаси куйидагича.

1. Муаммонинг қўйилиши.
2. Уни ечиш йўлларини аниқлаш.
3. Муаммони ечишнинг энг маъқул йўлини аниқлаш.
4. Муаммони ечиш.

Талаба жавоб беролмаган саволларнинг ҳаммаси ҳам муаммоли вазиятни вужудга келтира олмайди. Масалан, «қандай ҳаражатлар ташқи ҳаражатларга киради?» ёки «даромад нима?», «фойдани ҳисобланг» каби масалалар ечимини қўйиш муаммоли вазият ёки муаммо бўла олмайди.

Тажрибали педагогларнинг фикрича фақат ўқитиш жараёнида қарамақаршилиқ пайдо бўлган вазиятнигина муаммоли вазият деб аталади. Талаба ўқиш, билиш жараёнида қарамақаршилиқларга дуч келса, унинг билимга бўлган қизиқиши ортади. Бошқача қилиб айтганда, мотивация пайдо бўлади. Масалан, нима сабабдан давлат тадбиркорликни қўллабқувватлагани ҳолда сохта тадбиркорликка қарши курашади, деган савол муаммоли ҳисобланади. Чунки бу саволда қарамақаршилиқ бор. У талабани таққослашга, таҳлил этишга ундайди. Тадбиркорликнинг турларини, унинг ҳуқуқий асосларини, давлатнинг юритаётган иқтисодий сиёсатини ўрганишга, тушунишга олиб келади. Методологик жиҳатдан қараганда тушунчалар орасидаги қарамақаршилиқларнинг асл манбаи бирламчи ҳисобланади.

Талабаларнинг ижодий қобилиятини шакллантириш учун уларни доимо ўзларида туғилган саволни беришга ундаш лозим. Дарс охирида қарамақаршилиқлар ойдинлаштирилиши зарур.

Муаммоли маъруза – муаммоли ўқитишнинг асоси. Лекин муаммоли ўқиш қандай бўлиши кераклиги ҳақида ягона фикр йўқ. Баъзилар уни ҳали фанда ечилмаган муаммолар ҳақида маъруза дейишса, бошқалар муаммоларни дарсда ечиш деб ҳисоблашади. **Муаммоли маъруза талабани ўйлашга, таққослашга, ечимини топишга ундайдиган маърузадир.** У қуруқ ёдлаб олиш эмас, балки ўз фаолиятида зарур бўладиган амалий кўникмаларни қўллаб масалани ечишга ўргатишдир. Шунингдек ўқитиш – бундай дарсларда аждодлар ижтимоий-тарихий тажрибаси ҳам ўргатилади. Муаммоли ўқитиш орқали талабани ўз фикрини айтишга, фикрини ҳимоя қилишга ва бахслашишга ўргатиш мумкин. Фикрлаш жараёнида қарамақаршилиқ бўлмаса баҳс ҳам, мунозара ҳам бўлмайди. Мунозарасиз эса муаммонинг ечимини топиш жуда қийин.

Дарсда талабалар ўқитувчининг ўргатишга самимий интилаётганини ҳис қилиши, талабани ўзи билан тенг кўраётганини билишлари керак. Юқорида зикр этган маърузани муаммоли маъруза тарзида баён қилиш, дарсга талабаларни фаол қатнашишга чорлаш учун маъруза ўқиётганда муаммоли вазият яратиш зарур. Бунинг учун аввалдан муаммоли савол қўйиб, унга талабалар билан биргаликда муҳокама қилиниб жавоб топилади. Юқорида келтирилган «ИҚТИСОДИЙ РЕСУРСЛАР ВА ЖАМИЯТ ЭҲТИЁЖЛАРИ» мавзусидаги анъанавий маъруза матнини муаммоли маъруза тарзида ўқиш учун маърузанинг мақсади алоҳида ажратиб кўрсатилади ва куйидагича ўзгаришлар киритилади:

<p>Дарсинг мақсади:</p>	<p>Эҳтиёжлар ва уларнинг таркиби, эҳтиёжларнинг юксалиб бориши қонунининг мазмунини англаш, иқтисодиётнинг бош муаммосини аниқлаш, мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш. Эҳтиёжларни қондириш даражаси кўрсаткичларини ўрганиш.</p>
--------------------------------	---

Ўқитувчи муаммоли вазият яратиш билан талабаларни фаоллаштиради, мулоҳазага йўллайди. **Биринчи узвий саволни** муҳокама қилиш жараёнида муаммоли вазиятни вужудга келтириш мумкин:

Бунинг учун ўқитувчи талабаларга «нима сабабдан иқтисодиётни назарий жиҳатдан ўрганишни айнан шу мавзудан бошляпмиз?» деган савол билан аудиторияга мурожаат қилади. Бу саволлар муҳокамаси асосида талабалар фанни ўрганишни, иқтисодиётни шу мавзудан бошланишига қаноат ҳосил қилишлари керак.

Талабаларга инсоннинг яшаши учун нималар керак? Биров биринчи навбатда озиковқат деса, бошқаси тинчлик бўлиши керак, дейди. Сизнингча ким ҳақ? Бунинг сабаби нимада? деган саволлар қисқача муҳокама қилинган, «Инсоннинг эҳтиёжлари турлитуманлигини биламиз, уларни ўхшаш томонлари борми?» дея мурожаат қилиб, талабалардан жавоб олган, маъруза давом этади.

Эҳтиёжларнинг турли гуруҳларга бўлинишини тушунтиргач, «Нима сабабдан турли жиҳатдан ёндашиб, гуруҳларга бўлиб чиқдик. Уни нима кераги бор? Гуруҳларга бўлмасдан, ўрганиб қўя қолсак бўлмайдимиз?» деб мурожаат қилиш мумкин.

Иккинчи узвий саволни муҳокама қилишни «Агар одамнинг озиковқатга бўлган эҳтиёжи ошқозони сиғими билан ўлчанади деса, у жуда кам ўзгаради. Бундан эҳтиёжлар ўзгармайди деган хулоса чиқариш мумкинми?» деган муаммоли савол қўйилади. Бунда ўқитувчи муҳокама жараёнида талабаларнинг ўз эҳтиёжлари кенгайиб бориши қонуниятини амал қилишига иқдор бўлишларига олиб келиши керак. Муҳокама асосида маъруза ўқиш давом эттирилади.

Учинчи савол эҳтиёжларни қондириш учун ресурслар кераклиги, ресурслар эса чекланганлиги, чекланганлик қандай оқибатга олиб келишини кўрсатувчи муаммолар билан бошланади.

Ишлаб чиқариш ресурслари таснифи схемаси намоёни қилинади ва талабаларга: “Ҳозирги пайтда айрим иқтисодчилар ахборот ва молиявий ресурсларни ишлаб чиқариш ресурслари таркибига киритишса, бошқалари бу нотўғри, дейишмоқда. Сиз қайси бир фикрга қўшиласиз” деб мурожаат қилиб, талабаларни мунозарага чорлаш мумкин.

Талабалар фикрини, диққатини иқтисодиётнинг бош муаммосини ўрганишга қаратилади. Бир томондан, эҳтиёжлар чексиз, иккинчи томондан ресурслар чекланган. Улардан қайси бири бош муаммо ва нима сабабдан уни бош муаммо деб атаймиз? Талабаларнинг фикрларини эшитиб, ўқитувчи уларнинг тарафдорларини аниқлайди. Тўғри ёки нотўғрилигини кўрсатиб, мунозарага яқун ясайди. Семинарга тайёрланиш учун топшириқ беради.

Муаммоли ўқитишнинг қамчилиги шундаки:

- У кўп вақт талаб қилади. Оқибатда, ахборот беришга қаратилган ўқитишдан орқада қолади.
 - Муаммоли вазиятни ҳар қандай аудиторияда вужудга келтириш қийин.
- Бу ўқитувчидан катта педагогик маҳорат, кўп кучқувват, тажриба талаб қилади.

4§. Таълимнинг технологик ёндашувига асосланган, жадаллаштирилган (жалб қилувчи, чуқурлаштирилган) маъруза

Жамият тараққиёти талабаларни мустақил, чуқур мушоҳада юритиб, турли вариантларни таққослаб, қарор қабул қилишга ўргатишни тақозо қилади. Ана шундай кўникмалар ҳосил қилишга ёрдам берадиган дарс ўтиш методларини қўллаш зарурияти катта. Айнан таҳлилий (танқидий) фикрлашга ўргатадиган методлар талабаларга ана шундай кўникмалар ҳосил қилишга ёрдам беради. Қатор таниқли педагоглар шундай фикрларни баён этадилар.

1. Янги вариантдаги узлуксиз таълим ахборот ва ғояларнинг тушунарли бўлиши муаммосини кўяди. Ўқувчи, талабалар ана шу ахборот, янги фикр, ғояларни фаоллик билан ўзлаштиришдаги кутилган юқори натижага эришиш мумкин.

2. Талабаларнинг фикрлаш фаолиятини ривожлантириш учун турли стратегия ва методлар қўлланилгандагина ўқиш жараёни муваффақиятли бўлади. Улар талабалар учун ўқув жараёни тушунарли, онглироқ бўлишини таъминлайди.

3. Талаба, ўқувчилар ўз билимларини муайян масалаларни ечишга татбиқ эта олсаларгина, уларда билим ва ижодий фикрлаш ривожланади.

4. Ўқувчи, талабаларнинг олдин эгаллаган билимларига ва тажрибаларига асосланган ўқиш мустаҳкам ва янги ахборотни билганлари билан боғлаш имконини беради.

5. Ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам фикрлар, ғоялар, тажрибаларнинг турлитуманлигини тўғри тушунишларигина таҳлилий фикрлашни яхши натижа беришига олиб келади. Агар битта жавобгина тўғри деган фикр устуворлик қилса, у ҳолда таҳлилий фикрлашга имкон бўлмайди.

6. Ўқитишнинг асосий шакли маърузадир. Лекин анъанавий маърузанинг камчиликлари бизга маълум. ТАСИС дастури тадқиқотчиларининг натижаларига кўра унинг самараси жуда паст. Бунинг сабабини тингловчиларнинг пассивлигида деб изоҳланади.

Албатта, буни барча анъанавий маърузаларга хос деб бўлмайди. Маърузани мохир маърузачи ўқиганда:

- * янги ахборот беради;
- * мураккаб назарий саволларни тушунтиради, ўргатади, тизимга солади;
- * муаммо, масалаларни ечиш жараёнида ижодий фикрлашга ўргатади;
- * юзаки қараганда катта фарқи бор турли ғояларни кўрсатади, таҳлил қилади, улар ўртасидаги боғланишни тушунтиради;
- * билим олишга ундайди;
- * ўрганиб қолинган фикрлаш тарзи ва эътиқодларни қайтадан қараб **чиқишга даъват қилади**;
- * келгусида билим олишга иштиёқ туғдиради.

Анъанавий маърузани бундай тарзда ўқиш ҳаммининг кўлидан келмайди. Жуда кўп маърузалар монолог тарзида ўқиладигани, у тингловчиларни маърузадан қониқмасликларига, уни диққат билан эшитмасликларига олиб келади.

Ана шу камчилик, яъни тингловчиларни маърузада пассив эмас фаол қатнашишларини таъминлаб, кутилаётган натижаларга эришиш учун методикани ўзгартиришга ундайди.

Бунга жадаллашган (жалб қилувчи, чуқурлаштирилган, динамик) маъруза орқали эришиш мумкин. Жадаллаштирилган маъруза таҳлилий фикрлаш кўникмасини ҳосил қилиш, ривожлантириш, универсал асосларга таянган ҳолда тайёрланган маърузанинг мукамаллаштирилган, чуқурлаштирилган вариантдир. Жадаллаштирилган маърузани ҳар қандай катталиқдаги гуруҳда ўтказиш ҳамда талабаларни дарсга фаол қатнашишларини таъминлаш мумкин.

Жадаллаштирилган маърузани қўллашга зарурият, тадқиқот натижасида ишонч ҳосил қилинган икки ҳолатдан келиб чиқади:

1. Аудиторияга ўқитувчи саволни мавзу бўйича маърузани ўқиб бўлгач ташлаганига караганда, маъруза ўқигунга қадар бериши талабаларни маърузада билдирилган фикрларни ёки материални яхшироқ ўзлаштиришига олиб келар экан.

2. Маъруза бошлангандан 1520 дақиқа ўтгач талабаларнинг диққати сусаяди. Демак, методни ўзгартириш, талабаларни дарсга фаол қатнашишга ундаш зарур.

Буни қандай амалга оширса бўлади?

Бу ишни педагог олимлар таълим технологияси асосида амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатиб беришди. Бунда маъруза жараёнида талабалар ҳам дарсга фаол қатнашадилар. Дарс ўтказиш ҳамкорликка асосланади. Маъруза ўқишда қўлланиладиган метод ва воситалар узвий саволлар бўйича аввалдан лойиҳалаштирилиб, маъруза дарсининг технологик харитасида кўрсатилади. У дарснинг «сценарий»си бўлиб, унинг асосида дарс жараёни ташкил этилади. Бунинг учун маъруза мантиқий тугалланган қисмларга бўлинади. Бу маърузада қўйилган узвий саволлар бўлади. Ҳар бир қисм (савол) а) даъват, б) англаш, тушуниш, в) фикрлаш, тафаккур босқичларига ажратилади.

1. Даъват босқичи. Унда ўқитувчи маърузани бошлар экан, талабалар диққатини маърузани эшитишга жалб қилади. Турли методларни қўллаб, уларни маърузада фаол қатнашишга чорлайди. Дастлаб талабалар мазкур мавзу бўйича нималарни билишлари аниқланади. Ана шу билимга дарс жараёнида янги билимлар қўшилиши керак. Шунинг учун талабаларга тезда бажариладиган турли топшириқлар берилади. Савол қўйиб, ақлий ҳужум методини қўллаш орқали талабалар учун маълум, ўрганган билимларини аниқлашни;

- қўйилган саволни жуфтликда муҳокама қилиш ўз фикрларини айтиш;
- аввалги маърузада ўрганилган тушунчалар мазмунини гапириб беришни таклиф қилиш орқали амалга ошириш мумкин. Бунга 34 дақиқа вақт ажратилади.

2. Навбатдаги босқич мазмунни тушуниш, англашдан иборат. Унда 1520 дақиқа давомида маъруза қилинади. Бу босқичнинг асосий вазифаси талабаларнинг янги материални тушунишларини таъминлашдир. Бунда ўқитувчи талабаларга турли саволлар билан мурожат этади, масалан:

1. Сизнинг учун ҳозир эшитганларингизнинг қай бири янгилик бўлди?
2. Эшитганларингиз бўйича сизнинг фикрингиз қандай?
3. Сизда энг катта таассурот қолдирган нима? – кабилар.

3. Тафаккур босқичида олинган билимлар мустаҳкамланади. Ўрганилаётган масала бўйича талабаларнинг ўз тушунчалари шаклланади. Маъруза эшитгач, уларнинг билимлари кенгайиб, мустақил фикрлайдилар, ўз фикрларини эшитганлари билан таққослайдилар. Бу босқичда талабаларга фикрларини таҳлил қилишга қаратилган топшириқлар берилади. Улар турлича бўлиши мумкин.

«Бу ҳақда сиз нима деб ўйлайсиз?» «Ўзингиз билганлар билан янги олган ахборотингиз қай даражада боғланди?» ёки «Янги ғоялар билан сизнинг қарашларингиз қандай ўзгарди?» ва ҳоказо тарзидаги саволлар бериш ёки тест ечиш, сўров картасини тўлдириш, 10 дақиқа эссе ёзишни машқ қилиш ва шунга ўхшаш топшириқлар бериш мумкин.

Кейинги саволлар ёки қисмлар ҳам худди шундай уч босқичга бўлиниб маъруза ўқилади ёки муҳокама қилинаётган савол бўйича маъруза матни тарқатилиб, талабалар инсерт методи ёрдамида матнни ўқиб, таҳлил қилиб ўз фикрларини билдирадилар. Матнни ўқиш босқичи уйга вазифа қилиб топширилиб, дарс пайтида фақат саволни муҳокама қилиш мумкин. Бу ўқитувчи дарс жараёнини қандай ташкил этишга қарор қилишига боғлиқ.

Охирида **яқунловчи топшириқ** берилади. Яқунловчи топшириқни ҳам ўқитувчи маърузанинг мавзуси, мавжуд саволлар, гуруҳ талабалари ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда аввалдан тайёрлайди.

Жадаллаштирилган маъруза ўқитувчидан дарсга пухта тайёрланишни, маърузанинг турли вариантларини тайёрлаб қўйишни талаб қилади. Бунда ўқитувчи ҳар бир дарс жараёни технологик харитасини тайёрлайди. Қуйида «Иқтисодий ресурслар ва жамият эҳтиёжлари» мавзусидаги жадаллашган маърузага тузилган технологик харитани намуна сифатида келтирамиз. Уни таълим технологияси сифатида ҳам қараш мумкин.

«ИҚТИСОДИЙ РЕСУРСЛАР ВА ЖАМИЯТ ЭҲТИЁЖЛАРИ» мавзусида маъруза дarsi ўтиш технологияси

Ўқитишнинг методи ва ўрганиш техникаси	Инсерт, Б/ Б/ Б, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш, моделлаштирувчи ўйин, кичик гуруҳларга бўлиниб, ҳамкорликда ишлаш, саволжавоб
Ўқитиш воситалари	Доска, кодоскоп, слайдлар, дафтар, китоб, газета, ручка, журналлар, ёзув қоғозлари
Ўқитиш шароити	Типик аудитория
Мазкур дарсни ўтгунгача талабалар билиши лозим бўлган билим ва малакалар:	Талаба: Иқтисодий қарашларнинг вужудга келиши тушунчасига эга бўлиши, «Иқтисодиёт назарияси» фани нимани ўрганиши, қандай методлар ёрдамида ўрганиши, иқтисодий қонунлар, категориялар, эҳтиёжлар мазмунини билиши керак

Факультет, кафедра, дарс ўтиладиган курс	Ўқув предмети	Мавзунинг ўқув дастуридаги тартиб рақами ва ажратилган соат
Бошқарув факультети, бакалавриат, 1 курс	«Иқтисодиёт назарияси»	№ 2, 2 соат
Сана: сентябрь	Ўқув гуруҳи, талабалар сони: БК80,81 (4050)	Ўқитувчи: Тожибоева Д.
Ўтиладиган дарс мавзуси:	Иқтисодий ресурслар ва жамият эҳтиёжлари	
Маъруза режаси:	<p align="center">1. Эҳтиёжлар ва уларнинг таркиби</p> <p align="center">2. Эҳтиёжларнинг чексизлиги. Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши қонуни</p> <p align="center">3. Ресурслар чекланганлиги ва эҳтиёжларни қондириш.</p> <p align="center">Иқтисодиётнинг бош муаммоси</p>	
Асосий тушунча ва терминлар	Эҳтиёж, эҳтиёжларнинг юксалиб бориши иқтисодий Қонуни, иқтисодий ресурслар, танловнинг муқобил қиймати, ишлаб чиқариш имконияти чегараси, ресурслар чекланганлиги, иқтисодиётнинг бош муаммоси	

<p>Адабиётлар рўйхати</p>	<p>Адабиётлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995. 2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1992. 3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.: «Ўзбекистон», 9том, 2001 4. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. // Халқ сўзи, 20февраль, 2003й. 5. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмади. // Ўзбекистон овози, 17февраль, 2005й. 6. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005 7. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // Халқ сўзи, 2006 йил, 11февраль 8. Макконнелл К., Брю С. Экономикс, гл. 2. М.: «ИнфраМ», 1999. 9. «Маънавият, илмуфан ва иқтисодий билим ёшлар тарбиясига хизмат қилсин» мавзусидаги республика илмийамалий конференцияси материаллари, 2004 йил 25 ноябрь, Тошкент, 2004 10. Тезисы и доклады международной научнопрактической конференции на тему: «Социальноэкономические проблемы переходной экономики» (Опыт, обобщения, закономерности). СанктПетербург: 2005 11. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма, Т.: «Ўқитувчи», 2002. 12. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика, ч.І, гл.1, М.: «Дело», 1999. 13. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма, Т.: «Молия», 2002. 14. Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений (Колл. авт.). Т.: «Шарқ», 1999. 15. Экономическая теория. Учебник. Под ред. Николаевой И.Н, М.: «Прспект», 1998. 16. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси, Тошкент: «Меҳнат», 1995. 17. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Тошкент: «Шарқ», 2006. 18. Ўзбекистон иқтисодиёти, Ўзбекистан в цифрах. Статистический сборник, Т.: 2005
<p>Дарсинг мақсади:</p>	<p>Ижтимоийиқтисодий эҳтиёжлар ва уларнинг таркиби, эҳтиёжларнинг юксалиб бориши мазмунини англаш, иқтисодиётнинг бош муаммосини аниқлаш, мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш. Эҳтиёжларни қондириш даражасини кўрсаткичларини ўрганиш.</p>

Ўқитувчининг вазифалари:	<p>Мотивацион вазифаси: Мазкур мавзу бўйича чуқур маънога эга саволларни қўйиб, талабаларни фаннинг кейинги мавзуларини ва бошқа иқтисодий фанларни ҳам ўрганишга қизиқтириш.</p> <p>Ўргатувчи вазифаси: Мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни билан таништириш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини очиб бериш.</p> <p>Ривожлантирувчи вазифаси: Мантиқий, таҳлилий фикрлашни шакллантириш.</p>
Ўқув фаолиятининг натижаси	<p>Талаба: 1. Ижтимоийиқтисодий эҳтиёжлар ва унинг таркибини турли жиҳатдан ёндашиб кўрсатиб, мазмунини тушунтириб бериши керак. 2. Эҳтиёжларнинг чексизлиги сабабларини аниқлаб, эҳтиёжлар юксалиши қонуни мазмунини айтиб бериши керак. 3. Ишлаб чиқариш имконияти трансформацияси эгри чизиғи, танловнинг муқобил қиймати мазмунини билиши керак. 4. Иқтисодиётнинг бош муаммоси ва нима сабабдан уни бош муаммо деб аталишини билиши керак. 5. Эҳтиёжларни қондирилиши қандай кўрсаткичлар орқали аниқланишини тушунтириб бера олиши керак</p>

«ИҚТИСОДИЙ РЕСУРСЛАР ВА ЖАМИЯТ ЭҲТИЁЖЛАРИ» мавзудаги дарснинг технологик харитаси

Технологик босқич, вақт	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
Мавзу бўйича дарс ўтишга тайёрланиш. 510 дақиқа	<p>Аввалги дарснинг якунида талабаларга берилган вазифа: фаннинг предмети, ўрганиш методлари, иқтисодий қонунлар ва категорияларнинг мазмунини билиб келиш.</p> <p>1. Қисқача (блиц)сўров методи қўлланилади.</p> <p>2. Талабаларга ҳар бир кичик гуруҳнинг дарсда фаол қатнашишини баҳолашни таклиф қилади. Уларнинг баҳоларини умумлаштириш асосида кичик гуруҳлар олган ўринлар аниқланиши ва балл берилишини уқтиради.</p> <p>Биринчи ўрин – 2 балл. Иккинчи ўрин – 1,8 балл. Учинчи ўрин 1,7 балл. Тўртинчи ўрин 1,5 балл. Бешинчи ўрин –1,2 балл ва ҳоказо.</p> <p>Баҳолаш жадвали тарқатма материал қилиб берилади.</p>	<p>Оғзаки жавоб беришади. Асосий тушунчаларнинг мазмунини айтишади.</p>
1 – босқич Кириш: аввалги мавзу билан	<p>Янги мавзунини ўтган мавзу билан боғлайди. Мавзунинг мақсади, дарснинг натижаси ва уни ўтказиш</p>	<p>1.1. Эшитадилар, жавоб берадилар, ёзиб оладилар.</p>

<p>боғлаш.</p> <p>Мавзуни ўрганишни мотивацияси 510 дақиқа</p>	<p>режаси эълон қилинади.</p> <p>Нима сабабдан иқтисодиётни назарий жиҳатдан ўрганишни айнан шу мавзудан бошлаяпмиз? деб савол билан аудиторияга мурожаат қилади. Саволжавоб методи қўлланилади. Претест ўтказиш ҳам мумкин.</p>	
<p>II асосий босқич. 1520 дақиқа</p> <p>Маърузанинг биринчи узвий саволи муҳокамаси:</p> <p>1. Даъват босқичи:</p> <p>2. Англаш, тушунтириш босқичи</p> <p>3. Фикрлаш, тафаккур босқичи</p>	<p>2.1. Талабаларга инсонни яшаши учун нималар керак? Бунинг сабаби нимада? деган савол билан мурожаат қилинади.</p> <p>«Ақлий ҳужум» методи қўлланади. Ўқитувчи ҳар бир талабага 15 тагача сўз айтиши мумкинлигини уқтиради.</p> <p>2.1.3. Маърузанинг биринчи узвий саволи баён қилинади.</p> <p>Маърузада эшитганлари асосида муҳокама қилиб, доскада, дафтарда ёзилган эҳтиёжларга турли жиҳатдан ёндашиб, гуруҳларга ажратиш таклиф қилинади.</p> <p>Жуфтлик, кичик гуруҳларга бўлиниб дарс ўтиш методи қўлланилади</p> <p>Муҳокамани яқунлайди.</p>	<p>2.1. Эшитадилар,</p> <p>2.1.1. Жавоб берадилар.</p> <p>2.1.2. Бир талаба доскага, қолганлар дафтарга ёзадилар.</p> <p>2.1.3 Эшитадилар асосий тушунчаларни ёзадилар.</p> <p>2.3.1. Талабалар гуруҳларга ажралишади.</p> <p>2.3.2 Ҳар бир кичик гуруҳ эҳтиёжларни турли гуруҳларга бўлиб чиқадилар.</p> <p>2.3.3. Ҳар бир кичик гуруҳ вакили бажарган ишлари бўйича маълумот беради.</p>
<p>Маърузанинг иккинчи саволи муҳокамаси 1520 дақиқа.</p> <p>1. Даъват босқичи</p> <p>2. Англаш, тушунтириш босқичи</p> <p>3. Тафаккур босқичи</p>	<p>2.2.1. Инсонларнинг турлитуман эҳтиёжларига турлитуманлиги, уларнинг турли жиҳатдан ёндашиб, гуруҳларга бўлиб чиқдик. Агар одамнинг озиковқатга бўлган эҳтиёжи ошқозони сифими билан ўлчанади десак, у жуда кам ўзгаради. Бундан эҳтиёжлар ўзгармайди, деган хулоса чиқариш мумкинми? деган муаммоли савол қўйилади.</p> <p>2.2.2. Саволни кичик гуруҳлар томонидан «Инсерт» методини қўллаб, муҳокама қилинади.</p> <p>Талабаларга Б/Б/Б жадвали тарқатилади. Уларга мавзу бўйича 1 ва 2 устунни тўлдириш таклиф қилинади. Талабаларга маъруза матни тарқатилади.</p> <p>2.2.3. Матнни ўқиб, мувофиқ равишда маъруза матни четига белги қўйиб, унинг асосида Б/Б/Б ни 4 устунини тўлдириш ва матнни ўқиб, янги</p>	<p>2.2.1. Кичик гуруҳлар муҳокама қилиб жавоб берадилар.</p> <p>2.2.2. Талабалар жадвални тўлдиришади.</p> <p>2.2.3. Жадвални қолган устунларини тўлдиришади.</p>

	<p>ўрганган асосий тушунчаларни ёзиши кераклиги, гуруҳлардан бири эксперт ролини бажаришини эълон қилади. Ўқитувчи маслаҳат берувчи сифатида қатнашади. Ҳар бир кичик гуруҳнинг маълумотлари асосида ахборот умумлаштирилади</p>	<p>Асосий тушунчаларни айтиб беришади, ёзишади.</p> <p>Кичик гуруҳларнинг жавобини эксперт гуруҳи эълон қилади.</p>
<p>Маърузанинг учинчи узвий саволи муҳокамаси 2530 мин.</p> <p>1. Даъват босқичи</p> <p>2. Тушунтириш, англаш босқичи</p> <p>3. Тафаккур босқичи</p>	<p>Ишлаб чиқариш ресурслари таснифининг расми намойиш қилинади ва унда яна қандай ресурслар кўрсатилмагани сўралади: Сизнингча, ресурслар чекланганлиги қандай оқибатга олиб келади? Ишлаб чиқариш имконияти нима?</p> <p>3.2.2. Маърузанинг 3саволи баён қилинади.</p> <p>3.3.3. Танлашнинг муқобил қиймати, танлов мезонларини ўрганиш учун моделлаштирувчи ўйин методи қўлланилади (Илова) Талабаларга танлов мезони жадвали тарқатилади. Ўқитувчи олиб келган газета, журнал, дафтарлардан ҳар бир кичик гуруҳ танлаб олиши таклиф этилади. Ҳар бир кичик гуруҳни жадвал мезонларини ўзлари ишлаб чиқиб тўлдириши таклиф қилинади. Ҳар бир кичик гуруҳ намойиш қилинган материал ва танлов жадвалини муҳокама қилишади. Ўз танлов мезонлари бўйича жадвални тўлдиришади Иқтисодиётнинг бош муаммосини реал ҳаётда акс этишига мисоллар келтиришади. Ўқитувчи маслаҳат берувчи ва кузатувчи сифатида қатнашади.</p>	<p>2.3.1. Хоҳлаган талабалар алоҳида жавоб берадилар, ёзадилар.</p> <p>3.2.2. Эшитадилар, ёзадилар.</p> <p>Ўйинга қатнашадилар, Жадвални тўлдирадилар.</p> <p>3.3.3. Асосий тушунча, категорияларнинг номи ва мазмунини аниқлашади.</p>

<p>Ш.Якуний босқич 1015 дақиқа</p>	<p>3.1.Талабаларга ҳар бир кичик гуруҳнинг дарсада фаол қатнашишини баҳолаш жадвалини тўлдириб, ҳар бир кичик гуруҳни ўз фикрини билдиришни таклиф қилади.</p> <p>3.2. Б/Б/Б жадвални учинчи устунини тўлдиришни топширади</p> <p>3.3. Ўқитувчи кичик гуруҳлардан баҳолаш жадвалини йиғиб олади. Якуний балл чиқаради. Дарсга якун ясайди.</p> <p>Талабаларнинг диққатини асосий масалага қаратади, семинар дарсига тайёрланишда нималарга диққат қаратилиши лозимлиги ҳақида, тушунмаган саволларни ўқув адабиётларидан ўқиш ҳақида кўрсатма беради.</p>	<p>3.1.Кичик гуруҳларни топшириқни бажариш бўйича бажарган ишлари ва билдирган фикрлари асосида қўйилган баллар эълон қилинади.</p> <p>3.2. Б/Б/Б жадвалини учинчи устунини тўлдиришади.</p>
--	---	--

Намойиш қилинувчи материал 2.1.1



Гуручни X, автомобилни Y билан белгилаганда, мавжуд ресурслардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарлар миқдори ўртасидаги боғланиш куйидагича бўлади:

$$2X+4Y=100$$

Мавжуд ресурсларни тўла ишлатиш шароитида гуруч ва автомобиль ишлаб чиқариш имконияти чегараси:

Маҳсулот турлари	Муқобил ишлаб чиқариш					
	А	Б	С	Д	Е	Г
гуруч(минг тонна) «X»	0	10	20	30	40	50
Автомобиль (минг дона) «Y»	25	20	15	10	5	0

Намойиш қилинувчи материал 2.1.2



Минг тонна гуруч = 0,5 минг дона автомобилга тенг. Муқобил қиймат доимий. Иккинчи расмда муқобил қиймат ўзгарувчи.

Кўргазмали материал



Кичик гуруҳларга топшириқ: яна қандай ресурслар бўлиши мумкин? Уларни ҳисобга олиб мазкур схемани қандай чизган бўлар эдингиз?

Тарқатма материал 2.1.1.

Ҳар бир кичик гуруҳ бошқа кичик гуруҳларнинг дарсга фаол қатнашишларини, берилган топшириқ ва саволларга жавобларини баҳолашади.

Кичик гуруҳларнинг ишини баҳолаш жадвали.

(Ҳар бир мезон бўйича максимал 5 балл берилади)

Кичик гуруҳлар	Топшириқ	Жавобнинг тўғрилиги, аниқлиги	Тушунарли ва қисқалиги	Гуруҳдаги талабаларнинг барчасини фаол қатнашиши	Умумий тўпланган балл
1 кичик гуруҳ	1 топшириқ 2 топшириқ 3 топшириқ Жами				
2 кичик гуруҳ					
3					
4					
5 ва бош.					

Тарқатма материал 2.1.2.

Кичик гуруҳларга топшириқ

Доскада ҳамда ҳар бир кичик гуруҳ ўзлари қайд этган эҳтиёжлар рўйхатига турли жиҳатдан ёндашиб, уларни гуруҳларга ажратиш:

1. а) индивидуал, б) жамоа, в) умумжамият эхтиёжлари		2. а) моддий, б) ижтимоиймаънавий эхтиёжлар		3. а) якка, б) биргаликда қондириладиган эхтиёжлар		4. а) шахсий, б) ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) эхтиёжлари		
1. а)	1. б)	1. в)	2. а)	2. б)	3. а)	3. б)	4. а)	4. б)

Тарқатма материал 2.1.3.

Инсерт методини қўллаш бўйича қабул қилинган қоидалар:

1. Матнни ўқинг.
 2. Қалам билан матн четига, ҳар бир қатор бошига белги қўйиб чиқинг.
 - Ўқиётган матндаги билдирилган фикрлар сизга маълум, сиз уларни билсангиз, “биламан” деб ўйлаган фикрингизга мос келса, «V» белгисини қўясиз.
 - Агарда сиз ўқиётган жумлалар сизнинг билимингизга қарамақарши бўлса ёки биламан деб ўйлаганингизга мос келмаса, «>» (минус) белгисини қўясиз.
 - Агарда ўқиётган матнда сиз учун янгиликлар бўлса “+” (плюс) белгисини қўясиз.
 - Сиз ўқиётган жумлалар сизга тушунарли бўлмаса, яъни уни тушуниш учун қўшимча маълумотлар талаб қилинса, у ҳолда «?» (сўроқ) белгиси қўясиз.
- Бу белгилар ёрдамида ўқиётган матн бўйича умумий тасаввур ифодаланиши керак.

Б/Б/Б жадвали билан ишлаш тартиби

1. Инсерт методини қўллаб, матнни ўқинг.
2. Олинган ахборотни индивидуал тарзда қўйган белгиларингизга мувофиқ равишда жадвалда ифодаланг.

Б/Б/Б (Биламан, Билмоқчиман, Билдим) жадвали

№	Мавзунинг саволи	Биламан	Билмоқчиман	Билдим
1				
2				
3				
4				
5				

Тарқатма материал 2.1.4.

Қарор қабул қилишнинг қадамбақадам модели.

1. Муаммони аниқлаш. Энг аввало, муаммо (туфайли эришиш лозим бўлган натижа)ни ажратиш, айти шу вақт, шу вазият учун қайси бири асосий ҳисобланишини, аниқлаш зарур.

2. Муқобил вариантларни аниқлаб чиқиш (белгиланган натижага эришишнинг турли усуллари аниқлаш). Масалан: аукцион, мусобақа, навбатда туриш, бошлиқнинг қарори, мулк эгасининг хоҳиши ва бошқалар.

3. Мезонларни белгилаш. (Ҳар бир вариантни баҳолаш мезонларини аниқлайдиган стандартларни белгилаш.) Масалан: ҳаммага тенг шанс, нафлилик, энг юкори нарх, мукофот, кадрқиммат, омад ва ҳоказо.

4. Муқобил вариантларни баҳолаш (Ҳар бир мезон, муқобил вариант учун қўлланилади).

5. Қарор қабул қилиш (турли вариантлар мезонлари бўйича таққосланади ва улардан энг мақбули танланади).

Қарор қабул қилиш сеткаси

Муқобил вариантлар	Мезонлар					
	Ҳаммага тенг шанс	Энг юкори нарх	Кадрқим мат, наф	Мулк эгасининг танлови	Омад	Мукофот
Бошлиқ (ўқитувчи)нинг қарорига кўра						+
Лотерея ўтказиш	+				+	
Аукцион		+	+			
Конкурс	+		+			+
Мулк эгасининг хоҳишига кўра				+		

Қарор қабул қилиш сеткаси(кичик гуруҳлар тўлдириши учун)

Муқобил Вариантлар	Мезонлар			

Технологик ёндашувга асосланган жадаллашган, (жалб қилувчи, чуқурлаштирилган) маъруза ўқишнинг камчилиги шундаки:

1. У технологик харита бўйича ажратилганга қараганда кўп вақт талаб қилади. Айниқса, талабалар берилган топширикни вақтида бажара олмасалар ҳам ўқитувчи, “улгуриш учун” топширикни чала бажарилганича навбатдаги босқичга ўтади ёки уни охиригача бажаришлари учун қўшимча вақт беради. Унисиди ҳам, бунисиди ҳам барча узвий саволларни режалаштирилганидек муҳокама қилиш учун вақт етишмаслиги хавфи катта.

2. Ўқитувчидан катта педагогик маҳорат талаб қилинади. Ўқитувчининг ўзида изланиш, тадқиқотга интилиш, олимлик хусусияти бўлиши талаб этилади.

3. Талабаларни дарсга тайёрланиб келишлари ва унда фаол қатнашишлари талаб қилинади. Талабаларни билим даражаси кескин фарқ қиладиган гуруҳларда бундай маъруза ўқиш жуда қийин.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Маъруза, маърузанинг функциялари, кириш маърузаси, мавзу бўйича маъруза, йўлйўриқ кўрсатувчи маъруза, маърузада реал фактлар, анъанавий маъруза ўқиш, муаммоли маъруза ўқиш, жадаллашган маъруза ўқиш, маъруза матни.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Ўқув жараёнида маъруза қандай ўрин тутади?
2. Маърузага қандай талаблар қўйилади?
3. Маърузани баён қилиш методлари қандай ва улар нималари билан фарқланади?
4. Маърузада реал фактлар, маълумотларнинг ўрнини айтиб бера оласизми?
5. Қандай маъруза муаммоли маъруза дейилади?
6. Жадаллашган (жалб қилувчи, чуқурлаштирилган) маъруза қайси жиҳатлари билан сизни диққатингизни тортди? Унинг камчиликлари борми?
7. Маърузани қандай ўқиш ҳақида шахсий фикрингиз? Сиз ўқитувчи сифатида маърузани қандай ўқиган бўлардингиз?

VI боб. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ

1§. Семинар дарси ва унинг ўқув жараёнида тутган ўрни

Маъруза билан биргаликда амалий машғулот ҳам ўқув жараёнининг муҳим шакллариغا киради. У таълим, тарбия бериш ҳамда назарияни амалиёт билан боғлаш функциясини бажаради. Амалий машғулот термини педагогикага оид адабиётларда тор ва кенг маънода талкин этилади. Амалий машғулот кенг маънода семинар (унинг барча турлари), машқ, лаборатория ишини умумий ҳолда ифодаланишидир. Семинар амалий машғулотнинг шаклларида бири бўлиб:

- маърузада баён қилинган назарий қонунқоидаларни мустаҳкамлаш;
- фан бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- талабаларни илмий тадқиқот, билиш қобилиятларини ўстириш вазифаларини бажаради.

Семинар дарси талабаларни билим олишлари, уни пухта ўзлаштиришлари ва олган билимларини келгусида реал ҳаётда қўллашни ўрганишларида алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ҳам, семинар дарсини қизиқарли, талабаларни фаол қатнашишларини таъминлайдиган методларни қўллаб, ўтиш муҳим аҳамиятга эга.

Маърузада одатда баён қилиш етакчи рол ўйнайди. Талабалар маъруза тинглашда пассив роль ўйнайдилар. Семинар дарсида эса талабалар фаол бўлишади. Дарсида турли методларни қўллаб, уларнинг фаоллигини таъминлаш имконияти кенг.

Маъруза дарси монолог тарзида баён қилинса, семинар дарси диалог асосида олиб борилади. Одатда, семинар дарсида талабаларнинг билими, ўз устида ишлаш даражаси аниқланади, назорат қилинади.

Семинар (лот. *seminarium* – манба, кўчма маънода мактаб) – ўқув амалий машғулот шаклларида бири. Асосан олий ўқув юртларида, илмий тўғарак, анжуманларда қўлланилади.

Таълимнинг семинар шакли қадимги Юнон ва Рим мактабларида пайдо бўлган. Кейинчалик Ғарбий Европа университетларида ривожлантирилган. Бу университетларда семинар талабанинг адабиётлар, манба устида ишлаши вазифасини ўтаган. XX аср бошларидан семинар дарслари талабаларнинг умумий илмий дунёқарашини кенгайтиришда, уларни муайян фан тарихидаги муҳим муаммо ва тадқиқотлар билан таништиришда катта роль ўйнай бошлаган.

Семинарнинг асосан уч тури бор:

1. Ўрганилаётган фан ёки курсни чуқур ўрганишга ёрдам берадиган семинар дарслари.

2. Айрим муаммо, асосий ёки муҳим мавзунини ўрганиш учун ўтказиладиган семинарлар.

3. Тадқиқот характеридаги семинарлар.

Ўқув жараёнини ташкил этишда семинар дарслари алоҳида ўрин тутди. Семинар ўқув жараёнининг талабалар билимларини мустаҳкамлашни таъминловчи, ижодий қобилиятларини намоён қилувчи шаклидир. Семинар машғулотларининг мақсади талабаларнинг чуқур билим олишини таъминлаш, олган билимни реал ҳаётда қўллашга ўргатишидир.

Бунинг учун талаба олган ахборотларини таҳлил қилиш, илмий тадқиқот ўтказиш, таққослаш, хулоса чиқаришни билиши керак. Семинар дарсининг олдида қўйилган бош мақсадга эришиш учун дарс олдида қўйилган қатор вазифаларни амалга ошириш керак. Бу вазифалар семинар дарслари бажарадиган функцияларда ўз ифодасини топади.

Семинар дарси қуйидаги функцияларни бажаради:

- талабаларга профессионал таълим бериш ва тарбиялаш;
- мустақил ишлаш малакасини ўстириш;

- мантиқий фикрлашга ўргатиш;
- нутқини ўстириш, илмий мунозаралар олиб боришга ўргатиш;
- мустақил фикр юритиш ва ўз фикрини ўртоқлашишга ўргатиш;
- ўртоқлари фикрини танқидий баҳолашга ўргатиш;
- талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш;
- назарий олган билимларини амалиёт билан боғлаш.


Инсон хотираси – бу бизнинг биокомпьютердир. Одатда, янги ахборотни қабул қилар эканмиз, аввалги ахборот қисман хотирадан кўтарилади. Ахборотлар ниҳоятда хилмаҳил бўлиб, инсон ҳар куни ўз ҳаётида қабул қиладиган ахборотлар миқдори, уларни турлича қабул қилиниши, хотирада сақланиб қолиши жиҳатидан бирбиридан фарқ қилади. Психологларнинг фикрича, олинган ахборот, чизмада тасвирлангандек, гўёки филтрдан ўтиб, сараланиб, маълум бир жиҳатлари билан ажралиб турадиганлари хотирада сақланар экан.

Узоқ муддат хотирада қоладиган ахборотларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- қизиқарлилиги, жўшқинлиги каби хусусиятлари билан ажралиб турувчи ахборотлар;
- тасаввур, ҳистуйғу ва шу каби бирбирини эслатадиган, ўзаро боғланишдаги ахборотлар;
- инсон томонидан тушуниб, моҳиятига етилган ахборотлар;
- фаоллик билан қабул қилинган, ўрганилган, такрорланиб туриладиган ахборотлар.



Айтиб ўтганимиздек, олимларнинг илмий тадқиқотлари шуни кўрсатадики, оддий инсон одатда ахборотларни олган манбаси, шаклига кўра турли даражада ўзлаштиради.




Агарда уни абстракт чизма орқали кўрсатадиган бўлсак, мана бундай ифодалаш мумкин.

Олинган ахборот чизмада гўё филтрдан ўтиши кўрсатилган. Бу ҳолда ахборот қисқа муддат ёдда сақланади. Қисқа муддат ёдда қолган билим иккинчи филтрдан ўтгач, шу билимни ёдда сақлаш, фойдаланиш, такрорлаш туфайли фаол билим захирасига айланади.

Бу билимдан фойдаланиб, такрорлаб турилмаса, сув билим

захирасига айланади ва борабора хотирадан кўтарилади. Уни қўйидаги графикда кўриш мумкин. Булардан шундай хулоса чиқариш мумкин: талабаларнинг энг аввало, ўқув материални ўзлаштириши, ёдда қолиши учун олинадиган ахборотни иложи борича эшитиш ва кўриш орқалигина эмас, балки гапириш, ўз фаолиятида синаб кўриш орқали етказиш катта аҳамиятга эга. Бунга эришишнинг йўли семинар дарсларини турлитуман методлар орқали олиб боришдир. Айнан семинар дарсида талабалар маъруза, китоб, журнал



ва ҳоказолар орқали олган ахборотлари, билимларини тушунган ҳолда гапириб бериш, уни моделлаштириш асосида синаб кўриш имкониятига эга бўладилар.

Семинар дарсини ўтказишда қўлланиладиган услублар турлитуман бўлиб, у ёки бу услубни танлаш, ўрганилаётган фаннинг хусусиятига; ўтилаётган мавзуга, семинар дарсига қўйилган мақсадга, танланган услубни қўллаш имкониятига боғлиқ.

Ҳозирги пайтда иқтисодий фанларни ўрганишда нисбатан кенг қўлланиладиган услублардан: экспресс савол–жавоб, саволлар тизими асосланган муҳокама, семинар машғулоти режаси бўйича атрофлича суҳбат, моделлаштирувчи ўйин, доклад ва рефератларни муҳокама қилиш, масала, машқ, тест ечиш ва уларнинг натижасини муҳокама қилиш, мунозара ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Семинар мавзуи маъруза мавзуси билан бир хил бўлиши шарт эмас. Баъзан мавзудаги айрим саволлар маърузада кўриб чиқилса, айримларини семинарда муҳокама қилиш мумкин. Ҳозирги пайтда маърузада кўрилган мавзу албатта, семинарда ҳам муҳокама қилинади. Лекин маълум шароитда семинар дарси ва унинг мавзусига бошқача ёндашиш мумкин. Айтайлик, адабиётлар, ахборот манбалари мавжуд бўлса, семинарда мустақил ўрганилган мавзунини муҳокама қилиш мумкин.

Семинар дарсини муваффақиятли ўтказиш учун асосий ва қўшимча адабиётларни синчковлик билан ўрганиш зарур. Адабиётларни ўрганиш дарс жараёнида талабаларнинг диққатини қаратиш лозим бўлган масалаларни алоҳида ажратиш, мавзунини қайси усул асосида ўрганишни режалаштириш ва дарсга тайёрланиш имконини беради.

Саволларни мураккаблаштириш ҳамда саволлар тизимига ўтиш орқали мавзу мазмунини чуқур ўзлаштириш мумкин. Бу эса саволни муҳокама қилиш жараёнида вужудга келган муаммоли вазиятни ўрганиб, уни ечиш имкониятини беради. Масалан, иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси нима? деган савол қўйилган. Бу ҳолда талаба иқтисодиёт назарияси фанининг бош муаммоси – ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммоси – деб жавоб бериши мумкин.

Ана шу саволни айтайлик, қуйидагича саволлар тизими асосида илгари суриш мумкин: Иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси нима? Нима сабабдан бунини бош муаммо деб атаймиз? Сизнингча, иқтисодиётда яна қандай муаммолар бор? тарзида бериш мумкин. Ана шу саволлар тизимига жавоб бериш жараёнида талабалар иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш эканлигини, бунга сабаб, иқтисодиётдаги барча масалаларни қамраб олиши эканлиги ойдинлашади. Уларга мисол қилиб, танлаш муаммосини, ҳар бир уй хўжалиги, фирма, давлат ўз олдига қўйган мақсад ва унга эришиш муаммосини ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкинки, уларнинг барчаси ресурсларнинг чекланганлиги билан боғлиқ.

Мавзунини ўрганишни чуқурлаштиришга савол шаклини ўзгартириш, уни мураккаблаштириш орқали ҳам эришиш мумкин. Айтайлик, саволни иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси нима ва уни нега бош муаммо дейилади? тарзида қўйилади.

Талабаларнинг мавзунини, у ёки бу категорияни қай даражада тушунганларини синаш ва пухтароқ тушунишларига ёрдам бериш учун жавобларни улар билан биргаликда муҳокама қилиш асосида мини тест ўтказиш мумкин.

Семинардарнинг иқтидорни намоён этадиган, нутқ сўзлаш, бошқалар фикрига танқидий қарашни талаб этадиган услубларидан бири – мунозарадир. Бундай усул билан дарс ўтиш ўқитувчидан катта тайёргарлик кўриш, маҳоратни талаб қилади. Умуман олганда, семинар дарси турли методлар асосида олиб борилар экан, у қизиқарли, барча талабаларни фаол қатнашишга, демак, дарсга қунт билан тайёрланиб келишга ундайди.

2§. Семинар дарсига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш (семинар дарси ўтишга доир услубий кўрсатмалар)

Семинар дарсига тайёргарлик кўриш ва ўтказишни қуйидаги намунавий машғулотда кўриб чиқамиз. Бу услубий кўрсатма дарс ўтишни режалаштириш ва ўтказишга ёрдам беради.

Дарс ўтишни уч асосий қисмга бўлиш мумкин. Булар:

I. Кириш:

саломлашиш;

ўтган дарс мавзуини қисқача такрорлаш;

янги мавзуни талабаларга ҳавола қилиш;

дарсда ўтиладиган мавзунинг мақсадини баён қилиш;

дарсда муҳокама қилинадиган саволлар режасини баён қилиш.

II. Дарс ўтиш:

мавзуда кўриладиган асосий масалалар, категорияларни баён қилиш;

- асосий концепцияларни, масала, муаммоларни тушунтириш, қайтариш билан талабалар билимини мустаҳкамлаш;

ҳаётда уларни қўллаш борасида мисоллар келтириш;

семинар дарслар, амалий машғулотларда машқлар масалалар, ечиш ва бошқа қатор методлар ёрдамида билимни мустаҳкамлаш.

III. Дарсни якунлаш:

дарсда баён қилинган фикрларни умумлаштириш;

дарсга хотима ясаб, талабаларни келгусида бажарилиши керак бўлган ишларга йўналтириш.

Намунавий семинар машғулоти

Мавзу: «ИҚТИСОДИЙ РЕСУРСЛАР ВА ЖАМИЯТ ЭҲТИЁЖЛАРИ»

Дарснинг мақсади:

- эҳтиёжлар, нима учун уларнинг таркибига турли жиҳатдан ёндашиш ва гуруҳларга бўлишни тушуниб олиш;

- эҳтиёжларни шаклланишида ахборотнинг ролини англаш;

- ресурслар чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммоси иқтисодиётнинг бош муаммоси эканлигини тушуниб етиш;

- танлов ва қарор қабул қилиш муаммоси, қарор қабул қилишнинг муқобил вариантлари ва мезонларини ишлаб чиқишни ўрганиш;

- қарор қабул қилиш учун ахборотнинг аҳамияти нақадар катта эканлигини англаш;

эҳтиёжларни қондирилишини ифодаладиган иқтисодий кўрсаткичларни билиш.

Мавзу бўйича семинар машғулотига тайёрланиш учун зарур адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995.

2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1992й.

3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.: «Ўзбекистон», 9том, 2001й.

4. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. // Халқ сўзи, 20февраль, 2003й.

5. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайдими. // Ўзбекистон овози, 17февраль, 2005й.
6. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005й.
7. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // Халқ сўзи, 2006 йил, 11 февраль.
8. Макконнелл К., Брю С. Экономикс, гл. 2. М.: «ИнфраМ», 1999й.
9. «Маънавият, илму фан ва иқтисодий билим ёшлар тарбиясига хизмат қилсин» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари, 2004 йил 25 ноябрь, Тошкент, 2004й.
10. Тезисы и доклады международной научно-практической конференции на тему: «Социально-экономические проблемы переходной экономики» (Опыт, обобщения, закономерности). Санкт-Петербург, 2005й.
11. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма, Т.: «Ўқитувчи», 2002й.
12. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика, ч.1, гл.1, М.: «Дело», 1999й.
13. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма, Т.: «Молия», 2002й.
14. Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений (Колл. авт.). Т.: «Шарк», 1999й.
15. Экономическая теория. Учебник. Под ред. Николаевой И.Н, М.: «Проспект», 1998й.
16. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Тошкент: «Меҳнат», 1995й.
17. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Тошкент: «Шарк», 2006й.
18. Ўзбекистон иқтисодиёти, Ўзбекистан в цифрах. Статистический сборник, Т.: 2005й.

Дарсда ёритилиши лозим бўлган асосий таянч тушунчалар ва атамалар:

- | | |
|---|--------------------------------------|
| 1. Индивидуал эҳтиёж | 9. Ресурслар чекланганлиги |
| 2. Гуруҳий эҳтиёж | 10. Танлов |
| 3. Умумжамиат эҳтиёжи | 11. Муқобил қиймат |
| 4. Моддий эҳтиёжлар | 12. Имкониятлар эгри чизиғи |
| 5. Маънавий эҳтиёжлар | 13. Ишлаб чиқариш имконияти |
| 6. Яққа ва биргаликда
кондириладиган эҳтиёжлар | 14. Шахс (аҳоли) ихтиёридаги даромад |
| 7. Шахсий ва ишлаб чиқариш
эҳтиёжлари | 15. Қарор қабул қилиш сеткаси |
| 8. Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши | |

Дарс ўтиш учун зарур жиҳозлар:

*проектор, слайдлар, фломастер, китоб, газета – журналлар.

Дарс ўтишда фойдаланиладиган кўргазмали қурооллар (слайд, ватман қоғозга чизилган бўлиши ёки дарс давомида доскага чизиш мумкин):

- эҳтиёжлар ва ресурслар таркибининг таснифи берилган схема;
- имконият эгри чизиғини ифодаловчи график.

Тарқатиладиган материаллар:

- ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғи модели тасвирланган график асосида масалалар, дарсда бажариладиган топшириқлар;

- қарор қабул қилиш сеткаси.

Семинар дарсида муҳокама қилинадиган саволлар ва уларга ажратилган тахминий вақт:

Ташкилий қисм 58 дақиқа

Муҳокама қилинадиган саволлар:

Саволлар мазмуни	Ажратилган вақт
1. Эҳтиёжларнинг мазмуни. Эҳтиёжларнинг таркиби. Индивидуал, гуруҳий ва умумжамият эҳтиёжлари.	1012 дақиқа
2. Ўзбекистонда эҳтиёжларнинг хусусиятлари.	1012 дақиқа
3. Эҳтиёжларнинг чексизлиги. Эҳтиёжларнинг юксалиш қонуни.	810 дақиқа
4. Ресурсларнинг чекланганлиги. Ишлаб чиқариш имконияти.	1012 дақиқа
5. Танлов ва муқобил қиймат. Муқобил танлов ва қарор қабул қилиш.	1015 дақиқа
6. Иқтисодиётнинг бош муаммоси.	810 дақиқа
7. Эҳтиёжларни қондирилиш даражаси	810 дақиқа
Дарсни яқунлаш	58 дақиқа

Дарсинг қисқача тафсилоти.

1. Ташкилий қисм

Талабалар билан саломалик қилинади. Ўқитувчи аудиторияда зарур жиҳозлар борйўқлигини кўздан кечириб чиқади. Давомат текширилади. Сўнгра ўтган семинар дарсида ўтилган мавзуни қисқача такрорлаб, янги мавзуни бошлайди. Дарсинг қисқача мақсади баён қилинади:

Ўтган семинар дарсида биз иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва услуги мавзусини яқунладик. Шу мавзуда биз иқтисодий ғояларнинг вужудга келиши, иқтисодий назариянинг фан сифатида шаклланиш жараёни, асосий иқтисодий мактабларни кўриб ўтдик. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети, иқтисодий қонунлар, категориялар, ҳодисалар ва уларни ўрганишнинг услубларини биргалашиб муҳокама қилдик.

Иқтисодиёт назарияси барча иқтисодий фанларнинг пойдевори эканлиги, давлатнинг иқтисодий сиёсатининг илмий асосларини ишлаб чиқишдаги тутган ўрни, норматив ва позитив иқтисодий назариянинг фарқини ўргандик. Ижтимоий – иқтисодий ривожланиш ва унинг муаммоларини аниқлашда иқтисодиёт назарияси фанининг аҳамиятини билиб олдик.

Бугун биз янги мавзу: «Иқтисодий ресурслар ва жамият эҳтиёжлари» мавзусини муҳокама қиламиз.

«Иқтисодиёт назарияси» фанини ўрганишни айнан мана шу мавзудан бошлашимиз бежиз эмас, чунки инсоннинг бутун ҳаёти турлитуман эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир.

Бугунги мавзуда биз ана шу эҳтиёжларнинг таркиби, уларнинг чексизлиги, эҳтиёжларни қондириш учун зарур неъматларни ишлаб чиқариш учун ресурсларни чекланганлиги, бундан келиб чиқадиган иқтисодиётнинг бош муаммоси, танлов ва қарор қабул қилишни зарурати ва бошқа масалаларни ўрганамиз.

Дарсга семинар машғулоти режаси бўйича тайёрланиб келиш керак эди. Дарсга ҳамма тайёрми? дея сўраб, тайёрланмай келганларни сабабини аниқлайди. Бугунги мавзу муҳокамасини бошлаймиз деб, ўқитувчи қириш сўзини тугатади.

2. Саволлар муҳокамаси

Бугунги мавзу муҳокамасини «Эҳтиёжларнинг мазмуни. Эҳтиёжларнинг таркиби. Индивидуал, гуруҳий ва умумжамият эҳтиёжлари» узвий саволини муҳокама қилишдан бошлаймиз, дея ўқитувчи нималарга алоҳида аҳамият бериш кераклигини тушунтиради.

Бу саволни анъанавий услуб суҳбат ва саволжавоб билан муҳокама қилиш мумкин. Бунда, аввало, эҳтиёжлар деганда нимани тушунамиз? деган савол кўямиз.

Ҳаёт кечириш учун объектив заруриятнинг барчаси эҳтиёж тарзида намоён бўлади. Инсонларнинг эҳтиёжи, уларни қондириш иқтисодий фаолият орқали амалга оширилишини кўрсатилади.

Эҳтиёжларнинг шаклланишида ахборотнинг ролига, алоҳида эътибор бериш, талабалар томонидан ҳаётӣ мисоллар келтирилишига диққат қилиш керак.

Эҳтиёжларнинг ниҳоятда турлитуманлиги, унга ҳар жиҳатдан ёндашиб гуруҳларга бўлишни қуйидаги схема орқали кўрсатиш мумкин.

Кўргазмали материал 1 (Исхема).



Бу саволда дастлаб эҳтиёжлар, субъектларнинг индивидуал, гуруҳ, умумжамият эҳтиёжларига бўлиниши муҳокама қилинади. Субъектларнинг эҳтиёжини гуруҳларга ажратиш, умуман олганда мулкнинг иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашуви билан ҳам боғлиқлигини эслатиб ўтиш зарур.

Сўнгра эҳтиёжлар бошқа хусусиятларига кўра турли гуруҳларга бўлиниши кўриб чиқилади. Бунда талабалар ҳаётӣ мисоллар ёрдамида эҳтиёжларни турли гуруҳларга бўлинишини тушуниб олишларига эътибор бериш керак. Шу мақсадда турли йўналтирувчи саволлар билан мурожаат қилиб, уни муҳокама қилиш мобайнида мақсадга эришилади. Масалан: нима сабабдан эҳтиёжларни ижтимоийиқтисодий эҳтиёжлар деб атаймиз? Индивидуал эҳтиёж деб қандай эҳтиёжга айтамыз ва ҳоказо.

Ўқитувчи мусобаҳага қисқача яқун ясайди ва кейинги саволга ўтилади.

Навбатдаги савол: Ўзбекистонда эҳтиёжларнинг хусусиятлари. Аввало, эҳтиёжларнинг шаклланишига қандай омиллар таъсир қилиши, Ўзбекистондаги эҳтиёжлар қандай хусусиятлари билан ажралиб туришини, кўрсатиш керак. Бу ҳолда аҳолининг сони, жинси, ёши, табиий географик шароит, тарихий, миллий анъаналар ва одатлар, жамиятнинг иқтисодий тараққиёти, маданияти ва бошқа омилларга эътибор қаратилади. Шунингдек, «Ўзбекистондаги эҳтиёжлар хусусиятларининг улар таркибини шаклланишига таъсири» мавзусида реферат ёки қисқа доклад тайёрлаш мумкин.

Бу ҳолда реферат ёки қисқача докладни икки талаба тайёрлагани маъқул. Бири иккинчисини тўлдирди. Рефератда кўпроқ Ўзбекистонда эҳтиёжларнинг шаклланишига

қандай омиллар таъсир кўрсатиши, келажакда эҳтиёжлар қандай ўзгариши мумкинлиги ҳақида, талаба ўз фикрларини қандай баён қилишига аҳамият бериш керак.

Талабалар ўз ишларида республика, вилоят ёки туман миқёсида (имконияти қадар) статистик маълумотлардан фойдаланиши зарур. Агар бу фикрлар етарли бўлмаса, ўқитувчи ёки талабалар савол беришлари мумкин. Фақат бу саволжавоблар узоққа чўзилиб кетишини олдини олган маъқул.

Ўқитувчи саволни қисқача яқунлаб, келгуси муҳокама қилинадиган савол ва унда диққат қаратиш лозим бўлган масалаларга алоҳида урғу беради. Бу савол бутун иқтисодий масалаларини ўзида мужассамлаштирган муаммони келиб чиқишига сабаб бўлган икки фундаментал фактнинг бирини ёки муаммонинг асл пойдеворини ташкил этган «Эҳтиёжларнинг чексизлиги. Эҳтиёжларнинг юксалиш қонуни»га бағишланади.

Бу саволни муҳокама қилганда эҳтиёжларнинг нима сабабдан чексиз бўлиши асослаб берилиши керак.

Эҳтиёжларни миқдоран ўсиб, улар таркиби хилмахиллигининг кенгайиши қандай омилларга боғлиқлигини талабалар тушуниб етиши, эҳтиёжларнинг юксалиб бориши қонунининг амал қилиши, нима сабабдан у умумиқтисодий қонунлар гуруҳига киритилишини, талабалар тушуниб етишлари керак.

Талабалар бу саволга қандай тайёрланиб келишганини минитест ёрдамида аниқлаш мумкин.

Минитестимизни ечиш учун ҳар бир саволга 1 дақиқадан вақт ажратамиз. Минитест куйидагича бўлиши мумкин.

1. Эҳтиёжлар чексизлигининг сабаблари:
 - а) аҳоли сонининг ўсиб бориши;
 - б) кондирилган эҳтиёж янги эҳтиёжни вужудга келтириши;
 - в) фантехника тараққиёти аҳолининг янги янги эҳтиёжларини вужудга келтириши;
 - г) ишлаб чиқаришнинг маиший маданиятни шакллантириши.
 - д) юқоридаги барча жавоблар тўғри;
2. Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши қонуни:
 - а) эҳтиёжларнинг миқдор жиҳатидан кўпайиши муносабатларини ифодалайди;
 - б) ишлаб чиқариш ва маданиятнинг тараққиёти билан эҳтиёжларнинг миқдоран ўсиб, таркибан янгиланиб боришини ифодалайди;
 - в) аҳолининг қулайликка бўлган заруриятлари ва ижтимоий эҳтиёжларини ўсиб боришини ифодалайди;
 - г) эҳтиёжларнинг таркиби ўзгаришини ифодалайди;
 - д) эҳтиёжларнинг миқдор жиҳатидан кўпайиши муносабатлари, эҳтиёжларнинг таркиби ўзгаришини ифодалайди;
3. Эҳтиёжларнинг чексизлиги кўпроқ қайси турдаги эҳтиёжларга тааллуқли?
 - а) моддий эҳтиёжларга;
 - б) гуруҳ эҳтиёжларига;
 - в) ижтимоиймаънавий, қулайликларга бўлган эҳтиёжларга;
 - г) узоқ муддат фойдаланиладиган товарларга;
 - д) моддий ва гуруҳий эҳтиёжларга;
4. Жамият эҳтиёжларининг таркиб топиши ва юксалиб боришига таъсир этувчи омиллар:
 - а) аҳоли, сони, ёши, жинси;
 - б) табиийгеографик широк;
 - в) тарихий миллий анъаналар ва одатлар, маданий жиҳатдан эришилган даража;
 - г) жамиятнинг иқтисодий тараққиёти;
 - д) юқоридаги барча жавоблар тўғри;
5. Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши қонуни умумиқтисодий қонунлар гуруҳига киритилади. Сабаби у:

- а) кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида инсон эҳтиёжлари миқдоран кўпайиб, унинг таркиби ўзгариб, янгилашиб, хилмахиллиги ортиб боради;
- б) иқтисодий тараққиёти туфайли эҳтиёжларнинг таркиби доимо янгилашиб боради;
- в) фантехника тараққиёти туфайли доимо ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ортиб боради;
- г) кишиларнинг маиший маданияти шаклланиб, борган сари ўсиб боради;
- д) ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ортиб, маиший маданият шаклланиб боради.

Минитест бўйича жавобларни тўғрилигини текшириш учун ўқитувчи аввалдан жавоблар бўйича сетка тайёрлаб олгани маъқул. У катак дафтардан қирқиб тайёрланади.

	а	б	в	г	д
1					+
2		+			
3			+		
4					+
5	+				

Қайси жавоб тўғри бўлса, шу катакни қирқиб оламиз. Бизни тасвиримизда у (+) белгиси туширилган. Фақат тест жавобларини айнан қандай тартибда ёзилишига қараб, сетка тайёрланади ёки тайёрланган сеткамиз бўйича жавоблар қандай тартибда ёзилиши кераклиги тўғрисида огоҳлантирамиз. Имконият бўлса, тест билан бирга жавоб ёзиладиган сетка ҳам тарқатилади. Бунда жавобларни қандай, қаерга ёзишни тушунтириш осон.

Ўқитувчи тестларни йиғиштириб олиб, қайси жавоблар тўғрилигини текширмай ёки тезда текшириб, муҳокамани бошлаши мумкин.

Ўқитувчи ихтиёрий ёки ўз қарорига кўра бирон талабадан унингча қайси жавоб тўғрилигини сўрайди. Талаба белгилаган жавобни айтади. Ўқитувчи аудиторияга «Ҳамма шундай белгиладими?» дея мурожаат қилади:

Талабалар қайси жавоб ва айнан нима сабабдан тўғрилигини тушуниши учун жавоблар бирмабир таҳлил қилиб чиқилади. Биринчи жавобда аҳолининг сони ўсиб боради, дейилган. Тўғри, аҳолининг сони ўсиб боради ва у эҳтиёжларни ҳам ўсишига олиб келади. Лекин бу етарли эмас. Эҳтиёжларнинг ўсишига фақат аҳоли миқдорининг ўсиши сабаб бўлганда асосан биринчи ҳаётий эҳтиёжмоддий эҳтиёжларгина ўсган бўлар эди. Биз биламизки, улар нисбатан секин ўсади.

Иккинчи жавоб ҳам қисман тўғри, қондирилган эҳтиёжнинг бир қисми маълум муддатдан сўнг яна қондирилишини талаб қилади. Масалан, кийимкечак, озиқовқат... Айрим эҳтиёжлар эса қондирилгач, қатор янги эҳтиёжларни келтириб чиқаради. Айниқса, фантехника тараққиёти янги ихтиролар янги эҳтиёжларни вужудга келтирадики, уларнинг чегараси йўқ. Масалан, автомобилни олайлик. Унга бўлган эҳтиёж қондирилгач, яна қатор янги эҳтиёжлар келиб чиқади. Кейинги жавобни ҳам кўшсак, фикр нисбатан тўлароқ бўлади. Лекин бунинг учун одамларда маиший маданият шаклланиб бўлиши керак. Маиший маданият юқори даражага кўтарилган сари одамлар ишлаб чиқарилган неъматлардан кенгроқ фойдаланадилар.

Демак, эҳтиёжлар чексизлигига санаб ўтилган барча жавоблар алоҳида, алоҳида жавоб бермас экан. Улар ҳаммаси биргаликдагина эҳтиёжларнинг чексизлиги сабабларини кўрсатиб беради. Бундай жавоб бор д. Демак, тўғри жавоб д.

Худди шу тарзда қолган саволларни ҳам талабалар билан муҳокама қилиб чиқилади. Ҳамда мусохабага яқун ясаб, эҳтиёжларнинг поёни йўқлигини, жамият тараққиёти билан у янада юксалиб боришини эътироф қилиб, бу жараён эҳтиёжларнинг юксалиб бориши умумиқтисодий қонунида ўз ифодасини топишини таъкидлаб ўтилади.

Бу саволни ўқитувчи бошқа методлар анъанавий услуб, реферат ёки илмий доклад муҳокамаси тарзида ўрганишни ташкил этиши мумкин:

Ўқитувчи учинчи саволга яқун ясар экан, ҳозирги муҳокама қилинган саволда иқтисодийнинг бош муаммоси пойдеворини ташкил қилган икки фундаментал фактнинг биринчиси кўриб чиқилгани, иккинчисининг муҳокамасига ўтилаётганини таъкидлаши керак. Бу **ресурсларнинг чекланганлиги**. Ресурслар чекланганлиги қарор қабул қилиш заруриятини кўндаланг қилиб қўяди. Ҳозир айнан, ана шу муаммони режа бўйича тўртинчи савол **«Ресурсларнинг чекланганлиги. Ишлаб чиқариш имконияти. Танлов ва муқобил қиймат. Қарор қабул қилиш»** ёрдамида пухта ўрганишга ҳаракат қилинади.

Бу марказий савол бўлиб, бирмунча мураккабдир. Шунинг учун уни учга бўлиб ўрганилади.

Биринчи қисми **«Ресурсларнинг чекланганлиги»**. Биринчи навбатда ресурсларнинг ўзи нима? Ресурслар таркибини ўрганилади. Бунинг учун аввалдан тайёрланган схемадан фойдаланилади (154бет).

Ресурслардан ишлаб чиқаришда фойдаланганимизда у маълум самара беради. Бу ҳолда натижалар ўз чегарасига эга эканлиги, шу чегарадан ортиқ ишлаб чиқара олмаслигимиз чегараси ҳисобланиб, ишлаб чиқариш **имконияти чегараси** деб аталади.

Талабаларга: айрим иқтисодчилар ахборот ва молиявий ресурсларни ишлаб чиқариш ресурслари таркибига киритишса, бошқалари бу нотўғри, дейишаётганини, «Сиз қайси бир фикрга қўшиласиз?» дея мурожаат қилиб, мунозарага чорлаш мумкин.

2схема

Кўргазмали материал



1мизни

мустаҳкамлаш учун масала, мисол ечиш ёрдамида ўрганилади. Бунинг учун куйидаги топшириқлар берилган тарқатма материаллардан фойдаланилади.

1тарқатиладиган материал

Ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғи 80 дона мини трактор ва 400 дона чигит экадиган мосламадан иборат.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг куйидаги комбинациялари мавжуд:

- | | |
|--------------------|----------------------------|
| 1. 80 мини трактор | 400 чигит экадиган мослама |
| 2. 60 мини трактор | 200 чигит экадиган мослама |
| 3. 80 мини трактор | 300 чигит экадиган мослама |
| 4. 35 мини трактор | 300 чигит экадиган мослама |
| 5. 40 мини трактор | 300 чигит экадиган мослама |
| 6. 70 мини трактор | 250 чигит экадиган мослама |

а) График чизинг ва унда ишлаб чиқариш комбинацияларини тасвирланг.

б) Самарали, самарасиз ва иложсиз вариантларини аниқланг.


Эслатма: мини тракторнинг муқобил қиймати ўсувчи.

Ўқитувчи гуруҳнинг салоҳиятига кўра, масалани ечиш учун вақт белгилайди. Талабалар топшириқни олгач, уни бажаришга киришадилар. Белгиланган вақт тугагач, ким тез, тўғри ечгани аниқланади ва баҳоланади.

Тўғри жавобни таққослашлари учун жавоб ёзилган тарқатма материал талабаларга берилади.

2тарқатиладиган материал

Жавоб:



Графикдан ўриниб турибдики, 2 ва 5 вариантларда мавжуд ресурслардан тўла фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқарилган, чунки маҳсулот ишлаб чиқариш комбинацияси имконият эгри чизиғи устида ётибди. Демак, улар энг самарали вариантлар ҳисобланади. Самарасиз вариант 4. Сабаби, ресурслардан тўла фойдаланилмаган, имконият даражасидан кам маҳсулот ишлаб чиқарилган. Шунинг учун бу комбинация имконият эгри чизиғи ичида жойлашган. 3 ва 6 вариантлар иложсиз вариантлар ҳисобланади. Сабаби, маҳсулот ишлаб чиқариш комбинацияларини ифодаловчи нуқта имконият эгри чизиғидан ташқарида жойлашади. Ресурс етмайди. Гуруҳдаги талабаларнинг иқтидорига қараб, бундан кўра мураккаброқ қуйидаги масалани бериш мумкин.


3тарқатиладиган материал

Мамлакатда А ва В турдаги товар ишлаб чиқарилади, дейлик. Уларнинг имконияти чегараси қуйидаги жадвал маълумотларида кўрсатилган.

Маҳсулот турлари	а	б	в	Г
А товар (дона)	0	1	2	3
В товар (дона)	12	10	6	0

1. Жадвал маълумотлари асосида графикда ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғини тасвирланг.
2. А товарнинг В товарда ифодаланган муқобил қийматини ҳисобланг.
3. В товарнинг А товардаги муқобил қиймати: ўсувчи, пасаювчи ёки доимийми? А товарнинг В товардаги муқобил қийматичи? кўрсатинг.
4. Агарда муқобил қиймат доимий бўлса, имконият эгри чизиғи қандай шаклда бўлади? Жадвал ва графикда тасвирланг.

Ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғи қуйидагича бўлади.



А товарнинг В товардаги муқобил қийматини қуйидагича ҳисоблаймиз:

а) Агар иқтисодиётда 12 бирлик В товар ишлаб чиқарсак 0 бирлик А товар ишлаб чиқарамиз.

б) А товарни 1 дона ишлаб чиқарсак, В товардан 2 та кам ишлаб чиқарамиз. **А нинг муқобил қиймати 2 бирлик В товар** ($12 - 10 = 2$). →

в) А товар ишлаб чиқаришни 1 дан 2 донага қўпайтиришимиз натижасида 4 бирлик В товарни кам ишлаб чиқаришимизга тўғри келди. Энди **А товарнинг муқобил қиймати** ($10 - 6 = 4$) **4 бирлик В товарга** тенг. →

г) А товарни 2 бирликдан 3 бирликка қўпайтирдик. Натижада 6 бирлик В товарни кам ишлаб чиқаришга тўғри келади. Бунда **А товарнинг муқобил қиймати 6 бирлик В товар** ($6 - 0 = 6$) →

3.Товарларнинг **муқобил қиймати доимий, ўсувчи ёки пасаяувчи** эканлигини аниқлаш учун уларни кетмакетликда таққослаймиз.


В товарнинг А товар ишлаб чиқариш эвазига йўқотилган муқобил қиймати ўсиб боровчи, чунки у 2 дан 4, 6 га ўсди.

А товарнинг В товарда ифодаланган муқобил қиймати эса пасаяувчи, чунки у 12, 10, 6, 0 га тенг.

4. Агарда **муқобил қиймат доимий** бўлса А товар ишлаб чиқаришни камайиши ёки қўпайиши, В товарнинг **тенг миқдорда қўпайиши ёки камайишида** ифодалангани.

Уни жадвал ёки графикда тасвирласак, қуйидагича бўлади:

Маҳсулот турлари	а	б	в	г	д	е	ё
А товар (дона)	0	1	2	3	4	5	6
В товар (дона)	12	10	8	6	4	2	0




Демак, муқобил қиймат доимий бўлса имконият эгри чизиғи тўғри чизик шаклида бўлади.

Агарда гуруҳ талабаларининг билими пастроқ бўлса қуйидаги топшириқни бериш мумкин.


5тарқатиладиган материал

Жамият доимо жорий истеъмол учун ҳамда келажак учун товарлар, бошқача айтганимизда, истеъмол моллари ва инвестицион товарлар (ишлаб чиқариш воситалари) ишлаб чиқариш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, маориф, таълим, профилактик тиббиёт (касалликларни олдини олиш учун чора тадбирлар)га қандай миқдорда ресурслар сарфлашни танлайди.

А,В,С,Д мамлакатлар учун 1995 йили **а) расм** ва 2005 йили **б) расм**да ишлаб чиқариш имкониятлари кўрсатилган.



а) расм



б) расм

Ҳар икки расмдаги имкониятлар эгри чизиғини таққосланг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Нима сабабдан ҳар бир мамлакат имконият эгри чизиғи (а расм), 2000 йили б) расмдаги даражага кўтарилди?
2. Нима сабабдан С ва D мамлакатларда А ва В мамлакатларига қараганда имконият эгри чизиғи юқори?
3. 2005 йилда жорий истеъмол бу мамлакатларда қандай ўзгарган?

6тарқатиладиган материал

Жавоб:

1. Ҳамма мамлакатларда ишлаб чиқариш эгри чизиғи фантехника тараққиёти натижасида ўнгга силжиган. Чунки фантехника тараққиёти ишлаб чиқариш имкониятини кенгайтиради.
2. С ва D мамлакатларда ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғи юқори. Сабаби, бу мамлакатларда 1995 йили инвестицион товарлар миқдори улуши юқори бўлган.
3. 2005 йили барча мамлакатларда 1995 йилги нисбатан жорий истеъмол ўсган. Лекин С, D мамлакатларда А, В мамлакатларга нисбатан юқори. Сабаби, бу мамлакатларда дастлаб келажак учун товарлар кўпроқ, ишлаб чиқарилган. Бу ўз навбатида ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғини юқори бўлишига, жумладан, жорий истеъмолни ҳам А, В мамлакатларга нисбатан С, D мамлакатларда юқори бўлишига олиб келади.

Саволнинг учинчи қисми. «Танлов ва муқобил қиймат. Қарор қабул қилиш». Талабалар билан уни муҳокама қилиш учун аввало, қандай қилиб танлаш амалга оширилишини, тушуниб олиш керак. Шунинг учун талабаларга «Қарор қабул қилишнинг

қадамбақадам модели» ва «Қарор қабул қилиш сеткаси» намоиш қилинади ва тарқатилади.

1кўргазмали ва тарқатиладиган материал

Қарор қабул қилишнинг қадам – бақадам модели:

1. Муаммони аниқлаш. Энг аввало муаммо (эришиш лозим бўлган натижа)ни ажратиш, айти шу вақт, шу вазият учун қайси муаммо энг асосий ҳисобланади, аниқлаб олиш зарур.

2. Муқобил вариантларни аниқлаб чиқиш (белгиланган натижага эришишнинг турли усуллари аниқлаш). Масалан: аукцион, мусобақа, навбатда туриш, бошлиқнинг қарори, конкурс ва ҳоказолар.

3. Мезонларни белгилаш (ҳар бир муқобил вариантларни баҳолаш мезонларини аниқлайдиган стандартларни белгилаш). Масалан: ҳаммага тенг имконият, наф, энг юқори нарх, мукофот, кадрқиммат, омад ва х. к.

4. Муқобил вариантларни баҳолаш (ҳар бир мезон, ҳар бир муқобил вариант учун қўлланилади).

5. Қарор қабул қилиш (турли вариантлар мезонлари бўйича бошқалари билан таққосланади ва улардан энг яхшиси танланади).

2кўргазмали ва тарқатиладиган материал

Қарор қабул қилиш сеткаси

Муқобил вариантлар	Мезонлар			

Қарор қабул қилишнинг қадамбақадам модели ёрдамида қандай қарор қабул қилишни ўрганамиз. Ана шу модел асосида қарор қабул қилиш сеткасини чизамиз. Аввал танлов мезонлари ишлаб чиқилиб, сўнгра диққат ана шу мезонларга жавоб берадиган танлов объекти вариантларига қаратилади. Масалан: тадбиркор бозорни ўрганиб, пайпоқ тўқийдиган кичик цех қуришга қарор қилди. Айтайлик, цех қуриш учун жой танлаш керак. Аукционда 10 дан ортиқ участкалар қўйилган бўлиб, улар шаҳарнинг турли ҳудудларида жойлашган. Бунда тадбиркор ана шу ер участкаларини ўзи белгилаган танлов мезонлари асосида таққослайди ва қарор қабул қилади.

Агарда танланадиган объект ягона ёки уни олиш учун талабгорларга қараганда таклиф жуда оз бўлса, у ҳолда диққат танлашнинг муқобил вариантларига қаратилади. Масалан, китоб битта, уни ўқишни хоҳлаганлар жуда кўп, китобни хоҳловчилар ўртасида қандай тақсимлаш мумкин? Бунда танловнинг муқобил вариантларини ишлаб чиқишга аҳамият берамиз. Масалан конкурс, аукцион, мулк эгасининг хоҳиши ва ҳоказолар.

Танлаш ва қарор қабул қилиш жараёнлари бирбири билан чамбарчас боғлангани учун уларнинг ҳаммасини осонгина тушуниш имконини берадиган моделлаштирувчи ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

Қуйидаги моделлаштирувчи ўйинлардан қайси бири ўқитувчи учун мақбул кўринса, шуни танлаши мумкин. Маърузада қўлланилган ўйинни семинар дарсида қўлламаган маъқул.

Ресурслар чекланганлиги танлаш ва қарор қабул қилиш заруратини юзага келтиради.

1. «Кўрпангга қараб оёқ узат» моделлаштирувчи ўйини. Бу ўйинда талабалар кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга шартли «пулига яраша» ўқитувчининг столи устидаги газетажурналлардан танлаб олиш таклиф қилинади.

Ҳар бир гуруҳ танлаб бўлгач, талабаларга танловнинг кадамбақадам модели ҳамда танлов мезонлари сеткаси материаллари тарқатилади.

Ўқитувчи қарор қабул қилиш сеткасига муқобил вариантларни (бизнинг ўйинимизда газета журналларнинг номларини) талабалар томонидан зарурлигига қараб ёзиб чиқишни, қайси хусусиятларига кўра газетажурналларни танлаш мумкинлигига қараб, мезонларини белгилаш кераклигини кўрсатади.

Бунинг учун 10 дақиқа вақт берилади. Айтайлик, сеткани бир кичик гуруҳ куйидагича тўлдирган бўлсин:

Қарор қабул қилиш сеткаси

Муқобил вариантлар	Мезонлар				Семинарга тайёрланиш учун мақола
	Қизиқарли ҳикоя	Фельетон (камчиликлар очиб ташланган)	Кроссворд, бошқа ўйинлар	Маслаҳатлар	
1.Саодат	+		+	+	
2.Санам	+		+	+	
3.Бозор, пулкредит		+	+	+	+
4.Халқ сўзи		+			
5.Даракчи	+		+	+	
6.Хуррият			+	+	

Ҳамма кичик гуруҳ сеткани тўлдириб бўлгач, ҳар бир кичик гуруҳдан бир талаба, нима сабабдан гуруҳ айнан шу газета ёки журнални танлаганлиги сабабини тушунтириб беради.

Гуруҳ «Бозор, пул, кредит» журналинини танлабди. Сабаби, семинар мавзуси бўйича илмий мақола чоп қилинибди. Имкон бўлганда гуруҳ «Даракчи» газетасини ҳам сотиб олган бўларди. Чунки унда қизиқарли мақола ва маслаҳатлар берилган. Бунда «Даракчи» газетаси «Бозор, пул, кредит» журналининг муқобил қиймати бўлади. У гуруҳ танлаб олган журналдан кейин газетажурналлар ичида энг юқори наф келтиради деб баҳоляпти. У ўзининг зарурлиги жиҳатидан «Бозор, пул, кредит» журналидан сўнг туради. Айтайлик, ҳамма гуруҳ учун «Бозор, пул, кредит» журнали керак. Лекин журнал битта. Уни олишни хоҳлаганлар ўртасида қандай тақсимлаш мумкин? Яна қайтадан турли вариантлар ва қарор қабул қилиш мезонларини аниқлаб чиқамиз. Энди вариантлар ҳам, мезонлар ҳам бошқача бўлади. Янги сетка чизамиз. Ҳар бир кичик гуруҳ вакили гуруҳ муқобил вариантларидан нимани танлагани, унинг сабабини кўрсатади.

Муқобил вариантлар	Мезонлар			
	ҳаммага тенг имконият	энг юқори нарх	мукофот	ва ҳоказо
Мусобақа				
Аукцион				
Ўқитувчи қарорига мувофиқ				
Лотерея ва бошқалар				

Ўқитувчи жавобларни эшитиб, ўйинни якунлар экан, талабаларнинг иштирокини баҳолайди. Агарда талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш, бундай тарзда моделлаштирувчи ўйин ўтказиш нисбатан кўп вақт талаб этса, ғалағовур кўпайиб кетса, ўйинни бошқача тарзда ўтказиш мумкин.

Бунда ўқитувчи бир неча китоб, газета, журналларни стол устига қўйиб, талабалар ичидан ихтиёрий равишда ўйинда қатнашишни хоҳлаган талабани танлайди. Унга бор пули миқдори

да улар ичидан бирини танлашни таклиф қилади. Айтайлик, Нигора «Саодат» журналини танлади. Агарда пули етганда «Даракчи» газетасини ҳам олган бўларди.

Демак, Нигора учун «Саодат» журналининг муқобил қиймати «Даракчи» газетаси. Бунда ўқитувчи аудиторияга «Саодат» журналининг муқобил қиймати нима? Нима сабабдан «Даракчи» газетаси журналнинг муқобил қиймати бўлади? деган савол билан мурожаат қилиши мумкин.

Нигора нима сабабдан «Даракчи» газетасини олмай, «Саодат» журналини танлаганининг сабабини айтиб бериши керак.

Бунинг учун аудитория билан биргаликда доскага ёки проектор бўлса слайдга қарор қабул қилиш сеткаси чизилади.

Сеткада муқобил вариантлар, яъни газета, китоб, журналларнинг номлари кўрсатилади. Танлаш мезонларига нима сабабдан, қайси хусусиятига кўра танланиши кўрсатилади.

Кейинги раундда эса аввалги кичик гуруҳлар билан ўтказилган моделлаштирувчи ўйинимиздагидек, бутун гуруҳ учун битта китоб ёки журнал қолдириб, уни талабалар ўртасида қандай тақсимлаш мумкинлигини муҳокама қиламиз.

Ҳар бир талаба қарор қабул қилиш сеткасини тўлдириши мумкин. Ўқитувчи талабалар уни қандай тўлдиришганини кўриб чиқиб, 34 талабадан қандай қарорга келганини гапириб беришни таклиф қилади.

Агар гуруҳда ҳиссиётга бериладиган талабалар кўп бўлиб, моделлаштирувчи ўйин ўтказганда аудиторияда ғалағовур кучайиб кетадиган бўлса, қуйидаги топшириқни бериш мумкин.

Айтайлик, ХП90, 96 гуруҳи талабалари янги йил балини ўтказишга қарор қилди. Харажатлар учун эса ўртада 120 минг сўм пул йиғилди. Гуруҳ шу пулдан кам харажат қилиши мумкин, лекин ортиқ эмас. Гуруҳ тадбирни қўнгилли ўтказиш учун:

- 1) бирор бадий гуруҳни таклиф қилиши;
- 2) бирор хонани ижарага олиши;
- 3) хонани байрам руҳида ясатиши,
- 4) алкогольсиз ичимликлар, тамадди қилиш учун енгил овқат, ширинликлар олиши

мўлжалланмоқда.

Талабалар томонидан сайланган масъул кенгаш қуйидаги ахборотларни эълон қилди:

Тадбирни ўтказиш учун таклиф қилиш мумкин бўлган бадий гуруҳлар:

1. «Райхон» гуруҳи – оддий, арзон, баланд товушли мусиқа, 10000 сўм;
2. «Ҳисобчи» гуруҳи ҳозирги замон қўшиқлари ва мусиқа 15000 сўм;
3. «Тошкент» гуруҳи эстрадининг поп йўналишида 20000 сўм;
4. «Анор» гуруҳи – 22000 сўм;
5. Классик ва эстрада қўшиқларини ижро этувчи гуруҳ 26000 сўм.

Тадбирни ўтказиш учун хона:

1. Факультетнинг спорт зали 2000 сўм;
2. Иқтисодчилар клуби 5000 сўм;
3. Маданият саройи 5500 сўм;
4. «Гулистон» хусусий ошхонаси 5700 сўм;
5. «Интернет» клуби 5800 сўм.

Енгил тамадди қилиш учун яхна овқат, салат, ширинликлар, минерал сувлар.

1. Талабаларнинг ўзлари бутерброд, печенье, торт тайёрлашлари, залга безаклар ясашлари 20000 сўм.
2. Тайёр бутерброд, турли сувлар ва оддий безаклар сотиб олиб келиш 25000 сўм.
3. Тайёр бутерброд, печенье, торт, оддий безаклар сотиб олиб келиш 30000 сўм.
4. Тайёр бутерброд, печенье, торт, турли сувлар, чиройли безаклар сотиб олиб келиш 60000 сўм.

Ўқитувчининг вазифаси талабаларнинг юкорида санаб ўтилган санъаткорлар гуруҳларидан қайси бирини чақиришларини, зални қаердан ижарага олишларини, овқатлар, ичимликлар ва безаклар олишлари учун қарор қабул қилиш сеткасини тўлдиришларини назорат қилиш.

Ҳар бир талаба ёки кичик гуруҳ нима сабабдан айнан танлагн тадбири унинг учун энг маъқул эканлиги сабабини изоҳлаб бериши керак. Бу топшириқ бажарилгач, ўқитувчи аудиторияга қуйидаги саволни ташлайди. «Сизнинг оилангиз ҳам танлаш билан боғлиқ вазиятга дуч келадими? У нимаси билан ўхшаш, қайси томонлари билан фарқ қилади?»

Ёки муқобил қиймат, танлашни тушунтиришни энг оддий, осон йўлидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун аудиторияга ўқитувчи муҳокама қилинаётган мавзуга тааллуқли савол ташлайди.

Айтайлик, нима сабабдан эҳтиёжлар чексиз? Ким биринчи бўлиб жавоб берса мукофот: қалам, ўчирғич, ручка. Жавоб берган талаба шулардан бирини танлаши керак.

Талаба албатта буюмлардан ўзи учун керакли деб ҳисоблаганини олади. Айтайлик, у ручкани олсин. Ўқитувчи ундан нима сабабдан ручкани олганини сўрайди, Талаба ручкаси йўқлиги учун олган бўлсин. У ҳолда ўқитувчи ручкаси бўлганда нимани олиши мумкинлигини сўрайди. У қалам деб жавоб берсин. Демак, талаба учун ручканинг муқобил қиймати қалам бўлаяпти. Чунки, у ручкадан кейин қаламни энг кўп наф келтирадиган нарса сифатида баҳолаяпти.

Унинг учун танлаш ва қарор қабул қилиш мезонида асосий зарурат турибди. Бошқа талаба учун эса тамомила бошқача бўлиши мумкин. Буни иккинчи талабага савол бериб, аниқлаш мумкин.

Семинар дарсининг талабаларда билим, иқтидор, нутқ сўзлаш, бошқалар фикрига танқидий қарашни шакллантирадиган услубларидан мунозарадир. Бундай усул билан дарс ўтиш ўқитувчидан катта тайёргарликва, маҳоратни талаб қилади. Танлаш ва қарор қабул қилиш муаммоси бу борада кенг мунозара майдони ҳосил қилишга имкон беради. Чунки ҳар бир талабанинг вариантларни баҳолаш мезони иккинчисиникидан фарқ қилади.

Навбатдаги савол **«Иқтисодиётнинг бош муаммоси»** бўлиб, бу савол мазкур мавзунинг асосини ташкил этади. Ресурслар чекланганлиги ўз навбатида имкониятлар, товар ва хизматлар, даромадлар чекланганлигига олиб келади. Бу эса ҳар бир фаолиятда танлаш заруратини тақозо қилади.

Бирор қарорга келиш учун, дейлик, ҳар ким ўз имконияти, даромадлари ва вақтига қарайди. Аслида бутун жамият олдида ҳам шу муаммо туради. Ҳар доим имкониятдан бирини танлар эканмиз, иккинчиси амалга ошишидан маҳрум бўламиз. Танлаганда эса хаёлан уларни бир–бирига таққослаймиз. Биз учун нисбатан энг юқори нафликни танлаймиз.

Ҳозирги пайтда жуда кўп иқтисодчилар: **«ресурслар чекланганлиги»**, **«танлов»**, **«муқобил (альтернатив) қиймат»**ни иқтисодиёт назарияси таянадиган учта катта кит тарзида тасвирлашади. Бу бежиз эмас, чунки иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси шунини талаб қилади.

Саволни муҳокама қилиш жараёнида нима сабабдан ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммоси иқтисодиётнинг бош муаммоси эканлигини талабалар тушуниб етиши зарур.

У барча муаммоларни қандай қамраб олишини мисоллар билан кўрсатиш керак. Сўзга чиққан талаба бу ҳақда тўхтамаса, ўқитувчи унга қўшимча саволлар билан мурожат қилади.

Саволни суҳбат ёки саволжавоб усули билан муҳокама қилиш мумкин. Бунда талабалар диққатини аввалги муҳокама қилинган саволларга қаратиб, улар асосида хулоса чиқариш зарур.

Саволлар:

1. Нима ишлаб чиқариш, яъни қандай товарлар ишлаб чиқариш ва хизматларни йўлга қўйиш керакки, у жамият эҳтиёжларини имкониятнинг энг юқори даражасида қондирсин?

2. Қанча ишлаб чиқариш, яъни тасарруфдаги ресурсларни қанчасини ишлаб чиқаришга жалб қилиш ҳамда қанча ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш керак?

3. Маҳсулотни қандай ишлаб чиқариш керак? Ишлаб чиқаришни қандай тарзда ташкил этган, қандай технологиядан фойдаланган маъкул?

4. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни ким олади? У истеъмолчилар ўртасида қандай тақсимланиши керак?

5. Тизим юз берадиган ўзгаришларга мосланишга лаёқатлими? У истеъмолчилар талаби, ресурслар таклифи, шунингдек, технологиянинг ўзгаришига мослаша оладими?

Булар иқтисодий фаолиятнинг беш фундаментал масаласи бўлиб, улар иқтисодиётнинг бош муаммосидан келиб чиқади. Ҳар бири танловни ва қарор қабул қилишни талаб этади. Микромиқёсда унинг ечими ҳар бир оила, корхона, фирма, ташкилот қарорига боғлиқ бўлса, жамият миқёсида эса давлат давлат қарорига боғлиқдир.

Саволни муҳокама қилиш жараёнида талабалар диққатини келажакдаги тараққиёт ана шу танлов ва қабул қилинган қарорларга боғлиқ бўлишига, у иқтисодиётнинг регрессив, доиравий, прогрессив тарзда ривожланишга олиб келишига диққатни тортиш зарур.

Дарсга яқун яшаш. Ўқитувчи дарсни яқунлар экан, талабаларга «Кимда қандай савол бор?» дея мурожаат қилади. Талабаларнинг саволи бўлса, ўқитувчи жавоб беради. Сўнгра гуруҳнинг семинар дарсига тайёргарлигини баҳолайди ҳамда энг фаол қатнашганларни алоҳида кўрсатиб, улар тўплаган баллни эълон қилади.

Келгуси семинар дарси «Иқтисодий фаолият ва ишлаб чиқариш» мавзуси бўйича бўлиши, дарсга «Семинар машғулотларининг режаси» бўйича тайёрланиб келиш топширилади. Бундан ташқари ўтилган дарсни, ўрганилган категорияларни янада яхшироқ эслаб қолиш учун тарқатиладиган материал орқали қуйидаги топширик талабаларга уй вазифаси қилиб берилди. Топширикни кичик гуруҳлар биргаликда бажариши тавсия қилинади.

7 тарқатиладиган материал

Республикамиздаги 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқариш имкониятлари турлича. Сиз тадбиркор сифатида болалар кийим-кечаги тикадиган кичик корхона қурмоқчисиз. Уни қайси вилоятга ёки туманга қурган бўлар эдингиз? Сабабини изоҳланг.

Танлов мезонлари: иш ҳақи, юқори малакали кадрлар борйўқлиги, ишчилар малакаси, транспорт, алоқа, аҳолининг таркибидаги болаларнинг ҳиссаси, бозор ҳажми, болалар кийимкечакларининг нархи ва бошқалар.

Республика бўйича реал маълумотлардан фойдаланишга ҳаракат қилинг.

А) топширикни ҳар бир кичик гуруҳ (45 талаба) алоҳида бажаради.

Б) ҳар бир кичик ўз танлови ва қабул қилган қарорини асослаб беради.

В) жавоб ёзма бўлиши керак.

Ўқитувчи келгуси дарсда жавобларни йиғиб олади ва текшириб чиқиб, талабалар ишини баҳолайди.

Умуман олганда семинар дарси турли услублар асосида олиб борилар экан, у кизиқарли бўлиб, барча талабаларни фаол қатнашишга, демак дарсга кунт билан тайёрланиб келишга ундайди.

3§. Семинар дарсини технологик ёндашув асосида ташкил этиш

Семинар дарсини турли методларни қўллаб ташкил этишни кўриб чикдик. Дарсини технологик ёндашув асосида ташкил этиш бу жиҳатдан бир мунча фарқ қилади. Унда семинар дарси ўтишнинг технологик харитаси тайёрланиб, барча саволлар муҳокамаси қандай тартибда олиб борилиши режалаштирилади. Ўқитувчи ва талабаларнинг қанадай вазибаларни бажариши кўрсатилади. Дарсининг мақсади, ўқув фаолиятининг натижаси белгиланади. Ўқитишнинг методлари ва ўрганиш техникаси, ўқитиш воситалари аниқланади. Мазкур дарсини ўтгунгача талабалар билиши лозим бўлган билим ва малакалар кўрсатилади. Ҳар бир саволнинг муҳокамаси қандай тартибда ўтилиши, қандай топшириқлар берилиши кўрсатилади.

Технологик ёндашув асосида семинар дарсига тайёргарлик кўриш ва ўтказишни, технологик харита ишлаб чиқишни «Иқтисодий ресурслар ва жамият эҳтиёжлари» мавзусида семинар дарси ўтиш мисолида кўриб чиқамиз.

«ИҚТИСОДИЙ РЕСУРСЛАР ВА ЖАМИЯТ ЭҲТИЁЖЛАРИ» мавзусида семинар дарси ўтиш технологияси

Факультет, кафедра, дарс ўтиладиган курс	Ўқув предмети	Мавзунинг ўқув дастуридаги тартиб рақами ва ажратилган соат
Бошқарув факультети, бакалаврият, 1 курс	«Иқтисодиёт назарияси»	№ 2, 2 соат
Сана: сентябрь	Ўқув гуруҳи, талабалар сони: БК81, (2025)	Ўқитувчи
Ўтиладиган дарс мавзуси:	«Иқтисодий ресурслар ва жамият эҳтиёжлари»	
Семинар режаси:	1. Эҳтиёжларнинг мазмуни. Эҳтиёжларнинг таркиби. Индивидуал, гуруҳий ва умумжамият эҳтиёжлари. 2. Ўзбекистонда эҳтиёжларнинг хусусиятлари. 3. Эҳтиёжларнинг чексизлиги. Эҳтиёжларнинг юксалиши қонуни. 4. Ресурсларнинг чекланганлиги. Ишлаб чиқариш имконияти. 5. Танлов ва муқобил қиймат. Муқобил танлов ва қарор қабул қилиш. 6. Иқтисодиётнинг бош муаммоси. 7. Эҳтиёжларни қондирилиш даражаси.	
Асосий тушунча ва терминлар	Эҳтиёж, эҳтиёжларнинг юксалиб бориши иқтисодий қонуни, иқтисодий ресурслар, танловнинг муқобил қиймати, ишлаб чиқариш имконияти чегараси, ресурслар чекланганлиги, иқтисодиётнинг бош муаммоси	
Адабиётлар рўйхати	1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995. 2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли.	

	<p>Т.: «Ўзбекистон», 1992.</p> <p>3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун хар биримиз масъулмиз. Т.: «Ўзбекистон», 9том, 2001.</p> <p>4. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. // Халқ сўзи, 20февраль, 2003й.</p> <p>5.Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. // Ўзбекистон овози, 17февраль, 2005й.</p> <p>6.Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005</p> <p>7. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // Халқ сўзи, 2006 йил, 11 февраль</p> <p>8.Макконнелл К., Брю С. Экономикс, гл. 2. М.: «ИнфраМ», 1999.</p> <p>9. «Маънавият, илму фан ва иқтисодий билим ёшлар тарбиясига хизмат қилсин» мавзусидаги республика илмийамалий конференцияси материаллари, 2004 йил 25 ноябрь, Тошкент, 2004</p> <p>10. Тезисы и доклады международной научнопрактической конференции на тему: «Социальноэкономические проблемы переходной экономики» (Опыт, обобщения, закономерности). СанктПетербург: 2005</p> <p>11. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма, Т.: «Ўқитувчи», 2002.</p> <p>12. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика, ч.І, гл.1, М.: «Дело», 1999.</p> <p>13. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т.Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма, Т.: «Молия», 2002.</p> <p>14. Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений (Колл. авт.). Т.: «Шарк», 1999.</p> <p>15. Экономическая теория. Учебник. Под ред. Николаевой И.Н, М.: «Прспект», 1998.</p> <p>16. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси, Тошкент: Мехнат, 1995.</p> <p>17. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик.Тошкент: «Шарк», 2006.</p> <p>18.Ўзбекистон иқтисодиёти, Узбекистан в цифрах. Статистический сборник, Т.: 2005.</p>
Дарсинг мақсади:	<p>1. Эҳтиёжлар мазмуни ва уларнинг таркибига турли жиҳатдан ёндашиш ва нима сабабдан турли гуруҳларга бўлишни тушуниш;</p> <p>2. Эҳтиёжларнинг шаклланишида ахборотнинг ролини англаш.</p> <p>3. Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши, ресурсларнинг эса чекланганлиги мазмунини англаш.</p> <p>4. Ресурсларни чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммоси иқтисодиётнинг бош муаммоси эканлигини тушуниб етиш.</p> <p>5.Танлов ва қарор қабул қилиш муаммоси, қарор қабул қилишнинг муқобил вариантлари ва мезонларини ишлаб чиқишни ўрганиш.</p>

	<p>6.Қарор қабул қилиш учун ахборотнинг аҳамияти нақадар катта эканлигини англаш.</p> <p>7. Эҳтиёжларни қондирилишини ифодалайдиган иқтисодий кўрсаткичларни билиш.</p> <p>8. Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш.</p>
Ўқитувчининг вазифалари:	<p>Мотивацион вазифаси: мазкур мавзу бўйича чуқур маънога эга саволларни қўйиб, талабаларни фаннинг кейинги мавзуларини ва бошқа иқтисодий фанларни ҳам ўрганишга қизиқтириш.</p> <p>Ўргатувчилик вазифаси: мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни билан таништириш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини очиб бериш.</p> <p>Ривожлантирувчи вазифаси: мантикий, таҳлилий фикрлашни шакллантириш.</p>
Ўқув фаолиятининг натижаси	<p>Талаба: 1. Социалиқтисодий эҳтиёжлар ва унинг таркибига турли жиҳатдан ёндашиб, мазмунини тушунтириб бериши; 2.Эҳтиёжларнинг чексизлиги сабабларини аниқлаб, эҳтиёжлар юксалиши қонуни мазмунини айтиб бериши;3. Ишлаб чиқариш имконияти трансформацияси эгри чизиғи, танловнинг муқобил қиймати мазмунини билиши керак. 4. Эҳтиёжларнинг шаклланиши ва қарор қабул қилишда ахборотнинг роли нақадар катта эканлигини кўрсата олиши зарур. 5. Иқтисодиётнинг бош муаммоси ва нима сабабдан уни бош муаммо деб аталишини билиши зарур. 6. Эҳтиёжларнинг қондирилиши қандай кўрсаткичлар орқали аниқланишини тушунтириб бера олиши керак.</p>
Ўқитишнинг методи ва ўрганиш техникаси	<p>Кўргазмали қуроллардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш, моделлаштирувчи ўйин, кичик гуруҳларга бўлиниб, ҳамкорликда ишлаш, саволжавоб, тестлар, масаламашқлар ечиш.</p>
Ўқитиш воситалари	<p>Доска, кодоскоп, слайдлар, дафтар, китоб, газета, журналлар, ёзув қоғозлари, ручка, қалам.</p>
Ўқитиш шароити	<p>Типик аудитория</p>
Мазкур дарсни ўтгунгача талабалар билиши лозим бўлган билим ва малакалар:	<p>Иқтисодий қарашларнинг вужудга келиши тушунчаси, «Иқтисодиёт назарияси» фани нимани, қандай методлар ёрдамида ўрганиши, иқтисодий қонунлар, категориялар, эҳтиёжлар мазмуни.</p>

«ИҚТИСОДИЙ РЕСУРСЛАР ВА ЖАМИЯТ ЭҲТИЁЖЛАРИ» мавзусида семинар дарсининг технологик харитаси

Технологик босқич, вақт	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
Мавзу бўйича дарс ўтишга тайёрланиш	Талабаларни ахборот, дарс жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган топшириқлар билан таъминлаш мақсадида: мунозара учун саволлар тайёрлайди; мини тест саволлари, масаламашқлар тузади ёки кафедра томонидан тузилган бўлса, мавзу бўйича танлаб, дарс ўтишга тайёрлайди; мавзу бўйича кўргазмали ва тарқатма материаллар тайёрлайди, дарс ўтиш методларини танлайди. Дарс ўтишнинг технологик харитасини тайёрлайди.	Семинарга тайёрланишади.
1 – босқич Кириш: аввалги мавзу билан боғлаш. Мавзунинг ўрганишни мотивацияси 58 дақиқа	1.1.Аввалги дарсда ўтилган иқтисодий қонунлар ва категорияларнинг мазмунини қисқача (блиц)сўров методини қўллаб эсга солинади. 1.2.Янги мавзунинг эъло қилади, уни ўтган мавзу билан боғлайди. 1.3.Мавзунинг мақсади, дарснинг натижаси ва уни ўтказиш режасини эълон қилади. 1.4. Тестлар, масаламашқларнинг вазифаси, уларни талабалар билимининг чуқурлаштиришга таъсирини кўрсатиб беради.	Оғзаки жавоб беришади. Асосий тушунчаларнинг мазмунини айтишади. Эшитадилар.
II Асосий босқич. Талабаларни билим олишда фаоллаштириш. Семинар дарсининг биринчи саволи муҳокамаси. Индивидуал ишлаш 1012 дақиқа	1.1.Талабаларга: инсон яшаши учун нималар керак? Нега эҳтиёжларга турли жиҳатдан ёндашиб, уларни турли гуруҳларга бўламыз? Бунга қандай эҳтиёж бор деб ўйлайсиз? деган саволлар билан муурожаат қилинади. «Мунозара» методи қўлланилади. Муҳокамани яқунлайди.	1.1. Эшитадилар, жавоб берадилар, муҳокама қиладилар

<p>Семинарнинг иккинчи саволи муҳокамаси. Индивидуал ва гуруҳ билан ишлаш 1012 дақиқа</p> <p>Учинчи савол муҳокамаси. Индивидуал ишлаш 810 дақиқа</p> <p>Тўртинчи савол муҳокамаси. Кичик гуруҳларда ишлаш 1012 дақиқа</p>	<p>2.1. Ўзбекистонда фуқароларнинг эҳтиёжлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари борми? Сизнингча, бунга қандай омиллар таъсир кўрсатади? «Ақлий ҳужум» методи қўлланилади.</p> <p>2.2. Кичик гуруҳларда айtilган фикрларни саралаб, баҳо бериш амалга оширилади. Муҳокамани яқунлайди.</p> <p>3.1. Савол бўйича тузилган тест ва жавоб жадвали тарқатилади.</p> <p>3.2. Тест жавобларини йиғиштириб олинади</p> <p>3.3. Тест жавобларининг муҳокамасини уюштиради. Муҳокамани яқунлайди.</p> <p>4.1. Кичик гуруҳларга масала ва машқлар тарқатилади.</p> <p>4.2. Ҳар бир кичик гуруҳ топшириқларни ечиши ва жавобини тақдим этишини назорат қилади.</p> <p>4.3. Топшириқларнинг жавоби тарқатилади.</p>	<p>2.1. Аввал индивидуал тарзда, сўнгра кичик гуруҳлар муҳокама қилиб жавоб берадилар</p> <p>3.1. Талабалар жадвални тўлдиришади. Тест жавобларини муҳокама қилишади.</p> <p>4.1. Масаламашқларни ечишади.</p> <p>4.2. Уларни жавоби билан солиштиришади.</p>
<p>Семинарнинг бешинчи саволи муҳокамаси. Кичик гуруҳларда ишлаш 1015 дақиқа</p> <p>Олтинчи савол муҳокамаси. Кичик гуруҳларда ишлаш. 810 дақиқа</p>	<p>5.1. «Қарор қабул қилишнинг кадамбакадам модели», «Қарор қабул қилиш сеткаси» тарқатма материалларини кичик гуруҳларга беради.</p> <p>5.2. Кичик гуруҳлар томонидан чекланган ресурс (китоб, журнал)ларни танлашни ташкил қилади.</p> <p>5.3. Қарор қабул қилиш сеткасини тўлдиришни ва кичик гуруҳлар тақдимотини ташкил қилади.</p> <p>Иқтиб.</p> <p>Иқтисодиётнинг бош муаммоси нималардан иборат бўлиши мумкин? Нима сабабдан уни бош муаммо деймиз» деган савол кўяди.</p> <p>6.2. Кичик гуруҳларда муҳокамани ташкил қилади.</p> <p>6.3. Муҳокамани яқунлайди.</p> <p>7.1. Айрим эҳтиёжларни қондириш даражаси кўрсатилган статистик</p>	<p>5.1. Тарқатма материал билан танишадилар.</p> <p>5.2. Кичик гуруҳлар танлайдилар.</p> <p>5.3. Қарор қабул қилиш сеткасини тўлдирадилар.</p> <p>5.4. Нима сабабдан танлаганларини, танлов мезонлари қандай ва нима сабабдан ўзгаришини изоҳлайдилар.</p> <p>6.1. Кичик гуруҳлар муҳокама қиладилар.</p> <p>6.2. Ўз фикрларини билдирадилар</p>

<p>Еттинчи савол муҳокамаси Кичик гуруҳларда ишлаш 810 дақиқа</p>	<p>маълумотлар тарқатилади. 7.2. Эҳтиёжларнинг қондирилиш даражасини яна қандай иқтисодий кўрсаткичлар орқали ифодалаш мумкинлиги муҳокамасини ташкил қилади.</p>	<p>7.1. Статистик маълумотлар билан танишадилар. 7.2. Кичик гуруҳларда муҳокама қилинади. 7.3. Ҳар бир кичик гуруҳ вакили гуруҳ фикрини билдиради.</p>
<p>III. Яқуний босқич 58 дақиқа</p>	<p>3.1. Талабаларга ҳар бир кичик гуруҳнинг дарсида фаол қатнашишини баҳолашни таклиф қилади: биринчи ўрин – 1 балл; иккинчи ўрин – 0,8 балл; учинчи ўрин 0,7 балл; тўртинчи ўрин 0,6 балл; бешинчи ўрин – 0,5 балл.</p> <p>3.2. Дарсга яқун ясайди. Талабалар диққатини асосий масалага қаратади, семинар дарсига тайёрланишда нималарга эътибор қаратилиши лозимлиги ҳақида, тушунмай қолган саволларни ўқув адабиётларидан ўқиш ҳақида кўрсатма беради</p>	<p>3.1. Кичик гуруҳларни топширикни бажариш бўйича бажарган ишлари ва билдирган фикрлари асосида қўйилган баллар эълон қилинади.</p>

Семинар дарси ўтишга иловалар:

Илова 1(3.1.)

Тестлар

1. Эҳтиёжлар чексизлигининг сабаблари:
 - а) аҳоли сонининг ўсиб бориши;
 - б) қондирилган эҳтиёж янги эҳтиёжни вужудга келтириши;
 - в) фантехника тараққиёти аҳолининг янги янги эҳтиёжларини вужудга келтириши;
 - г) ишлаб чиқаришнинг маиший маданиятни шакллантириши.
 - д) юқоридаги барча жавоблар тўғри;

2. Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши қонуни:
 - а) эҳтиёжларнинг миқдор жиҳатидан кўпайиши муносабатларини ифодалайди;
 - б) ишлаб чиқариш ва маданиятнинг тараққиёти билан эҳтиёжларнинг миқдоран ўсиб, таркибан янгиланиб боришини ифодалайди;
 - в) аҳолининг қулайликка бўлган заруриятлари ва ижтимоий эҳтиёжларини ўсиб боришини ифодалайди;
 - г) эҳтиёжларнинг таркиби ўзгаришини ифодалайди;
 - д) эҳтиёжларнинг миқдор жиҳатидан кўпайиши муносабатлари, эҳтиёжларнинг таркиби ўзгаришини ифодалайди;

3. Эҳтиёжларнинг чексизлиги кўпроқ қайси турдаги эҳтиёжларга тааллуқли?
 - а) моддий эҳтиёжларга;
 - б) гуруҳ эҳтиёжларига;

- в) ижтимоиймаънавий, қулайликларга бўлган эҳтиёжларга;
- г) узоқ муддат фойдаланиладиган товарларга;
- д) моддий ва гуруҳий эҳтиёжларга;

4. Жамият эҳтиёжларининг таркиб топиши ва юксалиб боришига таъсир этувчи омиллар:

- а) аҳоли, сони, ёши, жинси;
- б) табиийгеографик широк;
- в) тарихий миллий анъаналар ва одатлар, маданий жиҳатдан эришилган даража;
- г) жамиятнинг иқтисодий тараққиёти;
- д) юқоридаги барча жавоблар тўғри;

5. Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши қонуни умумиқтисодий қонунлар гуруҳига киритилади. Сабаби у:

- а) кишилиқ жамияти тараққиётининг барча босқичларида инсон эҳтиёжлари миқдоран кўпайиб, унинг таркиби ўзгариб, янгилаиб, хилмахиллиги ортиб боради;
- б) иқтисодиёт тараққиёти туфайли эҳтиёжларнинг таркиби доимо янгилаиб боради;
- в) фантехника тараққиёти туфайли доимо ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ортиб боради;
- г) кишиларнинг маиший маданияти шаклланиб, борган сари ўсиб боради;
- д) ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ортиб, маиший маданият шаклланиб боради.

Илова 2 (3.2.)

Тест жавоблари

	а	б	в	г	д
1					
2					
3					
4					
5					

Биринчи кичик гуруҳ учун топширик:

1. Захро опаси ва синглиси Адиба билан кичик корхона очди. Захро бир йилда 400 дона қизлар кўйлаги ёки 450 дона эркаклар кўйлаги тика олади. Опаси эса 350 дона қизлар кўйлаги ёки 400 дона эркаклар кўйлаги тика олади. Синглиси эса 300 дона қизлар кўйлаги ёки 350 дона эркаклар кўйлаги тика олади. Оилавий кичик корхонанинг ишлаб чиқариш имконини ҳисобланг ва уни графикда тасвирланг.

Т/Н

1. Индивидуал эҳтиёж бу ҳар бир оиланинг, жамоанинг эҳтиёжи бўлиб, у биргаликда яшаш ва фаолият юритишга бўлган эҳтиёжни ўз ичига олади.

2. Гуруҳ эҳтиёжи бу оилавий ёки кишиларнинг бирор мақсадда бирлашган тўпи меҳнат жамоаси, турли уюшмалар эҳтиёжлари бўлиб, биргаликда яшаш, фаолият юритиш жараёнида вужудга келадиган умумий эҳтиёжлардир. 3. Умумжамият эҳтиёжлари мамлакат миқёсида, қолаверса, ер шари миқёсида инсонларнинг бир бутун бўлиб таркиб топган эҳтиёжларидир.

Иккинчи кичик гуруҳ учун топширик:

1. Республикамизда автомобиль ва трактор ишлаб чиқарилиши қуйидаги жадвалда ифодаланган:

Автомобиль	5	4	3	2	1	0
Трактор	0	7	13	18	22	25

Муқобил харажатларни аниқланг.

- а) битта қўшимча автомобиль ишлаб чиқариш учун;
- б) қўшимча битта трактор ишлаб чиқариш учун.

Т/Н

1. Маҳаллада милиция таянч пункти очилди. Уни индивидуал эҳтиёжга мисол қилса бўлади.

2. Атрофмуҳит ҳолатини ўрганиш учун лаборатория ташкил этилди. Бу умумжамият эҳтиёжини қондиришга қиради.

Учинчи кичик гуруҳ учун топширик:

1. Мамлакатда А ва В турдаги икки хил товар ишлаб чиқарилади дейлик. Уларнинг имконияти чегараси қуйидаги жадвал маълумотларида кўрсатилган.

Маҳсулот турлари	А	б	В	Г
А товар (дона)	0	1	2	3
В товар (дона)	12	10	6	0

А) Графикда жадвал маълумотлари асосида ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғини тасвирланг.

Б) А товарнинг В товарда ифодаланган муқобил қийматини ҳисобланг.

В) В товарнинг А товардаги муқобил қиймати: ўсувчи, пасаяувчи ёки доимийми? А товарнинг В товардаги муқобил қийматичи? кўрсатинг.

Г) Агарда муқобил қиймат доимий бўлса, имконият эгри чизиғи қандай шаклда бўлади? Жадвал ва графикда тасвирланг.

Т/Н



1. Бизнинг эҳтиёжларимиз олган ахборотларимизга кўра шаклланади.

2. Овқатга зарурат ҳар бир одамда киши ошқозонини кичик сиғими билан чекланади, лекин қулайликларга ҳамда уйжой, кийимкечак, уй шароити ва уни анжомлар билан безашга интилиш, афтидан, чексиз ёки муайян чегараларга эга бўлмаса керак, деб таъкидлаган, таниқли файласуф Гегел.

Тўртинчи кичик гуруҳ учун топширик:

1. Жамият доимо жорий истеъмол учун ҳамда келажак учун товарлар бошқача айтганимизда, истеъмол моллари ва инвестицион товарлар ишлаб чиқариш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, маориф, таълим, профилактик тиббиёт(касалликни олдини олиш учун чора тадбирлар)га қандай миқдорда ресурслар сарфлашни ҳал этади.

А,В,С,Д мамлакатлар учун 1995 йили а) расм ва 2005 йили б) расмда ишлаб чиқариш имкониятлари кўрсатилган.



а) расм б) расм

Ҳар икки расмдаги имкониятлар эгри чизиғини таққосланг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг.

А) Нима сабабдан ҳар бир мамлакат имконият эгри чизиғи (а расм), 2005 йили б) расмдаги даражага кўтарилди?

Б) Нима сабабдан С ва D мамлакатларда А ва В мамлакатларга қараганда имконият эгри чизиғи юқори?

В) Жорий истеъмол бу мамлакатларда 2005 йилда қандай ўзгарган?

Т/Н

1. Комфорт (қулайлик) умуман тугамайдиган нарса деган, файласуф Гегел.
2. Қарор қабул қилиш учун турли муқобил вариантлар танлов мезонлари асосида таққосланади.

Илова 4(4.3.)

Жавоблар:

Биринчи кичик гуруҳ учун топшириқнинг жавоби:

1). 1050 дона қизлар кўйлағи ёки 1200 дона эркеклар кўйлағи.

График: x ўқида қизлар кўйлағи, y ўқида эркеклар кўйлағи ифодаланган имконият чизиғи.

Т/Н: 1Н, 2Т.


Иккинчи кичик гуруҳ учун топшириқнинг жавоби:

1. Битта қўшимча автомобиль ишлаб чиқариш харажатлари 7,6,5,4,3 трактор, қўшимча битта трактор ишлаб чиқариш 1/7, 1/6, 1/5, 1/4, 1/3 автомобилга тенг

Т/Н: 1Н, 2Т.

Учинчи кичик гуруҳ учун топшириқнинг жавоби:

1. А) Ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғи қуйидагича бўлади.



Б) А товарнинг В товарлағи муқобил қиймати 2, 4, 6.

В) Товарларнинг муқобил қиймати доимий, ўсувчи ёки пасаяувчи эканлигини аниқлаш учун уларни кетмакетликда таққослаймиз.


В товарнинг А товар ишлаб чиқариш эвазига йўқотилган муқобил қиймати ўсиб борувчи, чунки у 2 дан 4, 6 га ўсди.

А товарнинг В товарда ифодаланган муқобил қиймати эса пасаяувчи, чунки у 12, 10, 6, 0 га тенг.

Г). Агарда муқобил қиймат доимий бўлса А товар ишлаб чиқаришни камайиши ёки кўпайиши, В товарнинг тенг миқдорда кўпайиши ёки камайишида ифодаланади.

Уни жадвал ёки графикда тасвирласак, қуйидагича бўлади.

Маҳсулот турлари	А	Б	В	Г	Д	Е	Ё
А товар (дона)	0	1	2	3	4	5	6
В товар (дона)	12	10	8	6	4	2	0



Демак, муқобил қиймат доимий бўлса, имконият эгри чизиғи тўғри чизиқ шаклида бўлади.

Т/Н: 1Т, 2Н(А. Смит айтган).

Тўртинчи кичик гуруҳ учун топшириқнинг жавоби:

1. Ҳамма мамлакатларда ишлаб чиқариш эгри чизиғи фантехника тараққиёти натижасида ўннга силжиган, чунки фантехника тараққиёти ишлаб чиқариш имкониятини кенгайтиради.

Б) С ва D мамлакатларида ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғи юқори. Сабаби, бу мамлакатларда 1995 йили инвестицион товарлар миқдори ва улуши юқори бўлган.

В) 2005 йили барча мамлакатларда 1995 йилга нисбатан жорий истеъмол ўсган. Лекин С, D мамлакатларда А, В мамлакатларга нисбатан юқори. Сабаби, бу мамлакатларда дастлаб келажак учун товарлар кўпроқ ишлаб чиқарилган. Бу ўз навбатида ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғини юқори бўлишига, жумладан жорий истеъмолни ҳам А, В мамлакатларга нисбатан С, D мамлакатларида юқори бўлишига олиб келади.

Т/Н: 1Т, 2Т.

Илова 5(5.1.)

Қарор қабул қилишнинг қадамбақдам модели

1. Муаммони аниқлаш. Энг аввало, муаммо (эришиш лозим бўлган натижа)ни ажратиш, айти шу вақт, шу вазият учун қайсиси асосий ҳисобланади, аниқлаш зарур.

2. Муқобил вариантларни аниқлаб чиқиш (белгиланган натижага эришишнинг турли усуллари аниқлаш). Масалан: аукцион, мусобақа, навбатда туриш, бошлиқнинг қарори, мулк эгасининг хоҳиши ва бошқалар.

3. Мезонларни белгилаш. (ҳар бир вариантни баҳолашнинг мезонларини аниқлайдиган стандартларни белгилаш.) Масалан: ҳаммага тенг шанс, нафлилик, энг юқори нарх, муқофот, қадрқиммат, омад ва ҳоказо.

4. Муқобил вариантларни баҳолаш (ҳар бир мезон ҳар бир муқобил вариант учун қўлланади).

5. Қарор қабул қилиш (турли вариантлар мезонлари бўйича таққосланади ва улардан энг мақбули танланади).

Илова 6(5.2.)

Қарор қабул қилиш сеткаси (намуна)

Муқобил вариантлар	Мезонлар					
	Ҳаммага тенг имконият	Энг юқори нарх	Қадрқиммат, наф	Мулк эгасининг танлови	Омад	Муқофот
Бошлиқ (ўқитувчи)нинг қарорига кўра						+
Лотерея ўтказиш	+				+	
Аукцион		+	+			
Конкурс	+		+			+
Мулк эгасининг хоҳишига кўра				+		

Қарор қабул қилиш сеткаси

Муқобил вариантлар	Мезонлар			

Аҳолининг ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланиш даражаси динамикаси

Йиллар	Аҳолининг таъминланганлиги				
	1 яшовчи ҳисобига тураржой билан таъминланганлик, кв. м.	10 минг киши ҳисобига касалхонадаги жойлар	10 минг киши ҳисобига амбулаторияпол иклинак муассасалари	Марказлаш тирилган сув таъминоти %	Табийий газ %
1991	12,2	123,0	133,7	80,0	46,2
1995	13,0	83,7	137,6	71,5	59,4
2000	13,7	55,9	158,2	81,0	73,9
2001	13,9	55,8	160,4	81,0	76,5
2002	14,2	57,8	163,1	81,4	77,4
2003	14,4	57,3	164,9	82,2	78,2

Манба: ЎзР Давлат статистика кўмитаси

Жадвални кейинги йил маълумотлари билан тўлдилинг. Улар асосида қандай хулосалар чиқариш мумкин?

Асосий таянч тушунча ва атамалар.

Семинар, семинар турлари, семинар функциялари, қисқа муддатли ёдда сақлаш, узок муддатли ёдда сақлаш, такрорлаш, семинар дарсига тайёргарлик, семинар дарси технологик харитаси.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Семинар дарси талабаларнинг билим олишида қандай ўрин тутади?
2. Семинар дарси қандай функцияларни бажаради?
3. Нима сабабдан олинган билимни вақтивакти билан такрорлаб туриш лозим?
4. Семинар дарси муваффақиятли ўтиши учун, сизнингча, нима қилиш керак?
5. Семинар дарси ўтсангиз, қандай мақсадларни кўзлаган бўлар эдингиз?
6. Семинар дарсини технологик ёндашув нуқтаи назаридан лойиҳасини ишлаб чиқа оласизми?
7. Сизнингча, семинар дарсининг қанлай афзалликлари бор?

VII боб. ДАРСЛАРНИ САВОЛЛАР ВА СУХБАТ АСОСИДА ОЛИБ БОРИШ

1§. Талабаларга мақсадга йўналтирилган саволлар асосида дарс ўтишнинг тутган ўрни

Дарс ўтишда энг кўп қўлланиладиган методлардан бири дарсни талабалар диққати, фикрини жамловчи, қўйилган мақсадни амалга оширишга қаратилган саволлар асосида олиб боришдир.

Иқтисодий фанлар бўйича семинар дарсларида атрофлича суҳбат ёки аниқ мақсадга йўналтирилган саволжавоб асосида дарс ўтиш кенг қўлланилади.

Таҳлилий фикрлаш савол қўйишдан бошланади, муаммо саволлар орқали ечилади. Шунинг учун дарс жараёнида савол орқали талабаларда ўз фикрини асослаш кўникмасини ҳосил қилиш катта аҳамиятга эга.

Ўқув режаси бўйича саволжавоблар ёрдамида талабалар ўқув жараёнига жалб этилади. Шу йўл билан талабаларда фикр–мулоҳаза юритиш, ўз фикрини изоҳлашга иштиёқ уйғотилади. Чунки, талабалар бир томондан саволларга жавоб беришади, иккинчи томондан эса, ўзлари савол бериш имкониятига эга бўладилар.


Таълим бериш ва ўқитиш, ўқитувчи билан талабалар ўртасидаги суҳбат тарзида ҳам кечади. Саволни тўғри беришнинг ўзи фикрлай билишдан далолат беради. Шунинг учун дарсда фақатгина ўқитувчи эмас, балки талабалар ҳам бирбирларига савол билан мурожаат қилишлари, айниқса, кичик гуруҳларга бўлиниб дарс ўтганда ўзаро фикрлашиш муҳим аҳамият касб этади. Агар талаба савол беришни ўрганмаса, ўзининг билими саёзлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Биз савол тузиб, унда ўз фикримизни ифодалашимиз туфайли бошқаларни ҳам ўйлашга, ўрганишга ундаймиз.

Ўқитувчининг саволи талабаларни фанни ўрганишда бошқариш воситаси бўлиб хизмат қилади. Айнан саволлар, уларнинг моҳияти ва вазиятга кўра қўллаш, талабаларни таҳлилий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириши мумкин.

Бундай метод асосида дарс ўтганда талабалар сони 2530 нафардан ошмагани маъқул.

Талабалар иложи борича бирбирига нисбатан юзмаюз ўтиргани маъқул. Энг мақбул ҳолат «П» шаклида жойлаштиришдир, лекин ҳамма вақт ҳам бундай шаклда дарс ўтказиб бўлмайди. Сабаби, аудиторияда бунга имконият йўқ. Кўпгина илғор педагогларнинг фикрича, столларни «арча» шаклида жойлаштирган маъқул. Яъни, ҳар бир талаба ўқитувчига нисбатан ярим бурилишда жойлашади. Саволжавоб, давра суҳбати тарзида дарс ўтилганда столларни ярим доира шаклида жойлаштириш мумкин.

Талабаларни жойлаштириш:



а вақт ҳам аудитория талабга жавоб берадиган даражада бўлмаслиги мумкин. У ҳолда имкониятга, талабалар жойлашишини дарс ўтишда қўлланиладиган методга кўра, таъминлашга ҳаракат қилинади.

Ўқитувчи талабаларда шундай қизиқиш уйғотиши керакки, унинг раҳбарлигида ўқув материали бутун гуруҳ томонидан биргаликда ўрганилиши, муҳокама қилиниши, ишлаб чиқилиши керак.

Дарс муваффақиятли ўтиши учун ўқитувчи томонидан аудиторияда ижобий атмосфера яратилиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир талаба ўз фикрини, туғилган саволларни бемалол айта олиши ҳамда дарсда қўйилган мақсадга эришиш учун фаол катнашиши керак.

Ўқитувчи эса саволлар ёрдамида бутун гуруҳга бир хилда таъсир қилишга, қўйилган саволларга, муаммоларга ҳеч бўлмаганда қониқарли жавоб олишга ҳаракат қилиши керак.

Ўқув режаси бўйича хилмаҳил саволлар орқали талабалар билан атрофлича суҳбат ўтказиш ўқитувчидан чуқур, махсус билим, охириги янгиликлар, ўзгаришлардан хабардор бўлишни талаб қилади. Чунки ўқитувчи талабанинг ҳар қандай саволига жавоб беришга тайёр бўлиши керак. Ўқитувчи дарс жараёнида нафақат талаба билан ҳамкорликка тайёр туриши, балки ҳамкорлик қилиши керак. Шундагина дарс беришдан қўйилган мақсадга изчиллик билан эришилади.

Мақсад эса қуйидагилар:

1. Белгиланган вақт давомида ўқув материалларини ўрганиш ва хотирада сақлаб қолиш.
2. Босқичмабосқич мантиқий фикр юритишга ўрганиш.
3. Ўқишдаги оралиқ мақсадларга эришиш (масалан, ўртоғининг фикрини таҳлил қилиб, танқидий ўрганиш).

2§. Саволлар ва уларни дарс жараёнида тўғри қўя билишнинг зарурати

Маълумки, саволларсиз дарс ўтиб бўлмайди. Саволлар асосида дарс ўтиш бу энг кўҳна ва шу билан бирга ҳеч қачон эскирмайдиган методдир. Таълим жараёнини қандай методлар асосида ташкил қилишимиздан қатъий назар, албатта саволлардан фойдаланамиз.

Аниқ йўналтирилган саволлар асосидаги суҳбат ўқитувчининг кўрсатмалари бўйича олиб борилади. Суҳбатнинг муваффақияти кўп жиҳатдан саволларни тўғри қўйишга боғлиқ. Илгариги мавзуда кўриб ўтилган саволлар алоҳида ёки тизим шаклида қўйилиши мумкин. Саволлар оддий ёки мураккаб бўлиши мумкин.

Саволлар қўйилиши тарзи, мазмуни, мақсади ва бошқа жиҳатлари билан фарқланади. Уларни шартли равишда қуйидагича тавсифлаш мумкин.

1. Ахборот характеридаги саволлар. Қўйилган муаммо бўйича далилларни, саналарни аниқлашга қаратилади. Бу гуруҳга кирадиган саволлар икки хил бўлади: улар очик ва ёпиқ саволлардир. Очик саволлар турли сўроқ гаплар орқали ифодаланиб, турлитуман жавоб берилиши кўзда тутилади. **Масалан:** Сиз даромадларга белгиланган прогрессив солиқ ставкаларига қандай қарайсиз? Ёпиқ саволларбу саволларга жавоб «ҳа», «йўқ», «эҳтимол тўғри» тарзида олиниши мумкин бўлган саволлар бўлиб, одатда улар феълга «ми» қўшимчаси қўшилиб ҳосил этилади. **Масалан:** Талаб эгри чизиғини силжишига моданинг ўзгариши таъсир қиладими? Ёки ялпи ички маҳсулот ҳисоблаганда трансферт тўловларини қўшамизми?

2. Муқобил саволлар икки вариантда бўлиб, улардан нисбатан ишончлироғи танланиши керак. Берилган саволни тушуниш қийин бўлса, уни бошқача тушунарлироқ вариантда берилади.

3. Тасдиқловчи ёки мустаҳкамловчи саволлар вазиятни аниқлаш мақсадида берилади. **Масалан:** а) талаба билдирилган фикрларни тушундимми, ёки тушунарли баён қилиндими? Айтилган фикрларга ҳамма тушундимми? Ёки мен айтганларим тушунарлими? тарзида қўйилиши мумкин.

4. Фараз, таҳлил қилишга, ундашга қаратилган саволлар иккиланишни баргараф қилишга ёрдам беради. Одатда бу саволлар, «айтайлик», «фараз қилайлик», «кўз ўнгимизга келтирайлик» деган сўзлар билан бошланади.

5. Мулоқот ўрнатиш учун қўйиладиган саволлар аудитория билан мулоқот ўрнатишга, кескин вазиятларни юмшатишга хизмат қилади.

6. *Йўлловчи, эсга солувчи ёрдамчи саволлар*нинг мазмуни воқеа, ҳодисанинг бажарилиши, рўй бериши, эҳтимоли юқори даражадалигини таъкидлайди. Савол оҳанги билан тўғри жавоб беришга ундайдиган саволлар бўлиб, талабага тўғри жавоб беришга ёрдамлашади.

7. *Сўзсиз саволлар* ўқитувчининг қараши, мимикаси, имоишораси билан берилади. У аудиторияда талабалар ўртасида диққатэтибор, жиддийлик туғдиради. Бу ҳолда ўқитувчининг юзида, имоишорасида хайрихоҳлик ифодаси бўлмаса, талаба нотўғри жавоб бердимми деган ҳаёлда эсанкираб, саросимага тушиб қолиши мумкин.

Саволларни тузиш ва уни талабаларга беришдан қўйилган мақсадга кўра тахмин, синтез қилинган саволлар, шарҳлашга доир, қўллашга доир саволлар бўлиши мумкин.

Саволлар билан бир қаторда хоҳиш, истак туғдирувчи сўзлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай сўзлар талабаларнинг билдираётган фикрига, гапиришига туртки берувчи ёки қисқа мулоҳаза, маслаҳат тарзидаги масалан, «ҳа», «давом этинг», «тўғри», «шундай қилиб», «тўғрироғи», «аниқроғи» кабилардир. Кўпинча бундай таъкидлар кенг фикрлаш имконини бериб, нисбатан яхши натижаларга эришишга олиб келади. Бундай савол эса, фикр доирасини анчагина чеклайди ва қисқа мулоҳаза, дўстона оҳангда ёки илтимос шаклида ифодаланади. Улар кўрсатма тариқасида «асослаб беринг», «хулоса чиқаринг», «яқун ясанг», «характерланг» ва ҳоказо тарзида ифодаланади. Ўқитувчи доимо ўз олдига қандай савол бериш керак ёки қандай қилиб тўғри савол берсам бўлади, деган масалани кўяди. Масалани қуйидагича ҳал қилиш мумкин:

• *Саволни барча талабаларга бериш*, бутун аудитория олдига қўйиш керак. Ҳамма талабалар ўйлаб кўрсин. Маълум паузадан сўнг аниқ бир талаба жавоб беришга чиқиши мумкин.

• *Аудиторияга хос саволлар* талабаларнинг билим даражаси, дарсга тайёргарлиги кабиларни ҳисобга олган ҳолда берилиши керак. Бунда гуруҳдаги талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак. Нисбатан бўш талабаларга унча мураккаб бўлмаган саволлар бериш, сўнгра билими кучли талабаларга мураккаб саволлар бериб бориш керак. Натижада оддийдан мураккаб томон борилаверади.

Дастлаб, ихтиёрий жавоб бермоқчи бўлганларга диққат қаратиш керак, сўнгра босик, ўз иштиёки билан жавоб бермайдиган талабаларни жавоб беришга жалб қилиш, ҳаддан ташқари фаол талабаларни бирмунча тийиб туриш керак. Дарров жавоб беришларига уринмаслик, балки бир неча жавоб беришни хоҳловчиларни аниқлаб, бир неча талаба жавоб бериши мумкинлигини ҳис қилгач сўрай бошлаш лозим. Муҳим ва мураккаб саволлар ташланганда кўпроқ пауза сақлаб, талабаларни тайёргарлик даражасини кўздан кечириш зарур.

* *Аниқ мақсадга қаратилган савол бериш керак*. Маълум нарсалар ҳақида савол бериш зерикарлидир. Талабалар фикр юритишини зарур йўналишга солиб, унчалик керак бўлмаган масалаларга этибор бериш, атрофда айланиш, четга чиқишдан қочиш керак. Ҳаддан ташқари узун саволлар дарсни мақсадидан четга чиқиб кетишга олиб келса, ҳаддан ташқари қисқа савол эса, «фикр юритиш» учун кам «жой» қолдиради. Тушундингизми, деган савол кўпинча жавобсиз қолади. Шунинг учун яхшиси аниқ назорат шаклида савол берган маъкул. Битта сўроқ гапдаги бир неча саволлар талабаларни чалкаштиради. Шунинг учун саволни оддий, тушунарли қилиб тузиш керак.

* *Саволларни хотиржам тарзда бериш керак*. Чунки бундай савол тушунишни осонлаштиради. Саволдан кейин фикр юритиш, жавобни шакллантириш учун маълум муддат қолдириш керак. Ҳар доим савол билан жавоб бериш ўртасидаги муддат савол берувчига ҳам, жавоб берувчига ҳам нисбатан узоқ давом этганга ўхшаб кўринади. Шунинг учун шошилмаслик керак. Аудиториядаги самимий муҳит унга талабаларни дарсга фаол қатнашишларига ёрдам беради ва дарсни муваффақиятли ўтишини таъминлайди. Вақтивакти билан ўқитувчи ўзининг савол қўйиш техникаси, мазмунини текшириб туриши керак.

Гуруҳни жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтганда аввал саволга жавоб ўйланиши ва муҳокама қилиниши керак. Сўнгра аудиторияда муҳокама қилиш бошланади. Ўқитувчи билдирилган фикрни асослаш ёки мустаҳкамлаш учун қўшимча саволлар беради: «Нима сабабдан?», «Сиз шу фикрга қўшиласизми?», «Мисол келтирингчи?», «Ўртоғингиз билдирган фикр тўғрими?», «Ўзингизнинг хулосангизни айтингчи?» тарздаги саволлар билан кичик гуруҳларни бир бирларига мурожаат қилишга йўналтирилади.

Ўз фикрини баён қилаётган талабага: «айтингчи, сиз ёки гуруҳингиз берилган саволга ана шундай жавоб беришига нима сабабдан қарор қилдингиз?» деб мурожаат қилиб, жавобни эшитгач, аудиторияга «бошқалар ҳам шу фикрдами, уни нотўғри деб ҳисобловчилар, марҳамат ўз фикрингизни билдиринг» деб, талабалар фикрини аниқлаш мумкин.

Агар тўғри жавоб ягона бўлмаса, ўқитувчи «қани, ўйлаб кўрингларчи, яна қандай муқобил жавоблар бўлиши мумкин?» деган саволни ташлаши мумкин.

3§. Саволларга асосланган дарс ўтиш методи ва унинг усуллари

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, саволларсиз дарс ўтиб бўлмайди. Шу билан бирга устувор даражада савол ва жавобларга асосланган дарс ўтиш усуллари ҳам талайгина. Улардан бири саволжавоб методидир. Уни турли усуллар асосида ўтказиш мумкин.

Қисқача саволжавоб (блиц сўровжавоб) усули.

Бу усулда ўқитувчи қандай мақсад қўйишига қараб, қисқа саволлар тайёрлайди. Талабалардан ҳам қисқа, лўнда жавоб беришни талаб қилади. Уни турлича ўтказиш мумкин

1. Берилган саволга, хоҳловчилар жавоб бериши ёки барча ўқувчи, талабалардан навбати билан сўраб чиқиш мумкин.

2. Конкурсмусобақа тарзида жавоб бериш.

Бунда гуруҳ икки команда(жамоа)га бўлинади. Мавзу бўйича ҳар бир команда навбати билан савол ва иккинчи команда унга жавоб бериши лозим. Жамоалар берилган савол ва унинг жавобига қараб баҳоланади. Баҳолашни осонлаштириш учун тўғри савол ҳам, тўғри жавоб ҳам 1 балл билан баҳоланади. Энг кўп балл йиққан команда 1 ўрин олади ва команда аъзоларининг қатнашишига кўра гуруҳ журналида тегишлича балл акс эттирилади.

1 команда иштирокчилари 2 команда аъзоларига савол беради. Қўйилган савол талабга жавоб берса, 1 баллни қўлга киритади. Саволга жавоб берган 2 команда аъзолари эса жавобнинг тўғри нотўғрилигига қараб, тегишли балл билан баҳоланади .

Жавобнинг қониқарли, тўғри ёки нотўғрилигини биринчи команда тасдиқлайди. Агар рақиб команданинг жавоби қониқарсиз деб топилса, савол берган команданинг ўзи тўғри жавобни айтиши ёки уни тўлдириши лозим. Саволлар тегишли фаннинг ўрганилган бўлимларига доир қоида ёки формулалар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Бу мусобақа ўйин шартларининг бажарилишини ўқитувчи назорат қилади ва баҳолайди.

Ўқувчилар бериш учун савол тополмай қолган ёки командалар тенг балл тўплаган ҳолларда ўқитувчи ўзи олдиндан тайёрлаб қўйган қизиқарли (мантиқий) саволлардан уларнинг эътиборига ҳавола қилади. Юқори балл тўплаган команда ғолиб ҳисобланади ва рағбатлантирилади.

Дарсни шакллантиришнинг бу усули ўйинбахс тарзида бўлгани учун ўқувчилар унга қизиқиш билан ёндашади. Дарс давомида командалар 2030 тадан савол бериш имконига эга. Демак, ўқувчилар 4060 га яқин тушунча, формула ва бошқаларни такрорлашга уринади. Бундан ташқари, ўқувчи кейинги машғулотларга янада қизиқарлироқ ва жиддийроқ савол топиб келишга ҳаракат қилади. Бу эса ўқувчи, талабаларнинг ўз устида жиддий ишлашига олиб келади.

«Занжир» ўйини Мавзуни такрорлашга, хотирани мустаҳкамлашга ёрдам берадиган саволжавобга асосланган яна бир ўйин усули «Занжир» деб номланади. Бу ўйин амалий дарсларда қўлланади. Мазкур ўйинда савол яширин, яъни очик савол берилмайди, **ўқувчиталаба ўзига ўзи хаёлан савол** беради. Бу усулни бирон боб, бўлим ёки бир неча мавзуни ўтиб бўлгач, қўллаган маъкул. Сабаби, талабалар зарур иқтисодий категория, тушунча ва терминлар билан таниш бўлишади. Ўйинни ўйнаш тарзи билан ўқувчи талабалар таниш. Чунки улар болалар боғчасиданок, аввалги сўзнинг охириги ҳарфи билан бошланган янги сўзни топишни билишади. Бу ҳолда фақат иқтисодий фикрни ифодаловчи сўзлардан фойдаланилади. Лекин сўзлар мазмунини ўрганилаётган бўлим ёки иккиуч мавзу миқёсида чегаралаш бирмунча мураккаблик туғдиради. Бунинг учун тегишли мавзуни пухта ўрганишни талаб қилади. Кимнинг навбати келганда сўз тополмаса ўйиндан чиқади. Ким ўз вақтида ўйин қоидаси бўйича мавзуга, фаннинг шу бўлимига тегишли тушунчани тўғри айтмаса ҳам ўйиндан чиқади. Охирида қолган талабага энг юқори балл, бошқаларга олган ўринларига кўра балл белгиланади.

Ўйин қуйидаги тарзда акс этиши мумкин:

Иқтисодий қонун – нарх – харажат – талаб – бизнес – суғурта – акция – ялпи ички маҳсулот – тадбиркор – рента – амортизация – ялпи талаб – бозор – рақобат – таклиф – фойда – акционерлик капитали – инвестиция – ялпи таклиф – фрикциион ишсизлик – капитал – ликвидлик – кризис – соф монополия – ялпи миллий маҳсулот – тақчиллик – кредит – товар – реал даромад – дивиденд – таклиф эгри чизиғи – ишчи кучи – истъёмол – ва ҳоказо...

Ўқувчиталабалар фанни мукамал ўзлаштиришларида хотирани мустаҳкамлаш муҳим рол ўйнайди. Хотирани мустаҳкамлашга ёрдам берадиган ва фикр юритишга ундайдиган машғулотлардан бири «Заиф бўғин» ўйинидир.

«Заиф бўғин» ўйини Бунинг учун ўқитувчи дарснинг мақса дига кўра, мавзу ёки боб, маълум бўлим бўйича категориялар ва тушунчалар маъносини ёзиб келади. Талабаларга ўйиннинг қандай ўтишини тушунтиради. Ўқитувчи тушунча, категориянинг мазмунини айтади, талабалар унинг номини айтиши керак. Охирида 2 талаба қолгунча ўйин босқичмабосқич, айланиб давом этади. Ким нотўғри айтса, ўйиндан чиқади. Ёки ўйинни аксинча тарзда ҳам ташкил қилиш мумкин. Яъни, ўқитувчи категория, тушунча, терминни айтади. Талабалар эса унинг мазмунини айтиб беришлари лозим бўлади. Ўйинда аввал осонроқ тушунчалар, борган сари мураккаб тушунчалар айтилиши мумкин. Бу ўйинни қўллаш учун дарсга ўқитувчи ҳам талабалар ҳам пухта тайёрланиб келишлари керак. Бўлмаса дарс қутилган натижани бермайди. Ўқитувчи саволларни изоҳли луғат тарзида қуйидагича тайёрлагани маъкул.

1. Эҳтиёж инсоннинг яшаши, камол топиши учун ҳаётий неъматларга бўлган объектив зарурият.

2. Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши иқтисодий қонуни – ишлаб чиқариш ва маданият ривожланиши билан инсон эҳтиёжлари доирасининг кенгайиб, миқдоран ўсиб, таркибан янгиланиб бориши.

3. Иқтисодий ресурслар турли эҳтиёжларни қондирадиган неъматлар ишлаб чиқариш учун зарур барча воситалар ва меҳнатга лаёқатли кишилар.

4. Иқтисодиётнинг бош муаммоси ресурслар чекланганлиги шароитида жамият аъзоларининг чексиз эҳтиёжларини қондириш муаммоси.

5. Танловнинг муқобил қиймати танлов натижасида воз кечилган имкониятлар ичидан танловчи учун энг катта наф келтирувчи ёки кадрланувчи имконият.

6. Ишлаб чиқариш имконияти чегараси мавжуд иқтисодий ресурслардан тўла фойдаланиш эвазига энг кўп маҳсулот ишлаб чиқариш.

7.Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи мавжуд ресурслардан тўла фойдаланиш эвазига турли комбинацияларда энг кўп маҳсулот ишлаб чиқаришнинг графикда ифодаланиши.

8. Ишлаб чиқариш функцияси ишлаб чиқариш омилларининг ҳар қандай тўплами билан шу омиллар ёрдамида максимал имконият даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги боғланишни ифодаловчи функция.

9. Ишлаб чиқариш инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган неъматлар яратиш жараёни.

10. Иқтисодий фаолият инсон эҳтиёжини қондириш, яъни ҳаёт кечириш, тирикчиликни таъминлашнинг восита ва усуллари мажмуи.

11. Истеъмол ишлаб чиқариш натижаларидан фойдаланиш, эҳтиёжни қондириш жараёни.

12. Изокванта бир хил ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш омилларининг турли вариантларда бирлашувини ифодаловчи нукталарнинг геометрик ўрнини кўрсатувчи эгри чизик.

13. Иқтисодий самарадорлик иқтисодий харажатлар эвазига эришилган ишлаб чиқариш натижаси, яратилган маҳсулот.

14. Меъёрий маҳсулот қўшимча бир бирлик ҳар қандай ўзгарувчи омил эвазига яратилган умумий маҳсулот (ТР) ҳажмини ўзгариши.

15. Айирбошлаш маълум миқдордаги неъматларни бир субъектдан(кишидан) бошқа субъект(киши) ихтиёрига ўтиш жараёни.

16. Тақсимот хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ресурсларни, ишлаб чиқариш омилларининг эгалари ўртасида эса яратилган маҳсулотни тақсимланиши.

17. Ўртача маҳсулот ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот(ТР)нинг ўзгарувчи ишлаб чиқариш омилларига нисбати. Масалан, $AP=TP/ L$.

18. Меъёрий унумдорлик(даромад)ни пасайиш қонуни бир омилнинг ўзгариши ва қолганларининг ўзгармагани ҳолда маълум чегарадан сўнг ҳар бир қўшимча сарфланган омил аввалгисига нисбатан камроқ унум (даромад) олиб келишини ифодалайди.

19. Мулк қабул қилинган тартиб асосида ўзлаштириладиган чекланган неъматлар.

20. Мулк иқтисодий категория мулкка нисбатан, уни ўзлаштириш, хўжалик юритиш учун ишлатиш жараёнида кишилар ўртасида юз берадиган муносабатлар.

21. Мулк ҳуқуқий категория кишиларнинг нарсага (мулкка) нисбатан муносабатларини акс эттирувчи қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат томонидан белгиланган тартибқоидалар.

22. Ўзлаштириш мулкчиликнинг мазмунини ифодалаб, эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш яхлитлиги.

23. Мулкка эгалик қилиш мулкдорлик ҳуқуқининг мулк эгаси қўлида сақланиб туриши, яратилган маҳсулотни ўзлаштиришнинг ижтимоий шакли.

24. Мулкдан фойдаланиш мулкни ишлатиб, кўзланган мақсадга, натижага эришиш: даромад топиш ёки шахсий эҳтиёжни қондириш.

25. Тасарруф этиш – мулк, бойликнинг тақдирини мустақил ҳал этиш, яъни ундан келажакда қандай мақсадда фойдаланиш, ишлатишни белгилаш.

26. Мулк ҳуқуқи кишилар ўртасида неъматлар ва улардан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган муносабатларни жамият томонидан қабул қилинган қоидалари (қонунлар, анъаналар, урфодатлар, маъмурий фармойишлар).

27. Манфаатлар одамлар эҳтиёжини муносабатлар орқали ифодаланиши.

28. Иқтисодиётни эркинлаштириш давлатнинг иқтисодий фаолиятдаги ҳукмронлигини, монопол мавқеини синдириб, иқтисодиётни бошқаришда ягона давлат механизми ўрнига аралаш иқтисодиётга хос бўлган бозор механизмига кенг йўл бериш.

29. Ижтимоий иқтисодий тизим жамиятдаги турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида иқтисодий муносабатлар, алоқалар, жараёнларни бир бутун ҳолда, муайян тарзда таркиб топиши ва тартибга солиниши.

30. Моноструктурали иқтисод бир мулк шакли ҳукмрон бўлган тизим.

31. Полиструктурали иқтисод мулкчиликнинг турлитуманлиги ва уларнинг ҳуқуқий тенглигига асосланган иқтисод.

32. Иерархик бошқаришга асосланган иқтисод иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш, тартибга солишни яқка бошлиқ ҳокимлигига таянадиган ахборот олиш, буйруқ ва топшириқлар асосида олиб бориладиган иқтисодиёт.

33. Аралаш иқтисодиёт мулкчиликнинг турлитуманлиги, уларнинг тенглиги, аралаш тартибда бошқариладиган, иқтисодиётни тартибга солишда маълум чегарада давлатнинг аралашувини тақозо қиладиган иқтисод ва ҳоказо.

Умуман олганда, 1520 кишидан иборат гуруҳ учун бир неча босқичга етарлича савол тайёрлаш лозим

«Заковат» ўйини Бу ўйинни талабалар шу номдаги телекўрсатувдан ҳам яхши билишади. Ўқитувчи уни ўрганилаётган мавзуга мослаштириши керак. У мавзунинг муҳим тушунчалари, муаммолари борасида қизиқарли савол, масала тайёрлаб. Конвертларга солиб, стол устига қўяди. Жавоблар алоҳида конвертга солиб олиб қўйилади. Талабалар кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ вакили конвертлардан бирини танлаб олиши керак. Саволни муҳокама қилиб, тайёрланиш учун 1 минут вақт берилади. Гуруҳ саволга тўғри жавоб бермаса, ўқитувчи бошқа талабаларга мурожаат қилади. Ҳамма ўз фикрини айтиб бўлгач, ўқитувчи тўғри жавобни ўқиб эшиттиради. Ўз вақтида тўғри жавоб берганларга балл берилади.

Саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

Савол:

Менинг иш ҳақим ошса менга яхши. Агарда барча тармоқларда ишлаётган кишиларнинг иш ҳақини оширишга эришсалар бу бутун мамлакат иқтисодиёти учун яхшими?

Жавоб:

Мамлакат миқёсида иш ҳақининг меҳнат унумдорлигига нисбатан ошиши инфляцияга олиб келади (чунки иш ҳақи асоссиз ўсганда реал даромадлар пасаяди).

Савол:

«Молсизликдан қашшоқ бўлсанг ҳам, ақлдан бой бўлишга ҳаракат қил, чунки мол билан бой бўлгандан, ақлий томондан бой бўлган яхшироқдир: ақл билан мол тўпласа бўлади, аммо мол билан ақл тўплаб бўлмайди. Жоҳил тезда камбағаллашади, аммо билгилким, ақл бир қимматбаҳо нарсаки, уни ўғри олиб кета олмас, ўтда ёнмас, сувда оқмас». Бу кимнинг ўғити ва қаерда ёзилган?

Жавоб:

Бу ҳикмат XI асрда яшаб ўтган Кайковуснинг ўғлига бағишлаб ёзган тарихий асари «Қобуснома»да баён қилинган. («Қобуснома», Т.: «Ўқитувчи», 1973, 29бет.)

Савол:

Агар бир фирма эгаси ўз ишчилари иш ҳақини пасайтирса, унинг харажатлари ҳам камаяди бу унинг учун яхши. Агар ҳамма тадбиркорлар шундай қилишса бу мамлакат миқёсида ҳамма тадбиркорлар учун яхшими?

Жавоб:

Ишлаб чиқарилган товарларни сотилиши қийинлашади, тангликка олиб келади, чунки ишловчиларнинг харид қилиш қобилияти пасаяди.

Савол:

Мен қонунларимизни ўрганиб чиқиб, солиқ тўламасликни ёки кам тўлаш йўлини топдим бу мен учун яхши (даромадим ортди). Ҳамма шунақа йўл топди бу аҳоли учун яхшими?

Жавоб:

Бу ҳол давлат бюджети даромадларини кескин камайишига олиб келади, бу эса ўз навбатида бюджетдан турли ижтимоий дастурларни, миллий хавфсизликни таъминлашни, муҳофаза, бошқаришни амалга ошириш имкониятларини кескин пасайтиради.

Бу ўйинни ташкил этиш учун талабаларнинг ўзлари қизиқарли, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган саволларни тайёрлаб келишлари ёки машҳур кишиларнинг иқтисодиёт ҳақидаги фикрларини топиб, савол беришлари мумкин.

Саволлар асосида дарсларни “Ўйла, изла, топ”, “Қилни қирқ ёриб”, “Ким миллионер бўлишни хоҳлайди?”, “Интеллектуал ринг”, «Мўъжизалар майдони» ва бошқалар каби ташкил қилиш мумкин.

Тахлилий ҳамда танкидий фикрлашни ривожлантиришга ҳам амалда саволлар ёрдамида эришилади.

Ўқувчи, талабалар хотирасини мустаҳкамлаш ва уларни ижодкорликка ўргатиш мақсадида фанга, унинг бирон бўлимига, мавзусига оид кроссворд ва сканворд тузишни топшириш ҳам ўзининг ижобий натижасини беради.

4§. Сухбат методини қўллаб дарс ўтиш

Саволжавоб одатда дарснинг оғзаки методи ҳисобланади. Оғзаки жавобга асосланган яна бир метод, сухбат методидир. Унинг кенг тарқалган шакли ҳикоя ва баён қилишдир.

Оғзаки услубдаги дарснинг мақсади билим бериш, ўргатиш, ахборот бериш, ўзи олган ахборотни, билимни ёки фикрни бошқаларга етказиш бўлади. Баён этиш, ҳикоя қилиш деб, ўқув материални монолог тарзида баён қилишга айтилади. Бу метод одатда, назарий ва амалий машғулотларда, маслаҳат дарсларида кенг қўлланилади. Бунда билим ўқитувчи томонидан маълум бир тизимга солинган ҳолда тушунарли, ўқувчигалабалар руҳиятига таъсир этадиган тарзда етказилади. Ҳикоя одатда ўқувчигалабаларни янги мавзунини, материални ўзлаштиришга тайёрлаш учун **кириш сўзи** тарзида баён қилинади. Материални, мавзу мазмунини эса **ҳикоя** тарзида баён қилинади.

Бу методнинг самараси, асосан, ўқитувчи маҳоратига, унинг таъсирчан, тушунарли, диққатни тортадиган эмоционал баён қилишига, ҳар бир сўз, ибора унинг кўзида, чеҳрасида қандай ифодаланишига боғлиқ. Ҳикоя, талабаларнинг интеллектуал даражасига мос бўлиши лозим.

Ўқитувчи ушбу метод асосида дарс ўтишга тайёрланар экан, зарур материални, мавжуд шароитда энг яхши максимал натижага эришиш учун методик усуллар танлайди. Кўпинча хотирада қоладиган усуллар қўллайди. Таққослаш, солиштириш, ўхшатиш, хулоса чиқариш кабилар хотирада қолишга ёрдам берадиган усуллардир.

Ҳикоя қилиш машғулотларда ўқитишнинг бошқа методлари билан кўргазмани воситалар билан олиб борганда яхши натижалар беради. Бундан ташқари ҳикояда қандай воқеа, ҳодиса, далиллар, кишилар баён қилинаётгани ҳам катта роль ўйнайди.

Талабалар ҳам амалий машғулотларда ўқитувчи томонидан берилган саволга шундай ҳикоя тарзида баён қилиш билан жавоб берадилар.

Ўқув жараёнида қўлланиладиган **сухбат**, яъни қўйилган саволга атрофлича, аниқ, тушунарли жавоб бериш билан сухбатдошнинг диққати масаланинг турли жиҳатларига қаратилади.

Сухбат дидактик жараёндаги энг кўҳна методлардан ҳисобланади. Сухбат унда қатнашувчиларда билим олишга, ўқиш, ўрганишга истак туғдиради. Шу боис кенг тарқалган.

Сухбатнинг афзаллик томони шундаки, у фикрлашни максимал даражада фаоллаштиради, билиш жараёнини бошқариш имконини беради, бунинг учун шароит яратади.

Кейинги пайтда унинг ҳозирги талабларга жавоб берадиган шакли сифатида дарс беришда «интервью бериш», усулларидан кенг қўлланилмоқда. Бу усулда бир талаба интервью олувчи ролини бажарса, иккинчиси интервью берувчи сифатида қатнашади. Натижада талабалар фаоллиги оддий суҳбат тарзида ўтказилган дарсга қараганда анча юқори бўлишига эришилади.

Тажриба шуни кўрсатадики, суҳбат методини қўллаш орқали:

- ўқувчи, талабаларни дарсда фаол қатнашишга тайёрлаш;
- янги ўқув материали билан таништириш;
- эгаллаган билимларини мустаҳкамлаш ва маълум бир тизимга солиш;
- эгаллаган билимларни қай даражада эканлигини аниқлаш ва жорий назорат қилиш амалга оширилади ва бу борада унга тенг келадигани йўқ.

Суҳбат асосида дарс ўтишнинг бошқа барча услубларга ўхшаб, ўзига хос афзалликлари ҳамда камчиликлари мавжуд.

Улар қуйидагилар:

Афзалликлари:

1. Дарсда қўйилган мақсадни амалга оширишни бевосита назорат қилиш имкони катталиги.
2. Талабаларнинг дарсда қатнашишларини турли саволлар билан фаоллаштириш.
3. Ҳар бир талабага савол билан мурожаат қилиш орқали, дарсда фаол қатнашишни таъминлаш кўрсаткичини ошириш.
4. Биргаликда ишлаш, саволни муҳокама қилиш жараёнида гуруҳни бошқаришни практикада қўллаш.

Камчиликлари:

1. Талабаларнинг сони чеклангани, 2530 тадан ошмаслиги.
 2. Ўқитувчидан кўп куч, асаб, маҳорат талаб қилади.
 3. Саволлар муҳокамаси кўп вақт талаб қилади.
 4. Талабалардан маълум даражада билим, тушунча бўлишини талаб қилади.
- Гуруҳдаги талабалар янгиликларни, ўзгаришларни билиши, дарсга пухта тайёрланиб келишлари керак. Бўлмаса дарсга қўйилган мақсадга эришиб бўлмайди.

Жавобларни қандай баҳолаш керак?

1. **Ҳар бир жавобга мувофиқ равишда баҳо бериш керак.** Жавоб берган ҳам, бошқа талабалар ҳам жавобнинг тўғри ёки нотўғрилигини билиши керак. Тўғри жавобни айрим пайтда қайтариш зарур бўлади, айрим пайтда сўзмасўз қайтариш ортиқча.

2. **Тўғри жавобни эътироф этиш.** Жавоб тўғрилиги эътироф этилар экан, доимо бир хилда «тўғри», «жуда яхши» деган сўзларни такрорламасликка ҳаракат қилиш керак.

3. **Жавоб йўқ.** Талаба саволга жавоб бера олмаса, бошқа савол бериб кўриш керак. Ўқитувчи бундай пайтда сабртоқатли бўлиши керак. Агарда кейинги саволга ҳам жавоб бўлмаса, бошқа талабага мурожаат қилиш керак.

4. **Жавоб етарли эмас.** Талаба берган жавоб етарлича тўғри бўлмаса, жавобнинг тўғри қисмини ҳисобга олган ҳолда эсга солувчи, йўлловчи саволлар бериш керак.

5. **Берилган жавоб нотўғри.** Нотўғри берилган жавобни ойдинлаштириш, уни бошқачароқ тарзда қўйиш ёки аудиторияга ҳамма шунақа фикрдами? Келинглари, бир ўйлаб кўрайлик дея мурожаат қилиш мумкин.

6. **Жавоб мужмал бўлиши мумкин.** Қўйилган саволга ноаниқ жавоб бўлса, ўқитувчи дарҳол «савол бошқа эди» ёки «мен бошқа нарсани назарда тутган эдим» демай, кейинги саволни бергани маъқул.

7. **Ноаниқ тушуниб бўлмайдиган жавоб.** Унда ўқитувчи талабадан яна қайта ўз фикрини қайтаришни сўраши керак. Ҳамма жавобни тушунмади, яна такрорланг, деб мурожаат қилиш керак.

Тўғри жавобни алоҳида ажратиб кўрсатиш. Агар суҳбат чоғида бир неча фикр

билдирилган, турлича жавоблар берилган бўлса, тўғри жавобни албатта ажратиб кўрсатиш, иложи борича дафтарга ёзиб қўйиш ёки тарқатиладиган материалда бўлиши керак.

Асосий таянч тушунча ва атамалар:

Саволжавоб (блицсўров), ахборот характеридаги саволлар, тасдиқловчимустаҳкамловчи саволлар, фараз қилиш, таҳлил қилишга ундовчи саволлар, сўзсиз савол, суҳбат, методнинг афзалликлари, методнинг камчиликлари

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар:

1. Дарс ўтишда аудитория олдида савол қўйишнинг қандай аҳамияти бор? Саволжавоб энг кўхна, кенг тарқалган ва ҳеч эскирмайдиган метод деб айта оламизми?
2. Нима сабабдан ҳар қандай билиш фаолиятининг асосида савол ётади, деймиз?
3. Дарс ўтиш жараёнида парта, столстулар жойлашувининг қандай аҳамияти бор?
4. Саволларни қандай гуруҳларга бўлиш мумкин?
5. Савол бериш ва унга жавобни баҳолашда ўқитувчи қандай қоидаларга риоя қилиши лозим?
6. Суҳбат методи қандай метод ҳисобланади? Сизнингча, нима сабабдан бу методдан ўқитувчилар дарс жараёнида кенг фойдаланадилар?

VIII боб. ГУРУҲЛАРНИ ЖУФТЛИК ЁКИ КИЧИК ГУРУҲЛАРГА БЎЛИБ ДАРС ЎТИШ

1§. Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишнинг бошқа методлардан фарқи

Иқтисодий фанларни ўқитишда муваффақиятли равишда қўлланилаётган методлардан бири талабалар гуруҳларини жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишдир. Бу услубда асосий масъулият талабалар зиммасига юкланиб, улар фаоллигини оширишга қаратилади.

Илғор мамлакатлар, шунингдек мамлакатимиз педагогларининг тажрибаси кичик – туфайли таълим олувчилар ўртасида анча мустаҳкам муносабат ўрнатилишини кўрсатади.

Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш:

- ўқувчиталабаларни ҳамкорликда ишлашга, билиш жараёнини фаоллаштиришга, уларда коммуникабеллик, киришимлилик, бошқаларнинг фикрини эшитишни ўргатади;

- берилган топшириқни биргаликда бажариш жараёнида ўртоқлари томонидан билдирилган фикрларни муҳокама қилишга мойиллик пайдо бўлади;

- саволларни аниқ шакллантиришни, берадиган жавобларни асослаб беришни ўрганадилар.

- Таълим олувчининг потенциал имкониятларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Билмаганларини сўраб ўрганиш имконияти яратилади. Таълим олувчилар билимини ўзаро ҳамкорликда бойишини таъминлайди.

- Тортинчоқ талабалар ўз билимлари, маҳоратларини намоён қилиш имкониятига эга бўлади.

- Қобилиятли, иқтидорли ўқувчиталабалар ўз қобилиятларини намоёйиш қилиш, бошқаларга ёрдам бериш, уларга ўргатишлари ва улардан ҳам ниманидир ўрганишлари мумкин.

- Кичик гуруҳларда ишлаш ҳар бир ўқувчиталабага, ўзини гуруҳнинг бир бўлаги сифатида ҳис қилиш, бирбирларининг муваффақиятларини кўрсатишга ўрганадилар.

Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш самарали бўлиши учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур:

1. Дарс материални ўзлаштириш жараёнида талабалар жамоа бўлиб ишлаши керак.
2. Ҳар бир гуруҳда албатта аълочилар бўлиши, кичик гуруҳ таркиби аралаш бўлгани (қизлар, йигитлар) маъқул.

3. Бутун гуруҳ ва алоҳида талабани тақдирлаш тизими кўзда тутилган бўлиши лозим.

Тадқиқотлар яна шуни кўрсатадики, ўқувчи, талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишни ташкил этишнинг ўзи етарли эмас экан. Кутилган натижага эришиш учун яна икки компонент: гуруҳни рағбатлантириш ва **шахсан** масъулиятни ҳис қилиш механизми ва уни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш керак экан. Агарда гуруҳ миқёсида рағбатлантириш етарли бўлмаса, гуруҳ аъзолари ўз ўртоқлари ўтилаётган дарсни ўзлаштиришига унча аҳамият бермай қўяди.

Гуруҳларни кичик гуруҳларга бўлишни қандай қоидалар ёки тамойиллар асосида амалга ошириш лозим, гуруҳлар қандай тузилганда юқори самара беради деган саволга аниқ жавоб, универсал қоида йўқ. Гуруҳларни кичик гуруҳларга бўлишда:

- а) қўйилган таълим мақсадлари, шакли, натижаси;

- б) бериладиган топшириқ, технологик харита бўйича қўллашни мўлжаллаган таълим методи ва усулларини ҳисобга олишимиз керак.

¹ Жуфтлик ҳам ўзига хос, икки кишидан иборат кичик гуруҳ. Унда топшириқлар жуфтлик ўртасида тайёрланади, муҳокама қилинади. Кейинги бобларда мисоллар берилган.

Ўқувчи талабаларни кичик гуруҳларга бўлишда тасодифий белгидан фойдаланишимиз мумкин:

аудиторияда жойлашганликларига қараб бўлиб чиқиш мумкин.

Ўқишдаги натижаларга кўра:

бараварлаштириш гуруҳи сифатида ташкил қилинганда, кичик гуруҳларга турли даражада ўқийдиган талабалар бирлаштирилади.

қўллабқувватлаш ва ривожлантириш гуруҳи тарзида ташкил қилинганда, иқтидорли талабалар, ўқиш даражаси нисбатан пастроқ гуруҳларга ажратилади.

Бажариладиган топшириққа кўра жуфтлик, 45 кишидан иборат ёки ундан кўп ўқувчиталабалардан ташкил топган гуруҳларга бўлиш мумкин.

Кичик гуруҳларни фаолият кўрсатиши вақти, бир топшириқни бажаргунча амал қиладиган гуруҳлар, бир неча машғулот мобайнида биргаликда ишлайдиган гуруҳлар, таркиби ўзгариб турувчи гуруҳлар тарзида ташкил этиш мумкин.

Кичик гуруҳ аъзоларининг мажбуриятлари:

Кичик гуруҳнинг ҳар бир аъзоси:

ўртоқларининг фикрини диққат билан эшитиши;

гуруҳ ишида фаол қатнашиши ва ҳамкорликда ишлашдан бўйин тортмаслиги керак;

зарурат бўлганда ёрдам сўраши;

ундан ёрдам сўрашганда, бошқаларга ўз ёрдамини бериши;

гуруҳ ишининг натижаларини баҳолашда иштирок этиши;

ўзининг ролини яхши тушуниши ва бажариши;

топшириқни бажаришда, аниқ вазифаларини билиши керак.

Ҳар бир кичик гуруҳнинг етакчиси тайинлангани маъқул. Уларни пассив, ўз фикрини айтмайдиган ёки яхши ўзлаштирадиган, фаол талабалардан танлаш мумкин. Етакчи турли функцияларни бажариши мумкин, кичик гуруҳ аъзоларининг топшириқни бажаришини назорат қилиши лозим.

Етакчилар гуруҳнинг ҳар бир аъзосини индивидуал ҳиссасини, ролини кўрсатиб беришлари керак. Иложи борича барча ўқувчиталабаларни етакчи ролида синаб кўрган маъқул.

Кичик гуруҳларга бўлиниб дарс ўтиш услубининг бир неча **моделларивариантлари** мавжуд. Улар командаларнинг ўқув материални ўзлаштириш натижасини яхшилашга қаратилган. Бунда ўқитувчи биронбир материал ёки ўтилган дарсни қисқача тушунтириб, талабаларга топшириқ беради. Топшириқ масала, машқ, саволга жавоб ва бошқа шакллардаги назорат иши бўлиши мумкин. Топшириқ командалар ичида муҳокама қилинади. Кейин ўрганилган мавзу бўйича ҳар бир команда аъзоси индивидуал тарзда назорат иши ёзади. Ҳар бир талабанинг баллари жамланиб, умумий команданинг бали чиқарилади. У шахсий ва команда тўплаган балл билан таққосланади. Командаларнинг олган ўринлари аниқланиб, тўпланган балга кўра рағбатлантирилади.

Иккинчи моделда мусобақа (танлов) ўтказилади. Бунда команда аъзолари бошқа команда аъзолари билан мусобақалашиб очколар тўплашади.

Учинчи модел, мозаика модели деб ҳам аталади. Бу модел кўпроқ катта гуруҳ, айтайлик, 2530 тадан талаба бор гуруҳларда қўллангани маъқул. Гуруҳдаги талабалар сони бўйича ўқитувчи ҳар бир командага 5 ёки 6 тадан талабани жалб қиладди. Ҳар бир команда таркибидаги талаба сонига қараб, 56 савол ёки қисмдан иборат материални ўрганиш учун топшириқ берилади. Ҳар бир командадан бир киши битта қисмни ёки саволни ўрганади.

Турли командалардан шу қисм ёки саволни олган талабалар бирга йиғилиб, ўқув топшириғини муҳокама қиладилар. Бу гуруҳларни эксперт гуруҳлари деб аталади. Асосий гуруҳларни алфавитдаги ҳарфлар билан талабаларни рақамлар билан белгилаймиз.

Айталик, гуруҳ 30 та талабадан иборат. Ўқитувчи уларни 6 тадан 5 та гуруҳга (А, Б, В, Г, Д) бўлади. Биринчи гуруҳ А, ундаги талабалар А1, А2, А3. А4, А5, А6, иккинчи гуруҳ Б, ундаги талабалар Б1, Б2, Б3, Б4, Б5, Б6 ва ҳоказо тарзида бўлинади, Ҳар бир талаба ўзининг рақами бўйича асосий командасидан, яъни ҳарф бўйича ўқув материалнинг маълум қисмини ёки саволни ўрганиш бўйича топшириқ олади.

Сўнгра мутахассислар гуруҳида (рақамлар бўйича) барча 1 ёки 2 ва ҳоказо рақамлар асосида янги гуруҳ ташкил бўлади. Яъни мутахассислар командаси А1, Б1, В1, Г1, Д1, иккинчи команда А2, Б2, В2, Г2, Д2 ва ҳоказо тарзида янги команда ҳосил бўлади. Ҳар бир асосий командадан бир хил рақамдаги, лекин ҳарфи ҳар хил команда аъзолари тўпланиб, ўзларига берилган савол, топшириқни муҳокама қиладилар. Сўнгра ҳар ким экспертлар гуруҳидан ўзининг асосий гуруҳига қайтади.

Гуруҳнинг ҳар бир қатнашчиси экспертлар гуруҳида ўзи ўрганган масалани гапириб беради. Гуруҳнинг ҳар бир қатнашчиси диққат билан ўртоқларининг фикрини эшитишга ҳаракат қилади. Чунки берилган топшириқни бажаришнинг ягона йўли ўртоқларининг фикрини диққат билан тинглаб, таҳлил қилиб, сўнгра гапириб беришдир. Ундан ташқари, ҳар бир талабада ўз топшириғини муфассал бажариш учун стимул мавжуд. Сабаби, у берилган савол, топшириқни ўртоқлари қай даражада ўзлаштиришларига масъул.

Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишдаги тўртинчи модел аввалги моделлардан бирмунча фарқланади. Бу моделда кичик гуруҳдаги ҳар бир талаба берилган топшириқни аввал алоҳида ўзи бажариб, фикрини семинар дафтарида ёзади. Сўнгра гуруҳ биргаликда ҳамманинг фикрини ўрганиб чиқади. Кичик гуруҳ номидан ягона жавоб тайёрланади, дарсда барча гуруҳларнинг жавоблари эшитилади ва гуруҳни эришган натижаси баҳоланади.

2§. Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишни ташкил этиш ва унинг асосий фазалари

Кичик гуруҳларда талабалар ўртасида фикр алмашув, таҳлил қилиш имконияти кенг. Ҳар бир талабанинг фикри ўртоқлари томонидан таҳлил қилинади. Бунда ҳар бир талаба, албатта ўз фикрини асослашга, ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Мунозара жараёнида ҳар бир талаба ўз хатосини тушунади ёки ҳақлигини синаб кўради, ҳамкорликда муаммони ечишга ўрганади.

Гуруҳни жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб ишлаш мақсадга мувофиқ, қачонки:

- * ахборот билан алмашув;
- * ғоя ва фикрларни йиғиш ва ўртоқлашиш;
- * қийин ечиладиган муаммо ва вариантларни таҳлил қилиш;
- * мураккаб масалани ечиш ва хулоса чиқариш зарур бўлганда.

Гуруҳда ишлаш индивидуал ишлашга қараганда яхши натижа беради. Сабаби:

- ахборот диапазони кенг, чунки ҳар бир талаба маълум ахборотга эга;
- ҳамкорлик натижасида пассив талабаларнинг ҳам фаоллиги ортиши мумкин.
- кўпгина таклиф, фикрлар ўзаро танқид натижасида сараланади.

Гуруҳ билан ишлашнинг мақсади талабаларнинг билимини оширишдир.

Услубни қўллаш натижасида талабалар томонидан:

биргаликда ишлаш шаклланади;
нутқ сўзлаш ва ўз фикрини асослаб беришга, ҳимояланишга ўрганади;
мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечишга иштиёқ шаклланади;
ўрганишга, ишлашга кўникма ҳосил бўлади.

Кичик гуруҳларга бўлиб ўтилган дарсда ўқитувчи ягона ахборот берувчи, тақриз қилувчи, баҳоловчи шахс сифатида марказда турмайди. У мавзуни ўргатувчидан дарсни тайёрловчи ва ташкил этувчига айланади.

Кичик гуруҳларда берилган топшириқ бўйича мавзуни интенсив ўрганишга тўғри келади. Қўшимча адабиётлар билан ишлаш, уларни чуқур ўзлаштиришга ҳаракат қилиш натижасида олинган билимни узоқ муддат ёдда қолишига эришилади.

Жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишнинг муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан унга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга боғлиқ.

Кичик гуруҳларда ишлаш фақат қўйилган топшириқни эмас, балки унинг натижасини муҳокама қилишни ҳам ўз ичига олади. Бунда доскадан, техник воситалардан фойдаланиш мумкин.

Кичик гуруҳда ишлашнинг аҳамиятли жиҳати кичик гуруҳ, охиरोқибат умуман бутун гуруҳнинг ишини унумли бўлишини таъминлашдир. Бунинг учун ўқитувчи аввалдан ҳамма дарс жараёнини режалаштириши керак.

1. Тайёргарлик кўриш:

* мақсад қўйиш;

* материал танлаш;

* кичик гуруҳларга топшириқни тушунтириш;

* зарур материаллар билан таъминлаш;

* қўйилаётган топшириқни, масалани ўқитувчининг ўзи ечиши зарурлиги.

2. Ахборот билан таъминлаш:

кичик гуруҳлар қандай топшириқ оладилар, уни бажаришга қанча вақт ажратилади; қандай қоидаларга риоя қилиш керак кабилар эълон қилинади.

3. Топшириқ устида ишлаш:

кичик гуруҳ топшириқни олгач, вазифаларни бўлишиб олиши мумкин;

кичик гуруҳлар ўзининг топшириғини бажаради.

кичик гуруҳ ўз иш натижасини гапириб беришга, қилган ишини кўрсатишга тайёрланади.

кичик гуруҳ ўз иш натижасини бошқа кичик гуруҳлар иш натижаси билан таққослайди.

4. Кичик гуруҳлар иш натижасини муҳокама қилиш:

* кичик гуруҳлар қўйилган масалани биргаликда муҳокама қилиш учун йиғилади;

* кичик гуруҳдан битта талаба (докладчи) эришган натижани қисқача доклад

қилади;

* иш натижаси муҳокама қилинади;

* билдирган фикрлар бўйича умумий хулосага келинади;

* талабаларга умумий натижа эълон қилинади.

Ўқитувчининг роли:

* қарор қабул қилади;

* дарсни ташкил қилади ва бошлайди.

* назорат қилади ва зарур бўлганда, аралашади.

* таҳлил қилади ва баҳолайди.

Кооператив кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш

Бу методни қандай қўлланишини юқорида кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишнинг кооператив методи ҳақида тўхталганимизда, қўллашнинг асосий қоидаларини кўриб ўтдик.

Кооператив методнинг дарслик, мақола ёки бошқа матн билан ишлашга қаратилган бир усули «Бумеранг»¹ деб номланади.

Бу метод ўқувчиталабаларнинг дарс жараёнида, дарсдан ташқари турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдда сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, ўз фикрини эркин баён қилишни ўрганишига, дарс давомида уларни билимини баҳолашга қаратилган. Методни қўллашдан мақсад ўқувчиталабаларга тарқатилган материални яқка ва гуруҳ бўлиб ўзлаштириш, суҳбат, мунозара орқали унинг мазмунини тушунишларига эришишдан иборат.

¹ Бумеранг – австралиялик маҳаллий аҳоли ишлатадиган қурол. Отганда яна орқасига, овчига қайтиб келиш хусусиятига эга.

«Бумеранг» методи кооператив ўқитиш методи бўлиб, кичик гуруҳлар билан дарс ўтишга ўхшаш бўлади. Бунда дарс жараёнида талабаларга ўрганилиши лозим бўлган матн билан ишлаш топширилади. Бунда дастлаб умумий мавзу матни кичик гуруҳларнинг сонига кўра бўлиниб, кичик гуруҳнинг барча аъзоларига бир хил матн тарқатилади.

Агар гуруҳни 5 та кичик гуруҳга бўлган бўлсак, у ҳолда 5та кичик гуруҳ умумий мавзу бўйича 5 хил матнга, ҳар бир ўқувчиталаба ўз кичик гуруҳига тушган матнга эга бўлади. Талабалар фаолияти юқорида кооператив кичик гуруҳларга бўлиниб ишлашни кўриб чиққанимиздек, ташкил қилинади.

Кичик гуруҳ фаолиятининг яна бир тури «**Зигзаг**» усули деб ҳам юритилади. Бунда юқоридагидек дастлаб, кичик гуруҳнинг барча аъзоларига бир хил матн бериб эмас, балки гуруҳга ажратилган матнни мавзунини ўрганиш учун кичик гуруҳлар фаолиятини ташкил қилишнинг иккинчи босқичида, ҳар бир гуруҳ аъзолари ўртасида ҳам тақсимлаш орқали амалга оширилади. Масалан, бир талабага матннинг биринчи ёки ва иккинчи бети, иккинчисига 34бети ва ҳоказо тарқатилади. Кичик гуруҳ аъзолари ўзларига теккан матн бўйича эксперт гуруҳи ҳисобланади.

1. Эксперт кичик гуруҳлари материални ўрганадилар, тақдимот тайёрлайдилар. Эксперт гуруҳлари бу кичик гуруҳларда бир хил топшириқ олган талабалар бўлиб, яъни ўрганилиши керак бўлган китоб бетлари биринчи гуруҳдаги талаба билан иккинчи, учинчи, тўртинчи кичик гуруҳдан шундай топшириқ олганлар, яъни худди шу бетлар тушган талабалар учрашиб биргаликда ўқиб, муҳокама қиладилар.

Айтайлик, гуруҳ 25 талабадан иборат бўлсин. Уларни 5 та кичик гуруҳларга бўламиз. Бу кичик гуруҳдаги *A* номерли талабага 15бетни ўрганиш топширилган бўлсин, худди шу топшириқ 2кичик гуруҳдаги *A* номерли, 3кичик гуруҳдаги *A* номерли талаба, 4кичик гуруҳдаги *A* номерли талаба, 5кичик гуруҳдаги *A* номерли талабада ҳам бор. Демак 5 та талаба 15бетни ўқиб, фикр алмашадилар.

Шериклар экспертлар ўз материалларини ўқиб, ўрганишади. Уни диққатни тортадиган қилиб тақдим этиш учун саволлар тайёрлашади.

2. Талабалар ўз кооператив гуруҳларига қайтишади. Ўрганилган 5 бет материални навбат билан, ўзаро бирбирларига ўргатишади. Мақсад: ҳар бир киши бутун мавзунини тўлалигича ўзлаштириши керак.

3. Ҳар бир гуруҳ индивидуал ва гуруҳ ҳисоботини тайёрлайди.

Гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси билимини синаш йўллариини ўқитувчи белгилайди. Айтайлик, ўқитувчи ҳар бир гуруҳ аъзоларига қатор саволлар бериб, оғзаки жавобларига кўра ёки ёзган назорат ишига қараб, тайёрлаган тақдимоти бўйича ва бошқа усуллар, жумладан, кичик гуруҳлар ва талабаларни ўзларини ва бошқаларни баҳолаши орқали амалга ошириш мумкин.

3§. Методнинг афзалликлари ва камчиликлари

Кичик гуруҳлар ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан дарсни тўғри ташкил қилиш, топшириқ ва унинг таркибини аниқлаш, дарс ўтказишни режалаштириш ва ўтказишга боғлиқ. Дарсни қуйидагича **режалаштириш** мумкин.

1. Ўзаро ижодий боғлиқлик, бирбирига таъсир этиш. Гуруҳда ижобий тарзда ўзаро ижодий боғланиш юз беради. Бунда:

- Кичик гуруҳ олдига умумий мақсад қўйилади (масалан, гуруҳда биронбир материални ўзлаштириш. Саволга жавоб бериши лозим бўлган талабалар ана шу материални гуруҳнинг ҳар бир аъзоси тушуниб етишига эътибор қилиши керак).

- Гуруҳнинг барча аъзолари рағбатлантирилади (масалан, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси топшириқни бажариб, белгиланган натижага эришгандагина балл олади).

- Гуруҳ аъзолари ўзларида бор материал ва ахборотни ўзаро алмаштиришлари, ўртоқлашишлари керак (масалан, гуруҳнинг бир қисми бир материални, иккинчи қисми бошқа материални ўрганади ва сўнгра олган ахборотлари билан фикр алмашадилар).

- Гуруҳ аъзолари ўзаро ҳамкорликда ўйлайдилар ва маълум ролни бажарадилар (масалан, бири ёзиб туради, бири бутун гуруҳ номидан сўзга чиқади. Бошқалари мунозарада қатнашади). Шундай тарздаги ижодий боғланиш ижобий натижа беради. Ўзаро ҳамкорлик жараёнида (оғзаки таҳлил ва мулоқотда, бири билган ахборотни иккинчиси билмаслиги мумкин) талабалар бирбиридан ўрганади.

2. Шахсий масъулиятни ҳис қилиш. Ўзаро ижодий ҳамкорликнинг ўзи кичик гуруҳларга бўлиниб, дарс ўтишнинг муҳим натижаси ҳисобланади. Лекин ҳар бир гуруҳ аъзосининг янги билимни ўзлаштиришини таъминлаш учун берилган материал ёки саволни ўрганишда ҳар бирининг жавобгарлигини англашига эришиши зарур. Ҳар бир талабанинг шахсий жавобгарликни ҳис қилиши қай даражада эканлигини назорат иши ёки таваққалига танланган гуруҳнинг аъзоларидан бири жавобига қараб текшириш, аниқлаш мумкин.

3. Талабалар ўртасида мулоқот, кичик гуруҳда ишлай билиш маҳорати. Гуруҳда самарали ишлаш учун талабалар ўртасида бирбирига таъсир кўрсатишни ривожлантириш зарур. Бунга масалан, мулоқот, ишонч билдириш, сардорлик қилиш, қарор қабул қилиш ва низоли вазиятни бартараф қилиш кабиларни кўрсатиш мумкин.

4. Гуруҳ бўлиб ахборотларни ишлаш. Гуруҳ аъзолари биргаликда ахборотни ишлайдилар ва материални таҳлил қилиб, ўз фикрларини ўртоқлашадилар. Жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиниб дарс ўтиш услубининг асосий жиҳатлари қуйидагилар:

- ижодий ҳамкорлик ва бевосита бирбирига таъсир кўрсатиш;
- масъулият ҳис қилиш;
- мулоқот, кичик гуруҳларда ишлай билиш маҳорати;
- гуруҳ бўлиб ахборотларни ишлаш.
-

Кичик гуруҳларга бўлиниб, дарс ўтишнинг афзалликлари:

- Муаммони, мавзунини, саволларни муҳокама қилишда талабаларнинг мустақиллиги.
- Мустақил олинган натижа яхши ўзлаштирилади ва узоқ вақт ёдда қолади.
- Мавзу бўйича талабалар жадал ишлашади.
- Ҳамкорликда ишлаш имконияти мавжудлиги.
- Ўқитувчи ягона ахборотчи, муҳаррир, имтиҳон қилувчи сифатида асосий ўринда турмайди.
- Талабаларда ўртоқларига нисбатан ўз билимини баҳолаш ва билмаганларини ўрганишга интилиш кучаяди.
- Талабаларда муаммони, вазиятни таҳлил қилиш қобилияти ўсади.
- Талабаларнинг хаттиҳаракатини аниқ мақсадга қаратилиши ортади.
- Талабалар ўртасида ҳамкорлик, бирбирига нисбатан ижобий муносабатлар шаклланади.
- Кичик гуруҳларда бажарилган ишлар талабалар томонидан муҳокама қилиниб, баҳоланади.

Жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб, дарс ўтишнинг ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд.

Биринчидан, муаммо билимни рағбатлантириш билан боғлиқ. Билими кучли талабалар юқори баҳо ола билмасликлари, билими кучсиз талабалар материални ўзлаштирмаганлари сабабли бутун гуруҳ паст балл тўплаши мумкин.

Иккинчидан, ўқитувчининг дарс ўтишдаги, ҳатто мураккаб масалаларни муҳокама қилишда ҳам роли минимал.

Учинчидан, талабалар бирбирига билмаганини ўргатади. Лекин янги тушунча, янги ўқув материали берилганда фаннинг мазмунини чуқур ва яхши тушунадиган ўқитувчи бўлиши керак.

Тўртинчидан, жуда кўп ўқитувчилар кичик гуруҳга бўлиб дарс ўтишни оддий гуруҳ бўйича ишлаш тарзида кўришади. Лекин назарий жиҳатдан ўқув материални ўзлаштириш учун бу етарли эмас. Натижада бу услубнинг имконияти тўла ишга солинмай қолади.

Бешинчидан, кичик гуруҳга бўлиб дарс ўтиш, дарс жараёнида муаммо туғдириши мумкин. Сабаби, қўйилган масалани кичик гуруҳда муҳокама қилиш учун қўшимча аудитория талаб қилинади. Шунинг учун кичик гуруҳларга берилган топшириқни дарсдан ташқари пайтда муҳокама қилиб, семинар дарсида маърузачиларни тинглаш мумкин.

Аудиторияда кичик гуруҳларга бўлиниб, биргаликда масала, машқ ечиш мумкин. Бунда талабалар берилган топшириқни маъносига тушунишдими ёки йўқми текшириш, уни бажаришга аниқ вақт белгилаш, талабалар ўртасида мулоқот ташкил этиш керак.

Методнинг асосий камчиликлари:

- Дарс ўтишнинг бошқа шаклларига қараганда кўп вақт талаб қилади.
- Ҳамма талабалар ҳам дарсга фаол қатнашмаслиги мумкин.
- Ўқитувчининг роли минимал бўлгани сабабли мураккаб масалаларни муҳокама қилишда муаммо туғилиши мумкин.
- Дарс ўтишда мавзунини танлаш ва топшириқ тайёрлаш қийин.
- Топшириқнинг битта аудиторияда муҳокама қилиниши шовқинсуронни кучайиб кетишига олиб келади. Ҳар бир кичик гуруҳ учун алоҳида аудитория ажратишнинг имкони йўқ.

Методнинг камчиликларига нисбатан афзаллик томонлари кўп. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида бу метод кенг қўлланилмоқда. Айниқса, бу методни бошқа методлар билан биргаликда қўллаш имкониятлари кенг.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар:

Жуфтлик, кичик гуруҳ, ҳамкорлик қилиш, индивидуал фикр, гуруҳ тақдими, тайёргарлик кўриш, ахборот билан таъминлаш, топшириқ устида ишлаш, якуний босқич, методнинг афзалликлари, методнинг камчиликлари

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар:

1. Жуфтлик ва кичик гуруҳларга бўлиниб, дарс ўтиш қайси жиҳатлари билан бошқа методлардан ажралиб туради?
2. Талабаларнинг самарали ишлаши учун кичик гуруҳларда қандай қоидаларга амал қилиш керак?
3. Кичик гуруҳларда ишлаш талабаларга нималарни ўргатади?
4. Кичик гуруҳларга бўлиниб, дарс ўтишнинг асосий фазалари ва уларнинг мазмунини айтиб бера оласизми?
5. Методнинг афзалликлари нимада? Камчиликларичи?
6. Сизнингча, кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишнинг қайси моделларини қўллаш имконияти катта?

IX боб. ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎРГАНИШДА МОДЕЛЛАШТИРУВЧИ АМАЛИЙ ЎЙИНЛАР МЕТОДИ

1§. Иқтисодий фанларни ўрганишда моделлаштирувчи амалий ўйинлар методининг тутган ўрни

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, ўйин меҳнат ва ўқиш каби фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Инсонни шахс сифатида камол топишида ўйинларнинг аҳамияти катта. Ўйинлар инсон ўзини ҳаётда намоён қилиши, ўз ўрнини топиши, ўз ўзини бошқаришнинг фундаментал эҳтиёжларига таянади.

Ўйинларни дарс ўтиш методи тариқасида борган сари кенгроқ қўлланишига асосий сабаблардан бири унинг қадимдан инсонда турли туман билим, кўникма, маҳоратни ҳосил бўлиши ва унинг хотирасида сақланиш шакли сифатида қўлланилиб келишидир.

Иқтисодий фанларни ўрганишда моделлаштириш методи муҳим ўрин тутаети. Айнан моделлаштиришда талабалар иқтисодий тушунчаларни ўрганишни эшитиш, кўриш орқалигина эмас, балки ўзлари ҳам қатнашиб ўрганадилар. Натижада, биринчидан, энг пассив талабаларни ҳам дарсда фаол қатнашишлари таъминланади. Иккинчидан, талабалар у ёки бу тушунчани, жараёни ўрганишда ўзлари қатнашганлари туфайли у хотираларида узоқ сақланиб, фаол билим захирасини ташкил этади.

Билим ва малака ўқиш, фаолият юритиш жараёнида шаклланади. Бирор малакани эгаллаш учун унга оид фаолиятни кўп марта такрорлаш, машқ қилиш, мунтазам амалга ошириш зарур. Ана шу жараён натижасида ўқувчи, талабаларда ўқув, кўникма шаклланади.

Бу жиҳатдан ҳам моделлаштирувчи ўйин методи катта аҳамиятга эга. Ўйинларнинг афзаллиги шундан иборатки, ўйин иштирокчилари ўзига у ёки бу ролни олиб, ҳарчанд қизиқишлари бирбириникига мос тушмасда ўзаро мулоқотга киришадилар, натижада зиддиятли вазият яратилиб, эҳтиросли ҳолат юзага келаети ва бу ўйинга қизиқиш уйғотади. Ўйин иштирокчилари беихтиёр равишда ўйин давомида ўз хислатларини намоён қиладилар. Бунда улар олган билим, касбий ўқув малакаларинигина эмас, балки умумий иқтидорини, ўз табиатидаги мавжуд журъат, тезкорлик, киришимлилик, ташаббускорлик, фаоллик каби хислатлар бор ёки йўқлигини ҳам намоёиш этадилар.

Талабани ўйин жараёнига тортилиши, ўйин жараёнида юз берадиган вазият, эмоционал ҳаяжон, қайғуриш уларни ижодий фаолиятини оширувчи кучли стимулятор ролини ўйнайди. Талабаларда предметни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш ортади.

Ўйинлардан фойдаланиб дарс ўтиш турли **мақсадларни** амалга оширишга қаратилган.

Ўйиннинг дидактик мақсади. Талабаларни билимларни ўрганиш, тушуниш, амалиётда олган билим, малака, кўникмаларини қўллаш, уларни ривожлантириш, меҳнат кўникмаларини кенгайтиришга қаратилган.

Ўйиннинг тарбиявий мақсади. Мустақилликни, иродани тарбиялаш, маънавий, эстетик дунёқарашни шакллантириш, жамоага киришиб кета олиш коммуникабелликни тарбиялаш.

Моделлаштирувчи ўйинлар: шартли равишда имитацион, амалий, рол ижросига асосланган ўйинларга бўлинади.

Имитацион ўйинларда биронбир ташкилот, муассаса, корхона фаолияти андоза қилинади. Воқеалар кишиларнинг бирор фаолияти(бизнес режасини муҳокама қилиш, иш мажлислари) андоза қилиб олиниши мумкин.

Амалий(операцион) ўйинлар. Бундай ўйинларда аниқ ўзига хос воқеаҳодиса, фаолият, операциянинг бажарилиши машқ қилинади. Амалий ўйинлар иш жараёнига хос равишда моделлаштирилади.

Роль ижро этиш ўйинлари. Унда аниқ шахснинг хулқи, хаттиҳаракати ва мажбуриятларининг бажарилиш тактикаси машқ қилинади.

Роль ўйинлари ўқувчиталабаларнинг шахсига катта таъсир кўрсатади. Бу ўйинларда ўйинда қатнашувчиларнинг ўзи муаммоларни ўйлаб топишади, улар фаолияти ва қарор қабул қилиши чекланмайди. Уларнинг ўзи мақсад қўйиб, уни амалга ошириш учун ўйин қоидаси доирасида турли воситалардан фойдаланишади.

Ўйиндаги вазият ўйин иштирокчилари томонидан алоҳида педогогик усул шароитида эмас, балки кундалик реал ҳаётга вазиятни давоми каби қабул қилинади.

Ролли ўйинлар бу ёшларни тарбиялаш ва бўш вақтини ўтказишни ташкил қилишнинг шакли ҳам. Бу ўйинлар ўрганиш, тарбиялаш, дам олишда қўлланилади ва улар катта педагогик потенциалга эга. Ўйинлар ўқув жараёнида ўқитиш, ўрганиш методи. Уни турли даражада ва мақсадларда қўллаш мумкин.

Барча талабаларни дарсга қизиқиб, фаол қатнашишларини таъминлашда моделлаштирувчи ўйин методининг олдида тушадигани йўқ.

2§. Моделлаштирувчи ўйин методини қўллаб, дарс ўтишнинг асосий босқичлари

Дарс ўтишда бу методдан нисбатан кенг фойдаланилмоқда. Моделлаштирувчи ўйинлар талабаларга абстракт иқтисодий тушунчалар, реал ҳаётдаги иқтисодий воқеаҳодисаларни ифодалаш, уларнинг моҳиятини тушунишга ёрдам беради. Яъни:

1) Моделлаштириш методи асосига қурилган дарс ориентациядан бошланади. Ўқитувчи талабаларни амалий ўйин, унинг мақсади ва фойдаланиладиган тушунчалар билан таништиради.

Ўқитувчи бирон бир мавзу, саволни моделлаштирувчи ўйинлар ёрдамида ўтказишни мўлжаллар экан, энг аввало, унга тайёргарлик кўриши керак.

Тайёргарлик босқичи қуйидагилар:

а) ўйинни ишлаб чиқиш;

б) уни ўтказиш қоидалари ва уларни талабаларга тушунтиришни ўз ичига олади.

2) Моделлаштирувчи ўйиннинг қандай ўтказилиши ёзма матнда кўрсатилади. Шунинг учун мавзулар бўйича махсус иш ўйинлари аввалдан ишлаб чиқилиши, ўйин сценарийси ёзилиши зарур.

Унда:

ўйиннинг мақсади ;

- ўйин вазифалари ва уларнинг бажариш изчиллиги;

- ўйин қоидалари;

- ғолибларни аниқлаш тартиблари ишлаб чиқилган бўлиши керак.

Мақсад – инсонни у ёки бу фаолияти жараёнида эришиши лозим бўлган дастурлаштирилган, режалаштирилган натижа. Мақсад текшириб кўриладиган ва эришиладиган (амалга ошириладиган) бўлиши лозим.

Мақсад икки турда бўлади:

1. Ўқитувчи фаолияти мақсадлари.

2. Ўқувчи фаолияти мақсадлари.

Ўқитувчи фаолияти мақсадлари ўқувчи, талаба шахсини ривожлантиришга қаратилган. У ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ўқувчи, талабаларнинг янги мавзунини ўрганиш лойиҳасини тасаввур қила олишига ёрдамлашиш;

- ўқувчи, талабаларнинг далиллар, тушунчалар, қонунлар ҳақидаги кўникмаларини мустаҳкамлаш;

- ўқувчиларни ўрганган билими ва малакасини хилмаҳил шароитларда мустақил қўллай билишга ўргатиш, «амалиёт» да синаб кўриш;

- мавзу бўйича ўқувчи, талабаларнинг билими, уқуви, малакасини ошириш, мустаҳкамлаш ва назорат қилиш.

Ўйин ўтказиш учун қандай тайёргарлик кўришда ўқитувчи учун тавсиялар, талабалар учун кўрсатмалар берилади.

Талабалар қандай рол ўйнашади, ўйиннинг қоидалари, уни ўтказишни қадамбақадам кўрсатмаси берилади. Жуда кўп ўйинларда талабалар ҳаётдаги персонажларнинг ролини ўйнашади. Масалан, сотувчи, харидор, ишлаб чиқарувчи, хизматчи ва ҳоказо.

Ўйин ўтказиш шартларида ҳар бир рол бажарувчининг мақсади ва унга қандай эришиш мумкинлиги кўрсатилади. Масалан, харидор белгиланган вақт ичида иложи борича арзон, кўпроқ товар сотиб олиши, сотувчи эса, аксинча, кўпроқ қимматга сотиши, ишлаб чиқарувчи кўпроқ кам харажат билан маҳсулот ишлаб чиқариши ва ҳоказо.

3) Моделлаштирувчи ўйин ўтказилаётганда дарснинг мақсадини яхши тушунмаслик оқибатида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни тўғрилаш, ҳамда қарамақарши мулоқот ўрнатиш имкониятини қолдиришни кўзда тутиши керак.

4) Моделлаштирувчи ўйин асосида дарс ўтишда талабалар ўйин жараёнида ҳам билим олади. Муҳокама қилиш жараёнида ўқитувчи томонидан берилган саволлар талабаларга ўйин давомида бажарилган ишлар, воқеаларни умумлаштиришга, дарснинг асосий мазмунини таҳлил қилишга ёрдам бериши керак. Талабалар тўқнашган қийинчиликлар, ўзи учун очган янгиликларни аниқлаш, ўйинни реал ҳаёт воқеалари билан таққослаш, ўтилаётган дарснинг мазмуни билан боғлаш асосида кўрсатилган асосий иқтисодий тушунчаларнинг маъзини чақиш, англаб етиш ҳамда хулоса чиқаришга ёрдам бериши керак.

5) Моделлаштирувчи ўйин бошқа ўйинлардан фарқ қилишини тушунтириш керак. Масалан, ким биринчи бўлиб масалани ечади, ёки кроссворд тузади ва ҳоказо. Булар, асосан, қандайдир бир мусобақани ифодалайди. Моделлаштирувчи ўйинларга эса, албатта, реал ижтимоий ёки иқтисодий жараённи соддалаштирилган ифодаси, унда қатнашиш имконини берадиган ўқув тажрибаси сифатида қараш мумкин. Моделлаштирувчи амалий ўйинлар талабаларга шу жараённинг ўзини ёки инсонларнинг хаттиҳаракатини, ўзларини қандай тутишлари, яъни танлов муаммосини қандай ҳал этишларини намоён қилиши туфайли иқтисодий воқеа, ҳодиса, жараёнларни чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Чунки шу жараённинг ўзида улар қатнашадилар, синаб кўрадилар.

Моделлаштирувчи ўйин тамойили асосида тузилган дарснинг асосий босқичлари

1. Мўлжалга олиш

- * Моделлаштирувчи ўйин ўтказиладиган мавзу танлаш;
- * Мавзу мазмунини ўрганадиган ўйин танлаш ёки ишлаб чиқиш;
- * Моделлаштирувчи ўйинда намоёиш этиладиган, ўрганиладиган тушунчаларни айтиш, эсга солиш, қайтариш;
- * Моделлаштирувчи ўйиннинг мақсадини тушунтириш.

2. Ўйинни ўтказишга тайёрланиш

- Ролларни аниқлаш, ҳар бир ролни муваффақиятли бажариш учун зарур ашёларни тайёрлаш;
- ўйинни ўтказиш қонунқоидасини белгилаш;
- Ўйин ўтказишнинг аниқ тартибини белгилаш, қандай ўтказиш ҳақида аниқ кўрсатма бериш;
- зарур бўлганда қисқача синов раундини ўтказиш.

3. Ўйинни ўтказиш

- моделлаштирувчи ўйинни ўтказиш;
- ўзаро мулоқотни, алоқани таъминлаш;
- нотўғри тушуниш туфайли йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш;
- ўйинни давом эттириш.

4. Муҳокама қилиш.

- Ўйинда юз берган ҳодисалар жараёнига яқин яшаш;
- Юз берган қийинчиликлар ва уларни бартараф қилиш йўллари муҳокама қилиш;

- Жараённи таҳлил қилиш;
- Ўйинни реал ҳаёт билан таққослаш;
- Ўтилаётган асосий иқтисодий тушунчалар билан боғлаш.

Навбатдаги параграфда дарсда бу методни қўллаш орқали талаб ва таклиф категорияси ва қонунини ўрганишда қандай фойдаланишни кўриб чиқамиз.

3§. Ўйинни танлаш ва тайёрлаш, ўтказиш. Ўйин натижасини муҳокама қилиш («Картошка бозори» амалий ўйини мисолида)

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим иқтисодий институти бозорнинг ўзи. Бозор ресурсларни шундай тақсимлайдики, бунда қайси индивидуал харидор уни энг юқори баҳолаган, яъни энг зарур деб ҳисоблаган бўлса сотиб олади. Бозорда бир қанча харидор турлитуман товар ва хизматларни сотиб олишга тайёр. Бу амалий машғулотда аниқ бир бозорда баҳо қандай шаклланишини кўриб чиқамиз. Сўнгра нима сабабдан вақт ўтиши билан баҳолар ўзгаради? Қандай қилиб турли бозорлар бирбирига мувофиқлашади ва биргаликда бозор тизимини ташкил қилади ўрганамиз. Бозорларнинг ялпи тизими жамият доимо тўқнаш келадиган асосий иқтисодий саволлар: қандай товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш зарур, уларни қандай ишлаб чиқариш керак? Улар кимлар учун ишлаб чиқарилади? Иқтисодий тизим, ишлаб чиқарувчилар ўзгаришларга тезда мослаша оладими? Ҳаммасига жавобни бозор беради!

Бозор иқтисодиётида бозорнинг қанчалик муҳимлигига қарамай, кўпчилик унинг қандай ишлашини тушунмайди.

Дарсда ўрганиладиган категориялар:

Таклиф

Талаб

Баҳо, мувозанат баҳоси

Бозор

Дарснинг мақсади:

Қандай тарзда таклиф ва талаб асосида баҳо шаклланади, ўз навбатида, товар баҳоси талаб ва таклиф миқдорига қандай таъсир қилади.

Улар ўртасидаги функционал боғланишни ўрганиш. Дарсни талабаларга мукамал рақобат шароитидаги бозорда эркин олдисотди юз бериши, лекин ҳамма товарлар учун ҳам бундай бозор хос эмаслигини уқтириб ўтишдан бошлаймиз.

Талабалар амалий ўйинда иштирок этиб, баҳонинг қандай шаклланишини ўзлари иштирок этганлари ҳолда чуқур тушуниб оладилар.

Ўйин ўтказиш жараёнида аудитория «бозор» бўлади. Гуруҳ талабалари иккига бўлинади: талабаларнинг ярми харидор, қолган ярми сотувчи бўлади. Ўйин ўтказиш учун 32 та харидор ва сотувчи карточкаси тайёрланади. Карточкалар яхшиси икки рангда бўлгани маъқул.

Харидорлар карточкаси		Сотувчилар карточкаси	
харид нархи, сўм	карточка сони	сотиш нархи, сўм	карточка сони
105	2	105	4
115	2	115	6
125	2	125	6
135	2	135	4
145	4	145	4
155	4	155	2
165	4	165	2
175	4	175	2
185	4	185	2
195	4		

зарар кўрасиз.	зарар кўрасиз.	зарар кўрасиз.
Сиз иложи борича қимматроқ нарҳда 10 кг картошка сотишингиз керак. Агар 1 кг картошканинг нархи 165 сўмдан, умумий суммаси 1650 сўмдан кам бўлса зарар кўрасиз.	Сиз иложи борича қимматроқ нарҳда 10 кг картошка сотишингиз керак. Агар 1 кг картошканинг нархи 175 сўмдан, умумий суммаси 1750 сўмдан кам бўлса зарар кўрасиз.	Сиз иложи борича қимматроқ нарҳда 10 кг картошка сотишингиз керак. Агар 1 кг картошканинг нархи 185 сўмдан, умумий суммаси 1850 сўмдан кам бўлса зарар кўрасиз.

Талаб ва таклифнинг умумий миқдорини топиш учун унинг шкаласини аниқлашимиз керак.

Талаб – бу маълум бир вақт мобайнида харидорлар сотиб олиши мумкин бўлган нархлар бўйича товарлар миқдорини ифодаловчи шкала.

Таклиф – бу маълум бир вақт мобайнида ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқариши ва маълум бир нархларда сотиши мумкин бўлган товарлар миқдорини ифодаловчи шкала.

Шу таърифимиз асосида таклиф, сўнгра талаб шкаласини ҳисоблаб чиқамиз. Бу ерда шуни эслатиб ўтиш керакки, кўпинча, шкалани ҳисоблаётганда талабалар хатоликка йўл қўйиб, маълум бир нарҳда сотилиши мумкин бўлган товарлар миқдорини айнан шу нарх, шу миқдор бўйича олишади. Ваҳоланки, аввалги миқдорни ҳам қўшиш керак. Чунки 115 сўмдан 20 кг картошка сотиб олиши мумкин бўлган харидор табиий, 105 сўмдан ҳам сотиб олишга тайёр. Шунини ҳисобга олиб, таклиф ва талаб шкаласини ҳисоблаймиз.

Таклиф шкаласи.

Жадвалнинг биринчи устунида сотиш нархи, иккинчи устунда шу нарҳда ишлаб чиқарувчиларнинг сотадиган картошкалари миқдори, учинчи устун таклиф шкаласи. Унда шу нарҳда сотилиши мумкин бўлган умумий таклиф кўрсатилади. Унинг миқдори шу нарҳда сотилиши мумкин бўлган товарлар миқдорига тенг. Табиий, 10 кг. картошкани 105 сўмдан сотишга тайёр ҳар қандай сотувчи, уни 115 сўм ва ундан юқори нарҳда сўзсиз сотади.


Нарх (сўм)	10 кг. картошкани шу ва ундан юқори нарҳда сотишга тайёр сотувчилар	Таклиф шкаласи
105	4 та сотувчи (= 40 кг)	40
115	6 та сотувчи (= 60 кг)	100(40+60)
125	6 та сотувчи (= 60 кг)	160(100+60)
135	4 та сотувчи (= 40 кг)	200 (160+40)
145	4 та сотувчи (= 40 кг)	240 (200+40)
155	2 та сотувчи (= 20 кг)	260 (240+20)
165	2 та сотувчи (= 20 кг)	280 (260+20)
175	2 та сотувчи (= 20 кг)	300 (280+20)
185	2 та сотувчи (= 20 кг)	320 (300+20)

Талаб шкаласи

Жадвалда таклифни ҳисоблагандай тарзда талаб кўрсатилган. Талаб шкаласи шу ва ундан арзонроқ нархда сотиб олиниши мумкин бўлган товарлар миқдорини кўрсатади.

Нарх (сўм)	10 кг. картошкани шу нархда ва ундан арзон сотиб олиши мумкин бўлган харидорлар	Талаб шкаласи
195	4 та харидор (= 40)	40
185	4 та харидор (= 40)	80 (40+40)
175	4 та харидор (= 40)	120 (80+40)
165	4 та харидор (= 40)	160 (120+40)
155	4 та харидор (= 40)	200 (160+40)
145	4 та харидор (= 40)	240 (200+40)
135	2 та харидор (= 20)	260 (240+20)
125	2 та харидор (= 20)	280 (260+20)
115	2 та харидор (= 20)	300 (280+20)
105	2 та харидор (= 20)	320 (300+20)

Намойиш қилинувчи ва тарқатилувчи материал.
Картошкага талаб ва таклиф.



Шартнома номери	Сотувчининг (олувчининг) исми	Нарх		10 кг картошка суммаси		Ютуқ	Зара р
		Карточка	Битим	Карточк	Битим		
1	Нодира	бўйича	бўйича	150	бўйича	100	
2				бўйича			
3							

1раунд жами							
1							
2							
3							
:							
:							
2раунд жами							
Битимларнинг ҳаммаси							

Битимларни ҳисобга олиш варағини тўлдириш учун ҳар бир талаба аввало ўқитувчидан ёки ҳисобчи ролини бажараётган талабадан нарх ёзилган карточка олади. Сўнг, харидор бўлса харид қилади, сотувчи бўлса сотади. Олди ва сотди бўйича бир битимга келишгач, сотувчи харидорнинг, харидор эса сотувчининг исмини, ўз карточкасидаги ва битим бўйича бозорда келишилган нархни ведомостга ёзиб, карточкани қайтариб топширади ва янги карточка олади.

Масалан, Саодат 10 кг. картошкани Нодирага 125 сўмдан сотди. Унинг карточкасида 115 сўмдан камнархда сотсангиз зарар кўрасиз, деб ёзилган. Демак, у ўз картошқасини ўзи учун фойдали нархда сотибди. Унинг кўрган фойдаси 100 сўм. Буларни шартномаларни рўйхатдан ўтказиш варағига ёзиб қўяди. Нодиранинг карточкасида эса «харид нархи 145 сўмдан ошиб кетса, зарар кўрасиз» деб ёзилган.

Демак, бу битим Нодира учун ҳам фойдали бўлибди. У 10 кг. картошкани арзон нархда олиши эвазига 200 сўм кам пул сарфлабди. Бу унинг фойдаси. Нодира ҳам бу битимни ўзининг шартномаларни рўйхатдан ўтказиш варағига ёзиб қўяди

Карточкани қайтариб топшираётганда, албатта, неча сўмдан битим тузилганини айтиб, сўнгра янги карточка олиш керак. Бу битимни албатта ўқитувчи ёки ҳисобчи ролини бажараётган талаба ҳисобдан ўтказиши, регистрация қилиши керак. Бунда ўқитувчи сотувчиларни, ҳисобчи харидорлар битимини ҳисобдан ўтказиши мумкин.

Раунд тугагач, талаба ўзининг умумий натижасини ҳисоблайди. Ўйин тугагач, эса тузган барча битим(олган, сотган)ларининг ҳисобкитобини қилиб, олган фойда ёки зарарини ҳисоблаб чиқади.


Ўқитувчи талабалар орасидан энг кўп фойда олган ва зарар кўрган талабани аниқлаб, улардан бунинг сабабини сўрайди. Ҳолиб аниқланиб, унга рағбатлантирувчи совға ёки шу мавзу бўйича қўшимча балл берилиши мумкин.

Намойиш қилинадиган материал.

Гуруҳнинг ҳисоб ведомости.

1 кг картошка нархи, кг/сўм	1раунд (синовчи)	2раунд (битим сони)	3раунд (битим сони)	2 ва 3-раунднинг натижаси (битим сони ва миқдори)
105				
115				
125				
135				
145				
155				
165				
175				
185				
195				

Намойиш қилинувчи материал. Картошкага талаб ва таклиф.



Дарс ўтказиш.

Моделлаштирувчи ўйинни ўтказиш учун гуруҳ талабалари иккига бўлинади. Гуруҳнинг ярми сотувчи ролини, ярми харидор ролини бажаради. Харидорларнинг қўлига аввалдан тайёрланган карточкани бериб, ўйин қондаси тушунтирилади. Талабалардан бирини ёрдамчи сифатида карточкаларни тарқатиш ва иккинчисини олдисотдини назорат қилувчи, ҳисобга олувчи қилиб белгилаш мумкин.

1. Харидор ва сотувчининг карточкалари алоҳида сакланиб, ҳар бир раундда аралаштирилиши лозим. Ҳар бир талаба карточкани олгач, шартнома тузиш учун шерик қидиради. Битим тузаётганда карточкада белгиланган нархга аҳамият бериш керак.

2. Аудиторияда маълум бир жойни бозор қилиш.

3. Ўйинда ким сотувчи ёки харидор бўлса, охиригача бўлади.

4. Талабаларга «**Шартномани рўйхатдан ўтказиш варағи**» тарқатилади. Ҳар бир талаба шартнома тузгач, албатта ўзининг ведомостини тўлдириши керак. Ким билан битим тузган бўлса, исмини ёзиши, карточкадаги нархни ҳамда тузган шартнома бўйича нархни ёзиб қўйиши керак. Бу олган фойдаси ёки зарарини ҳисоблаш, ғолибни аниқлашга ёрдам беради. Талабаларга, улар шартнома тузаётганда ҳисоблаш осон бўлиши учун охири 5 ёки 0 билан тугайдиган рақам билан нархга келишганлари маъқуллигини эслатиш лозим.

5. Талабаларнинг шахсий ҳисоб варақларини тўғри тўлдиришаётганини аниқлаш учун синов раундидан кейин, бу варақларни кўздан кечириш керак. Синов раундидаги шартнома умумий ҳисобкитобга киритилмайди.

6. Бозорда олдисотди 5 дақиқадан (ёки 2,3 раунд 10 дақиқадан) уч раундда ўтказилиши, биринчи синов раунди бўлиши, иккинчи ва учинчиси ҳақиқий ҳисобга олинишини эълон қилиниши керак.

7. Намойиш қилинувчи ва тарқатилувчи материалдан фойдаланиб, шартномаларни ҳисобкитоб қилиш.

8. Ҳар бир раунддан сўнг, талабалар ўз натижаларини ҳисоблаб чиқиши учун вақт ажратиш.

9. Талабаларни иложи борича кўпроқ шартнома тузишга рағбатлантириш керак. Улар ўз карточкаларини шартнома тузгандан сўнггина топширишлари мумкин. Шунинг учун улар зарар кўрсалар ҳам шартнома тузишлари керак. Ҳар бир талаба ўз фойдасини кўпайтириш ёки зарарини камайитиришга ҳаракат қилиши керак.

Биринчи раундда нархлар бирбиридан катта фарқ қилиши мумкин.

Бозордаги мувозанат нархини қандай аниқлаш мумкин? Бунинг учун талаб ва таклиф шкаласи маълумотлари асосида белгиланган нуқталарни бирлаштириш натижасида ҳосил қилинган талаб ва таклиф эгри чизиқлари ёрдамида жавоб берамиз. Улар сотувчи ёки харидорнинг хаттиҳаракатини изоҳлайди. Ана шу эгри чизиқлар кесишган нуқта (фокал нуқта) мувозанат нуқтаси бўлади. Ана шу нуқтага мос нарх эса мувозанат нархи дейилади. Талабалар ўзлари чизган график билан ўқитувчи чизган графикни солиштиришлари мумкин. Графикни муҳокама қилиш жараёнида ўқитувчи талабаларга «Пировард бозор нархини ким ўрнатади, сотувчимиз ёки харидор?» деб мурожаат қилиши мумкин. (Албатта, бозордаги нархни сотувчи ва харидор биргаликда ўрнатади).

Қандай қилиб сотувчи ва харидор ўртасидаги рақобат нархга таъсир кўрсатади?

10. Белгиланган вақт тугагач ўйинни тўхтатиш ҳамда талабаларни картошка бозоридаги умумий шартномалар билан таништириш керак. Ҳар бир қатнашувчи ўзидан бошқаларни шартномалари қандай тузилгани билан танишишади.

11. Иккинчи раундда талаба ўзи белгилаган нархни баланд овозда эълон қилишига рухсат бериши мумкин. Бу ҳам ахборот оқимини тезлаштиради.

Ўйин тугагач, уни муҳокама қилиш бошланади. Ўйиннинг муҳокамасида кўп фойда ёки зарар кўрган талабалар аниқланиб, уларнинг натижагалари изоҳланади.

Шартномаларни ҳисобга олиш варағи орқали картошка бозорида нархлар мувозанат нархи томон ўзгариб борганини кўрсатиш керак.

Бунинг учун талабаларга: ҳар бир раундда картошканинг нархи қандай бўлган, энг кўп миқдорда неча сўмдан сотилган?

Нархлардаги фарқ қайси раундда энг кўп?

Нима сабабдан охириги раундда нархлар нисбатан бирбирига яқин, деб мурожаат қилиш мумкин.

Биринчи ва иккинчи саволга олинган маълумотлар асосида жавоб берсак, учинчи саволга бозордаги рақобат кураши, харидор ва сотувчиларнинг кўпроқ ахборотга эга бўлиши сабабларини кўрсатиш мумкин.

Сотувчи ва харидорлар гуруҳидан бирортаси мустақил равишда нархни назорат қилиш имконига эга эмас. Бунга рақобат йўл қўймайди. Харидорлар харидорлар билан сотувчилар сотувчилар билан рақобат қилишига талабаларнинг диққатини қаратиш керак.

Чизилган график асосида сотувчи ёки харидор ютуғини ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қўшимча машқ.

Номукамал рақобат шароитида нарх қандай шаклланишини синаб кўриш учун шу ўйинни «Рақобат ва бозор нархларининг шаклланиши» мавзусини ўтганда кўриш мумкин. Бунда сотувчилар чекланган бўлади. Биринчи раундда сотувчиларга алоҳида карточкалар берилиб, бирбирлари билан келишишларига йўл қўймай, бозорга чиқарилади. Иккинчи раундда эса уларни келишиб олишларига имкон бериб, бозор бошланади. Раунд тугагач, уларнинг олган фойдаси қандай ўзгарганини муҳокама қилинади:

1) Эркин бозорга нисбатан, сотувчилар кам, лекин бирбирлари билан келиша олмайдиган шароитда.

2) Сотувчилар ўзаро келишишлари мумкин бўлган шароитда.

Ўйин талабалар сони 20 тадан кам бўлмаган гуруҳларда нисбатан яхши ўтади.

4§. Асарларни ўрганишда ўйин методини қўллаш (Ўзбекистон Президентининг асарлари мисолида)

Асарлар ёки илмий мақолани муҳокама қилишда моделлаштирувчи ўйин методини қўллаш яхши натижа беради. Ўйинни конкурс шаклида ўтказиш мумкин. Бунинг учун гуруҳ талабалари икки команда ва ҳайъат аъзоларига(2 ёки 4 талаба) бўлинади. Ҳайъат аъзоларига ўқитувчи бошчилик қилади. Барча талабаларга асарни, мақолани чуқур ўрганиш ва конспект қилиш топширилади. Танлов тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва натижасини муҳокама қилиш асосида ташкил қилинади. Уни қандай ўтказишни Президентимиз асарлари мисолида кўриб чиқамиз. Конкурс учун 2 асарни оламиз. Улар:

1. Ўзбекистон: иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.

2. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафвсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.

Танловни олиб бориш учун ҳар икки жамоадан биттадан бошловчи тавсия қилинади.

Конкурсда ҳар бир жамоа учун 4 тадан топшириқ берилади. Булар:

саволга жавоб; тест вариантларини ечиш; аввалдан тайёрланган уй вазифаси, талабалар томонидан тайёрланган асар билан боғлиқ кичик сахналаштирилган эпизод, 4топшириқ талабалар томонидан тест тузиш ва унга жавоб бериш бўлсин.

1 топшириқ, ҳар бир жамоага 3 тадан савол берилади. Саволлар бир хилда конвертларга жойланади. Ҳар бир командадан бир талаба чиқиб, конвертни олиб, саволни ўқийди ва жавоб беради. Жавоб бера олмаса, команда ёрдамга келади. Команда ҳам жавоб бера олмаса рақиб жамоа жавоб бериши мумкин. Ҳар бир тўғри жавоб 1 балл ҳисобланади. Уни ўқитувчи белгилайди.

1. Савол: Биринчи босқич – тоталитар тизимдан замонавий бозор муносабатларига ўтиш босқичида иккита ҳал қилувчи вазифани бирданига ҳал қилишга тўғри келди.

Ана шу ҳал қилувчи вазифанинг биринчисини айтинг.

Жавоб:

- Маъмурий буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш.

2. Савол: Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида иккита ҳал қилувчи вазифани бирданига ҳал қилишга тўғри келди.

Ана шу ҳал қилувчи вазифанинг иккинчисини айтинг.

Жавоб:

Республикамизнинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш.

3. Савол: Нима сабабдан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг негизи ҳисобланади?

Жавоб:

Чунки кичик ва ўрта бизнес бозор талабига тезда мослашади ва самарали хўжалик юритилади.

4. Савол. Нима сабабдан инвестицияларни жалб қилишга катта аҳамият берилаяпти?

Жавоб:

- Чунки иқтисодий ўсишга инвестициялар қўйилгандагина эришилади.

5. Савол: Нима сабабдан Президентимиз нутқларида рақобатчилик муҳити яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланади?

Жавоб:

- Чунки рақобатчилик муҳити бўлмаса ривожланиш бўлмайди.

6. Савол: Нима сабабдан Президентимиз нутқларида солиқларни миқдорини турли йўллар билан ошириш давлатга ҳам, жамиятга ҳам наф бермаслиги таъкидланди?

Жавоб:

- Чунки солиқларни ҳаддан зиёд кўпайтириш охиरोқибат ишлаб чиқаришни қискартиришга олиб келади.

7. Савол. И. А. Каримов ўзининг мазкур асарида, доно халқимиз нимани ўргатади, деб таъкидлайди?

Жавоб. Доно халқимиз янги уй қурмай туриб, эскисини бузмасликни ўргатади.

8. Савол. “Ислохотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш бир қанча муҳим йўналишлар бўйича амалга оширилади,” деб ёзади И. А. Каримов. Шу йўналишлар нечта деб ўйлайсиз ва қисқача таъриф беринг.

Жавоб. Бу йўналишлар 5 та бўлиб, **биринчи йўналиш** – Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, иқтисодий мустақилликнинг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатни бошқариш қоидаларини тартибга солувчи қонунларни қабул қилиш. **Иккинчи йўналиш** тизимдаги ўзгаришларга, сифат жиҳатдан янги иқтисодий муносабатларга ва, энг аввало, мулкчилик муносабатларига асос соладиган қонунлар мажмуини яратиш. **Учинчи йўналиш** хўжалик юритишнинг ва институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган янги механизмини яратиш. **Тўртинчи йўналиш** Ўзбекистонни халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида таърифловчи ҳуқуқий нормаларни яратишдан иборат. **Бешинчи йўналиш** инсоннинг ишончли конституцион ва юридик ҳуқуқларини, ижтимоий қафолатларни ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган қонунларни ишлаб чиқишдан иборат.

9. Савол. Бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб нима хизмат қилади?

Жавоб. Мулкчилик масаласини ҳал қилиш, бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади.

10. Савол. Бозор инфраструктурасини шакллантириш сари ташланган биринчи қадам нимадан иборат?

Жавоб. Бозор инфраструктурасини шакллантириш сари ташланган биринчи қадам маҳсулот етказиб беришга мажбурий давлат буюртмаси тизимининг, уни ишлаб чиқаришни фондаштирилган ресурслар билан марказлашган тартибда таъминлашнинг тугатилишидан иборат бўлади.

11. Савол. Асарда, Она заминимиз ниманинг асосий манбаи дейилади?

Жавоб. Она заминимиз бойлигимизнинг, мустақиллигимизнинг ва гўзал келажакка ишончимизнинг асосий манбаидир.

12. Савол. Мазкур асарда бизнинг пировард мақсадимиз тўғрисида нима дейилган?

Жавоб. Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат.

13. Савол. Барча ислохотларнинг асл мақсади нималарни вужудга келтиришдан иборат?

Жавоб. Барча ислохотларнинг асл мақсади, **биринчидан**, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичмабосқич шакллантириш, қудратли ва тинимсиз ривожланиб борадиган, миллий бойликнинг ортишини, кишилар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шартшароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш. **Иккинчидан**, кўп укладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулкдан маҳрум қилишга барҳам бериш, ташаббускорлик ва удабуронликни бутун чоралар билан ривожлантириш негизи бўлган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш. **Учинчидан**, корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини бартараф этиш, иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш. **Тўртинчидан**, иқтисодиётда моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур структуравий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш. **Бешинчидан**, кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунё қарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имконини беришларни вужудга келтиришдан иборат.

Ҳар икки жамоа аъзолари жавоб бериб бўлгач, жавоблар баҳоланиб, командалар йиққан баллар эълон қилинади.

2топширик тест шаклида тайёрланган. Бунда ўқитувчи томонидан командалар учун мини тест тайёрланади. Ҳар бир тест саволига жавоб бериш учун 1 дақиқадан вақт ажратилади. Тўғри жавобнинг ҳар бирига 1 баллдан баҳо қўйилади. Тестнинг тўғри жавоблари ҳайъат аъзоларига берилади(мисолимизда улар ажратиб кўрсатилган).

Тестларимиз қуйидагича бўлсин.

1команда учун тестлар

1. Биринчи босқичда...
 - а) бешта ҳал қилувчи вазифани;
 - б) учта ҳал қилувчи вазифани;
 - в) иккита ҳал қилувчи вазифани;**
 - г) асосий вазифани;бирданига ҳал қилишга тўғри келди.
2. Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимини...
 - а) умумлаштиради;
 - б) бир бутун қилиб бирлаштиради;
 - в) ташкил қилади;
 - г) тамал тоши бўлиб хизмат қилади.**
3. Бозор муносабатларини шакллантиришни тегишли муҳитсизтовар, пул бозорларида ва меҳнат ресурслари бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро алоқани таъминлаши керак бўлган ...
 - а) транспортсиз;
 - б) бозор инфраструктурасиз;**
 - в) банкларсиз;
 - г) ахборот коммуникациясиз тасаввур этиб бўлмайди.
4. Бутун аграр сиёсатнинг муҳим масаласинегизи: ...
 - а) фермер хўжаликларини ташкил қилиш масаласидир;
 - б) ерга мулкчилик масаласидир;**
 - в) кишлоқ хўжалигини техника, минерал ўғит билан таъминлаш масаласидир;
 - г) аграр инфраструктурани ташкил этиш масаласидир.
5. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида янги тизим учун: ...
 - а) ишончли пойдевор яратиш вазифаси қўйилди ва ҳал қилинди;**
 - б) санъатни ривожлантириш вазифаси қўйилди;
 - в) кишлоқ хўжалигини ривожлантириш вазифаси қўйилди;
 - г) транспорт коммуникациясини ривожлантириш вазифаси қўйилди.

2жамоа учун тестлар

1. Президентимиз «Доно халқимиз янги уй курмай туриб, ...
 - а) эскисини сотмаслик керак;
 - б) эскисини бировга бермаслик керак;
 - в) эскисини бузмаслик керак;**
 - г) эскисини бировга тухфа қилмасликни ўргатади

»,деб таъкидлайди.

2. Энг чуқур таркибий ўзгаришлар ...

а) иқтисодийнинг таркибий тармоқлари ва айрим соҳаларини бошқариш тизимида юз берди.

б) транспорт тармоқларида юз берди.

в) кишлок хўжалиги тармоқларида юз берди.

г) ёқилғи саноатида юз берди.

3. И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” асари биринчи марта...

а) 1992 йили;

б) 1996 йили;

в) 1995 йили;

г) 1994 йили нашрдан чиққан.

4. Ижтимоий ҳимоя ...

а) барча табақаларни қамраб олиши керак.

б) аниқ мақсадли ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб оладиган бўлиши керак.

в) аниқ мақсадли бўлиши керак.

г) аҳолининг айрим табақаларига қаратилган бўлиши керак.

5. Иқтисодий барқарорликка эришиш билан бирга аҳолини ижтимоий ҳимоя тадбирлари кўрилганлиги Республикада ...

а) барқарор ижтимоийсиёсий вазиятни таъминлаш имконини берди.

б) тинчликни таъминлаш имконини берди.

в) аҳолининг даромадини таъминлади.

г) аҳолини иш билан таъминлаш имконини берди.

Жавоблар баҳоланади. Командалар йиққан баллар эълон қилинади.

Учинчи топшириқ жамоалар учун уй вазифаси. Бизни танловимизда уйга вазифа қилиб, И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асари бўйича кичик саҳна кўриниши тайёрлашни беришимиз мумкин. Асар 16 параграфдан иборат, демак камида 16 та саҳналантирилган кўриниш тайёрлаш мумкин. Ўқитувчи уни аввалдан режалаштиради. 1 жамоа диний экстремизм ва фундаментализм, 2 жамоа эса коррупция ва жиноятчилик бўйича тайёрлаши мумкин.

Бир гуруҳ томонидан тайёрланган кўриниш иккинчи гуруҳ томонидан қайтарилмаслиги керак. Жамоалар саҳна кўринишини намойиш қилиб бўлгач, у хайъат аъзолари томонидан баҳоланади. Максимал баҳо 5 балл. Ҳакамлар талабаларнинг чиқишларини баҳолайдилар ва балларни эълон қиладилар.

4 топшириқ ҳар бир жамоа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоийиқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимизнинг “Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим”номли маърузаси бўйича 5 тадан тест тузиш топширилади. Ҳар бирларининг тузган тестларга рақиб команда аъзолари жавоб беришади. Ҳар бир тўғри тузилган тест ва унга берилган тўғри жавобга 1 балл берилади.

Талабалар барча топшириқларни аъло даражада бажарсалар, максимал 23 балл тўплашлари мумкин.

Жамоалар жавобини баҳолаш жадвали

Топшириқ мазмуни	Тўғри жавоб	Нотўғри жавоб	1 команда тўплаган балл	2 команда тўплаган балл
Биринчи топшириқ: 1 саволга жавоб: 2 саволга жавоб: 3 саволга жавоб: Жами балл				
Иккинчи топшириқ: Тест ечиш:				
Учинчи топшириқ: Асар бўйича сахналаштирилган кўриниш тайёрлаш Жами балл	1. 2. 3. 4. 5.			
Тўртинчи топшириқ: тест тузиш: тестга жавоб бериш: Жами балл				
Ҳаммаси:				

Талабалар томонидан тайёрланган сахна кўринишини баҳолаш мезонлари:

МЕЗОНЛАР	Максимал балл
1. Танланган муаммонинг долзарблиги	1
2. Танланган муаммонинг асар мазмунига мослиги	1
3. Кўринишда асар мазмунининг ифодаланиши	1
4. Танланган муаммонинг ёритилиши	1
5. Талабаларнинг ўз ролларини ўйнаш маҳорати	1

«МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ» ўтказиш

Бу метод асосида дарс ўтиш учун гуруҳни «мухбирлар» ва «масъул ходимлар(давлат, фан арбоблари)» га бўлинади, ёки учга «мухбирлар» «масъул ходимлар» уларни саволи ва жавобларини баҳоловчи «эксперт гуруҳ»ларга бўлиш мумкин. Барча талабаларга мавзуни атрофлича ўрганиш, матбуотда эълон қилинган янги қандай қонун ёки фармонларга аҳамият бериб, дарсга тайёрланиб келиш вазифаси топширилади. Амалий машғулот(семинар)да гуруҳ талабалари учга бўлинади:

1. «Мухбирлар».
2. «Давлат» ва «фан арбоблари», «масъул ходимлар».
3. Экспертлар гуруҳи.

«Мухбирлар» гуруҳига мавзуни чуқур ўрганиб, реал ҳаётда улар бўйича қандай муаммолар борлигини аниқлаб, шулар асосида савол тайёрлаб келиш топширилади. Савол тарикасида ўзлари тайёрлаган энг яхшиларини беришлари лозимлиги, чунки экспертлар энг яхши саволни танлаб, кўрсатишлари уқтирилади.

Иккинчи, «давлат, фан арбоблари», «масъул ходимлар» гуруҳи ҳам дарсга мухбирлардан кам бўлмаган даражада тайёрланиб келишлари лозим. Экспертлар энг яхши жавобни ҳам алоҳида кўрсатишлари таъкидланади.

Учинчи, «экспертлар» гуруҳи дарсга ниҳоятда пухта тайёрланишлари зарур. Чунки улар (3 ёки 5 киши) «мухбир»ларнинг саволлари ва унга жавобларни баҳолашади. Уларни савол ва жавобларни нақадар тўғри баҳолаганлари гуруҳ талабалари ўртасида муҳокама қилинади. Ҳар бир тўғри савол ва тўғри жавоб 1 балл, нотўғри савол ва жавоб 0 балл

билан баҳоланади. Экспертлар баҳолаш жадвали ёрдамида ҳар бир талабанинг индивидуал ва гуруҳ балини эълон қилишади. Ўқитувчи дарсни боришини кузатиб, «эксперт»лар фаолиятига талабалар ўз фикрларини билдиргач, уларни баҳолайди. Ҳолиб жамоани эълон қилади. Дарсга яқун ясайди(VII боб 5§га қаранг).

5§. Методнинг афзалликлари ва камчиликлари

Моделлаштирувчи амалий ўйин – бу билим олиш, ўрганишнинг комплекс варианти ҳисобланади. Чунки ўйин мобайнида турли усуллардан фойдаланилади. Ўйиннинг муваффақияти бевосита унинг билимдонлик билан танланиши, бажаришига, талабаларни ўз ролларини маъносини тушуниб етишига боғлиқ.

Бу методнинг афзаллиги шундаки, талаба масаланинг моҳиятига қарашини, аввалги нуқтаи назарини ўзгартириш имконига эга. Моделлаштирувчи ўйин мотивация нуқтаи назаридан ҳам фойдали. Талабалар кўпинча бундай ўйиндан қаноат ҳосил қилиб, янги ўрганганларини ўртоқлашадилар. Дарсга фаол қатнашадилар.

Талабалар бир қарорга келишни эксперимент қилишлари ва уни оқибатини (минимал хатар билан) кузатишлари мумкин. Моделлаштирувчи ўйин ёрдамида талабаларни реал ҳаёт воқеликлари билан таништириш устунликка эга. Бунда қўйилган саволларга жавоб топиш ва реал муаммоларни ечиш учун талабаларнинг шахсан ўзлари қатнашадилар, реал ҳаётнинг назарий модели билан танишадилар. Масалан, бозорда мувозанат нархи қандай ўрнатилади, танлов қандай амалга ошади ва ҳоказо.

Моделлаштирилган ўйин методи ўқитувчига дарс беришнинг усулларини ўзгартиришга катта имконият беради.

Моделлаштирувчи ўйин методининг афзалликлари.

- Талабаларни дарсга фаол қатнашуви ва иқтисодий категориялар мазмунини чуқурроқ ўзлаштириши таъминланади;
- мустақил ҳаракат қилиш, қарор қабул қилишга имкон яратади;
- ўзаро алоқа, мулоқот таъминланади;
- тушунчаларни амалиётда қўллаш учун шароит яратилади;
- дарс ўтишнинг турлича услубларини биргаликда қўллаш имкони яратилади;
- талабаларнинг дарсга қизиқишини орттиради. Дарсдаги вазиятни кўп жиҳатдан талабалар назорат қилади;
- ўқитувчининг асосий роли дарсни ташкил этиш;
- талабанинг ички ҳиссиёти, масаланинг моҳиятига қарашини

ўзгартириши мумкин.

Ҳар қандай метод каби бу услубда ҳам қатор камчиликлар бор. Аудиторияда реал жараёнларни соддалаштиришга тўғри келади. У бир томондан етарли даражада содда, иккинчи томондан етарли даражада реал ҳаётга яқин бўлиши, реал жараёнларни ифодаланиши, буни ҳисобига қимматли тажриба ўргатувчи бўлиши керак. Моделлаштирувчи ўйин ўқитувчидан синчковлик билан пухта тайёргарлик кўришни талаб қилади. Дарсликка таянган ҳолда дарс ўтиш ўқитувчидан нисбатан кам вақт, камроқ куч, диққат талаб қилади. Аммо, ҳамма дарсни моделлаштирувчи ўйин ўтказиш билан олиб бориб бўлмайди. Кўпинча, моделлаштириш билим олишнинг кульминацияси бўлиб, фаннинг баъзи бир асосий, уларни ўрганиш бошқаларига йўл очиб берадиган категориялари, қонунларини ўрганишда қўлланилади.

Моделлаштирувчи ўйиндан фойдаланишдаги муҳим чекланиш – бу конкрет ўқитувчининг характери, услубига боғлиқ. Кўпчилик ўқитувчилар анъанавий услублар асосида дарс ўтишга ўрганиб қолишган, шунинг учун уларга шу услублар самаралироқ туюлади.

Моделлаштириш талабаларни фаоллигини оширади. Бу яхши, лекин талабаларнинг ўйинга қизиқиб кетишлари оқибатида баъзи бир номақбул ҳолатлар юз бериши мумкин. Яъни ролга берилиб кетиб, айрим талабаларни алдаш ёки қонидани бузиш ҳисобига ғолиб бўлишга ҳаракат қилиши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи вақтивакти билан талабаларга моделлаштирувчи ўйиннинг мақсади билим олиш, тажрибага эга бўлиш эканини эслатиб туриши керак.

Бу услубни қўллаш билан боғлиқ яна бир муаммо вақт масаласидир. У кўп вақт талаб қилади. Шунинг учун кўп ўқитувчилар вақтни қизғаниб, бу услубдан жуда кам фойдаланишади. Агар ўқитувчи ўтилган материални мустаҳкамлаш, талабанинг билимини пухта бўлишини кўзласа, вақтнинг бир мунча ортиқча сарфланиши ўзини оқлайди.

Методнинг камчиликлари:

- Реалликни ҳаддан ташқари содаллаштиришга олиб келиши, натижада олинган билимни ҳаётда қўллаш нисбатан қийин, фойдаси кам бўлиши мумкин.
- Вақтдан самарасиз фойдаланиш.
- Мавзу бўйича унинг мазмунини ифодалайдиган ўйин тайёрлаш қийин.
- Ўйинга тайёргарликка кўп вақт кетиши.
- Талабаларни доимо зарур даражада назорат қилиб туриш қийин.

Умуман олганда, методнинг камчиликларидан афзаллик томонлари кўпроқ. Дарс жараёнида барча мавзуларда қўллашнинг иложи йўқ, бунинг ҳожати ҳам йўқ. Лекин муҳокама қилинаётган саволга мос мавзуларда ўйинлар тайёрлаш зарур.

Асосий таянч тушунча ва атамалар

Моделлаштирувчи ўйин, имитацион ўйин, амалий ўйин, рол ўйинлари, ўйиннинг дидактик мақсади, ўйиннинг тарбиявий мақсади, ўйин босқичлари, мўлжалга олиш фазаси, ўйинни ўтказишга тайёргарлик, ўйинни ўтказиш, ўйинни муҳокама қилиш, ўйинни танлаш.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар:

1. Дарс ўтиш методлари орасида моделлаштирувчи ўйин методи, сизнингча, қайси жиҳатлари билан ажралиб туради?
2. Ўйин асосида дарс ўтишда қандай мақсадлар кўзланади?
3. Моделлаштирувчи ўйин шартли равишда қандай шаклларга бўлинади? Уларни сизнингча, фарқи борми ёки йўқ?
4. “Картошка бозори” ўйини билан танишдингиз. Шундай ёки шунга ўхшаш ўйин методини қўллаб дарс ўтказа оласизми?
5. Танлов асосида ўйин дарс ўтишга қандай қарайсиз? Ёки уни дарсдан ташқари вақтда ўтказган маъқулми?
6. Методнинг асосий афзалликлари ва камчиликларини айтиб бера оласизми?

Х боб. ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎРГАНИШДА ТАДҚИҚОТ ВА МУНОЗАРА МЕТОДИ

1§. Иқтисодий фанларни ўрганишда тадқиқот методи ва унинг бошқа услублардан фарқи

Иқтисодиётни ўрганишда тадқиқот методини қўллаш талабаларнинг пухта билим олишларига катта ёрдам беради. Сабаби, иқтисодиёт доимо кишиларни олдига танлов муаммосини қўяди, чунки ресурслар чекланган, уларни бир мақсаддагина ишлатиш мумкин, уни иккинчи мақсадда ишлатиб бўлмайди. Масалан, ерга уй қурилса, энди у ерга экин экиб ёки йўл қуриб бўлмайди. Бунинг учун уйни бузиш керак.

Дарс беришнинг бу методи олдига икки мақсад қўйилади:

1. Мавзунинг мазмунини ўзлаштириш ва илмий методлардан фойдаланишни ўрганиш;

2. Ахборотлар, далиллар, маълумотлар асосида тадқиқот ўтказиш жараёнида қатнашиш орқали талабаларни ахборот тўплаш ва уни устида ишлаш, хулоса чиқариб, баҳолашга ўргатиш.

Тадқиқотчилик қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- тадқиқотга оид далиллар, ҳодисалар моҳияти, уларнинг алоқадорлик ва нисбатларини аниқлаш;

- тадқиқот доирасини, уни рўёбга чиқариш йўллари аниқлаш;

- тадқиқот мақсадини белгилаш ва мувофиқ равишда вазифаларни аниқлаш;

- тадқиқот ўтказиш режасини тузиш;

- тадқиқотни амалга ошириш;

- тадқиқот ечимининг тўғрилигини амалда исботлаш.

Тадқиқот методи асосида дарс ўтиш индуктив ва дедуктив мантикқа таяниши мумкин.

Тадқиқотнинг дедуктив методга асосланиши иқтисодиётда қатор тайёр қоида, қонунлар мавжудлиги, улардан қўйилган муаммоларни ечишда фойдаланса бўлишига таянади. Бу қонун, қоидалар талабаларга зарур ахборотни кераксиз маълумотлардан ажратишга ёрдам беради. Тадқиқот жараёнида изланишни тўғри йўлдан боришига қўмаклашади.

Индуктив методни қўллаш ёрдамида талабалар маълумот, ахборотга асосланиб, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ҳақида янги илмий тахмин (гипотеза)ларни илгари суриши ёки илгари билдирилганларини текшириб кўриши мумкин. Бунда, бир муқобил қиймат иккинчиси билан солиштирилади. Шунинг учун кишиларнинг хаттиҳаракати қандай бўлишини ва маълумотларни синчковлик билан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бунга тадқиқот услуги орқали эришиш мумкин.

Бу услубнинг бошқа методлардан фарқи, у талабаларни фикр юритиши юқори даражада бўлиши, бор интеллектуал қобилиятларини ишга солишни талаб қилади. Таниқли америкалик мутахассис *Бенжамин* тавсия қилган билишнинг олти босқичининг энг юқори босқичига тўғри келади. У баҳолаш бўлиб, баҳолашни уддасидан чиқиш учун олган билимининг ёдга тушириш, қўйилган масалани тушуна билиш, қўллай олиш, таҳлил қилиш, синтез қилишни билиши, турли вариантларни таққослаши, охиरोқибат хулоса чиқара оладиган даражада билимга эга бўлиши керак. Шунинг учун ҳам бу услубни талабаларнинг тайёргарлиги, фаоллигини таъминлаш, билим даражасини ошириш асосида барча гуруҳларда қўллаш мумкин бўлади. Бунинг учун талабаларни ахборот тўплаш, мустақил равишда адабиётларни ўқиб, жадвал ва графиклардан фойдаланишни ўрганишларини кузатиш, аниқлаш ва бу кўникмаларни ҳосил қилишлари учун ёрдам

¹ Benjamin Bloom et al., eds., *Taxonomy of Educational Objectives, Handbook J: Cognitive Domain* (New York: Mc Kay, 1956).

бериш керак.

Методни қўллаш учун ўқитувчи пухта тайёргарлик кўриши керак:

1. Дарсда талабаларни қизиқтирадиган савол ёки масала қўйилади.
2. Ўқитувчи талабаларга биронбир гипотеза таклиф қилиши ёки талабаларнинг ўзлари муҳокама қилаётган масаланинг ечимини мумкин бўлган вариантларини таклиф қилишлари, тушунтиришлари лозим.

3. Талабалар маълумотлар, ахборотлар тўплашади. Мустақил равишда адабиётлар ўқиб, жадвал, график, видеофильм ва бошқаларни ўрганиб, шахсан тадқиқот ўтказди ёки дарсда тадқиқот ўтказишда қатнашади.

4. Олинган маълумотлар асосида қўйилган масала бўйича хулоса чиқарилади.

5. Айтилган гипотеза тўғрими ёки йўқлиги, аниқланади. Нотўғри бўлса чиқарилган хулоса бўйича янги таъриф берилади.

Иқтисодий масалалар, муаммоларни тадқиқ қилишда дедуктив тахминлар кенг қўлланилади. Улар масалани, муаммони ечишда одамларнинг саъйҳаракати қандай бўлиши мумкин, улар нимани танлашлари мумкин, бунинг сабаби нимада эканлигини тушунишга ёрдам беради. Бу тахминлар одамларнинг иқтисодий фикрлаш тарзини қандай кечиши мумкинлиги, у нималарга боғлиқлигини англай билишимизга боғлиқ. Тадқиқот ўтказишда ана шу тахминлардан фойдаланамиз. Улар асосида хулоса чиқарамиз.

Иқтисодий фикрлаш тарзи

1. **Одамлар танлайдилар.** Ҳамма ким бўлиши, нима иш қилиши, қаерда яшашидан қатъий назар чекланганлик муаммосига дуч келади. Шунинг учун танлаш ва қарор қабул қилишга мажбур.

2. **Танлов харажатлар билан боғлиқ.** Одамлар муқобил вариантлар орасидан энг юқори наф келтирадиган ёки энг кам харажат талаб қиладиган вариантларни танлашади.

3. **Рағбатлантириш(стимуллар)га қандай тарзда эътибор қилишлари, қандай муносабатда бўлишларини олдиндан айтиш мумкин.** Стимуллар турлитуман, жумладан пул шаклида ёки жисмоний қониқиш тарзида ҳам бўлиши мумкин.

4. **Иқтисодий тизимлар яратилади.** У ўз навбатида индивидуал танлов стимулларига таъсир кўрсатади. Ҳар доим бирон бир киши у ёки бу муқобил вариантни чекловчи, у ёки бу танловни афзал кўрар экан, ёки қўшимча муқобил вариантни ҳосил қилар экан, бошқалар учун стимул ўзгаради. Ҳар сафар қонун ёки тартиб ўзгарганда муқобил вариантлар чекланади ёки стимуллар ўзгаради.

5. **Ихтиёрий айирбошлашда қатнашганлар доимо ютишади.** Ҳар сафар икки ва ундан ортиқ киши айирбошлашни амалга оширар экан, ҳар бир киши ўзи учун камроқ қадрланадиган ёки унчалик зарур бўлмаган нарсани қадрланадиган, зарур нарсага алмаштирадидлар. Натижада айирбошлаш ҳар икки томон учун қўшимча қадрқиммат яратади. Шундай тарзда бутун иқтисодиётда ҳам айирбошлаш ҳар икки томон учун манфаатли бўлади

6. **Танлов келажакда намоён бўладиган маълум бир оқибатга олиб келади.** Танлаш натижасида кўзланган мақсадга етиш мумкин. Лекин келажакда у қандай оқибатга олиб келади, буни баҳолаш қийин. Шунинг учун жуда кўп қарорлар таваккал бўлиб, уларда маълум даражада хатар мужассамланган. Шунинг учун ҳам танлаш риск қилишдир.

Талабалар бирон масалани, муаммони ўрганар эканлар, инсонларнинг ана шу иқтисодий фикрлаш тарзини ёддан чиқармасликлари лозим.

Бу метод дарс беришнинг бошқа методларидан:

- 1) иқтисодий фикрлашнинг юқори босқичига асосланганлиги;
- 2) талабаларнинг бор интеллектуал қобилиятларини ишга солиши;
- 3) илмий изланишда талабаларни бевосита иштирок этишлари;
- 4) маълумотлар, далиллар асосида ҳисобкитоб қилиб, хулоса чиқариш ва баҳолашга ўргатиши билан фарқланади.

2§. Дарсни тадқиқот методи асосида ташкил этиш

Дарс жараёнида ўқитувчи тадқиқот методини турлича қўллаши мумкин. Жадвал маълумотлари, график, диаграммалар ёрдамида тадқиқот методини қўллаш қулай.

Биз тадқиқот методини моделлаштирувчи, имитацион ўйин асосида, дарс ўтишни мулк муносабатлари мисолида кўриб чиқамиз.

Мулк муносабатлари мавзуси бўйича дарс ўтиш жараёнида тадқиқот методини қўллаш мулкчилик мазмунини тушунарли бўлишига ёрдам беради.

1. Мақсад: мулкчилик, мулк муносабатларини, мулкка иқтисодий ва ҳуқуқий категория сифатида тушунтириб бериш.

2. Мулк ҳуқуқини ресурсларни тақсимланишида қандай роль ўйнашини таҳлил қилиш.

3. Ўйин ўтказиш учун материаллар, аудиторияда тахминан 2x2 метр бўш жой.

4. 60 дона скрепка, гугурт чўпи ёки бошқа материал бўлиши мумкин;

5. Рангли скотч.

6. Мулк ҳуқуқи дастаси ва ундан келиб чиқиб мулк ҳуқуқининг аниқ сифатлари кўрсатилган тарқатма материал.

1Тарқатиладиган материал

Мулк ҳуқуқи дастаси

Мулк ҳуқуқи қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Эгалик қилиш, яъни бойликни назорат қилиш ҳуқуқи.
2. Фойдаланиш ҳуқуқи.
3. Бошқариш, яъни бойликдан ким, қандай фойдаланишини таъминлаш масаласини ҳал этиш, ечиш ҳуқуқи.
4. Даромад олиш ҳуқуқи, яъни бойликдан фойдаланишдан келган натижаларга эга бўлиш ҳуқуқи.
5. Тасарруф қилиш, яъни бойликни бегоналаштириш, бошқача айтганда сотиб юбориш, истеъмол қилиш, ўзлаштириш ёки йўқ қилиб юбориш ҳуқуқи.
6. Хавфсизлик, яъни бойликни экспроприация (тортиб олиш) қилишдан, ташқи муҳитдан, четдан етказиладиган зиёнлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқи.
7. Ўз бойлигини мерос қолдириш ҳуқуқи.
8. Бойлик соҳиби бўлишнинг муддатсизлиги ҳуқуқи.
9. Ташқи муҳитга зарар келтирадиган тарзда мулкдан фойдаланиш усулларини таъқиқлаш.
10. Қарзини тўлаш жавобгарлиги, яъни бойликдан қарзни тўлаш учун фойдаланиш имкониятларига эга бўлиш.
11. Бузилган ҳуқуқни тиклаш тартиби ва институтларнинг мавжуд бўлишини таъминлаш.

Ана шу ҳуқуқларни бир бутун ҳолда олиб қарасак, уларни умумий равишда

куйидаги сифатлари: универсаллиги, мулкни фақат унинг эгасига тегишли бўлиши, қўлмақўл ўтиши, ҳуқуқий таъминланганлиги билан бирон бир қарор қабул қилишга таъсир кўрсатади.

2Тарқатиладиган материал

Мулк ҳуқуқининг аниқ белгиланган сифатлари:

Универсаллиги.

Ҳамма товарлар, хизматлар ва ресурслар мулк ҳисобланади. Улардан фойдаланиш, имтиёз ва чеклашларнинг барчаси белгиланган.

Мулкнинг фақат мулк эгасига тегишли бўлиши.

Мулкка эгалик қилиш ва фойдаланишдаги харажатлар ва олинган фойда, натижа мулк эгасига қарашли бўлади. Улардан бошқаларнинг фойдаланиши, сотиш ёки ижарага бериш орқали амалга ошириши мумкин.

Мулкнинг қўлмақўл ўтиши.

Мулкчилик ҳуқуқи бир мулк эгасидан бошқасига ўтиши мумкин. Бунда мулкни меросга қолдириш, сотиш, ҳадя қилиш, қарзни тўлаш кабилар орқали мулк қўлданқўлга ўтиши мумкин.

Ҳуқуқий таъминланганлиги.

Мулкчиликнинг барча ҳуқуқлари қонуний йўл билан ҳимоя қилинган. Бошқа кишилар томонидан санкциясиз бировнинг мулкни эгаллаб олиш, ёки назорат қилиш ман қилинган.

Бу материаллардан талабалар тадқиқот ўтказиш жараёнида фойдаланадилар.

Амалий ўйин тадқиқот тафсилоти.

Ихтиёрий равишда ўйинда иштирок этиш учун 10 нафар талаба доска олдида чиқарилади. Улар айлана шаклида ёнмаён туришлари керак. Айлананинг диаметри 2 метрдан кам бўлмасин. Доскага ўйинда қатнашаётган талабалар исми ёзилади. Ўйин 1 дақиқадан 2 раунд бўлиши тушунтирилади.

Талабаларнинг биринчи раундда ердан олган ҳар бир чўпи учун 0,1 балл, иккинчиси эса 0,2 балл берилиши алоҳида таъкидланади. Ўқитувчи айланага скрепка, гугурт чўпи ёки бошқа нарсани (биз гугурт чўпини танладик) сочиб ташлайди.

Аввалига талабалар чўпларни иккинчи раундда терамиз, деб ўзаро келишишга ҳаракат қилиши мумкин. Лекин барибир бирор талаба чўпни теришни бошлайди. Унда қолганлар ҳам ёппасига теришга тушадилар, натижада биринчи раунддаёқ чўплар териб бўлинади.

Ёрдамчи талаба доскага ҳар бир талабанинг терган чўпи миқдорини ёзиб қўяди.

2. Скотч билан пол 10 та квадрат бўлакка бўлинади. Ҳар бир талабага маълум бир квадрат берилади. Талаба ўз квадрати ёнида турсин. Талабаларга фақат ўз квадратидаги чўпнигина териши мумкинлиги уқтирилади. Қолган шартлар худди биринчидагидек амалга оширилади. Ўқитувчи чўпни ҳамма квадратларга тушадиган қилиб сочади. Агар чўплар лентани устига тушган бўлса, уни квадратларга олиб ташланади.

Бунда талабалар шошмай, 2раундда полдан чўпларни теришади. Чунки унга тегишли чўпни ҳеч ким тера олмайди. Раунд тугагач терилган чўплар миқдори ва баллар доскага ёзилади.

Талаба лар	Биринчи ўйин			Иккинчи ўйин		
	1раун	2раун	балл	1раун	2раун	балл
Одилж	10	0	1,0	0	10	2,0
Олимж	8	0	0,8	0	9	1,8
Эркин	9	0	0,9	0	10	2,0
Нуридд	8	0	0,8	0	7	1,4

Хуснид	5	0	0,5	0	4	0,8
Азмидд	4	0	0,4	0	6	1,2
Абдуҳа	3	0	0,3	0	4	0,8
Абдуҳа	6	0	0,6	0	6	1,2
Абдуҳо	6	0	0,6	0	2	0,4
Анвар	7	0	0,7	0	2	0,4

Ўқитувчи талабаларни ўйинда қатнашгани учун миннадорчилик билдириб, ҳаммаларини ўтиришга таклиф этади, сўнгра талабаларга савол билан мурожаат қилади: жамиятнинг мақсади чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш. Ўйинимиз бўйича энг кўп фойда олиш учун чўпларни **качон теришни** бошлаш керак (яъни ресурсларни самарали жойлаштириш учун)?

Иккинчи раундда.

Сабаби, иккинчи раундда улар учун (уларнинг кадри) жамият икки баробар юқори ҳақ тўлашга тайёр.

Савол: Нима сабабдан ҳамма талабалар биринчи ўйинда, биринчи раунддаёқ ҳамма чўпларни териб бўлишди? Ваҳоланки, иккинчи раундда икки баробар қиммат тўланарди? Бунинг фарқи нимада? Талабалар турлича фикр билдириши мумкин. Биринчи раундда чўплар умумий, ҳеч кимга тегишли эмас, ким биринчи бўлиб кўпроқ теришга улгурса, шунча кўп балл йиғади (пул олади). Олдинроқ ҳаракат қилса кўпроқ йиғиши мумкин. Бошқаларни қанча, қаердан теришини ҳеч ким назорат қилмайди. Иккинчи раундгача нима қоладиноаниқ. Ҳар бир талаба ўз манфаатидан келиб чиқиб, иккинчи раундни кутишдан воз кечади. Чунки бу кутиш туфайли, иккинчи раундда қанча чўп териш мумкин, умуман, қанчаси қолади, ёки қолмайдиноаниқ. Шунинг учун ҳам ҳеч бўлмаганда, бир талаба теришни бошлайди. Уни кўриб, қолганлар ҳам шошапиша чўп теришга киришиб кетади.

Иккинчи ўйинда эса талабалар вақтни назорат қилиш имконига эга. Шунинг учун ҳамма иккинчи раундни кутди. Чунки энди улар фақат ўз квадратларига тўғри келган чўпларнигина теришлари мумкин, яъни чўпларга мулк ҳуқуқи белгиланган.

Савол: Мулк ҳуқуқининг белгиланиши талабалар хаттиҳаракатига қандай таъсир қилди?

Иккинчи ўйиннинг 2 раундида талабалар кутишлари эвазига фойда кўришди. Мулкдан самарали фойдаланилди.

Ўйинда юз берган муносабатларга икки хил ёндашиш мумкин:

1. Талабаларни, яъни жамиятни мулкка (чўпга) муносабати;
2. Жамият аъзолари (талабалар)нинг мулк (чўп) юзасидан ўзаро муносабатлари.

Чўп (мулк) полдан териб олингач, уни нима қилиш ихтиёрий. Ўйинимизда чўп сотилапти. Шунинг учун биринчи ўйинда чўпларни ҳамма учун бир хил олиш имконияти бўлганда, бирибирига қарамай, шошапиша теришга тушишди. Иккинчисида эса аксинча. Демак, бундан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Ресурслар ҳамма учун тенг, умумий бўлса, улардан фойдаланиш юзасидан ҳеч қандай чеклаш бўлмаса, улардан: 1) самарасиз фойдаланилади; 2) уларни тезда тугатиб, йўқ қилинишигача олиб келиш мумкин; 3) уларни ўзлаштириб, яъни ўзиники қилиб олиш жараёнида турли низолар чиқиши мумкин.

Савол: Кишилиқ жамияти тараққиёти натижасида қандай объектив зарурият келиб чиқди ва бу муаммо қай тарзда ҳал этилди?

Албатта, бунда ҳам турлитуман жавоблар бўлади. Ўқитувчи унинг қайси бири ҳақиқатга яқинлигига қараб, баҳо бериши керак.

Дастилабки инсонга табиатдаги ҳамма неъматлар бирдай қарашли бўлган. Неъматларни истеъмол қилиши оқибатида очликка маҳкум бўлишдан деҳқончиликни ўрганиш, яъни ишлаб чиқаришни бошлаш билан йўл топган бўлса, табиатда ресурсларни чекланганлиги, уларни палапартиш, самарасиз ишлатишдан мулкчилик муносабатлари

келиб чиқиши, мувофиқ равишда мулк ҳуқуқларини белгилаш билан йўл топди. Хусусий мулкчилик ресурслардан энг самарали фойдаланиш имкониятини яратади

Шундай қилиб, аввалдан илгари сурган гипотезамиз, биринчи шароитга тўғри келмас экан, лекин иккинчиси учун мос тушар экан.

Ўйинни муҳокама қилиш жараёнида тадқиқотни янада чуқурлаштириш учун манфаат нима, унинг мулк билан қандай боғлиқлиги бор? Нима сабабдан манфаат бир томондан объектив, иккинчи томондан субъектив, бир томондан умумий, иккинчи томондан хусусий, деган қўшимча саволлар билан мурожаат қилиш мумкин. Бунда талабаларнинг диққатини эҳтиёжларнинг объективлиги, яъни инсоннинг яшаш учун эҳтиёжларини қондириши зарурлиги, иккинчи томондан, у ҳар бир инсоннинг субъектив эҳтиёжи тарзида намоён бўлиши, эҳтиёжларни қондириш учун неъматлар унга тегишли бўлиши, яъни ўзлаштирилиши лозимлиги ҳақидаги фикрларга диққатни қаратиш керак.

Инсон ўз манфаатини ўйловчи шахсиятпараст(эгоист), шунинг учун ҳам хусусий манфаат умумий манфаат билан мос тушавермаслиги, натижада умум манфаатига зид бўлса ҳам, ресурслардан самарасиз фойдаланишга олиб келишини кўраемиз.


Реал ҳаётдан қандай мисоллар келтириш мумкин? Ҳозирда ҳеч кимники бўлмаган неъматлар борми? Мисол қилиб, китлар, илонлар, турли ҳайвонлар, сув, ҳаво кабиларни натижада улар туфайли қандай муаммолар вужудга келаётганига қатор мисоллар келтириш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, талабалар ўйинда ўзларининг ҳуқуқлари (ўйиндан аввал ўқитувчи томонидан эълон қилинган шартлар бўйича) ўқитувчи томонидан таъминланишини кўзда тутган ҳолда қатнашишган. Мулк ҳуқуқини таъминлашнинг шароитлари, ким томонидан, қандай тарзда амалга оширилиши ҳақидаги тадқиқотни биргаликда давом эттириш мумкин.

Талабаларга: Агарда мулк ҳуқуқининг амалга оширилиши давлат томонидан назорат қилинмаса нима бўлади? Мулк ҳуқуқи суиистеъмол қилинса, деган саволлар билан мурожаат қилиш мумкин.

Тадқиқот методини афзаллик томони шундаки, айнан шу методни қўллаб чизма, график, жадвалларнинг таҳлилинини ўрганишимиз мумкин. Бу эса иқтисодий фанларни ўрганишда жуда қўл келади. Масалан, пул таклифи билан талабининг мувозанатини ушбу методни қўллаб кўриб чиқишимиз мумкин.

Қуйидаги графикларга диққат қилинг: агар пул таклифи 200 миллиард сўм десак, пул бозорида мувозанат қандай ўрнатилади. Нима сабабдан бир вақтнинг ўзиде пул таклифи ва фоиз ставкасини тартибга солиб бўлмайди?



- Мақсад: 1. Фоиз ставкасининг пулга талаб ва таклифга таъсирини ўрганиш;
2. Пул таклифи ва пулга талаб, фоиз ставкаси ўртасидаги боғланишни ўрганиб, унинг асосида хулоса чиқариш.**

Кўйилган масалани ечиш учун материаллар:

- а) пулга трансакцион талаб графиги;
- б) фоиз ставкасига кўра пулга талаб графиги.

Бу графикларни слайдга, доскага чизиш ёки тарқатиладиган материал сифатида тайёрлаш мумкин.

Тадқиқот тафсилоти:

Маълумки, бозор хўжалигида ссуда капитали вужудга келади. Бунда пул қўшимча фазилат, фойда келтиришга эга бўлади.

Бозорга чиқарилган пулнинг нархи фоиз бўлади. Бу унинг маълум эҳтиёжни қондиришда пулнинг хоссасидан фойдаланилгани учун бериладиган ҳақ бўлади.

Ссуда капиталига талаб ва таклиф асосида мувозанатлашган ссуда фоизи белгиланади.

Одатда, бозор ва ўртача фоиз нормаси фарқланади. Бозор фоиз нормаси бозордаги маълум вақт мобайнида белгиланган фоиз бўлиб, бозор конъюнктурасига боғлиқ. У иқтисодиётдаги ўзгаришга қараб, тебраниб туради. Ўртача фоиз нормаси узоқ муддат давомида унинг ўзгариш ҳаракатини ифодалайди.

Ссуда капиталига бўлган талаб ва таклифга қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- ишлаб чиқариш ҳажми;
- жамғарилган пул ҳажми;
- ишлаб чиқариш циклларининг тебраниши;
- ишлаб чиқаришнинг мавсумий шароитлари;
- инфляция суръати;
- давлат томонидан фоиз ставкасининг бошқарилиши;
- халқаро омиллар

Тадқиқот ўтказиш жараёнида ўқитувчи саволлар билан мурожаат қилиб, пулга талаб ва таклифнинг ҳажмига таъсир қилувчи омилларни аниқлашга таъсир кўрсатади. Пулга талабга таъсир кўрсатувчи омиллардан фоиз ставкаси бўлиб, унинг ўзгариши пулга талабни ўзгаришига таъсир қилади.

Талабалар иккинчи график бўйича ўз фикрларини билдирадилар.

Графикдан кўришиб турибдики, фоиз ставкаси юқори бўлганда кредитга талаб кам, аксинча, фоиз ставкаси кам бўлганда талаб кўп. Буни сабабини талабалар турлича изоҳлашлари мумкин. Лекин шундай хулоса чиқариладигани, банк кредитига фоиз ставкаси юқори бўлганда талабни камайишига сабаб, тадбиркорлар олган фойдаларидан фоиз тўлайдилар. Агар олган фойдалари тўлайдиган фоизларга нисбатан кам бўлса ўзларига қоладиган миқдор қониқтирмаса кредит олишмайди. Кредит олганда фоиз ставкаси паст бўлса, олинган фойдадан қарз (фоизи билан) тўлаш имкони кенгайди. Натижада таваккал қилиб кредит олишга интилиш кучаяди.

Шу билан бирга, фоиз нормаси таъсир кўрсатмайдиган ҳолат ҳам мавжудлигини (а) расмдан кўриш мумкин. Бунда пулга талаб даражасига фоиз ставкаси боғлиқ бўлмайди. Унда, асосан, товарлар нархи, пул бирлиги обороти тезлиги боғлиқ бўлиб, фоиз ставкаси таъсир кўрсатмайди.


Ўқитувчи «пул таклифи 200 млрд. сўм бўлганда мувозанат қандай бўлишини аниқлаш учун нима қилишимиз керак?» деган савол билан аудиторияга мурожаат қилади.

Талабалар турлича фикрлар айтишади. Улар ичида энг тўғри фикр **биринчи навбатда** трансакцион талаб билан фоиз ставкасига кўра талабни бирга қўшганда умумий талаб қанча бўлиши мумкинлигини аниқлаш. Бунинг учун ҳар икки графикни битта графикда ифодалаймиз. У ҳолда штрихланган Dt пулга трансакцион талаб чизиғи билан, Dt пулга фоиз ставкасига кўра талаб чизиғи кесишган нуқта умумий талабни ифодалайди.

Биз пулга умумий талабни аниқладик, энди мувозанат даражасини аниқлашамиз керак. Ўқитувчи талабаларга яна мурожаат қилади: «Қандай қилиб мувозанат ўрнатамиз?»

Иккинчи навбатда, биз умумий пулга талабни аниқладик, энди таклиф 200 миллиард сўм бўлганда мувозанат даражасини аниқлашимиз керак.

Агар пул таклифи 200 миллиард сўм бўлса, мувозанат куйидагича ўрнатилади.



D_g – пулга фоиш ставкасига кўра талаб чизиғи;

D_t – пулга трансакцион талаб чизиғи;

D_m – пулга умумий талаб;

S_m пул таклифи;

Е – пул таклифи (S_m) – 200 миллиард сўм бўлганда пулнинг мувозанат нуқтаси.

Чунки пулга умумий талабимиз D_t билан D_g кесишган нуқтада эди. Пул таклифи 200 миллиард сўм бўлганда мувозанатни топиш учун бу нуқтани S_m таклиф эгри чизиғига кўчирамиз. **Мувозанат Е нуқтада бўлади.**

Пул таклифини камайиши билан фоиш ставкаси ошяпти ёки аксинча. Демак, биз иккисидан бирини танлашимиз керак. Пулкредит сиёсати юритилаётганда мамлакатдаги шароитга, Марказий банкнинг мақсадига кўра, фоиш ставкасини ошириш ёки пасайиши танланади. Ссуда фоиш ставкасини пасайиши инвестицион фаолиятни кучайишига олиб келади. Чунки кредитга талаб ортади, деган хулоса чиқарилади.

Дарсни ўтказишда ўқитувчи ўрганиладиган мавзу бўйича тайёргарлик кўришни, ахборот, маълумот далилларни тўплашни талабаларга аввалдан топшириши мумкин.

Бу усулда бутун гуруҳ биргаликда банк иши фанини яхшироқ тушунтиришга интилувчи изланувчиларга айланишади. Лекин бу услубни қўллаш осон эмас.

Биринчидан, бу метод билан дарс ўтиш кўп вақт талаб қилади. Қўйилган муаммони татбиқ қилишга эътибор қаратилиб, бошқалари кейинга сурилиши ёки қолиб кетиши мумкин.

Иккинчидан, тадқиқот услуги асосида дарс ўтиш гуруҳ талабаларининг барчасининг қобилияти бир бирига яқин, фикрлаш даражаси юқори бўлишини талаб қилади. Бунга эришиш қийин.

Учинчидан, тадқиқот услуги ўқитувчидан чуқур билим, тажриба, иқтидор талаб қилади. Чунки тадқиқот ўтказиш учун ўқитувчининг ўзи ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўлиши, тадқиқот жараёнида юз берадиган ҳар қандай кутилмаган ҳодиса, талабалар томонидан қўйилган савол, масала ёки муаммога жавоб беришга тайёр бўлиши, тадқиқот ўтказилаётган масалани ечишда методдан фойдаланиш маҳоратига эга бўлиши керак.

3§. Дарс ўтишда мунозара методини қўллаш

Талабаларни ўз фикрини қатъий ҳимоя қилишга, бошқаларнинг фикрини таҳлил қилишга, мантиқий мушоҳада юритишга ундайдиган, дарсда фаол қатнашишларини таъминлайдиган методлардан бири дарсни мунозара методи асосида ташкил қилишдир.

Тадқиқотчи Ж. Т. Диллон томонидан ўқитувчи изланувчанлик ва ҳамкорликка асосланган тарзда мунозарани ташкил этиши учун қуйидагиларга эътибор бериш лозимлиги кўрсатилган.

1. **Тасдиқлаш.** Мунозарани бошқарувчи шахс маълум муаммони тасдиқловчи ёки инкор этувчи ғояни ўртага ташлайди. Бу билдирилган фикрдан таъсирланиб, уни тушунганлик ва тушуна олмаганликни тасдиқлаш усули. Тасдиқловчи фикрларни бирмунча юмшоқ оҳангда баён этиб мунозарага чорлайди. Бунда «Қани, Феруза сизнинг фингрингизча тўғрими, нима дея оласиз?» ёки «ҳозиргина Сардор фикр билдирди сиз унга кўмаклашасизми?» деб мурожаат қилиш мумкин.

Мунозара давомида талаба ўз фикрини қандайдир мужмалроқ баён қилса, «Мени тушунишимча, сиз.....демоқчи эдингиз, лекин Нафисадеди. Демак, сиз уни фикрига қўшилмаяпсиз» дея йўналтириб, кўрсатмалар бериб туради.

Ўқитувчи мунозарани синчковлик билан кузатиши ва бошқариши зарур. Ўқувчи ва талабалар фикридан мунозарани қизитиш мақсадида фойдаланиши зарур. Мунозарада вужудга келган вазиятдан усталлик билан фойдаланиш керак.

2. **Саволлар.** Ўқувчиталабалар ўқитувчининг саволидан ташқари синфдошлари, курсдошлари саволларини муҳокама қилишга мойил бўлишади. Шунинг учун кўпроқ уларни савол беришга ундаш зарур.

3. **Ишоралар.** Мунозара жараёнида ўқитувчи гапираётган талабани фикрини бўлмаслик ёки бўғиб қўймаслик учун овоз чиқармай, имо ишоралар билан бошқариши маъқул. Ўқитувчининг юзида тушунмаслик аломатларининг пайдо бўлиши, ўқувчиталабалар учун «тушунтириш талаб қилинади» деган сигналдир. Қўлларни гўё икки нарсани тортаётгандай ҳолатда бўлиши «айтилаётган икки ғояни таққослаб, уларнинг қайси бири тўғри эканлигини тасдиқлаш» ишорасини беради.

Ўқитувчининг кўзларини катта очиб, гапирувчини кўрсатиб, тинглашга ишора этиши фикрни охиригача диққат билан эшитишга ундайди.

Ўқитувчининг юзидаги қизиқувчанлик, тасдиқ ишораси ўз фикрини ифодалаш учун сўз тополмай турган талаба (ўқувчи)ни янада илҳомлантиради.

4. **Сукут сақлаш.** Мунозара учун ўртага савол ташлангач, уни ўйлаш учун вақт берилади. Лекин бу вақт қисқа бўлиши, уни ўқитувчи тўлдириши зарур. Бўлмаса, уни тўлдирувчилар кўпайиб кетади.

Ўқитувчи мунозара жараёнида ўз фикрини билдираётган талабанинг гапи, далилларидан қоникмаса ёки уни тўғри жавобга йўналтириши лозим бўлса, уларни кўллабқувватлаш лозим бўлса, талаба жим қолганда:

Мисол келтира оласизми? Нима учун шундай деб ўйлайсиз?

Сиз демак Шухратни фикрига қўшилмайсиз? ёки фикрига қаршисиз? Сиз ўртоғингизни фикрини кўллабқувватлайсиз? каби саволлар билан мурожаат қилиб, ёки «наҳотки», «ростдана», «йўғэ» деб лўқма ташлаб, уларга руҳий мадад бериб, ёки асоссиз фикрлар билдиришга йўл қўймайди.

Сиз ўз далилларингиз билан Отабекни ишонтиринг, у нимагадир гапларингизга ишончсизлик билан қараяпти. Кейинги билдирган фикрингиз, Азизнинг фикрига зид эмасми? Негадир сизга ҳайрат билан қараяпти? дея талабалар тўғри йўналишга солинади.

Талабаларни хатоларига қай тарзда таъсир кўрсатиш мунозара олиб бориш учун жуда аҳамиятлидир.

Одобли лўқма ташлаш, савол бериш фикрни ойдинлаштириб, айтилган ғояни мантиқий оқибати тўғрисида фикрлашга қизиқиш уйғотади.

Қандай бўлишидан қатъий назар, ўқитувчи маъқуллайдими, йўқми, ўқитувчи ўз муносабатини билдиришга шошилмаслиги керак. Бу мунозара юритишнинг қатъий қоидаси ҳисобланади.

Мунозара жараёнида талабаларнинг ўзлари ўртоқлари билдирган фикрни қайсиларига қўшилишлари ёки қўшилмасликларини билдиришади. Шу билан бирга ўқитувчи мантиксиз, яққол қарама қарши, асоссиз фикрларни айтилишига йўл қўймаслиги керак.

Мунозара ўтказишдан аввал талабаларга тарқатма материал сифатида мунозарада ўзларини қандай тутиш керакликларини кўрсатувчи қуйидаги эслатмани тарқатган маъқул.

Мунозара иштирокчисига эслатма.

1. Мунозара ўзаро муносабатларни аниқлаш шакли эмас, балки муаммоларни ҳал қилиш методидир. Шунинг учун шахсий муносабатлар намоён этилмайди.
2. Кўп гапирманг, бошқаларни ҳам ўз фикрини айтишига имкон беринг.
3. Ўйлаб гапиринг. Сўзларни чуқур мулоҳаза қилиб, ҳиссиётни бошқариб, гапни аниқ мақсадга етказинг.
4. Муҳолиф нуқтаи назарини тушунишга интилинг, унга ҳурмат билан қаранг.
5. Одоб билан эътироз билдиринг. Айтилган фикрни бузиб, маъносини ўзгартирманг. Асабий рад этмаган ҳолда, ўз фикрингизни одилонга асосланг.
6. Ноқулай ҳолатга тушиб қолмаслик учун ҳар нарсадан гумонсираманг.
7. Сўзлар таъсирига ўта берилиб кетманг.
8. Ўзингиз билмаган, кам билган ёки умуман хабардор бўлмаган масалалар бўйича фикр билдиришга шошилманг.
9. Фақат мунозара мавзусига оид фикрни айтинг. Ўзингизни жуда ҳам билимдон, заковатли қилиб кўрсатишга интирманг.
10. Бирор кишига яхши кўринишга ёки аксинча, камситишга интилиб, гапирманг.

Дарсни мунозара методи асосида ташкил қилишни турли усуллари мавжуд. Улардан кенг қўлланиладигани юқорида кўрсатганимиздек, ўқув жараёнида мунозара, муаммо қўйиб, муҳокама қилиш мумкин. Бунда талабалар мунозарага индивидуал тарзда ёндашадилар. **Очиқ мунозара** қўйилган муаммони белгиланган қоида бўйича муҳокама қилиниб, ечимини қабул қилиш ёки қилмасликни пленумга топшириш билан яқунланади. Бунда, масалан, қуйидагича савол қўйиш мумкин:

Айтишларича, Англияда ўз вақтида машҳур бўлган кема капитани муҳтожликка тушиб, ўйлабўйлаб, охиरोқибат газетада «Хатоларимни сотаман» деб эълон берган экан. Одамлар таажжубланиб, тавба, хатони ҳам сотса бўлар эканда, уни қандай аҳмоқ сотиб олади, дейишган экан. Лекин шундай киши топилибди. Сиз ҳам хатоларни сотиб олган одамни аҳмоқ, деб ўйлайсизми?

Бордию, йўл қўйилган иқтисодий хатоларни сотаман, деган эълон чиқса, сиз, ўзингиз сотиб олармидингиз?

Ҳар бир талабанинг билдирган фикри ҳамда қўйилган муаммони ечиш учун билдирган фикрига қараб, балл берилади.

Дарс ўтишнинг яна бир усули кичик гуруҳлар ўртасида мунозара олиб боришдир. Бу усулда қўйилган муаммо кичик гуруҳлар ўртасида муҳокама қилиниб, улар ўз таклифларини асослаб бериши зарур. Масалан, Давлат бюджети параметрларини қабул қилишни Олий Мажлис фракциялари ўртасидаги мунозара тарзида ташкил қилиш мумкин. Бунда ҳар бир кичик гуруҳ бир фракция ролини ўйнашади. Ўз таклифини асослаш учун энг муҳим далилларни келтириб, Олий Мажлиснинг бошқа аъзоларини ҳам

ўз таклифларга овоз беришга мойил қилишга интилишади. Мунозара қатнашчилари қўйган мақсадларини амалга оширишларига кўра баҳоланади.

Мунозара методини қўллашнинг яна бир усули «қарама қарши мунозара» бўлиб, уни талабаларнинг ўзи олиб боради. Ҳар бир талаба «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бериши учун савол тайёрлаб, дарсни ташкил қилади.

Қарама қарши мунозарада қўйилган саволга зид фикр, жавоб айтилади. У гуруҳ ўртасида муҳокама қилинади. Ҳар бир талаба «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бериши ҳамда ўз фикрини асослаши керак. Саволни қуйидагича қўйиш мумкин.

Масалан, Ҳукумат импортга тўсиқлар қўйиши керакми?

ҳа	йўқ
<p>Импортга тўсиқ қўйиш сабаблари.</p> <p>Мамлакатни ўзида ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини таъминлаш лозим.</p> <p>Миллий хўжалик тармоқларини ҳимоя қилиш.</p> <p>Чет эл капиталини жалб қилиш.</p> <p>Чет эл фирмалари томонидан уюштирилган «демпинг»га йўл қўймаслик.</p>	<p>Импортга тўсиқ қўймаслик зарурлиги сабаблари.</p> <p>Халқаро меҳнат тақсимооти ютуқларидан фойдаланилмайди.</p> <p>Миллий ишлаб чиқарувчилар харажатларни пасайтиришга, янгиликларни жорий қилишга интиладилар.</p> <p>Миллий ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлиги пасайиб кетади.</p> <p>Техник, технологик қолоқликни кучайтиради.</p>

Ўқитувчи ҳар бир жуфтликка ана шу намуна асосида ўзининг мунозара жадвалини тузишга топшириқ беради. Талабалар 56 дақиқа давомида саволжавобни муҳокама қилиб, импортга тўсиқ қўйиш ёки аксинча, қўймаслик кераклигини асослаб беришлари, мувофиқ равишда уни жадвалнинг «ҳа» ёки «йўқ» деган устунига ёзиб қўйишлари керак.

Демак, жавоб:

1) импортга тўсиқ қўйиш заруриятини;

2) импортга тўсиқ қўймаслик заруриятини асослаб бериш лозим.

Жавоблар бир жуфтликда муҳокама қилиниб, ёзиб бўлингач, иккинчи жуфтлик билан фикр алмашилади. Ҳар икки жуфтликни «ҳа» ва «йўқ» жавобларидан умумий хулоса чиқарилиб, бир фикрга келинади.

Ҳар икки жуфтлик ўзлари ёзган жавоб тагига бир қарорга келинган жавобларни ёзишади.

Ўқитувчи ёзилган жавобларни йиғиб, кўриб чиқиб, балл қўйиши ёки ҳар бир тўртликнинг хулосасини бутун гуруҳ олдида оғзаки баён қилиши мумкин.

Мунозара методи асосида дарсни ташкил қилишнинг яна бир усули **диспут**дир.

Бу усулда ўтилган мавзу бўйича ўқитувчи саволлар тузиб, дарс ўтишдан 34 кун олдин ўқувчиларга эълон қилади ёки янги мавзу бўйича маъруза ўтиб бўлгач, келгуси амалий машғулот (семинар) дарсида ана шу саволлар бўйича диспут ўтказилиши айтилади.

Талабалар тайёрланиб келгач, билимдон талабалардан ҳакамлар ҳайъати сайланади. Улар саволларга жавоб берган талабаларни баҳолашади, натижани эълон қилишади. Диспут якунида ўқитувчи ўз фикрини билдиради.

Мунозара методини қўллашнинг яна бир усули **Америкача дебат**. Дебат бу икки киши ўртасида олиб бориладиган мунозара. Бундай тарзда дарс ўтишда икки талаба белгиланган қатъий тартиб бўйича, раислик қилувчининг раҳбарлиги остида берилган савол ёки муаммо бўйича мунозара олиб борадилар. Уларнинг билдирган фикрларини ҳакамлар ҳайъати баҳолайди. Арбитрлар талабалардан белгиланади.

Инглизча мунозара (дебатлар). Мунозаранинг бу шаклида муҳокама қилинаётган муаммо ечимига етказилади. Дебатларни ташкил қилишда турли усулларни қўллаш мумкин. Бу ўқитувчининг фантазияси, қўйган мақсади, маҳоратига боғлиқ. Бу мунозараларга талабалар пухта тайёрланиб, берилиши мумкин бўлган саволлар ва уларни жавобларини ўйлаб келишлари зарур. Ҳар бир талаба дарсда дебат олиб боровчи сифатида қатнашмаган тақдирда, савол билан мурожаат қилувчи ёки ҳакам сифатида қатнашади. Буни ҳеч ким ёдидан чиқармаслиги, демак дарсга алоҳида тайёргарлик кўриши лозим.

Умуман олганда, мунозара талабаларни дарсга фаол қатнашишларини таъминлаб, ўз фикрларини ҳимоя қилишга ўргатади.

4§. Услугларнинг асосий афзалликлари ва камчиликлари

Дарс ўтишнинг тадқиқот ва мунозара методида қўйилган масалани ҳал қилиш учун талабаларнинг ўзлари қатнашишлари туфайли пухта билим олишларига имконият яратилади. Улар илмий изланишга ўрганишади. Талабалар қўйилган масалани муҳокамаси жараёнида ўз фикрларини мустақил равишда ўртоқлашишга, бошқаларнинг билдирган фикрларини мушоҳада қилишга ўрганишади.

Маълумотларни, далилларни таҳлил қилиш жараёнида талабалар қизиққонлик қилмай, объектив тарзда масалани ечишга ўрганадилар. Рақамларга кўркўрона ёндашмасликни, улар замирида иқтисодий ҳодиса, қонунлар яширинганини кўришга ўрганадилар. Билишнинг нисбий эканлиги, далиллар ўзгариши ва янги маълумотлар олиниши хулосани ҳам ўзгаришга олиб келишини тушунишга ёрдам беради.

Талабалар турли ахборотлар ва мантиқий мушоҳада орқали ўз тахминлари, ўртоқлари билдирган фикрларни тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлашади. Маълумотлар асосида тенденциялар, қонуниятлар амал қилишини аниқлашга ҳаракат қилишади. Илгари сурилган илмий тахмин(гипотеза) билан чиқарилган хулосани таққослаб, ягона қарорга келишади. Қўйилган масалани тадқиқот методи асосида муҳокама қилиш, юзаки қабул қилинган қарорларга ишончсизлик билан қарашни тарбиялайди. Талаба масалани чуқур ўрганиш учун зарур адабиётлар, ахборотлар билан узлуксиз ишлаш зарурлигини тушунади. Буни юқори даражада фикр юритиш зарурлиги ҳам талаб қилади. Шунинг учун ҳам бу услуб талабаларни пухта билим олишларини таъминлайди. Улар ўрганаётган предметларининг мазмунини тушунибгина қолмай, ахборот тўплаш ва уни таҳлил қилишни ҳам ўрганадилар.

Дарсни ўтказишда ўқитувчи ўрганиладиган мавзу бўйича тайёргарлик кўришни ахборот, маълумот, далилларни тўплашни талабаларга аввалдан топшириши мумкин. Ёки ўқитувчининг ўзи зарур далилмаълумотлар асосида талабалар олдида муаммо қўйиб, уни биргаликда ечиши мумкин. Бунда амалий ўйин, турли иқтисодий моделларни ифодаловчи график, жадваллардан ва бошқа услублардан фойдаланиш орқали тадқиқот ўтказиш уни қизиқарли тарзда бўлишига олиб келади ҳамда барча талабаларни фаол қатнашишига эришилади. Бу усулда бутун гуруҳ биргаликда иқтисодиётни, қолаверса дунёни яхшироқ тушунишга интилувчи изланувчиларга айланишади.

Тадқиқот ва мунозара методининг афзалликлари:

- Талабани объектив ва мустақил фикр юритувчи мутахассис сифатида шаклланишига ёрдам беради.
- Маълумотлар, далилларга диққат билан ҳисоблашиб ёндашишга ўргатади.
- Ҳар қандай билим нисбий эканлигини тушунишга ёрдам беради.
- Мантиқий фикрлашга ўргатади.
- Юзаки қабул қилинган қарорларга ишончсизлик билан қарашни тарбиялайди.
- Юқори даражада фикр юритишга ундайди.
- Муаммоларни ечиш учун кўникма ҳосил қилади.

Тадқиқот ва мунозаранинг камчиликлари:

- Кўп вақт талаб қилади.
- Аудиторияда шовқин бўлиб кетиши мумкин.
- Ўқитувчининг ўзи фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб қилинади. У муаммоларни ечиш ва стратегик режалаштириш маҳоратини эгаллаган бўлиши керак.
- Ўқитувчи фақат «билим бериб»гина қолмай, талабаларни моҳирлик билан мантиқий асосланган хулосага келишга ёрдам бериши кераклиги.
- Ўқитувчи дарсда қўйилиши мумкин бўлган муаммоларни стратегик режалаштириш ва уларни ечиш йўллари йўлаб қўйиши зарурлиги.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Тадқиқот, когнитив даражанинг юқори босқичи, муаммо қўйиш, гипотеза, илмий тахмин, одамларнинг иқтисодий фикрлаш тарзи, маълумот йиғиш, далиллар тўплаш, очик мунозара, қарамақарши мунозара, америкача мунозара, инглизча мунозара.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Тадқиқот методи дарс ўтиш методлари орасида, сизнингча, қандай ўрин тутди?
2. Тадқиқот методи асосида дарс ўтишни ташкил қилишда қандай қоидаларга амал қилиш керак?
3. Одамларнинг фикрлаш тарзини ўрганиш нима сабабдан зарур? Ундаги билдирилган фикрларга бирон нима қўшимча қила оласизми?
4. Сиз тадқиқот методини дарс ўтишда қандай қўллаган бўлар эдингиз?
5. Мунозара методи асосида дарс ўтишга сизнинг муносабатингиз қандай?
6. Ж. Т. Диллон ўқитувчи изланувчанлик ва ҳамкорликка асосланган тарзда мунозарани ташкил этиши учун нималарга эътибор бериш лозимлиги кўрсатади?
7. «Мунозара иштирокчисига эслатма» ҳақида фикрингиз қандай?
8. Методларнинг кўрсатилган афзалликлари ва камчиликларига қўшимча қила оласизми?

XI боб. МАСАЛА, МАШҚ, ТЕСТЛАР, ЭССЕ ЁЗИШ ВА УЛАРДАН ИҚТИСОДИЁТНИ ЎРГАНИШДА ФОЙДАЛАНИШ

1§. Иқтисодий фанларни ўрганишда масаламашқлардан фойдаланиш методининг тутган ўрни

Иқтисодий фанларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни ўрганишда марказий ўринни масала, машқ ечиш эгаллайди. Сабаби:

1) масала, машқ **ечишни** мукамал билиш, олган билимни амалиётда қўллаш **имконини** беради.

2) масала, машқ ечиш орқали талабаларнинг билим олишдаги фаоллиги ортади.

3) масаламашқ фикрлашни ўргатади.

Шунинг учун ҳам масалага фақат топширикни ҳисобкитоб асосида бажариш, жавобини аниқлаш эмас, балки фикр юритиш объекти сифатида қаратилиши **бежиз** эмас.

Масала ёрдамида фанни ўрганганда **аниқ** рақамлар, далиллар, хужжатлар асосида таҳлил қилиш имконияти кенг. Ундан ташқари моделлаштирувчи ўйин, **кичик** гуруҳларга бўлиш, конкурс ўтказиш ва бошқа методлар асосида дарс ўтишда ҳам масаламашқлардан **кенг** фойдаланиш имконияти катта.

Иқтисодий фанлардаги машқлар талабаларни мушоҳада қилиш, хулоса чиқаришга ўргатиш билан бирга кам вақт сарфланиши, айрим масалаларда иккиланиб турган талабаларни тўғри жавоб топишга ўргатади.

Масала, машқ ечиш жараёнида талабаларнинг қабул қилинган қонунлар, меъёрий хужжатлар ва йўриқномаларни қай даражада билишларини ҳам аниқлаш мумкин. Улардан мунозара, дебатлар методини қўллашда ҳам кенг фойдаланса бўлади.

Масаламашқлар талабалар билимини синашда ҳам энг қулай метод.

Масала машқлардан фанни ўрганиш учун тарқатма материал тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин. Улардан дарсда фойдаланиш турли интерактив методларни қўллаб дарс ўтишни ташкил этишда фойдаланиш имконияти ниҳоятда катта.

Масала, машқлардан фойдаланиб дарсни танлов ўтказиш шаклида ташкил этиш мумкин. Бунда тенг кучли масаламашқлар тайёрланиб, кичик гуруҳларга жуфтлик ёки индивидуал тарзда ечишга қараб дарсда қўйилган мақсад амалга оширилади.

Масала, машқларнинг мураккаблиги жихатидан табақалаштирган ҳолда тузилиб, талабаларнинг салоҳиятига кўра берилади. Натижада мураккаб масалани ечолмай ҳафсаласи совийдиган талабаларни ҳам дарсга, ўрганилаётган мавзуга диққатини қаратиш мумкин.

Хуллас масала, машқлар, бир томондан синалган, қадимий дарс ўтиш услуги бўлса, иккинчи томондан, имкониятлари ниҳоятда қўплиги туфайли эскирмайдиган, доимо замонавий, учинчидан, универсал, барча иқтисодий фанларни ўрганишда қўллаш мумкин бўлган методдир.

Иқтисодий фанларни ўрганишда бу метод, шубҳасиз, ниҳоятда катта устунликларга эга, яъни:

*Масалалардан фойдаланиш амалиёт йўналишига эга бўлгани учун мавзунини ўрганиш ва талабалар билимини назорат қилишнинг самарали усули ҳисобланади. Айниқса, талабаларнинг билимини назорат қилишда имконияти катта.

*Масала мавзуси учун ҳар қандай вазиятни танлаш мумкин. Масалалар талабалар билимини бутун дастур бўйича назорат қилиш, шу билан бирга, асосий ёки қийин категориялар ёки мавзуларни тушунишга қаратилган бўлиши мумкин.

* Масалаларнинг мунтазам ечиб турилиши ҳамда уни муҳокама қилиш талабаларнинг олган билимини узлуксиз назорат қилиш, тушунмаган категорияларни тушуниб олиш имкониятини беради.

2§. Масала ва машқлар ва уларни назарий дарсларда қўллаш

Ўқувчиталабаларнинг пухта билим олишлари, иқтисодий фанларни чуқур ўрганишларининг энг самарали методлардан бири масала ва машқлардан фойдаланиш қандай аҳамиятга эга эканлигини кўриб чиқдик. Ўқитувчи масала ва машқларни ўқув жараёнида турли шаклларда ишлатиши мумкин.

Ўқитувчи дарс беришга тайёрланар экан, мавзунини ўқишда қўллайдиган методларини, жумладан, масала, машқларни чуқур ўйлаб, улардан қандай тарзда фойдаланишни кўз ўнгига келтириши зарур.

Масала ва машқлар иқтисодий категория, қонунларни сифат характеристикаси билан бирга миқдор алоқаларини ҳам ўзида мужассамлаштириши билан муҳим роль ўйнайди.

Масала ва машқлар ҳисобкитоб қилишни тақозо қилади. Бу эса ўқувчиталабаларнинг аниқ миқдорлар, рақамлар ёрдамида қонун ва категорияларни тушунишини осонлаштиради. Чунки иқтисодиётни назарий жиҳатдан ўрганишда, кўпинча, илмий абстракциядан фойдаланилади. Кўпчилик ўқувчиталабалар илмий абстракция методини тезда тушунишмайди.

Масала ва машқлардан назарий дарсларда фойдаланишга икки нуктаи назардан ёндашиш мумкин:

А) Академик лицей, касбхунар коллежларидаги иқтисодиётни назарий жиҳатдан ўрганиладиган фанлар: “Иқтисодий билим асослари”; “Иқтисодиёт асослари”, олий ўқув юртлирида ўрганиладиган «Иқтисодиёт назарияси» фанларини ўрганишда масала, машқлардан фойдаланиш.

Б) Барча иқтисодий фанлардан назарий дарс ўтишда масала, машқлардан фойдаланиш.

Масала, машқлар учун қуйидаги қоидалар умумий ҳисобланади:

1. Назарий дарсларда масала, машқлардан фойдаланиш меъёрини билиш зарур.

Масала, машқлардан керагидан ортиқ фойдаланилса, назарий масалаларни ёритишга вақт етмай қолади.

2. Маъруза дарси учун қисқа вақтда ечиладиган масала тузган ёки танлаган маъқул.

3. Маърузада қўйилган масала, машқни охиригача ечиш шарт эмас. Баъзан масала машқни маъруза жараёнида бошлаб, мустақил равишда давом этиришни талабаларга топшириш мумкин. Маъруза жараёнида ўқитувчи масала, машқни доскада ёки оғзаки шаклда ечиши мумкин. Уларни олдиндан кўргазмалар курали ёки тарқатма материал сифатида тайёрланади.

Масалан, фирма фаолияти ва уни баҳолашни ўрганишда фойданинг қандай тақсимланишини кўрсатувчи масалани ечиш мумкин:

Фирманинг ўз маҳсулотларини сотишдан олган тушуми 4,5 миллион сўм. Маҳсулотни тайёрлаш учун сарфланган умумий харажатлар 4 миллион сўмни ташкил этади. Олинган фойданинг 18 фоизи солиққа, қолган ярми дивидендга тўланадиган бўлди. Фойданинг қолган қисмини 50 фоизи ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сарфланадиган бўлди. Фойда нормасини, солиқ ва дивиденд миқдорини, инвестицияга ажратилган маблағ миқдорини ҳисобланг.

Бу масалани ечиш ўқувчи, талабаларга фойда, дивиденд ва бошқа тушунчаларни пухта ўзлаштиришларига ёрдам беради.

Дарс жараёнида биринчи навбатда фойда миқдорини аниқлаш зарур, 4,5 млн. сўм 4 млн. сўм = 0,5 млн сўм, сўнгра:

$$\text{фойда нормаси } P = \frac{\text{фойда} \times 100\%}{\text{харажатлар}} = \frac{0,5 \text{ млн сўм} \times 100\%}{4 \text{ млн сўм}} = 25\% \text{ га тенг.}$$

Ҳисобларни бажариш жараёнида фойда нормасини ўқитувчи тушунтириб беради. Қолган ҳисобларни талабаларнинг ўзлари бажариб, бошқа тушунчаларни мазмунини эслатиб ўтилади. Бу ерда талабалар диққатини билвосита (эгри) солиқларга ҳам қаратиб ўтиш зарур.

Қайси мавзуда, қандай тарзда масаладан фойданишни ўқитувчи ҳал қилади.

4 Маъруза жараёнида қўлланиладиган масала, машқлар доимо реал маълумотлар асосида бўлиши шарт эмас. Унда шартли рақамлардан фойдаланиш мумкин.

Масалан, доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг фарқини кўрсатиш учун қуйидагича масала тузиш мумкин:

Тикувчилик кичик корхонасида ой давомида 200 дона эркаклар кўйлаги тикилди. Тикиш учун қуйидаги харажатлар қилинди.

Хом ашё харажатлари 300 000 сўм.

Энергия харажатлари 40 000 сўм.

Асбобускунанинг амортизация тўловлари 100 000 сўм. Транспорт ёллаш учун харажатлар 30 000 сўм.

Иш ҳақи ва ижтимоий суғурта харажатлари 150 000 сўм.

Ижарага олинган хона учун тўланадиган ҳақ 20 000 сўм.

Умумий, кўйлак тикиш учун ўртача, доимий ва ўзгарувчан харажатлар улушини ҳисобланг.

Бунда умумий харажатлар доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг йиғиндисига тенг.

Масаламиз бўйича доимий харажатлар амортизация тўловлари ва ижара ҳақидан иборат бўлиб, $100\,000 + 20\,000 = 120\,000$ сўм; Қолган харажатлар эса ўзгарувчан харажатлар бўлиб, $300\,000 + 40\,000 + 30\,000 + 150\,000 = 520\,000$ сўмга тенг; УМУМий харажатлар эса $120\,000 + 520\,000 = 640\,000$ сўм;

ўртача харажатлар = умумий харажатлар/ тикилган кўйлак сони = $640\,000/200 = 3200$ сўм

Доимий харажатлар умумий харажатларнинг $120\,000 : 640\,000 = 0,1875$ ёки

18,75% га тенг;

Ўзгарувчан харажатлар эса $100 - 18,75 = 81,25\%$ га тенг.

Бу масала ўқувчи, талабаларнинг умумий, ўртача, доимий, ўзгарувчан харажатларнинг мазмунини ўзлаштиришларига ёрдам беради.

4. Маърузада берилган масала оддий бўлиши, маърузани мураккаблаштирмаслиги, назарий қонунқоидаларни пухта ўзлаштиришларини ҳисоблар, рақамлар орқали мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак.

5. Ўрганилаётган мавзу, назарий қонунқоидалар кенг кўламда реал фактлар далилларни талаб қилса, бунда расмий маълумотлар асосида тузилган жадвал ёрдамида бажариладиган масала, машқлар қўл келади. Ўқитувчи саволни тушунтириш жараёнида статистик маълумотларни таҳлил қилиб, талабаларни назарий фикрлашга ўргатади. Амалий тавсиялар беради.

Масалан, иқтисодий ўсишни ўрганишда қуйидаги жадвалдан фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши динамикаси (% да)

ЙИЛЛАР	ЯИМ ўсиши, нисбатан	Аввалги йилга нисбатан	Ўсиш суръати, пункт	
			1991 йилга нисбатан	Аввалги йилга нисбатан
1991	100	99,5		
1995	81,6.	99,1		
1996	83	101,7		
1997	87,3	105,2		
1998	91,1	104,3		

1999	95,1	104,4		
2000	98,2	103,8		
2001	102,7	104,2		
2002	106,8	104,0		
2003				
2004				
2005				

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотлари асосида Ўзбекистонда ЯИМ 1996 йилга қадар 1991 йилга нисбатан ўсиш суръати пасайиб боргани, фақат 1996 йилга келиб тушкунлик тўхтатилиб, иқтисодий ўсиш бошланишини кўрсатиб, кейинги 1997 йилдан бошлаб барқарор иқтисодий ўсишга эришилганини кўрсатиш мумкин.

Бунда талабаларга қўшимча топшириқ бериш мумкин. Масалан, ўқитувчи жадвал маълумотлари бўйича янги топшириқ, айтайлик, 2003-2005 йил маълумотлари билан тўлдириш, аввалги йилга нисбатан ўсиш суръатини ҳисоблашни топшириб, ундаги маълумотлар асосида хулоса чиқаришни таклиф қилинади ва талабалар билан биргаликда жадвалнинг қўшимча устунини тўлдириш мумкин. У ҳолда жадвал қуйидаги кўринишда бўлади.

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши динамикаси (% да).

ЙИЛЛАР	ЯИМ ўсиши, нисбатан	Аввалги йилга нисбатан	Ўсиш суръати, пункт	
			1991 йилга нисбатан	Аввалги йилга нисбатан
1991	100	99,5		
1995	81,6.	99,1	18,4	4,3
1996	83,0	101,7	17	2,6
1997	87,3	105,2	12,7	3,5
1998	91,1	104,3	8,9	0,9
1999	95,1	104,4	4,9	0,1
2000	98,2	103,8	1,8	0,6
2001	102,7	104,2	2,7	0,4
2002	106,8	104,0	6,8	0,2
2003	111,3	104,2	11,3	0,2
2004	119,8	107,7	19,8	3,5
2005	128,2	107,0	28,2	0,7

Бунда 1996 йилга қадар Ўзбекистон иқтисодиётининг пасайиб кетишининг қандай сабаблари бўлиши мумкин, деб аудиторияга мурожаат қилиниб, талабалар билан биргаликда унинг сабаблари санаб чиқилади.

1. Собик Иттифоқ таркибида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни узилишига олиб келди.

2. Жаҳон бозорида пахта толаси нархи тушиб кетди. У ўз навбатида, четга асосан, хом ашё чиқаришга ихтисослашган республикамиз иқтисодиётига катта таъсир қилди.

3. Бозор иқтисодиётига ўтилиши туфайли мамлакатимизда таклифни талабга мослашимиз зарурати пайдо бўлди. Республикамиз иқтисодиёти бундай имкониятга эга эмас эди.

4. Корхоналар режали иқтисодий шароитдан тамомила фарқланувчи бозор талаби бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиши зарур эди.

5. Мамлакатимизда бозор инфраструктураси етарлича ривожланмаган эди.

6. Иқтисодий ўсишни таъминлаш учун молия ресурслари, технология, малакали кадрлар зарур эди.

Мамлакатимизда иқтисодий пасайиш сабабларини ўрганиб, уни бартараф қилишга қаратилган чоратадбирлар туфайли 1996 йилнинг ўрталарига келиб, ишлаб чиқаришдаги тушқунлик тўхтатилди. Кейинги йилларда иқтисодий ўсишга эришиш таъминланди. Бунда:

а) ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга эътибор берилиши;

б) мулкни босқичмабосқич давлат тасарруфидан чиқаришни амалга оширилиши;

в) хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантирилиши;

г) бозор инфраструктурасини вужудга келтиришга аҳамият берилиши;

д) четдан инвестицияларни жалб этишига алоҳида эътибор берилиши ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Фанни ўрганишда машқлар ҳам катта аҳамиятга эга. Юклатилган вазифага кўра, уларни:

а) формулани таҳлил қилиш билан боғлиқ;

б) иқтисодий категория, қонунқоидаларни таҳлил қилиш;

в) ахборот, рақамлар, фактларда ифодаланган маълумотларни таҳлил қилишга қаратилган машқларга бўлиш мумкин.

Машқлар схема, графикларга асосланган бўлиши, кенг равишда жадвал маълумотларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Улар орқали у ёки бу категория, тушунчани ўзлаштириш осон бўлади.

Машқлар тўғри жавобни танлаш ва ана шу танловни асослаб беришда ҳам ифодаланади.

У тўғри нотўғри жавобни танлашни изоҳлаш ёки тест ечиш тарзида бўлиши мумкин.

Хуллас, назарий дарсларда ўтиладиган мавзуга кўра ўрганиладиган саволларга қараб, масаламашқлардан фойдаланиш дарсни қизиқарли бўлиши, талабалар диққатини ўрганилаётган савол, масалага қаратишларига ёрдам беради. Маъруза жараёнида талабаларнинг иштирокини таъминлайди.

3§. Амалий дарсларда масала, машқлардан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш

Амалий машғулотларда ўқувчи, талабаларга индивидуал ёндашишнинг имконияти катта. Уларда у ёки бу турдаги қийинчилик келиб чиқса, ўқитувчининг тушунтириши, айрим назарий қоидаларни аниқлаштириши, йўлйўриқ кўрсатиши орқали тезда ёрдам бериб юбориш мумкин бўлади.

Амалий машғулотларда масала ва машқлардан фойдаланиш методларига уч хил ёндашув мавжуд.

Нисбатан энг идеал варианты бўлиб, амалий машғулотда назарий саволларни муҳокама қилиб бўлгач, масала, машқ ечиб, назарий билимни мустаҳкамлаш ҳисобланади. Бунда ўқув режаси бўйича ажратилган дарс соати имкон беришига қаралади.

Масалан, иш билан бандлик, ишсизлик ва унинг шаклларини муҳокама қилиб, назарий билимни мустақамлаш мақсадида қуйидаги масалани ечиш мумкин.

Мамлакатда ишсизликни табиий меъёри 5 фоиз деб қабул қилинган. Меҳнат ресурслари 12 миллион киши. Фрикцион ишсизлар 0.5 млн. киши, таркибий ишсизлар 0.3 млн. киши, доимий ишсизлар 0.1 млн. киши, яширин ишсизлар 0.6 млн. киши бўлса, ишсизликнинг амалдаги меъёри табиий меъёрдан қандай фарқ қилади? Ҳисобланг, ҳукумат қайси ишсизлик шаклига алоҳида диққат қаратиб, уни камайтириш чоратадбирларини белгилаши керак?

Жавоб:

Ҳақиқатда жами ишсизлар $0.5 + 0.3 + 0.1 + 0.6 = 1,5$ млн. киши; лекин расмий равишда ишсизлик даражасини ҳисоблаганда доимий ва яширин ишсизликни ҳисобга олинмайди, яъни улар ишсизлар категориясига кирмайди. Шунинг учун расмий равишда ишсизлар $0. + 0.3 = 0.8$ млн киши.

Ишсизлик даражаси $0.8/12 = 0.067$ ёки 6.7% га тенг.

Ишсизлик даражаси белгиланган табиий ишсизлик даражасидаи $6.7\% - 5\% = 1.7\%$ га ортик. Давлат таркибий ишсизликни камайтиришга эътибор қаратиши ксрак. Улар ўз касбларини мамлакатдаги талабга мослаштиришлари учун шароит яратиш зарур.

2. Масала ва машқлардан фойдаланишнинг иккинчи методи улардан назарий муаммони, қонунларни ўрганиш жараёнида фойдаланилади.

Ўқувчиталабалар томонидап назарий саволни ўзлаштириш қийин кечса, масалани ечиш ёрдамида осон бўлади.

Бу масалага иқтисодий фанларни ўрганишда икки нуқтаи назардан қараш мумкин: биринчиси, объектив иқтисодий қонунларни ўрганиш жараёнида;

Иккинчиси, мамлакатда қабул қилинган иқтисодиётга тегишли юридик қонунлар, Президент фармонларини ўрганиш жараёнида.

Масалан, ўқувчиталабалар томонидан ўзлаштириш қийин бўлган иқтисодий кўрсаткичлар, меъёрий кўрсаткичлар ҳисобланади. Унинг маъносини меъёрий кўрсаткични ҳисоблашга қаратилган масала, машқлар ёрдамида тушуниш осон.

Бунинг учун ўқитувчи қуйидагича масала тузиши ёки танлаши мумкин:

Фирманинг доимий харажатлари 45 минг сўм. Ўртача ўзгарувчан харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига кўра қуйидагича:

Ишлаб чиқариш ҳажми, дона	Ўртача ўзгарувчан харажатлар, минг сўм
1	17
2	15
3	14
4	15
5	19
6	29

Ўртача, умумий ва меъёрий харажатларни ҳисобланг.

Фирма ҳафтасига қанча маҳсулот ишлаб чиқарса, харажатлар энг кам бўлади?

Нима сабабдан ўртача харажатлар аввал пасайиб, сўнгра ортиб кетади?

Ўқитувчи, аудиторияга мурожаат қилиб, келингллар, масалани биргаликда ечиб, ана шу саволларга жавоб берамиз, дейди.

Масала шартлари бўйича ечими кўринарли, таққослаш осон бўлиши учун уни жадвал орқали ифодалаймиз.

Жадвалимиз қуйидаги кўринишда бўлади:

Ишлаб чиқариш ҳажми, дона	Ўртача ўзгарувчан харажатлар, минг сўм	Ўртача умумий харажатлар, минг сўм	Умумий харажатлар, минг сўм	Меъёрий харажатлар, минг сўм
1	17			
2	15			
3	14			
4	15			
5	19			
6	29			

Умумий харажатларни топишимиз учун доимий ва ўзгарувчан харажатларни топишимиз керак. Биз доимий харажатларни биламиз. У 45 минг сўм. Ўзгарувчан харажатлар биринчи маҳсулотни ишлаб чиқарганда 17 минг сўм, умумий харажатимиз $45 + 17 = 62$ минг сўм. Меъёрий харажат йўқ, яъни 0. Чунки меъёрий харажатлар ҳар бир қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган қўшимча харажатдир.

Уни куйидаги формула бўйича топамиз. $MC = TC_{n+1} - TC_n$, яъни меъёрий харажатлар кейинги + 1 та маҳсулот учун қилинган харажатлардан аввалги харажатларни айириб, топилади. Мисолимиздаги биринчи маҳсулот учун меъёрий харажат йўқ ёки уни шартли равишда 0 га тенг дейишимиз мумкин.

Энди 2 та маҳсулот ишлаб чиқарганда доимий харажатимиз 45 минг сўм, ўзгарувчан харажатимиз $15 \times 2 = 30$ минг сўм. Умумий харажатимиз $45 + 30 = 75$ минг сўм.

Меъёрий харажатларимиз эса $75 - 62 = 13$ минг сўм, яъни аввалги битта маҳсулотимизга яна бир дона маҳсулот қўшилганда, жами ишлаб чиқарган маҳсулотимиз 2 та, маҳсулотга сарфланган умумий харажатлардан битта маҳсулот учун яъни $(n1) - 1 = 2 - 1 = 1$ сарфланган харажатларни айириб ташласак, 13 минг сўм бўлади.

Бу ерда ўртача умумий харажатлар $75 : 2 = 37,5$ минг сўмга тенг бўлади. Энди 3 та маҳсулот ишлаб чиқаргандаги харажатларни ҳисоблаймиз деб, ўқитувчи ўқувчиталабаларга масаланинг давомини ишлашни топшириши мумкин. Ёки доскага бир талабани чиқариб, бошқа талабалар ҳам ўзлари ишлашлари мумкинлиги, ким тез ва тўғри ечса, баҳоланишини эслатиш мумкин.

Масала ечиб бўлинганда, жадвалимиз куйидагича кўринишни олади.

Ишлаб чиқариш ҳажми, дона	Ўртача ўзгарувчи харажатлар, минг сўм	Ўртача умумий харажатлар, минг сўм	Умумий харажатлар, минг сўм	Меъёрий харажатлар, минг сўм
1	17	62	62	
2	15	37,5	75	13
3	14	29	87	12
4	15	29,25	105	18
5	19	28	140	35
6	29	36,5	219	79

Кўришиб турибдики, меъёрий харажатларимиз учинчи маҳсулотгача пасайиб, тўртинчи маҳсулотдан бошлаб, кўтарилган. Ўртача умумий харажатларимиз эса, тўртинчи маҳсулот ишлаб чиқаришда энг паст 26,25 минг сўмга тенг. Демак, фирма ҳафтасига 4 та маҳсулот ишлаб чиқарса, маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажат энг паст даражада бўлар экан. Ўртача харажатларимизни аввал пасайиб, сўнгра

ортиб кетишига сабаб, дастлаб, меъёрий харажатларимиз пасайиб борди, сўнгра эса, ортиб кетди. Бунинг натижасида ўзарувчи харажатларимиз ҳам ортиб кетади.

Шунинг учун ҳам, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини белгилаганда меъёрий харажатларни ўзгаришига эътибор қаратишимиз керак.

3. Саволни назарий жиҳатдан амалий дарсда муҳокама қилиб ўтирмай, масала, машқ ечиб қўя қолиш керак. Бунинг учун масала, машқ уйга вазифа сифатида бериб ўтирилмайди. Масала ечиш натижасида назарий саволни чала ўрганилади, деган хавотирга тушиш ноўрин, чунки масала ёки машқни таҳлил қилиш жараёнидаги мулоқот, аксинча, назарий қонунқоидаларни чуқурроқ ўрганишга, уни мазмунига тушунишга ёрдам беради.

Масалан, талаб ва таклиф қонунини ўрганганда, уни назарий жиҳатдан муҳокама қилиб ўтирмай, масала, машқ ечиш орқали назарий хулосага келиш мақсадга мувофиқ.


Ўқитувчи бунда қуйидагича масала танлаши мумкин.

Кун давомида бир килограмми 400 сўмдан 200 кг қулупнай сотилди. Эртасига кўпроқ фойда олиш мақсадида қулупнайнинг нархи 600 сўм қилиб белгиланди. Натижада атиги 100 кг сотилди холос. Бунинг устига, кечга томон қулупнай кўпайиб кетди. Қулупнайни сотилмай қолиб кетишидан қўрқиб, 250 сўм нарх қўйилди. Натижада 380 кг қулупнай сотилиб, яна 5 кг. дан олмоқчи бўлган 4 та харидорга етмай қолди.

Қулупнайга талабни жадвал, график тарзида тасвирланг ва уни нарх билан боғланишини тушунтиринг. У қандай қонунни амал қилишини ифодалайди, изоҳланг. Уни кўрсатиш учун қандай методларни қўлладик, сўзлаб беринг.

Жавоб: Қулупнайнинг нархга боғлиқ равишда талаб миқдори жадвал ва график кўринишида қуйидагича бўлади:

Қулупнай нархи, Кг/сўм; P	Қулупнайга талаб, кг, Q
250	400
400	200
600	100



Нарх бўйича талаб миқдорини белгиланган нукталарини бирлаштириб, чизиб чиқсак, талаб эгри чизиғи ҳосил бўлади. Бу эгри чизиқ талаб қонуни амал қилишини кўрсатади. Нарх кўтарилган сари талаб ортади. Товар қанча қиммат бўлса, шунча кам миқдорда харид қилинади. Бу сабабоқибатли, функционал боғланиш талаб қонунини ифодалайди. Математик нуктаи назардан қарасак, товар ва хизматларга бўлган талаб уларнинг нархи билан тескари пропорционал боғланишда бўлади. Талаб қонунини ўрганганда илмий абстракция, математик моделлаштириш методларидан фойдаландик. Илмий абстракция методи ёрдамида талабга нархдан бошқа омиллар таъсир этмайди, деб олдик. Математик методдан фойдаланиб, талаб ва нархни боғланишини жадвал кўринишида, график тарзидаги талаб эгри чизиғини чизиб, моделда ифодаладик.

Масалани ечиб, назарий жиҳатдан қўйилган саволлар муҳокама қилиб бўлингач, ўқитувчи аудиторияга мурожаат қилиб: «ана шу жадвал рақамлари, яъни кишиларнинг нархи тушган товарни харид қилишини кўпайтириш имкони нима деб аталади?» деб мурожаат қилиши мумкин. Талабалар «даромад эффекти» деб аталади дейиши мумкин. Агар тўғри жавоб бўлмаса, ўқитувчи ўқувчи, талабаларни ана шу фикрга йўналтириши керак. Бундан ташқари, ўрин босиш эффекти мавжудлиги, у одамларни нархи қиммат товар ўрнига

нисбатан арзонроқ, бошқа товар сотиб олишида ифодалишини, масалан, мураббо қилиш учун қулупнайнинг ўрнига олча олинишини кўрсатиш мумкин.

Ўқитувчи аудиторияга: «мана шу қонунда ифодаланган вазиятни инкор қилувчи ҳолат бўлиши мумкинми?» деб савол ташлаб, бундай ҳол юз бериши мумкинлиги, иқтисодиётда бундай вазият Гиффен эффекти дейилиши, бундай товарлар Гиффен товарлари деб аталиши ҳақида жавоб олишга ҳаракат қилиши зарур.

Масалан, товарларнинг сифати яхши, қанча нархи ортишига қарамай, талаб ортади, камбағал оилалар, айтайлик, картошканинг нархи ортишига қарамай, гўштга нисбатан арзон бўлгани учун уни кўпроқ сотиб олиши мумкин.

Бундай масала, машқлар ўқувчигалабаларни назарий материални юзаки, иқтисодий категорияларнинг алоқасини ўзаро боғланишига аҳамият бермай ўрганишларининг олдини олади. Кўпинча унинг маъноси, ижтимоий мазмунига эътибор бермай ўрганишади.

Масалани ечиш эса уларни дарсликлардан механик тарзда конспект қилишнинг фойдаси йўқлигига ишонч ҳосил қилишларига олиб келади. Чунки масалани ечиш у ёки бу иқтисодий категория, қонунларни қуруқ ёдлаш камлик қилишини кўрсатади. Миқдорий боғланиш, бирбирини тақозо қилиши, улар асосида хулоса чиқариш учун билиш, тушуниш, таҳлил қилиш, таққослаш, ўз билимидан фойдалана билишни зарур қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам имкони бўлганда, назарий қоидалар, муаммоларни ўрганишда масала, машқлардан фойдаланиш талабаларни мазкур мавзунини пухта ўзлаштиришларига ёрдам беради ва уларнинг фаоллигини оширади.

Аудиторияда масала ечишни турлича усулда амалга ошириши мумкин.

Биринчи йўл. Масала, машқ барча ўқувчи, талабалар томонидан индивидуал тарзда ечилади. Ўқитувчи масала, машқни ечиш учун мураккаблиги даражаси, таҳлил қилиш, баҳо бериш, хулоса чиқаришини ҳисобга олган ҳолда маълум вақт беради. Ўз вақтида тўғри ечилиши ва берилган топшириқ бўйича масалани изоҳлашига қараб, балл беришини эълон қилади. Ким ечиб бўлса, қўлини кўтариб ечиб бўлганини билдиради. Ўқитувчи унинг жавобига қараб, балл қўяди.

Иккинчи йўли. Масала кичик гуруҳларга бўлиб берилади. Кичик гуруҳ уни мукоҳама қилиб, ечади ва гуруҳдан бир киши кичик гуруҳ номидан жавоб беради.

Учинчи йўли. Бир ўқувчигалаба доскага чиқиб, ечади. Қолганлар ўзи ечиши ҳамда доскада масаланинг ечилишини кузатиб, нотўғри бўлса, тезда ўз фикрини билдириши лозимлиги уқтирилади. Агар доскада масала ечаётган талаба адашса, уни тўхтатиб, бошқа талабани масалани ечиш бўйича фикрини тинглаб, тўғри ечишни кўрсатиб бериши таклиф этилади. Талабаларнинг фаолиятига кўра балл берилади.

Тўртинчи йўл. Масала, машқ ечишни уйга вазифа қилиб бериш мумкии.

Амалий машғулотда унинг жавоби мукоҳама қилиниб, хулоса чиқарилади.

4§. Масаламашқ, уларни тузиш ва иқтисодий фанларни ўрганишда қўллаш

Ўқув жараёнида масаламашқларни қўллаш учун уларни мавзулар бўйича тузиш лозим. Масала тузишда дуч келинадиган **анъанавий қийинчиликлар** мавжуд:

Биринчидан, масаланинг шартларини турлича изоҳлашга олиб келишга йўл қўйилмайдиган қилиб аниқ бўлишига эришиш осон эмас. Айниқса, мумкин бўлган вариантлари бир неча хил бўлиб, уларнинг ичидан нисбатан у ёки бу мезонга кўра, энг оптимал вариантларни топиш шарти қўйилган масалаларда эҳтиёт бўлиш керак. Сабаби, масалаларнинг шарти аниқ қўйилмаслиги натижасида талабалар масала тузувчи кўзда тутмаган масалалар ечими, вариантларини таклиф қилиши ҳамда у масала шартига, умуман олганда, мос келиши мумкин экан. У ҳолда ўқитувчи қийин аҳволда қолади. Масалани аниқ жавобини тўғри деб топиб, талабаларни рағбатлантириш ёки шартни ноаниқлигидан фойдаланиб, кўзда тутилмаган, лекин тўғри ечиш йўлини топган талабага энг юқори балл қўйиш лозим. Ундан ташқари бир жавобнинг ўзини бир неча усул билан

олиш мумкин. Ўқитувчи буни ҳам олдиндан аниқлаб қўйиши керак, яъни масалани қайси йўл билан ечган энг юқори балл олади.

Иккинчидан, иқтисодий фанлардан ечиладиган масалалар математик ҳисобкитобларни талаб қилади. Ўқитувчи масала тузар экан, талабани математикадан эмас, иқтисодий фанлардан билимини синаш лозимлигини ёддан чиқармаслиги керак. Шунинг учун яхши иқтисодий масала у ёки бу иқтисодий тушунчаларнинг мазмунини чуқур ўрганишга ундаши, масалани ечиши учун зарур даражада фанга доир тушунча бўлиши зарурлигини тақозо қилиш керак. Математик ҳисобкитоблар эса ёрдамчи аҳамиятига эга бўлиши зарур.

Практика шуни кўрсатадики, масалаларни тузиш учун ўқитувчи фаол тажриба, малака, моҳирликка эга бўлиши лозим.

Қўйилган шартга биноан мураккаблигига кўра, масалаларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Маълум бир категория, тушунчани асосий мазмунини билишга қаратилган;
2. Маълум бир тушунча асосида ҳисобкитоб қилиш, ундан хулоса чиқаришга қаратилган;
3. Масалани ечиш учун мазкур категория ҳақида умумий тушунча бўлишини талаб қиладиган масалалар.

Қандай масалани ечишни ўқитувчи ўтилатган мавзу, гуруҳдаги талабаларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, танлайди.

Маълум бир категория, тушунчани асосий мазмунини ўрганишга қаратилган **қуйидаги масалани** кўриб чиқайлик.

1. Қуйидаги жадвалда товар ишлаб чиқариш учун капитал ва меҳнат харажатларини ҳамда маҳсулот ТР миқдорини ўзгариши берилган.

Берилган маълумотлар асосида:

А) Меҳнат харажатларини (ишловчилар сони) ўзгариши билан меъёрий маҳсулот ҳажми қандай ўзгарган, ҳисобланг. Нечанчи ишчини ишга ёллагандан сўнг меъёрий маҳсулот камаю бошлайди?

Б) Ҳар бир қўшимча ишчини ёллагандан сўнгги ўртача маҳсулот (АР) ҳажминини ҳисобланг. Қачон ўртача маҳсулот максимал даражага етади?

В) Ишлаб чиқариш билан банд бўлганларнинг сонига кўра, умумий маҳсулот (ТР), ўртача (АР) ва меъёрий (МР) маҳсулотнинг ўзгариш графигини чизинг.

Г) Меъёрий умумдорлик (даромад)ни пасайиб бориши қонуни амал қилишини тушунтиринг. Унинг фазаларнинг кўрсатинг.

Капитал харажатлари К	Меҳнат харажатлари L	Меъёрий маҳсулот, МР	Умумий маҳсулот, ТР	Ўртача маҳсулот, АР
10	0		0	
10	1		20	
10	2		54	
10	3		100	
10	4		151	
10	5		197	
10	6		230	
10	7		251	
10	8		234	

Масалани ечиш:

А) Меъёрий маҳсулот $MP = TP_n - TP_{n-1}$ $MP_2=5420=34$


$MP_3=10054=46$, худди шундай тарзда кўшимча ишчиларни ортиб бориши билан меърий харажат миқдорини ҳисоблаймиз. Жадвалда MP устунда кўриниб турибдики, бешинчи ишчидан бошлаб меъёрий маҳсулот пасайишни бошлаган. Тўртинчи ишчида 51, бешинчида 46 (жадвалга қаранг).

Б) Ўртача маҳсулотни ҳар бир ишчи кўшилганидан кейин топамиз. Масалан, иккинчи ишчи кўшилганда, $AP = TP / 2 = 54 / 2 = 27$. Учинчи ишчи кўшилганда $100 / 3 = 33$ ва ҳоказо. Максимал ўртача маҳсулот даражасига бешинчи ишчи ишга қабул қилинганда эришилади. Умумий (ялпи) маҳсулотимиз ҳажми энг максимал 251га еттинчи ишчини қабул қилинганда, эришилади, $251 / 7 = 35,9$ (жадвалга қаранг).

К	L	MP	TP	AP
10	0		0	0
10	1	20	20	20
10	2	34	54	27
10	3	46	100	33
10	4	51	151	38
10	5	46	197	39
10	6	33	230	38
10	7	21	251	36
10	8	17	234	29

В) Меъёрий MP , ўртача AP , умумий TP маҳсулот куйидаги графикда кўрсатилган.

TP, AP, MP Биринчи Иккинчи Учинчи
фаза фаза фаза



2) Умумий маҳсулот динамикаси унумдорликни пасайиб бориши қонунига бўйсунди.

Биринчи фазада меъёрий унумдорлик MP (20, 34, 46, 51) ўсиб боради. Натижада TP жадал ўсади.

Иккинчи фаза – меъёрий унумдорликни пасайиши намоён бўла бошлайди (51, 46). ТР нинг ўсиш суръати секинлашади. Меъёрий маҳсулот МР пасаяди, лекин ҳали мусбат миқдорга эга.

Учинчи фаза меъёрий унумдорлик манфий натижа, яъни зарар келтиришини бошлайди

Шундай қилиб, ТР эгри чизиғи ўзининг максимал даражасига етгач, пасайишни, меъёрий маҳсулот эса зарар келтиришни бошлайди.

Иккинчи гуруҳга хос қуйидаги масалани ечайлик.

Берилган:

Товарга бўлган талаб функцияси: $Q_d = 700 - P$;

Таклиф функцияси: $Q_s = 2P - 200$;

P – товар нархи, сўм, Q – товар миқдори, минг дона.

Қуйидагиларни ҳисобланг:

1. Берилганлар асосида товарнинг мувозанат баҳоси ва миқдорини аниқланг.

2. А), Б) ва В) пунктлар бирбирига боғлиқ бўлмаган вазиятларда:

А) давлат органлари томонидан товарга 200 сўм миқдорида баҳо белгилаб қўйилди.

Таклиф миқдорини, сотилган товар ва тақчиллик миқдорини аниқланг.

Б) ишлаб чиқарувчиларга ҳар бир сотилган товар учун 150 сўм миқдорида дотация белгиланди. Товарнинг мувозанат нархи ва миқдорини аниқланг.

В) ҳар бир товарга 150 сўм миқдорида эгри солиқ (қўшилган қиймат) белгиланди. Янги мувозанат нархини ҳисобланг.

3. Ўрганилаётган категория ҳақида умумий тушунча бор, лекин уни мазмунига тушуниб етишга ёрдам берадиган қуйидаги масалани кўриб чиқайлик.

Айтайлик, Эркинжон корхонада цех бошлиғи лавозимида ишлаб, йилига 600 минг сўм маош оларди. Банкда 1200 минг сўм пули бўлиб, йилига 14% даромад келтиради.

У хусусий бизнес билан шуғулланишга қарор қилди ва барча жамғарган пулини сарфлаб, кичик корхона очди. Биринчи йилнинг охирида бухгалтерия ҳисоби кўрсатдики, ҳамма қилинган харажатларни олинган даромаддан айириб ташлагач 660 минг сўм фойда қолибди. Бир ҳисобчи, бухгалтерия ҳисобкитобига кўра фойдангиз сарфлаган 1200 минг сўмлик инвестициянгизга нисбатан 55% ташкил этади. Бу яхши деди.

Иккинчи, иқтисодиёт назариясини чуқур ўрганган бухгалтер унга, албатта, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш таваккалчилик хатари билан боғлиқ. Фойда олмай зарар кўришингиз ҳам мумкин эди. Лекин бизнесда “омад”ингиз бор экан деб айта олмайман. Чунки сизни реал иқтисодий фойдангиз 108 минг сўм. Бу эса инвестициянгизга нисбатан – 9% ташкил этади, деди. Бухгалтерлардан қайси бири ҳақ?

Ечиш:

1. Мувозанатга эришиш учун талаб ва таклиф тенг бўлиши керак. У ҳолда $700 - P = 2P - 200$. Ундан: $3P = 900$; $P = 300$;

Мувозанат нарҳини талаб ёки таклиф тенгламасига қўйиб, товарнинг мувозанат миқдорини топамиз. $Q_d = 700 - 300$; $Q_d = 400$ ёки $Q_s = 300 \cdot 2 - 200 = 400$;

Жавоб: мувозанат нарҳи **300 сўм**, мувозанат миқдори **400 минг дона**.

2. А) давлат томонидан белгиланган нарх (200 сўм) ни тенгламага қўямиз.

Талаб миқдори $Q_d = 700 - 200$; $Q_d = 500$ минг дона.

Таклиф миқдорини ҳам шундай тарзда формулага қўйиб, топамиз.

$Q_s = 2P - 200$; шунинг ўзи сотилган товар ҳажмини кўрсатади.

$Q_s = 2 \times 200 - 200$; $Q_s = 200$ минг дона.

Талаб ҳажмидан таклиф миқдорини айириб тақчиллик миқдорини топамиз. $500 - 200 = 300$ минг дона

Жавоб: таклиф миқдори **200 минг дона**; товар тақчиллиги **300 минг дона**;

Б) белгиланган дотацияни ҳисобга олганимизда, таклиф формуласи $Q_s = 2(P+150) - 200$; кўринишини олади. У ҳолда дотация киритилгач, мувозанат баҳоси $2(P+150) - 200 = 700 - P$ сўм бўлади;

$3P = 700 - 100$; $P = 200$ сўм.

Талаб миқдори эса, $Q_d = 700 - 200 = 500$ минг дона.

Таклиф ҳажми $Q_s = 2(200+150) - 200$;

$Q_s = 700 - 200$; $Q_s = 500$ минг дона.

Жавоб: мувозанат баҳоси **200 сўм**; миқдори **500 минг дона**.

В) эгри солиқ киритилгач, таклиф формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади: $Q_s = 2(P-150) - 200$;

Маълумки, мувозанат нарҳнинг маълум даражасида талаб билан таклиф тенглигини ифодалайди. У ҳолда $2(P-150) - 200 = 700 - P$;

$2P - 300 - 200 = 700 - P$;

$3P = 700 - 500$; $3P = 1200$; $P = 400$ сўм;

мувозанат миқдори эса, $Q_d = 700 - 400 = 300$ минг дона.

Жавоб: мувозанат нарҳи **400 сўм**, миқдори **300 минг дона**.

Жавоб:

Албатта иккинчиси, сабаби Эркинжон хусусий бизнес билан шуғулланишга қарор қилиб, олиши мумкин бўлган 600 минг сўмлик маошдан воз кечди. Ундан ташқари 168 минг сўм олиши мумкин бўлган фоизни ҳам ололмади. Яъни хусусий бизнес билан шуғулланишнинг муқобил қиймати –108 минг сўм зарар бўлди.

$(600 \text{ минг сўм} + 168 \text{ минг сўм}) - 660 \text{ минг сўм} = 108 \text{ минг сўм}$.

Агар бизнес билан шуғулланишдан “психологик даромад” олса, яъни унга шуғулланаётган иши ёқса, Эркинжон буни зарар деб ҳисобламаслиги ҳам мумкин.

Демак, **иккинчи** бухгалтер ҳақ.

Машқларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Таъкидланган фикрга нисбатан ўз нуқтаи назарини билдириш ва уни асослаб беришни талаб қилувчи машқлар.

2. Ҳаётда юз берган ҳодисаларни, жараёнларни назарий жиҳатдан тушунтириб беришга қаратилган машқлар.

3. Берилган топшириқни мушоҳада қилиб, хулоса чиқаришга йўналтирувчи машқлар.


Биринчи гуруҳга кирувчи машқларда билдирилган фикрни одатда тўғри ёки нотўғрилигини (Т / Н) тасдиқлаш ва уни изоҳлаб бериш талаб қилинади. Мисол:

Тўғри / нотўғри


1. Бозор иқтисодиётида кимнинг пули кўп бўлса, у шунча кўп товар сотиб олиши мумкин .
2. Товар ишлаб чиқариш ҳажми ва усули ишлаб чиқариш ресурсларининг баҳосига боғлиқ.
3. Мукамал рақобатга асосланган иқтисодиётда алоҳида товар ишлаб чиқарувчи маҳсулот миқдорини камайтириш орқали нархга таъсир этади.
4. Бозор иқтисодиётида қандай товар ишлаб чиқариш зарурлигини охиरोқибат истеъмолчилар ҳал қилишади.
5. Автомашиналарга бензин қуйиш шахобчаси бозорга мисол бўла олади.
6. Талаб эгри чизиғи нархнинг пасайиши туфайли талаб ҳажмининг ўсишини кўрсатади.
7. Даромадарнинг ортиши барча товарларга талабни оширади.
8. Ресурслар баҳосининг ҳар қандай ўзгариши талаб ва таклиф мувозанатини таклиф эгри чизиғи бўйича юқори ёки пастга томон ўзгартиради.
9. Бир вақтнинг ўзида товар таклифи ва истеъмолга ажратилган даромаднинг ўсиши натижасида баҳолар ўзгармаслиги мумкин.
10. Таклиф эгри чизиғини ўнгга силжиши ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар бир нарх даражасида аввалгига қараганда камроқ товар таклиф қилинаётганини кўрсатади.

Жавоб:

1. Билдирилган фикр **тўғри**, сабаби бозор иқтисодиётида товарлар таклифи талабга нисбатан кўп. Харидор хоҳлаган товарни танлаш ва сотиб олиш имкониятига эга.
2. **Тўғри**, чунки ишлаб чиқариш ресурслари қанча қиммат бўлса, ишлаб чиқариш учун шунча кўп маблағ, харажат керак бўлади ёки аксинча.
3. **Нотўғри**, мукамал рақобат курашига асосланган бозорда ишлаб чиқарувчи – сотувчилар жуда кўп, улар сони чекланмаган. Алоҳида товар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳиссаси жуда кам, шунинг учун маҳсулот миқдорини камайтириш билан нархга таъсир эта олмайди.
4. **Тўғри**, чунки бозор иқтисодиётида таклиф доимо талабга мослашади. Акс ҳолда ишлаб чиқарган товарини сота олмай, касод бўлади.
5. **Тўғри**, бензин қуйиш шахобчасида бензин олдисотди қилинади.
6. **Тўғри**, истеъмолчилар товарнинг нархи қанча паст бўлса, шунча кўп сотиб олишади. Унинг шкаласини графикда тасвирласак, талаб эгри чизиғи ҳосил бўлади.
7. **Нотўғри**, даромадларнинг ортиши ҳамма товарга ҳам талабни оширавермайди. Қатъий эластик талабга хос товарларга талаб ўзгармай қолади. Ундан ташқари, даромадларнинг маълум қисми жамғармага айлантиради.
8. **Тўғри**. Чунки ресурслар баҳосини ўзгариши ишлаб чиқарилган товарлар нархининг ҳам ўзгаришига, у ўз навбатида, талаб миқдорининг ўзгаришига олиб келади.
9. **Тўғри**. Уни графикда чизиб кўрсатамиз. Айтайлик, мувозанат E_1 да бўлсин. Даромад ва таклиф ортиши туфайли талаб ва таклиф эгри чизиғини ўнгга силжиши рўй беради. Мувозанат E_2 нуктада ўрнатилади. Лекин баҳо P_1 даражада қолади.



10. **Нотўғри.** Таклиф эгри чизиғини ўнгга силжиши ҳар бир нарх даражасида аввалгига қараганда кўпроқ товар таклиф қилинаётганини кўрсатади. Уни графикда тасвирласак, қуйидаги кўриниш ҳосил бўлади.



Бу машқни сарфхаражатларни ўрганаётганда қуйидагича тузиш мумкин: Билдирилган фикрларни ўқинг, ундаги таъкидланган фикрларни тўғри ёки нотўғрилигини изоҳланг.

Тўғри / нотўғри

1. Фирманинг харажатлари – бу доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг йиғиндисидан иборат.
2. Доимий харажатлар узлуксиз равишда амалга ошириладиган харажатлардир.
3. Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш омили билан боғлиқ харажатлардир.
4. Меъёрий харажатлар маълум бир меъёردа сарфланган харажатлардир.
5. Ўртача харажатлар умумий харажатларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатлардир.

Жавоб:

1. Билдирилган фикр тўғри, чунки умумий харажатлар доимий ва ўзгарувчан харажатлардан иборат.
2. Нотўғри. Сабаби, доимий харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига қараб ўзгармайдиган харажатлардир.
3. Нотўғри. Ўзгарувчан харажатлар деб, ишлаб чиқаришнинг ҳажмига қараб ўзгарадиган харажатларга айтилади.
4. Нотўғри. Меъёрий харажатлар деб бир бирлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган қўшимча харажатларга айтилади.
5. Тўғри. Ўртача харажатларни, умумий харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига бўлиб топамиз.

2. Иккинчи гуруҳга кирувчи машқни кўриб чиқайлик

Келтирилган вазиятларни таҳлил қилиб айтингчи, амалга оширилган фаолият туфайли «мулк ҳуқуқи» дастасининг қайси бир элементи реализация қилинади?

- а) Фермер ер участкасини ижарага олди, унда буғдой етиштириб, давлатга сотди.
- б) Эркинжон “Нексия” автомобилни сотиб олди ва унда дала ҳовлисига қатнаб турибди.
- в) Корхона ўзининг цехи биносини бошқа фирмага ижарага берди.
- г) Тадбиркор Одилжон бошқа тадбиркордан унча катта бўлмаган иккита хонани сотиб олди. Битта хонани бузиб, иккинчисини кенгайтириб, таъмирлади.
- д) Хўжалик суди тадбиркор Раҳимовдан қарзини тўламагани учун, қарз эвазига унинг ишлатиб турган ускунасини олиб қўйишга қарор қилди.
- е) Фуқаро Акбарова ўзи яшаб турган уйини ўғилларига васият қилди.
- ж) Давлат корхонаси бировнинг боғидан автомобиль йўли ўтказди. Бунда унинг эгасига қирқилган дарахтлар учун компенсация тўланмади.

- з) Автомобилнинг эгаси ундан фойдаланмай, автостоянкага қўйиб қўйган. Ўртоқлари ундан автомобилдан фойдаланишга рухсат сўрашса, бермади.
- и) Уйдаги мулкни ўғирлаб кетишгани учун фуқаро милицияга мурожаат қилди.
- к) Суд корхонага тозаланмаган оқовасини анҳорга ташлагани учун жарима солди.
- л) Фуқаро мулк қилиб олган ер участкасига ишлов берди. Келажакда уни сотмоқчи эмас.

Жавоб:

- а) Вақтинча эгалик, назорат қилиш, фойдаланиш, бошқариш тасарруф қилиш ва даромад олиш ҳуқуқи.
- б) эгалик қилиш, фойдаланиш ва бошқариш, тасарруф қилиш ҳуқуқи.
- в) фойдаланиш ҳуқуқи.
- г) эгалик қилиш, тасарруф қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи.
- д) нарсалардан қарзини тўлаш учун фойдаланиш имкониятга эга бўлиш, қарзини тўлаш жавобгарлиги ҳуқуқи.
- е) тасарруф қилиш, мерос қолдириш ҳуқуқи.
- ж) мулк ҳуқуқи бузилди.
- з) эгалик қилиш, тасарруф қилиш ҳуқуқи.
- и) мулк ҳуқуқи бузилди.
- к) ташқи муҳитга, бировга зарар келтирадиган тарзда фойдаланиш усуллари тақиқлаш ҳуқуқи.
- л) эгалик қилиш, тасарруф қилиш, фойдаланиш ҳуқуқи.

Иккинчи гуруҳга мансуб, реал ҳаётда юз берган ҳодисаларни, жараёнларни назарий жиҳатдан тушунтириб беришга қаратилган машқлардан яна бирини кўрайлик.



Уй эгаси уйини ойига 30 минг сўм ҳақ тўлаш шarti билан ижарага берди. Уйни ижарага олган киши эса у ерда кичик корхона очиб, болалар кийимларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, даромад топди.

Уларнинг қайси бири тадбиркор? Уйни ижарага берганми ёки олганми?

Жавоб: Тадбиркор уйни ижарага олган киши. Чунки у ресурсларни ишга солиб, маҳсулот ишлаб чиқариб, даромад топапти. Тадбиркорлик маблағлардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқариш омилларини энг оптимал нисбатини топиб, ишга тушириш эвазига даромад, фойда олишга қаратилган, инсонларга наф келтирувчи иқтисодий фаолиятдир.

Учинчи гуруҳга кирувчи машқлар:


1. Иқтисодиётда тушкунлик юз бераётган пайтда давлат кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини қабул қилиб, таълим харажатларини кўпайтирди. Ундан ташқари темир йўл, автомагистрал, кўприк қуриш ва бошқа ижтимоий ишлар учун харажатларни кўпайтирди. Нарх ва реал ялпи ички маҳсулот қандай ўзгарди? Харажатлар кўпайтирилгунча ялпи талаб ва таклифнинг график тасвири чапдаги чизмада кўрсатилган бўлса, у қандай ўзгарди.



Жавоб: Давлат харажатлари ортади. Талаб ортади. Нарх ўсади. Талаб эгри чизиғи ўнгга силжийди.

2. Янги газ ва нефт кони топилди. Натижада энергия нархини пасайиши содир бўлди. Мувозанат нархи даражаси ва реал ялпи ички маҳсулот ҳажми қандай ўзгарди? Графикдаги тасвир қандай ўзгарганини кўрсатинг.

Жавоб: Таклиф ортади. Нарх тушади. Реал ЯИМ ўсади. Таклиф эгри чизиғи ўнгга силжийди.



жавобини ёзиб қўйиши керак.

Дарс жараёнида масаламашқларни қўллашдаги яна бир муҳим муаммо уларни жавобини муҳокама қилиш. Одатда масаламашқнинг тўғри жавобини айтиб қўя қолинади. Ваҳоланки, талабанинг ёдида қолиши, мавзуни пухта ўзлаштириши, ҳисобкитобни тўғри бажаришида масаланинг жавобини муҳокама қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун ўқитувчи масалани жавобини муҳокама қилишга эътибор қаратиши зарур. Вақт етишмайдиган бўлса, масаламашқ ечишни уйга вазифа қилиб бериб, дарсда уни тўғри ечилганлигини муҳокама қилиш мумкин.

5§. Тестлар, уларни тузиш, ўтказиш ва жавобларини муҳокама қилиш

Талабаларнинг пухта билим олишлари, уларнинг олган билимларини текширишдаги қатор афзалликларини ҳисобга олиб, кейинги пайтда кенг қўлланилаётган машқ тури **тест ҳисобланади. Тест ечиш** ниҳоятда кенг қўлланилиши сабабли алоҳида метод сифатида қараладиган бўлди.

Мавзуни ўрганишда тестлардан фойдаланиш, айниқса, гуруҳда тест ўтказилгач, унинг жавобларини муҳокама қилиш алоҳида аҳамиятга эга.

Тест тузиш кўп вақт ва меҳнат, синчковлик, сабртоқатни талаб қилади.

Шу билан бирга, меҳнатни осонлаштирадиган компьютер дастурлари **TESTER, RESULTER** мавжуд. Биринчи дастур кўпроқ тест тузишни осонлаштиришга қаратилган бўлса, иккинчиси тест ўтказиш ва натижаларини тезда ҳисобкитоб қилиш, статистик маълумотлар олишга қаратилган. Тест саволлари тузишда, америкалик педагогларнинг кўрсатишича ўқитувчи қуйидагиларга аҳамият бериши лозим:

1. Кўзланган мақсадга қўра, саволни аниқ қўйиш керак.
2. Тестда фақат битта жавоб тўғри бўлиши керак.
3. Жавобларни бири бирига ўхшаш бўлиши ва ҳақиқатга яқин бўлгани маъқул.
4. Тестда иложи борича инкор этувчи феъл ва бошқалардан фойдаланмасликка ҳаракат қилиш лозим (Масалан, юқоридаги кўрсатмалардан нима имкон бермайди? ва ҳоказо ...).
5. Юқорида кўрсатилганларнинг ҳаммаси (ёки юқорида кўрсатилганлардан ҳеч бири) каби таърифларни иложи борича ишлатмаслик зарур.

6. Бир неча компонентлар (айтайлик, А ва С) ни мужассамлаштирган жавобларни иложи борича кам ишлатиш, ишлатганда, тест кимлар учун тузилаётганига аҳамият бериш мақсадга мувофиқ;

7. Тўғри жавоб доимо бир жойда (доимо А ёки доимо Б) бўлиши керак эмас;

8. Саволлар ва жавоблар грамматик жиҳатдан ўзаро мос, мувофиқ бўлиши керак.

Объектив тестлар. Тестларни объектив дейилишига сабаб, унга тўғри жавоб бор, уни субъектив жиҳатдан баҳолашни истисно қилади.

Ундаги саволлар кўпинча далиллар, аниқ ахборотларни ёдга туширишга қаратилган. Объектив тест саволлари Блум таксономиясининг иккинчи босқичидаги фикрлаш доирасига тўғри келади. Улар фикрлашни юқори даражада баҳолашга имкон бермайди, лекин уларни фикрлашнинг юқори босқичига тўғри келадиган қилиб тузиш мумкин. Улар татбиқ қилиш, таҳлил қилиш даражасига мос келадиган мураккабликда бўлиши мумкин, лекин бундай савол тузиш қийин.

Объектив тестларнинг афзаллик томонлари ва камчиликлари. Объектив тестларнинг афзаллиги уларни кўп саволларни қамраб олишидир. Шу туфайли барча мавзулар бўйича талабалар билимини текшириш имконини беради. Билим олиш, тушуниш учун самарали услуб жуда кўл келади.

Объектив тестларни асосий камчиликларидан бири қўйилган саволларни тор доирада қамраб олишидир. Талабалардан эса кенг тасаввурга эга бўлиш талаб қилинади.

Тестларни ўқиш ва талабалар билимини баҳолашнинг усули сифатида қўллашнинг муҳим томони ҳамда мураккаблиги шундаки, айнан нима сабабдан шу жавоб тўғрилигини асослаб бериш лозим. Бунда жавобларни объектив, тушунарли, мантиқан тўғри изоҳланишига аҳамият бериш керак. Тест ўтказилгач, гуруҳда жавобларни муҳокама қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Буни қуйидаги тест мисолларида кўриб чиқайлик.

1. Ресурслар чекланганлиги муаммосини қуйидаги ҳолатда ечиш мумкин:

А) одамлар ресурсларни асраб авайлаб, иқтисод қилиб, ишлатишса;

Б) ҳамма ихтиёрий равишда ўз эҳтиёжларини чекласа;

В) келажакда, фан ва техника ривожланиши туфайли товарлар ишлаб чиқаришни етарли даражада кўпайтириш учун янги имкониятлар очилса;

Г) бу муаммонинг чеки йўқ;

Жавоб муҳокамаси:

Бу тестда тўғри жавоб Г. Ресурсларни нисбатан чекланганлиги барча эҳтиёжларни қондириш учун етишмайди. Ресурслар чекланганлиги муаммоси ҳар қандай ижтимоий – иқтисодий тизимга хос бўлиб, уни ечиб бўлмайди. Сабаби, бирор ресурсларнинг етишмаслиги ёки тугаб қолишида эмас, балки **ресурсларнинг эҳтиёжларга нисбатан чекланганлигидадир.** Шунинг учун бу муаммони ресурсларни иқтисод қилиш билан ёки ихтиёрий равишда истеъмолни чеклаш билан ечиб бўлмайди. Демак А ва Б жавоблар нотўғри. В жавоб ресурслар чекланганлиги муаммоси билан Фантехника ривожланиши асосида имкониятларни кенгайтириш, яъни ресурслар топиш ёки аввал фойдаланиб бўлмаган имкониятлардан фойдаланиб, товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкинлигига қаратилган.

Жавоб ҳозирги эҳтиёжларни келажакда қондириш нуқтаи назаридан берилган. Ҳозир қондириш қийин ёки қондирилмаган эҳтиёжларни келажакда фантехниканинг ривожланиши натижасида қондириш мумкин бўлади. Лекин ёддан чиқармаслик керак: келажакда яна янги янги эҳтиёжлар келиб чиқадики, уларни қондириш учун яна ресурслар етишмайди.

Демак, В ҳам нотўғри.

Ягона тўғри жавоб Г, қайсики бу муаммонинг адоғи йўқ.

Иккинчи тестни кўрайлик.

Бозор иқтисодиёти шароитида компьютерда ишлаш учун дастур тузувчиларнинг иш ҳақи даражаси, белгиланади:

А) дастур тузиш малакасига эга, мавжуд иш ҳақига рози, мутахассислик бўйича ишлашга тайёр хизматчилар миқдори билан;

Б) дастур тузувчи мутахассисларга талаб асосида;


В) дастур тузувчи мутахассисларга талаб ва таклиф асосида;

Г) меҳнат кодекси ва бошқа меҳнат бўйича қабул қилинган қонунлар асосида.

Жавоб муҳокамаси:

Бу тестда тўғри жавоб В).

Хизматчилар бозоридаги вазиятни талаб ва таклиф эгри чизиғи ёрдамида кўрсатиш мумкин. Вертикал (ордината) ўқига дастур тузувчиларни иш ҳақи, горизонтал ўқига хизмат кўрсатувчилар миқдори (бу ерда ўлчов бирлик одамсоат ёки дастур тузувчилар сони бўлиши мумкин)ни жойлаштирамиз.



Графикдан кўришиб турибдики, дастур тузувчининг иш ҳақи даражаси (P) фақат дастур тузувчи талабига ёки таклифига эмас, аксинча, талаб ва таклифларнинг ўзаро таъсири остида маълум бир иш ҳақи даражасида белгиланади. Демак, А ва Б жавоблар нотўғри. Саволда иш ҳақининг ўртача даражаси ҳақида гап кетаяпти. Қабул қилинган қонунлар у ёки бу мутахассислик бўйича иш ҳақи даражасига таъсир қилиши мумкин, лекин иш ҳақи даражасини белгиламайди.

Шундай қилиб Г жавоб ҳам нотўғри. Дастур тузувчиларнинг ўртача иш ҳақи даражаси талаб ва таклиф мувозанатига боғлиқ экан. Агарда талаб кўп, таклиф оз бўлса иш ҳақи даражаси мувозанати нуқтаси юқорида, яъни иш ҳақи юқори. Агарда таклиф кўп, талаб оз бўлса, иш ҳақи мувозанати нуқтаси пастда, яъни иш ҳақи ҳам паст бўлади. Демак, тўғри жавоб, В.

Талабалар билимини баҳолашда тест муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари тест бошқа, усуллар: масала ечиш, реферат ёзиш ёки саволга оғзаки, ёки ёзма жавоб ёзиш кабилардан **қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:**

Тестлар талабалар билимини назорат қилишнинг объектив усули ҳисобланади. Сабаби унда ўқитувчи билан талаба ўртасида вужудга келган муносабатлар ҳеч қандай роль ўйнамайди ва талаба билимини баҳолашга таъсир этмайди.

Нazorat иши ёки рефератда ўқитувчи талабанинг айрим хатоларидан кўз юмиб, унинг билимини юқори баҳолаши ёки аксинча, ўзининг субъектив талабларини қўйган ҳолда паст баҳолаши мумкин. Тестлар бундай хатоликдан холи.

Тестларни фақат якуний назоратда қўллаш шарт эмас. Уларни мавзунини бошлашдан аввал ҳам, жорий назорат, оралиқ назоратда ҳам қўллаш мумкин.

Тестлар талабалар билимини бутун дастур бўйича, шунингдек, тор танлаш доирасида алоҳида аҳамиятга эга ёки анъанавий ўзлаштириш қийин тушунча ҳақида мавзулар бўйича назорат қилиш, баҳолаш имконини беради.

Тестлар талабалар билимини тез текшириш имконини беради. Чунки бутун гуруҳни билимини текшириш учун жуда кам вақт талаб қилади. Бу, айниқса, оралиқ тестлар ўтказиш учун қулай, чунки тест жавобларига кўра ўқитувчи дастур бўйича ўз ишини, дарс ўтиладиган саволларни кўриб чиқади, келгусида дарс ўтишда қайси саволларга аҳамият беришни мўлжаллайди.

Америкалик мутахассис Бенжамин Блум билим олиш, ўрганишнинг босқичли моделини ишлаб чиқиб, уни олти босқичга бўлганини кўриб чиққан эдик. У билиш, тушуниш, татбиқ этиш, таҳлил қилиш, синтез (умумий хулоса чиқариш), баҳолашдан иборат эди.

Тестлар мураккаблигига кўра, ана шу босқичларнинг қайси даражасига тўғри келиши билан фарқланади. Бунда тестларни тахминан уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Блум таксаномиясининг биринчи ва иккинчи «билиш ва тушуниш» босқичларига мос келадиган нисбатан унча мураккаб бўлмаган тестлар.

2. Таксаномиянинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи «тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш ва синтез қилиш» босқичларига тўғри келадиган ўртача мураккаб тестлар.

3. Кўпроқ бешинчи ва олтинчи «синтезумумий хулоса чиқариш ва баҳолаш» га тўғри келадиган мураккаб тестлардан иборат.

Ана шу тестларни жавобига кўра, талаба, гуруҳ предметни қандай ўзлаштиргани, билими қай даражада эканлигини аниқлаш мумкин.

Ўқитувчи тестларни мураккаблиги даражасига кўра, жавоблар учун вақтни ҳар бир тест учун 1 дақиқа ёки ундан кўпроқ белгилаши мумкин. Талабалар тестларга жавоб берар эканлар, уларга қуйидагиларни уқтириш лозим:

1. Кузатишлар кўрсатадики, кўпинча биринчи интуитив жавоб тўғри бўлади.

2. Тестни ҳар кимнинг ўзи ечгани маъқул.

Талабаларнинг билим олиши ва уларни олган билимини баҳолашнинг усули сифатида тестларни қўллашнинг муҳим томони, нима сабабдан шу жавоб тўғрилигини асослаб беришдир. Бунда жавоб объектив, тушунарли, мантиқан тўғри изоҳланишига аҳамият бериш керак.

Тест ўтказиш бўйича тавсиялар

1. Талабалар тест ёрдамида нималарни текширишини, тест ўтказишдан мақсад нималигини тушунтириш керак.

2. Тест ечиш кўникмасини ҳосил қилиш учун синаб кўриш.

3. Тест ечиш учун талабалар кайфиятини ижобий йўналтириш.

4. Тест фақат ўрганилган ва ўрганилаётган мавзулар бўйича ўтказилиши.

5. Тест саволлари асосий концепция, қонун ва тамойилларни очиқ беришга қаратилган бўлиши.

6. Тестнинг пухта бўлиб, тез ўтказилиб турилиши.

7. Ўтказилган тестлар тезда текширилиши, баҳоланиши ва натижасини эълон қилиниши.

8. Гуруҳда тест жавобларини муҳокама қилиниши.

9. Ўқитувчи тузган тестларига лозим бўлса, тузатишлар киритиши керак.

Тестларнинг ўзига хос камчиликлари ҳам бор. Тест саволларини тузиш кўп меҳнат, вақт талаб қилади. Шунинг учун кейинги пайтларда ўқитувчилар кўпроқ тайёр тест саволларидан фойдаланишмоқда.

Унинг камчилиги: таваккал қилиб жавоб топиш, талабанинг диққати асосан тестга берилган жавоблар доирасида чегараланиб қолиши. Талабанинг ўз фикрини билдириш имконияти йўқлиги. Талабаларни чуқур фикрлаш, таққослаш, танлаш ва қарор қабул қилишга ўргатишимиз зарур. Шунинг учун тестлар бошқа ўқув методлари, талабалар билимини баҳолаш шакллари билан биргаликда қўлланилгани маъқул.

6§. Иқтисодий фанлардан эссе ёзиш ва эссе учун саволлар тузиш

Маълумки, олий ўқув юртини битирган мутахассис берилган топширикни бажарганлиги, қилинган ишлар ва эришилган натижа, мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф қилиш йўллари бўйича ёзма ҳисобот бера олиши керак. Шунингдек, хизмат

хати, рапорт, ҳисобот, турли муассаса, ташкилотлар ўртасида ёзишмалар, фирма, корхона ва бошқалар билан шартнома кабиларни ёзишни билиши керак.

Талабалар бўлғуси мутахассис сифатида ўз фикрларини баён қилишни, ёзма равишда ифодалашни ҳам ўрганишлари керак. Айниқса, иқтисодий соҳада ёзма ҳисобот, турлитуман ташкилотлар, фирма, корхоналар билан бизнес бўйича шериклар ўртасида турлитуман ёзишмалар, хатлар, билдиришномалар, хизмат юзасидан алоқаларга тегишли таклифлар, тавсиялар ва бошқа ёзма ҳужжатларни тайёрлашга, ёзма ишларни бажаришга тўғри келади. Бунинг учун эса уларда кўникма ҳосил қилиш керак. Бу кўникма талабаларнинг ёзма иш ёзишлари орқали ҳосил қилинади. Тезтез ёзма иш ёзиш уларнинг фикрлашини ўзгартиради, уларни курс иши, якуний назорат иши, битирув малакавий иши, турли ёзишмалар, диссертация ёзишга тайёрлайди. Ёзма иш ижодий фикрлашга ўргатади. Унинг муаллифи ўзининг қарашини, фикрини асослашга ўрганади.

Афсуски, кўпинча оғзаки равишда ўз фикрини бемалол ўртоқлашадиган кишилар ёзма равишда баён қилишга келганда жуда қийналишади. Ана шундай ҳолни камайтиришнинг муҳим усули бу талабаларни **ёзма иш** бажаришларидир.

Талабаларни тезтез ёзма иш ёзишлари уларнинг фикрлаш кўникмаларини тубдан ўзгартиради. Уларни курс иши, ҳисобот, битирув малакавий иши, қолаверса, диссертация ишларини ёзишга тайёрлайди.

Ёзма нутқ фикрни ҳар томонлама ўйлаш, аниқ ифодалашга, ҳар бир сўзни ўрнида ишлатишга ўргатади.

Ёзма ишни ўрганилаётган мавзу бўйича бошлаш керак. Белгиланган вақт 1015 дақиқа. Дастлаб, ўқувчиталабалар хаёлларига шу мавзу бўйича нима келса, шуни ёзишади. Бунинг учун уларни койимаслик керак.

Ўқитувчи ёзма ишларни йиғиб олиб талабаларнинг интеллектуал даражаси, мавзунини ўзлаштиришларини аниқлайди.

Дарс ўтишнинг янги услублари орасида **эссе ёзиш** ҳам ўзига хос ўрин эгаллаб бораёпти. У, айниқса, якуний назорат иши ёзиш учун тажриба тўплашда қўл келади.

Эссе (франсузча ESSAI тажриба, хомаки режа) – муаллифнинг индивидуал позициясини алоҳида ажратиб кўрсатиш орқали эркин, кўпинча, парадоксал баён қилишга йўналтирилган фалсафийэстетик, адабийтанқидий, бадийпублицистик адабиёт.

Нобел мукофоти лауреати В. В. Леонтьевнинг «Экономические эссе. Теории, исследования, факты и политика» китоби нашрдан чиққач, иқтисодий мавзуларда ҳам эссе ёзишга эътибор берилган бошланди.

Бу усулдан кейинги пайтларда, талабаларни иқтисодий фикр юритишга ўргатиш ва билимини баҳолашда кенг қўлланилмоқда. Усулнинг бошқа усулларга ўхшаб ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари мавжуд.

Эссе учун мавзулар ва саволлар.

Саволларга жавоб бериш учун берилган топшириқлар, ахборотларни тартибга солиш, таҳлил қила олишга йўллаши керак. Мантикий масалаларни ечиш улардан фойдаланиш кўникмасини талаб қилади. Бу иқтисодий фикрлашнинг юқори даражасидир. Уларни объектив тестга нисбатан тузиш осон. Уни қўллашнинг қийинчиликлари, жавобларни баҳолашнинг қийинлигидир. Шунга қарамай, билиш жараёнини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун эсседан зарур ахборот олиш мумкин.

Эссега учун мавзу танлаганда ёки савол тузганда қуйидагиларга аҳамият бериш керак.

1) Топшириқни иложи борича аниқ қўйиш керак. Шартни шундай қўйиш керакки, талаба ундан нима талаб қилинаётганлигини тушунсин.

2) Эссе топшириғи фикр юритишга, таҳлил қилишга ундайдиган саволлар бўлиши зарур.

3) Эссе учун тайёрланган саволтопшириқларни талабаларга ўқитувчининг ўзи танлаб бергани маъқул. Бунда талабанинг билими объектив баҳоланади.

4) Комплекс жавоб талаб қиладиган саволларни уйга вазифа тарзида ёки оралик назорат, якуний назоратда бериш мумкин.

5) Агар вақт чекланган бўлса, дарс давомида энг асосий моментларга аҳамият қаратилган саволлар қўйиш мумкин.

Эссе учун саволлар намунаси.

1) 1980 йилдан 2005 йилгача ишловчилар сони ўсди. Уларнинг уй юмушларига сарфлайдиган вақтлари ҳафтасига 100 соатдан 50 соатгача қисқарди. Ёғ, ун, хамиртуруш, гуруч кабиларни сотиб олиш камайди. Нон, ярим фабрикатлар, консерваланган мева кабиларни сотиб олиш миқдори кўпайди. Ана шу маҳсулотларни сотиб олиш динамикасини муқобил қиймат нуқтаи назаридан тушунтиринг.

2) Айрим кишилар кундалик эҳтиёж моллари бўлган озиковқат, кийимкечак, уйжой кабиларнинг нарҳини паст даражада ушлаб туриш керак, деган фикрни билдиришади. Баҳолар устидан назорат ва рағбатлантириш концепциясидан фойдаланиб, биринчи даражали кундалик эҳтиёж молларининг нарҳини бозор нарҳидан паст белгиланиши қандай оқибатга олиб келишини тушунтиринг.

3) Японияда асосий озиковқат маҳсулоти гуручдир. Япония ҳукумати ўз ишлаб чиқарувчиларини ҳимоя қилиш мақсадида бошқа мамлакатлардан гуруч сотиб олишни чеклади. 1993 йили обҳавонинг ноқулай келиши сабабли Японияда шоли етиштиришга катта талофот етди. Обҳавонинг ёмон келиши қандай оқибатга олиб келишини олдиндан тахмин қилинг.

Кейинги йилларда Япон гуручининг а) таклифини;

б) нарҳини ўзгаришини кўрсатинг. Сабабларини изоҳланг.

Япон ҳукуматининг гуруч импортига, умуман, импортга муносабатини изоҳланг.

Эссенинг афзалликлари ва камчиликлари.

Эссе кўпроқ фикрлаш, билим мазмунининг юқори босқичига хос. У талабаларнинг ёзма нутқ кўникмаларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Уни тузиш нисбатан осон, ҳамда талабалар томонидан таваккал жавоблар танланишига йўл қўймайди.

Асосий камчилиги: а) баҳолаш қийин;

б) уларни ўқиш, таҳлил қилиш, баҳолаш учун кўп вақт керак.

Тестлар кўп саволни қамраса, эсседа бир неча савол қўйилади. Сабаби, уларга жавоб ёзиш кўп вақт талаб қилади.

Талабалар билимини синаш доираси кенгайди. Эссе саволларини ҳар бир талаба учун алоҳида бериш мақсадга мувофиқ. Эссе натижаси муҳокама қилинаётганда оригинал фикр билдирган талабаларга қўшимча балл қўйиш керак.

Асосий таянч тушунча ва атамалар.

Назарий ва амалий дарсларда қўлланиладиган масаламашқлар, масаламашқ ечиш, масаламашқни қўллаш қоидалари, масала ечиш қоидалари, масала, машқ турлари, тест, объектив тестлар, жавобни муҳокама қилиш, эссе, эссе саволлари

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Иқтисодий фанларни ўрганишда масала, машқ ечиш нима сабабдан асосий ўринда туради?

2. Маълум бир категория, тушунчанинг асосий мазмунини билишга қаратилган масалалар, қандай масалалар?

3. Қандай масалалар маълум бир тушунча асосида ҳисобкитоб қилиш, ундан хулоса чиқаришга қаратилган?

4. Қайси иқтисодий фанларда масалани ечиш учун мазкур категория ҳақида умумий тушунча бўлиши керак?

5. Иқтисодий фанларда ўрганиладиган машқларни қандай гуруҳларга бўлиш мумкин?

6. Тестлар ҳақида нималар дея оласиз? Уларнинг қандай афзалликлари ва камчиликлари бор?

7. Тест тузиш қоидаларини ўргандингизми? Ўзингиз талаб даражасида тест туза оласизми?

8. Эссе нима, эссе учун саволлар тузишда қандай қоидаларга амал қилиш керак?

9. Эссе ёзишнинг қандай афзалликлари ва камчиликлари бор?


ХII боб. «АҚЛИЙ ХУЖУМ» ва «CASE STUDY(кейс)» МЕТОДИ АСОСИДА ДАРС ЎТИШ

1§. Иқтисодий фанларни ўрганишда «ақлий ҳужум» методини қўллаш ва унинг бошқа услублардан фарқи

«Ақлий ҳужум» услубида қўйилган савол, муаммо, масалани бутун гуруҳ билан биргаликда муҳокама қилинади.

У талабаларни ўқув жараёнида машғулотлар фаол қатнашишларини, турли ғояларни топиш ва баён қилиш чоғида бошқаларни ҳам фикрини жалб қилиш, ўз фикрларини айтишга йўналтирувчи методдир. Бу методни қўллаганда, қўйилган ғоя, савол барчани ўзига жалб қилади.

Бу методда маълум муаммо бўйича ҳар бир талабанинг фикрмулоҳазаси тингланиб, улар асосида маълум бир ечим танланади. Услуб бўйича дарс ўтишни қуйидаги схема орқали кўрсатиш мумкин.



Бу метод асосида савол муҳокамасини икки, уч хил усулда ўтказиш мумкин. Ҳар бир усул икки ёки уч босқичдан иборат бўлади.

Биринчи усул. Дарснинг биринчи босқичида гуруҳ иккига ажратилади. Талабалар қўйилган муаммо ёки савол бўйича ўз фикрмулоҳазаларини навбатманавбат қисқача баён қилади. Бунда ҳар бир талаба масалага ўз нуқтаи назаридан ёндашишга ҳаракат қилиши керак.

Иккинчи босқичда битта гуруҳнинг талабалари иккинчи гуруҳ вакилининг билдирган фикрига ўз муносабатларини билдиришади, яъни оппонентлик қилишади. Иккинчи гуруҳ билдирилган барча фикрларни тўплайди.

Учинчи босқичда билдирилган фикрлар сараланади ва мақбул, самарали ечим танланади. Ҳар икки гуруҳнинг натижаси тўғри деб топилган жавоблар асосида таққосланади ва балл берилади.

Дарс ўтишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

1. Муаммо, муҳокама қилинадиган масала ёки мунозарали савол аниқ, ҳаммага тушунарли бўлиши зарур. Иложи бўлса, уни доскага ёки ватман қоғозга ёзиб қўйиш керак;

2. Ўқитувчи талабаларга «Ақлий ҳужум» ёки «Ақлий штурм» асосида дарс ўтказишнинг тартибини тушунтириб бериши керак. Бунда:

а) ҳар бир талаба ўз фикри, ғоясини аниқ, қисқа ифодалаш зарурлиги, бунинг учун 2030 сония вақт берилиши;

б) бошқалар билдирган фикр, ғоя, тавсия, таклифларни такрорламаслик;

в) биринчи босқичда мунозарага киришмаслик, фақат қўйилган муаммога нисбатан ўз фикрини айтиш;

г) биринчи босқичда аудиторяда билдирилган фикр асослаб берилмайди, танқид қилинмайди;

д) фикр билдириладиган пайтда сўзловчининг гапи бўлинмайди;

е) билдириладиган фикр, ғоя муҳимлиги жиҳатидан бирбирига нисбатан тенг деб олинади.

Сабаби, биринчидан, иложи борича кўпроқ фикр, ғоя, таклиф, тавсияларни тўплаш. Иккинчидан, ҳаммани ўз фикрини очиқ билдиришни таъминлаш. Учинчидан, вақтни тежаш.

Ўқитувчи ўқув жараёнида ташаббусни шундай қўлга олиши, дарсни ташкил қилиши керакки, ҳар бир талаба мавзуга дахлдор даражада фикр айтиши зарур.

Иккинчи босқичда билдирилган фикрлар, ғоялар, таклифлар сараланиб, гуруҳларга ажратилиб, муҳокама қилинади. Таҳлил асосида улар ичидан энг мақбул, самарали ечим танланади.

Иккинчи усул. Биринчи босқичда қўйилган муаммо, масала бўйича ҳар бир талаба ўз фикрини билдиради. У қисқа, тушунарли бўлиши керак. Талабалар билдирган фикрни ўқитувчи ёки талаба ёзиб бориши, ёки 23 дақиқа вақт белгиланиб, ҳар бир талаба ўз фикрини ёзиб бериши мумкин.

Иккинчи босқичда билдирилган фикр ва ғоялар сараланади. Биргаликда муҳокама қилинади. Ечим танланиб, қарор қабул қилинади. Талабаларнинг иштироки ва билдирган фикрининг оригиналлиги, тўғрилиги ва бошқа жиҳатларига кўра балл берилади.

Масалан, «Аграр муносабатлар» мавзусини ўтаётганда аграр секторнинг муаммоларини муҳокамаси шу усул бўйича ўтиш мумкин. Булар республикамиз учун энг долзарб муаммолардандир. Чунки ЯИМни 2630 фоизи, валюта тушумининг 55 фоиздан ортиғи аграр секторга тўғри келади. Аҳолининг 40 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, 60 фоизи қишлоқларда яшайди.

Дарс мавзуси; **Аграр секторнинг узоқ муддатли муаммоларини қандай ечиш мумкин?**

Бу муаммоли саволни муҳокама қилиш учун аввало талабаларнинг диққатини аграр сектордаги узоқ ва қисқа муддатли муаммоларнинг фарқини ажратишга қаратишимиз зарур.

Қисқа муддатли муаммолар:

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талабнинг ноэластиклиги.

2. Қишлоқ хўжалигида табиий ва бошқа омиллар таъсирида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариб туриши.

3. Турли омилларнинг таъсирида талабнинг тебраниши туфайли келиб чиқади. Натижада аграр секторнинг асосий муаммоси тармоқда баҳо ва даромадларнинг беқарорлигини келтириб чиқаради.

Аграр секторнинг узоқ муддатли муаммолари:

1. Фантехника тараққиёти билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларига таклиф кўпаяди. Банд бўлганлар сони қисқаради.

2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб нисбатан секин ўсади.

3. Аграр секторда банд бўлганлар даромади бошқа тармоқлардагига нисбатан кам.

4. Баҳо паритети саноат фойдасига ўрнатилади.

Булар аграр секторни қисқарувчи тармоқ сифатида намоён бўлишига олиб келади. Бу масала бўйича жуда кўп фикрлар, тавсиялар, таклифлар билдирилади. Уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

А) Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш.

Б) Аграр секторда банд бўлганларни бошқа секторларга кўчириш.

В) Давлат томонидан аграр секторни қўллабқувватлаш.

Қарор қабул қилишда уларнинг қайси бири асосий ўринга қўйиш кераклигини аниқлаймиз. Сўнгра, ҳар бир гуруҳдаги энг мақбулини ажратамиз. Муаммоли саволни муҳокамаида қатнашишларига кўра талабалар фаолияти баҳоланади.

Методнинг ўзига хос яна бир усули мавзу қўйилган муаммони ўрганишда таҳлилий, ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ечишдир.

Таҳлилий – ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш методи.

Ўқитувчи ўрганиладиган мавзу бўйича фикрлашни талаб қиладиган, мувофиқ равишда тавсиялар ишлаб чиқишини ўрганиш зарур бўлган савол ёки муаммони доскага ёзади.

Муҳокама жараёнида билдирган фикрлар ҳам ёзиб борилади. Айтайлик, биз харажатларни ўрганаёلمиз. Асосий мақсад харажатларни камайтириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариб, сотишдан юқори фойда олишни таъминлаш. Демак, харажатларни пасайтириш омилларини аниқлашимиз, уларнинг таъсири катта ёки аксинчалигини аниқлашимиз керак. Буни гуруҳда муҳокама қилиш учун доскага:

«Сарфхаражатлар миқдорига таъсир қилувчи омиллар» деб ёзиб қўямиз.

Гуруҳда 20 та талаба бўлсин. Ҳар бир талаба навбат билан ўз фикрини айтади ва бири иккинчисини такрорламаслиги керак. Билдирилган фикрлар доскага ёзиб борилади.

Санаб ўтилган омиллардан 5 тасини ажратиб кўрсатинг, дея аудиторияга мурожаат қиламиз. Жавобларни индивидуал ёки кичик гуруҳлар миқёсида умумлаштирилади. Мисолимизда, айтайлик, бош менежер ва менежерларнинг малакаси ва маҳорати, техника ва технология даражаси, меҳнат унумдорлиги, хом ашё нархи, маҳсулот сифати кўрсатилди. Талабалар нима сабабдан айнан у ёки бу омилни биринчи, иккинчи ва ҳоказо ўринларга қўйганлари сабабини асослаб беришади.

Ишни бошқача ташкил қилса ҳам бўлади. Бунда мавзу ёки қўйилган асосий саволнинг ўзини ифодалайдиган бир неча саволлар тайёрлаб, уни кичик гуруҳларга бўлиб берилади. Ҳар бир кичик гуруҳ ўз саволи бўйича алоҳида «ақлий ҳужум» ўтказиши ва натижани бутун гуруҳ олдида тақдимот қилади. Ўқитувчи раҳбарёрдамчи сифатида ҳаракат қилади ва ҳар бир гуруҳда ақлий ҳужум қандай бораётганини кузатиб, бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтиб туради.

Ақлий ҳужумнинг бундай усули қисқа вақт давомида бир саволни турли жиҳатдан кўриб чиқиш имконини беради.

Жавоблар баҳолаганда билдирилган энг яхши фикрни талабаларнинг ўзлари ажратиб, 13 ўрин беришни таклиф қилади. Талабаларни таққослаш ва баҳолашга жалб этамиз.

Ақлий ҳужум методини ўзига хос модификацияси «фикрлар ҳужуми» методи бўлиб, бу метод Ж.Дональд Филипс томонидан ишлаб чиқилган. Уни катта гуруҳларда (20 тадан 60 тагача талаба бўлган) қўллаш мумкин. Иштирокчилар кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳ ҳал қилинадиган ижодий вазифа ва муаммо бўйича 15 дақиқа давомида мустақил равишда фикрлар ҳужуми ўтказилади. Шундан сўнг ҳар бир кичик гуруҳ вакили ўз гуруҳларида ишлаб чиқилган ғоя ҳақида ахборот берадилар. Ўқитувчи раҳбарлигида жамоа бўлиб, унга баҳо берилади ва энг яхшилари танлаб олинади.

«Фикрларнинг шиддатли ҳужуми» эса Е. А. Александров томонидан ишлаб чиқилган. Г. Я. Буш томонидан ўзгартирилиб, дарс жараёнида қўллаш йўлга қўйилган. «Фикрларнинг шиддатли ҳужуми» деструктив берилган баҳо билан диалог. Бунда жамоа бўлиб ғоялар ишлаб чиқишда иштирокчиларнинг ижодий имкониятлари билдирилган

фикрга, диалог тарзида зид ғоялар қўйилиши билан янада кенгайтирилади, фаоллаштирилади.

2§. Дарс жараёнида «case study method»ни қўллаш

Бозор иқтисодиёти ҳар турли вазиятда тўғри танлаш ва қарор қабул қилиш заруратини келтириб чиқаради. АҚШнинг XX аср бошларидаги энг бадавлат одамларидан бири Рокфеллер, бизни қандай ҳаёт кечиришимиз қабул қиладиган қароримизга боғлиқ деган экан.

Талабаларни қарор қабул қилишга ўргатишда муаммоли вазият ҳосил қилиб, уни ечишни ўрганиш методи – Case study method – «кейс» катта имкониятларга эга. Бу методни бошқа методлар билан биргаликда қўллаш мумкин. Бу жиҳатдан кейс методининг имкониятлари кенг, уни турли тарзда қўллаш мумкин. Айниқса, моделлаштирувчи ўйин тарзида ўтказиш имконияти катта ҳамда кутилган натижага эришиш имкони юқори. Шунинг учун бу методни кўпинча, тақлид қилиш, имитация методи сифатида ҳам қўрилади.

Бу методнинг бошқаларидан фарқи шуки, талаба муаммоли вазиятни ўрганиб, хулоса чиқариш, қарор қабул қилиш, ундан қандай чиқиб кетишни ўрганади. Бу метод талабалардан атрофлича билимга эга бўлишни талаб қилади. Чунки қарор қабул қилиш нафақат иқтисодиёт, балки фаолиятни ташкил этиш, иш юритиш, ахборот ва улар билан ишлаш, социология, психология ва бошқа фанлардан ҳам билимдонликни талаб қилади.

Аниқ муаммоли вазиятлар методидан фойдаланишнинг асосий мақсади талабаларни тадбиркорлик фаолиятига тайёрлашдир. У ҳар бир талабага амалий ва касбий таълим берилишини таъминлайди.

Методни қўллашда мақсадни аниқлаш ва муаммони қўйишга алоҳида эътибор бериш керак. Қўйилган муаммо аниқ, барчага тушунарли бўлиши зарур. Муаммони ўрганиш, ечиш босқичларига кўра, мақсадлар белгиланади. Булар:

1. Муаммо билан танишиш.
2. Зарур ахборот йиғиш, улар асосида мавжуд вазият, ҳолатни аниқлаш.
3. Олинган билимни амалий фаолиятда қўллашни ўрганиш.
4. Олинган натижаларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида қарор қабул қилиш.

Маърузага нисбатан кейс методи бўйича дарс беришнинг афзал томонларини кўрсатиш мумкин.

Кейс методи асосида дарс ўтишнинг фарқловчи хусусиятлари

Фарқловчи кўрсаткичлар	Ўқитиш методлари	
	Анъанавий методлар асосида ўқилган маъруза,	Муаммоли вазият – кейс методи
Мақсад	Билим бериш	* фикрлаш; * муаммони ҳал этиш кўникмаларини ҳосил қилиш; * кашфиётларга интилиш, ҳамкорликка тайёр бўлиш сифатларини рағбатлантириш
Ўқитувчининг	Ўз фанининг мазмунини	Ўз фани мазмунини билиш;

вазифаси	билиш	муҳокама жараёнини бошқара билиш;
Ўқитувчи – талаба муносабатлари	Ўқитувчининг ўқувчи, талаба устидан ҳукмронлиги. Иерархия, ҳуқуқларнинг тенг эмаслиги	шериклик ва ҳамкорлик
Талабаларнинг ўз ўзини ва бирбирини ўқитиш жараёнида иштироки;	Суст	Фаол талабалар ўқитувчининг вазифаси ҳисобланувчи муҳокама режасини тузиш, асосий мақсадни аниқлаш, мустақил муҳокама қилишга қодир бўладилар
Масъулият	Масъулият тўла маърузачининг зиммасида	Масъулият кўпроқ тингловчи, талаба, ўқувчи зиммасида
Тадқиқот қўлами	Фан доирасида	Фан доирасини ҳар бир талабанинг интеллект, интилиши билан боғлиқ ҳолда кенг қамраб олиш имконияти мавжуд

Аниқ муаммоли вазиятни вужудга келтириб, уни таҳлил қилиш асосида қандай қарор чиқарилади?

Бу саволга ягона тўғри жавоб йўқ. Чунки муаммога ҳар бир киши ўзича ёндашади. Лекин баъзи бир тавсияларни бериш мумкин.

1. Вазият ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун энг аввало ахборот тўпланиб, уларни синчиклаб ўрганиб чиқилади. Ахборотни ўрганиш жараёнида уни уни таҳлил қилишга уринмаслик керак.

2. Йиғилган ахборотни қайта кўздан кечириб, муҳим аҳамиятга эга деб топганларингизни алоҳида ажратинг.

3. Вазиятни тавсифлашга ҳаракат қилинг. Унинг моҳияти нимада? Асосий муаммо нима? Қайси бири иккинчи даражали, аниқланг. Асосий муаммо ва ундан келиб чиққан қандай муаммолар борлигини ёзиб қўйинг.

4. Ҳамма далиллар, фактларни ҳисобга олинг. Шундай қилинса, ахборотлар, маълумотлар боғлиқлигини аниқлаш осон бўлади.

5. Тавсия этилган ечимларни тўғрилигини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқинг.

6. Муқобил вариантларни топишга ҳаракат қилинг. Улардан қайси бири мезонлар бўйича қарор қабул қилиш учун кўпроқ тўғри келади, танланг.

7. Амалий тадбирлар рўйхатини ишлаб чиқинг. Кўпинча, қабул қилинган қарор асосида эришилган натижалар зарур. Амалий чоратадбирлар кўрилмагани туфайли муваффақиятга олиб келмайди.

Тарқатма материаллар

Бу усулда маълум муаммо бўйича ҳар бир талабанинг ўз фикрмулоҳазаси тингланиб маълум бир ечим танланади. Услуб бўйича дарс ўтишни мантиқий изчилликда қуйидаги схема орқали кўрсатиш мумкин.

Кейс «case study method»ни қўллаш.

1 топшириқ

Рентабеллиги паст ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг Қарори чиққач, «Ижодкор» ширкатини тугатиш ва уни ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этиш тўғрисида тавсия берилди. Сиз ана шу ишга масъул шахс сифатида қарор чиқаринг ва уни асослаб беринг.

Тумандаги фермер хўжаликлариди гектаридан ўртача олинган пахта ҳосили:

Йиллар	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004
ц/га	24	23	25	24	25	23	22	21	25	26

«Иждокор» ширкати

Йиллар	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004
ц/га	26	25	26	25	25	26	24	22	24	24

Бир центнер пахта хом ашёси тайёрлаш учун сарфланган харажатлар, ц/минг сўм

Туман фермер хўжаликлариди, ўртача:

Йиллар	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004
ц/минг сўм	300	320	320	340	340	350	370	390	400	420

«Иждокор» ширкат хўжалигида:

йиллар	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004
ц/минг сўм	300	325	325	345	342	352	380	400	405	440

Қарор қабул қилиш учун сиз яна қандай маълумотлар йиққан бўлар эдингиз?

2топширик.

Кичик корхонада аёллар кўйлаги тикилади. Тайёр маҳсулотда иш ҳақининг улуши 30%. Кичик корхонада 10 та тикувчи ишлайди. Ойлик, сотиш ҳажми ва фойда қуйидагича:

Ойлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X
Сотиш ҳажми млн.сўм	1,5	1,2	1,4	1,5	1,51	1,49	1,48	1,45	1,4	1,3
Олинган фойда млн.сўм	0,3	0,15	0,2	0,12	0,12	0,12	0,12	0,11	0,10	0,095

Корхона эгаси тайёрланаётган кўйлақлар учун олинаётган материалларнинг нархи ортиб бораётгани, лекин тайёр кўйлақларнинг нарҳини ошириш, харидорни йўқотишга олиб келишини ҳисобга олиб, ноябр ойидан бошлаб иш ҳақини умумий харажатлардаги улушини 20 фоизга туширишини эълон қилди? Сиз қандай қарор қабул қиласиз? Қарорингизни асосланг. Қарор қабул қилиш учун яна қандай маълумотлар тўплаган бўлар эдингиз?

Муҳокама жараёнида ҳар бир кичик гуруҳ ўз фикрини айтади, билдирилган фикрлар жуда хилмахил ёки ўхшаш бўлиши мумкин. Ўқитувчи уларга яқун ясаб, қайсилари алоҳида диққатга сазовор эканини ажратиб кўрсатади. Мунозарага яқун ясайди.

3§. Методларнинг афзалликлари ва камчиликлари

Бошқа методлар каби «Ақлий ҳужум» ва «case study method»нинг ҳам ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари мавжуд:

Афзалликлари:

- талабаларга билим, тажриба, кузатувлар нуқтаи назаридан муаммо ечимига турлича ёндашувлар билан танишиш имконини беради;
- талабаларни таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ва қарор қабул қилишга ўргатади;
- кўплаб ечимлар топиш ва улардан тўғриси таниш имконини беради;
- бошқаришни, ўз фикрини қатъий ҳимоя қилишни ўргатади;
- муаммоли вазиятдан чиқишни ўрганишга кўмаклашади;
- бошқалар олдида ўз фикри, хулоса ва далилларини асослашга ўргатади;
- бошқарувда содир бўладиган жараёнларни яхши тушунишга имкон беради;
- мантиқий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради;
- турли ечимлар қабул қилиш ва қабул қилинган қарорлар учун масъулиятни ўз зиммасига ола билишни ўргатади;
- тўғри савол беришга ўргатади.
- муаммонинг ягона ечими йўқлиги ва унинг бошқа муқобил вариантлари борлигини ўргатиб боради.
- талабаларни ўзаро муносабатларига ижобий таъсир қилади.
- объектив баҳо беришга интилиш кучаяди.

Камчиликлари:

1. Методни қўллаш кўп вақт талаб қилади;
 1. Катта гуруҳларда қўллаш қийин;
2. Таҳлил этиш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги туфайли барча ўқувчигалабаларнинг ўрганиш даражасида фарқ катта бўлиши, айниқса, билим даражаси турлича бўлган гуруҳларда бу фарқни янада ортишига олиб келиши мумкин.

Кўриниб турибди, методнинг афзалликлари устун, лекин Кейс методидан дарс жараёнида ҳозирча кам фойдаланилади. Бунга сабаб:

- консерватизм, янги ўқитиш методларига шубҳа билан қараш;
- кейслар ишлаб чиқиш ва кейс методи асосида дарс ўтиш учун махсус методик адабиётлар йўқлиги;
- кейслар ишлаб чиқиш кўп вақт талаб қилади ва ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди;
- реал воқелик асосига қурилган кейслар ишлаб чиқиш учун зарур маълумотлар топиш қийинлиги;
- ўқитувчиларда шу метод асосида дарс ўтиш учун тажриба етишмайди.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

«Ақлий ҳужум» методи, «фикрлар ҳужуми» усули, «фикрларнинг шиддатли ҳужуми» усули, «case study method», фикр, ғоя тўплаш, ғоя, таклифларни саралаш, таҳлилийижодий вазифаларни биргаликда бажариш, муаммоли вазият, таваккал қилиш, муаммони ўрганиш, қарор қабул қилиш.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Дарс ўтиш методлари орасида, «ақлий ҳужум» методининг тутган ўрни қандай?
2. Методни қўллашнинг асосий босқичларини айтиб беринг
3. Сиз шу метод асосида дарс ўтганингизда нималарга эътибор қаратган бўлар эдингиз?
4. «Case study method» нинг сизга қайси жиҳатлари ёқади?
5. Иқтисодий фанлардан дарс ўтганда «case study method»ни қўллашнинг имкони ҳам, аҳамияти ҳам катта деган фикр тўғрими?
6. Методларнинг асосий афзалликларини кўрсатиб бера оласизми?
7. Методларнинг кўрсатилган камчиликларига кўшиласизми? Улардан бошқа камчиликларни кўрсата оласизми?

ХIII боб. ЛОЙИХАЛАШ МЕТОДИ

1§. Инновацион таълим технологиясида лойиҳалаш методи

Лойиҳалаш методи таълим технологиясининг муҳим бўғинига айланмоқда. Бу метод таълим олувчиларга ҳаёт тарзига мослашиш, мустақил, ижодий фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради.

Лойиҳалаш (лот. *projectus* олға ташланган фикр, ғоя, образ) номини ўзи айтиб турибдики, келажакда амалга ошириладиган ишларни режалаштириш бўлиб, проект маълум бир ҳисоб китоб, чизма ва бошқаларга асосланган ҳолда тавсифлаш, баён қилиш шаклида мужассамлашган ғоя, фикрнинг ифодасидир. У билдирилган фикрни моҳиятини ва уни амалга ошириш имкониятларини очиб беради.

Лойиҳалаш методи таълим жараёнининг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, ўқитувчининг талабалар билан индивидуал ишлаш имконини беради. Ўқитувчи дарс вақтидан унумли фойдаланиб, талабаларнинг индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар билан яқка тартибда ишлайди. Бунда уларнинг касбий фанларни чуқурроқ эгаллашларига кенгроқ йўл очиб берилади. Лойиҳалаш ишларини ташкил этишда дидактик вазифанинг қўлланилиши ва уни ҳал этиш муаммолари кўриб чиқилади.

Лойиҳалаш методи таълим олувчиларни қуйидагиларга:

фаннинг турли соҳаларидаги билимларни бир бутун ҳолга келтириб, муаммоларни топиш ва ечиш, ахборотлар оқимида мўлжал олишга;

фаолиятни танлаш ҳуқуқидан фойдаланиб, турли тахмин, ғояларни илгари суриш, тадқиқот ўтказиш, таҳлил қилиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини аниқлашни;

ўз фаолияти натижасига масъул бўлиш, мустақил қарор қабул қилиш, ютуқлар ва камчиликларни аниқлаш, унинг сабабларини қидириш, хатоларни топиш ва тўғрилашга;

турли ечим, таклифларнинг натижаларини илмий тахмин қилиш(прогнозлаш);

жамоада ишлаш, турли нуктаи назар, фикрларнинг муҳокамасида қатнашишни рағбатлантиради.

Лойиҳалаш методини қўллаб, дарс ўтиш жараёнида ўқувчи, талабаларнинг вазифаси: иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ, ижтимоий аҳамиятга эга ишни бажариш, маҳсулот ишлаб чиқариш, илмий, техник, иқтисодий ва бошқа муаммони белгиланган вақт давомида ечиш ёки ечиш учун таклифлар ишлаб чиқиш.

Ўқитувчининг вазифаси:

ўқувчи, талабаларни мустақил ижодий фаолиятларини унумли бўлиши учун шароит яратиш.

Бу методни иқтисодий фанларни ўрганишдаги муҳим аҳамияти шундаки, талабалар бизнесрежа тузишни, турли танловларда қатнашиш учун лойиҳалар ишлаб чиқишни ўрганадилар. Назарий ва амалий машғулотларни қандай ташкил этишнинг технологик харитасини ишлаб чиқиш, яъни дарсни қандай ўтказишни муфассал режасини ишлаб чиқишни, умуман олганда, ўз фаолиятларини режалаштиришни ўрганадилар.

Шу билан бирга мазкур методнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудки, уларни, албатта, ҳисобга олиш зарур.

Биринчидан, бу методни мавзулар, алоҳида предметлар бўйича қўллаш жуда қийин. Чунки бир муаммонинг келиб чиқиш сабаблари ниҳоятда хилмахил. Уларни бир фан доирасида ҳал қилиш қийин. Иккинчидан, барча талабалар ҳам лойиҳа тайёрлаб, қўйилган муаммони еча олмайди.

Учинчидан, бу метод ўқитувчидан чуқур билим, тажриба, ўз устида тинимсиз ишлаш, турли лойиҳаларда шахсан қатнашишини талаб қилади.

2§. Методнинг мазмуни ва уни амалга ошириш босқичлари

1. Лойиҳалаш методи қўллаш учун биринчи навбатда лойиҳалаш объектини аниқлаймиз. Қандай масала, муаммо мавжудки, уни ечиб лойиҳанинг натижасини қандай бўлишини белгилаймиз.

Бу ўтилатган мавзу бўйича қўйилган савол ёки ечимини кутаётган долзарб масала бўлиши мумкин. Лойиҳа талабаларнинг ўз хоҳишлари, қизиқишларига кўра танлаган илмий изланишлари бўлиши мумкин ёки ўқитувчи таклиф қилиши мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам талабалар зарур ахборотларни тўплашлари, уларни таҳлил қилишлари зарур. Таҳлил асосида қарор қабул қилиб, лойиҳа ишлаб чиқишдан мақсад қўйилади ва қандай натижага эришилиши белгиланади.

2. Мақсадни аниқлагач, лойиҳанинг мазмунини белгилаймиз. Унинг қисқача мазмунини берамиз.

3. Режа асосида амалга ошириш учун вазифалар белгиланади, яъни фаолият режаси ишлаб чиқилади. Лойиҳанинг умумий тавсифи ойдинлашади. Аниқ фаолиятга асос яратилади. Лойиҳани амалга ошириш учун тузилган режа аниқ бўлиши, ҳаддан ташқари мураккаб бўлмаслиги керак. Умумий режадан ташқари ҳафталик ва ойлик режалар тузиладики, унинг асосида талаба бажарадиган ишларни янада ойдинлаштиради.

4. Лойиҳа қатнашчилари белгиланади.

Лойиҳа қатнашчилари ўз қизиқишлари, фикр доиралари билан бирбирларига яқин, ёрдам берувчи ўқувчи, талабалар бўлиб, уларни лойиҳада қўйилган мақсад бирлаштиради.

Уларни ёнига кейинчалик бошқа қатнашчилар ҳам қўшилиши мумкин. Лекин қатнашчилар ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши салбий оқибатларга олиб келади. Шунинг учун лойиҳада ҳар бир қатнашувчининг бажарадиган вазифаси аниқ ёзиб қўйилади.

5. Лойиҳани амалга ошириш муддатлари белгиланади. Агарда у босқичларга бўлинса, уни ҳам муддатлари билан кўрсатилади.

6. Лойиҳалаш ва уни амалга оширишнинг босқичлари:

1босқич. Лойиҳани ишлаб чиқиш. Унда лойиҳани амалга ошириш шакллари ва воситалари, босқичмабосқич натижалари ҳам кўрсатилади.

2босқич. Лойиҳада белгиланган вазифалар бажарилади.

Бу босқичда талабалар мустақил равишда индивидуал ва гуруҳ бўйича қўйилган вазифаларни бажарадилар. Материал, ахборот тўплайдилар. Тўпланган маълумотларни муҳокама қиладилар. Жадваллар, графиклар ишлаб чиқадиладар. Намойиш этиладиган, иллюстратив материаллар тайёрлашади.

3босқич. Лойиҳанинг барча қатнашчилари томонидан тайёрланган ишлар бир бутун қилиб бирлаштирилади. Аввал лойиҳанинг хомаки варианты ёзиб чиқилади. Сўнгра якуний вариант тайёрланади. Расмий талаблар асосида тахланади.

4босқич. Лойиҳанинг сўнгги варианты экспертга, тақризга берилади. Бунда матн аниқ асосланган бўлиб, бажарилган ишларнинг мазмуни ва эришилган натижаларни гавдалантириши керак. Матнда, албатта, жадваллар, графиклар, чизма, дастурлар ва бошқа шунга ўхшаш материаллар бўлиши шарт.

5 босқич. Иш тақризга берилади. Лойиҳага эксперт хулосасини олинади, ташқи тақриз натижасини эълон қилинган, тугалланган ҳисобланади.

6босқич. Лойиҳа тақдимоти. Тақдимот лойиҳада бажарилиши белгиланган мезонлар асосида жюри ёки комиссия аъзолари томонидан баҳоланади. Жюри аъзолари таркиби лойиҳа ишлаб чиқилаётганда аниқланади. Тайёрланган лойиҳани кўриб чиқиб, танланиб, сўнгра тайёрланган ҳисобот кўриб чиқилади.

Жюри ишни баҳолаши учун баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Бу мезонлар муаммони ўрганиш даражаси, матнни аниқ, тушунарли тарзда баён қилиниши, ўзига хослиги, расмийлаштириш сифати, кўргазмали, намойиш материаллардан фойдаланилгани, берилган таклифлар ва уларни муаммони ечишга ёрдам бериши ва бошқа жиҳатларини мужассамлаштирилган бўлиши керак. Дарс жараёнида кичик

гуруҳлар тайёрлаган лойиҳаларни ўқитувчи бошчилигида талабалардан тузилган хайъат баҳолаши мумкин.

Талабалар томонидан тайёрланган лойиҳаларни баҳолаш мезонлари:

М Е З О Н Л А Р	Энг юқори балл
1. Танланган муаммонинг долзарблиги	5
2. Муаммони ўрганилганлик даражаси	5
3. Мақсад ва вазифаларни аниқ, тушунарли тарзда баён қилиниши	5
4. Танланган муаммонинг қисқача мазмунини ёритилиши	5
5. Бажариладиган ишнинг қисқача мазмунининг ёритилиши	5
6. Кўргазмали, намойиш материалларидан фойдаланиш	5
7. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур молиявий ресурслар, уларнинг манбаларини кўрсатилиши ва асосланиши	5
8. Расмийлаштириш сифати	5

Талабалар лойиҳа устида ишлаш жараёнида олган билимларидан, билиш жараёнида хизмат қиладиган амалий маслаҳатлардан фойдаланишса мустақил таҳлилий фикр юритишга ўрганадилар. Уларда янги ғоялар топиш, ижодий фикрлашга, тўғри стратегия танлаш, аниқ масаламуаммоларни ечиш кўникмаси ҳосил бўлади. Бунда ўқитувчи уларнинг ишини кузатади, маслаҳатлар беради, қўллаб қувватлайди.

Бошқа ҳеч қайси метод ўқувчиталабаларда бу методчалик масъулиятни ҳис қилишни шакллантирмайди, тарбияламайди.

Лойиҳалаш методи асосида дарс жараёнини ташкил этишда ўқув гуруҳи ичида ишчи гуруҳлари тузилади. Улар ўзлаштириш даражаларига қараб уч ишчи гуруҳга бўлинади. Бунда кучли ишчи гуруҳлар мустақил шуғулланганда, ўқитувчи ўзлаштириши паст бўлган ўқувчиталабалар билан машғуллот ўтказиши учун кўпроқ вақт ажратилади.

Ишчи гуруҳлар иштирокчиларининг ўзлаштириш даражаси тахминан тенг бўлганида таълимда юқори натижага эришилади. Бундай гуруҳларни таълим олувчиларнинг ўзлари тузгани маъқул, чунки улар ўзларининг қайси гуруҳга мос эканликларини жуда яхши билишади. 2ва Зишчи гуруҳидан 1ишчи гуруҳига ўтишга имкон берилади. Кичик гуруҳларда ҳар бир ўқувчи якка тартибда лойиҳа ишини бажаргани учун индивидуал амалий усулдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Индивидуал усулнинг лаборатория усулидан фарқи, талабалар ўз фаолияти давомида олган билимларидан фойдаланиб, амалий вазифани ҳал этишга ҳаракат қилади. Ушбу усул талабалар билимини чуқурлаштиради, маҳоратини оширади, шунингдек, уларнинг ўрганиш фаолиятини янада кучайтиради.

Босқичлар	Мазмуни	
1босқич, тайёргарлик	Ўқитувчи талабаларга иқтисодиётда қандай муаммолар бор, ўзлари учун қизиқарли бўлган муаммоларни танлашларини таклиф қилади ёки топшириқларни ўзи тайёрлайди.	Ақлий ҳужум Мустақил иш
	Ўқувчи талабаларга лойиҳалаш мазмуни, лойиҳалаш объекти, усуллари, босқичлари ҳақида маълумот беради.	Баён қилиш
2босқич.	Ўқитувчи талабаларни кичик гуруҳларга бўлади. Ҳар бир кичик гуруҳга ўзларини қизиқтирган муаммони танлаш ва уни ечиш бўйича лойиҳа тайёрлашни топширади.	ихтиёрий

Збосқич.	Ўқитувчи лойиҳани қандай тайёрлашни тушунтиради. Талабалар фақат лойиҳа тайёрлайдилар. Уни амалга ошириш талаб қилинмайди (чунки уни бир дарс жараёнида амалга ошириб бўлмайди).	Баён қилиш
Асосий қисм	Талабалар лойиҳа тузишга киришадилар.	Мустақил
	Лойиҳалар тақдимоти.	Кичик гуруҳ
Якуний қисм	Ўқитувчи ўқувчиталабаларни баҳолайди. Хато ва камчиликларни кўрсатади. Дарсни умумлаштиради ва яқунлайди.	

Бу методни қўллаш, курс иши, битирув малакавий иши бажаришда яққол намоён бўлади. Буни ҳар бир талаба индивидуал тарзда бажаради.

3§. Лойиҳа тайёрлашнинг тахминий намунаси ва лойиҳа тайёрлашни ўрганиш

Касб таълими йўналишидаги талабаларнинг кичик гуруҳларда ўзлари танлаб олган мавзулари устида ишлаб, ана шу мавзуларда маъруза ва семинар дарслари олиб бориш лойиҳаларини тайёрлашларини кичик гуруҳларга бўлиб, лойиҳа тайёрлаш мисолида кўриш мумкин.

Дарс ўтишнинг технологик харитаси. бизнес режа тузиш ҳам ўзига хос лойиҳа ҳисобланади. Дарс ўтишнинг технологик харитасини тайёрлаш ҳам кўриб ўтган босқичларимиз асосида амалга оширилади. Дарс ўтишнинг намунавий технологик харитасини аввал кўриб ўтганимиз сабабли бу ерда батафсил тўхтамаймиз (V боб, 4§ ва VI боб, 3§га қаранг). **Асосий диққатимизни мавжуд муаммоларни ўрганиб, улар орасидан фикримизча, долзарб деб топилган масалани тадқиқ қилиб, уни ечиш учун таклифлар бериш мақсад қилиб қўйилган лойиҳа ишлаб чиқишни ўрганишга қаратамиз.**

Қуйида лойиҳа ишлаб чиқишнинг тахминий намунасини келтирамыз.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

«Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика кафедраси»
«Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика кафедраси»
томонидан талабалар ўртасида ўтказилаётган «Йилнинг энг яхши лойиҳаси» конкурсида қатнашиш учун тайёрланган лойиҳа

Мавзу: «**Аграр сектор хусусиятлари ва муаммолари концепцияси**»

Лойиҳа раҳбари: БП70 гуруҳ
талабаси: Холмухамедова Д.

Қатнашувчилар: БП70 гуруҳ талабалари:
Обломуродов Т., Тоғаев С., Аҳмедов А.,
БП71 гуруҳ талабалари: Муйинова Н., Худойназаров С.,
БП75 гуруҳ талабалари: Султонова З.,
Акбархўжаева Н., Салимбекова Ф.,
БП76 гуруҳ талабалари: Жабборов А., Тонготаров А.

Тошкент 2006

ТАДҚИҚОТ ЛОЙИХАСИ

1.1. Лойиҳа номи: Аграр сектор хусусиятлари ва муаммолари концепцияси

1.2. Конкурс тури: Амалий тадқиқот

1.3. Дастур тури: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «20042006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори, «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чоратадбирлар» дан келиб чиққан ҳолда аграр сектор хусусиятлари ва муаммоларини тадқиқ этиш.

1.4. Илмий йўналиши: Иқтисодиёт

1.5. Илмий йўналишнинг аниқ шифри ва номи (илмий йўналишлар классификатори бўйича): 6Ф Бозор иқтисодиёти, давлат ва ҳуқуқ назарияси.

1.6.Таянч иборалар: Аграр сектор, ресурслар, ресурслар чекланганлиги, ер, сув ресурслари, табиий шароит, ҳосилдорлик, меҳнат унумдорлиги, рента, деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги, ширкатлар, қишлоқ хўжалиги инфраструктураси, қисқа муддатли муаммолар, узоқ муддатли муаммолар

1.7. Тадқиқотнинг қисқача тафсилоти: Аннотация

Мамлакатимиз иқтисодиётида аграр сектор алоҳида муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2630 фоиз атрофида бўлиб, ишлаб чиқаришнинг асосий қисмини ташкил этади. Мамлакатимизда кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, фермер деҳқонларни қўллабқувватлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Лекин қишлоқ хўжалиги ўзига хос хусусиятларга эга бўлган тармоқ бўлиб, мувофиқ равишда муаммолар, ечимини кутаётган масалалар доимо мавжуд. Ҳозирги кундаги муҳим муаммолардан бири хўжалик юритувчи субъектларнинг реал иқтисодий аҳволи комплекс равишда чуқур илмий ўрганилмаганидир. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар алмашлаб экишни қанлай тарзда амалга ошираяпти? Фермер, деҳқон хўжаликларини ресурслар билан таъминланиш даражаси қандай ҳолатда? Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашчи? Фермер ва деҳқон хўжаликларини ер майдонининг оптимал миқдори қандай бўлиши керак? Уларга ахборот, консалтинг ва бошқа хизматлар кўрсатиш даражаси қандай? Нима сабабдан аграр секторга йўналтирилаётган ички ва хорижий инвестициялар улуши камайиб борапти ва ҳоказолар.

Мазкур тадқиқот лойиҳаси қишлоқ хўжалигини иқтисодий жиҳатдан комплекс равишда чуқур ўрганиш ва ўтказилган тадқиқот асосида илмий хулосалар чиқариш, таклифлар бериш, уларга эксперт хулосаларини олиш, илмий монография тайёрлаш ва чоп этишга руҳсат олишни мақсад қилиб қўяди.

1.8. Тадқиқотда қатнашувчилар: Тадқиқотда жами 11 нафар талабалар қатнашади. Иш жараёнида вужудга келган вазиятга кўра тадқиқотда қатнашиш истагини билдирган қўшимча талабаларни жалб этиш мумкин.

Лойиҳада қатнашувчилар:

Лойиҳада қатнашувчиларнинг фамилияси, исми	Қайси гуруҳ талабаси	Лойиҳада бажарадиган вазифаси
1. Холмуҳамедова Д.	БП70 гуруҳ	Лойиҳа раҳбари, аграр сектор хусусиятлари
2. Обломуродов Т. 3. Аҳмедов А.	БП70 гуруҳ БП70 гуруҳ	Қишлоқ хўжалигини ресурслар билан таъминланишини ўрганиш
4. Тоғаев С. 5. Шодмонова И.	БП70 гуруҳ БП71 гуруҳ	Қишлоқ хўжалиги инфраструктурасини ўрганиш
6. Комилов Р. 7. Султонова З.	БП71 гуруҳ БП75 гуруҳ	Аграр секторга инвестиция жалб қилиш масалаларини ўрганиш
8. Салимбекова Ф 9. Акбархўжаева Н.	БП75 гуруҳ БП75 гуруҳ	Ер унумдорлиги, ягона солиқ, ер майдони оптимал ҳажми масаласи
10. Жабборов А. 11. Тонготаров С.	БП76 гуруҳ БП76 гуруҳ	Харажатлар, маҳсулот реализацияси муаммоларини ўрганиш

1.9. Бажариш муддати: 20062008 йиллар

1.10. Тадқиқот ўтказиш учун сафланадиган маблағ
– 10 000 000 сўм

(Маблағ нимага, қанча сарфланиши батафсил берилади. Моддий харажатлар, иш ҳақи, хизмат сафари харажатлари алоҳида кўрсатилади ва асосланади)

2. Лойиҳа иштирокчилари тўғрисида маълумот

2.1. Лойиҳа раҳбари тўғрисида маълумот:

Фамилияси, исмишарифи, қисқача бажарган ишлари, яшаш жойи.

2.2. Лойиҳа иштирокчилари тўғрисида маълумот:

Ҳар бир иштирокчининг фамилияси, исмишарифи, қисқача бажарган ишлари, яшаш жойи ва бошқалар.

Бу маълумотлар иштирокчиларнинг лойиҳани бажаришга лаёқати кўрсаткичларини камраб олгани маъқул. Чунки улар асосида ҳакамлар хулоса чиқаради.

ИШНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

3.1. Аграр сектор хусусиятлари ва муаммолари концепцияси.

3.2. Лойиҳада ечилиши назарда тутилган илмий амалий муаммолар.

Қайд этилган муаммоларнинг ечимини топиш учун қуйидаги йўналишларда тадқиқот олиб бориш мўлжалланади:

- аграр секторнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этиш;
- хўжалик юретишнинг барча шакллари афзалликлари ва камчиликларини ўрганиш;
- аграр секторнинг ўзига хос хусусиятлари, шу секторда банд бўлганларнинг даромадларига қандай таъсир кўрсатишини ўрганиб чиқиш;
- меҳнат унумдорлиги, ҳосилдорликка таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш;
- қишлоқ хўжалигида фонд билан қуролланиш даражасини ўрганиш;
- ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмига турли омиллар қандай таъсир кўрсатишини ўрганиш;
- етиштирилган ҳосилнинг қандай қисми қайта ишланишини ўрганиш;
- нарх паритети ва уни хўжалик юритувчи субъектлар даромадига таъсири;
- талаб ва таклиф ноэластиклигини деҳқонлар даромадига таъсири ва бошқаларни ўрганиш.

3.3. Лойиха доирасида ўз ечимини топиши лозим бўлган аниқ илмийтехник вазифалар ва муаммолар.

Лойихани амалга оширишда қуйидаги аниқ илмийтехник вазифалар бажарилиши назарда тутилади:

- қишлоқ хўжалиги фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, мамлакатимизда юритилаётган аграр сиёсатни ўрганиш;
- аграр секторда хўжалик юритувчи субъектларга мустақил тадқиқот объекти сифатида ёндашиб, уларнинг ҳозирги кундаги реал имкониятларини аниқлаш;
- аграр секторда реал муаммоларни ўрганиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида саволнома асосида сўров ўтказиш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти бўйича статистик маълумотлар, ахборотлар тўплаш;
- йиғилган маълумот, ахборотларни қўйилган мақсадга кўра қайта ишлаш;
- тадқиқот жараёнида олинган маълумот, ахборотлар асосида назарий илмий хулосалар чиқариш;
- тадқиқот асосида олинган натижаларга кўра самарали хўжалик юритиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш;
- тайёрланган ҳисоботни эксперт хулосаларидан ўтказиш;
- илмийамалий изланишлар натижаси сифатида монография тайёрлаш ва нашр қилиш.

3.4. Мазкур лойихада кўзланган мақсад олдин ҳам қўйилганми?

Айнан шундай мазмунда бундай масала тадқиқ қилинмаган.

3.5. Лойихани амалга ошириш қуйидаги натижаларни олиш имконини беради:

1. Қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи субъектларнинг аграр секторда тутган ўрнини аниқлаш.
2. Тадқиқот ўтказилаётган даврдаги аграр сектордаги реал ҳолатни аниқлаш.
3. Хўжалик юритувчи субъектлар олдида турган мавжуд муаммоларни аниқлаш.
4. Аниқланган муаммолар бўйича уларни бартараф қилиш учун таклиф қилинган тавсиялар.
5. Хўжаликни самарали юритиш учун таклифлар.

Олинган натижалардан хўжалик юритувчи субъектлар, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фойдаланади.

3.6. Лойихаларни амалга ошириш босқичлари ва муддатлари

Уни лойиха вақтини босқичларга бўлиб ёки маълум бир мақсад ва вазифаларни амалга оширишни кўзлаган ҳолда, унга маълум бир муддат ажратиш мумкин.

Айталик, 3 йилга мўлжалланган лойиханинг ҳар бир йилини бир босқич сифатида белгилаб, унда бажариладиган ишлар, эришиладиган натижалар кўрсатилади.

3.7. Лойихани амалиётга жорий қилиш натижасида олинадиган самара

Хўжалик юритувчи субъектларнинг тадқиқот натижалари ва муқобил вариантлар билан танишиши зарур қарор қабул қилишлари учун ёрдам беради. Аграр секторда самарали хўжалик юритишни амалга ошириш учун зарур маслаҳатлар олиш туфайли барқарор даромад йўллари излашга йўналтиради. Таваккалчилик ва тадбиркорлик хатаридан ўзини ҳимоя қилиш, йўқотишлар, талафотлар юз берганда тўғри қарор қабул қилиш ва кўриладиган зарарни камайтиришнинг тўғри йўллари топишга ўрганадилар. Оқибатда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши, рақобатбардошлиги таъминланади.

4. Лойихани амалга ошириш учун зарур молиявий ресурслар ва уларнинг манбалари кўрсатилади. Унда ҳар бир босқич учун ва жами талаб қилинадиган маблағлар

кўрсатилади. Кўрсатилган суммалар асосланган бўлиши керак. Агар манбалари аниқ бўлмаса фақат сарфхаражатлар асосланган равишда кўрсатилади. Танлов ҳакамлари ва аъзолари уларни реаллигига ишонч ҳосил қилишлари керак. Моддий харажатлар ва меҳнат ҳақи, тадқиқот юзасидан хизмат сафарлари харажатлари алоҳида кўрсатилади (Лойиҳанинг бу қисмини бухгалтерия ҳисоби ва аудит дарсларида ҳисоблаш ўрганилади).

Намунавий лойиҳамиз кафедранинг илмий ишларида қатнашишни кўзлаган иқтидорли талабалар учун мўлжалланган. Дарсда эса нисбатан унинг оддий, содда варианти ўтилатган мавзу ёки шу мавзу бўйича мавжуд муаммолар юқоридаги жадвалда берилган тартиб асосида тайёрланади. Лекин барча талабалар турли ташкилот, фондлар ўтказатган танловларда қатнашиш учун илмий тадқиқот лойиҳаси тузишни ўрганишни фақат ижобий баҳолаш мумкин. Талабалар бу метод ёрдамида бизнесрежа тузишни ўрганадилар.

Барча методлар каби бу методнинг ҳам афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Кўпинча босқичмабоқич амалга ошириш мўлжалланган методлар технология тарзида ҳам ифодаланади. Бундай ёндашиш ҳам мумкин, бу ҳар бир ўқитувчининг қайси нуқтаи назардан ёндашишига боғлиқ. Тадқиқот методига хос афзалликлар, камчиликлар бу методга ҳам хос. Биз уни аввал кўриб чиққанмиз.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Лойиҳалаш методи, лойиҳалаш босқичлари, лойиҳалаш объекти, лойиҳалаш мақсади, лойиҳалаш вазифаси, намунавий лойиҳа, тадқиқот лойиҳаси, лойиҳа тақдимоти, лойиҳани баҳолаш мезонлари.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Иқтисод фанларини ўрганишда лойиҳалаш методи қандай ўрин тутди?
2. Сизнингча, бу методни қандай мавзу ёки саволларни ўрганишда қўллаган маъқул?
3. Лойиҳалаш методининг асосий босқичларини айтиб бера оласизми?
4. Бошқа ҳеч қайси метод ўқувчи, талабаларда бу методга ўхшаб масъулиятни ҳис қилишни шакллантирмайди, тарбияламайди, деган фикрга қўшилмасизми?
5. Сиз лойиҳа тақдимотида нималарга аҳамият берган бўлардингиз? Лойиҳа учун берилган баҳолаш мезонлари сизни қониқтирадими, яна нималарни қўшиш мумкин?
6. Сиз ўзингиз қандай муаммони танлаган бўлардингиз?
7. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур маблағ миқдорини ҳисоблаб чиқиб, асослаб бера оласизми?

XIV боб. ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА БОШҚА МЕТОДЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

1§. Ўқув ва илмий адабиётлар устида мустақил ишлашни ўргатувчи методлар

Китоб устида мустақил ишлаш

Ўқувчи, талабаларни ўқитишда қўлланиладиган энг муҳим методлардан бири китоб устида иш

лашдир. Бу методнинг афзаллиги шундаки, у китобхонга ўқув ахборотини унинг ўзига хос суръатда ва қулай вақтда олишини таъминлайди. Ўқув адабиётлари билан ишлаш методларига хос функцияларни барчасини бажаради.

Китоб устида мустақил ишлашнинг мақсади унинг таркиби билан танишиб чиқиш, тезда қараб чиқиш, алоҳида бобларни ёки параграфларни синчиклаб ўқиш, берилган материални ўрганиш, алоҳида боб ёки бутун китобга реферат ёзиш, айрим қоидаларни ёдлаш ва бошқа усуллар тарзида бўлиши мумкин. Шунинг учун бу методнинг қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, турли модификацияларда қўллаш мумкин.

Китоб устида ишлаш ўқувчи, талаба учун мураккаб ва қийин метод саналади. Жуда кўп ўқувчи, талабалар ўқишни билганлари ҳолда китоб билан ишлашни етарли даражада билмай ёки ўқиганларининг маъносига тўлиқ етмаган ҳолда битирадилар. Бунга сабаб нима?

Нима сабабдан ўқувчилар ҳам, талабалар ҳам ўқув адабиётлари билан ишлашни қийин кўришади?

Бир гуруҳ методистлар (Веск ва бошқалар, 1993) тадқиқот ўтказиб, бунинг икки асосий сабабини аниқлашди:

Биринчидан, дарсликлар, кўпинча ноаниқ, мужмал ёзилган бўлади, ҳеч бўлмаганда матнни тушуниш учун зарур бўлган барча ахборотни камданкам ҳолатда қамраб олади.

Иккинчидан, китобхон ноаниқ ёзилган матнга дуч келгач, типик ҳолатда ўзини пассив тутлади.

Шунинг учун америкалик педагоглар томонидан «**муаллифдан сўранг**» методи ишлаб чиқилган. Дарсни бошлашдан олдин ўқитувчи буюк файласуфлардан Сукротнинг ёзма нутқ ҳақидаги шикоятини бошқача тарзда ифодалаб, ёзилган матн доимо тушунарли бўлавермайди. Уни тушунмагани учун ўқувчи айбли эмас. Одатда, гапираётган кишининг нутқида тушунилмаган гапни, сўзни сўзловчига савол бериб, уни кенгроқ тушунтириб беришини сўраймиз. Ёзма матн, яъни китоб маъноси тушунарли бўлмаса, уни тушунтириб беришларини сўраш мумкин эмас. Фақат бунда уни курсдошлари тушунтириб бериши ёки ўзи ҳаракат қилиши мумкин, дея тушунтиради.

Бунинг учун ўқитувчи талабадан матнда нима ёзилганини тушунишни ана шу метод ёрдамида ўрганиши мумкинлигини кўрсатади. Бу ўрганилаётган фан бўйича дарслик, ўқув қўлланмаси ёки газета, журналларда чоп этилган бевосита ўрганилаётган мавзуга тааллуқли иқтисодий мақолалар бўлиши мумкин.

Бунда ўқитувчи талабаларга мавзу бўйича ўқув адабиётидан параграф ёки бирон парчани ўқишни таклиф этади. Сўнгра ўқитувчи талабаларга:

Айтингларчи, муаллиф бу ерда нима ҳақида гапираяпти деган саволни беради. Талабалар жавоб бергач, ўқитувчи гап нима ҳақида кетаётганлигига яқун ясайди. Ҳамда аниқроқ, тушунарлироқ бўлиши учун сиз бу фикрни қандай ифодалаган бўлардингиз? деган савол билан мурожаат қилади.

Бу методни бошқача вариантда, дарс ўтишни уч босқичга бўлиб қуйидагича қўллаш мумкин:

Дастлаб, ўқитувчи талабаларга китоб ёки илмий мақолани ўқиб чиқиб, тушунмаган жумла, фикрни алоҳида ажратиб дафтарга ёзишни топширади.

Сўнгра, **иккинчи босқичда** муаллиф нима ҳақида фикр юритаётгани, у нима демокчи экани муҳокама қилинади.

Учинчи босқичда, ўқитувчи талабалардан ўзлари муаллиф сифатида бу фикрни ёзма равишда қандай ифодалаган бўлар эдингиз, ёзиб беринг деб, топшириқ беради.

Тўртинчи босқичда, талабалар ёзган жавоблар ўзаро текширилади ва муҳокама қилинади. Муҳокама индивидуал ёки кичик гуруҳлар бўйича олиб борилиши мумкин. Асосий мақсад, ёзилган фикр танқид қилинган муаллифниқига қараганда тушунарлироқми ёки аксинчалигини аниқлаш.

Талабалар ўз фикрларини билдиргач, уларни солиштириб, ўқитувчи ўзи яқун ясайди. Ана шу парчани тушуниш учун аввалдан нималарни ўқиган бўлиши, нималарни билиш керак? ва ҳоказо.

Топшириқни бажарилишига қараб талабаларга балл берилади.

Бундай усулни қўллаш талабаларни ўқишни фаол ўрганишга ундайди. Ундан ташқари талабаларни ўз фикрларини асослашга, материални тақдим қилишни ўргатади.

“Муаллифдан сўранг” усули бўйича талабалар ўзлари янги текст билан ишлаб, ёзишни ўрганишади.

Ушбу усулни модификацияси дарсда бир неча ўқув адабиётида берилган шу мавзу бўйича матнни ўқиб чиқиб, солиштириш ҳам мумкинки, у талабаларга мавзунини ўзлаштиришга, мустақил фикр юритиш ва билимини мустаҳкамлашга катта ёрдам беради.

Танқидий

Бу оддий, самарали усул бўлиб, матннинг мазмунини тадқиқ қилиш, имконини беради, уни шахсий тажриба билан боғлайди ва ўз муносабатини билдириш имконини беради. Ундан ташқари ўз фикрини ёзма равишда баён қилишни ўргатади.

Бунда семинар, амалиёт дафтари саҳифаси вертикал чизма билан икки қисмга ажратилади. Ўқитувчи талабаларга чап ва ўнг томонга нималар ёзилишини тушунтиради. Чап томонга талабага матнни ўқиш жараёнида ўзига ёққан, унда чуқур таассурот ёки тушунмовчилик туғдирган фикр, ғоя, маълумотларни иқтибос(цитата) тарзида ёзиб бориши лозимлиги ўқтирилади.

Ўнг томонда эса талаба цитатага ёки муаллифнинг фикрига ўз муносабатини билдиради. Айнан қандай сабаб ана шу фикрни алоҳида ажратишга ундаганини шарҳлаб беради. Ана шу иқтибос уни нималар ҳақида ўйлашга мажбур қилди? Ўз фикрини ёзади.

Мисол:

Иқтибос	Шарҳ (изоҳ)
<p>1.«Ҳар кишига гапирмоқчи бўлсанг, қарагилким, у сенинг сўзингнинг харидорими ё йўқми? Агар тингловчи сенинг сўзингга харидор бўлса, сўзингни сотгил (агар шу сўзингни харидор хоҳламаса), у сўзни қўйиб, эшитувчига ёқадиган сўзни гапир, токи сенинг сўзингга харидор бўлсин»</p> <p>Қобуснома.Т.: Ўқитувчи, 1973, 41бет.</p>	<p>Шарҳда яратилган дурдоналардан бири бўлган Кайковуснинг «Қобуснома» асаридан келтирилган парчада ўқтирилаётгани, сени тинглашга гапиргин, агар сени эшитишни хоҳлашмаса, сени тингламоқчи бўлганларга маъқул фикрларни айтгинки, натижада улар сенга диққатларини қаратиб, сўзларингни жон қулоғи билан эшитишсин. Бозордан харидор ўзига керакли нарсани сотиб олади. Унга кераксиз нарсани сотиш жуда қийин.</p> <p>Бу парча, айниқса, ўқитувчиларнинг доимо ёдида бўлиши, ўқувчиган талабалар учун зарур, уларнинг эътиборини тортадиган тарзда дарс ўтиш лозим.</p>

Ўқитувчи аввалдан талабаларга ҳар бир ўқилган бетдан битта иқтибос ёки 10 бетдан 4 иқтибос ва ҳоказо тарзида келтириб, унга изоҳ беришлари зарурлигини айтади. Ёки бир

иктисодий категорияга турли китобларда турлича таъриф берилган. Талабаларга уларни солиштириш асосида энг тўғри деб, ёзилганини кўрсатиб, ўз фикрини асослаб беришни топшириш мумкин

1. Дарсни индивидуал тарзда ҳар бир талабадан танлаган цитатаси ва унга берилган изоҳни ўқиши билан барча талабалар фикрини эшитиши шаклида ташкил қилиш мумкин.

Сўнгра талабалар ўзлари энг яхши иқтибос(цитата) ва изоҳни ким тайёрлаганини кўрсатиб, гуруҳ бўйича 13 ўринларни кимга беришни аниқлаш мумкин. Бундай усул талабаларни фаоллаштиради.

2. Жуфтликда ишлаш, икки талаба биргаликда иқтибос танлаб, изоҳларни ҳам биргаликда ёзиб, ёзган фикрларини баён қилишлари мумкин. Бунда талабалар ўртасида энг “ҳозиржавоб” жуфтлик танланади.

3. Кичик гуруҳларда ишлаш. Бунда ҳар бир кичик гуруҳ талабалар сони нечта бўлса, шунча иқтибос ва унинг изоҳини келтиришади. Аудиторияда эса гуруҳ вакили тақдим қилган цитаталардан энг яхши деб, топилганини изоҳи билан ўқиб беради. Нима сабабдан гуруҳ айнан ана шу иқтибос ва изоҳни энг яхши деб топгани сабабини ҳам баён қилади. Кичик гуруҳлар ўртасида берилган жавобларга кўра, ғолиблар аниқланади.

**«Биламан,
Билмоқчиман,
Билдим (Б/Б/Б)»**

Бу метод талабаларни китоб, илмий мақолаларни ўқишга, билмаганларини ўрганишга ҳаракат қилишларига ёрдам беради. Барча талабаларни дарсга фаол қатнашишларини таъминлайди.

Бу методни қўллашда ўқитувчи аввалдан қайси мавзу ёки саволни шу метод ёрдамида ўрганишни аниқлайди. Ўрганилган мавзу бўйича саволлар ва уларнинг жавобларини, ўқиладиган мақола, дарсликдаги параграф ёки маъруза матни, янги мавзу бўйича билиш лозим бўлган саволлар ва уларга жавобларни тайёрлайди.

Талабаларнинг нималарни билиши, янги мавзу бўйича нимани билиши зарурлиги ва дарс давомида нималарни талабалар билганини кўрсатиши учун жадвал чизилади. Жадвал куйидагича бўлади:

Б/Б/Б жадвали

Биз тахминан нималарни биламиз?	Биз нималарни билишни хоҳлаймиз?	Биз нималарни билдик?
1		
2		
ва ҳоказо		

Уни ҳар бир талаба ўз дафтарида чизиб олади. Доскага ёки қоғоз плакатга (қоғоз доскага) бутун гуруҳ учун чизамиз. Бунда савол қўйилиб, гуруҳда жуфтлик ёки кичик гуруҳлар, ёки индивидуал тарзда муҳокама қилиш мумкин.

Бунда “ақлий хужум”ни қўллаш яхши натижа беради.

Айтайлик, “Ялпи талаб ва ялпи таклиф” мавзуси бўйича семинар дарсида ана шу методни қўлламоқчисиз.

У ҳолда доскага “ялпи талаб ва таклиф нима ҳамда у индивидуал талаб ва таклифдан қандай фарқланади?” деган умумий савол ёзилади.

Талабалар ўз фикрларини билдиради. Фикрлар индивидуал, жуфтлик ёки кичик гуруҳ номидан бўлиши мумкин. Бунда талабалар аввалги ўтилган “Талаб ва таклиф. Бозор мувозанати” мавзусида олган билимларини ёдга тушириб, талаб, таклиф категорияларига таъриф беришади. Талаб ва таклифнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни, талаб ва таклиф эластиклиги ва бошқаларни эслашади.

Билганларича, ялпи талаб ва таклиф, унга таъсир этувчи омилларни санаб беришади.

Ўқитувчи «ақлий ҳужум» натижаси асосида сўров ўтказиб, «Нималарни билишимиз керак» устунини тўлдирилишини таъминлайди. Бунда талабалар ўз дафтарларига мустақил ёзишлари ёки доскада ҳам бирон талаба ёзиб биргаликда тўлдириш мумкин.

Б/Б/Б жадвали

Биз нималарни биламиз?	Биз нималарни билишни хоҳлаймиз?	Биз нимани билдик?
1. Талаб ва уни ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар 2. Таклиф ва уни ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар 3. Талаб ва таклиф графиги 4. Талаб ва таклиф қонуни 5. Самарали танлов 6. Бозор мувозанати 7. Ялпи талаб ва ялпи таклиф ва бошқалар	1. Ялпи талаб эгри чизиғини индивидуал талаб эгри чизиғига ўхшашлик сабаблари 2. Ялпи таклиф эгри чизиғи, уни қисқа ва узок муддатли давр нуқтаи назаридан ўрганиш 3. Ялпи таклиф эгри чизиғининг силжиши нимани кўрсатади?	1. а) бойлик эффекти б) процент ставкаси эффекти в) импорт эффекти г) ялпи талаб детерминантлари Қисқа муддатли даврда ялпи таклиф эгри чизиғи уч бўлакка бўлинади: а) горизонтал ёки Кейнс бўлаги; б) оралик бўлак; в) вертикал ёки классик бўлак. 2. Узок муддатли даврда вертикал ҳолда, яъни барча ресурслар ишга солинган ҳолатда бўлишини. 3. Детерминантлар ўзгарганда маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатлари ўзгаради. Таклиф эгри чизиғи ўнгга ёки чапга силжийди.

Навбатдаги қадам «Нималарни билишни хоҳлашимиз»ни аниқлаш.

Бунда ўқитувчининг маҳорати катта роль ўйнайди. Чунки саволни талабалардан «тортиб олиш»имиз керак.

Бунинг учун ўқитувчи йўналтирувчи саволлар билан аудиторияни диққатини жалб қилади.

1. Индивидуал талаб ва ялпи талаб эгри чизиғининг шакли бир хил. Талаб эгри чизиғини шундай шаклда бўлишига даромад ва ўрин босиш эффекти сабаб бўлади. Шу фикрлар асосида савол тузиб, иккинчи ялпи талаб эгри чизиғини даромад ва ўрин босиш эффекти билан тушунтириб бўлмайди. Уни қандай тушунтириш мумкин?

Устунга “Биз нималарни билишни хоҳлаймиз?” деб ёзиб қўямиз.

2. Ўқитувчи талабаларни ялпи таклиф эгри чизиғини ифодаланишида фарқ бор йўқлигини билиш керакми ёки йўқлиги ҳақида ўйлашга ундайди.

Талабалар ўз фикрларини билдиришади. Демак, ялпи таклиф эгри чизиғини тасвирлашда ҳам фарқ бор экан. Биз унинг сабабини аниқлашимиз керак. Яна бир савол тузиб, уни ҳам иккинчи устунга ёзиб қўямиз.

3. Ялпи таклифга ҳам ялпи талабга ўхшаб таъсир қилувчи омиллар бормикан? Бўлса, улар ялпи таклифга қандай таъсир қилади, дея талабаларнинг жавоби асосида яна бир савол тузиб, иккинчи устунга ёзиб қўямиз.

Нечта савол тузиш, албатта, мавзуга, уларда муҳокама қилинадиган узвий саволларга, ўқитувчининг бу методни қандай қўллашига боғлиқ.

Навбатдаги қадам. Саволларга жавоб топиш.

Бунда ҳам турлитуман усулларни қўлласа бўлади.

Агар маъруза дарси бўлса, ўқитувчи қўйилган саволларга жавоб тариқасида маърузани баён қилади ва талабаларга жавобни дафтарларига индивидуал тарзда ёзиб қўйишлари ҳамда учинчи устунни тўлдиришлари лозимлигини ўқтиради.

Ўқитувчи семинар дарсида ким нималар ёзди, учинчи устунни қандай тўлдирди, деб сўраб дарсни давом эттириши ёки келгуси маърузадан олдин ким қандай тўлдирганини кўриб чиқиши мумкин.

Семинар дарсида учинчи устунни индивидуал, жуфтлик ёки кичик гуруҳлар тўлдириб, уларни бутун гуруҳда муҳокама қилиб, яқун ясалади.

а) Бунда қўйилган саволга жавобларни талабалар маъруза эшитиб олдимиз ёки ўзлари китобдан мустақил ўрганиб келишдимиз эътибор бериш керак. Ҳар икки ҳолда ҳам қайси саволларга жавоб топилганини «Биз нималарни билдик?» устунига ёзишлари лозим.

б) Ўқитувчи албатта муҳокама жараёнида талабалардан савол қўйилмаган бўлса ҳам яна нималарни билиб олганликларини сўраши ва уларни учинчи устунга ёзиб қўйишларини айтиши керак.

в) Биринчи «Нималарни биламиз?» устунда билдирилган жавоблар ишончлилигини муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ.

г) Иккинчи устунда қайси саволлар жавобсиз қолган бўлса, жавоб топиш учун қандай манбаларга мурожаат қилишларини кўрсатиш керак.

Ўқитувчи вақтни тўғри тақсимлаши учун «ақлий ҳужум» методини қўллаб, талабадан билганларини аниқлашга, маъруза матнини ёки китобларни ўқиш, маърузани баён қилиш учун кетадиган вақтини аввалдан режалаштириб қўйиши, шу асосда дарсни ташкил қилиши зарур.

Талабаларни жадвални тўлдирганликларига қараб, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши ва эълон қилиши керак. Бунда диққат иккинчи ва учинчи устунларга қаратилиши лозим.

Инсерт методи

Талабаларни ўқиётган китоблари, мақола ва

турли ахборотларни тушуниб етишлари катта аҳамиятга эга. Сир эмаски, кўпинча талаба ўқиётган материални охирига келиб, нима ҳақида ўқиётганини унутади. Шунинг учун дарсда уларда эслаб қолиш кўникмасини шакллантиришга ёрдам берадиган методларни қўллашнинг аҳамияти катта.

Талабаларни ўқиётган ўқув материалларини қай даражада тушунганликларини аниқлашга қаратилган интерактив методлардан бири инсертдир.

Ўқиш жараёнида материалнинг (дарслик, ўқув қўлланма, илмий мақола, жадвал, схема кабилар) ҳар бир сатр боши (ёки қисми)нинг мазмуни баҳолашиб, хулоса варақнинг четки томонига (ҳошиясига) қалам билан белги қўйиб бориш орқали билиш даражаси аниқланади. Бу белгиларни ҳар бир қатор ёки таклиф этилаётган ғояга қўйиш шарт эмас. Асосийси, бу белгилар ёрдамида талаба олинган билим, ахборот тўғрисида яхши тасаввурини акс эттириши лозим. Умуман олганда, бир сатр бошига бир неча белги қўйилиши ҳам мумкин.

Инсерт ўқувчи, талабаларга, янги ахборотни ўқиб ўрганиши жараёнида тушунарли ёки тушуниб бўлмайдиган, номаълум ёки эътироз билдирадиган гуруҳларга ажратиб баҳолаш имконини беради. Яъни ўқувчи, талаба ўқиётган материални шунчаки ўқиши эмас, уни ўқиши, яъни тушуниш, баҳо бериш, умуман олганда, танқидий ўрганиши талаб этилади.

Бу метод:

- матн билан самарали ишлаш кўникмасини ҳосил қилади;
- фаол, теранфикр юритиб, ўйлаб, ўқишни ўргатади.

- аввал ўрганилган, талаба учун маълум бўлган материални янгиси билан таққослаш ва баҳолаш қобилиятини шакллантиради;

- мавзунини келгусида ўрганишни давом эттиришни рағбатлантиради.

Четқи хошияга белгиларни қандай қўйиш бўйича қабул қилинган қоидалар мавжуд. Улар қуйидагича:

- **Ўқиётган матндаги билдирилган фикрлар** сизга маълум, сиз уларни билсангиз, биаламан деб **ўйлаган фикрингизга мос келса**, «V» белгисини қўясиз.

- **Ўқиётган жумлалар сизнинг билимингизга қарамақарши бўлса** ёки биаламан деб ўйлаганингизга **мос келмаса**, «-» (минус) белгисини қўясиз.

- Агарда ўқиётган матнда сиз учун **янгиликлар бўлса**, «+» (плюс) белгисини қўясиз.

- Сиз ўқиётган жумлалар сизга **тушунарли бўлмаса**, яъни уни тушуниш учун қўшимча маълумотлар талаб қилинса, у ҳолда «?» (**сўроқ**) белгиси қўясиз.

Шундай қилиб, ўқиш жараёнида талабалар билганлари ва тушунганларига мос равишда тўрт хил белгилар қўйиб чиқишади. Ҳар бир қаторни ёки ҳар бир тушунчани белгилаб чиқиш шарт эмас. Бу белгилар ёрдамида ўқиётган матн бўйича умумий тасаввур ифодаланиши керак.

Матнни ёки мақолани ўқиб бўлгандан кейин ўқилганларни шериги билан муҳокама қилиб олиш учун бир дақиқа вақт берилади. Сўнгра бутун гуруҳ нималар ўрганилди, қандай саволлар юзага келди, муҳокама қилади.

Биринчи босқичда:

1. Ўқувчи, талаба ўрганаётган мавзу бўйича билганларини эсга олиши, янгитдан нималарни билгани кўрсатилади.

2. Эсга олиш туфайли унинг пассив билим захираси фаоллашади, ўзини билганларини хаёлан ўзига тушунтира бошлайди. Натижада, англаб етиш даражасига ўтади. У янги билимларни ўзлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

3. Ўқиш таклиф этилаётган, кўриб чиқиладиган мавзу мақсади аниқланади. Бу мақсадлар:

- а) ўқитувчи қўйган мақсад;

- б) ўқувчи, талабалар мустақил танлаган мақсадлардан иборат.

Шундай қилиб, ўқувчи, талабалар ахборотни ўзлаштиришга онгли равишда ёндашишлари учун матнни тушунишлари лозим. Бунда матн мазмунини онгда қайта шакллантириш, ихчамлаштириш содир бўлади ва у хотирада узоқ муддатга сақланиб қолишга олиб келади.

Бу методни маъруза дарсларида қўйилган узвий саволлардан бирини муҳокама қилиш жараёнида ҳам қўллаш мумкин.

Семинар дарсларида ўрганиладиган мавзуга тааллуқли илмий мақолаларни ўрганиш, ўқув адабиётларини ўқиш мумкин. Бунда талабаларга матн тарқатилади. Уларга маълум бир (1011 дақиқа) вақт берилади.

Масалан; «Иқтисодий ресурслар ва жамият эҳтиёжлари» мавзусида “Ресурслар чекланганлиги ва эҳтиёжларни қондириш иқтисодиётнинг бош муаммоси “ саволини инсерт методини қўллаб кўриб чиқайлик.

1. Талабаларга узвий савол ёки мақола мавзуси бўйича бироз ўйлаб олиш таклиф этилади. Муҳокама қилиш учун шерик танланади ёки партадош ўртоғи билан 35 дақиқа давомида ресурслар ва уларнинг чекланганлиги, эҳтиёжларни ресурслар орқали қондирилиши, иқтисодиётнинг бош муаммоси ҳақида нимани билишса дафтарларига ёзибчизишади. Ёзилган нарсани тўғриинотўғрилиги аҳамиятга эга эмас. Муҳими, иложи борича кўпроқ маълумот ёзиш.

Шериклар ўзаро муҳокамани яқунлагач, гуруҳ миқёсида ўз билимлари билан ўртоқлашиш таклиф этилади. Талабалар ўз фикрларини гапириб бераётганларида уларнинг мазмунини доскага қисқача ёзиб бориш керак.

Масалан, ресурслар деб ёздик. Ўқитувчи, талабаларга, ресурсларнинг мазмунини ҳамма биладими, деб мурожаат қилади. Билмаганлар бўлса, жавоб бераётган талаба тушунтириб беради. Ҳар қандай қарамақаршилиқ ёки келишмовчиликлар бўлса, муҳокама қилиб, умумий қарорга келиб доскага ёзиб қўямиз.

Шундай қилиб, доскада билганларимиз қуйидагича акс этди, дейлик:

Ресурслар, эҳтиёжлар, моддий ресурслар, меҳнат ресурслари, эҳтиёжларнинг таркиби, чексизлиги, эҳтиёжларни қондириш зарурлиги ва бошқалар.

Демак, биз ресурслар чекланганлиги, ана шу шароитда эҳтиёжларни қондириш муаммоси бўйича нималарни билишимизни аниқладик. Бор билимларимизни ишга солдик.

Бу босқич, одатда, эсга олиш, даъват дейилади.

Ўзаро ва гуруҳда муҳокама қилдик, фикрлаш жараёни кечди. Муҳокама қилиш, ўз саволларига жавоб топиш жараёни, яъни тушуниш, англаш юз берди.

2. Билганларимизни эсга олиб бўлгач, ўқитувчи барча талабаларга матнни ўзини бериб, ҳар бир сатр боши рўпарасига зарур белги қўйиб чиқишни таклиф қилади (1015 дақиқа вақт берилади).

Ҳар бир талаба матнни ўқиш жараёнида ўз билганлари ва тушунчасига мос равишда белгилар қўйиб чиқади. Матнни ўқиб, зарур белгиларни қўйиб чиққач, уларни ўртоғи билан муҳокама қилиш учун 1 дақиқа вақт ажратилади.

Бунда улар ўзларининг қайси билимлари тасдиқланди, қандай янги маълумотлар олишди, қандай саволлар туғилди, маслаҳатлашиб олади.

Ана шу жараёнда талабалар янги ғоя, маълумотларни ўрганади. Матнни ўқиш жараёнида уларни ўзлари билганлари билан солиштиришади. Талабалар англаш босқичига ўтишади.

Навбатдаги босқич олинган билимни гуруҳда муҳокама қилиш бўлади. Бунда талабалар олган билимлари, тушунмаганлари бўйича мулоҳазалар, қўшимча билимлар манбаини излашади.

Аввалги ёзилган фикрларга қайтиб, матнни мазмуни муҳокама қилинади. Ҳамма рози бўлган саволларни ажратиб, қарамақарши () муҳокама ва савол белгиси (?) қўйилган, тушунмаган фикрлар муҳокама қилинади.

Айталик, бу матндаги белгилардан келиб чиқиб, трансформация эгри чизиғи, ўсиб боровчи ва пасайиб боровчи муқобил қиймат каби тушунчалар бўлсин. Уларни ўқитувчи жадвал, графиклар ёрдамида тушунтириб беради.

Ўқитувчи саволни яқунлар экан, иқтисодиётнинг бош муаммоси мазмунини талабалар қай даражада тушунганларини ва ўзлари ҳаётда қандай ечишларига доир мисол келтиришлари учун саволлар билан:

«Шундай қилиб, иқтисодиётнинг бош муаммоси нима экан?»

«Нима сабабдан уни бош муаммо деймиз?»

«Нима сабабдан ҳаёлан тезда танлаш мезонларини ишлаб чиқамиз? Мисоллар келтирингчи?» дея мурожаат қилади.

Матн билан ишлагач, **Б/Б/Б** жадвалини тўлдириш талабалар фаоллигини таъминлашга катта ёрдам беради.

Б/Б/Б жадвали билан ишлаш тартиби

3. Инсерт методини қўллаб, матнни ўқинг.

4. Олинган ахборотни индивидуал тарзда қўйган белгиларингизга мувофиқ жадвалда ифодаланг

Б/Б/Б (Биламан, Билмоқчиман, Билдим) жадвали

№	Мавзунинг саволи	Биламан	Билдим	Билмоқчиман
1				

2				
3				
4				
5				

Муҳокама жараёнида талабаларнинг танқидий фикр юритишлари, ўз фикрларини асослашга уринишлари, ўртоқлари билан мунозара қилишлари кейинги босқич фикрлаш, тафаккур босқичига ўтилганини билдиради.

Талабалар янги маълумотларни яхши қабул қила оладилар. Чунки улар аввалги билганларини янги олган билимлари билан бемалол бирлаштирадилар. Уларнинг ўз қобилиятларига ишончлари ортади.

Инсерт методи ўқиш давомида талабаларга ўз шахсий тушунчаларини фаол кўриб чиқишга ёрдам берувчи кучли қурол ҳисобланади.

2§. Такқослаш, баҳолашни ўргатувчи методлар

Т-схема — икки хил маълумот: ахборот, турли қарашларни такқослашнинг универсал график тарзда ифодалаш бўлиб, ўқувчиталабаларни ўрганилаётган мавзу бўйича мавжуд қарашларни такқослаш, улар асосида қарор қабул қилишга ўргатади. Айниқса, фарқланувчи қарамақарши, хилмаҳил қарашларни, маълумот ахборотларни маълум бир мезонлар бўйича ифодалаш учун ниҳоятда қулай.

Агар ана шу мезонларни талабаларнинг ўзи ишлаб чиқса, дарс янада самарали бўлади. Одатда Тсхема бирбирига қарамақарши (антоним) фикрлар, қарашлар, маълумотлар, ахборотларни ифодалайди. Уларни ҳа/йўқ, тарафдор/қарши, юқори/паст, минимал/максимал кабилар орқали кўрсатиш мумкин. Бунда қўйилаётган мақсад ўрганилаётган мавзу, савол ёки қарашларни мазмунига кўра, ўқитувчи такқослаш вариантларини ишлаб чиқади.

Тсхема унча катта бўлмаган майдонда катта маънога эга бўлган материални ифодалаш имконини беради. У айниқса, модул ёки маълум бир қарашлар мазмунини умумлаштиришда фойдаланишда жуда қулай. Тсхемани мустақил тизими бўйича берилган топшириқлар талабаларни иқтисодий фикрлашини ривожлантиришга жуда катта таъсир кўрсатади.

Тсхемага мисол сифатида юқорида келтирилган дарс ўтиш методларининг афзалликлари ва камчиликларини кўрсатишимиз мумкин. Масалан, «Ақлий ҳужум методини қўллашнинг афзалликлари ва камчиликлари»ни кўрсатиш мумкин.

Методнинг афзалликлари	Методнинг камчиликлари
<ul style="list-style-type: none"> • талабаларга билим, тажриба, кузатувлар нуқтаи назаридан муаммо ечимига турлича ёндашувлар билан танишиш имконини беради; • талабаларни таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ва қарор қабул қилишга ўргатади; ва ҳоказолар 	<p>1) методни қўллаш кўп вақт талаб қилади;</p> <p>2) катта гуруҳларда қўллаш қийин; ва ҳоказолар</p>

Ёки жаҳон мамлакатларида аҳолини турмуш даражаси, тараққиёт даражаси ҳақида тўхталганда мана шундай жадвалдан фойдаланиш мумкин:

Аҳоли жон бошига ЯММ ишлаб чиқариш (Жаҳоннинг ўнта мамлакати бўйича, 1999 й)

№	Энг бой мамлакатлар	Доллар	Энг камбағаллар	Доллар
1.	Люксембург ...	45360	Нигер	310
2.		...	Танзания	240
3.	СерраЛеоне	200
4.	Швейцария	34510	Руанда	190
5.	Норвегия	32880	Малави	180
6.	Япония	32230	Бурунди	170
7.	Дания	32030	Чад	160
8.	АҚШ	30600	Конго	130
9.	Сингапур	29610	Эфиопия	100
10.	Исландия	26580	Мозамбик	80

Семантик (маъносини ифодалаш) хусусиятлар таҳлили

Талабаларни фаоллаштириш, билимини ошириш мақсадида қўлланиладиган методлардан яна бири дарс жараёнида фойдаланиладиган жадваллар ва графикларни семантик маъносини ифо

даловчи таҳлил қилиш методидир.

Жадвал ва графиклар дарс жараёнида таклиф этилётган ахборотларни кузатиш имконини кўриш орқали маълум бир **майдон жадвалда** ифодалашни ташкил этади. Жадвал орқали ғоялар, тавсиялар, таклифлар берилади.

Бу методнинг мазмуни шуки, янги тушунчалар, мавзу, ахборотларни ўрганиш аввалги ўрганилганлари билан қисман таққослаш орқали ўрганилади.

Бу метод, айниқса, иқтисодий фанларни ўрганишда жуда кўл келади. Бунда талабалар билан маълум бир мезонларга кўра тузилган жадвал маълумотлари муҳокама қилинади. Бу муҳокамани индивидуал тарзда, кичик гуруҳларда олиб бориш мумкин. Сўнгра жадвал маълумотларида қўйилган мақсадга кўра тўлдириш зарур бўлган қатор ёки устунлар қолдирилади. Берилган ахборотлар муҳокама қилиниб бўлингач, талабалар бўш қатор ёки устунларни тўлдиришга ҳаракат қилишади. Талаба ўз таҳлилига кўра жадвални тўлдиради ёки график чизади. Сўнгра уни кичик гуруҳда муҳокама қилинади. Кичик гуруҳда таҳлил қилиб, муҳокама қилингач бутун гуруҳда муҳокама қилинади ва умумий қарорга кўра жадвал тўлдирилади, график чизилади.

Масалан, макродаражада иқтисодиётни тартибга солишни ўрганаётганда, уни тартибга солишнинг икки механизми: бозор ва давлат механизмини бирбиридан фарқини таққослаш орқали ўрганилади. Бунда талабаларга бозор механизми, яъни ўз ўзини тартибланишнинг хусусиятлари кўрсатилган, давлат томонидан тартибланиш эса мувофиқ равишда таққослаб кўрсатиш таклиф қилинадиган куйидаги жадвал тарқатилади:

Макродаражада тартибга солишнинг икки механизмининг асосий хусусиятлари.

Бозор механизми ўз ўзини тартиблаш	Давлат механизми – давлат томонидан тартиблаш
<p>Бозор товарлар ишлаб чиқарилгандан сўнг ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатади.</p> <p>Бозорнинг индивидуал, алоҳида субъектлари ўзлари манфаатдор бўлмаган макроиқтисодий структура ўзга ришларини амалга оширмайдилар.</p> <p>Бозор субъектлари ўз капиталларини</p>	

<p>фойда келтирмайдиган самарасиз ишлаб чиқаришга қўймайдилар.</p> <p>Бозор ўзгарувчан харидор талабига тезда мослашади.</p> <p>Ишлаб чиқариш (нима, қандай, қанча, ким учун) ечимлари микродаражада, фирма, уй хўжаликлари микёсида қабул қилинади.</p> <p>Бошқариш горизонтал(шерикчилик) асосида, фирмалар ва уй хўжаликлари ўртасидаги алоқалар асосида ташкил этилади.</p> <p>Хўжалик алоқаларини тартибга солиш фақат шартнома ва манфаатларга асосланади.</p>	
--	--

Жадвални ҳар бир талаба индивидуал тўлдиради. Сўнгра кичик гуруҳларда муҳокама қилиб, биргаликда тўлдириб, бутун гуруҳ олдида тақдимот қилинади. Тақдимот тугагач, ҳар бир кичик гуруҳга тўғри жавоб тарқатилади. У қуйидагича бўлади:

Макродаражада тартибга солишнинг икки механизмнинг асосий хусусиятлари.

Бозор механизми ўзўзини тартиблаш	Давлат механизми – давлат томонидан тартиблаш
<p>Бозор товарлар ишлаб чиқарилгандан сўнг ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатади.</p> <p>Бозорнинг индивидуал, алоҳида субъектлари ўзлари манфаатдор бўлмаган макроиқтисодий структура ўзгаришларини амала оширмайдилар.</p> <p>Бозор субъектлари ўз капиталларини фойда келтирмайдиган самарасиз ишлаб чиқаришга қўймайдилар.</p> <p>Бозор ўзгарувчан харидор талабига тезда мослашади.</p> <p>Ишлаб чиқариш (нима, қандай, қанча, ким учун) ечимлари микродаражада, фирма, уй хўжаликлари микёсида қабул қилинади.</p> <p>Бошқариш оризонтал шерикчилик) асосида, фирмалар ва уй хўжаликлари ўртасидаги алоқалар асосида ташкил</p>	<p>Давлат ишлаб чиқариш бошлангунга қадар таъсир кўрсатиши мумкин.</p> <p>Давлат йирик масштабдаги структура силжишлари, ўзгаришларини амалга оширишга қодир.</p> <p>Давлат бюджет ёрдамида иқтисодиётнинг нотижорат секторини самарасиз, лекин жамият учун зарур корхоналарни қўллабқувватлайди.</p> <p>Давлат истеъмолчи талабининг ўзгаришини анча кеч илғайди.</p> <p>Макродаражадаги қарорлар умуммиллий манфаатларни кўзлаган ҳолда қабул қилинади.</p> <p>Миллий хўжаликни бошқариш вертикал асосида ташкил этилади (юқоридан пастга,</p>

этилади. Хўжалик алоқаларини тартибга солиш фақат шартнома ва манфаатларга асосланади.	давлатдан фирма, уй хўжалигига). Иерархик (қуйи бўғинни юқорига бўйсунити тартибида) алоқалар кўпинча иқтисодий мажбур қилишга асосланади (солиқлар, божхирожлар).
---	---

Ўқитувчи тақдимотда билдирилган фикр, тўлдирилган жадвал ва унинг хатоларини ҳисобга олиб, ишни баҳолайди.

Топшириқни мана бундай жадвални таҳлил қилиш, унинг айрим кўрсаткичларини ҳисоблаш тарикасида ҳам бериш мумкин. Айниқса, махсус, мутахассислик иқтисодий фанларини ўрганганда бу жиҳатдан имконият жуда катта. Ахборотнинг катта қисми жадвал шаклида бўлади. Уларда маълумотлар ҳисобланади, таққосланади.

Саноатнинг таркибий тузилиши ва ўсиш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Таркибий тузилиши			Ўтган йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи, %		
	2000	2001	2004	2000	2001	2004
Саноатжами	100,0	100,0	100,0	105,9	107,6	139,4
Шу жумладан						
Электроэнергетика	9,5	8,0	10,9	101,1	95,4	99,1
Ёнилғи	16,7	12,9	13,4	99,7	96,4	106,0
Қора металлургия	1,4	1,4	2,6	118,7	110,6	131,6
Рангли металлургия	11,3	10,7	15,4	102,5	101,8	104,9
Кимё ва нефть кимёси	5,9	5,3	5,6	112,7	104,1	103,3
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	9,0	10,5	12,2	89,5	124,9	132,1
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш	0,9	1,4	1,1	130,1	108,6	117,1
Қурилиш материаллари	4,6	5,3	3,9	104,3	105,9	108,2
Енгил саноат	20,1	20,5	18,0	117	112,4	105,2
Озиқовқат	11,8	13,9	10,1	108,5	109,4	104,7
Бошқа тармоқлар	9,6	10,1	5,6	109,5	128,5	121,7

Манба: ЎЗР Давлат статистика кўмитаси

Концептуал (моҳияти, асосини ифодаловчи) жадвал, харита

Бу метод кластер, семантик хусусиятлар таҳлили каби кўргазмалилик орқали фикр юритиш жараёнини ифодалайди. Фикр юритишни киёслаш, таққослаш, таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Концептуал жадвалда вертикал бўйича, яъни устунларда таққосланадиган тушунча, ахборот, маълумотлар берилади.

Горизонтал, яъни қаторда таққослаш амалга оширилиши керак бўлганларни турли хусусиятлари, характеристикаси берилади. Демак, жадвалнинг бир томони нимани таққосланиши, иккинчи томони, қандай таққосланишини кўрсатади. Ёки жадвални бошқачароқ тарзда тузса ҳам бўлади. Асосийси, таққосланаётган фикрнинг қайси жиҳати таққосланаётгани аниқ кўриниб туриши керак.

Концептуал жадвал ёки харита ниҳоятда катта таҳлилий ахборотни зич, ихчам равишда жойлаштириш имконини беради. Бундай жадваллар, айниқса, дарсда:

- 1) методик жиҳатдан кўргазмалиликни таъминлайди;

2) концептуал жадвал тизими бўйича берилган топширик орқали ўтилатган мавзу ёки саволнинг мазмунини ўрганиш амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам бу методдан иқтисодий фанларни ўрганишда кенг фойдаланиш мумкин.

Кейнс ва монетаризм мактабларининг фарқи

	Кейнсчилик	<i>Монетаризм</i>
Иқтисодий сиёсатнинг мақсади	Барқарор нархлар ва иш хақи, тўла бандликни таъминлаш.	Иқтисодиётдаги салбий ҳолатлар сабабчиси инфляция билан курашиш.
Қўйилган мақсадга эришиш воситалари	<p>1. Пул муомаласини, бандликни ишлаб чиқариш ўсишига мослаш.</p> <p>2. Мослашувчан пул сиёсати (кризиссиз ривожланишни таъминлаш) юритиш.</p> <p>3. Тақчил бюджет, талаб ва ижтимоий кафолатнинг ўсишини молиялаштириш.</p> <p>4. Давлат ижтимоий дастурларини кенгайтириш.</p> <p>5. Солиқларни кўпайтириш, давлат талабини ошириш.</p>	<p>1. Пул муомаласини қаттиқ назорат қилиш.</p> <p>2. Қатъий пул ва барқарор фискал сиёсат юритиш.</p> <p>3. Бюджет мувозанатини (бюджет тақчиллиги бо зор механизмига давлат аралашувини ўсишига олиб келади) таъминлаш.</p> <p>4. Давлат ижтимоий дастурларини қисқартириш.</p> <p>5. Бюджет тақчиллигини камайитириш, пул муомаласини тартибга солиш.</p>
Давлат ролини баҳолаш	Рағбатлантириш	Чеклаш
Қўллашдан ижобий натижа кутиш	Иқтисодий танглик, бўҳронлар юз берганда.	Тушқунлик саёз, инфляция кучли бўлса.

Иқтисодиётни тартибга солиш ва бу ҳақда билдирилган фикрларни таққослашда қуйидаги жадвал ва уни таҳлил қилиш жуда қўл келади.

Турли назариялар ва уларнинг фарқлари

	Кейнсчилик назарияси	Монетаристик назария	Рационал кутиш назарияси
Гоявий йўналиши	Иқтисодиётни солиқ ва солиққа тортиш ва давлат харажатлари билан «аниқ созлаш»ни амалга ошириш мумкин.	Иқтисодиётни тартибга солиш учун давлат пул таклифини 35 фоизга кўпайтирса бўлади. Ўзга ҳеч қандай аралашин керак эмас.	Монетар сиёсат ҳам, фискал сиёсат ҳам иш бермайди, шунинг учун, яхшиси, ҳеч қандай фавқулудда чора тадбир кўрмаслик керак.
Таҳлил доираси	Талаб ўз таклифини вужудга келтиради. $C+I+G=GDP$	$MV=PQ$	Хўжалик юритувчи субъектлар етарли даражада фаросатли. Давлат юритаётган сиёсат қандай оқибатга олиб келишини ҳисобга олиб, ўз манфаатларига кўра ўз сиёсатларини ишлаб чиқиб, юритадилар.
Амалга оширишдаги иқтисодий таҳлил	1. Иш ҳақи ва баҳо тушиш томонга мослашувчан эмас 2. Жамғарма даромадга боғлиқ. 3. Инвестиция кутилаётган фойда ва фоиз ставкасига боғлиқ.	1. Реал ЯИМни йилига 35 фоиз атрофида ўсиши мумкин. 2. Пул айланиш тезлиги ўз асосига кўра барқарор.	1. Одамлар рационал қарорлар қабул қилишади. 2. Кутиш келажакни кўзлайди. 3. Давлат қўллаган сиёсат оқибатларидан ўзини муҳофаза қилиб, ҳимоя чораларини қўллашади.
Монетар сиёсат	1. Иқтисодиётга фоиз ставкаси ва инвестициялар орқали таъсир кўрсатади. 2. Тушқунликни тўхтатишдан кўра инфляцияни тўхтатишга яради.	1. М(пул)ни йилига 35 фоизга кўпайтириш. 2. Пул таклифини ўзгариши бевосита нарх ва ишлаб чиқаришни натижасига таъсир кўрсатади.	35 % қоидаси тўғри у кутишни барқарорлигига йўналтирилган бўлиши керак.
Фискал сиёсат	1. ЯИМни кўпайтириш учун солиқларни камайтириш, давлат харажатларини кўпайтириш керак.	1. Узоқ муддатли даврда реал ЯИМ га таъсир кўрсата олмайди. 2. Қисқа муддатли даврда маълум бир	Фискал сиёсатнинг самарасизлиги одамларни реакциясида ифодаланади.

	2.Инфляция суръатини пасайтириш учун солиқларни кўпайтириш, давлат харажатларини кўпайтириш керак	самара бериши мумкин.	
--	---	-----------------------	--

III бобда берилган таълимга уч хил ёндашув жадвали ҳам концептуал жадвалга мисол бўла олади. Бунда талабаларга жадвалнинг айрим кўрсаткичларини тўлалигича бермай, тўлдиришни топшириқ қилиб берилади ёки билдирилган фикрларни концептуал жадвал шаклида ифодалаш топширилади. Улардан намойиш қилиш учун кўрғазмани курул сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Махсус иқтисодий фанларда кўплаб рақамлар, статистик маълумотлар берилган жадваллар таҳлил қилинади.

3§. Ахборотни йиғиш ва ёйиш асосида мавзунини ўрганишга қаратилган методлар

Синквейн (ахборотни йиғиш) методи

Ўрганилаётган материални яхшироқ англаш учун қўлланиладиган методлардан бири «Синквейн (ахборотни йиғиш)» методидир. Синквейн – (французча беш) беш қатордан иборат, ўзига хос, қофиясиз

шеър бўлиб, унда ўрганилаётган тушунча, ходиса, воқеа, мавзу ҳақидаги ахборот йиғилган ҳолда, ўқувчи, талаба сўзи билан турли вариантларда ва турли нуқтаи назар орқали ифодаланади. Синквейн тузиш мураккаб ғоя, иқтисодий тушунчаларни бир нечагина сўзлар билан ифодалаш учун муҳим бўлган малакадир. Синквейн тузиш жараёни мавзунини яхшироқ англашга, ўзлаштиришга ёрдам беради.

Синквейн беш қатордан иборат бўлиб, биринчи қаторда бир сўз билан мавзу ёки муаммо ёзилади (одатда от туркумига оид сўз билан).

Иккинчи қаторда бир сўз билан ифодаланган мавзу ёки муаммо икки сўз билан тавсифланади (сифат туркумига оид икки сўз билан).

Учинчи қаторда ушбу мавзу ёки муаммо бўйича ҳатти – ҳаракатлар уч сўз билан характерланади.

Тўртинчи қаторда бир сўз билан ифодаланган мавзу, муаммога алоқадорликни кўрсатувчи тўрт сўздан ҳиссиётни ифодаловчи гап (ибора) тузиб ёзилади.

Амалиётда синквейн:

- мураккаб ахборотни синтезлаш қуроли;
- талабалар тушунчалар заҳирасини баҳолаш воситаси;
- фикрни ижодий ифодалаш воситаси сифатида жуда фойдалидир.

Синквейн тушунчалар ва ахборотларни рефлексиялаш, синтезлаш ва умумлаштиришда тезкор, айти замонда муҳим курул ҳисобланади.

Синквейн маълум бир мавзу ўрганилгандан сўнг тузилса, унинг асосий хусусиятлари, моҳияти тушунилиб, яқунланади. Синквейн материаллар устида ўйлашга, мураккаб ахборотни синтезлашга ёрдам беради. Ижодий ишлаш имконияти келиб чиқади.

Бешинчи қаторда мавзунинг моҳиятини такрорловчи бир сўздан иборат синоним ёки моҳиятини янгича ифодаси ёзилади.

____ мавзу, муаммо номи (от);
 _____ тавсифи (сифат);
 _____ мавзу бўйича ҳаракатлар,
 _____ хиссиёт, алоқадорликни ифодаловчи жумла;

_____	моҳиятнинг янгича ифодаси, синоним,
_____	ўрганишнинг маҳсули, натижаси
Мисол:	
_____	масала
_____	қийин, оғир
_____	аниқлаш, солиштириш, ечиш
_____	баргараф қилиш талаб этилади
_____	муаммо

Синквейн методини нисбатан адабиёт, фалсафа, тарих ва бошқа шунга ўхшаш фанларда қўллаш осонроқ. Сабаби, уларнинг сифати ва ҳаракати билан боғловчи синоним сўзларни топиш осон. Иқтисодий фанлардан эса категорияларнинг синонимини топиш қийинроқ. Лекин уни бошқача усуллар билан қўлласа бўлади. Ана шу қийинчилик уни қўллашни қизиқарли бўлишига олиб келади.

Сенквейн методидан иқтисодий категорияларни ўрганишда фойдаланишни қуйидаги мисол ёрдамида кўриш мумкин.

Айтайлик, нарх унинг синоними баҳо, лекин баҳонинг нархга нисбатан кенг қамровлилигига эътибор қаратмаймиз. Ўқитувчи синонимни талабаларга айтмайди.

Ўқитувчи «Нарх» деб доскага ёзиб, талабаларга мурожаат қилади. Нархнинг сифат томонини кўрсатадиган сўзларни келтиришади. Талабалар: арзон, қиммат, чўнтақбоп, харидбоп, инфляция ва ҳоказоларни келтиришлари мумкин. Ана шуларни ичидан биз энг мос келадиган, тўғри ифодаланган дея вариантлардан 2 тасини ажратиб оламиз. У арзон, қиммат бўлсин.

Навбатда нархга боғлиқ ҳаракатларни ифодаловчи сўзларни топишимиз зарур бўлади. Ўқитувчи яна талабаларга мурожаат қилади: аниқлаш, таққослаш, солиштириш, арзонлаштириш, қимматлаштириш, белгилаш, чидаш, норози бўлиш, рози бўлиш, чора кўриш ва ҳоказолар. Уларнинг орасидан энг маъқули деб аниқлаш, таққослаш, арзонлаштиришни олайлик.

Энди нарх билан алоқадорликни ифодаловчи 4 сўздан иборат гап, жумла тузишимиз керак. Айтайлик, талабалар қуйидагича жумлаларни келтиришсин:

1. Нархнинг кўтарилиши инфляцияни ифодалайди.
2. Нархнинг шаклланиши харажатларга боғлиқ.
3. Шаклланиши талаб, таклифга боғлиқ.
4. Рақобатда муҳим омил ҳисобланади.
5. Одамларни манфаатига таъсир кўрсатади.
6. Нарх кадр қиймат ўлчови ва ҳоказолар.

Уларни орасидан энг яхши, нархнинг мазмунини очиб беришга ёрдам қиладиган деб қайси бирини танлаймиз, дея мурожаат қилинади. Айтайлик, 3 жумла талабалар томонидан танлансин.

Энди нархга синоним сўзни топамиз. У баҳо. Бизнинг синквейнимиз қуйидагича бўлади:

Нарх
арзон, қиммат
аниқлаш, таққослаш, арзонлаштириш
шаклланиши талаб, таклифга боғлиқ
баҳо

Бу методни бошқача усул билан синоним сўз, категория билан эмас, балки антоним сўз, категория топиш тарзида ўтказиш мумкин. Айниқса, иқтисодий фанларда бундай категориялар мўл.

Уни 2 хил йўл билан ўтказиш мумкин:

1. Биринчи қўйилган сўз категорияга хос сифат, ҳаракат, гап тузиш йўли билан;

2. Аксинча унга зид бўлган сифат ҳаракат, жумла билан. Сенквейннинг модификацияси қуйидагича бўлади:

Мисол:

Фойда
қонуний, ялпи
хисобланади, олинади, тақсимланади
Фирма мавкеи, обрўси мустаҳкамланади
Зарар (фойданинг акси)

Зарар
кутилмаган, ялпи
хисобланади, олинади, копланари.
Фирманинг мавкеи, обрўси тушади.
Фойда (зарарнинг акси)

Хуллас, бу методни турли вариантларда қўллаш мумкин. У ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

Кластер (ахборотларни ёйиш) методи

Кейинги пайтларда иқтисодий фанлардан дарс беришда кластер (ахборотни ёйиш) методидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Кластерларга ажратиш педагогик стратегия бўлиб, у кенг қамровли фикр юритиш, ўрганилаётган тушунча (категория, ҳодиса)лар ўртасида алоқа боғлаш малакасини ривожлантиради. Мавзу бўйича талабаларни эркин очиқ фикрлашига ёрдам беради.

Бу методни мавзу ёки узвий саволни ўрганишнинг даъват, тушунтириш, фикрлаш босқичида қўллаш мумкин.

“Кластер” сўзи лотинча «ғунча, боғлам» маъносини англатади. У мавжуд билимларни ифодалаш, муайян мавзу бўйича ўйлаш жараёнида янги фикрлар уйғотади. Кластер таркибига киритилган асосий тушунча, ғоялар ўртасидаги муҳим бўлган боғланишларни аниқлаш, кенг қўламли фикр юритишни ривожлантиради. “Атроф”га турлича назар солишга ўргатади.

Кластер тузишни мавзуни мукамал ўрганмасдан туриб қўллаган маъқул. Кластер муҳокама қилинаётган тушунча, мавзуга сўз ёки жумлага тааллуқли сифатлар маълум йўналиши бўйича гуруҳланади.

Кластер тузиш кетмакетлиги:

1. Синф доскаси ёки қоғоз варағига муҳокама қилинадиган мавзудаги асосий тушунча, “калит” сўз ёки гап ёзинг.

2. Сизни фикрингизча шу мавзуга, тушунча, “калит” сўзга тегишли бўлган сўзлар ёки гапларни ёзинг.

3. Ёзилган тушунча, ғоялар ўртасида бирбирига мос боғланишни ўрнатинг.

4. Имконингиз борича турли вариант, ғоя, фикрларни кўпроқ ёзишга ҳаракат қилинг. Эслаганингизнинг барчасини ёзинг.

Кластер тузилишининг асосий қоидалари:

1. Хаёлингизга келган барча фикрларни ёзинг. Бу фикрларнинг маъноси ҳақида ўйламанг, муҳокама қилманг, шунчаки, ёзиб олаверинг.

2. Имло ва бошқа хатоларга парво қилманг. Улар ёзишни кечиктиради.

3. Сизга берилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агар дилингиздаги барини ёзиб бўлиб, фикр келиши тўхтаб қолса, у ҳолда янги фикр, ғоя келгунича қоғозга сўзлар ўртасидаги боғланишни чизиб ўтиринг.

4. Имкони борича кўпроқ алоқадорликни топинг. Боғланиш мумкин бўлган сўз, ғояларни, уларнинг оқими ва улар ўртасидаги боғланишни чеклаб қўйманг.

Кластер маълум тушунча ёки ҳодиса ҳақидаги фикрларни кенгайтириш, турлича ёндашиб, муҳокама қилиш воситаси хисобланади. Масалан, иқтисодиётда энг кўп қўлланиладиган, дуч келинадиган, ҳамманинг манфаатига тегишли категория нарх. Нарх тушунчаси асосида кластер тузайлик. Бунинг учун хаёлимизга келган барча сўз, тушунча, ғояларни ёзиб чиқамиз. Улар қуйидагича бўлсин:

Нарх	ҳисоб китоб воситаси	бозор
Тадбиркорлик	арзон	қиммат
талаб ва таклиф	наф	ўлчов воситаси
рақобат	бозор нархи	маҳаллий бозор
харид	нарх турлари	улгуржи
мувозанат	иқтисодиётни тартиблаш	демпинг
рентабеллик	рентабеллик	жаҳон
чакана нарх	чакана нарх	ижтимоий ҳимоя
фойда	нарх функциялари	зарар

ва ҳоказоларни ёзиб чиқишимиз ҳамда уларни алоқадорликда қуйидагича чизмада акс эттиришимиз мумкин:

Навбатда тушунчанинг бирбирига ўхшаш хоссаларини умумлаштириб, кластер ташкил этувчиларни тоифаларга ажратамиз ва уни чизмада ифодалаб, боғланишни аниқлаб, кўрсатамиз (юқоридаги чизма).

Бу кластерни ниҳоятда кенг тузиш мумкин, чунки иқтисодиётдаги фаолият натижаси охиरोқибат нархга келиб тақалади.

Кластер жуда мослашувчан стратегия, уни барча фанларни ўрганишда индивидуал ёки гуруҳ тарзида қўллаш мумкин.

Кластер “ақлий ҳужум” учун мисол бўлади. Одатда “ақлий ҳужум” методини қўллаб, дарс ўтганда ҳам, кластер бўйича ишлаб чиқилган, берилган жавоблар бўйича ҳам, умумлаштирувчи туркумларга ажратиб чиқиш амалга оширилади. Бу эса талабаларда ахборотни туркумлаш қобилиятини ривожлантиради, фикрларни тизимлаштиришни ўрганиш имконини беради.

Ахборотларни туркумларга ажратишнинг изчиллигини таъминлаш учун:

1. Ўрганиладиган мавзу бўйича мавжуд фикрларни ёзиб олиш.
2. Олинган ахборотларни у ёки бу сифатига кўра умумлаштирадиган нисбатан умумий тушунчаларни топиш.
3. Уларни доскага ёки дафтарга ёзиб, дастлабки ёзилган фикрларни ажратиб, ёзиб чиқамиз.
4. Таксимлаш жараёнида талабалар у ёки бу тушунчани ўзгартиришлари, янгиларини ёзишлари мумкин.
5. Кичик гуруҳлар бирбирларини ишлари билан таниша олиш имконини берадиган усуллар топиши лозим.

“Нарх” кластери бўйича тушунчаларни умумлаштирувчи туркумларга ажратамиз:

1. Нархнинг функциялари:

ўлчов ва ҳисобкитоб қилиш;
иқтисодиётни тартибга солиш;
таксимлаш;
ижтимоий ҳимоя вазифаси.

2. Нархнинг турлари:

эркин нарх;
улгуржи нарх;
чакана нарх;
монопол нарх;
жаҳон нархи ва ҳоказолар.

Ўқитувчининг қуйидаги маслаҳатларга амал қилиши дарсни муваффақиятли ўтказишга ёрдам беради:


* ахборот туркумлашнинг ягона тўғри усули йўқ. Бир кичик гуруҳдаги туркумлаш иккинчисидан фарқ қилиши мумкин. Фақат талабалар ўз фикрларини асослаб беришлари зарур;

* у ёки бу ишни таққосламанг, алоҳида ажратиб кўрсатманг. Бу гуруҳда шахсиятпарастликни келтириб чиқаради. Ишни талабаларнинг ўзлари баҳолашсин;

* талабаларга тайёрлаган туркум сиз тайёрлаган ва туркумлаган кластердан фарқ қилиши мумкин. Талабаларни мустақил фикрлашга ўргатмоқчи эканмиз, уларга эркинлик бериш ва ўз фикрларини баён қилишга имконият яратиш керак;

* умумлаштирувчи туркумлаш натижа эмас, жараён сифатида муҳим. Чунки у талабаларни ўйлашга, фикрлашга мажбур қилади.

Кластерни педагоглар кўпроқ “англаш”, “тушуниш” фазасида қўллаган маъқул дейишади. Чунки бунда ўқувчиталаба ўқув материалларини нафақат мустақил ва фаол ўзлаштириши, балки ўз тушунчаларини кузатиб бориш имконини ҳам беради.



4§. Мантикий, мустақил фикрлаш ва ўз фикрини ҳимоя қилишга ўргатувчи методлар

Ўқувчиталабаларни мантикий мустақил фикрлашга, ҳаракатлар кетмакетлигини тўғри ташкил этишга, ўрганаётган фан, берилган турли фикрлар орасидан энг кераклисини танлаб олишга, ўз фикрини ҳимоя қилишга, асослашга ўргатадиган қатор методлар мавжуд. Улардан энг диққатга сазоворларидан бири «Блицўйин» бўлса, иккинчиси «ФСМУ» методи.

«Блиц-ўйин» ологик жиҳатдан ўйин ўтказиш бир неча чга бўлинади. Берилган топшириқни аввал ҳар бир ўқувчиталаба ўзи бажаради. Сўнгра кичик кичик гуруҳ ва бутун гуруҳ миқёсида биргаликда муҳокама қилиб, кўриб чиқилади. Бу жараёнда ҳар бир талаба ўз фикрини ўтказишга, унинг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилади, шу билан бирга бошқалар билан ҳамфикр бўлишига ёрдам беради.

Бунинг учун ўқитувчи топшириқ мазмуни баён қилинган тарқатма материал тайёрлайди. Дарсда ўқувчиталабаларга ўйин бир неча босқичда ўтказилиши, бунинг учун вақт берилишини маълум қилади. Бажариладиган вазифани тушунтиради. Тарқатма материалдаги жадвалда бажариладиган ҳаракатлар берилган.

Дастлаб ҳар бир ўқувчиталаба ўзи ана шу ҳаракатлар кетмакетлигини белгиланган тартибда жадвалда алоҳида ажратилган устунга қаламда белгилаб чиқиши лозимлиги тушунтирилади. Бунинг учун ҳар бир ўқувчиталаба материални синчиклаб ўрганиши зарур. Вазифа якка тартибда бажарилади.

Биринчи босқич:

Ҳар бир ўқувчиталаба вазифани бажаришга киришади. Ўқитувчи яхши тушунмаганларга тушунтиради. Улар тарқатма материалдаги жадвалда «якка баҳо» ёзилган устунга берилган ҳаракатлардан ўзининг шахсий фикри асосида мантикий кетмакетликда рақамлар билан белгилаб чиқади. Улардан қайси бири биринчи, қайси бири иккинчи, қайси бири учинчи ва ҳоказо. Бу вазифани бажариш учун 10 дақиқа вақт берилади.

Иккинчи босқич:

Биринчи вазифага ажратилган вақт тугагач, ўқитувчи гуруҳдаги талабалар сонидан келиб чиқиб, 34 кишилиқ кичик гуруҳлар ташкил қилишни сўрайди. Кичик гуруҳлар ихтиёрий мезонлар асосида ташкил қилинади. Кичик гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзи белгиланган ҳаракатлар кетмакетлиги билан бошқаларни таништиради. Кичик гуруҳ аъзолари ўз фикрлари, яъни ўзлари белгиланганлари тўғрилигини асослашга ҳаракат қилишади. Муҳокама жараёнида бир фикрга келиб, жадвалдаги «гуруҳ баҳоси» устунини тўлдиришади, қалам билан рақамларни ҳаракатлар кетмакетлиги бўйича кўйиб чиқишади. Бунинг учун вақт вазиятдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўқитувчи кичик гуруҳлар мунозарасида иштирок этмайди. Фақат уларнинг фаолиятини кузатади.

Учинчи босқич:

Барча кичик гуруҳлар «гуруҳ баҳоси» устунини тўлдириб бўлгач, ўқитувчи тарқатилган материалдан «тўғри жавоб» устунини топиш ва у айтган ҳаракатлар кетмакетлиги бўйича рақамларни ёзиб чиқишни сўрайди.

Тўртинчи босқич:

Энди, навбатдаги вазифа, «тўғри жавоб» устунда берилган рақамлардан «якка баҳо» устунда берилган рақамларни (ёки аксинча), яъни каттадан кичикни айирган ҳолда фарқни «якка хато» устунига ёзиб чиқиш кераклигини айтади. Сўнгра, «якка баҳо» устундаги сонларни юқоридан пастга қараб, жамини ҳисоблаш кераклигини кўрсатади. Худди шундай тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ каттадан кичикни айириш орқали бажарилади. Фарқлар сони «гуруҳ хатоси» устунига ёзилади. Юқоридан пастга қараб кўшиб, жами ҳисобланади.

Бешинчи босқич:

Ўқитувчи якка ва гуруҳ хатолари бўйича тушунча беради. Уларни алоҳида, алоҳида шарҳлаб беради: агар якка хатолар 21 тагача бўлса (яъни ўртача бир саволга 2тагача) улар ўрганилаётган масала бўйича етарли тушунчага эга, мустақил равишда берилган вазифани уддалай оладилар. Турли шароитда ҳаракатларни мантиқан тўғри бажара оладилар.

Агар якка хатолар сони 21 тадан 30 тагача бўлса, уларнинг билимлари етарли эмас, биронбир иш, фаолиятни олиб боришга, ташкил этишга қийналадилар ёки палапартиш бажарадилар. Шунинг учун улар билимларини мустаҳкамлашлари, ўқишлари, мантиқий фикр юритишни ўрганишлари керак.

Агар хатолар сони 30 тадан ортиқ бўлса, бундай ўқувчиталабалар ўз устиларида қаттиқ ишлашлари талаб қилинади.

«Гуруҳ хатоси» устунининг шарҳи:

Агар хатолар сони 21 тагача бўлса, бу гуруҳларда ўқувчиталабалар бирбирларини тушунишга ҳаракат қилганлар. Бирбирларини ишонтира олганлар. Оқибатда, бир хил натижага эришганлар. Демак, гуруҳда самимий муносабат ўрнатилган, фикрлар бир жойдан чиққан.

Агар гуруҳда хатолар сони 21 дан 30 тагача бўлса, бу гуруҳ аъзоларининг бир фикрга келишлари қийин бўлган. Муҳокама юзаки, бирбирларини хафа қилиб қўймаслик учун шунчаки келишишган. Аслида ҳар ким ўз фикрида қолган бўлиши мумкин. Бу гуруҳда самимий муносабат ўз аксини топмаган.

Агар гуруҳ хатоси 30 дан ошса, бу гуруҳ аъзолари умуман бирбирлари билан келиша олмаганлар. Бирбирларини ўзаро ишонтира олмаганлар. Ҳар ким ўз фикрида қолган. Самимий муносабат ўрнатилмаган.

Бажарилган вазифанинг 5570 фоизи тўғри бўлса, қониқарли, 7185 фоизи тўғри бўлса, яхши, 86 фоиздан юқориси аъло баҳо қўйилиши мумкин.

Айталик, «Бухгалтерия ҳисоби» фанидан бухгалтерия ҳисобварақлари ўрганилганда, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолиятининг ҳисобварақлари режасининг «Узоқ муддатли активлар» қисмини «Мен – бухгалтер» блицўйини ёрдамида кўриб чиқиш мумкин. Бунда биз ҳисоб варақларининг рақамлари бўйича кетмакетликда жойлаштиришни топшириқ қилиб берамиз. Вазифани бажариш учун 5 дақиқа вақт белгилаймиз. Блицўйинни ўтказишни юқорида кўрсатганимиздек амалга оширамиз. Бу нисбатан оддий топшириқ, лекин кейинги дарсларда бу фандан анча мураккаб топшириқлар тайёрлашга имконият бор.

Блицўйин: «Мен – бухгалтер»

Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳо	Ҳаракатлар мазмуни
4	0	4	1	3	Номоддий активларнинг ҳисобварақлари
9	0	9	1	8	Дебитор қарзлар ва муддати кечиктирилган харажатларнинг ҳисобварақлари – узоқ муддатли қисми
1	0	1	1	2	Асосий воситаларнинг ҳисобварақлари

6	1	5	2	4	Номоддий активларнинг эскириш ҳисобварақлари
7	1	8	1	9	Капитал қуйилмаларнинг ҳисобварақлари
3	1	2	1	1	Асосий воситаларнинг эскириш ҳисобварақлари
5	1	6	1	5	Узоқ муддатли инвестицияларнинг ҳисобварақлари
2	1	3	4	7	Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг ҳисобварақлари
8	1	7	1	6	Капитал қуйилмаларнинг ҳисобварақлари

Демак, биргаликда ишлаганда хато камайган. Лекин тўғри жавоб бериш учун талабалар ўз устида ишлаши, қайси ҳисобварағи кетмакетлигини аниқ билиб олиши керак.

ФСМУ мето- дини қўллаш

Бу метод ҳам бир неча фаза ёки босқичга бўлиб қўлланилади. Шунинг назарда тутиб, ФСМУ технологияси деб ҳам юритилади. Бу метод ҳам ўқувчиталабаларни мустақил, эркин фикрлаш ва

ўз фикрини ҳимоя қилишга, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини баҳолашга, баҳслашиш маданиятини ва унга риоя қилишни ўргатади.

Ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифодалаб, уни тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишни ўрганишга ёрдам беради.

Бу методда ҳам аввалги метод каби топшириқ аввал ҳар бир ўқувчиталаба томонидан индивидуал, сўнгра кичик гуруҳлар ҳамда бутун гуруҳ билан биргаликда бажарилади.

1. Тайёргарлик кўриш фазаси

Ўқитувчи ўқувчиталабалар билан биргаликда дарсда баҳс қилинадиган, муҳокама қилинадиган савол, мавзу ёки ўрганилган бўлимни белгилайди. Ана шу доирада ҳар бир ўқувчиталабага ўз фикрини айтиш, фикрнинг билдириш сабабини кўрсатиш, мисол келтириш ҳамда умумлаштириш топширилади. Бу топшириқ, бажариладиган ишнинг кетмакетлиги кўрсатилган варақлар тарқатиш орқали ёки доскага ёзиб, ҳар бир ўқувчиталабани ўз дафтарига кўчириб олиш тарзида амалга оширилади.

2. Ахборот билан таъминлаш фазаси

Варақларда қуйидагилар ёзилган:

(Ф) – Фикрингизни баён этинг;

(С) – Сабаб кўрсатинг(баён қилган фикрингизга сабаб кўрсатишингиз керак);

(М) – Мисол келтиринг(кўрсатган сабабни исботловчи мисол келтириш керак);

(У) – Умумлаштиринг (билдирган фикрингизни умумлаштиришингиз керак).

Ўқитувчи уларни қандай баён қилиш кераклигини тушунтиради. Ҳар бир киши ўз фикрини эркин айтиши мумкинлиги эслатиб ўтилади. Уни бажаришга қанча вақт ажратилади, қандай қоидаларга риоя қилиш керак, қабилар эълон қилинади.

3. Топшириқ устида ишлаш фазаси:

Ҳар бир ўқувчигалаба ўз фикрларини тарқатилган варақларда ёки дафтарида акс эттиради.

4. Кичик гуруҳлар иш натижасини муҳокама қилиш:

Талабалар кичик гуруҳларга бўлиниб, кичик гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзи билдирган фикр билан ўртоқларини таништиради. Кичик гуруҳ аъзолари биргаликда муҳокама қилиб, ФСМУ ни умумлаштирилган ҳолда ёзадилар. Фикрларни умумлаштириш пайтида ҳар бир ўқувчигалаба ўз фикрини ҳимоя қилиши, исботлаши мумкин. Кичик гуруҳ ўз фикрини асосий гуруҳ олдида ҳимоя қилишга тайёргарлик кўради.

5. Яқунлаш:

Ҳар бир кичик гуруҳ ўз фикрини гуруҳ олдида баён қилади, асослайди, ҳимоя қилади. Бунинг учун гуруҳдан тайинланган вакил ФСМУнинг ҳар бир босқичи бўйича билдирилган фикрларни алоҳида ўқийди. Гуруҳнинг нима сабабдан шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

Масалан:

Иш ҳақи тўғрисидаги саволни муҳокама қилганда, бу методдан фойдаланишни кўриб чиқайлик.

Айтайлик, тарқатилган варақдаги ёки амалий мащғулот (семинар) дафтарида мени жавобим куйидагича бўлсин.

Ф – Фикрингизни баён этинг. Мен иш ҳақим ошса хурсанд бўламан.

С – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг. Чунки, иш ҳақи ошгач, мени эҳтиёжимни қондирадиган хилмаҳил товар ва хизматлардан фойдаланиш имкони ортади. Анчадан бери орзу қилиб юрганим чет элга саёҳат қилиш имкони вужудга келади.

М Кўрсатилган сабабни исботловчи мисол келтиринг. Мен ҳисоблаб чиқдим: аввал олган иш ҳақим фақат озиқовқат ва кийимкечак, коммунал тўловларга етар эди. Энди ойига 100 минг сўмдан жамғариш имконига эга бўлдим.

У – фикрингизни умумлаштиринг. Булардан шундай хулоса чиқаришим мумкинки, иш ҳақи ошгач, бошқаларда ҳам шундай имконият вужудга келади.

Навбатда, кичик гуруҳ аъзоларининг фикри ФСМУ варағида акс этирилади. Улар асосида қандай умумий хулосага келиш ва кичик гуруҳ тақдимида баён қилишга келишиб олинади. Кичик гуруҳда ҳамма ўз фикри билан ўртоқлашиб, бу ерда инфляция ҳисобга олинмаганини айтиши мумкин. Орзу қилинган мақсадга етиш учун товар, хизматлар таклифи аввалгидан кам бўлмаслиги, нархлар айниқса, озиқовқат, кийимкечак, коммунал хизматлари деярли ўзгармаслиги керак. Сўмнинг товар билан таъминланиш даражаси пасайса, ҳамма тармоқларда ҳам иш ҳақининг ўсиши инфляцияга олиб келади. Уни пасайтирмасликнинг йўли меҳнат унумдорлигининг иш ҳақиға нисбатан тезроқ ўсишини таъминлаш зарур. У ҳолда кичик гуруҳ аъзоларининг умумий фикри куйидагича бўлиши мумкин:

У – фикрингизни умумлаштиринг. Меҳнат унумдорлиги иш ҳақиға нисбатан кўпроқ даражада ортса, иш ҳақининг ортиши турмуш даражасининг кўтарилиши, турлитуман янги эҳтиёжларнинг қондирилишига олиб келади.

Ўқитувчи дарсни яқунлар экан, айтилган фикрларга ўз муносабатини билдиради. Уларга мурожаат қилиб, бугунги дарсдан нималарни билишгани, бу методни қачон, қандай қўллаш мумкинлиги ва бошқа саволлар беради. Ўқувчигалабалар ва кичик гуруҳларнинг фаолиятини баҳолайди.

5§. Ижодий фикрлашга ўргатувчи методлар

«Дельфа» методи нигалабаларни ижодий фикр юритиш, олган фикрларни таққослаб, баҳо бериш кўникмаларини шакллантирадиган методлардан бири «Дельфа» методидир.

«Дельфа» методида у ёки бу мезонларга кўра муқобил вариантлар танланади ва улардан муҳимлари ажратилади.

Статистик маълумотлардан маълум бўлишича, меҳнат унумдорлиги пасайиб кетишининг бешта сабаби бор. Булар:

- * иш вақтида танаффусларнинг кўплиги;
- * техниканинг эскирганлиги;
- * ишчиларнинг малакаси пастлиги;
- * хом ашёнинг сифатсиз чиқиб қолгани;
- * цехда ҳароратнинг баландлиги.

Шулардан энг муҳимини топиб, бартараф қилишимиз керак. Бунинг учун ўқитувчи ҳар бир сабабни кўрсатиб, талабаларга, ана шу сабаблардан қайси бири уларнинг фикрича, энг муҳими ҳисобланишини кўрсатишни сўрайди. Талабалар навбати билан ўз фикрларини билдирадилар. Улар техниканинг эскирганлиги деб жавоб бериши мумкин.

Ўқитувчи талабаларга мурожаат қилиб, шу фикрга қўшиладиганлар борми, шу фикр тарафдори бўлса қўл кўтарсин, деб мурожаат қилади. 20 та талабадан 14 таси қўл кўтарса, техниканинг эскирганлиги 14 деб ёзиб қўямиз.

Ўқитувчи иккинчи ўринга фикрингизча, қайси сабабни кўрсатишимиз мумкин? дея ташланган саволга, иккинчи талаба хом ашёни сифатсизлигини, деб жавоб берсин. Ўқитувчи яна шу фикр тарафдорларини аниқлайди, улар 6 та бўлсин. Демак, талабаларнинг ярмидан озроғи бу фикрни қўллабқувватлаяпти. Кимда яна бошқа фикр бор? Учинчи талаба, ишчиларнинг малакаси пастлигини кўрсатиши мумкин. Бу фикрнинг тарафдорлари ҳам аниқланади. Улар 12 та бўлсин. 35 ўринга қўйиладиган сабаблар ҳам шундай йўл билан аниқланди. Шу асосда меҳнат унумдорлигини пасайиб кетишининг энг асосий сабаблари қуйидаги тартибда жойлашади:

- техникатехнология эскирганлиги;
- ишчилар малакасининг пастлиги;
- хом ашё сифатсизлиги;
- иш вақтида танаффуслар кўплиги;
- цехда ҳароратнинг баландлиги.

Демак, меҳнат унумдорлигини ошириш учун биринчи навбатда янги техника – технология сотиб олиш, маблағ топиш йўллари кидириш керак.

Шундай қилиб муҳокама жараёнида сабаблар уларнинг муҳимлиги даражасига кўра саралаб чиқилади. Ҳар бир талаба ўзи учун муҳим деб билган сабабни биринчи ўринга, унга қараганда пастроқ ҳисоблаган сабабини иккинчи ўрин ва ҳақозо ўринга қўяди. Муҳокама натижасида гуруҳ учун умумий натижа қабул қилинади. Буни гуруҳда муқобил (вариант)ларни баҳолаш жадвали асосида амалга ошириш мумкин. У гуруҳдаги ҳар бир талабанинг фикрини инобатга олади.

Бунинг учун сабаблар кўрсатилгач, талабаларга баҳолаш жадвали тушунтирилади, унга кўра талабалар ўзлари энг муҳим деб билган сабабларини баҳолайдилар. Сабаблар 1 дан 5 баллгача баҳоланади. (Кўрсатилган сабаблар 5та)

2босқичда, ҳар бир талаба сабабга тўхталиб долзарблигига кўра 10 баллгача баҳолайди. Бунда энг юқориси 1, энг пастси 10 балл.

3босқичда муқобил вариантларнинг ҳар бирига берилган тоифа баҳоси билан бали кўпайтирилиб, ҳосила бали аниқланади.

Бутун гуруҳ учун битта баҳолаш жадвалини тўлдириш кўп вақтни талаб қилгани учун, биз кичик гуруҳларга бўлганимиз маъқул.

Гуруҳ 20та талабадан иборат бўлса, 4 та кичик гуруҳ ташкил қиламиз. Бунда баҳолаш жадвалини ҳар бир кичик гуруҳ аъзоси тўлдиргач, кичик гуруҳ учун умумий ҳулоса қабул қилинади.

Айтайлик, у қуйидагича бўлсин:

БАҲОЛАШ ЖАДВАЛИ

Муҳокама катнашчилари	Сабаблар														
	1			2			3			4			5		
	Т	Б	Ҳ	Т	Б	Ҳ	Т	Б	Ҳ	Т	Б	Ҳ	Т	Б	Ҳ
Аббос	5	2	10	1	6	6	2	8	16	3	6	18	4	8	32
Эркин	4	3	12	1	8	8	3	6	18	2	8	16	5	7	35
Шухрат	3	2	24	2	7	14	1	9	9	4	2	8	5	6	30
Комила	4	7	28	2	5	10	1	8	8	5	3	25	4	5	20
Нафиса	3	8	24	1	9	9	2	5	10	4	4	16	5	5	25
Жами:			98			43			61			73			142

Т тоифа баҳоси (1дан 5гача);

Б балл бўйича баҳо (1дан 10гача);

Ҳ ҳосила (яъни ТхБ.).

Демак, 1кичик гуруҳ аъзолари энг паст ҳосила баллни 2 сабабга қўйишган. Берилган сабабларда у техникатехнологиянинг эскирганлиги дейилган. Демак, гуруҳ аъзоларининг фикрича, меҳнат унумдорлигининг пасайиб кетишининг энг муҳим сабаби техникатехнологияни эскириши.

Иккинчи ўринда 61 балл билан 3сабаб турибди, у ишчиларнинг малакаси пастлиги; сўнгра 73 балл билан 4 сабаб, 98 балл билан 1 сабаб, 142 балл билан 5 сабаб турибди. Кичик гуруҳ аъзоларидан бир талаба гуруҳнинг умумий натижаси асосида қандай қарорга келишганини билдиради, худди шундай тартибда бошқа кичик гуруҳларнинг натижаси эшитилади. Тўртта кичик гуруҳ бўйича жадвал маълумотлари умумлаштирилади ва бутун гуруҳ учун умумий фикрга келиб, таклиф ишлаб чиқилади. Ана шундай методнинг ўзига хос модификацияси мавзу қўйилган муаммони ўрганишда таҳлилий, ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш методидир.

Таҳлилий – ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш методи

ўрганиш зарур бўлган савол ёки

муаммони доскага ёзади. Муҳокама жараёнида билдирилган фикрлар ҳам ёзиб борилади. Бунда барча талабалар албатта ўз фикрини айтиши зарур. Айтайлик, биз харажатларни ўрганишмиз. Асосий мақсад харажатларни камайтириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариб сотишдан юқори фойда олишни таъминлаш.

Демак, харажатларни пасайтириш омилларини аниқлашимиз, уларнинг таъсири катта ёки аксинчалигини топишимиз керак. Буни гуруҳда муҳокама қилиш учун доскага:

«Сарфхаражатлар миқдорига таъсир қилувчи омиллар» деб ёзиб қўямиз.

Гуруҳда 20 та талаба бўлсин. Ҳар бир талаба навбат билан ўз фикрини айтади.

Бири иккинчисини такрорламаслиги керак. Билдирилган фикрлар доскага ёзиб борилади. Ҳар бир талаба: нима учун шу омил харажатларнинг кўпайиши ёки кам бўлишига таъсир қилишини асослаб беради.

Харажатларнинг миқдорига таъсир қилувчи омиллар талабалар томонидан қуйидагича кўрсатилсин.

- ✓ сотиб олинган хом ашёнинг сифати;
- ✓ истеъмолчиларни узоқ яқин жойлашиши;
- ✓ хом ашё нархи;
- ✓ амортизация нормаси;
- ✓ ёрдамчи материаллар нархи;
- ✓ электр энергияси нархи;
- ✓ газ нархи;
- ✓ иситиш нархи;

- ✓ иссиқ сув, совуқ сув нархи;
- ✓ асбобукуналарнинг нархи ва сифати;
- ✓ техника – технология даражасини талабга жавоб бериши;
- ✓ ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатига эътибор бериш;
- ✓ ўрганилган бозор конъюктураси;
- ✓ маҳсулот бирлигига сарфланган материал ёки материал сифими;
- ✓ маҳсулот бирлигига сарфланган меҳнат харажатлари ёки меҳнат унумдорлиги;
- ✓ маҳсулот бирлигига сарфланган капитал сарфи ёки капитал сифими;
- ✓ маҳсулотга сарфланган энергия ёки энергия сифими;
- ✓ ишчи ва ходимларнинг малакаси, маҳорати;
- ✓ бош менежер (ижрочи директор) ва менежерларнинг малакаси ва маҳорати;
- ✓ табиий шароитнинг қулайлиги ёки ноқулайлиги.

Талабалар фикрини айтиб бўлгач, ўқитувчи аудиторияда санаб ўтилган ва бошқа омиллар харажатлар миқдорига таъсир кўрсатади. Энди ана шу санаб ўтилган омиллардан энг муҳим 5 тасини ажратиб кўрсатинг, дея мурожаат қилади. Жавобларни индивидуал ёки кичик гуруҳлар миқёсида умумлаштирилади. Бунда муҳимлиги жиҳатидан биринчи ўринга қайси бир омилни қўйиш, қолганларини аҳамиятига кўра тутган ўринлари белгиланади. Бу аввалги методни ўрганганимиздек амалга оширилиши мумкин.

Мисолимизда айтайлик:

- 1) бош менежер (ижрочи директор), менежерларнинг малакаси ва маҳорати;
- 2) техника ва технологиялар даражаси талабга жавоб бериши;
- 3) меҳнат унумдорлиги;
- 4) хом ашё нархи;
- 5) маҳсулот сифати;

Талабалар нима сабабдан айнан у ёки бу омилни биринчи, иккинчи ва ҳоказо ўринларга қўйганлари сабабини асослаб беришади. Ўқитувчи жавобларга ўз муносабатини билдириб, талабаларнинг жавобларини баҳолайди. Ёки баҳолаш жадвали тайёрлаб, талабалар билан биргаликда баҳолаб чиқилади.

<p>Иқтисодий парадокслар ва топишмоқлар танлови</p>
--

Иқтисодий фикрлашни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ўқувчигалабалар иқтисодий кон цепцияларни билишлари зарур. Улар ўқувчи, талабаларни кенг қамровли иж

тимоийиқтисодий муаммоларни аниқ ва изчил тассаввур қилиш, фикр юритишларига ёрдам беради.

Иқтисодий концепцияларни тушуниш, реал ҳаётда қўллашни ўрганиш учун энг қулай методлардан бири «Иқтисодий ... ва топишмоқлар танлови» ҳисобланади.

Танловнинг мақсади:

Ўқувчи, талабаларни маҳаллий ёки миллий иқтисодиёт миқёсидаги мисоллардан фойдаланиб, иқтисодий парадоксларни ўйлаб топиш ва ишлаб чиқиш маҳоратларини аниқлаш.

Танловни қуйидаги вариантларда ўтказиш мумкин:

1. Ўқувчи, талабаларга иқтисодий парадоксларни топиб, тайёрланиб келиш уйга вазифа қилиб берилади. Улар уйда парадоксларни ўз жавоб варианты билан тайёрлаб келиб, танлов ҳайъати ҳукмига ҳавола қилишади.

¹ Парадокс (юнонча paradoxos – қутилмаган, ғалати) – кўпчилик томонидан қабул этилган анъанавий фикр, тажрибага ўз мазмуни, шакли билан зид бўлган, қутилмаган мулоҳаза. Ҳар қандай парадокс «шубҳасиз тўғри» (асослими, асоссизми, бундан қатъий назар) ҳисобланган у ёки бу фикрни инкор этишдай кўринади. Антик философияда ҳар қандай ғалати, оригинал фикрни ифодалаш учун ишлатилган.

2. Ўқувчи, талабалар иқтисодий парадокслар ва уларнинг жавоб вариантларини ҳайъатга топширишгач, танловда «Иқтисодий ринг» ташкил этилади. Бунда ўқувчиталабалар командаларга бўлинишади.. Командалар конкурснинг бошқа қатнашчилари тайёрлаган парадоксларга жавоб беришади. Командалар парадоксларни маъносини тушунтириб, ўз жавобларини беришади.

3. Ўқитувчи ёки ҳайъат аъзолари конкурс қатнашчиларига иқтисодий парадоксларга ўз жавоб вариантларини беришни таклиф қилишади.

Ҳайъат вазифани бажариш сифати ва рақибларнинг савол, жавобига кўра командаларни баҳолайди.

Ҳайъат аъзолари иқтисодий парадокслар ва топишмоқларни баҳолашлари учун унинг мезонлари ишлаб чиқилиб, уларга тарқатилади. У қуйидагича бўлиши мумкин.

Иқтисодий парадокслар ва топишмоқларни баҳолаш мезонлари:

М Е З О Н Л А Р	Максимал балл
1. Масалани топиш маҳорати.	1
2. Масаланинг муаммолигини кўрсатиш, исботлаш маҳорати.	1
3. Концепция топиш ёки иқтисодий парадоксни тушунтириш учун концепция танлаш.	1
4. Вазиятнинг жумбоқлилиги, одатдан ташқари ўзгачалиги.	1
5. Қисқалиги	1
Жами:	5

Иқтисодий парадокслар ва топишмоқлар танловини ўтказишдан аввал албатта ўқувчиталабаларга уларни қандай тузиш кераклигини кўрсатиш лозим.

Конкурсда қатнашувчиларга маслаҳатлар:

Иқтисодий топишмоқ, парадоксни қандай тузиш мумкин?

1. Сизга ғалати туюлган воқеа, ҳодиса, нарсаларга диққат қилинг.

2. Муаммони аниқлаб, ҳамма учун тушунарли дастлабки фикрни ифодаланг.

Масалан: Озиқовқатга паст нархларни ушлаб туриш керак. Биз ҳар бир одамни ейиш учун озиқовқати бўлишини хоҳлаймиз.

3. Муаммога бошқа томондан ёндашинг. Унга қарамақарши фикр ўйлаб топинг. У ҳам биринчи гап, таклиф, фикрга ўхшаб мулоҳазали, оқилона бўлиши керак. Масалан: Қаерда озиқовқат маҳсулотларининг баҳоси бозор мувозанати баҳосидан паст бўлса, у ерда пештахталар бўш бўлади.

4. Ўқувчиталабаларга ноиқтисодий ғоя ва фикрлар сабабларини четда қолдириш, уларга эътибор бермасликни маслаҳат берилади. Унинг ўрнига «иқтисодий фикрлаш тарзи» принципларини қўллаб, муаммони иқтисодий нуқтаи назардан кўриб чиқиш, тушунишга даъват қилинади.

У ҳолда биз иқтисодий муаммони қуйидагича қўйишимиз мумкин:

«Озиқовқатга юқори нархларни рағбатлантириш керак. Биз ҳар бир одамнинг ейиш учун озиқовқати бўлишини хоҳлаймиз»

Ҳақиқатан ҳам «Баҳолар рағбатлантирувчи стимул тарзида амал қилади. Агар баҳолар ҳаддан ташқари паст бўлса, деҳқонларнинг ихтиёрий равишда ҳамма учун зарур бўлган овқат тайёрланадиган экинларни экишга рағбати паст бўлади. Нисбатан юқори баҳолар уларни ихтиёрий равишда бундай экинларни экишни кўпайтиришга олиб келади».

5. Қўшимча мисолларни ўрганиб, кўрсатилган иқтисодий принциплардан келиб чиқиб, ечими текширилади.

Иқтисодий ёрғанишда ва тадқиқ қилиш иқтисодий топишмоқ, парадоксларни ечишда дедуктив фикр юритишни тақозо қилади. Бу ерда «дедуктив» фикр деганда, илмий жиҳатдан иқтисодий бизни маълум принциплар, илмий тахминлар билан курулантирадики, улардан масала, муаммоларни ечишда фойдаланамиз. Улардан фойдаланиш ўқувчиларга гўёки старт майдони – фойдали ва фойдасиз мулоҳазаларни ажратишга ёрдам беради.

Қуйидаги илмий тахминлардан тадқиқий масалаларни ечишда фойдаланиш мумкин. Иқтисодий парадоксларнинг жавоблари қуйидагиларга таянади:

1. Кишилар танлайдилар.
2. Танлов харажатлар билан боғлиқ.
3. Одамлар рағбатлантиришга қандай қарашларини олдиндан тахмин қилиш мумкин.
4. Одамлар иқтисодий тизим яратадилар. У ўз навбатида индивидуал танлов ва стимулларга таъсир этади.
5. Одамлар иқтисодий алмашувдан доимо ютадилар.
6. Одамларнинг танлови келажакда намоён бўладиган оқибатларга олиб келади.
7. Бозорнинг камчиликларини ҳукумат тўлдириши мумкин.

Иқтисодий парадокслар:

1. Сувсиз ҳаёт йўқ. У шунчалик зарур бўлишига қарамай нима сабабдан жуда арзон, олмос эса ундан келадиган наф кам бўлишига қарамай ниҳоятда қиммат туради? (А. Смит).

2. Текин нон қопқонда бўлади. (Халқ мақоли)

3. Солиқ юкининг оғирлашуви, давлат бюджети даромадлари тушумини камайтиради. (Г. Лаффер)

4. Агар фермерлар зўр бериб меҳнат қилсалар, табиат уларга қўмақлашса, улар ниҳоятда мўл ҳосил етиштирадилар. Бу уларнинг умумий даромадлари камайишига олиб келади. Нима сабабдан? (П. Самуэльсон).

Иқтисодий топишмоқлар:

1. Одамлар нима сабабдан жинойт қиладилар, ваҳоланки, бунинг учун жазоланишларини биладилар.

2. Аҳолиси кўп бир қатор мамлакатлар бой, аммо аҳолиси кам баъзи мамлакатлар эса камбағал. Сабаби нимада?

3. Бирбири билан нотаниш, турли дин ва маслак вакиллари, ҳатто бирбирлари билан уришганлар ҳам ўзаро савдо олиб боришга қарши эмаслар.

4. Ташқи савдо мамлакатлар учун манфаатли бўлишига қарамай, ҳамма мамлакатларда турли тўсиқлар қўйишга уринишади. Сабаби нимада?

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар:

Китоб устида мустақил ишлаш, «муаллифдан сўранг» усули, танқидий назар, цитата, шарҳ, Б/Б/Б жадвали, инсерт методи, Тсхема, семантик хусусиятлар таҳлили, концептуал жадвал, «синквейн» методи, блицўйин, ФСМУ методи, «Дельфа» методи, иқтисодий парадокс, иқтисодий топишмоқ

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Ўқув ва илмий адабиётлар устида мустақил ишлашни ўргатувчи методларга қайси методларни киритган бўлар эдингиз?

2. Китоб билан мустақил ишлашни билиш қандай аҳамиятга эга деб ўйлайсиз? Сиз ўзингиз адабиётлар билан қандай ишлайсиз?

3. Такқослаш, баҳолашни ўргатувчи методлар қандай методлар? Бошқа методлардан қай жиҳатлари билан фарқ қилади?


4. Ахборотларни йиғиш методи қандай метод? Бу методи дарс ўтишда қўллай оласизми?
5. Нима сабабдан «Кластер» методини ахборотларни ёйиш методи сифатида кўрамиз? Бу метод қайси жиҳати билан аҳамиятли?
6. Қайси методлар таққослаш, баҳолашни ўргатади: бу методларни иқтисодни ўрганишда қандай қўллаш мумкин?
7. Мантиқий, мустақил фикрлаш ва ўз фикрини ҳимоя қилишга ўргатувчи методларни санаб бера оласизми? Бу методларнинг афзаллиги нимада?
8. Иқтисодий парадокс ёки иқтисодий топишмоқлар танлови ўтказсангиз, нималарга эътибор берган бўлардингиз?

XV боб. КЎРГАЗМАЛИ ҚУРОЛЛАР ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

1§. Иқтисодий фанларни ўқитишда кўргазмалилик. Дарс жараёнида қўлланиладиган кўргазмали қурол турлари

Дарсни ташиқил этишида кўргазмали қуроллар муҳим ўрин тутади. Дидактиканинг асосий принципларидан бири дарснинг кўргазмалилигини таъминлаш. Айниқса, иқтисодий фанларни ўқитишда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш талабаларга иқтисодий категорияларни, муаммоларни ўрганишида катта ёрдам беради.

Кўргазмали қуроллар ёрдамида бир вақтнинг ўзида муҳокама қилинаётган саволни, ахборотни ҳам эшитиш, ҳам кўриш орқали қабул қилиш шубҳасиз талабаларни пухта билим олишларига ёрдам беради.



Кўргазмали қуроллар хилмахил. Тараққиётнинг ўзи бир томондан фанни чуқур ўзлаштиришни зарур қилиб қўйса, иккинчи томондан турли тўман янги методлар, кўргазмалиликни ошириш, техник воситалардан фойдаланиш, уларни қўллашни такомиллаштириш орқали билим олишни осонлаштириш, қизиқарли жараёнга айлантиришига ёрдам беради. Кўргазмалилик, одатда, хаёлан кўз ўнгига келтириш билан ёки намоиш қилиш билан таъминланади. Кўргазмали қуроллар: номоддий ва моддий турларга бўлинади (юқоридаги чизма).

Дарс жараёнида сўз билан ўқитувчи томондан ёдга тушириш, талабаларнинг

хаёлида гавдалантириши мумкин бўлган ички, хаёлий кўргазмали қурооллар: адабиёт, санъат асарлари, бадиий фильм, бадиий асар қахрамонлари ҳаётда юз берадиган турли воқеа, вазиятлардан одатда кенг фойдаланилади.

Дарсни бошлаганда ўқитувчи ўтилган мавзунини талабаларнинг ёдига туширади. Янги мавзунини бошлар экан, талабалар диққатини унга жалб қилиш, фикрини йўналтириши учун адабиёт, санъат асарлари ёки ҳаётда юз берган воқеани гапириб бериши мумкин. Бу янги мавзунини ўрганишига талабалар руҳи, кайфиятини тайёрлайди. Масалан: «Товар – пул назарияси» мавзусини бошлашдан аввал аудиторияга мурожат қилиши мумкин: сувни ҳамма билади. Усиз ҳаёт йўқ. Шунга қарамай у текин ёки нархи жуда арзон. Бриллиантни кўз ўнгизга келтиринг. Усиз яшаши мумкин. Лекин жуда қиммат, нима сабабдан?

Бугунги дарсда ана шу саволларга жавоб топишига ҳаракат қиламиз. Ўқитувчи мавзу, унинг мақсади ҳақида гапириб, сўнгра дарс режасини беради.

Машигулот жараёнида кўрсатиб, изоҳлаш мумкин бўлган кўргазмали қурооллар жадвал, схема, плакат, чизма, диаграмма ва бошқалардан фойдаланиши талабаларнинг билимини пухталаштиришида муҳим рол ўйнайди.

Дарсда доскани ишлатиши кўп вақтнинг оладиган, бошқа техник воситалардан фойдаланиши имкони йўқ аудиторияларда плакат, схемалардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Анъанавий кўргазмали қурооллар бу схема ва плакатлар бўлиб, одатда схемалар стандарт ватман сатҳига қора ёки бошқа рангларда зарур матн ёзилган ёки жадвал, чизма, диаграмма, бошқалар чизилган бўлади. Плакатлар эса нашр қилинган кўргазмали қуроол ҳисобланиб ўтиладиган мавзулар бўйича танлаб олинади.

Схема, плакатларни тайёрлаш моддий жиҳатдан қиммат ҳамда кўп вақтнинг олади. Хато қилинса, ўзгартириши қийин. Шунинг учун ҳозирги пайтда ватманга чизилган ёки плакат ҳолида нашр этилган кўргазмали қурооллар ўрнига янги, тайёрлаш ва фойдаланиши қулай замонавий турлари, айниқса, дарс жараёнида слайдлардан фойдаланиши кенг ёйилди.

Слайдлар таълим берувчи учун энг юқори даражадаги тақдимот имкониятини беради. Замонавий ўқув жараёнини буларсиз тасаввур қилиши қийин. Асосий қулайлик шундаки, улардан истаган пайтда фойдаланиши, иш ўрни ўзгарганда осон кўчириши мумкин.

Жадвал, схема, график, диаграммалардан фойдаланиши универсал:
аввалдан слайд плёнкаларга чизиб, техник воситалар ёрдамида кўрсатилиши;
ватман коғозга чизиб, техник воситалардан фойдаланиши учун шароити йўқ аудиторияда фойдаланиши;

ксерокопиядан чиқариб, тарқатма материал сифатида фойдаланиши;
дискетга киритиб, компьютер орқали кўриши, таҳлил қилиши мумкин.

Кўргазмали қуроолларнинг афзаллиги шундаки, уни дарс ўтишининг барча шакллари, услубларида қўллаш мумкин. Айрим мавзуларни эса умуман намойиш қилинадиган материалларсиз, кўргазмали қуроолларсиз ўтиб бўлмайди.

2§. Тарқатма материаллар ва уларнинг тутган ўрни

Ўтилаётган дарсда талабаларга ахборот етказиш, уларни дарсни пухта ўзлаштиришлари ва фаол қатнашишларини таъминлашда тарқатма материалларнинг аҳамияти катта.

Дарсларда тарқатма материаллардан фойдаланиши тобора кенг қўлланилмоқда. Тарқатиладиган материалнинг муҳим ижобий томони шундаки, у бевосита талабанинг қўлида бўлиб, узоқдан кўрсатиладиган кўргазмали қуроолларга хос камчиликлардан ҳоли.

Тарқатма материаллар таълим олувчилар учун ўрганилаётган мавзуга оид асосий маълумотларни ўз ичига олган, ҳажми унча катта бўлмаган (12 варақ) ёзма ўқув материали ҳисобланади.

Тарқатма материалларни мақсади, мазмуни жиҳатдан: **а) ахборот берувчи, б) топшириқ берувчи, в) билимни назорат қилувчи гуруҳларга ажратиш мумкин.**

Ахборот кўлами катта бўлгани сабабли қисқа вақт ичида барча ахборотни талабаларга тўлиқ етказиб бериш қийин. Бундай пайтда ахборотни тарқатма материал сифатида етказиб бериш муҳим рол ўйнайди. Бунда гаплар қисқача ёзилган матнлар бўлиб, дарсга тайёргарлик кўришда, дарс давомида ёки билимларни мустаҳкамлашда фойдаланиш учун таълим олувчиларга тақдим этилади.

Тарқатма материаллардан кўргазмали қурол сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Айниқса, иқтисодий фанларни ўрганишда турли жадвал, график, чизмалардан жуда кўп фойдаланилади. Уларни плакат сифатида тайёрлаш талабалар учун анчагина ноқулай. Ундан ташқари :

Талабаларга рақамларда ифодаланган маълумотларни оғзаки етказиш уларни чалкаштириб юбориши билан бирга, эслаб қолишларига ҳам имкон бермайди.

Миқдор жиҳатдан кўп маълумотларни доскага ёзиб, тушунтириш учун кўп вақт талаб қилинади. Доскага ёзиш пайтида ўқитувчи билан таълим олувчилар ўртасида алоқа узилади.

Бу жиҳатдан кўргазмали қуролдан намоиш қилинувчи ҳамда тарқатма материал сифатида фойдаланиш қатор афзалликларга эга.

Ўқитувчи рақамларда, график, формулаларда ифодаланган ахборотни намоиш қилинаётган материалга қараб тушунтиради. Талабалар эса ҳам намоиш қилинаётган материалга ҳам, кўлларидаги тарқатма материалга қарашади. Маълумотлар талабалар кўлида бўлиши, уларни кўриб туриши, тушуниши, англашини осонлаштиради.


Тарқатма материаллар талабаларга топшириқларни камкорликда ишлаш имкониятини ҳам беради. Айниқса, бунинг учун ишчи варақалар тайёрланиши ва улар асосида дарс жараёнида жуфт бўлиб ёки индивидуал тарзда ишлашни ташкил қилиш, шубҳасиз талабаларни дарсга фаол қатнашишларини таъминлайди. Улар масала, машқ, турли жадвалларни тўлдириш ва ҳоказолар тарзидаги турли топшириқлар бўлиши мумкин.

Тарқатма материаллар таълим олувчиларни билимини текшириш назорат қилишда ҳам кенг қўлланилади. Бунда назорат варақалари тарзида тайёрланган тест саволлари, масала ва машқлар бўлиши мумкин.

3§. Кўргазмали қуроллар ва тарқатма материаллар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш

Ўқитувчи бирорбир мавзу бўйича кўргазмали қурол тайёрлар экан, ўқувчигалабалар мавзунинг мазмунини тушуниб етишлари учун уни қандай тасвирлашни кўриб чиқади. Масалан, иқтисодиётни ўрганишда сарфхаражатларни, уларни ўзгаришини ўрганиш ўта муҳим. Умумий харажатлар, доимий харажатлар, ўзгарувчи харажатлар, меъёрий харажатлар, умумий тушум, харажатларни қоплаш нуқтаси, ялпи фойда ва бошқаларни оғзаки гапириб ўтгандан мана бундай чизмани слайд қилиб тайёрлаб, фойдаланиш талабаларнинг мавзунинг моҳиятига тушуниши ҳамда ёдида қолишига ёрдам беради.


Кўп миқдорда рақамларда ифодаланган маълумотларни, таққосланиши лозим бўлган ҳар



хил қарашларни турлича жадвалларда берган маъқул. Уларни тушуниш, таҳлил қилиш осонлашади. Буларни аввалги бобларда кўриб ўтганмиз. (XIY боб)

Агарда **иқтисодий кўрсаткичлар улушини ёки таркибини** кўрсатиш лозим бўлса, доира шаклидаги диаграммалардан фойдаланган маъқул. Масалан, бюджет даромадлари ва харажатлари таркиби ёки маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфданган харажатлар таркиби, корхонанинг


асосий капитали таркиби ва ҳоказо. Чунки бундай диаграммада бу кўрсаткичларнинг салмоғи аниқ кўринади. Уларни таққослаш, хулоса чиқариш осон бўлади.



Таққосланиши керак бўлса, устун тарзидаги диаграмма ёки график тарзда тасвирлаган маъқул. Чунки бундай шаклда кўрсаткичларни таққослаш қулай, уларни қай даражада фарқланиши яққол кўриниб туради.

Устун тарзидаги диаграмма қуйидагича бўлиши мумкин.

1992-2005 йиллар давомида ташқи савдо айланмаси



Иккиламчи фонд бозорида акцияларнинг сотилиши (млрд. сўм)





График эса куйидагича:

ЯИМ ўсиш суръатларининг ўзгариши (1991-2005 йй. олдинги йилга нисбатан

%да)



Айниқса, POWER POINT дастури меҳнатни анча енгиллаштиради ва уларни ниҳоятда турлитуман тарзда тасвирлаш имконини беради.

Дастурдан фойдаланилганда ўқувчиталабалар диққатини мавзуга қаратиши учун турлича дизайндан фойдаланиши мумкин. Слайдларда мавзунинг номи, режаси, ўрганиладиган асосий тушунчалар, уларни тушуниши учун зарур бўлган тасвирлар, жадвал, график, диаграмма ва бошқаларни бериши мумкин. Муҳим афзаллиги уларни ранг тасвирда бериши имконияти катта.

Слайдларни тайёрлашда шрифтларга, уларнинг катта кичиклигига, рангларнинг дидактик функциясига, уларнинг ишлатилишига, матн бериладиган фон, унда қандай тасвирлардан фойдаланишига, уларни ўқувчиталабалар кайфиятига қандай таъсир қилишига, ишланиш усулларига, мантиқий характериға мослигига ҳам аҳамият бериши зарур.

Дарсни кўнгилдагидек ўтишида кўргазмали материални қандай намойиш қилиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Намойиш қилиш жараёнини шундай ташкил қилиниши керакки;

✓ ҳамма ўқувчиталабалар намойиш қилинаётган объектни кўришлари, иложи борича фақат кўриш эмас, сезиш органлари билан ҳис қилишлари керак.

✓ объектнинг муҳим, асосий томонлари талабаларда катта таассурот қолдириши, максимум даражада диққатларини жалб қилиши керак;

✓ ўрганилаётган объектни сифатини мустақил равишда ўлчаш имкониятини таъминлаши керак.

Реал нарсаларни намойиш қилиш методи кўпроқ табиий, техника ва технология билан боғлиқ фанларни ўрганишда қўл келади. Айниқса, талабаларнинг ўзи шу предметлар, буюмларни ўз қўллари билан ушлаб кўриб, уни хоссаларини ўрганишлари билиш жараёнини фаол амалга ошишига ёрдам беради.

Иқтисодий фанларни ўрганишда ҳам ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил қилишни бошқаришни ўрганишда, сарф харажатлар таркибини, маҳсулот сифати ва бошқаларни ўрганишда катта ёрдам беради.

Намойиш қилиш методининг ўзига хос давоми иллюстрация ҳисобланади. Намойиш қилишда кўпроқ предметлардан фойдаланилади. Иллюстрация предмет, жараён ходисаларни символлар ёрдамида ифода қилиш бўлиб, одатда, у плакатлар, карта, портрет, фотография, расм, чизма, график ва бошқаларни ўз ичига олади.

Иллюстрациянинг ўзига хос тури адабиёт, кинофильм қаҳрамонлари бўлиб, уларнинг образлари эслатилганда хотирада уларни жонлантирилишидир.

Иллюстрация материалларини олдиндан тайёрланади, лекин зарур пайтида кўрсатилади. Ҳозирги пайтда улардан тарқатма материал сифатида фойдаланиш кенг қўлланилмоқда.

Иллюстрациянинг самаралилиги кўп жиҳатдан уни қандай тарзда қўллашга боғлиқ. Кўргазмали қуроллар ва уларни намойиш қилишни режалаштирганда уни мавзунинг ўрганишда қандай роль ўйнаши ва дидактик вазифасини яхшилаб ўйлаш керак. Чунки ҳаддан ташқари кўргазмали материаллар кўплиги, талабаларни мавзунинг ўрганишдан чалғитади. Иллюстрация материаллари олдиндан тайёрланади, лекин зарур пайтда кўрсатилади.

Кўргазмали қуроллардан фойдаланиш даражаси кенг, улардан қандай тарзда, қандай мақсадда фойдаланиши ўқитувчига боғлиқ.

Ўқитувчи кўргазмали қурол танлар экан, албатта, аввало, дарс маърузами ёки семинар дарсими ҳисобга олади. Иккинчидан, мавзу орқали ўқитувчи талабалар олдиға қандай вазифа қўймоқчи, мақсади нима, муҳокама қилинаётган муаммони ечишда кўргазмали қурол қандай ёрдам бериши мумкинлигини ҳисобга олиб, танлаши керак.

Масалан, жадвал рақамларидан маърузада бирон илмий тахмин (гипотеза)ни, илгари сурилаётган фикрни тасдиқлаш мақсадида фойдаланилса, семинар дарсида

масала ёки машқ бажарганда фойдаланиши мумкин. Бунда ҳам кўрғазмали қуроллардан фойдаланиши даражаси ўқитувчининг моҳирлиги, фантазиясига боғлиқ.

Ўқитувчи тарқатма материаллар тайёрлаётганда, маълум қоидаларга риоя қилиши лозим.

Тарқатма материалларни тайёрлаш ва қўллаш қоидалари:

- Таълим олувчиларга ҳаддан ташқари кўп тарқатма материаллар берманг.
- Сарлавҳаларни бош ҳарфлар билан ёзинг, бир матн учун иккичта тарқатма материал тайёрласангиз, уларга номкод беринг. Бу уларни ажратишни осонлаштиради.

- Матн шрифти 12 дан кичик бўлмаслиги керак.
- Бир бетда 80 тадан кўп белги (харф, қавс, ундов белгиси ва ҳоказо) ишлатманг.
- Матнлар тушунарли, қисқа ва оддий бўлиши керак.
- Варақ дизайни эътиборни ўзига тортиши керак.

Тарқатма материалларда:

- ўтиладиган мавзунинг асосий мазмунини бериш;
- олинган ахборотни дарс давомида ва дарсдан ташқарида талабалар билан мустақил муҳокама қилиш;

- таълим олувчилар диққатини мустақил фикрлаш, ижодий изланишга қаратиш;
- ўқувчиталабаларни дарсга фаол жалб қилиш;
- ўқувчиталабаларнинг олган билимларини назорат қилиш ва синаш;

Буларнинг ҳаммаси дарс жараёнида тарқатма материаллардан кенг фойдаланишнинг заруриятини келтириб чиқаради.

Шу билан бирга дарс жараёнида тарқатма материаллардан фойдаланишда ўзига хос камчиликлар ҳам мавжуд.

- Тарқатма материаллар тайёрлаш ўқитувчидан кўп куч ва вақт, юксак маҳорат талаб қилади.

- Бир кишига битта тарқатма материаллар бўлиши керак. Бу қўшимча катта моддий харажатни талаб қилади.

- Тарқатма материал асосида ўзаро муҳокама чўзилиб, мавзунинг бошқа қисмларига, саволларига эътибор пасайишига олиб келиши мумкин.

Айрим камчиликларига қарамай, дарсда тарқатма материаллардан фойдаланишнинг афзаллиги устун.

Кўрғазмали қурол ёки намойиш қилинувчи материал ва тарқатма материаллардан барча методлар асосида дарс ўтишда кенг фойдаланиши мумкин.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Кўрғазмали қурол, моддий кўрғазмали қурол, номоддий кўрғазмали қурол, иллюстрация, слайд, схема, чизма, диаграмма, график, тарқатиладиган материаллар,

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Дарс ўтишда кўрғазмали қуроллар қандай ўрин тутуди?
2. Кўрғазмали қуролларни қандай турларини биласиз?
3. Кўрғазмали қуролларни танлаганда нималарга аҳамият бериш керак?
4. Кўрғазмали қуроллардан фойдаланиш қандай афзалликларга эга.
5. Дарс жараёнида тарқатма материаллардан фойдаланиш ҳақида нима дея оласиз?
6. Тарқатма материаллар тайёрлаганда қандай қоидаларга риоя қилиш керак?

ХVI бoб. ТЕХНИК ВОСИТАЛАРДАН ФOЙДАЛАНИШ

1§. Иқтисодий фанларни ўқитишда техник воситалар. Уларнинг турлари, туган ўрни

Иқтисодий фанларни ўқитишда техник воситалардан фойдаланиш алоҳида ўрин тутди. Техник воситалардан фойдаланиш усулига кўра универсал ва махсус техник воситаларга бўлинади.


Универсал воситаларга доска, диаскоп, кодоскоп, магнитофон, видеомагнитофон, компьютер, телевизор кириши мумкин.

Махсус воситалар, маълум бир масалани, мавзуни ёритишга қаратилган макет, видеофильм, кассета, диск, дискет кабиларни ўз ичига олади.

Ахборотни узатиш, тасвирлаш нуқтаи назаридан техник воситаларни тасвирловчи (кодоскоп, проектор, диапроцессор), товушли (магнитофон, радио, аудио кабилар), аудиовидео комплекси, видеомагнитофон, компьютер кабиларга бўлиш мумкин.

Таълим жараёнини амалга оширишда ёрдам берувчи воситалар таълим воситалари деб аталади.

Таълим воситалари реал ва техник воситалар, ҳамда чоп этилган ўқув материалларини ўз ичига олади. Унинг таркиби қуйидагича бўлади.



Реал таълим воситалари, одатда, иқтисодий йўналиш бўйича таълим олиш жараёнида кам ишлатилади. Лекин техник ва чоп этилган ўқув материаллари жуда кенг қўлланилади.

Таълим воситалари бирбирини тўлдиради ва дарс жараёнида уйғунлашади. Таълим воситалари талабаларнинг дарсни тушуниши, мустақил ишлаши, ўқув жараёнига фаол қатнашишига кўмаклашади.

Кодоскоп, проектор шаффоф плёнкадаги тасвир (слайдлар)ни экранга тушириш, акс этириш учун қўлланиладиган жихоз ҳисобланади. У фойдаланиш учун қулай, мослашувчан восита бўлиб, бир марта тайёрланган плёнкадан кўп марта фойдаланиш мумкин. Доска бўлмаганда зарур бўлган нарсаларни фломастер ёрдамида тўппатўғри ёзиб кўрсатилади.

Ўқитувчи қайси воситадан қачон фойдаланиши, қандай воситани қўллашини дарснинг мақсади, мазмундан келиб чиққан ҳолда олдиндан белгилаб олиши керак.

2§. Дарс ўтишда досканинг ва бошқа техник воситаларнинг тутган ўрни.

Ўқув жараёнида энг кўп қўлланиладиган ва энг кам чиқим талаб қиладиган восита оддий доска ҳисобланади.

Доскадан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин:

- нотаниш сўз, ибораларни ёзиш;
- турли чизмалар, диаграмма, схемалар чизиш;
- расмлар ёрдамида иллюстрация қилиш;
- мисоллар ечиш;
- формулалар ёзиш ва бошқалар.

Доска ҳар бир аудиторияда бўлиши керак. Дарс пайтида доскадан фойдаланиш учун уни дарсга тайёрлаш лозим. Агарда ўқитувчи илгари дарс ўтмаган аудиторияда дарс ўтадиган бўлса, досканинг ўлчамлари, унинг қандайлиги билан танишиши керак. Дарсда доскадан оптимал даражада фойдаланишга ҳаракат қилиш лозим:

* зарур жумлаларни ёзиш, графиклар чизиш, бирбиридан ажратиш, чизиқларни рангли бўр билан чизиш;

* агар мураккаб чизмалар чизилиши керак бўлса, аввал хомаки нусхасини чизиб кўриш;

* доскадаги тасвир иложи борича тушунарли, таассурот қолдирадиган бўлиши керак;

Доскага аниқ, талабалар ўқий оладиган қилиб ёзиш керак. Ўзаётганда тушунтиришни тўхтатиб, ёзиб бўлгач, гапириш керак. Чунки аудиторияда талабаларга орқа ўгирган ҳолда доскага қараб ёзиб туриб, гапирилган фикрни илғаш қийин.

Доскада ишлашнинг ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари мавжуд.

Досканинг афзалликларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

ишлатишнинг осонлиги, тайёрлиги;

ўзгартиришлар киритишнинг осонлиги,

дарсни ўтишга қараб мос ҳолда ишлатиш мумкинлиги;

қўшимча мисоллар берилган саволларга қараб, мисолларни мослаштириш;

мураккаб нисбатларни кўргазмали ифодалаш мумкин;

чизмалар, формулалар ва бошқаларни ёзиб кўрсатиш, қабул қилиш ва тушунишни осонлаштиради;

яхши ёдда қолади;

доскадан конспектга кўчирилган мисол ва расм, чизма, графиклар келгуси дарсларга яхши тайёрланишга ёрдам беради.

Камчиликлари:

доскага ўзаётганда талабаларга орқа ўгириб турилади, Аудитория билан кўз қараш контактини йўқотилади;

бир марта ёзилган нарса ўчирилади;

ёзиш, чизишга вақт кетади.

Доскастенд машғулотларда ўқув мунозаралари бошқа турли муҳокамаларнинг гуруҳ, ишлари натижаларини ҳужжатлаштиришда фойдаланиладиган ўқитиш воситаси.

Стендга ўша катталиқдаги қоғоз қўйилади, турли рангдаги ва шаклдаги карточкалар ёпиштирилади. Стенддаги карточкалар ёрдамида схемалар, тузилмалар, шарҳлар ва шу кабиларни тузиш мумкин.

Доскастенднинг афзаллиги шундаки, унда карточкалар, схема, график, изоҳшарҳлар ва ҳоказо карточкада акс этирилган маълумотлар, жойлашувини хоҳлаган вақтда ўзгартириш имконияти мавжуд. Қисқа вақт ичида барча тингловчиларнинг фикрмулоҳазаларини қамраб олиш, қайд этиш имконига эга бўлади.

Доскаблокнот бу варақланадиган қоғозли доска бўлиб, унга маркер билан ёзилади. У турли муҳокама яқунлари ва натижаларни яққол намойиш этишда, энг муҳим

ахборотларни қайд этишда қўлланилади. Унинг афзаллиги, хоҳлаган вақтда олдинги материалларга қайтиш ўқув хонасига осиб қўйиш мумкин.

Кўргазмали куроллар дарсни қизиқарли ва турлича бўлишига таъсир кўрсатади. Ана шу кўргазмалиликни таъминлашда кодоскоп, проектор ва бошқа техник воситалардан кенг фойдаланиш мумкин.

Оддий доска ёки варақланадиган (бир томондан иккинчи томонга ўтказиб қўйиладиган варақлардан иборат) доска билан биргаликда қўлланиладиган техник воситалардан кодоскоп, проектордир. Улар ёзиш учун вақтни тежашда энг қулай воситалардан бири бўлиб, дарсда кўргазмалиликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Дарс ўтишда кенг қўлланиладиган нисбатан оддий, бир аудиториядан иккинчисига олиб ўтиш осон техник восита кодоскоп ва проектор ҳисобланади. Ҳозирги пайтда кодоскопга нисбатан проектор кўпроқ ишлатилади. Бошқа воситалар каби проекторнинг ҳам ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари мавжуд.

Проектор билан ишлашнинг афзалликлари:

- * дарс жараёнида доимий тасвирий контакт юз беради;
- * пленкалар дарс бошланишига қадар тайёр бўлиши мумкин;
- * турли тарзда фойдаланишни ташкил қилиш мумкин,
- * бир неча марта қайтадан фойдаланиш мумкин;
- * керак бўлмаган қисмини ёпиб қўйиш мумкин.

Проектор билан ишлашнинг камчиликлари:

- * талабалар бутун диққатни тасвирга қаратишади;
- * пленкага ёзиш, шунингдек, уни дарсга тайёрлаш кўп вақт талаб қилади;
- * проектор билан ишлаганда аудитория ним қоронғи бўлиши керак. Бунинг натижасида айрим ноқулайликлар келиб чиқиши мумкин.


3§. Дарс жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш

Ҳозирги пайтда ўқув материаллари, ахборотларни экранда кўрсатиш имкони вужудга келиши ва ривожланиши билан ўқув жараёнида эришилган ютуқдан фойдаланиш кенг ёйилиб бормоқда. Замонавий ахборот технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этилиши, иқтисодий самара бериш билан бирга таълимда янгича ўқув методларини кенг равишда қўллашга имконият яратиб беради. Махсус ихтисослаштирилган аудиториялар, чунончи, компьютер, телевизор, видеоманитофон билан таъминланган аудиторияларда дарс ўтиш борган сари оммалашиб бормоқда. Ҳатто уни алоҳида видеометод сифатида талқин этилмоқда. Айниқса, ўқув жараёнига компьютернинг кириб келиши барча дидактик функцияларни муваффақиятли бажариш имконига эга видеометодни кенг қўллаш имконини беради. Бунинг натижасида уни комплекс дидактик технология деб ҳам аталмоқда. У:

- * ўқувчи талабаларга ўрганаётган мавзуси, ходиса, жараён, фаолият бўйича тўлиқ, ишончли ахборот бериш;
- * ўқув жараёнида кўргазмалиликнинг ролини ошириш;
- * талаба, ўқувчиларни хоҳиш, талаб, эҳтиёжлари, қизиқишларини қондириш;
- * ўқитувчининг ўқувчи, талабаларнинг билимини, кўникмаларини синаш билан боғлиқ техник ишлардан озод қилиш, самарали алоқа ўрнатиш;
- * талабаўқувчиларни ўзлаштириши бўйича объектив ҳисобот, тўла ва узлуксиз назоратни ташкил этиш имконини беради.

Дарс жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишда асосий ўринда мультимедиа туради.

Мультимедиа информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика, анимация (объектларнинг фазодаги, экрандаги ҳаракати) жадваллари асосида ўқув материалларини ўқувчи, талабаларга етказиб беришнинг мужассамлашган ҳолдаги кўринишидир.



Мультимедиа ривожланаётган замонавий ахборот технологиясидир. Унинг ажралиб турувчи белгиларига қуйидагилар киради: 1. Ахборотнинг хилмахил турлари: анъанавий: матн, жадваллар, безаклар, графиклар, диаграмма ва бошқалар. Оригинал турлар: нутқ, мусиқа, видеофильмлардан парчалар, телекадрлар, анимация ва бошқаларни бир дастурий маҳсулотда интеграциялайди. Бундай интеграция турли қурилмалар ёрдамида амалга оширилади.

Мультимедиада ишлашнинг қуйидаги афзалликлари бор:

- берилётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш имкони яратилади;
- таълим олишнинг янги соҳалари билан яқиндан алоқа янада ортади;
- таълим олиш вақтининг қисқариши натижасида вақтни тежаш имкони яратилади;
- олинган билимлар нисбатан киши хотирасида узоқ муддат сақланиб, керак бўлганда амалиётда қўллаш имконига эришилади.

POWER POINT дастури мультимедиа тайёрлашда жуда катта имкониятларга эга. Улардан фойдаланиб, турли мавзуларда мультимедиа тайёрлаш ва дарс жараёнида қўллаш кенг ёйилиб бормоқда. Натижада кейинги пайтда алоҳида видеометод сифатида педагоглар томонидан ажратиб кўрсатилмоқда. Мультимедиадан ўқув жараёнида фойдаланишнинг ривожланиши турлитуман мультимедиа маҳсулотларини, охиरोқибатда электрон дарсликлар пайдо бўлишига олиб келди. Иккинчи томондан, ахборот технологияларини ривожланиши интернет тармоқларидан кенг фойдаланишга йўл очди. Шу билан бирга, мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланишда айрим объектив муаммолар ҳам мавжуд. Улардан энг асосийси, зарур компьютер дастурларининг етишмаслигидир. Қатор мавзуларни қамраб олган, реал ҳаётга яқинлаштирилган RUSE (АҚШ), МЭКОМ (Россия) ва бошқа дастурлар мавжуд. Улардан фойдаланиб, компьютерларда ишлаш, талабалар ўртасида конкурслар ўтказиш мумкин. Лекин ҳали бизда ана шу дастурларга ўхшаш иқтисодий ўрганадиган, қўлланган чоратадбирларнинг натижасини қандай бўлиши мумкинлигини тахмин қилиш имконини берадиган дастурлар яратилгани йўқ. Ундан ташқари, ҳозирча бизда иқтисодий фанлардан дарс ўтишда қўллаш мумкин бўлган ўқув видеофильмлари жуда кам. Лекин уларни талабалар билан биргаликда яратиш мумкин. Кейинги пайтда масофадан ўқитишнинг борган сари ёйилиб бориши, дарслик, қўлланмаларнинг электрон версияларини яратилиши, ўқитиш жараёнида компьютерлардан янада кенгроқ фойдаланишга олиб келади.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Таълим воситалари, реал воситалар, техник воситалар, чоп этилган ўқув материаллари, доска, доскастенд, доскаблокнот, проектор, мультимедиа

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Техник воситалардан дарс жараёнида фойдаланиш қандай аҳамиятга эга?
2. Таълим воситаларига нималар киради?
3. Техник воситалардан ўқув жараёнида фойдаланишнинг қандай афзаллиги ва камчиликлари бор?

XVII боб. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1§. Ўқув жараёнида талабалар мустақил ишларининг тутган ўрни. Мустақил таълимга алоҳида диққат қаратилиши

Маълумки, ўқитишнинг асосий шакллари – маъруза, семинар, амалий машгулотлар, лаборатория ишлари, маслаҳат дарси аудиторияда ўтказилади. Уларни таъкил этиши мавзулар мураккаблиги даражасига, бериладиган ахборот миқдорига кўра аввалдан режаслаштирилади, ўқув соатлари ажратилади. Ишлаб чиқариш амалиёти аудиториядан таъқарида ўтказилсада, унга ҳам аввалдан соатлар белгиланади.

Билим олиш, махсус малакага эга бўлиш талабалар дунёқарашини шакллантиришида аудиторияда ўтиладиган дарслардан таъқари улар томонидан бажариладиган мустақил ишлар ҳам катта роль ўйнайди.

Мустақил иш фаолиятида билимларни эгаллаш билан бирга, кўникмаларни шакллантириш ҳам мустақил амалга оширилади.

Борган сари ортиб борадиган мустақил тайёрланиш вақтини самарали бўлишини таъминлашида икки нарсага эътибор қаратиш керак:

А) мустақил иш ўқишининг, ақлий меҳнатнинг алоҳида тури.

Б) **ахборотнинг асосий қисмини талаба мустақил равишда олади.** Айниқса, интернетнинг кириб келиши билан унинг доираси янада кенгайди.

Таълим беришнинг анъанавий усуллари орқали ўқувчиларни мустақил фикрлаш, фаолликка ўргатиш қийин. Анъанавий таълимда тушунтириш, сўраш, мустаҳкамлаш, баҳолаш тартибига амал қилинади.

Бугунги кунда куйидагилар анъанавий таълимнинг камчиликлари сифатида эътироф этилмоқда:

✓ таълим жараёнида ўқитувчининг кўпроқ фаоллик кўрсатиши, фақат тушунтириш, буйруқ бериш, ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилиши;

✓ таълим жараёнида ўқувчиларга асосан назарий билим (маълумотлар) берилиши;

✓ таълимда мажбурийлик, насихатгўйлик, қаттиққўллик, авторитаризм тамойилларига амал қилиш;

✓ ўқувчиларнинг фаоллик кўрсатмаслиги, фақат ўқитувчининг маърузасини тинглаши ва топшириқларни бажариши, уларнинг мустақил фикр юритишга, ташаббускорликка ўргатилмаслиги;

✓ таълимнинг ўртача даражада билим олувчи ўқувчилар учун мўлжалланганлиги.

Бугунги кунда таълим тизимида ўқитишнинг интерфаол усуллари кенг қўлланилмоқда. Бу усуллар ўқувчиларда мустақил таълим олиш малакасини шакллантиришни тақозо этади. Ўқитишнинг интерфаол усуллари афзалликларини куйидагиларда кўриш мумкин:

✓ ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида тенг ҳамкорлик ўрнатилади;

✓ дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчининг ички мотивациясига таянилади: мажбурлаб ўқитилмайди, ўқувчиталабалар табақалаштирилиб ўқитилади;

✓ таълим беришда ўқувчиталабаларнинг ақлий ривожланганлик даражаси, қобилияти эътиборга олинади;

✓ ўқувчиталабалар кўпроқ мустақил таълим оладилар;

✓ таълим жараёнининг объекти ўқитувчи эмас, ўқувчи ҳисобланади;

Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усуллари қўллаш ўқитувчининг ижодкорлик маҳоратини, қолаверса, масъулиятини янада оширади. Бундан келиб чиқадики, янги педагогик технологиянинг мақсади ўқитиш эмас, балки уларни мустақил ўқишга ўргатишдир. Демак, таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларда мустақил таълим олиш малакасини шакллантиришда, муҳим омил ҳисобланади.

Талаба мустақил ишлаш кўникмасини эгалламаса, замон талаби даражасидаги мутахассис бўлиб етиша олмайди, чунки талабанинг ўқиш йиллари давомида олган билимларининг кўп қисми у фаолият бошлагунга қадар эскиради, кўпгина билимлар эса унутилади. Билимнинг эскириши тез, ахборот оқими ниҳоятда катта бўлган ҳозирги даврда мустақил ўқишга, ўз устида тинмай ишлаш, изланишга ўрганиш ҳар бир мутахассис учун ниҳоятда зарур.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида» қонун қабул қилишдан мақсад, рақобатбардош мутахассис ва талабга жавоб берадиган, юксак даражадаги касбий маҳоратга эга бўлган мутахассис тайёрлашдир. Бу мақсадни амалга оширишда талабаларни ўқувтарбиявий, илмий фаолияти, мустақил ишлаш вақт бюджети, тадқиқот объекти алоҳида аҳамиятга эга.

Таълимнинг рейтинг тизими, айниқса, ўқиш жараёнига кириб келаётган янгиликлар, ахборот ҳажмининг катталиги талабалардан мустақил ишлаш ва вақтдан тўғри фойдаланишни, уни тежаш заруриятини келтириб чиқаради.

Билим олиш, махсус малакага эга бўлиш, талабаларни дунёқарашини шакллантиришда аудиторияда ўтиладиган дарслардан ташқари талабалар томонидан бажариладиган мустақил ишлар ҳам катта роль ўйнайди. Демак, талабаларнинг ўз устиларида мустақил ишлашларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишнинг асосий ва биринчи тамойили унинг систематик тарзда, яъни доимий, узлуксиз равишда амалга оширишдир. Маълумки, ўқув жараёнини ташкил этишда қатъий кетмакетлик, узвийликни мунтазам олиб бориш талаб қилинади. Талаба аудиторияда олган билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзуни пухта ўзлаштириш учун ҳар куни мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

Бугунги ўтиладиган мавзуни яхши тушуниши ва ўзлаштириши учун ўтилганларни ўз қобиляти ва олган билими даражасини янада чуқурлаштиришга интилиши, мустақил такрорлаши, ўрганиши зарур. Чунки маърузада талабага йўлланма берилади. Дарс давомида мавзуга тегишли барча асосий саволларни муҳокама қилиб бўлмайди. Унинг иложи йўқ, маърузада ўтилган, муҳокама қилинган масалаларни психологларнинг тадқиқоти натижаларига кўра, атиги 5 фоизи талабалар ёдида қолар экан. Ўзи ўқиб ўргангани, ўрганганларини бошқаларга ўргатиши эса бир неча баравар кўп ёдида қолар экан. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, талабанинг ўзини мустақил тайёрланиб ўқиши фанни ўрганишда, уни асосий мазмунини тушуниш ва ўзлаштиришида, таҳлил қилиши, ўз фикрини ифодалашда муҳим роль ўйнайди.

Талабанинг мустақил ишидан мақсад ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати асосида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир. Талабанинг мустақил иши вазибалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- керакли маълумотларни излаб топиш, уларнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;
- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- интернет тармоғидан самарали фойдаланиш;
- берилган топшириқни мунтазам ва меъёрида бажариш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашиш;
- натижаларни муҳокамага тайёрлаш ва кўрсатилган камчиликларни қайта ишлаш.
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш, мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш ва бошқалар.

2§. Мустақил ишни ташиқил қилишининг шакллари, хусусиятлари ва тамойиллари

Талабаларнинг мустақил ишни ташиқил қилиши шакллари турлича бўлиб, уларни бир қисми ўқув режасида кўзда тутилган. Уни ҳар бир талаба бажариши шарт. Иккинчи қисми ихтиёрий, яъни талабалар ўз хоҳиши билан мустақил бажаришлари мумкин.

Мустақил ишни ташиқил этишининг муҳим хусусияти, уни талабанинг ўзи ташиқил қилади. Шунинг учун уни режаслаштириши, вақтини рационал тақсимлашда талабага ёрдам лозим.

Мустақил ишни бажариши учун талаба ўзини ўзи мажбур қилиши керак. Бунда ҳам субъектив омил асосий ўринда туради. Талабаларни мустақил ишни ташиқил этишида ўқишни бошқа шаклларига ўхшаб, умумий принциплар мавжуд. Мустақил ишни шу принциплар асосида ташиқил қилиши керак. Мустақил ишни ташиқил этишида оддий элементар принципларни ўзлаштириши биринчи даражали аҳамиятга эга ва ана шу мураккаб жараёни тўлалигича қамраб олади.

Ҳар бир талаба мустақил ишни ташиқил этишни нимадан бошлаши керак? Унга қандай мақсад қўйилади? Иш қанча давом этади? Уни бажаришида қандай усуллардан фойдаланилишини аниқ кўз олдига келтира олишлари керак. Яна шуни ёддан чиқармаслик керакки, мустақил ишларни ташиқил қилиши қоидалари ишлаб чиқилди дегани, бу ишни ташиқил этилди дегани эмас. Мустақил ишни қандай бажаришни ҳар бир талабанинг ўзи ташиқил этади. Муваффақиятга эришиши учун талабанинг ўзи сабртоқат билан, машаққатлардан қўрқмай ўз устида ишлаши керак. Буни эса талабанинг ўзи режаслаштиради ва амалга оширади.

1. Мустақил ишни бажаришни ташиқил қилишининг асосий принципи унинг мунтазамлигидир. Ҳар бир талаба индивидуал тарзда вақтини фанлар бўйича табақалаштирган ҳолда режаслаштириши керак. Ундан келиб чиқиб, талаба ўз ҳафталик режасини кунлар бўйича тузади. Мустақил ишларни режаслаштириши юзаки қараганда талабага ҳеч нарса бермаётгандай, ҳеч қанақа ёрдами йўқдай туюлади. Лекин тажриба шуни кўрсатадики, аълочи талабалар ўз вақтларини аниқ режаслаштирадилар ва уни бажаришига ҳаракат қилдилар.

Ўзлаштириши бўйича факультет муваффақиятини ҳам талабаларнинг ўз вақтларини тўғри режаслаштириши, уни бажариши билан боғлаш мумкин.

2. Мустақил ишларни бажариши муддати жиҳатидан хоҳлаганча давом этиши мумкин эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, 1725 ёши даражасида меҳнатни рационал ташиқил этганда бир суткада 9 соат унумли ишлаш мумкин экан. Ҳаддан ташиқари узоқ ўтирадиган бўлса, меҳнат унуми пасаяди, одам чарчайди, кейинги кунлари чарчоғи ёзилиши қийин бўлгани сабабли, аввалгидай ишлай олмайди.

Шунинг учун мустақил ишни режаслаштирганда аудиторияда ўтказган вақтини ҳисобга олиши керак. Агар, аудиторияда дарс соатлари 6 соат бўладиган бўлса, мустақил ишлаш 3 соат, аудиторияда дарс ундан кам бўлса 3 соатдан кўпроқ, агарда кўп бўлса камроқ тарзда режаслаштириши керак.

Шундай қилиб, ҳафталик мустақил иш бажариши вақти 2224 соат атрофида бўлади. Албатта, бу вақт талабани нормал тарзда диққатэтибор, гайрат қилиб ишлашини мўлжаллаган ҳолда белгиланади. Лекин реал ҳаётда собир талаба ўзини зўрлаб дарс тайёрласа, иккинчиси қизиқиб, предметни ўрганишига илҳом билан киришиб кетади. Учинчиси эса, умуман дарс тайёрлагиси келмайди.

Бунга қатор объектив ва субъектив сабабларни келтириши мумкин.

3. Мустақил ишни ташиқил қилишида иш тартибини белгилаш катта аҳамиятга эга. Мустақил ишларни бажариши учун вақтни семестр давомида кунлар бўйича тақсимлаш, уни рационал ташиқил қилишининг муҳим принципи, қоидаси ҳисобланади. Гоҳ умуман дарс тайёрламай, гоҳ ҳаддан ташиқари шошиб, шиддат билан, айниқса семестр якунига, оралиқ назорат якунига яқин қолдирган, бажармаган ишларни

тезда бажаришга ҳаракат қилиш ижобий натижа бериши қийин. Бу талабанинг меҳнати самарадорлигини, қилган ишидан қониқиш ҳиссини пасайтиради. Одатда талабанинг кун тартибидан дарс жадвали белгилайди. Лекин кўп нарса талабанинг ўзига ҳам боғлиқ. Масалан доклад, реферат, назорат иши, семинар дарсига тайёрланишга ҳар ҳафтада маълум вақт ажратилиб, мунтазам равишда олиб борилмаса, қўйилган натижа бермайди.

Реферат ёки доклад ёзиш керак бўлса, уни орқага сурмай тезда киришиши керак. Бунда ўқитувчи талабага, айниқса, биринчи курс талабаларига реферат нима, доклад нима, уни қандай ёзиш, қандай тарзда адабиёт танлаш кераклигини тушунтириши зарур.

Талабаларга иқтисодий фанлардан дастур ва семинар дарслари режасида кўрсатилган адабиётларни таклиф қилиш мумкин. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда чоп қилинаётган китобларнинг кўпчилигида фойдаланилган адабиётлар рўйхати мавжуд. Ана шу рўйхатдан фойдаланиб, зарур адабиётларни кутубхонада, ўқув залида бўлса, олиб ўқиш мумкин. Ундан ташқари республикамизда чоп этилаётган «Бозор, пул, кредит», «Иқтисодий ахборотнома», «Жамият ва бошқарув», «Солиқ тўловчининг журнали», «Касбхона таълими» каби қатор журнал, ҳамда «Мулкдор», «Банк ахборотномаси», «Ҳамкор» ва бошқа газеталарни кўрсатиш мумкин.

Мустақил ишлаш қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Дарс ўтилгандан сўнг бажариладиган ишлар, уй вазифаларини бажаришда дарслик, ўқув қўлланмалари билан ишлаш, конспект тайёрлаш.

Типик топшириқларни ечиш. Бунда талаба аввалги билимларини хотирасида қайта тиклайди ва қисман қайта

2. ўзгартириб, аниқ топшириқларда қўллайди. Масалан: масала, машқ ечиш;

3. Ўрганилган билимларни типик бўлмаган шароитда қўллаш. Талаба ўрганган билимларидан янги шароитда фойдаланади. Шароитларда маълум умумийлик бўлиши мумкин.

4. Ижодий фаолиятга асос яратиш. Бунда талаба ўрганилаётган соҳанинг моҳиятига тушунади, унинг янги муносабат, боғланишларини аниқлайди, ғоялар ва тушунчаларни янги шароитга боғлайди.

Барча мустақил ишлар талабаларда ижодий ишлаш кўникмасини ҳосил қилишга қаратилган. Талаба ижодий ишлашга ўргатилмаса, у маълум мавзуга оид материалларни турли манбалардан қўчириб келиш билан кифояланиб қолиши ҳамда ўзи мустақил фикр билдиришга қийналиши ..

Мустақил ишларни индивидуал – дидактик мақсадларни амалга ошириш нуқтаи назардан ҳам 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Билимларни дастлабки шаклланишига, идрок қилишга ундайдиган вазифалар. Бунда ўқувчиган талабалар мақсадга эришиши учун нима талаб қилинишини билиши лозим. Вазифалар – ахборотларни, маълумотларни ўзлаштиришга қаратилган бўлади.

2) Ўзлаштиришга ахборот, маълумотларни хотирада сақлаш ва қайта жонлантириш ва қайта ишлашга қаратилган топшириқлар. Бунда аввал эгалланган билимларни тўғри жалб қилиш, фаоллаштириш асосида бажариладиган ҳамда аниқ шароитда татбиқ этиш талаб қилинадиган вазифалар берилади.

3) Аввал ўзлаштирилган, қолипга тушган, тажриба тўпланиши натижасидаги билим, малака, кўникмаларга янгича нуқтаи назардан ёндашишни талаб қилувчи топшириқлар. Уларда масаланинг моҳиятини излаш, янгича ечимлар топиш, янгича ғоя, фикрлар билан ифодаланиш талаб этиладиган вазифалар берилади.

4) Ижодий фаолиятга ундовчи топшириқлар.

Бунда, янги ёки олдиндан маълум бўлсада, унгача бошқача нуқтаи назардан қаралган ғоя, фикрларни тадқиқ қилиш, яъни ахборотлар тўплаш, улар устида ишлаш, ўз фикрини билдиришга ундайдиган топшириқлар, вазифалар берилади.

¹ Рочинский В.М. "Азбука педагогического труда" М: 1990 стр 33.

Мустақил ишларнинг ажралмас қисми бу мустақил таҳсилдир. Ўқувчи, талабаларнинг мустақил таҳсили уларни ўз билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилишидир.

Мустақил таҳсилнинг асосий мақсади талабаларни шахсий ва касбий сифатларини шакллантиришда ўз устида ишлаш устунлигидир. Мустақил таҳсилнинг асосий методи адабиётлар устида индивидуал ишлашдир. Бу метод ахборотлар оқишида энг зарур ахборотни топиш, унга баҳо бериш, ушбу ахборотдан ўзининг касбий фаолиятида фойдаланиш малакасини шакллантиради.

Талабалар мустақил ишини ташкил этишда муайян фан (курс) нинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- Президент асарлари ва иқтисодий масалаларни тадқиқ қилишга бағишланган илмий адабиётларни конспект қилиш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- берилган мавзулар бўйича реферат, ахборот тайёрлаш;
- ўрганилаётган фаннинг энг долзарб муаммоларини қамраб олувчи рефератлар ёзиш;
- лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш;
- ҳисоб, график ишларини бажариш;
- назарий билимларини амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;
- макет, модел ва намуналар яратиш;
- илмий мақола, анжуманга докладлар, маъруза тезисларини тайёрлаш;
- ижтимоий, иқтисодий сиёсий мавзуларда бўлиб ўтадиган илмий, амалий конференция, семинар машғулотлар ва давра суҳбатларига тайёргарлик кўриш ва уларда қатнашиш;
- турли жамғармалар томонидан ташкил қилинган танловларда иштирок этиш;
- ўрганилаётган фан бўйича мавжуд асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

Мустақил ишлар таркибида талабалардан алоҳида диққатэътибор билан ишлашни талаб қиладиган мустақил иш ўрганилаётган фандан курс иши ҳамда битирув малакавий иши ёзиш ҳам бор.

Ўқитиладиган фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, мустақил ишни ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Мустақил бажариладиган ишлардан бири иқтисодий масалаларга бағишланган илмий адабиётларни ёки ўқув адабиётларини конспект қилишидир. Конспект қилиш талабани фанни ўзлаштириши учун катта ёрдам беради. Лекин талабалар конспект қилишни тўғридан – тўғри кўчириши деб тушуномасликлари керак.

Берилган топшириқни бажариши ўқишдан бошланади. Ўқиш бу ҳали ўзлаштириши эмас. Ўқиш, ўқилган матнни англаш керак. Тушуниши, ўзлаштириши учун қўшимча равишда ақлни ишлатиши талаб қилинади. Ўзлаштириши бу ёдда сақлаш дегани эмас, албатта у ўзлаштиришга ёрдам беради. Бошқача айтганда, ўқиш бу ўқиш эмас. Тушуниши бошқа, тушунганини ўзлаштирилганини ёдда сақлаш эса яна бошқа нарса. Ҳаммаси ҳам ақлни ишлатишини талаб қилади. Ўқишга минимум вақт ва куч сарфлаб, ҳаракат қилиб, асосий диққатни тушунишга, тушунганини ёзишга, ёдда сақлашга ҳаракат қилиш керак. Сарфланадиган вақт, уни ўқишга қанча ва тушуниши учун ўйлашга қанча сарфланиши мавзуга, унинг мураккаблик даражасига боғлиқ.

Талабаларни иқтисодий фанларни ўрганишларида иқтисодий муаммоларга бағишланган энг яхши адабиётлар билан таништириши, етакчи олимлар билан

учрашувлар ташкил этиши муҳим рол ўйнайди. Ундан ташқари, илмий тўғарак ишини мунтазам ташкил этиши, талабаларнинг ижодий кунлари, илмий давралари, анжуманлари, конкурслари олимпиада ва кўрғазмаларини вақтиважти билан ўтказиб туриши шубҳасиз талабалар фаоллигини оширади. Уларни фанни ўрганишга рағбатлантиради.

Талабаларни мустақил равишда ижодий изланишга ўргатишда кафедра томонидан ташкил этилган илмий тўғараклар катта аҳамиятга эга. Бунда кафедра ўрганилаётган фан бўйича талабаларнинг қизиқиши, фандаги янгиликлар ўрганилиши, тадқиқ этилиши лозим бўлган муаммоларни илмий тўғаракларда муҳокама қилинишини кўзда тутиши керак. Талабалар тўғаракда тайёрлаган илмий докладларини тингловчилар ҳукмига ҳавола этар эканлар, тўғарак аъзолари ҳам уни муҳокамасида фаол иштирок этишларини таъминлаш зарур. Тўғарак аъзоларини сони, муҳокама қилинадиган масалалар, илмий докладлар миқдори, мавзуларнинг мазмуни ва бошқаларга кўра тўғарак раҳбари ой давомида илмий тўғараклар мажлиси ўтадиган кунларни белгилайди. Энг яхши баҳо берилган илмий докладлар талабаларнинг илмий конференцияларида қатнашишга тавсия этилади.

Ўтказиладиган конференцияни умумий мавзусини тасдиқлагач, докладларни мавзу йўналишига кўра гуруҳларга ажратган маъқул.

Ўтказиладиган талабаларнинг илмий конференциясида энг яхши деб топилган докладлар рағбатлантирилади, кейинги босқичларда қатнашишга тавсия этилади

3§. Мустақил изланишнинг асосий шакллари

Фанни мустақил ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган ўқув шаклларида бири курс ишидир.

Курс ишини ёзиши ва ҳимоя қилиши жараёнида талабалар иқтисодий фанларни янада чуқурроқ ўрганишади. Иқтисодий категориялар ва қонунлар моҳиятини тушуниш мураккаб назарий муаммоларни таҳлил этиши, уни амалиётда татбиқ қилиши ҳақида ўйлашга, фикр юритишга ундайди.

Курс ишининг фанни мустақил ўрганишдаги муҳим аҳамияти шундаки, талабалар адабиётлар билан ишлашни, маълумотлар тўплаш, уларни жадвал, диаграммаларда тасвирлаш, хулоса чиқариши ҳамда ўтилган масала юзасидан ўз фикрларини баён қилишга ўрганишади. Ана шу жараёнда талабалар ўзлари индуктив ва дедуктив услубларни қўллаб, алоҳида ҳодиса ва воқеалар асосида умумий хулоса чиқаришини ўрганадилар.

Курс иши талаба томонидан танланади. Унинг ҳажми 2530

бетга (стандарт ёзув қоғози бўйича) мўлжалланади. Бу мавзунини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, ўз қобилиятини, фанни ўзлаштиришидаги ҳаракатини, интилишини ифодалаш имконини беради.

Курс ишига кафедрадан илмий раҳбар тайинланади. У талабаларга курс ишини тайёрлашда зарур маслаҳатларни беради:

курс иши мавзуси фақат дарслик доирасида эмас, балки қўшимча адабиётлар, шу мавзу бўйича журнал, газеталардаги мақолалардан фойдаланиб ёзилади;

курс ишида илмий изланиш элементлари, назарий қоидалар, тажрибалар билан ёритилади;

иши бўйича режа тузилади, режа таркиби: кириши, асосий қисм (ёритиши керак бўлган масалалар), хулосадан иборат бўлади.

курс иши расмий қабул қилинган шаклда бўлиши керак, яъни бирон бир муаллифнинг фикри келтирилса, жумлалар ўзгартирилмай, қандай бўлса шундай кўчирилади ва қўштирноқ ичига олинади, изоҳ берилади. У саҳифанинг энг тагига номерланган ҳолда берилиб, манба кўрсатилади. Унда ҳавола қилинган муаллиф, асар ёки мақоланинг, нашриётнинг номлари, нашр қилинган йили берилади.

матн мустақил ёзилади. Талаба курс иши ёзишда ўрганаётган адабиётлардан тўғридантўғри кўчирмай, аввал ўқиб чиқиб, тушуниб, бошқалари билан таққослаб, сўнгра

ўзининг фикрини баён қилмоғи лозим.

Курс ишига қўйилган бош талаб фанни чуқур ўрганишга эришиш, илмий изланишга ҳавас уйғотиш.

Курс ишида талабаларда мавзуни ўрганишга ижодий ёндашиш, дастлабки илмий изланиш куртакларини ҳосил бўлишида курс иши раҳбари муҳим рол ўйнайди. Курс иши раҳбари асосий ва қўшимча адабиётларни танлаш, улар ичидан энг муҳимларини ажратилиш, режа тузиш ва танланган мавзуни тўла очиб бериш учун нималарга диққат қаратиш кераклиги ҳақида маслаҳат беради.

Курс ишининг хомаки нусхасини ёзаётганда талаба тушунмаган савол ёки маслаҳат учун раҳбарга мурожаат қилади. Мавзу бўйича айрим адабиётларни тўлиқ ўқиб чиқиш, зарур бўлса, айримларини мавзу бўйича у ёки бу боби ёки саҳифаларини ўқишга, ўрганишга тўғри келади.

Курс ишида қўйилган саволлар ўрганилаётган мавзунинг мазмунини очиб бериши зарур. Саволлар кўп бўлмаслиги, мавзунинг мазмунини очиб бериши лозим. Режада қайси адабиётлар билан ишлаш кўрсатилади. Масалан, «Иқтисодий харажатлар, уларнинг таркиби ва турлари» мавзуси бўйича режа қуйидагича бўлиши мумкин:

Иқтисодий харажатлар, уларнинг таркиби ва турлари

Кириш

1. Иқтисодий харажатларнинг мазмуни.
2. Иқтисодий харажатларнинг таркиби ва уларга турли жиҳатдан ёндашиш
3. Иқтисодий харажатларнинг турлари
4. Ишлаб чиқариш омилларининг нисбати ва харажатларни минималлаштириш муаммоси

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Ишнинг кириш қисмида танланган мавзунинг аҳамияти, фанни ўрганишда тутган ўрни, кўрилаётган масаланинг долзарблиги, амалиётдаги аҳамияти кўрсатилади.

«Кириш» қисмида танланган мавзу бўйича нима мақсад қўйилганини қисқача баён қилиши керак. «Хулоса» қисмида мавзу бўйича чиқарилаётган асосий хулосаларни аниқ ифодалаш керак. Улар қисқа, ишнинг мавзудан келиб чиқиши лозим.

Курс ишида кўтарилган масалалар бўйича, матндан келиб чиқиб, билдирилган асосий хулосалар ишнинг қадрқимматини оширади. Талабанинг мавзуни чуқур ўзлаштирганидан, яхши билимга эга эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида курс иши ёзишда талаба томонидан ўрганилган барча адабиётлар, журнал, газетада берилган мақолалар, монография, статистик тўплам ва бошқалар тўла равишда муаллифнинг исмишарифи, асар ёки мақола ва бошқаларнинг номи, нашриёт номи, нашр қилинган йили кўрсатилган бўлиши керак.

Курс иши ёзганда Республикамиз Олий мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, меъёрий ҳужжатлардан, Президентимиз асарларидан фойдаланишга аҳамият бериш керак.

Талабадан курс ишида фанда янгилик ёки янги илмий қоида яратиш талаб этилмайди. Талаба саволларни ёритиш жараёнида илмий адабиётлардан тушуниб фойдаланишини, тўғри умумлаштириб, хулоса чиқара билишини, назарий қоидаларни тажриба, амалиёт билан боғлай олишини кўрсатиши керак.

Ана шу жараёнда талабанинг ишида илмий изланиш элементлари, курс ишини ёзишда мустақил иқтисодий фикрлай олиши намоён бўлади.

Ишида йўл қўйилган хатокамчиликларни фарқлаш керак. Хато бу иқтисодий категорияларни ва қонунларни нотўғри тушуниш ёки яхши тушунмаслик сабабли келиб чиқади. Камчиликлар талабанинг иқтисодий категория ҳақида тушунчаси бор, лекин

тўла эмаслиги, кўпинча муҳим назарий қоидаларни аҳамиятини етарлича тушунмаслиги туфайли келиб чиқади. Шунинг учун ҳам талабага ўқитувчининг маслаҳати катта ёрдам беради.

«Касб таълими» бакалаврият йўналиши талабалари курс иши ёзишга алоҳида диққат қаратишлари лозим. Сабаби, улар курс ишини биринчидан, фанни ўрганаётган талаба сифатида, иккинчидан эса келгусида ўқитувчи курс иши раҳбари сифатида бажарадилар. Шунинг учун ҳам курс иши бажаришнинг барча талабларига алоҳида диққат қаратишлари зарур. Барча иқтисодий йўналиш талабалари, жумладан бўлғуси иқтисодчипедагоглар ҳам I курсда «Иқтисодиёт назарияси» фанидан, кейинги курсларда мутахассислик фанларидан, «Касб таълими» бакалаврият йўналиши талабалари эса II курсда «Педагогика» фанидан, IV курсда эса, «Махсус(иқтисодий) фанларни ўқитиш методикаси» фанидан курс иши ёзадилар.

Ўқув юртларида кенг қўлланиладиган мустақил ишларнинг яна бир тури **доклад**дир. Докладга: 1) мажлис аҳли учун мўлжалланган муайян мавзудаги ахборот, маъруза; 2) талабаларнинг мустақил иш тури; 3) илмий иш тури сифатида қараши мумкин.

Талабалар докладни мустақил иш тури сифатида семинар дарсларига тайёрлаб келишлари мумкин. Докладни адабиётларни ўрганиб, танланган мавзуга чуқур ёндашиб, ўз кузатишларини ҳам ишлата билган ҳолда тайёрлашлари керак.

Доклад тайёрлаш жараёнида талаба адабиётлар билан ишлаш, турли манбалардан олган материалларини умумлаштириши, ўз фикрини ёзма равишда ифодалашига ўрганади.

Реферат, доклад ёзиши учун талаба, аввало, фанни назарий жиҳатдан пухта ўзлаштириши керак. Танлаб олинган мавзунинг ёритиши учун кириш, 3-4 савол қўйилади ва хулоса берилади. Далиллар, статистик маълумотлар тўпланади. Таҳлил қилинаётган масала бўйича мавжуд фикрлар, қарашлар баён қилинади. Талаба уларга ўз нуқтаи назарини билдиради.

Илмий доклад ҳақида тўхталадиган бўлсак, кўп жиҳатдан курс ишига қўйилган талаблар билан бир хил ва шу тартибда ёзилади. Фақат илмий доклад танланган мавзунинг курс ишига қараганда ҳам чуқурроқ ўрганиши, далиллар, статистик маълумотлар тўплаши, улар асосида зарур иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш, уларни таҳлил қилиши хулоса чиқариши ҳамда ўз таклифларини баён қилиши билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, когнитив яъни билишнинг энг юқори баҳолаш даражасида фикр юритилади.

Иқтисодиёт назарияси барча мутахассисликлар бўйича ўрганилади. У олий маълумотли, малакали мутахассис тайёрлашда, барчанинг иқтисодий психологиясини, дунёқарашини, фикрлашини шакллантирадиган предмет сифатида, айниқса бозор иқтисодиёти шароитида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳам ёдда тутиши керак. Бошқа иқтисодий фанлардан илмий доклад тайёрлаганда назарий билимларни амалиёт билан боғлашга, иқтисодиётнинг бирон йўналиши бўйича, ундаги муаммоларни ўрганишини натижаси сифатида амалий тавсия, таклифлар берилиши керак.

«Махсус (иқтисодий) фанларни ўқитиш методикаси» фанидан доклад тайёрлаганда эса юқорида баён қилинганлардан ташиқари самарали дарс ўтиши методларини танлаш, уларнинг янги вариантларини топиши ва қўллашга ҳам эътибор бериши лозим.

Илмий доклад ёзиши қаттиқ мантиқий изчилликни, сабртоқат, тиришиқоқликни талаб қилади.

Талабаларнинг иқтисодий фанлардан мустақил ишини муҳим таркибий қисми сифатида **реферат** ёзиш борган сари кенг тадбиқ этилмоқда. Рефератни талабаларнинг илмий иш ёзиши, тадқиқот ўтказишини дастлабки шакли сифатида кўриши мумкин.

Реферат (лотинча *refereo* ахборот берялман) — бирор илмий асар, ўқилган китоб, мақола кабилар мазмунининг қисқача ёзма ёки оғзаки баёни, ўрганилган илмий масаланинг натижаси ҳақидаги ахборот, тегишли адабиёт ва бошқа манбалар обзорини ўз ичига олган маълум мавзудаги доклад.

Реферат одатда, илмий ахборот вазифасини ўтайди. Унда муайян мавзу билан биргалликда, тегишли илмий назариялар, хулосалар ёритилиши ва танқид қилиниши

мумкин. Илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртларида илмий докладлар сифатидаги рефератлар кенг тарқалган. Одатда талабаларнинг семинар машғулотларига тайёрлаб келадиган махсус ахборотлари ҳам реферат дейилади.

Реферат ёзиш билан талаба илмий адабиётлар билан ишлашни, статистик маълумотлар ва бошқа материалларни тўплаш, уларни қайта ишлаш, яъни ҳисоб китоб қилиш, таҳлил қилиш, ўрганилаётган ҳодисаларга танқидий кўз билан қарашни, баҳолашни, назарияни амалиёт билан боғлашни ўрганади.

Реферат мустақил ёзилиб, уни ёзиш қоидаларига амал қилинса, дарслик бўйича саволга тайёрланиб келиб, семинар дарсларда сўзга чиқишга қараганда катта фойда беради. Талаба рефератда билдирган ўз фикрини аудитория олдида ҳимоя қила олиши керак.

Реферат ёзиш формал бўлса қутилган натижани бермайди. Шунинг учун ўқитувчининг раҳбарлиги катта роль ўйнайди. Рефератларга қай даражада талаб қўйилади, шунга кўра уни муваффақиятли қўллаш мумкин ёки аксинча.

Шундай қилиб, реферат, курс иши, илмий доклад, бир томондан, илмий ишларнинг якуни сифатида, ўз устида ишлашлари, изланишларига яқун ясаса, иккинчи томондан, уларни янада янги ишларга рағбатлантиради, дунёқарабини ривожланиши, ўз фаолиятини аниқ мақсадга йўналтиришга, янада чуқурроқ билим олиш, ўз устида ишлашга, иқтисодий фикрлаш, илмий изланишга, фикрини мантиқий изчилликда ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда баён қилишга ўргатади.

4§. Талабалар вақтини тақсимлаш

Талабаларнинг мустақил ишларни бажариши бўли вақтни режалаштириши билан боғлиқ. Бунда дарсдан кейинги вақтни қандай ўтказишни режалаштириши муҳим роль ўйнайди.

Ақлий меҳнат қилиб чарчаганда кишининг мияси толиқади. Унинг психологиясига таъсир кўрсатади. Сурункали руҳан ва ақлан чарчаши жисмоний чарчашига қараганда кўпроқ соғлиқка салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун чарчаганда дам олиши керак. Ҳамма учун дам олиши тартиби бир хил бўлмайди. Бу ўзўзидан маълум. Ҳар бир талабанинг ўзи дам олиши ва ишлаш тартибини белгилайди. Лекин шунга қарамай ҳар бир талаба ёдида тутиши керак: аудиторияда дарс жадвали бўйича 6 соат ўқигач, маълум вақт мия дам олиши керак. Психология бўйича мутахассис олимларнинг фикрича камида 3 соат бошқа юмушлар билан шугулланиши, дам олиши, айниқса очиқ ҳавода сайр қилиши тавсия этилади. Дарс тайёрлаганда мустақил равишда адабиётлар билан ишлаганда ҳар бир ярим соатда 1015 минут дам олиши маслаҳат берилади. Энг яхши дам олиши шакллари бу ҳаракатга асосланган сайр қилиши, спорт билан шугулланиши, уй юмушларини бажаришидир. Ҳатто радио эшитаётган чоғда ҳам тик туриб ҳаракат қилиши, чуқур нафас олиши, дам олиши пайтида ўрганилаётган предмет ҳақида ўйламаслик керак.

Кўзлаган ишни бажаргандан кейинги дам олиши, ишни бажармай дам олишига қараганда кўнглироқ бўлади. Бунинг ёддан чиқармаслик керак. Чунки одам бажарилиши зарур бўлган ишнинг ташвиш юкидан халос бўлади!

Талабанинг соғлом бўлиши, тўғри камол топиши, кўп жиҳатдан қатъий кун тартибига амал қилиши, гигиена маданиятига боғлиқ, қатъий кун тартибига амал қилиши инсонни ритм билан бир зайлда ишлашга одатлантиради.

Кун тартибига риоя қилмаслик ёки унинг бутунлай йўқлиги (вақтида овқатланмаслик, етарлича ухламаслик, дам олмаслик ақлий ва жисмоний меҳнатнинг бетартиблиги) – буларнинг ҳаммаси аъзоибаданни бўшаштиради, тананинг бутун ҳужайраларини, хусусан, бош мия ҳужайраларини ишлашини ёмонлаштиради.

Кун тартибини режалаштиришда уйғониш вақти, эрталабки гимнастика, аудиторияда ўқиш вақти, кунига 34 марта овқатланиш, очиқ ҳавода бўлиш, ақлий меҳнатни жисмоний меҳнат билан алмашишини ҳисобга олиш зарур. Кундалик режим

бир қолипда бўлмаслиги керак. Талаба кундалик фаолиятини режалаштирар экан, албатта мустақил ишлашни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Талабалар мустақил ишларининг самарадорлиги вақт бюджетидан оқилона фойдаланишига боғлиқ. Бунда талабалар вақтдан фойдаланиш тажрибаларини ўрганиши, улардан келиб чиқиб, вақтини тақсимлаши зарур.

Талаба ёшларнинг мустақил мутолаа қилишлари учун замонавий кутубхона, ўқув заллари, компьютер марказлари, халқаро илмий ахборот марказлари бўлиши катта аҳамиятга эга.

Талабалар мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш, «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги Низом» асосида олиб борилади. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2005 йил 21 – февралдаги 34сонли буйруғи билан тасдиқланган «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги» Низомга асосан ишлаб чиқилган ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

Талабанинг мустақил иши ўқув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг таркибий қисми бўлиб, у услубий ва ахборот ресурслари жиҳатидан таъминланади ҳамда бажарилиши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қилинади.

5§. Битирув малакавий иши – якуний мустақил иш

Бакалавриат йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларнинг ўқув жараёни битирув малакавий иши ёзиш билан якунланади.

Барча таълим йўналишдаги битирувчи курс талабалари якуний босқич жараёнида битирув малакавий иши ёзиб, «Битирув малакавий ишлари (БМИ) ҳимояси бўйича Якуний Давлат Аттестация (Я.Д.А.) комиссиялари»да ҳимоя қиладилар.

Битирув малакавий ишини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган «Олий ўқув юртлирида бакалавр битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар»га риоя қилиниши керак.

Битирув малакавий ишни тайёрлаш талабаларда ўрганаётган муаммога иқтисодий ёндашиш, илмийметодик адабиётларни чуқур ўрганиш, ҳар тарафлама таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш ўз фикрини аниқ, асосли мантиқий изчилликда баён қилиш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалар чиқариш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишни ўрганишга йўналтирилган.

«Касб таълими» бакалавриат йўналиши талабалари мутахассислик «Махсус (иқтисодий) фанларни ўқитиш методикаси» фани асосида битирув малакавий ишлари ёзадилар.

Битирув малакавий иш тадқиқот элементлари билан амалий масала муаммоларни ечиш, билим ва кўникмаларини кенгайтиришга ҳамда ўқув юртини битиргач, ўқитувчи бўлиб ишлашга тайёргарликлари даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Битирув малакавий ишларда қуйидаги **вазифалар** бажарилади:

профессионал фаолиятнинг долзарб масалалари мустақил тадқиқ этилади;

ўрганилаётган масала, ҳодисалардаги янги тенденциялар аниқланади;

назарий билимлар мустаҳкамланади ва ривожлантирилади;

мураккаб масала, саволларни тадқиқот элементларини қўллаб, ечимини топишга ўрганилади;

иқтисодий фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали дарс ўтиш методлари аниқланади;

Ўрганилаётган мавзу бўйича назарий ва амалий дарс ўтиш ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

**Битирув малакавий
ишларга
қўйиладиган**

Касб таълими йўналишидаги талабаларга битирув малакавий ишларини бажариш анчагина мураккаб, қийин иш.

ар ўтиладиган фан бўйича мавзунини чуқур билишлари, ҳар қандай саволга ҳозиржавооб бўлишлари, фандаги янгиликлар, унга эътибор бериладиган ва ҳали ўрганилиши, тадқиқ этилиши зарур бўлган масалалардан хабардор бўлишлари зарур. Ҳамда ана шу билимларни ўрганиш, қандай йўл билан, қайси методлар ёрдамида талабалар онгига етказиш, пухта ўзлаштиришларини таъминлаш йўллари ҳам ўрганишлари ва уларнинг барчасини битирув малакавий ишда акс эттиришлари лозим.

Битирув малакавий ишда талабанинг фанни назарий жиҳатдан қай даражасида ўзлаштиргани, назарий умумлаштириши, амалий хулосалар чиқариши, зарур ахборотни қидириш, танлаш, уларни қайта ишлаш ва маълум тартибга солиш, матнда ифодалашни уйдасидан қай даражада чиққани акс этади.

Битирув малакавий ишга қўйиладиган асосий талаб тадқиқот материали мазмунининг илмий жиҳатдан юқори даражада асосланганлиги, ишончлилиги, объективлилигини таъминлашдир.

Битирув малакавий ишга тайёргарлик тартиби

Талабаларга кафедра томонидан тасдиқланган битирув малакавий ишлар рўйхатида кўрсатилган мавзуларни эркин танлаш ҳуқуқи берилади. Баъзида талаба ўзининг вариантини ҳам таклиф қилиши мумкин. Лекин у тасдиқловчи материалларга асосланган ва долзарб масала бўлиши керак.

Битирувчи талабалар иш мавзусини танлашларида кафедра томонидан маслаҳат уюштирилади.

Битирув малакавий ишларни танлашда талабалар бажарган курс ишлари, илмий доклад мавзуларига яқин ёки улардан келиб чиққан ҳолда ёки келажакда ишламоқчи бўлган битирув олди амалиётини ўтадиган ўқув юртининг таклифи билан мавзу танлашлари, бошқача айтганда, бошлаган илмий ишларини давом эттиришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Мавзулар ўқув режаси ва келгусида олиб бориладиган амалий фаолиятнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади. Битирув малакавий ишни ёзиш учун танланган фаннинг асосий мазмунидан ва уни ўрганишдан қўйилган мақсадга мос бўлиши кўзда тутилади.

Танланган мавзунини расмийлаштириш учун талаба кафедра мудирини номига ариза ёзиши керак. Талабаларга раҳбар ва мавзуларни бириктириш III курсда, ўқув йилининг охирида, узоғи билан IV курс янги ўқув йилининг бошида амалга оширилади.

Битирув малакавий ишлар мавзуларини илмий раҳбарларга бириктириш институт ректорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Талаба мавзуни олгач:

1. Раҳбар билан муҳокама қилиб, уни қай даражада ўрганилгани, қандай тажрибалар мавжуд, зарур манбалар бормийўқми аниқланиши, йўналтирувчи материаллар йиғилиши керак.

2. Ўрганилаётган мавзу бўйича адабиётлар танлаш, уларни таҳлил қилиш, зарур далиллар, статистик маълумотлар тўплаш улар билан танишиш, саралаш зарур.

3. Битирув малакавий ишнинг мақсади, вазифалари ва концепциясини ишлаб чиқиб, уни раҳбар билан муҳокама қилиш.

4. Ишнинг дастлабки кенгайтирилган режасини тузиб, уни раҳбарга кўрсатиши зарур. Раҳбар билан муҳокама қилиб, келишган ҳолда режани камчиликлари тuzатилади.

5. Тўпланган материаллар умумлаштирилади, дастлабки матн тайёрланади.

6. Раҳбарга ишнинг мазмуни таништирилади, сўнгра у кўрсатган камчиликлар устида ишланади.

7. Камчиликлар ҳисобга олинган ҳолда тайёрланган иш қайта раҳбарга кўрсатилади ва унинг розилиги билан оққа кўчирилади.

8. Битирув малакавий ишининг матнини қўйилган талаблар бўйича ёзиб, ҳимояга тахт қилинади.

9. Раҳбарнинг хулосаси ва ташқи тақриз олинади.

10. Иш кафедра томондан тузилган комиссияда дастлабки ҳимоя қилинади.

11. БМИ якуний давлат аттестация комиссиясида ҳимоя қилинади.

Битирув малакавий ишларнинг мазмуни ва таркиби

Битирув малакавий ишининг асосий мазмуни танланган мавзуни тўла акс эттириши лозим. Битирув малакавий ишининг режаси мавзуни, унинг асосийсаволлари керак. Ишнинг таркиби кириш, икки ёки уч боб, параграфлар, хулоса (хулоса ва таклифлар), фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат бўлиб, асосий бўлим (боб)лар номи мавзунинг номини такрорламаслиги керак).

Режани қуйидагича тузиш мумкин:

«Акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби» мавзусида дарс ўтиш методикаси.

Режа:

Кириш

I боб. «Акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби» мавзусида дарс ўтишнинг назарий масалалари.

1.1. Акциз солиғини солиқ тизимида тутган ўрни ва уни ўрганишнинг мақсади, вазифалари

1.2. Акциз солиғининг базасини аниқлаш ва тўлаш тартибини ўрганишнинг ўзига хос жиҳатлари

II боб. Мавзу бўйича дарс ўтишда интерактив методларни қўллаш.

2.1. Дарс ўтишда интерактив методларни қўллаш зарурияти.

2.2. Мавзуни ўрганишда қўлланиладиган асосий интерактив методлар.

III боб. Мавзу бўйича дарс ўтиш методларини танлаш ва уларни такомиллаштириш

3.1. Мавзу бўйича дарс ўтишнинг самарали методларини танлаш мезонлари

3.2. Дарс ўтишда интерактив методларни қўллашнинг муаммолари.

3.3. Мавзу бўйича дарс ўтиш методларини такомиллаштириш.

Хулоса ва таклифлар.

Адабиётлар рўйхати.

Иш камида олти параграфдан иборат бўлиши, мавзу икки ёки уч бобни қамраб олиши керак.

Битирув малакавий ишида иқтисодий ҳисобкитоблар, жадвал, диаграмма, чизма, график ва бошқалар келтирилиши керак.

Битирув малакавий иши ҳажми турли жадвал, схема, график, адабиётлар рўйхатини ҳисобга олган ҳолда қўлёзма матни стандарт формада 7075 бет бўлади.

Сарварақдан сўнг мундарижа келтирилади. Мундарижада ишнинг таркиби бўйича ҳар бир бўлим, параграфлар бетлари билан кўрсатилади.

Асосий бўлимлар мазмуни:

Кириш:

Киришда танланган мавзунинг аҳамияти, унинг долзарблиги, қисқача мазмунини ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти, эришилган натижалар ва унинг аҳамияти кўрсатилади. Мазкур мавзунинг моҳиятини кўрсатиш билан ўтказиладиган тадқиқотга қисқача характеристика берилади.

I боб. Бу бобда мавзу назарий жиҳатдан асосланиб берилади. Мавзуни ўрганишдан қўйиладиган мақсад, ўқувчиталабалар мавзуни ўрганиш натижасида қандай кўникмаларга эга бўлиши керак? Қандай масала, муаммоларга диққат қилиш кераклиги назарий жиҳатдан асослаб берилади.

II боб. Бу қисмда мавзу талабаларга қандай етказилиши, унинг мазмунини англаб, пухта ўзлаштиришлари учун қандай методлар танлаш лозимлиги, методлар дарс бериш шаклларига кўра маъруза, амалий дарсда қандай қўлланиши масалалари тадқиқ этилади. Аввалги бобдан келиб чиқиб, ўрганилаётган мавзунинг қандай алоҳида томонлари бор, уларни қандай методлар, воситалар ёрдамида ўрганиш мумкинлигини асослаб берилади.

III бобда дарс ўтишнинг самарали методлари, воситаларини танлаш, уларни такомиллаштириш йўллари ёритилади. Бунда битирув олди амалиёти жараёнида турли методларни қўллаб, олинган натижалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса.

Битирув малакавий ишнинг хулоса қисмида олиб борилган изланишга яқун ясаб, ишнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда хулосалар чиқарилади, ҳамда фанни, мавзуни пухта ўзлаштиришни таъминлаш, ўқувчи талабаларни мустақил фикрлаш, таққослаш, қарор қабул қилишга ўргатиш нуқтаи назаридан дарс бериш методларини, ўқув жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилади.

Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанидан БМИ ёзиш, бошқа мутахассислик фанларидан ёзишга қараганда анча мураккаб, сабаби, **биринчидан**, талаба фанни, мавзуни чуқур билиши, янгиликлардан хабардор бўлиши; **иккинчидан** эса, ана шу мавзу саволларини дарс жараёнида талабалар онгига қандай методлар ёрдамида етказишни ҳам удаллаши ва уни битирув малакавий ишда ифодалаш зарур.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

Бу рўйхатда малакавий иш ёзиш жараёнида фойдаланилган барча адабиётлар ва бошқа манбалар санаб ўтилади.

Адабиётлар рўйхати ёзганда талабалар кўпинча унинг қандай тартибда жойлаштиришга, уни тўғри тўлдиришга қийналишади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхатини тузишда уни бир неча шартли гуруҳга бўлган маъқул.

Ўзбекистон Республикасининг қонуний ҳужжатлари ва материаллари:

- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва расмий ҳужжатлари;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари;

- Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрийҳуқуқий ҳужжатлари.

Махсус адабиётлар:

- * дарсликлар;

- * ўқув кўлланмалар;
- * илмий монографиялар;
- * докторлик, номзодлик диссертациялари;
- * илмийамалий анжуманлар маърузалари тўпламлари;
- * газета ва журнал мақолалари;
- * статистик маълумотлар;
- * нашр этилган манбалар (статистик маълумотлар);
- * нашр этилмаган манбалар.

Интернет сайтлари.

Махсус адабиётлар: дарсликлар, ўқув кўлланмалари, олимларнинг асарлари, монографиялари, ва бошқа манбалар, жумладан, таржима қилинган адабиётлар, журнал ва газеталар мақолалари алфавит кетмакетлигида бериллади.

Муаллиф (ёки муаллифлар) исмишарифлари, китоб, мақола номи, нашриёт номи, нашр қилинган йили кўрсатилади.

<p>Битирув малакавий ишни расмийлаштириш ва</p>
--

дан 1

Қабул қилинган қоидага мувофиқ БМИ стандарт АИ форматли оқ қоғозга ёзилади. Матн қоғознинг чап томонидан 30 мм. юқоридан 20 мм., ўнг ёзилади. Ҳар бир варақда 28 сатрдан кам бўлмаслиги лозим.

Боб ва параграф сарлавҳалари асосий матндан юқоридан 1 сатр бўш жой ташлаб ажратиб ёзилади. Агар улар матнни ўртасида бўлса, ёзилаётган параграф тугагач (юқоридан) 2 сатр бўш жой ташлаб матндан ажратиб ёзилади.

Саҳифалар, сарварақ (титул варағи), мундарижа (режа)дан сўнг, киришдан 3 бетдан бошлаб рақамланади (номерланади).

БМИда сатр боши (абзац)ни ажратиб кўрсатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир сатр боши муаллифнинг янги фикр бошлаганини кўрсатади. У матнда доимо бир хилда 3 ёки 5 ҳарф ҳажм чапдан бўш жой ташлаб бошланиши керак.

БМИда муаллиф томонидан ўз фикрини, кўрилаётган масалани қонунқоида ва бошқаларни ишончилигини тасдиқлаш мақсадида иқтибос(цитата) келтирилса, у албатта олинаётган манбадагидек бўлиши керак. Одатда, матнда иқтибос қўштирноқ ичига олинади. Ҳамма иқтибосларнинг манбаи келтирилади. Манбалар саҳифанинг охирида, матн орасида ёки матн охирида алоҳида саҳифада кўрсатилиши мумкин. Одатда, саҳифа охирида ёки матн охирида алоҳида саҳифада кўрсатишдан фойдаланилади. Кўпроқ манба саҳифа охирида кўрсатилади.

Жадваллар, чизма, график, расм, ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисобидан тўлдирилиши лозим бўлган шакл (форма)лар асосини матнда ҳам, иловада ҳам араб рақамлари билан ёзилади. Улар номланиши, манбаси кўрсатилиши зарур. Агарда у талаба томонидан тайёрланган бўлса, манбага муаллиф томонидан бажарилган деб ёзиши зарур.

Битирув малакавий иши мавзусининг режаси, мазмуни, материални баён қилиш услуби, тили, иқтибосларнинг манбаини кўрсатилиши, фойдаланилган адабиётлар ва иловаларни расмийлаштириш талабига жавоб берадиган бўлгач, раҳбар унга ўз хулосасини ёзиб беради. Агар талабга жавоб бермаса, камчиликларини тўғрилаш учун қайтарилади.

Битирув малакавий иши тайёр бўлгач, талаба хулоса ёзиш учун илмий раҳбарга беради. Илмий раҳбар унга хулоса (23 бет) ёзиб беради.

Илмий раҳбар хулосаси ишнинг расмий характеристикаси ҳисобланади. Хулосада раҳбар асосий диққатни талабанинг ишида мавзу саволларини қанчалик чуқур ўрганилгани, қўйилган талабларга жавоб бера олиши ва ҳимояга қўйилиши мумкинлигига қаратиши керак.

Раҳбар ишнинг тайёрлигига амин бўлгач, иш китоб тарзида тикилади.

Иш ташқи тақризга берилади. Олинган тақриз ижобий бўлса, раҳбарнинг ёзма хулосаси билан биргаликда кафедра раҳбарига топширилади. У тақризни кўриб, ишни ҳимояга қўйиш ёки қўймаслик масаласини ҳал қилади.

Битирув малакавий ишини ҳимояга қўйишқўймаслик тўғрисидаги масала талаба билан бирга кафедра йиғилишида кўриб чиқилади ва кафедра йиғилиши баённомасида тасдиқланади. Ўз вақтида битирув малакавий ишини тайёрламаган талабалар ҳимояга қўйилмайди. Дастлабки ҳимояни муваффақиятли ўтказган талабанинг иши Якуний Давлат Аттестация комиссиясининг йиғилишида умумий ҳимоя қилиш учун қўйилади.

Битирувчи талаба ҳимоя кунига қадар Якуний Давлат Аттестация комиссияси йиғилишига нима сабабдан айнан ана шу мавзунини танлагани, унинг долзарблиги, ишнинг қисқача мазмуни ҳақида 710 дақиқалик маъруза тайёрлайди. Битирув малакавий иш ҳимоясида тайёрланган жадваллар, чизмалар ва бошқалардан кенг фойдаланиш кўзда тутилади.

Маъруза жараёнида ишнинг мазмуни очиқ берилади, натижалари кўрсатилади. Қўйилган саволларга жавоблар берилади.

Талаба БМИни ҳимоясини мультимедиа асосида тақдимот тайёрлаш тарзида ўтказиши ҳам мумкин.

Ҳимоя давомида комиссия раиси ва аъзолари битирув малакавий иш юзасидан, раҳбарнинг хулосаси ва тақризига оид саволлар ҳам беришлари мумкин. Талаба уларга аниқ, пухта, ишончли жавоб беришга тайёр бўлиши лозим.

Талаба томонидан тайёрланган битирув малакавий иши Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган «Олий ўқув юртларида бакалавр битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талабалар» асосида ишлаб чиқилиб, институт илмий кенгаши томонидан тасдиқланган, «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги Низом»га кўра қуйидагича баҳоланади:

Битирувчи _____

БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ		
1.	Танланган мавзунинг долзарблиги, тузилган режанинг мазмунан тўлиқлиги, битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифаларини аниқ кўрсатилганлиги.	15 балл
2.	Режада берилган саволларнинг матнда акс эттирилиши, битирув малакавий ишини талаб даражасида расмийлаштирилиши.	5 балл
3.	Мавзунини ёритишда, уни ўрганилганлик даражасини таҳлил қилишда, чет эл ва республикада нашр этилган адабиётлардан фойдаланиш даражаси.	10 балл
4.	Мавзу бўйича келтирилган жадвал маълумотларидаги кўрсаткичларнинг охириги йилларни қамраб олинганлиги, таҳлил қилиш бўйича иқтисодий усулларни билиши.*	15 балл
5.	Мавзу юзасидан республикамиздаги ва хорижий мамлакатлар тажрибасининг ўрганилганлик даражаси ва уни татбиқ этиш юзасидан берилган таклифлар.	15 балл
6.	Мавзу бўйича қилинган хулосалар, берилган таклифларнинг илмий ва амалий жиҳатдан асосланганлик даражаси.	10 балл
7.	Матнда, келтирилган манбаларнинг адабиётлар рўйхатига мослиги, улардан ўз ўрнида фойдаланилганлик даражаси.	10 балл
8.	Битирув малакавий иши мавзусини ёритиб беришда, уни ҳимоя қилишда кўргазмаларни маълумотлардан, илғор ахборот ва педагогик технологиядан фойдаланиш даражаси.	10 балл

9.	Битирув малакавий иши чет тилида талаб даражасида бажарилиши ва ҳимоя қилиниши.	10 балл
Жами		

* «Касб таълими» бакалавриат йўналиши талабалари дарс ўтиш методларини қай даражада билишлари ва мавзу бўйича қўллашни акс эттирганликлари ҳисобга олинади (Изоҳ, муаллифники)

Талаба томонидан бажарилган битирув малакавий иши юқорида келтирилган мезонлар асосида баҳоланиб, қуйидагича табақалаштирилади:

- 55 баллгача – «қониқарсиз» баҳо;
- 56 баллдан – 70 баллгача «қониқарли» баҳо;
- 71 баллдан – 85 баллгача «яхши» баҳо;
- 86 баллдан – 100 баллгача «аъло» баҳо.

Битирув малакавий иш ҳимоясининг натижаси Яқуний Давлат Аттестация комиссияси томонидан эълон қилинади.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Мустақил ишлар, мустақил ишнинг мақсади, мустақил ишнинг вазифалари, мустақил ишни ташкил этиш принциплари, мустақил ишнинг шакллари, курс иши, илмий доклад, реферат, битирув малакавий иши

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Ўқув жараёнида мустақил ишларнинг тутган ўрни қандай?
2. Нима сабабдан мустақил таълимга алоҳида эътибор қаратилаяпти?
3. Мустақил таълимнинг асосий мақсади нима? У қандай вазифаларни бажаради?
4. Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишнинг қандай асосий принципларини биласиз?
5. Курс иши, илмий доклад, реферат ва бошқа мустақил ишларни бажариш, сизнингча, қандай аҳамиятга эга?
6. Талабалар вақтини самарали тақсимлаш деганда нимани тушунаси?
7. Битирув малакавий иши ва уни бажаришга қўйилган талабларни биласизми? Сиз уларни кўнгилдагидек бажара олишга ишончингиз комилми?

XVIII боб. ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ

1§. Ўқув жараёнида назоратнинг ўрни ва роли, назорат шакллари

Ўқувчиталабалар билимини, мунтазам баҳолаш уларни предметни ўрганишга ундайди. Баҳолашнинг адолатли бўлиши ва билимига кўра табақаланиши, уларни предметни пухта ўзлаштириш учун интилишга олиб келади

Ўқувчиталабалар билимини синаш ва баҳолаш орқали:

1. Баҳолаш жараёнида талабалар фан бўйича нималарни билиши, қандай саволларни чуқурроқ ўрганиши зарурлиги, заиф жиҳатлари аниқланади.

2. Ўқитувчи талабаларнинг билимини баҳолаш жараёнида қандай савол, масалаларни ўзлаштиргани ҳақида ахборотга эга бўлади.

3. Отаоналар фарзандларининг мувафақиятлари ҳақида ахборот олишади.

4. Ўқитувчи ва ўқув юрти маъмурияти ўқувчиталабалар билимини баҳолаш орқали уларни курсдан курсга кўчириш ҳақида қарор қабул қилишади. Ўқувчиталабалар билимини синаш ва баҳолаш ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлиб, уни амалга оширишнинг қатор тамойиллари мавжуд. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг асосий тамойиллари:

барча талабаларни жалб этиш;

дастур материалларини тўла қамраб олиш;

талабаларга табақали ёндашиш;

талабалар билимини адолатли баҳолаш;

мунтазам тарзда назорат ва баҳолашни амалга оширишга риоя қилиш, уларни ўз устида тинимсиз ишлаш, ўқиш, ўрганишга ундайди.

Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашга замон талабидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш талаб этилади.

Ҳозирги пайтда талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш, унинг барча тамойилларини назарда тутган ҳолда таълим тизимидаги мамлакатимиз ва чет эл педагоглари тажрибаси асосида ишлаб чиқилган рейтинг (инг. Rating – индивидуал сон, миқдор кўрсаткичи маъносида ишлатилади) тизими қўлланилмоқда.

Рейтинг, биринчидан, талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш жараёнини характерловчи тизим. Иккинчидан, талабанинг олган билимини ўзлаштириш даражаси, баҳосини ифодалашнинг усули.

«Олий таълим муассасаларида талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида муваққат Низоми» бўйича рейтинг тизимини қўллаш орқали талабаларни ўқитилаётган фанларни чуқур эгаллаш, топшириқларни бажаришга ижодий ёндашиш, адабиётлар устида мунтазам ишлаш, дарсларга фаол қатнашишларини таъминлаш бўлса, иккинчи томондан, профессорўқитувчиларни маъруза, амалий машғулотларга пухта тайёргарлик кўриш, дарс ўтишнинг турлитуман услубларини қўллаш, талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда масъулиятларини оширишдир. Буларнинг барчаси эса **рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш**га эришишга қаратилган.

Талабанинг фан бўйича ўзлаштиришини баҳолаш семестр, ўқув йили давомида мунтазам равишда олиб борилади.

Талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириши, баҳолашнинг қуйидаги турлари орқали амалга оширилади:

жорий баҳолаш (ЖБ)

оралиқ баҳолаш (ОБ)

яқуний баҳолаш (ЯБ)

Жорий баҳолашда фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича талабанинг ўзлаштириши аниқлаб, баҳолаб борилади. У одатда семинар дарслари, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари жараёнида амалга оширилади.

Оралиқ баҳолаш семестр, ўқув йили давомида фаннинг бир неча мавзуси, қисми, бўлими бўйича назарий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ўтказилади. Унда муайян савол, муаммо, тест, масаламашқ ва бошқалар ёрдамида талабанинг мавзуни ўзлаштириш даражаси, қобилияти, маҳорати аниқланади ва баҳоланади.

Якуний баҳолашда, фаннинг семестр ёки ўқув йили давомида ўтилган ҳажми доирасида талабанинг фанни ўзлаштириш даражаси баҳоланади. Якуний баҳо турига ажратилган баллар миқдори, ўқув режасида фанга семестр ёки ўқув йили учун ажратилган соатнинг 15 фоизи миқдорида белгиланади.

Фан бўйича ЖБ ва ОБ турларида талаба тўплаши мумкин бўлган максимал рейтинг баллнинг миқдори, ўқув режасида фанга семестр ёки ўқув йили учун ажратилган соатнинг 85 фоизи миқдорида белгиланади. Талаба ўрганаётган фани бўйича максимал баллнинг камида 55 фоизини тўлаган бўлиши керак. Ундан кам балл тўлаган талабанинг фанни ўзлаштириши қониқарсиз деб ҳисобланади.

Семестр давомида фанлар бўйича тўпланган баллар максимал баллнинг:

86 – 100 фоизини ташкил этса, “аъло”;

71 – 85 фоизини ташкил этса, “яхши”;

56 – 70 фоизини ташкил этса, “қониқарли”;

55 фоиздан кам бўлса “қониқарсиз” баҳоланади.

2§. Талабалар билимини синаш ва баҳолаш усуллари

Талабалар билимини синаш ва баҳолашда қандай усулни танлаш, ўтиладиган фан, қўйилган мақсад, ўқитувчининг танлови кабиларга боғлиқ.

Талабалар билимини баҳолашда тест муҳим ўрин тутди. Тестлар талабалар билимини баҳолаш, билим олишга кўмаклашишдан ташқари масала ечиш, реферат ёзиш ёки саволга оғзаки ёки ёзма жавоб ёзиш кабилардан қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради.

Тестлар талабалар билимини назорат қилишнинг объектив усули ҳисобланади, сабаби унда ўқитувчи билан талаба ўртасида вужудга келган муносабатлар ҳеч қандай роль ўйнамайди ва талаба билимини баҳолашга таъсир этмайди.

Тестларни якуний назоратдан ташқари мавзуни бошлашдан аввал ҳам, жорий ва оралиқ назоратда ҳам қўллаш мумкин.

Мавзу бўйича дарс ўтишдан аввал қўлланилган претестлар талабалар диққатини шу тестдаги асосий хатоларга, ўрганиладиган категорияларга қаратиш имконини беради. Претестда унга таниш бўлмаган ғоя, тушунча, гоҳида алоҳида сўз билан тўқнаш келиб, уларни мустақил ўрганишга ҳаракат қилади. Улар талабани мустақил ишлашга ундайди, йўлланма беради.

Оралиқ тестлар дарсни ўзлаштириш жараёни қандай кечаётганини назорат қилиш имконини беради. Оралиқ тестларнинг натижасини муҳокама қилиш жараёнида фандаги асосий тушунчаларни самарали такрорлаш ва хотирада сақлаш имкони вужудга келади. Тестлар талабалар билимини бутун дастур бўйича, шунингдек, тор танлаш доирасида ёки алоҳида аҳамиятга эга, ёхуд анъанавий ўзлаштириш қийин тушунча, мавзулар бўйича назорат қилиш, баҳолаш имконини беради.

Тестлар талабалар билимини тез текшириш имконини беради. Бу, айниқса, оралиқ тестлар ўтказиш учун қулай, чунки тест жавобларига кўра ўқитувчи дастур бўйича ўз ишини, дарс ўтиладиган саволларни кўриб чиқади, келгусида дарс ўтишда қайси саволларга аҳамият беришни мўлжаллайди. (XI бобга қаранг)

Тестлар талабалар билимини синаш ва баҳолашда қатор афзалликларга эга бўлиш билан биргаликда, камчиликлари ҳам бор. Тест саволларини тузиш кўп меҳнат, вақт талаб қилади. Шунинг учун кейинги пайтларда ўқитувчилар кўпроқ тайёр тест саволларидан фойдаланишмоқда. Тестнинг яна бир камчилиги, таваккал қилиб жавоб топишнинг мумкинлигидир.

Иқтисодий фанлар, маълумки, иқтисодий мантиқий фикрлашга ўргатибгина қолмай, ўз фикрини атрофдагиларга тушунтириш, ўртоқлашиш, нутқ сўзлаш, илмий мунозаралар олиб бориш, бошқа кишиларни фикрини танқидий нуқтаи назардан баҳолашга ҳам ўргатиши керак. Тестлар эса бундай имкониятга эга эмас.

Талабалар билимини синаш ва назорат қилишда масала, машқлардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Масала – машқлар талабанинг билимини кенг қўламда текшириш, олган назарий билимини реал ҳаётда қўллаш билиш имконини очиб беради. Ўрганилаётган саволни моҳиятини талаба тушунгани ёки тушунмаганини аниқлайди.

Бу усулнинг ҳам ўзига хос камчиликлари бор. Биринчидан, талабани ҳисоблаш билан бирга кенг мушоҳада юритишга йўналтирувчи масаламашқлар тузиш осон эмас. Иккинчидан, талабалар ҳисобкитобга ҳаддан зиёд берилиб кетиб, назарий жиҳатдан таҳлил қилишга кам эътибор қаратишади. Учинчидан, масаламашқлар тор доирадаги саволларни қамраб олади.

Талабалар билимини синаш ва баҳолашнинг кейинги пайтда кенг қўлланилаётган усуллари билан бири ёзма иш ёзишдир. Унинг афзаллиги шундаки, ёзма иш учун саволлар осон тузилади. Талабаларни ўз фикрларини ижодий равишда баён қилишлари учун катта имконият мавжуд. Ундан ташқари таваккал қилиб, жавоб бериб бўлмайди.

Талабалар билимини синаш ва баҳолашда ёзма иш ёки эссе ёзишдан фойдаланиш мумкин.

Ёзма ишнинг камчилиги уни ўқиб чиқиш учун кўп вақт талаб қилинади. Баҳолаш қийин. Кўп саволларни қамраб олмайди. У эссе тарзида ёки таянч ибора, атамалар асосида ёзма топшириқ тарзида бўлиши мумкин.

Эссе ёки ёзма топшириқ берилар экан, ҳар бир талабанинг ишини объектив баҳолаш учун баҳолашнинг мезонларини ишлаб чиқиш керак. Бу мезонларда талабаларнинг иши балл бўйича қандай баҳоланиши кўрсатилади.

Ёзма ишни баҳолашда икки хил ёндашиш мавжуд. Биринчиси, рейтинг усулидан фойдаланиш. Бу усулда ишнинг умумий сифати қизиқтириб, айрим томонларига эътибор бериш зарурияти йўқ бўлса, қўл келади. Одатда, бу усул кўпроқ таянч ибораларга асосида ёзиладиган якуний назорат ишида қўлланилади. Ёзма иш сифатига кўра иш 35 категорияга бўлинади. Сўнгра улар ишнинг сифатига кўра табақалаштириб баҳоланади. Ўқитувчи ёзма ишни талабаларга қандай мезонга кўра баҳоланишини тушунтириши керак.

Ёзма иш ўқув йилининг охирида якуний баҳолаш учун ўтказилиб, кўп вариантли усулда қўлланилади. Ҳар бир вариантда асосий савол ва таянч тушунчалар бўлиб, уларга алоҳида жавоб ёзилади.

Қўйилган саволга тўғри ва тўла жавоб ёзилса, саволнинг моҳияти, мазмуни ёритилиб, бошқа иқтисодий ҳодиса, жараёнлар билан боғлаб, ҳаётий мисоллар билан бойитилиб, изчил, мавжуд адабиётларда ёритилишига баҳо беришга интилса, мантиқий яхлитликка эришилса, талабага якуний назорат учун ажратилган максимал баллнинг 86 – 100 фоизи даражасида баҳоланади.

Берилган саволга тўғри жавоб ёзилса, қўйилган саволларнинг мазмуни, сабаблари очиб берилса, бошқа иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар билан алоқадорлиги, боғланишлари кўрсатилса, ҳаётий мисоллар билан асосан тўғри ёритилса, лекин таъриф беришда ва ҳаёт билан боғлашда айрим ноаниқликларга йўл қўйилса, якуний назорат учун ажратилган максимал баллнинг 71 – 85 фоизи даражасида баҳоланади.

Қўйилган саволга асосан тўғри жавоб ёзилса, бироқ масаланинг моҳияти, мазмуни, бошқа ҳодиса ва жараёнлар билан алоқадорлиги тўла ёритилмаса, ҳаётий мисоллар келтирилмаса ёки қисман келтирилса, бундай иш максимал баллнинг 56 – 70 фоизи даражасида баҳоланади.

Берилган саволга жавоб ёзилмаса, нотўғри ёки юзаки жавоб ёзилса, унинг мазмуни, сабаблари, бошқа иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар билан алоқадорлигини баён қилишда, ҳаётий мисоллар келтиришда чалкашликларга, хатоликларга йўл қўйилса, иш якуний назоратга ажратилган максимал баллнинг 0 – 55 фоизи даражасида баҳоланади.

Иккинчи ёндашишдаги баҳолаш мезонида, ишнинг сифати аввалдан ишлаб чиқилган баҳолаш стандарти бўйича амалга оширилади. Бу усул рубрикациялаш дейилади. Бунда мезонлар алоҳида рубрикатларга бўлиниб, ҳар бири қанча балл билан баҳоланиши кўрсатилади. Ишни баҳолашда рубрикация жадвалидан фойдаланилади. Бундй ёндашиш кўпроқ эсселарни баҳолашда қўлланилади.

Талабаларни аввалдан уларнинг иши қандай баҳоланиши билан таништириб чиқиш мумкин. Бу уларга ишни ёзишда мўлжал бўлади. Юқори балл олиш учун нима қилиш керак, ишни қандай ёзиш зарурлигини аввалдан чамалаш имконини беради.

Рубрикация жадвали

Мезонлар	Балл
Асосий ғоялар мазмуни аниқ баён қилинган. Муаллиф мантикий изчилликда ўз фикрини усталик билан баён қилган. Ҳаётдан мисоллар келтирилган. Иш тушунарли тил билан ёзилган. Статистик маълумотлардан фойдаланилган. Луғавий захирага бой. Иш грамматик қоидаларга амал қилинган ҳолда ёзилган. Муаллифнинг билимли экани кўриниб турибди.	5
Асосий ғоя, мазмун асосан очиб берилган. Фикр етарли даражада изчилликда баён қилинган. Фикр юритиш тўғри. Сўзлар, иборалар тўғри танланган ва ифодаланган. Матнда минимал даражада хатоликлар бор.	4
Асосий ғоя, саволнинг мазмуни ноаниқ баён қилинган. Тўпланган материал, ахборотни баён қилишда изчиллик йўқ. Сўзлар, иборалар нотўғри танланган. Гаплар нотўғри тузилган, хатолар кўп.	3
Асосий ғоя, мазмун, саволга жавоб йўқ. Фикр узилибузилиб, боғланмаган тарзда баён қилинган. Ишнинг тили муаллифни саводсизлигини кўрсатиб турибди.	12
Иш ўзининг мавзуси эмас ёки ўқиб бўлмайди.	0

Талабалар билимини баҳолашда анъанавий оғзаки **саволжавоб, суҳбат** ҳам ўзига хос ўрин тутаяди. Бунда талаба билан жонли мулоқот олиб борилади. Талаба ўз фикрини ўртоқлашиш, бошқаларнинг нуқтаи назарини таҳлил қилиш учун катта имкониятга эга. Лекин бу усулда субъектив омил асосий ўринда туради.

Талабалар билимини синаш ва баҳолашни ижодий топшириқ бериш, танлов ўтказиш ва уни баҳолаш тарзида ҳам қўллаш мумкин. Бу талабаларга кенг имкониятлар беради. Улар ўз қобилиятларининг турли қирраларини очадилар. Чунки бундай номерларни тайёрлаш талабалардан топқирлик, фантазия, юморни илғаш хислатлари ва бошқаларни талаб қилади. Уларни ҳамма мавзулар учун қўллаб бўлмайди. Уларни тайёрлаш учун ниҳоятда кўп вақт талаб қилинади. Натигада кўзланган мақсадга эришмаслик мумкин. Баҳолаш қийин. Талабалар ўртасида сифат жиҳатдан фарқни илғаш қийин.

Баҳолашнинг турли типларини таққослаш

ТОПШИРИҚ ТУРЛАРИ	АФЗАЛЛИКЛАРИ	КАМЧИЛИКЛАРИ
МАСАЛА, МАШҚЛАР	Балда баҳолаш осон. Талабалар билимини реал ҳаётда қўллаш билишини, кўникмаларини текшириш, аниқлаш мумкин.	Яхши масаламашқларни ўйлаб топиш, тузиш осон эмас. Талабалар ҳаддан ташқари ҳисобкитобга берилиб кетиши мумкин. Тор доирадаги саволлар қамраб олинади.
ЭССЕ УЧУН САВОЛ, МАВЗУ	Саволларни тузиш осон. Талабалар ўз фикрини баён	Жавобларни текшириш учун кўп вақт кетади. Баҳолаш

<p>БЎЙИЧА ТАЯНЧ ИБОРАЛАР АСОСИДА САВОЛЛАР ТЕСТЛАР</p>	<p>қилиш учун кенг имкониятга эга. Таваккал қилиб жавоб топиб бўлмайди.</p> <p>Бутун дастур бўйича ёки алоҳида мавзуларни қамраб олиши мумкин. Талабалар билимини тезда текшириш мумкин. Талабалар билими объектив баҳоланади.</p>	<p>қийин.</p> <p>Таваккал қилиб жавоб топиш мумкин. Тест саволларини тузиш кўп меҳнат ва вақт талаб қилади. Талабани ўз фикрини билдириш имконияти йўқ.</p>
<p>ИЖОДИЙ ТОПШИРИҚ</p>	<p>Фикр юритишнинг энг юқори даражасига етишга йўналтирилган бўлиши мумкин. Асосий диққат билимни амалиётда қўллашга қаратилади. Талабаларга ижодий мустақиллик беради, олган билимининг турли туман қирраларини намоён қилади.</p>	<p>Ҳамма концепция, мавзулар учун ҳам қўллаб бўлмайди. Кутилган натижани бермаслиги мумкин. Баҳолаш қийин. Кўп вақт кетади. Талабалар ўртасидаги фарқни аниқлаш қийин.</p>

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 30 сентябридаги буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида муваққат Низом»да белгиланганидек, талабалар билимини баҳолашда қуйидаги намунавий мезонлар инобатга олинади.

Ана шу мезонлар асосида ҳар бир фандан рейтинг тизими бўйича талабалар билимини баҳолаш мезони ишлаб чиқилади. Бундай мезонларни ишлаб чиқишни «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фани мисолида ўрганамиз.

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
85 100	Аъло	<p>Хулоса ва қарор қабул қилиш; Ижодий фикрлай олиш; Мустақил мушоҳада юритиш; Амалда қўллай билиш; Моҳиятини тушуниш; Билиш, айтиб бериш; Тасаввурга эга бўлиш.</p>
71 85	Яхши	<p>Мустақил мушоҳада юритиш; Амалда қўллай билиш; Моҳиятини тушуниш; Билиш, айтиб бериш; Тасаввурга эга бўлиш.</p>
55 70	Қониқарли	<p>Моҳиятини тушуниш; Билиш, айтиб бериш; Тасаввурга эга бўлиш.</p>
0 55	Қониқарсиз	<p>Аниқ тасаввурга эга эмаслик; Билмаслик.</p>

Ушбу Низомга асосан, «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанидан талабаларнинг билимини баҳолаш мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- Жорий баҳолаш (ЖБ)
- Оралиқ баҳолаш (ОБ)
- Якуний баҳолаш (ЯБ)

«Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фани бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 балли тизимда баҳоланади. Ушбу 100 балл баҳолаш турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- Жорий баҳолаш – 43 балл
- Оралиқ баҳолаш – 42 балл
- Якуний баҳолаш – 15 балл

Жорий баҳолаш бўйича амалий машғулотлар учун ажратилган ҳар бир мавзу бўйича талабанинг адабиётлардан олган конспекти, билими, мустақил ижодий фикрмулоҳазалари, дарс ўтиш методлари бўйича берилган топшириқларни бажариши, мустақил иши натижалари ва амалий кўникмаларини аниқлаб бориш назарда тутилади ва у амалий машғулотларда амалга оширилади.

Оралиқ баҳолаш семестр давомида 2 даврада ўтказилади. Талабаларнинг билими биринчи даврада фаннинг 16 мавзуларини қамраб олган қисми бўйича 022 балл доирасида, иккинчи даврада фаннинг 711 мавзуларини қамраб олган қисми 020 балл доирасида баҳоланади. Оралиқ баҳолашда талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи маърузалар, ўтилган мавзулар бўйича оғзаки, ёзма иш, тест ўтказиш усуллари ва талабанинг мустақил иши назарда тутилган ҳолда баҳоланади.

Якуний баҳолаш семестр якунида ўтказилиб, якуний баҳолашда талабанинг билим, кўникма ва малакалари ишчи ўқув дастуридан келиб чиққан ҳолда фаннинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. Якуний баҳолаш оғзаки сўраш, амалий топшириқларни мустақил бажариш, суҳбат, ёзма иш, масаламашқ ечиш ёки тест ўтказиш усулида амалга оширилади.

«Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фани бўйича талабаларнинг билимларини баҳолашда юқоридаги намунавий мезонлар инобатга олинади.

«Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанидан рейтинг тизими бўйича талабалар билимини баҳолаш

М Е З О Н И

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
1	2	3
86–100	Аъло	<p>Махсус (иқтисодий) фанларни ўқитиш методикасига оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш. Дарс ўтиш методларини амалда қўллай билиш ва ижодий фикрлай олиш.</p> <p>Мамлакатимизда касбхунар коллежлари ва академик лицейларида иқтисодий фанларни ўқитишда қўлланилаётган методларни хорижий ўқув юртларининг илғор тажрибалари билан солиштириб, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ва баҳолаш. Дарс ўтиш жараёнини ташкил этиш ҳақида мустақил мушоҳада юритиш. Иқтисодий фанлардан дарс беришда ўрганилаётган мавзунинг моҳиятини талабаларга тушунтириб бериш малакасига эга бўлиш. Дарс ўтишнинг барча методларини қўллай билиш. Ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида дарс ўтишда қандай метод танлаш бўйича тасаввурга эга бўлиши. Берилган мавзулар бўйича кўргазмали ва тарқатма материаллар тайёрлаш.</p>

71–85	Яхши	Дарс ўтиш жараёнини ташкил этиш ҳақида мустақил мушоҳада юритиш. Иқтисодий фанлардан дарс беришда ўрганилаётган мавзунинг моҳиятини талабаларга тушунтириб бериш малакасига эга бўлиш. Дарс ўтишнинг барча методларини қўллай билиш. Мамлакатимизда касбхунар коллежлари ва академик лицейларда иқтисодий фанларни ўқитишда қўлланилаётган методларни хорижий ўқув юртлари илғор тажрибаси билан солиштириб таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ва баҳолаш. Ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида дарс ўтишда қандай метод танлаш бўйича тасаввурга эга бўлиши.
5570	Қониқарли	Иқтисодий фанлардан дарс беришда ўрганилаётган мавзунинг моҳиятини талабаларга тушунтириб бериш малакасига эга бўлиш. Ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида дарс ўтишда қандай метод танлаш бўйича тасаввурга эга бўлиш. Дарс ўтиш жараёнини ташкил этиш ҳақида мушоҳада юритиш. Дарс ўтиш методларини қўллай билиш.
0–54	Қониқарсиз	«Махсус(иқтисодий) фанларни ўқитиш методикаси» фанининг назарий ва услубий асосларини билмаслик. Дарс ўтиш методлари бўйича тасаввурга эга эмаслик. Дарс ўтиш жараёнини ташкил этиш ҳақида мустақил мушоҳада юрита олмаслик. Дарс ўтиш методларини қўллай билмаслик.

Саралаш бали 55 бални ташкил этади.

Талабанинг билимини жорий баҳолаш бўйича рейтинг тизими кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Жорий баҳолашдаги максимал балл	Оралик баҳолашдаги максимал балл			Якуний баҳолашдаги максимал балл
			1ОБ	2ОБ	Жами	
1	2	3	4	5	6	7
1	Дарсга қатнашганлик даражаси	8,0	2,0	2,0	4,0	х
2	Дарс жараёнидаги фаоллиги, маъруза конспекти ва маърузада ўтилган мавзуларнинг ўзлаштирганлик даражаси	8,0	3,0	3,0	6,0	х
3	Амалий машғулот дарсларига тайёргарлиги, адабиётлардан конспекти, сўзга чиқиши, кичик гуруҳларда қатнашиш фаоллиги, дарс ўтиш методларини қўллай билиши ҳамда уларга хулосалар бериш савияси, мустақил иш мавзулари бўйича дарс ўта билиши	6,0	3,0	3,0	6,0	х

4	Илмий тўғаракда маъруза (реферат) билан чиқиши, викторина, конкурс ва талабалар конференцияларида «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» бўйича илмий маърузалар билан катнашиш	4,0	2,0	2,0	4,0	x
5	Газета ва журналларда иқтисолий фанларни ўқитиш методларига оид мақолалар билан чиқиши	3,0	3,0	3,0	6,0	x
6	Мавзулар бўйича мультимедиалар тайёрлаши, слайдлар, кўргазмалар куруллар ва тарқатма материаллар тайёрлашдаги фаолияти, «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фани бўйича маълумотлар базасини яратишда катнашганлиги	6,0	4,0	4,0	8,0	x
7	Амалий машғулот (маъруза) дарсларида фаоллиги, фан бўйича иш ўйинларини ташкил қилишдаги фаоллиги	8,0	5,0	3,0	8,0	x
8	Якуний баҳолаш оғзаки сўров, тест топшириқлари ёки ёзма иш усулида амалга оширилади	x	x	x	x	15,0
	Жами	43,0	22,0	20,0	42,0	15,0

Талабалар билимини рейтинг тизими бўйича баҳолашнинг ёзма иш усули талабаларда мустақил, ижодий фикрлаш, ўз фикрини ёзма ифодалаш кўникмаларини ривожлантиради. Ёзма иш оралиқ баҳолаш, якуний баҳолаш, Якуний Давлат аттестацияси босқичларида амалга оширилиши мумкин.

Ёзма иш якуний баҳолаш шаклида ўтказиладиган бўлса, саволлар кафедра томонидан ишлаб чиқилиб, ўқув йили бошланишида кафедра мажлисларида муҳокама этилади ва кафедра мудири томонидан тасдиқланади. Ёзма иш ҳажми талабанинг фан бўйича тасавури, билими ва амалий кўникмасини баҳолаш учун етарли бўлиши зарур. Унинг ҳажми кафедра томонидан белгиланади ва факультет кенгашида тасдиқланади. Ёзма ишларни баҳолаш мезонлари кафедралар томонидан ишлаб чиқилади. Уни қуйидаги мисолда кўриш мумкин.

Ёзма ишларни баҳолаш

Талабалар «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанидан якуний баҳолашни оғзаки сўров, тест топшириқлари ёки Ёзма иш усулида топширадилар ва уларни ўзлаштириш кўрсаткичи 0 дан 15 баллгача баҳоланади. Мазкур фан бўйича ўқув режасида белгиланганидек, «Касб таълими» бакалавриат йўналишида IV курснинг 78 семестрларида ўқитилади. 4курснинг 8семестрида якуний баҳолаш «Ёзма иш» шаклида ўтказилади.

Агар якуний баҳолаш ёзма иш усулида амалга оширилса, синов кўп вариантли усулда ўтказилади. Ҳар бир вариантда бештадан савол бўлиб, ҳар бир саволга тегишли жавоблар ёзилади. Ҳар бир саволга ёзилган жавоблар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 03 балл оралиғида баҳоланади.

Ёзма синов бўйича умумий ўзлаштириш кўрсаткичинини аниқлаш учун вариантда берилган саволларнинг ҳар бири учун ёзилган жавобларга қўйилган ўзлаштириш баллари

кўшилади ва йиғинди, талабанинг якуний баҳолаш бўйича ўзлаштириш бали ҳисобланади.

3§. Ўқув жараёнини ташкил қилиш, талабалар билимини синаш ва баҳолашда жаҳон амалиётини қўллаш

Ҳозирги тараққиёт даражаси глобал миқёсда таълим тизимини тубдан ўзгартиришга, таълим олишнинг узлуксизлигини таъминлашни асосий вазифага айланишига олиб келди.

Кейинги йилларда:

- 1) генерация тизими ва билим бериш мураккаблашди;
- 2) мавжуд билим ва ахборот тизими бир неча баробар ўсди;
- 3) билимда эскириш тезлиги юқори;

Шунинг учун олинган фундаментал, асосий билим маълум даврда қўшимча таълим дастури билан тўлдириб турилиши ва малака ошириб турилишини талаб қилади.

Маълумки, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ўз навбатида ишчи кучи малакаси, маҳоратини юқори бўлишини, ишчи кучига бўлган талабнинг ўзгаришига мослашувчан, ўз малакасини оширишга интилувчан бўлишни талаб этади. Меҳнат бозори ишчи кучини мослашувчанлигига алоҳида талаблар қўяди. Шунинг учун жаҳон тажрибасида:

* ўқиш ва иш жараёнини яқинлаштириш ва мослашувчанлигини таъминлаш, уларни бирбири билан боғлаш;

* ишчи кучи сафарбарлигини орттириш;

* таълим бериш ва бандликнинг мослашувчан шакллари қўллаш;

* иш вақти ва таълим вақтини боғлаш, таълим вақти муддатига ва бошқаларга эътибор берилмоқда.

Талабаларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, мустақил танлаш ва қарор қабул қилиш кўникмасини ҳосил қилиш объектив заруриятга айланди.

Бунинг учун талабаларни мустақил изланиш, фикрлаш, турли қарашларни таққослаш, таҳлил қилиш, хулоса чиқаришга ўргатиш лозим. Шунинг учун жаҳон педагогикасида эътибор талабаларда ана шу хислатларни ҳосил қилиш ва тарбиялашга қаратилди. Тажриба талабаларда айнан ана шу хислатлар, кўникмаларни ҳосил қилишда дарс беришнинг интерактив методларини қўллаш ижобий натижа беришини кўрсатди. Бу услублар дарс ўтишни диалог тарзида амалга оширишга, айниқса, талабаларни дарсга фаол қатнашишларини таъминлашга қаратилган. Жаҳон тажрибасида ўқитувчи юқори даражада дарсни ташкил қилиши, билими, талабаларни ўз фанига қизиқтира олиши, шу фаннинг тайёрланаётган мутахассислик бўйича нақадар зарурлиги жиҳатидан рақобат қила олишига катта эътибор берилади. Ўқитувчининг асосий вазифаси:

1. Талабаларни мустақил ишини ташкил этиш, уларни семестр давомида ўз устида ишлашга ўргатиш.

2. Турлича дарс бериш методларини қўллаб, талабаларни дарсга фаол қатнашишларини таъминлаш.

Талабаларни мустақил ишини ташкил қилиш ва ўз устида узлуксиз ишлаши, изланишини таъминлашда жаҳон тажрибасида «Силлабус (Syllabus)» муҳим ўрин тутди. Силлабус бу ўқитувчи билан талаба ўртасидаги шартномадир. Силлабусда кафедра томонидан: а) фан бўйича албатта ўрганилиши зарур бўлган мавзулар кўрсатилиши мумкин;

б) ўқитувчилар дастурда кўрсатишлари шарт бўлган компонентларни аниқлаб бериши мумкин. Бошқа топшириқларни ўқитувчининг ўзи белгилайди.

Силлабусда кўрсатилиши шарт бўлган компонентлар:

1. Ўқитувчи ҳақида маълумот (Ўқитувчининг исми, шарифи, кафедрада бўладиган вақтлари, мулоқотда бўлиш учун бошқа ахборотлар).

2. Фан ҳақида маълумот: фаннинг ва мутахассисликнинг номи, фанга ажратилган соатлар, маъруза, амалий(семинар) машғулот, лаборатория ишига ажратилган соатлар, қайси семестрда ўтилиши ва дарс ўтиладиган аудитория.

3. Ўрганилаётган фанни ўзлаштириш учун зарур бўлган билим ва кўникмалар мажмуаси.

4. Мазкур фанни ўрганиб бўлгач, талабанинг билим даражаси, кўникма ва хабардор соҳалари доираси.

5. Ўқитиладиган фан ҳақида қисқача маълумот, унинг мақсади ва вазифалари.

6. Маъруза, семинар(амалий), машғулот мавзулари, уларга ажратилган соатлар. Мавзулар бўйича мустақил равишда бажарилиши лозим бўлган топшириқлар.

7. Адабиётлар рўйхати: асосий адабиётлар ва кўшимча адабиётлар, жумладан, электрон адабиётлар, матбуот нашрлари, интернет манбалари;

8. Баҳолаш бўйича ахборотлар: билимни баҳолаш шкаласи, мезонлари, уларни бажаришга бўлган талаблар (рубрикация жадвали);

9. Баҳолаш жараёни ва сиёсати. У ўз ичига қуйидагиларни олади:

- барча ишларни баҳолаш қоидалари(максимал балл, рағбатлантирувчи ва штраф баллари);

- имтихон, якуний баҳолашнинг мезонлари;

- якуний баҳолаш ва уни апелляция қилишнинг қоидалари;

- дарсга кечикиб келиш, аудиторияда ўзини тутиш, берилган топшириқни муддатида бажармаслик, имтихонда қатнашмаслик оқибатлари.

Ҳар бир талаба йил бошидан ўз фаолиятини силлабус асосида ташкил этади.

Ҳозир Ўзбекистонда ҳам жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнига унинг айрим элементларини татбиқ этишга ҳаракат қилинаёпти. USAID CAR дастури бўйича семинар қатнашчилари бўлган ўқитувчилар бу борада ўз тажрибалари билан ўртоқлашмоқдалар. Албатта талабалар фаолиятини «Силлабус ўқитувчи билан талаба ўртасида шартнома» асосида ташкил этиш уларни чуқур билим олишлари, пухта малакага эга бўлишларига ёрдам беради. Лекин уни том маънода қўллаш талабаларда танлов асосида ўтиладиган фанлар, курсларни, дарс берадиган ўқитувчиларни ўзлари танлаш имкониятига эга бўлишларини тақозо қилади. Лекин ҳозирча бунинг учун имконият етарли эмас.

Талабаларга дарс берар эканмиз, уларнинг индивидуал хислатларини янада бойитиб, ўз билимларини ошириш учун ўзлари ҳаракат қилишлари лозимлигини ўргатишимиз, тўғри йўлга йўналтиришимиз керак. Улар ўз олдига ўзи мақсад қўйиб, унга эришиш учун ҳаракат қилиши керак. Ана шунинг учун ҳам ўқитувчи бор маҳоратини ишга солиб, талабаларни индивидуал хислатларига максимал даражада таъсир этиб, уларни ана шу мақсадни танлаш ва бунинг учун ўз кучларини тўғри йўналтиришларига ёрдам бериши керак.

Асосий таянч тушунча ва атамалар

Билимни синаш ва баҳолаш, назорат қилиш, синаш ва баҳолаш тамойиллари, баҳолаш турлари, жорий баҳолаш, оралиқ баҳолаш, якуний баҳолаш, баҳолаш мезонлари, ижодий топшириқни баҳолаш, силлабус.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг қандай аҳамияти бор?

2. Назорат қилиш ва баҳолашнинг қандай тамойилларини биласиз?

3. Талабалар билимини назорат қилишнинг қандай турларини биласиз?

4. Назорат қилиш ва баҳолашнинг асосий шаклларини, афзалликлари ва камчиликларини кўрсатинг.

5. Сиз талабалар билимини назорат қилиш, синаш ва баҳолашнинг қайси турларини кўпроқ қўллаган бўлар эдингиз? Нима сабабдан? Изоҳланг.

6. Силлабус(Syllabus) нима? Сиз ўз фаолиятингизда ундан фойдаланасизми?

7. Ўқувчиган талабаларнинг билимини синаш ва баҳолашда яна қандай илғор жаҳон тажрибаларидан фойдаланган бўлар эдингиз?

XIX боб. ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВ – УСЛУБИЙ КОМПЛЕКСИ. УЛАРНИ ТУЗИШ ВА ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАШ

1§. Кадрлар тайёрлаш мақсади ва уни «Давлат таълим стандартлари»да ифодаланиши

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсади таълим соҳасини тубдан ислох қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи малакали кадрлар тайёрлаш тизимини яратишдир. Бу тизим дунёга янги кўз билан қарайдиган, ишнинг кўзини билувчи, вазиятни таҳлил қилиб, тўғри хулоса чиқариб, қарор қабул қилувчи, келажакни мустақкам пойдеворини қурувчи ва жамият тараққиётини таъминловчи кадрлар тайёрлашни энг муҳим ва масъулиятли вазифа сифатида амалга ошириши лозим.

Бу вазифани амалга оширишда таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш, фанларни ўқитишда ўқувуслугий комплекс ва унинг ўқув жараёнини ташкил этишда қўллаш муҳим рол ўйнайди.

Биз энг аввало кимни, қандай кадрлар тайёрлашни аниқ тасаввур қилишимиз керак. Бу мақсад давлат таълим стандартларида ўз аксини топади.

Стандарт (инглизча Standardнорма, намуна) маҳсулотни сифати, таркиби жихатидан қатъий белгиланган параметрлардан ташкил топган, маҳсулот, қоида, кўринишдир. Стандарт кенг маънода бирбири билан таққослаш мумкин бўлган объектларни солиштириш учун қабул қилинган намуна, эталон, моделдир. Стандартлар техник норматив ҳужжат сифатида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган маълум мезонлар, қоидалар, талаблар комплексидан иборат. Улар ваколатли органлар томонидан тасдиқланади.

Стандартлар моддий шаклда маҳсулот эталони, намуна сифатида бўлиши ёки турли норматив, қонунқоида, талаблар тарзида бўлиши мумкин. Стандартларни қўллашдан мақсад, маҳсулотни, бажарилган ишни сифатини таъминлаш.

Таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг давлат таълим стандартларини ишлаб чиқилишидан мақсад тайёрланаётган кадрларимизни замон талаби даражасида бўлишини таъминлашдир.

Бу стандартларда таълим даргоҳини битириб чиқаётган ўқувчи, талабалар қандай билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши, уларнинг қўлидан нима иш келишининг минимал даражаси белгилаб қўйилади.

Таълимни стандартлаштириш бу бутун дунё миқёсида таълимни ислоҳ қилишдаги энг асосий тенденциялардан бири. Унга бозор иқтисодиёти талаблари нуқтаи назаридан ёндашилади. Жамият билан таълимнинг ўзаро мослашишини таъминлаш бугунги куннинг ниҳоятда жиддий масаласидир. Айниқса, икки мустақил бозор, таълим ва меҳнат бозорларини бирбирига яқинлаштириш, шу асосда талаб ва таклиф мувозанатига эришиш ниҳоятда муҳим ва долзарб масала. Жамиятда содир бўлаётган янгиликлар, иқтисодий ўзгаришлар таълим тизимига янгича ёндашишни тақозо этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади ва амалга ошириш дозим бўлган вазифаларидан бири, таълим олувчиларнинг тайёргарлик сифати ва ихтисосига талабларни, уларнинг маданий ва маънавийруҳий даражаларини аниқлаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва уни тадбиқ этишдир.

Халқаро талабларга жавоб берувчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш:

1. Ўзбекистон Республикаси ва ривожланган мамлакатларда таълим эквивалентлигини, турли таълим муассасалари дипломларини таққослаб, мамлакатимиз ишчи ва мутахассисларини халқаро меҳнат бозорида тўсиқларсиз иштирок этишини таъминлайди.

2. Таълим хизматлари сифатига аниқ (қатъий) талабларни белгилаб қўйилиши кадрлар тайёрлаш сифатини оширади.

3. Таълим муассасалари иши самарадорлигини назорат қилиш тизимини тартибга солади.

4. Иқтисодиёт ва бизнес талабларини тезда илғаш ва ҳисобга олиш имкониятларини яратади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингандан сўнг унинг талабларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 5–январда «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартлари»ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди ва шу Қарор асосида «Давлат таълим стандартлари тўғрисида» ги Низом ишлаб чиқилди.

Низомнинг 1.1 бандида: Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» қонунининг 7моддасида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ республикада идоровий бўйсунуш ва мулкчилик шаклларида қатъий назар, таълим муассасаларининг барча турлари учун мажбурий бўлган давлат таълим стандартлари(ДТС) белгиланади.

ДТСда кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига нисбатан қўйиладиган талаблар, таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражаси ҳамда таълим муассасаларини битирувчиларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари, ўқув юкмасининг зарур ҳажмини, таълим муассасалари фаолиятини ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиби ва механизмининг белгилаш қайд этилган.

Низомда давлат таълим стандартларининг мақсад ва вазифалари кўрсатилган. Давлат таълим стандартларининг жорий этилиши қуйидаги мақсадлар амалга оширилишини назарда тутди:

- таълимнинг юксак сифатини таъминлаш ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар асосида ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига жавоб берувчи кадрлар тайёрланишини таъминлаш;

- мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқиб кадрлар тайёрлаш мазмунини тартибга солиш;

- таълимнинг демократлашувига инсонпарварлашувига, ижтимоийлигига кўра, таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билимлари даражасини, шунингдек, таълим жараёни самарадорлигини ошириш;

- сифатли таълим хизматларини кўрсатиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида шахснинг жамият ва давлатнинг вазифаларини ҳимоя қилиш;

- кадрлар тайёрлаш сифатини ва таълим фаолияти мезонлари ва тартибини баҳолаш;

- таълим жараёни ва кадрлар тайёрлашнинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлаш, таълимнинг барча турлари ва босқичларида ўқувтарбия жараёнини мақбуллаштириш;

- меҳнат ва таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни таъминлаш.

Шу мақсадларни амалга ошириш учун давлат таълим стандартларининг вазифалари белгиланди, улар:

- таълим сифатига ва кадрлар тайёрлашга кўрситиладиган таълим хизматлари номенклатурасига нисбатан қўйиладиган мақбул талабларни белгилаш;

- таълимга ва унинг пировард натижаларига, таълим олувчиларнинг билим ва касбий малакаси даражасини вақти вақти билан баҳолаш тартиби ва тартиботига, шунингдек, таълим фаолияти устидан назорат қилишга нисбатан қўйиладиган тегишли талабларни белгиловчи меъёрий базани яратиш;

- халқнинг бой маънавий мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида таълим олувчиларнинг маънавийахлоқий тарбиясининг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

- таълимнинг барча турлари мазмунини ҳамда олиб бориладиган таълим ва тарбияни келишиб олиш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини узлуксиз таълим тизимида ва кадрлар тайёрлашда изчилликни таъминлаш;

- ўқувтарбия ва таълим жараёнига узлуксиз таълим тизимининг педагогик технологияларига ва ахборот билан таъминланишига, таълим даражасини назорат қилишга, таълим муассасаларида таълим олувчилар ва уларни битирувчиларнинг малакасига нисбатан меъёрлар ва талабларни белгилаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатига баҳо беришнинг холис қисмини, таълим муассасаларининг аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилишни жорий этиш;

- кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;

- миллий стандартлар талаби билан таълим сифати ва кадрлар тайёрлашнинг халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш;

Низомда таълимнинг барча турларини стандартлаштириш кўзда тутилган.

Таълимнинг стандартлаштириш объектлари:

- таълим фанларининг тузилмаси, мазмуни, ўқув юкламасининг ҳажми, таълим олувчилар ва битирувчиларнинг малака даражаси ва тайёрлаш сифати;

- талаблар, меъёрлар ва қоидалар, педагогик ва ахборот технологиялари, таълим усуллари ва воситалари, шунингдек, таълим тизимида фойдаланиладиган атамалар, тушунчалар ва категориялар;

- таълим олувчилар билим даражасига ва касбий малакасига ташхис қўйиш тартиби, битирувчилар сифатини, таълим фаолияти, педагог ва илмий педагог ходимлар сифатини баҳолашни ўз ичига олади.

ДТСга ўзгартиришлар киритиш республиканинг ижтимоий–иқтисодий ривожланишига мувофиқ равишда таълим даражаси ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган талаблар ўзгариши белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Тайёрланаётган мутахассис кадрларга талаб ва таълим мазмунидан келиб чиққан ҳолда:

- * Давлат таълим стандартлари;

- * асосий қоидалари бўйича таянч ўқув режаси ишлаб чиқилади;

- * таянч ўқув режалари таълим муассасаларининг ишчи ўқув режаларини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

2§. Таянч ўқув режалари ва улар асосида фанлар таркиби ва соатини аниқлаш

Таянч ўқув режасида ўқув йили 40 ҳафта ва 2 семестрдан иборат, ҳар бир семестр 20 ҳафтани ўз ичига олади. Академик лицей ва касбхунар коллежларида семестрни 20 ҳафталик муддатга тақсимланганлиги ноқулайликларга олиб келганлиги сабабли, ўқувчиларни 1 семестрни тугатиб икки ҳафталик таътилга чиқишлари қулайроқ эканлиги ҳисобга олинди ва ҳозирги пайтда 1 семестр 17 ҳафта, иккинчи семестр умумий 23 ҳафта қилиб қабул қилинди.

Ўрта махсус касбхунар коллежларининг таянч ўқув режаларида умумий 4560 соатдан 80220 соати таълим муассасаси илмийпедагогик кенгаши қарори билан киритиладиган фанлар учун ажратилади.

Таълим муассасалари, ўқувчиларнинг ҳафталик юкламаси 54 соатни ташкил этади. Бундан 16 соатни мустақил ишлашга ажратилади. Таълим муассасалари илмий педагогик кенгашларига ишчи ўқув режаларини тузишда таянч ўқув режаларини таълим стандартлари талаблари доирасида 15 20 фоизгача ўзгартириш ҳуқуқи берилган. Қуйида академик лицейлар ва касбхунар коллежлари учун таянч ўқув режалари ва таркиби жадвали келтирилган.

Академик лицей таянч ўқув режаси ўқув жараёни графигида назарий ўқув амалиёти ва таътил, учинчи курс якунида давлат аттестацияси белгиланган бўлиб, у қуйида

кўрсатилган касбхунар коллежлари ўқув графигига ўхшаб кетади. Фақат лицейларда ишлаб чиқариш амалиёти кўзда тутилмаган.

Академик лицейлар ўқув режаси

№	Фанлар	Соатлар	Умумий юкламага нисбатан % ҳисобида
1	Умумтаълим фанлари	1940	42,5
2	Чуқурлаштириб ўтиладиган фанлар	1400	30,7
3	Кўшимча чуқурлаштириб ўтиладиган фанлар	650	14,2
4	Махсус фанлар	230	5,0
5	Давлат аттестацияси	70	1,6
6	Факультатив курслар	270	6,0
	Жами:	4560	100

Касб хунар коллежлари ўқув режаси академик лицейлар ўқув режасидан фарқ қилиб, уларда ажратилган соатларнинг асосий қисмини касбий таълим фанлари ташкил этади. Шу билан бирга умумтаълим ва махсус фанлари соатлари академик лицейларнинг соатлари билан деярли фарқ қилмайди.

Касб хунар коллежлари ўқув режаси

№	Фанлар	Соатлар	Умумий юкламага нисбатан% ҳисобида
1	Касбий таълим фанлари	1960	43,0
2	Умумтаълим фанлари (умум касбий ва махсус фанлари)	1180	25,9
3	Ўқув амалиёти	600	13,1
4	Ишлаб чиқариш амалиёти	648	14,2
5	Давлат аттестацияси	76	1,7
6	Коллеж илмий –услубий кенгаши қарори билан киритиладиган фанлар	96	2,1
	Жами:	4560	100

Ўқув режани ишлаб чиқиш жараёнида «умумтаълим фанлари» блокига ажратилган соатлар ўзгармаслигига, ҳамда фанлар ўртасидаги узвийлик ва фанлараро изчиллик тамойилларига амал қилиш лозим. Соатларни семестрлар ва ҳафталарга тақсим қилишда ҳамда умумий соатларни ҳисоблаш жараёнида вертикал ва горизонтал соатлар бирбирига тўғри келишига эътибор бериш керак.

Ўқув жараёни графигини тузишда ўқувчиталабалар назарий дарсга, ўқув амалиётига юборилиши, таътилга чиқиши, битирув олди амалиёти олий ўқув юртларида эса булардан ташқари битирув малакавий иши ёзиш ва уни ҳимоя қилиш лозимлигини олдиндан билишлари лозим.

Ўқув режадаги фанларнинг курслар ва семестрларга тақсимотини, назарий ва амалиётга тақсимланиши, ҳафталик ва йиллик юкламалар тақсимоти амалга оширилади. Режа бўйича ўрганиладиган фанлар бўйича технологик харита тузилади.

Олий ўқув юртларининг бакалаврият йўналишида ўқишнинг норматив муддати 4 йил. Назарий ўқиш 136 ҳафта. Назарий ўқиш $136 \times 54 = 7344$ соат. Бир йилда 2 семестр ўқилади, ҳар икки семестр ҳам 20 ҳафталик.

Аттестация 13 19 ҳафтагача.

Амалиёт ўтиш 12 24 ҳафтагача.

Таътил 27 36 ҳафтагача (битиргандан сўнгги 4 ҳафтани ҳам қўшиб)

Битирув малакавий ишига 5 ҳафтагача вақт ажратилади, ҳаммаси бўлиб, бакалаврият йўналишида ўқитган талабага 1 курсга қабул қилиниб, институтга қадам қўйганидан бошлаб, битириб кетгунча белгиланган муддат 204 ҳафтани ташкил қилади.

Ўрганиладиган таълим фанларининг таркиби қўйидаги блокларга бўлинган бўлиб;

I блок. Гуманитар ва ижтимоий – иқтисодий фанлар: 1689 соат ёки умумий белгиланган вақтнинг 25% ини ташкил қилади.

II блок. Математика ва табиий фанлар: таълим йўналишига кўра 700 соатдан 1836 соатгача бўлиб, тахминан 9% дан 25% ини ташкил этади.

III блок. Умум мутахассислик фанлари таълим йўналишига кўра умумий ажратилган вақтни 50% гача этади.

VI блок. Махсус мутахассислик фанлари 10% гача.

V блок. Махсус факультатив фанлар 5% гача этади.

Олий ўқув юртлари ўқув режаси модели

№	Фанлар	Соатлар	Умумий юкламага нисбатан % ҳисобида
1	Гуманитар ва ижтимоий – иқтисодий фанлар	1836	25,0
2	Математик ва табиийилмий фанлар	906	10,7
3	Умумкасбий фанлар	3418	48,2
4	Ихтисослик фанлари	734	10,0
5	Қўшимча фанлар	450	6,1
	Жами:	7344	100

Ўқув юкламасининг максимал даражаси аудитория ва аудиториядан ташқари ишлар билан биргаликда ҳафтасига 54 соат белгиланган. Аудитория машғулотларининг максимал ҳажми ҳафтасига 36 соат.

Академик эркинлик ва талабаларни ўз устида ишлашга ўргатиш олий ўқув юрти фаолиятининг асосини ташкил этади. Тенденция шундайки, назарий курс таълимга ажратилган вақтнинг 15% атрофида. Қолган вақтлар, семинар илмий фаолият, мустақил ишларни бажариш, талабаларни ўз устида ишлаши кабилардан ташкил топади. Олий ўқув юртида, айниқса, талабаларни ўз устида мустақил ишлашига алоҳида диққат қаратилади.

**Ўқув жараёнида
технологик харита**

Технологик харита маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда технологик операциялар кетмакетлигини ёритувчи техник хужжат.

Технологик операциялар эса ишчи томонидан ўзининг иш ўрнида бажариладиган якунига етказилган ҳаракат кўринишидаги технологик жараённинг бир қисми.

Технологик харитада ана шу операциялар ва уларни қандай кетмакетликда қандай бажарилиши кўрсатилади. Худди маҳсулот ишлаб чиқаришда бўлганидек ўқув юртларининг «маҳсулоти» кўзда тутилган билим ва кўникмаларга эга бўлган ёшлардир. Харитада ана шу жараён, унда бажариладиган «операция»лар кетмакетлиги, муддати кўрсатилади.

Технологик харита бутун ўқув жараёнини ташкил этиш режасидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида тайёрланадиган мутахассислар меҳнат бозори талабига мос бўлиши зарур. Таълим бозори эса иқтисодиёт, мамлакатга хизмат қилиши меҳнат бозори билан боғланиши зарур.

Мамлакат учун зарур бўлган мутахассислар қандай талабга жавоб бериши зарурлиги Давлат таълим стандартларида ўз ифодасини топади. Бозор талабига кўра олий ўқув юртлари томонидан янги дастурлар таклиф қилиниши ва улар ўқув–методик кенгаш ва олий таълим вазирлиги томонидан қўллабқувватланиб тасдиқлангач, барча олий ўқув юртлари томонидан фойдаланилиши мумкин. Қабул қилинган давлат стандартларига мувофиқ равишда ўтиладиган фанлар аниқланади. Фанлар умумтаълим ва мутахассислик фанларига бўлиниб, ҳар икки гуруҳда ҳам мажбурий ўқитилиши зарур ва танлаб олинадиган фанлардан иборат.

Ҳар бир ўқув юртининг ўқув бўлими мутахассисликлар бўйича ўқув жараёни графигини ишлаб чиқади. Бу графикка кўра назарий таълим, амалиёт, оралик баҳолаш, давлат аттестацияси ва бошқаларнинг муддатлари белгиланади. Ҳар бир фан бўйича кафедра томонидан таълим йўналиши бўйича фанларга ажратилган соатга кўра ишчи ўқув дастури бўйича технологик харита ишлаб чиқилади. Бу харитада ўтиладиган фаннинг мавзулари, мавзу бўйича умумий соатлар ҳамда уларни ўқув шакллари бўйича тақсимланиши кўрсатилади.

Фан бўйича ўтиладиган маъруза соатлари, уларда тарқатма материаллардан фойдаланиш, амалий (семинар) машғулоти, уларда интерфаол методларини қўллаш режаси, талабалар билимини баҳолаш шакли, мавзу бўйича мустақил иш ва уни баҳолаш шакли, асосий ўқув адабиётлари ишчи ўқув дастурида кўрсатилган ва номерланган адабиётларни тартиб рақами берилади. Харитада фан бўйича ўтиладиган мавзулар кетмакетликда ҳамда ҳар бир семестрда 2 марта оралик назорат ўтказиш ва унинг натижаларини академ гуруҳ журналларида расмийлаштириш муддатлари ҳам кўрсатилади. Бу муддатлар ўқув жараёнини ташкил этиш графиги ва тузилган дарс жадвали асосида белгиланади. Технологик харитани қандай кўринишда бўлишини қуйидаги Тошкент Молия институти «Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика» кафедраси томонидан тайёрланган технологик харита (қисқартирилган варианты) орқали кўриш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент Молия институти

«Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика» кафедраси

Кафедра томонидан таълим йўналиши (мутахассислиги)нинг IV курс 78 семестрида ўқитиладиган «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фани бўйича

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ (ТЕХНОЛОГИК) ХАРИТА

Тузувчилар: проф. Тожибоева Д.

Кафедра мажлисида тасдиқланди: БаСннома № _____ “ _____ ” _____ 200__ й. Кафедра мудирини доц. Жўраев Т.Т. _____

Факультет декани проф. Каримов Ф.Ш. _____ Ўқув бўлими бошлиғини доц. Боймуротов Т. _____

Эслатма: Харита 2 нусхада тузилади. Нусхалари кафедрада ва ўқув бўлимида сақланади.

Ўқувчилар т/р	Фаннинг мавзулари (ишчи ҳўув дастури бўйича) ва ба'олаш турлари (ЖБ, ОБ, ЯБ)	Мавзу бўйича умумий соатлар	Маш'улот турлари бўйича режалаштирилган ва а ў и ў и й бажарилган юклама ва ба'олаш шакллари:						Мавзу бўйича бажарилган умумий соатлар	Мавзу бўйича асосий ҳўув адабиётлари (ишчи ҳўув дастурига асосан) тартиб раўамида (1, 15, 21 ва .)
			маъруза	шу жумладан тарўатма материал лар асосида	Ба'олаш шакли	амал ий (семи нар) маш'улот	шу жумла дан, интерф аол методл ар асосид а	Ба'олаш шакли		

Тузилган технологик харита кафедра мажлисида тасдиқланади ҳамда мажлис баённомаси тартиб рақами қўйилиб, кафедра мудири, факультет декани, ўқув бўлими бошлиғи томонидан имзоланади. Харита 2 нусхада тузилади. Нусхаларни кафедра ва ўқув бўлимида сақланади.

Хаританинг аслидан олинган нусха фан бўйича дарс берувчи ўқитувчи қўлида бўлиб, режада белгиланган дарс ва мустақил ишларни ҳақиқатда бажарилиши билан кузатиб, назорат қилиб борилади.

Технологик харита ўқув дастури асосида ўтиладиган фанлардан ташқари ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс бўйича ҳам ишлаб чиқилади. (Уларни қандай ишлаб чиқилишини биз маъруза ва семинар дарслари мисолида кўрганмиз.(V боб 4§, VI боб 3§.)

Дарс жараёнини режалаштириш ва ташкил қилишда календарь режа ҳам муҳим ўрин тутди. Календарь режа одатда ўқув дастури, ўқув технологик харита ва дарс жадвали асосида тузилади.

Ўқув дастури бўйича ўрганиладиган фандан календарь режа, ҳар бир ўқитувчи томонидан ҳар бир академгурӯх учун тузилиб, унда мавзулар бўйича ажратилган соат ва уни маъруза, амалий(семинар) машғулоти, мустақил ишлар бўйича тақсимланиши бўйича режа бўйича ўтиладиган сана ва соати, ҳақиқатда бажарилиши кўрсатилади.

Календарь режа орқали ҳар бир мавзунини белгиланган муддат ва ажратилган соат бўйича дарс ўтишни назорат қилиш амалга оширилади.

3§. Ўқув мажмуаси ва унинг таркиби, ўқув дастурининг тутган ўрни

Фанни ўрганиш учун режалаштирилган мавзулар таълим стандартларидан келиб чиққан ҳолда, қўйилган мақсадга кўра ўқув дастурида ўз ифодасини топади.

Ўқув дастури фанни ўрганиш бўйича ҳужжат ҳисобланиб, бўлажак мутахассисга қўйилган талабларга мос ҳолда таълим мазмунини ва уни ўқувчи, талабалар томонидан ўзлаштиришни ташкил этиш усуллари акс эттиради.

Ўқув дастурлари алоҳида ўқув предметлари бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмуни ва ҳажмини, уларни ўрганиш кетмакетлигини белгилайди.

Ҳар бир мавзу бўйича фан учун ажратилган соатдан келиб чиққан ҳолда, мавзунинг мазмунини ўзлаштириш учун унинг хусусиятларини, мавзунинг мураккаблиги, ўзлаштириш зарур бўлган масалалар, қўйилган муаммо ва бошқаларни ҳисобга олиб ўқув жараёнини ташкилий шакллари бўйича вақт ажратилади.

Ҳар бир мавзу ўрганиладиган фаннинг шу мавзу доирасидаги қисқача мазмунини ифодалайди.

Дастур фаннинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳамда тармоқ стандартларига мувофиқ равишда шу фан ўқувчиталабаларда қандай билим ва кўникмаларни шакллантирилиши зарурлигидан келиб чиққан ҳолда тайёрланади. Ўқув дастури намунавий ва ишчи ўқув дастуридан иборат бўлиб, ишчи ўқув дастури намунавий дастур асосида тузилади.

Ўқув дастурлари қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

Дастур аниқ қоидага асосланган бўлиши керак. Жамият тараққиётининг тамойилларига асосланган ҳолда ўқув дастурини ишлаб чиқиш методикасига мувофиқ бўлиши зарур. Ўқув дастури ишлаб чиқишга қўйиладиган талабларга жавоб бериши, унга мувофиқ ўқув дастури таркибини белгилаш лозим.

Илмийлик принципига асосланиши. Дастур илмий жиҳатдан текширилган, ишончли далиллар, кузатишлар, манбалар ва материаллар асосида тузилади.

Ўқув дастурлари ишлаб чиқишда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари (ўрта махсус, касбхона таълими, бакалаврият, магистратура) ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, фанларда мавзулар кетмакетлигига, оддийдан мураккабга, хусусийдан

умумийликка ўтиб боришга, таълим турлари бўйича мавзулар такрорланмаслигига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Дастур фан, техника, технологиянинг сўнги ютуқлари, таълим тизимининг ривожланиши, жаҳон тенденциясини ҳисобга олиши зарур.

Тарихийлик ва замонавийлик. Дастурда фан ривожланишининг хусусиятлари, ҳисса қўшган олимлар, тарихий шахслар фаолияти ҳам ақс эттирилиши, ҳозирги ривожланиши даражасига мувофиқ билим беришни кўзлаган бўлиши зарур.

Гуманитаризм ва миллийлик. Дастур инсонпарварлик, халқпарварлик, эзгулик ғояларини устун қўйиб, миллий ғурур, миллий қадриятларни ҳисобга олиш, уларга амал қилишни тарғиб қилиш, мамлакатнинг ривожланишини илмий асосланган ҳолда баён қилишни кўзда тутиши керак.

Изчиллик ва назария билан амалиёт бирлигини таъминлаш. Дастур аниқ мазмун ва мантиқий қоидаларни ўзида ақс эттириши, умумий ўрта таълим ва олий таълимга тааллуқли мутаносиб фан дастурлари билан мувофиқлаштириш, қўйилган мавзуларнинг мантиқий изчиллигини таъминлаш, фанни ҳаёт билан, назарияни амалиёт билан узвий боғлайдиган услубиятга риоя қилиши зарур.

Халқаро стандарт ва рақобатбардошлик. Ривожланган хорижий давлатларда ўрганилаётган ана шу фан бўйича амалда бўлган ўқув дастурлари билан таққослаш, мунозара қилиш, тажриба алмашиш асосида, ривожланаётган мамлакатларга нисбатан илғорликни таъминлашга қаратилиши зарур.

Дастурда фаннинг номи.

Моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳамда давлат таълим стандартларига, меҳнат бозори талабига мувофиқ равишда фанни ўқитишдан асосий мақсад, шу фан ўқувчи, талабаларда қандай билим ва кўникма шакллантириши кўрсатилади.

Дастурлар икки: намунавий ва ишчи ўқув дастурларига ажратилади.

Намунавий ўқув дастури фанни ўрганишдан қўйилган мақсад, фаннинг асосий мазмуни, бажарадиган вазифаларини ифодалайди. Намунавий ўқув дастури таркибий жиҳатдан ўз ичига: кириш, асосий қисм: маъруза, семинар, тажриба дарслари ва мустақил иш учун кўрсатмалар, курс ишлари бўйича кўрсатмалар, тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини олади.

Намунавий дастур давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда ёки ўзга ҳолларда 3 йилда бир марта қайта ишлаб чиқиши ва қабул қилинган тартибга асосан қайта экспертиза ва тасдиқдан ўтиши зарур.

Намунавий ўқув дастури тасдиқланган ва рўйхатга олинган кундан бошлаб амалга киритилади.

Намунавий дастур асосида ишчи ўқув дастури ишлаб чиқилади.

Ишчи ўқув дастурида намунавий дастурдан фарқли равишда фан бўйича мавзулар режаси қисмида мавзулар номи, ажратилган жами соатлар, дарс ўтиш, машғулот турлари: маъруза (назарий), семинар (амалий машғулот), мустақил ишга ажратилган соатлар жадвал тарзида келтирилади.

Маъруза машғулоти ҳамда семинар машғулоти мавзуларида ҳар бир мавзуда ўрганилиши зарур бўлган мавзунинг ўқув мақсадидан келиб чиқиб, қисқача мазмуни берилади. Мавзуни ўрганиш ва ўзлаштириш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати рақамларда ифодаланади.

Шу фанни ўқитиш бўйича лозим бўлган ўқув воситалари, кўргазмалари намоиш материаллари, ўқув фильмлари ва бошқа дидактик материаллар рўйхати келтирилади.

Дастурнинг «ўзлаштиришни назорат қилиш» қисмида, фанни ўзлаштириш бўйича баҳолаш методлари ва шакллари кўрсатилади.

«Фойдаланилган адабиётлар» қисмида ўқувчигалабалар томонидан фанни ўрганиш ва ўзлаштириш учун лозим бўлган адабиётлар рўйхати берилади.

Ишчи ўқув дастурига мувофиқ равишда машғулот(семинар дарслари) режаси, мустақил ишлар ва ўқув комплекси таркибига кирувчи бошқа ишлар ишлаб чиқилади.

Фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича қўйилган мақсад, мавзунинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда дарс ўтиш методини ўқитувчининг ўзи танлайди.

Шундай қилиб, ҳар бир фан бўйича ўқувуслubbий мажмуа ишлаб чиқилади.

Ўқувуслubbий мажмуа – бу ягона методология бўйича ўрганиладиган фаннинг мазмуни ва унинг хусусиятларига кўра ўқитишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган таълим мазмунини ва ўзлаштириш жараёнини амалга оширишда қатнашувчи барча воситаларни ўз ичига олади.

Ўқувуслubbий мажмуанинг таркиби қуйидагиларни амалга оширишга қаратилган:

- таълимнинг мақсади (ўқитишдан мақсад нима? нима учун ўқитамиз?);
- таълимнинг мазмуни (нимани ўқитамиз? нимани ўргатамиз?);
- таълим методлари (қандай қилиб ўқитамиз?);
- таълим воситалари (нималар орқали, қандай воситалар орқали ўқитамиз?).

Ўқувуслubbий мажмуанинг компонентлари вазифаларни энг маъқул тарзда, яъни энг оптимал вариантини аниқлаш муаммоси мажмуанинг тузилишини танлаш билан узвий боғлиқ. Ўқувуслubbий мажмуанинг тузилишига боғлиқ равишда унинг компонентлари, вазифалари ҳам ўзгариб боради.

Ҳозирги пайтда ўқувуслubbий мажмуа таркиби:

1. Фан бўйича намунавий дастур.
2. Фан бўйича ишчи – ўқув дастури.
3. Технологик харита.
4. Дарс ўтиш календарь режаси.
5. Семинар дарслари режаси.
6. Маърузалар матни.
7. Асосий таянч тушунчалар.
8. Масала машқлар, тестлар.
9. Фан бўйича оралик, жорий, якуний баҳолаш мезонлари.
10. Ёзма ишларни баҳолаш мезонлари.
11. Фан мавзулари бўйича тайёрланган слайдлар, чизмалар ва бошқа намоиш этилувчи материаллар.
12. Амалий иш ўйинлари.
13. Курс иши мавзулари.
14. Реферат мавзулари.
15. Битирув малакавий иш мавзулари.
16. Ёзма иш саволлари ва бошқалардан иборат.

Фаннинг хусусиятлари ва қўйилган мақсаддан, мутахассисларни тайёрлашда фаннинг тутган ўрнидан келиб чиққан ҳолда мазкур рўйхат қисқариши ёки қўшимчалар қўшилиши мумкин.

Масалан, битирув малакавий иш мавзулари фақат мутахассислик фанлари бўйича қўшилади. Ўқувуслubbий мажмуа албатта фанни ўрганишдан қўйилган асосий ва қўшимча мақсадларни тўла амалга оширилишига катта ёрдам беради.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Стандарт, давлат таълим стандартлари, таълим стандартларининг мақсади, таълим стандартларининг вазифалари, таянч ўқув режалари, технологик харита, намунавий ўқув дастури, ишчи ўқув дастури, календарь режа, ўқувуслubbий комплекс.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Давлат таълим стандартлари деганда нимани тушунасиш? Уларни ишлаб чиқиш зарурияти нимада?
2. Давлат таълим стандартларининг мақсади ва вазифаларини айтиб беринг.

3. Ўқув жараёнини ташкил этишда таянч ўқув режалари қандай роль ўйнайди?
4. Технологик харита нима, у қандай тузилади? Умуман олганда, технологик харита керакми?
5. Ишчи ўқув дастури нима? У намунавий ўқув дастуридан қайси жиҳатлари билан фарқланади?
6. Календар режа қандай тузилади? Сиз фан бўйича мустақил равишда уни туза оласизми?
7. Ўқувуслубий комплекси (мажмуаси) нима ва унинг таркибига нималар киради?

XX боб. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ФАНИДАН ДАРС ЎТИШ МЕТОДИКАСИ

1§. Фаннинг хусусиятлари ва дарс ўтиш методларини танлашда уларни ҳисобга олиш

Ҳар бир фан, жумладан, иқтисодий фанлар, мутахассислик фани сифатида бухгалтерия ҳисоби ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Биз ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олганимиздагина самарали дарс ўтиш методини танлаймиз, мувофиқ равишда ўқувчи, талабаларни дарсга фаол қатнашишини таъминлашимиз мумкин.

Ҳар бир фаннинг бошқа фанлардан фарқланувчи хусусияти, энг аввало, унинг предмети, фаннинг олдига қўйилган мақсади, функция ва вазибаларида ўз аксини топади.

Иқтисодий йўналишдаги фанлар орасида мутахассислик фанларидан бири бўлган «Бухгалтерия ҳисоби» фани ҳам келиб чиқиш тарихи, предмети ва функциялари, вазибаларига кўра бошқа иқтисодий фанлар орасида ўзига хос ўрин тутади, ажралиб туради. Бухгалтерия ҳисоби (немисча *бух* китоб, *halten* тутмоқ) китоб юритиш маъносини билдиради. Яъни, китоб тутиб, ҳисоб ишларини юритиш. Ҳисоб китоб юритиш зарурияти, маълумки, товар – пул муносабатлари вужудга келиб, ривожланиши билан боғлиқ.

Товар ишлаб чиқариш, айирбошлашнинг ривожланиши, қилинган харажатларни ҳисоблаш, олинган даромад билан таққослаш заруриятини келтириб чиқарган. Ҳисоб юритиш тахминан 4 минг йил аввал юзага келган. Тараққиёт натижасида ишлаб чиқариш, айирбошлаш ривожланган, ўз навбатида у ҳисоб китоб ишларига янги талаблар қўйган, ривожланишига олиб келган. Инсон доимо вужудга келган қийинчиликлар, тўсиқларни зарурият туфайли бартараф қилиш йўлларини топади, натижада янги ихтиролар қилинади, янгиликлар яратилади. Ҳисоб китоб ишлари ҳам бундан мустасно эмас. Ана шу заруриятнинг оқибатида бухгалтерия ҳисобини фан сифатида шаклланиши ва уни ўрганиш предметини белгилаб берди.

Бухгалтерия ҳисоби фанининг предмети бу хўжалик юритувчи субъектларнинг пул ифодасида акс эттириладиган хўжалик маблағлар манбалари, уларнинг хўжалик юритиш жараёнидаги ҳаракати, молиявий натижалари, яъни улардан фойдаланиш ҳақидаги ахборотларни шакллантириш ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби ички бошқарув ва ташқи истеъмолчилар учун жорий ва якуний маълумотларни тайёрлаш ва уларга тақдим қилиш мақсадида амалга ошириладиган узлуксиз ва ўзаро боғлиқ кузатишлар, ўлчовлар, рўйхатга олиш, маълумотларни қайтадан ишлаб чиқиш ва корхоналар, бирлашмалар ва муассасаларнинг хўжалик фаолияти устидан назорат ўтказиш тизими.

Бухгалтерия ҳисоби микромиқёсда ҳар бир хўжалик юритувчи субъектдан тортиб, макромиқёсда мамлакат, колаверса мегамиқёс жаҳон мамлакатлари миқёсигача ахборот билан таъминлайди. Ҳисобкитобларга кўра, барча ахборотларнинг 3/4 қисмини бухгалтерия ҳисоби беради. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ана шу ахборотлардан фойдаланади. Бухгалтерия ҳисоби бошқариш фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлайди.

Бухгалтерия фани предметининг хусусиятлари унинг мақсади ва функцияларида акс этади. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунда қуйидагича ифодаланган: "Фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ва аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир"¹.

Ана шу ахборотларсиз микромиқёсдан, яъни корхона, фирмалар миқёсидан бошлаб, то макромиқёс, яъни мамлакат миқёсигача тўғри қарор қабул қилиб бўлмайди. **Ахборот тўплаш, умумлаштириш** бухгалтерия ҳисоби юритиш асосида амалга

¹ Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, 1- модда.




оширилади. Бухгалтерия фани, ана шу жиҳати билан бошқа барча иқтисодий фанлардан ажралиб туради. Бухгалтерия фанининг предмети унинг функцияларида янада яққолроқ кўринади. Улар юқоридаги чизмада ўз аксини топган.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари эса қуйидагилар:

- Хўжаликда содир бўладиган хўжалик муомалаларини бухгалтерия ҳужжатларда ўз вақтида расмийлаштириш;
- бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳақида тўлиқ ва ишончли маълумотларни шакллантириш;
- самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;
- молиявий ҳисоботни ўз вақтида тузиш ва тегишли органларга тақдим этиш;

Бухгалтерия ҳисобининг ҳам ўз объектлари ва субъектлари бор. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари қуйидагича:



Бухгалтерия ҳисобининг субъектлари «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунда кўрсатилган. Қонуннинг 3 моддасига биноан қаерда жойлашганлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган барча хўжалик субъектлари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлимлари ҳисоб субъектлари ҳисобланади.

Юридик шахс ҳисобланмайдиган, аммо банкда счёта ва тугалланмаган балансга эга бўлган хўжалик субъектлари ҳам бухгалтерия ҳисоби субъектлари ҳисобланади ва улар "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ ҳисоб юритадилар.

Фанни ўрганишда шу жиҳатлар, яъни ҳисобнинг объектлари ва субъектларига ҳам диққат қаратиш лозим.

Бухгалтерия ҳисоби ўзининг предметига мос фанни ўрганиш методларидан фойдаланади. **Бу методлар айнан фанни ўрганиш хусусиятларини ўзида акс эттиради.**



1. Ҳужжатлаштириш

Бухгалтерия ҳисоби объектлари устидан ёппасига ва узлуксиз кузатишларни амалга ошириш имконини берадиган ахборотларни дастлабки акс эттиришдир. Бухгалтерия ҳисобининг асосини ҳужжатлаштириш ташкил этади. Юз берган ҳар қандай муомала ўз вақтида ва хатосиз ҳужжатларда акс эттирилиши керак.

2. Инвентаризация

Хўжалик юритиш жараёнида бўлиб ўтаётган барча ҳодисаларни ҳужжатлаштириш орқали қайд қилиб бўлмайди. (масалан: табиий йўқотиш). Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан ҳақиқат ўртасидаги тафовутни бартараф қилиш мақсадида инвентаризация ўтказилади. Аниқланган тафовут, яъни маблағларни ортиқча ёки кам чиқиши тегишли далолатномаларда расмийлаштирилади ва ҳисобда акс эттирилади.

3. Баҳолаш

Баҳолаш ҳисоби маблағлар, уларни ташкил топиш манбалари ва хўжалик жараёнини пул ўлчовида ифодалаш усулида намоён бўлади. Натура ўлчовидаги мулкларни қиймат ўлчовига келтириш ва бир хил ўлчовда акс эттириш ҳамда умумлаштириш учун фойдаланилади.

4. Калькуляция

Сарфланган харажатлар ва ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат), бажарилган иш бирлигини таннархи (ўртача харажатлар)ни аниқлаш, хўжалик жараёнини бошқариш учун, уни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ҳисоблаб чиқиш, ишлаб чиқариш харажатлари устидан назорат қилиш имконини беради.

5. Ҳисобварақлар тизими

Ҳисобварақлар тизими ҳисоб объектларини уларнинг иқтисодий мезонларига кўра гуруҳлаштиришга асосланади. Хўжалик юритиш жараёнида амалга оширилган турли

муомалалар ҳисобварақларда акс эттирилади ва ҳисобварақлар тизимидан фойдаланиб, мазмунига кўра умумлаштирилади.

6. Икки ёқлама ёзув


Хўжалик юритиш жараёнида юз берган муомалаларни ҳисобварақда акс эттиришнинг муҳим хусусияти шундаки, муомалада акс этган сумма бир вақтнинг ўзида камида иккита ҳисобварақда акс эттирилади. Икки ёқлама ёзув ҳар бир хўжалик муомаласи натижасида юзага келадиган ҳодисани ўзаро боғлайди. Айнан икки ёқлама ёзув ҳисоб–китоб ишлари тўғри бажарилаётгани ёки ҳисоблашда хато қилинганлигини аниқлаш имконини беради.

7. Бухгалтерия баланси

У хўжалик маблағлари ва манбаларини маълум бир санага бўлган ҳолатини акс эттириш методи ҳисобланади. Баланс, яъни хўжалик маблағлари ҳаракатини акс эттиришнинг бундай тартиби уларнинг барча йиғиндисини ўзаро боғланган ҳолда бир бутун тарзда кўриш имконини беради. Корхона фаолиятини таҳлил қилишни енгиллаштиради.

8. Ҳисобот

Маълум даврга бўлган хўжалик фаолияти жараёнида содир бўладиган воқеа кўп сонли муаммоларни кузатиш имконини



берибгина қолмай, илмий асосланган бошқарув ечимларини ишлаб чиқариш учун катта аҳамиятга эга бўлган маълумотларни иқтисодий жиҳатдан умумлаштириш имконини беради.

Хўжалик юритиш жараёнида юз берган муомалаларни иқтисодий мазмунига кўра умумлаштириш, гуруҳлаштириш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминловчи, акс эттирувчи шакллар йиғиндиси тарзида ифодаланади, яъни ҳисобот тайёрланади. У хўжалик фаолияти якунини, натижасини кўрсатади.

Шундай қилиб, **бухгалтерия ҳисоби фани бошқа иқтисодий фанлардан биринчи навбатда ўз предмети ва уни ўрганиш методлари билан катта фарқ қилади. Бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган методларнинг кўпчилиги, жумладан, ҳужжатлаштириш, икки ёқлама ёзувпроводка бериш ва бошқаларни ундан бошқа ҳеч қайси фанда ўрганилмайди.**

Бухгалтерия ҳисоби иқтисодиётнинг барча бўлимлари, соҳаларини зарур ахборот билан таъминлайди. Бунинг учун хўжалик субъектлари миқёсида фаолият юритиш жараёнларида юз берадиган барча алоқалар, муомалалар узлуксиз равишда кузатилади ва расмийлаштирилади.

Бухгалтерия ҳисобини хўжалик фаолиятидаги муомалаларни акс эттирувчи ҳужжатларсиз, ҳисобкитобларсиз ўрганиб бўлмайди. Ўқувчигалаба ҳужжатлар билан шахсан ишлаши, ўзи уларни белгиланган қоидалар асосида юритиши зарур. Шу билан бирга, қабул қилинган қоидалар асосида ҳисобкитоб қилиши, ҳисобот олиб боришни билиши керак. Демак, дарс ўтишда айнан ана шу мақсадни амалга оширишга хизмат қиладиган методларни танлаш зарур. Бу жиҳатдан тарқатма материал тайёрлаш ва уларни дарс жараёнида қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Юритиладиган ҳужжатларни тўлдириш қоидаларини ўқувчигалабанинг ўзи белгиланган тартиб асосида ҳужжатларни тўлдирмай туриб ўргана олмайди. Ҳисобкитоб юритиш ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Унинг энг самарали йўли масала–машқлар ечиш бўлиб, фанни масала машқ ечмай ўрганиб бўлмайди.

Шунинг учун мавзуларни ўрганаётганда мос равишда масала ва машқлар ечиб, жавобини гуруҳда муҳокама қилган маъқул.

2§. «Бухгалтерия ҳисоби» фанини ўрганишда ҳужжатлаштириш, ҳисоб юритиш қоидалари ва фанини ўрганишда уларнинг тутган ўрни

Бухгалтерия ҳисоби фанининг бошқа фанлардан ажралиб турувчи, хусусияти бу хўжалик юритувчи субъектларнинг барча муомалаларини ҳужжатларда акс эттиришидир. Айнан ана шу ҳужжатлаштириш орқали узлуксиз ҳисобга олиш таъминланади. Барча хўжалик юритувчи субъектлар содир этган хўжалик муомалалари, улар орасидаги ҳамда юридик ва жисмоний шахслар билан олиб бориладиган ҳисобкитоблар, яъни ахборотлар ҳужжатларда акс этади. Бухгалтерия ҳисобида **ҳужжат хўжалик муомаласи тўғрисидаги ёзма гувоҳлик бўлиб, у бухгалтерия ҳисоби маълумотларига юридик куч бағишлайди.**

Шунинг учун, **биринчидан**, ҳужжатлаштириш бухгалтерия ҳисоби фанининг предметини ўрганиш методлари орасида асосий метод сифатида кўрилади. Бошқа методлар ҳам ҳужжатлаштиришга таянади.

Иккинчидан, ҳужжатлаштириш узлуксиз олиб борилади. Шу асосида хўжалик муомалалари ишончлилиги таъминланади.

Учинчидан, ҳужжатлар юридик кучга эга бўлар экан, демак улар белгиланган маълум қонунқоидалар асосида юритилишини билдиради. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини юритишни тартибга солувчи ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатлар тўрт даражали тизим орқали амалга оширилади:

1. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ҳамда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларнинг бошқа меъёрий ҳужжатлари;

2. Бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш функцияси юклатилган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва бошқа органлари томонидан тасдиқланган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари;

3. Молия вазирлиги ва бошқа органлар томонидан амалдаги қонунларга мос равишда ва тегишли объектларнинг ҳисобини ташкил қилишга доир методик кўрсатмалари ва тавсияномалари, йўриқномалари;

4. Корхонага бевосита тегишли операциялар ва фаолиятга тегишли ҳисобга доир ишчи йўриқномалар ва кўрсатмалар, яъни корхоналар ҳисоб сиёсатини аниқлайдиган ҳужжатлар. Корхонанинг ўзини бухгалтерия ҳисобини олиб боришдаги бирламчи, ишчи ҳужжатлари.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни ташкил этиш ҳамда юритиш Ўзбекистон Республикасининг 30. 08. 1996 йил қабул қилинган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5.02 даги 54 сонли "Маҳсулот(ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркибини ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) ва «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий – хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси» асосида амалга оширади. Ушбу меъёрий ҳужжатлар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни ташкил қилиш ҳамда олиб боришнинг умумий тартибларини белгилайди.

Айниқса, «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома" номли 21сонли «Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари»нинг ишлаб чиқилиши, бухгалтерия ҳисоби соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий босқичларидан бири бўлди. 2000 йил 30 мартда Молия вазирлигининг 37 сонли қарори билан тасдиқланган ва 1 июнь 2000 йили Молия вазирлигида 430 сон билан рўйхатдан ўтказилган бу стандарт бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мос равишда ишлаб чиқилган.

Республикаимизда бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳужжатларни расмийлаштириш давлат томонидан ўрнатилган бухгалтерия қоидалари асосида юритилади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботга доир қонун ҳужжатлари бухгалтерия ҳисобининг ягона ҳуқуқий ва методологик асосларини, унинг ташкилий қисмларини, бухгалтерия фаолияти ва молиявий ҳисобот тузишнинг асосий йўналишларини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тақдим қилишининг асосини белгилайди.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юкланган.

Бухгалтерия ҳисоби юритишнинг асосини ҳужжатлаштириш ташкил қилишини ҳисобга олган ҳолда "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунда алоҳида аҳамият берилган.

Ҳужжатлаштириш, энг аввало, бошланғич ҳужжатлаштиришни тўғри ва бехато олиб бориш муҳим роль ўйнаши, бошқа ҳужжатлар ҳам улар асосида шакллантирилишини ҳисобга олиб, қонунда уларни юритиш қандай тарзда расмийлаштирилиши белгилаб берилган. Қонуннинг 9 моддаси бошланғич ҳисоб ҳужжатларига бағишланган. Хўжалик операциялари ўтказиш учун бухгалтерия ҳисоби операцияларини амалга оширилганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлар асос бўлади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари операциялари амалга оширилаётган вақтда ёки операциялар амалга оширилиб бўлгандан кейин тузилади.

Ҳисобот даврига тегишли бўлган хўжалик операциялари, агар улар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаган бўлса, тегишли бошланғич ҳужжат расмийлаштириб, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари куйидагилар:

- корхона (муассаса)нинг номи;
- ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;
- хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдор ўлчови (натура ҳолида ва пулда ифодаланган ҳолида);
- масъул шахсларнинг шахсий имзолари.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларни ўз вақтида тўғри ва аниқ тузилиши, шунингдек, бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун белгиланган муддатларда топширилишига жавобгардирлар.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларига хўжалик операцияси қатнашчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Банк ва касса пул ҳужжатларида тузатишлар ва ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди.

- Ҳужжатлар ўз вақтида тузилиши;
- Тўлиқ ва ишонарли бўлиши лозим.

Ҳужжатларга асосланган ҳолда хўжалик фаолияти устидан дастлабки ва жорий назоратларни олиб бориш йўлга қўйилади.

Бухгалтерия ҳисоби олиб бориш учун юритиладиган ҳужжатлар ниҳоятда хилма хил. Уларни турли мезонларга кўра гуруҳларга ажратиш мумкин. Одатда улар тузилган жойи, акс эттирилган хўжалик муомалаларининг сони, ҳажми, қамраб олиш усули, мақсадига кўра гуруҳларга ажратилади (ҳужжатлар таркиби, схемага қаранг)

Бухгалтеруя ҳисоби ҳужжатларида йўл қўйилган хатони тузатиш қоидаларига қатъий амал қилинади. Хатоларни тузатиш уч усул: корректура, қўшимча проводка, "қизил сторно" асосида амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисобини тўғри юритишнинг қоидалари ишлаб чиқилган ва улар "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунда ўз аксини топган.

Қонуннинг бмоддасида бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари кўрсатилган. Улар куйидагилар:

- бухгалтерия ҳисобини икки ёклама ёзув усулида юритиш;
- узлуксизлик;
- хўжалик операциялари, активлар ва пасивларни пулда баҳолаш;
- аниқлик;
- ҳисоблаш;
- олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик);
- мазмунни шаклдан устунлиги;
- кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги;
- молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги;
- ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги;
- активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

Шундай қилиб, «Бухгалтерия ҳисоби» фанининг яна бир **муҳим хусусияти, уни ҳужжатлаштиришга асосланганлиги, ҳужжатлар эса юридик кучга эга бўлишидир.**

Ҳужжатлаштириш мамлакатда қабул қилинган ҳуқуқий, меъёрий қонун қоидалар асосида амалга оширилади. Уларга амал қилинмаса ҳужжатлар юридик кучга эга бўла олмайди.


Белгиланган қонун қоидаларсиз хўжалик фаолиятини назорат қилишни амалга ошириб бўлмайди.

Демак, бухгалтерия ҳисобининг яна бир ниҳоятда **муҳим хусусияти ҳисоб юритишни қабул қилинган қонунқоидалар асосида олиб борилишидир.**

Кўриниб турибдики, ўқитувчи дарс бериш, ўқитиш методларини танлар экан, албатта, ана шу хусусиятларни ҳисобга олиши лозим.

Бухгалтерия фанида ўқувчиталабалар ҳужжатлаштиришни ўрганиш учун бу жараённи амалда ўзлари бажаришлари шарт.

Ўқитувчи ўқув жараёнида ана шундай кўникмани шакллантиради. Бунинг учун ўқитувчи самарали методларни танлаши ва қўллаши зарур. Энг асосийси, назарий дарсда ўтилганларни
ама



лий дарс(семинар)ларда бевосита ҳужжатлар билан ишлаб, тўлдириш ва ҳисобкитобни амалга оширишни ташкил этиш зарур.

Масалан, корхона кассасига нақд пулларни қабул қилиш КО1 шаклидаги касса кирим ордери билан амалга оширилади. У икки қисмдан иборат: кирим ордери (бланкнинг чап қисми) ва унга оид квитанция (ўнг қисми). Касса кирим ордерини бухгалтерия ёзиб беради ва бош бухгалтер ёки у ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Буни ўрганишни фақат касса кирим ордерининг бланкасини кўриб, уни тўлдирилиш орқали амалга ошириш мумкин. Бунинг учун бу бланкани слайд тарзида тайёрлаб, намойиш қиламиз ҳамда тарқатма материал тарзида талабаларга тарқатиб, уни тўлдириш тартибини тушунтирамиз.

Нурафшон				
korxonona, tashkilot (предприятие, организация) Okud bo'yicha kodi <u>03080011</u>				
Код по ОКВЭД 2006 г.				
Приходный кассовый ордер №101 KIRIM ORDERI				
kun (число)	ou (месяц)			
6	апрел			
Korrespondent hisob, subhisobi Корреспондирующий счёт, субсчёт	Analitik hisob shifri. Шифр аналитического учёта	Summasi. Сумма	Maqsadli topshiriq kod. Код целевого назначения	
		12000		
Olindi (Принято от <u>Хисоб-китоб счётидан</u>) Asos (Основание) <u>ДТ 417131 чек китоби</u>				
<u>Ўн икки минг сўм 00 тийин</u> so'z bilan (прописью)				
Pova (Приложение) _____				
Bosh (katta) hisobchi Главный (старший) бухгалтер имзо				
Qabul qilgan g'aznachi Получил кассир имзо				

Нурафшон				
korxonona, tashkilot (предприятие, организация)				
№ kirim g'azna orderiga				
СИПТА (KVITANSIYA)				
(Квитанция к приходному кассовому ордеру)				
Olindi (Принято от) <u>Х/к счётидан</u>				
To'landi (Отплачено) _____				
<u>Сафар</u> харажатлари _____				
учун _____				

_____ <u>ўн</u> _____ <u>икки</u> _____ <u>минг</u>				
<u>сўм</u> so'z bilan (прописью)				
12000 so'm (сўм) 00 tiy. (тий.)				
« 6 » _____ апрель _____ 2006 у.				
М.О.:				
Bosh (katta)				

ЛИНИЯ ОТРЕЗА

Барча талабалар тўлдириб бўлгач, кирим ордерининг тўғри тўлдирилган вариантини тарқатамиз ёки слайдни намойиш қиламиз. Талабалар таққослаб ўз хатоларини тўғрилаб чиқишади.

Кичик гуруҳ етакчилари гуруҳ аъзолари қандай хатоликларга йўл қўйишгани ҳақида ахборот беришади.

Кирим ордерини кассага топширишда олдин, албатта, кирим ва чиқим ҳужжатлари махсус журналда қайд қилиниши лозим.

Касса кирим ордерини пул топшираётган шахслар қўлига бериш тақиқланади. Кирим ордери ижро этиш учун бевосита кассага топширилади. Бу ерда кассир ордерининг тўғри расмийлаштирилганлигини, бош бухгалтернинг имзоси борлиги ва ҳақиқийлигини текширади, пулни қабул қилади, кирим ордери ва квитанцияни имзолайди. Пул топширган шахсга квитанцияси берилади. Касса кирим ордери бўйича пуллар фақат ушбу ҳужжат тўлдирилган кунда қабул қилинади.

Банкдаги ҳисоб – китоб счёти ва бошқа счётлардан кассага нақд пул келиб тушганида ҳам касса кирим ордери тузилади ва унинг квитанцияси тўлдирилади. Квитанция ҳисоб – китоб счётидан пулларни ҳисобдан чиқариш учун банк муассасаси кўчирмасига қўшиб қўйилади.

Нақд пуллар кассадан касса чиқим ордерлари ёки касса чиқим ордерларининг ўрнини босадиган, махсус штамп билан босилган бошқа ҳужжатлар (тўлов қайдномалари, пул бериш учун ариза, ҳисоб варақлар ва ҳоказо) асосида берилади.

Ўқувчиталабалар мазкур бланкни тўлдириб бўлгач, ўқитувчи тўғри тўлдирилган бланкни намойиш этади ва ҳар бир талабадан тўлдириш жараёнида хатоси борйўқлигини текшириб чиқишга топшириқ беради. Бу топшириқни бажариб бўлгач, ҳар бир талаба индивидуал ёки кичик гуруҳлар миқёсида ўз фикрларини билдириши мумкин. Ёки айтайлик, бухгалтерия ҳисоби фанидан ҳисоб – китоб счёти бўйича муомалалар ҳисоби мавзусини ўтганда, албатта, тўлов талабномаси ва тўлов топшириқномаси тўғрисида тўхталиб ўтиш лозим.

Корхона ва ташкилотлар билан ҳисоб – китобларда улар ўртасида кўзда тутилган тўлов шаклига боғлиқ амаолда ҳужжатлар қўлланилади. Агар шартномада корхонанинг ўзи қарзини мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва турли ташкилотларга ўтказиши кўзда тутилган бўлса, тўлов топшириқномаси ёзилади.

Тўлов топшириқномаси корхонанинг ўзига хизмат кўрсатувчи банк ўз ҳисобварағидан муайян суммани бошқа корхонанинг ва шу банкдаги ёки ана шу шаҳарда ёхуд бошқа шаҳарда жойлашган банк муассасасидаги счётига ўтказиш тўғрисидаги топшириғи ҳисобланади. Бунда тўловчи банкка белгиланган шаклдаги бланкда топшириқнома тақдим этади.

Тўлов талабномаси ҳисоб – китоб ҳужжати бўлиб, мол етказиб берувчи ва воситаларни бошқа олувчиларнинг тўловчига муайян суммани банк орқали тўлаш тўғрисидаги талабини ўз ичига олади.

Тўлов талабномалари билан ҳисоб – китоб қилишда воситаларни олувчи унга хизмат кўрсатувчи банкка инкассо учун тўловчидан муайян суммани банк орқали тўлаш талаб қилинган ҳисоб – китоб ҳужжатини тақдим этади.

Талабномаларда мол етказиб берувчи, албатта:

- шартнома санаси ва рақамини кўрсатади;
- товарларни юклаб жўнатиш (бериш) санаси ҳамда товар – транспорт ёки қабул қилиш – топшириш ҳужжатлари ва транспорт тури, товарлар алоқа корхонаси орқали жўнатмалар сифатида юборилганда – почта квитанцияларининг рақамлари кўрсатилиши керак;

- Талабномалар 4 нусхада тақдим этилади.

Бухгалтерия ҳисобини кўриб ўтган хусусиятларига кўра бу фанда кўрғазмали материаллардан ҳамда ахборот ва топшириқ тарзидаги тарқатма материаллардан кенг равишда фойдаланиш талаб этилади. Айниқса, ҳужжатлаштиришни уларсиз оғзаки тушунтириш яхши натижа бермайди. Ҳар бир дарсда қандай ҳужжат, қай тарзда тўлдирилади, албатта талабалар билан кўриб чиқиш зарур.

Шундай қилиб, бошқа ҳеч бир фанни ўрганиш намойиш қилинувчи кўрғазмали материал ва тарқатма материалларга бухгалтерия ҳисоби каби муҳтож эмас. **Намойиш қилинувчи кўрғазмали материал ва тарқатма материалларда акс этган ҳужжатлар, ҳисобкитоб шакллари ва уларни шахсан ҳар бир ўқувчиталаба ўзи тўлдирмай, ўзи синаб кўрмай, «Бухгалтерия ҳисоби» фанини ўрганиб бўлмайди!**

№ _____ ТАЛАБНОМА
« ____ » _____ 200__ й.

Бўлим _____
(номи)

_____ (мансабдор шахсининг исми шарифи)

Ким _____
орқали _____

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сўралган миқдор	Чиқарилган миқдор.	Нархи	Сумма

Қабул қилди
Топширди
Рухсат берди:
Директор
Бош ҳисобчи
Ҳисобчи

Демак, ҳар бир дарс учун зарур кўргазмалар ва тарқатма материал тайёрлаш керак.

3§. Бухгалтерия ҳисоби фанининг амалиёт билан боғлиқлиги

Бухгалтерия ҳисоби фани амалиёт билан бевосита боғлиқдир. Назария билан амалиёт бирлиги бошқа ҳеч бир иқтисодий фанларда бунчалик бир бутун тарзда ифодаланмайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва миллий ҳисоб тизимини жаҳон тажрибалари асосида ислоҳ қилиш билан биргаликда, мамлакатимизга ҳисоб сиёсати тушунчаси кириб келди. Ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини юритиш методлари, яъни хўжалик фаолияти учун танланган алоҳида усуллар мажмуидир. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти №1 «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоб»да ҳисоб сиёсатига қуйидагича таъриф берилган: "Хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тузиш бўйича қоида ва усуллар йиғиндиси тушунилади".

Ҳисоб сиёсати қамрови жиҳатидан: а) умумдавлат миқёсида;
б) хўжалик юритувчи субъектлар миқёсида олиб борилади.

Умумдавлат ҳисоб сиёсати хўжалик субъектлари томонидан бажарилиши мажбур бўлган меъёрий ҳужжатлар мажмуини ишлаб чиқиш ва ўрнатишни кўзда тутди. Бу қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият орқали давлатга тегишли қонун ва бошқа норматив ҳужжатларда кўзда тутилган ягона бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишнинг методологик асослари, ҳисоботни ошкор этиш қоидалари ва бухгалтерия ахборотининг ҳаққонийлигини тасдиқловчи фаолиятни амалга оширилишини билдиради. Бундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) бухгалтерия ҳисобида хўжалик операциялари ва жараёнлари, актив ва мажбуриятларини баҳолаш асослари, ҳисоб аппаратининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ёритишга ягона ёндашишни тартибга солади.

Ҳисоб сиёсати бу қабул қилинган ҳуқуқий нормалар асосида қўйилган мақсадларга эришишнинг шакл ва усуллари акс эттирувчи ҳужжатлар мажмуаси ва уларга амал қилишдир.

Турли мулкка асосланган корхоналарнинг ҳисоб сиёсати:

- мулк шакли ва корхона тури;
- корхона фаолияти йўналиши;
- хўжалик юритувчи субъектнинг бошқариш тизими;
- ҳисоб юритишнинг ташкилий шакли;
- ҳисоб юритиш технологияси ва бошқаларда ифодаланади.

Хўжалик фаолияти юритаётган хўжалик субъекти учун ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ушбу субъектнинг мақсади ва олдига қўйган вазифаларига эътибор берилиши керак.

Масалан, қўшма корхоналар чет эл инвестицияларидан самарали фойдаланиб, бозорни зарур маҳсулотлар билан тўлдириши, кичик ва ўрта бизнес эса аҳолини иш ўринлари билан иложи борича кўпроқ таъминлаш, мавжуд моддий, молиявий ресурслардан фойдаланиб, тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўз олдига қўйган мақсадлари ва уни амалга ошириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоботни давлат томонидан ўрнатилган бухгалтерия ҳисоби қоидалари асосида ўзлари ишлаб чиқадилар ва юритадилар. Демак, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсати давлатнинг бухгалтерия ҳисобига доир меъёрий ҳужжатлардан келиб чиқиб шакллантирилади, ҳуқуқий тартибга солинади.

Ички ҳисоб сиёсати ички меъёрий тартибга солиш ҳужжати сифатида корхона фаолиятини ўзига хос хусусиятлари ва давлат томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар талаблари ўртасидаги боғлиқликни таъмин этади.

Корхонанинг "Ҳисоб сиёсати тўғрисида"ги буйруқда таҳлил жиҳатлари ўз аксини топиши лозим:

- бухгалтерия ҳисоби таҳлили;
- ҳисоб ахборотларини қайта ишлаш технологияси ва ҳужжат айланмасини ташкил этиш тартиби;
- бухгалтерия ҳисоби счётларининг ишчи режаси;
- мажбуриятлар ва мулкни инвентаризация қилишни ташкил этиш ва ўтказиш.

Хўжалик субъекти томонидан қабул қилинадиган ҳисоб сиёсатининг бош мақсади ва вазифаси ўз фаолиятининг мақсадидан келиб чиқиб, барча фаолият бўйича объектив ва ҳаққоний ахборотни шакллантириш, шу ахборот асосида ўз фаолиятини самарали тартибга солиб туришдир. Корхонада ҳисоб жараёни белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳамма корхоналар учун умумий бўлган меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Аммо **ҳар бир хўжалик субъектлари фақат ўзига хос бўлган, фаолият шартлари, мақсад ва вазифаларини инобатга олиб, ҳисоб сиёсатини шакллантириши мумкин.** Битта корхонага маъқул ва фойдали бўлган тавсиялар, бошқа корхоналар учун аксинча бўлиши мумкин.

Умумий қоида ва принциплар ҳар бир корхонанинг фаолияти шартлари, умумий модел билан солиштирганда унинг ўзига хослиги, ходимлар малакаси, уларнинг масалаларни тушуниш, бошқариш жараёнида қўллаши мавжуд техника базасидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунида кичик тадбиркорлик субъектларида ҳам барча юридик шахслар каби икки ёқлама ёзувга асосланган бухгалтерия ҳисобини юритишнинг мажбурийлиги кўрсатилган. Аммо тадбиркорларга ҳисоб ва ҳисоботларни юритишда енгилликлар яратиш мақсадида ушбу қонунга асосан, "Кичик тадбиркорлик субъектларида соддалаштирилган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи" деб номланган 20 Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ишлаб чиқилди. Ушбу стандартни ишлаб чиқилиши ва амалиётда қўллашга руҳсат этилиши

кичик тадбиркорлик субъектларида бухгалтерия ҳисобини юритишни соддалаштириш орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларга енгилликлар яратишга қаратилган.

Корхона, ташкилот ўз бухгалтерия бўлимига эгами ёки бухгалтер четдан жалб этилиб, хизматидан фойдаланиладими, қатъий назар, бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш учун раҳбар жавоб беради. Раҳбар зиммасига бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш учун зарур шартшароитни яратиш, ҳисоб билан боғлиқ барча бўлимларда бош бухгалтернинг ҳисоб юритиши, расмийлаштиришга доир барча талабларини бажариш киритилади.

Бош бухгалтер ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс бухгалтерия ҳисобини умумий методологик принципларини сақлаш бўйича жавобгар бўлади.

Раҳбар қуйидагиларни таъминлаш шарт:

- ички ҳисоб ва ҳисобот тизимини яратиш;
- хўжалик операацияларини олиб боришни назорат қилиш тартиби;
- тўла ва ишончли бухгалтерия ҳисобини олиб бориш;
- ҳисоб ҳужжатларини сақлашни таъминлаш;
- ташки фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот тайёрлаш;
- солиқ ва бошқа молиявий ҳужжатларни тайёрлаш;
- ҳисоб китобни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш.

Қонунга мувофиқ равишда квартал ва йиллик молиявий ҳисобот тайёрланади.

Ҳисобот топшириш учун тайёрланадиган ҳисобот шакллари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим хусусиятларидан бири баҳолаш ва калькуляцияни амалга оширишдир. Баҳолаш ва калькуляциядан хўжалик кўрсаткичларини пулда ифодалашда фойдаланилади. Бухгалтерия ҳисоби объектларини пулда ўлчаш, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини уни сотишдан олинган тушум билан солиштириш имконини беради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг актив ва мажбуриятларини баҳолаш тартиби, усуллари тегишли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари билан белгиланади. Активлар ва мажбуриятларни баҳолашда уларнинг сотиб олинган нархи ёки ишлаб чиқариш харажатлари баҳолаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг олиб борган барча фаолияти унинг балансида акс этади. Корхона фаолияти ва унинг ҳолати билан танишмоқчи бўлганлар бундай ахборотни балансдан олишлари мумкин. Баланс корхонадаги вазиятни акс эттирувчи ойна. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисоби юритишни ўрганишни балансни ўрганишдан бошланади. Бунда бухгалтерия ҳисобини ўрганиш дедукциядан индуктивликка бориш асосида ташкил қилинади.

Бухгалтерия баланси хўжалик маблағлари ва уларнинг турлари, ташкил топиш манбалари бўйича муайян бир даврга пулда ифодаланиб, умумлаштирилиб акс эттириш ва иқтисодий гуруҳларга ажратиш усулидир.

Маблағлар турлари ва уларни манбаларини ажратиб кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 7 февралда 31сонли буйруғи билан қабул қилинган баланс икки қисмдан иборат бўлган жадвал шаклида тузилган. Унинг чап томонида маблағлар турлари ва уларни жойланиши келтирилади. У актив қисм деб номланади.

Ўнг томонида маблағлар манбалари ва уларни қандай мақсадларга аталгани кўрсатилади. У пассив қисм деб номланади.

Бухгалтерия балансининг активида:

1 бўлим. Узоқ муддатли активлар;

2 бўлим. Жорий активлар.

Пассивда

1 бўлим. Ўз маблағлари;

2 бўлим. Мажбуриятлар акс этади

Баланслар турлитуман бўлиб, уни маълум бир мезонлар асосида гуруҳларга ажратилади (435бетдаги чизма). Чизмада кўрсатилганлардан ташқари, фаолият характериға кўра: асосий баланс ва асосий бўлмаган баланс;


Мулк шаклиға кўра: давлат корхоналари баланси, акционер жамиятлари баланси, муниципал(шаҳар бошқармасиға қарашли) баланс, қўшма корхоналар, кичик ва хусусий корхоналар баланси кабилар;

Акс эттириш объектиға кўра: ҳуқуқий шахс бўлган хўжалик субъектининг мустақил баланси, филиаллар, цех, бўлинмалар баланси;

Тозаланиш усули бўйича: брутто баланси ва нетто балансига бўлинади.

Корхона баланси муайян вақт давомида бухгалтерия ҳисоби счёти бўйича ўтказилган хўжалик муомалаларига доир йиғма маълумотларни акс эттиради.

Кундалик, жорий фаолиятда йиғма рақамлар олиш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятидаги муомалаларни, хўжалик воситалари ҳаракати ва ҳолати тўғрисида батафсил ахборот акс этадиган, жамул жамликда бухгалтерия счётлари тизимидан фойдаланилади.



Корхонада бухгалтерия ҳисобини тегишлича ташкил этиш учун корхона молиявий хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ҳамда ҳар бир счёт тавсифланган ва уларга доир счётларнинг намунавий корреспонденцияси берилган режани қўллаш бўйича йўриқномадан фойдаланилади.

"Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолиятининг бухгалтерия счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома" 21сонли БХМС Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунининг 5моддасига биноан ишлаб чиқилган. У Молия вазирлигининг 2002йил 9сентябрдаги 103сонли қарори билан тасдиқланган. Адлия вазирлиги томонидан 2002йил 23октябрда рўйхатдан ўтказилиб, 2002йил 2ноябрдан кучга кирган.

Бухгалтерия ҳисоби счётларида ҳисоб икки ёқлама ёзув усулида юритилади. Икки ёқлама ёзув ҳар бир хўжалик муомаласининг ўзаро боғлиқ бўлган счётларида қайд этиш йўли билан амалга оширилади. Бу билан олиб борилган фаолият, муомалалар таъсир этадиган ҳисоб объектлари ўртасида ўзаро алоқа ўрнатилади ва бу ўз навбатида корхона хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш ва содир бўлаётган жараёнларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай хўжалик муомаласини икки ёқлама ёзув билан акс эттириш бухгалтерия баланси умумий суммаси тенглигини таъминлайди.

Икки ёқлама ёзув орқали счётлар ҳисобварақлар йиғмасидаги ўзаро боғланишни белгилаш счёт(ҳисобварақ)лар корреспонденцияси дейилади.

Юз берган муомалани бир счётнинг киримли дебетида, иккинчи счётнинг чиқимли кредитида акс эттирилиши бухгалтерия проводкаси деб аталади.

Бухгалтерия проводкаси оддий ва мураккаб бўлиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби фанининг амалиёт билан бевосита боғлиқлигини ифодаловчи яна бир қирраси, ўзига хос томони синтетик ва аналитик ҳисоб олиб боришдир. Синтетик счётлар хўжалик маблағлари ва муомалалари ҳақида умумлаштирилган кўрсаткичларни беради. Улар фақат пул ўлчовида юритилади. Аналитик счётлар бухгалтерия ҳисоби объектларига батафсил тавсиф бериш учун хизмат қилади. Улар ёрдамида синтетик счётлардаги маълумотлар батафсил ёритилади ва назорат қилинади. Уларда фақат пул эмас, натура ва меҳнат кўрсаткичлари ҳам акс этади.

Хўжалик маблағлари ва фаолият юритиш жараёнларини (синтетик счётларда) умумлаштирилган кўрсаткичларда акс эттириш синтетик ҳисоб, деб аталади. Уларни (аналитик счётларда) батафсил кўрсаткичларда акс эттириш таҳлилийаналитик ҳисоб деб юритилди.

Бухгалтерия ҳисоби фанининг ўзига хос хусусиятини кўрсатувчи яна бир қирраси ҳисоб регистрлари асосида ва қабул қилинган шаклларда олиб борилишидир. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида содир бўладиган ва амалга ошириладиган операциялар бухгалтерия ҳисобининг бошланғич ҳужжатларида акс этирилади. Сўнгра улар йиғилади ва йиғма қайдномалар тузилади. Уларнинг маълумотлари тегишли регистрларга ёзиб чиқилади, иқтисодий мазмунига кўра гуруҳланади.

Бухгалтерия ҳисобининг регистрлари деб, бошланғич ва йиғма ҳужжатларда акс этирилган хўжалик маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари иқтисодий мазмунига кўра гуруҳлаш ҳамда хўжалик муомалаларини таркиби ва ҳаракатини ҳисобга олишда қўлланиладиган махсус шаклдаги жадвалларга айтилади. Ёзув турларига кўра регистрларнинг хронологик, систематик, комбинациялашган турлари мавжуд.

Ташқи кўринишига қараб ҳисоб регистрлари бухгалтерия дафтарлари, карточкалар ва ведомостларга бўлинади.

Бухгалтерия ҳисоби ёзувларини маълум қоида техника воситаларидан фойдаланиб, ташкил қилиш бухгалтерия ҳисоби шакли деб аталади. Бунда корхона ҳисоб ишларида содир бўлган ҳар бир хўжалик муомаласини ўз вақтида тўғри ва изчиллик билан ҳисоб регистрларининг аниқ бир тизимида жамланиши амалга оширилади.

Амалиётда бухгалтерия ҳисобининг турли шакллари мавжуд. Улардан кенг тарқалгани: мемориалордер, журналордер, бош журнал, инфор­мацион технологияларга асосланган шакллари­дир.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида содир бўладиган ва амалга ошириладиган операциялар бухгалтерия ҳисобининг бошланғич ҳужжатларида акс этирилади. Сўнгра улар йиғилади ва йиғма қайдномалар тузилади. Уларнинг маълумотлари тегишли регистрларга ёзиб чиқилади, иқтисодий мазмунига кўра гуруҳланади.

Бухгалтерия ҳисобининг регистрлари деб, бошланғич ва йиғма ҳужжатларда акс этирилган хўжалик маблағлари, уларнинг ташқил топиш манбалари иқтисодий мазмунига кўра гуруҳлаш ҳамда хўжалик муомалаларини таркиби ва ҳаракатини ҳисобга олишда қўлланиладиган махсус шаклдаги жадвалларга ай­тилади. Ёзув турларига кўра регистрларнинг хронологик, систематик, комбинациялашган турлари мавжуд.

Ташқи кўринишига қараб ҳисоб регистрлари бухгалтерия дафтарлари, карточкалар ва ведомостларга бўлинади.

Бухгалтерия ҳисоби ёзувларини маълум қоида техника воситаларидан фойдаланиб, ташқил қилиш бухгалтерия ҳисоби шакли деб аталади. Бунда корхона ҳисоб ишларида содир бўлган ҳар бир хўжалик муомаласини ўз вақтида тўғри ва изчиллик билан ҳисоб регистрларининг аниқ бир тизимида жамланиши амалга оширилади.

Амалиётда бухгалтерия ҳисобининг турли шакллари мавжуд. Улардан кенг тарқалгани: мемориалордер, журналордер, бош журнал, инфор­мацион технологияларга асосланган шакллари­дир.

Бухгалтерия ҳисоби фанини амалиёт билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатадиган яна бир жиҳати хўжалик юритувчи субъектларнинг маълум бир давр, квартал, ярим йиллик, йиллик ҳисобот тузишларидир.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолияти устидан кундалик назоратни ҳужжатлар ва ҳисобот регистрлари асосида олиб борадилар. Лекин улар маълум вақт давомида хўжалик якунини билиш учун етарли эмас. Уларни умумлаштириш, бир тизимга келтириш зарур. Бунга ҳисобот тузиш орқали эришилади.

Ҳисобот тузиш қоидалари, тартиби, шакллари, ҳисобот топшириладиган органлар рўйхати, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонун асосида амалга оширилади.

«Бухгалтерия ҳисоби» фани биз кўриб ўтган қатор хусусиятлари, ўзига хос жиҳатлари билан бошқа иқтисодий фанлардан ажралиб турар экан, демак, фанни ўрганиш учун методлар танлашда айнан ана шуларга эътибор бериш лозим.

Бозор иқтисодиёти замонавий бухгалтердан хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий муаммоларини комплекс ҳал этишни талаб қилади. Айниқса, кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун бу ўта муҳимдир. Чунки уларда бухгалтер бухгалтерия ҳисоби ва уни юритиш, иқтисодий режалаштириш, солиқлар тўлаш ва бошқаларда бевосита қатнашади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлашдан келиб чиқиб, бухгалтерия ҳисоби қуйидаги билимлар мажмуини ўз ичига олади:

- Иш юритиш ва ҳужжатлар айланишини ташқил этиш;
- Молиявий ҳисоб;
- Бошқарув ҳисоби;
- Тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари;
- Хўжалик ва солиқ қонунчилиги;
- Хўжалик жараёнларини фойдалилигини баҳолаш;
- Солиқларни режалаштириш;
- Молиявий натижаларни тахмин ва таҳлил қилиш;

Бухгалтерия ҳисоби бошқарув ва молиявий ҳисобга ажратиб ўрганилади.

Бошқарув ҳисоби корxonанинг ўзида бошқарув учун зарур бўлган маълумот, ахборотлар билан иш юритади. Бошқарув ҳисоби ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва таннархи, калкуляция қилиш, шу билан бирга, мавжуд вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш, қарор қабул қилиш, компьютер, технологик дастурлардан фойдаланиш, ўртача харажатлар (таннарх)ни шакллантиришни бошқариш, харажатларни меъеридан ортиб кетишини таҳлил қилиш ва бошқаларни қамраб олади, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект учун унинг ҳолати, у ёки бу вазиятнинг келиб чиқиш сабабларини кўрсатади, унга қараб иш тутиш учун зарур маълумотларни беради.

Молиявий ҳисоб эса нафақат корхона фаолиятини бошқариш, балки ташқи фойдаланувчилар учун ҳам маълумот тўплайди, ахборотларни умумлаштиради, маълум қилади. Бошқарув ҳисоби билан молиявий ҳисоб қатор жиҳатлари билан фарқланади. Улар:

- ҳисоб юритишнинг мажбурийлиги;
- ҳисоб юритишдан мақсад;
- ахборотдан фойдаланувчилар;
- ҳисоб юритишнинг асосий қоидалари;
- ахборот, маълумот шакллари ва бошқалар.

Демак, ўқувчиталабаларда ана шу бошқарув ҳисоби билан молиявий ҳисобни фарқли хусусиятларини англашлари, мавзулар бўйича ўрганиш жараёнида ҳисобга олиш кўникмаларини шакллантириш зарур.

Хўжалик юритувчи субъектлар бир томондан, мулкчилик шакллари турлитуман бўлиб, ички ҳисоб сиёсатига кўра ҳам ҳисобкитоб юритиш фарқланади. Иккинчи томондан, турли тармоқлар, соҳаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам бухгалтерия ҳисобида акс этади.

Шунинг учун ана шу ҳисобкитоблар қандай амалга оширилишини дарс жараёнида ўрганишнинг тажрибада синалган ва энг мақбул методи бу масала ва машқлардан фойдаланишдир.

Демак, ҳар бир дарс учун зарур масала ва машқлар тайёрлаш зарур. Уни бирор фирма, корхона мисолида тайёрлаш керакки, у, барча ҳисобкитобларни қамраб олсин. Натижада талабада бутун жараён ҳақида аниқ тасаввур ҳосил бўлиши, ўзи амалда ҳисобкитобларни олиб боргани учун иш жараёнида бемалол қийналмай, ҳисоб ишларини олиб бориши мумкин бўлсин.

Фанни ўргатишда амалий, имитацион, ролли ўйинлардан ҳам кенг фойдаланса бўлади. Ўйинларни бир неча мавзунини қамраб олган ҳолда тузган маъқул. Фанни ўрганиш учун бу методни қўллашнинг имкони катта. Бухгалтерия фанини ўрганишда самарали методлардан бири кичик гуруҳларга бўлиб дарсни ташкил қилишдир.

Дарсни танловлар тарзида ўтказиш мумкин. Уларни қандай қилиб ташкил қилиш мумкинлигини аввалги бобларда ўрганганмиз.

Фанни ўрганишда аниқ мўлжалланган савол, тест, эссе ёзиш методларини ҳам кенг қўллаш керак. Умуман, фанни ўқитишда барча кўриб чиққан методларимизни қўлласа бўлади. Фақат уларни фанга, ўтиладиган мавзуларга мослаштириш лозим. Лекин улар орасида фанни хусусиятларига мос тушадиганлари, кўпроқ самара берадиганлари, талабаларни ўзлари бухгалтерия операцияларини бажариб, ҳужжатларда акс эттирилишини талаб қиладиган методлардир.

4§. Ўқитиш методларини бухгалтерия фанидан дарс ўтишга мослаштириш (кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш мисолида)

Мавзу бўйича дарс ўтишда қўлланиладиган методлар талабаларни мазкур мавзунини чуқур ўзлаштиришларига қаратилган бўлиши керак. Дарс ўтишда қўлланилиши мумкин бўлган қатор интерактив методлар мавжуд.

Бу методларни қўллашда нималарга, қандай мезонларга қарашимиз кераклиги ҳақида тўхтаб ўтганмиз. Бухгалтерия ҳисобидан дарс ўтишда энг самарали методлардан масала ва машқлар ечиш ва гуруҳларни кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш методи ҳисобланади. Чунки бухгалтерия ҳисоби ҳисобкитоб олиб боришни яхши билишни талаб қилади. Бунинг учун эса ҳар бир талаба ҳисобкитобни ўрганиши керак. Ўзи ҳисобкитобни амалга оширгандагина яхши тушунади. Иккинчидан, ҳисобкитобни амалга оширишда талабалар бирбирига ўргатса, яхшироқ тушунишлари ва мавзунини пухта ўзлаштиришларини кўриб ўтдик. Бу вазифани зиммасига оладиган «ўқитувчи» кичик гуруҳ бўлади.

Бухгалтерия ҳисобини ўрганишда муҳим рол ўйнайдиган дастлабки категория, тушунчалар, баланс, икки ёқлама ёзув, счетлардаги оборотлар, сальдони ҳисоблаш кабилар бўлиб, уларни пухта ўрганиш келгусидаги мавзуларни ҳам чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради. Уларни ўрганишни кичик гуруҳларда масаламашқ ечиш тарзида ташкил қилиш мумкин. Бунинг учун қуйидагича топшириқлар тайёрлашимиз мумкин:

1 кичик гуруҳ учун топшириқ. 1тарқатма материал

Кассадан ҳисобдорлик шартлари билан ходимга 10.000 сўм маблағ берилди.
Корхонага мол етказиб берувчилар билан ҳисоб – китоб бўйича 100.000 сўмлик материаллар келиб тушди. Лекин пули тўланмади. Бу муомалалар натижасида бухгалтерия балансида қандай ўзгаришлар юз берди? Кўрсатинг. Жавобингизни изоҳланг. Корхона баланси қуйидагича:

Баланс
(бошланғич, қисқартирилган)

Актив		Пассив	
Маблағлар тури ва уларнинг жойланиши	Сумма	Маблағлар манбаи ва уларнинг тайинланиши	Сумма
Асосий воситалар	500.000	Устав капитали	750.000
Хом ашё, материаллар	200.000	Фойда	10.000
Касса	50.000	Банк кредитлари	140.000
Ҳисоб – китоб счёти	250.000	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар.	100.000
Жами:	1000000	Жами:	1000000

2–кичик гуруҳ учун топшириқ. 2тарқатма материал

Ходим кассага 10.000 сўм ҳисобдорлик қарзини тўлади.
Корхонага мол етказиб берилгани учун ҳисоб – китоб қилиниб, 100 минг сўм тўланди. Бу муомалалар натижасида бухгалтерия балансида қандай ўзгаришлар юз берди? Кўрсатинг. Жавобингизни изоҳланг.

Баланс
(бошланғич, қисқартирилган)

Актив		Пассив	
Маблағлар тури ва уларнинг жойланиши	Сумма	Маблағлар манбаи ва уларнинг тайинланиши	Сумма
Асосий воситалар	400.000	Устав капитали	450.000
Хом ашё, материаллар	100.000	Фойда	20.000
Касса	40.000	Банк кредитлари	180.000

Ҳисоб – китоб счёти	150.000	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар.	100.000
Дебиторлар	60.000		
Жами:	750.000	Жами:	750.000

3 – кичик гуруҳ учун топшириқ. 3тарқатма материал

Корхона кассасидан 50.000 сўм пул ҳисобкитоб счётига ўтказилди. Корхона олган узоқ муддатли 200.000 сўм қарзини тўлади.

Бажарилган муомалалар туфайли балансдаги ўзгаришни кўрсатинг. Жавобингизни изоҳланг.

Баланс

(бошланғич қисқартирилган)

Актив		Пассив	
Маблағлар тури ва уларнинг жойланиши	Сумма	Маблағлар манбаи ва уларнинг тайинланиши	Сумма
Асосий воситалар	500.000	Устав капитали	600.000
Ишлаб чиқариш захиралари	100.000	Резерв капитали	50.000
Касса	60.000	Узоқ муддатли кредитлар	200.000
Ҳисоб – китоб счёти	200.000	Мол етказиб берувчиларга қарзлар.	10.000
Жами:	860.000	Жами:	860.000

4 – кичик гуруҳ учун топшириқ. 4тарқатма материал

Корхонада тақсимланмаган фойда ҳисобидан резерв фондига 200.000 сўм ажратилди.

Корхонага машина – жиҳозлар олинди. Уни таъсисчилар устав капиталига улуш сифатида киритишди. Уларнинг қиймати 500.000 сўм баҳоланди.

Баланс суммаси бажарилган муомалалардан сўнг қандай ўзгарганини кўрсатинг. Жавобингизни изоҳланг.

Баланс

(бошланғич қисқартирилган)

Актив		Пассив	
Маблағлар тури ва уларнинг жойланиши	Сумма	Маблағлар манбаи ва уларнинг тайинланиши	Сумма
Асосий воситалар	600.000	Устав капитали	700.000
Ишлаб – чиқариш захиралари	100.000	Резерв капитали	50.000
Ҳисоб – китоб счёти	100.000	Тақсимланмаган фойда	200.000
Тайёр маҳсулот	200.000	Муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзлари	50.000
Жами:	1000000	Жами:	1000000

Топшириқлар ва уларнинг жавоби алоҳида тарқатма материал тарзида тайёрланади. Ўқитувчи кичик гуруҳларга топшириқни бериб, мақсадни тушунтиргач, уни ечиш учун вақт беради. Ҳар бир кичик гуруҳ топшириқни ечиб бўлгач, жавоблар дарсда муҳокама

қилинади. Сўнгра ўзи тайёрлаб қўйган жавобини беради ва талабалардан ўз жавоблари билан солиштириб кўришни таклиф қилади.

Намойиш этилувчи ва Старқатма материал

1 – кичик гуруҳ учун топшириқнинг жавоби

Кассадан корхона ходимига ҳисобдорлик шартлари билан 10.000 сўм берилди. Пул берилгач, касса моддасидаги сумма 10.000 сўмга камаяди. Кассадаги маблағ $50.000 - 10.000 = 40.000$ сўм бўлади. Шу билан бирга ҳисобдор шахс ушбу корхонадан қарз бўлиб қолади. Бу қарзни акс эттирадиган «Дебиторлар» моддаси пайдо бўлиб, у 10.000 сўмни акс эттиради.

Бунда маблағларни активнинг бир моддасидан иккинчисига ўтиши содир бўлади. Активнинг жами ўзгармайди, актив ва пассив суммалар ўртасида тенглик сақлаб қолинади.

1. Баланс куйидаги кўринишга эга бўлади

Баланс

Актив		Пассив	
Маблағлар тури ва уларнинг жойланиши	Сумма	Маблағлар манбаи ва уларнинг тайинланиши	Сумма
Асосий воситалар	500.000	Устав капитали	750.000
Хом ашё, материаллар	200.000	Фойда	10.000
Касса	40.000	Банк кредитлари	140.000
Ҳисоб – китоб счёти	250.000	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар.	100.000
Дебиторлар	10.000		
Жами:	1000000	Жами:	1000000

Иккинчи муомала бўйича, корхонага келиб тушган материалларнинг миқдори кўпайишига олиб келади. Хом ашё материаллар моддаси 100000 сўмга кўпаяди. $200.000 + 100.000 = 300.000$ сўм бўлади. Лекин материалларни мол етказиб берувчилардан сотиб олиниб, пули ҳали тўланмагани учун, мол етказиб берувчилар олдида ҳам корхонанинг қарзи кўпаяди. Яъни, аввалда 100 минг сўм эди, яна 100 минг сўм қўшилиб, $100.000 + 100.000 = 200.000$ сўм бўлади. Балансда акс этиши бўйича бу муомала аввалгисидан фарқ қилади. Бу муомала баланснинг актив ва пассивини ўзгартиради. Улар бир хилда ўзгаради, тенглик сақланиб қолинади, ҳар икки томон ҳам кўпаяди.

Энди баланс куйидаги кўринишда бўлади:

2. Баланс

Актив		Пассив	
Маблағлар тури ва уларнинг жойланиши	Сумма	Маблағлар манбаи ва уларнинг тайинланиши	Сумма
Асосий воситалар	500.000	Устав капитали	750.000
Хом ашё, материаллар	300.000	Фойда	10.000
Касса	40.000	Банк кредитлари	140.000
Ҳисоб – китоб счёти	250.000	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар.	200.000
Дебиторлар	10.000		
Жами:	1100000	Жами:	1100000

6тарқатма материал

2 – кичик гуруҳ учун топшириқнинг жавоби:

Биринчи муомалада ходим кассага 10.000 сўм ҳисобдорлик қарзини тўласа, Дебиторлар счёти 10.000 сўмга камаяди. $60.000 - 10.000 = 50.000$ сўм. Кассадаги пул маблағлари эса 10.000 сўмга кўпаяди. $40.000 + 10.000 = 50.000$ сўм. Баланснинг жами суммаси ўзгармайди.

Иккинчи муомала, корхонага мол етказиб берувчиларга 100 000 сўмлик материал пулини тўланиши натижасида камаяди. $150.000 - 100.000 = 50.000$ сўм ҳисоб–китоб счётидаги маблағ 100.000 сўмга, мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашиш счёти ҳам 100.000 сўмга камаяди, яъни қарз тўланди. Натижада умумий баланс суммаси камаяди.

Иккинчи муомаладан сўнг баланс куйидаги кўринишга эга бўлади:

Баланс

Маблағлар тури ва уларнинг жойланиши	Сумма	Маблағлар манбаи ва уларнинг тайинланиши	Сумма
Асосий воситалар	400.000	Устав капитали	450.000
Хом ашё, материаллар	100.000	Фойда	20.000
Касса	50.000	Банк кредитлари	180.000
Ҳисоб – китоб счёти	50.000	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар.	0
Дебиторлар	50.000		
Жами:	650.000	Жами:	650.000

7тарқатма материал

3 – кичик гуруҳ учун топшириқнинг жавоби

Биринчи муомалада корхона кассасидан ҳисоб – китоб счётига ўтказилди. Натижада кассадаги $60.000 - 50.000 = 10.000$ сўм пул бўлиб, 50000 сўмга камаяди. Ҳисоб – китоб счётидаги пуллар эса $200.000 + 50.000 = 250.000$ сўм бўлиб, 50.000 га кўпаяди. Умумий баланс суммаси ўзгармайди.

Иккинчи муомалада корхона учун олинган узоқ муддатли қарз тўланиши натижасида корхонанинг банк олдидаги мажбуриятлари бажарилди, яъни қарз тўланди. Натижада баланс суммаси 200.000 сўмга камайдди. Бу қарзни тўлаш эса ҳисоб – китоб счёти маблағидан амалга оширилди. Натижада ҳисоб – китоб счётидаги пул ҳам ($250 - 200 = 50.000$ сўм) 200 минг сўмга камайдди. Баланснинг умумий суммаси 660.000 сўмни ташкил қилади.

Баланс

Актив		Пассив	
Маблағлар тури ва уларнинг жойланиши	Сумма	Маблағлар манбаи ва уларнинг тайинланиши	Сумма
Асосий воситалар	500.000	Устав капитали	600.000
Хом ашё, материаллар	100.000	Фойда	50.000
Касса	10.000	Банк кредитлари	0
Ҳисоб – китоб счёти	50.000	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар.	10.000
Жами:	660.000	Жами:	660.000

8тарқатма материал

4 – кичик гуруҳ учун топшириқнинг жавоби

Корхона тақсимланмаган фойдадан 100.000 сўм резерв фондига ўтказса, резерв капиталимиз $50 + 100.000 = 150.000$ сўм бўлиб, 100 мингга кўпаяди, тақсимланмаган фойдамиз эса 100 мингга камаяди. $200.000 - 100.000 = 100.000$ сўм, умумий баланс суммаси ўзгармайди.

Таъсисчиларнинг устав капиталига улуш сифатида киритган 500.000 сўмлик машина жиҳозлари туфайли асосий воситалар қиймати 500 минг сўмга кўпайиб, 600 минг сўм + 500 минг сўм = 1100 минг сўмга етади. Баланснинг умумий суммаси 1500 минг сўм бўлади.

Баланс			
Актив		Пассив	
Маблағлар тури ва уларнинг жойланиши	Сумма	Маблағлар манбаи ва уларнинг тайинланиши	Сумма
Асосий воситалар	1100.000	Устав капитали	700.000
Ишлаб – чиқариш захиралари	100.000	Резерв капитали	150.000
Ҳисоб – китоб счёти	100.000	Тақсимланмаган фойда	100.000
Тайёр маҳсулот	200.000	Муассислар устав капитали бўлимлар бўйича қарзлари	550.000
Жами:	1500000	Жами:	1500000

Дарс жараёнида ана шу методларни қўллашни акциз солиғини ҳисоблаш ва уни ҳисобварақларда акс эттириш мисолида ҳам кўриб чиқайлик.

Акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби мавзусида дарс ўтишда аввало кўргазмалар ва тарқатма материаллар тайёрлашга алоҳида эътибор беришимиз керак.

Бунда биз дастлаб талабаларни акциз солиғини солиқ тизимида тутган ўрнини кўрсатадиган жадвал билан таништиришимиз мумкин. Сўнгра Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акцизланадиган товарларга акциз солиғи ставкалари билан таништириш лозим. Бу ставкалар бўйича тарқатма материаллар тайёрланади. Тарқатма материал Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси томонидан чоп этилган «2005 йил 1 январдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибидаги ўзгартиришлар тўплами» бўлиб, унинг 3639 бетларида «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акцизланадиган товарлардан акциз солиғи ставкалари» берилган.

Ундан ташқари акциз солиғи бўйича имтиёзлар ва акциз солиғини тўлаш муддати тартиби бўйича кўргазмалар ва тарқатма материаллар тайёрланади.

Агар гуруҳда 20 та талаба бор десак, у ҳолда 5 та талабадан 4 та кичик гуруҳ ҳосил қилиш мумкин.

Бу кичик гуруҳларга Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган акцизланадиган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаш топширилади. Бунинг учун кичик гуруҳларга мураккаблик даражаси тенг бўлган масала, машқлар тарқатилади. Топшириқ билан бирга акциз солиқлари ставкаси бўйича тарқатма материал берилади. Талабалар ўзлари учун зарур маълумотларни «2005 йил 1 январдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибидаги ўзгартиришлар тўплами»нинг 3639 бетларидан танлаб олишлари уқтирилади.

1кўргазмали ва тарқатма материал

Акциз солиғини тўлаш муддати тартиби.

- Ароқ–шароб маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхона ва фирмалар муомала содир бўлгандан кейин учинчи куни акциз солиғининг суммасини тўлаши керак.
- Бошқа объектлар ҳар ўн кунлик учун ҳисоблаб чиқилган акциз солиғи суммасини ойнинг 13, 23 ва 3 кунлари тўлаши лозим.
- Товарга илова қилинадиган ҳужжатларда кўрсатилган маҳсулот юклаб жўнатилган кун сотиш куни, деб ҳисобланади,
- Акциз солиғини тўловчилар акциз солиғи бўйича ҳисоблашиш ҳисоботини кейинги ойнинг 20 кунигача солиқ назоратига тақдим қилиши керак.

2кўргазмали ва тарқатма материал

Акциз солиғи бўйича имтиёзлар.

- Ўзи ишлаб чиқариб, экспортга жўнатилган товарлардан (Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамаси белгилаган товарлардан ташқари) акциз солиғи олинмайди.
- Саломас ва «Ўзбекистон» ёғи ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган пахта ёғи.
- Халқ таълими ва тиббиёт муассасалари учун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган махсус мебеллар (бу имтиёзлар таълим ва соғлиқни сақлаш тизими махсус мебелни сотиб олиш учун шартнома тузган бўлса, берилади).

1тарқатма материал

1кичик гуруҳ учун топшириқ.

Корхона март ойида 20 тонна А72, А76 бензин ишлаб чиқарди. Ундан 10 тоннасини 25 март куни шартномага биноан истеъмолчиларга жўнатди. Корхонанинг улгуржи (харажат ва фойдаси биргаликда) нархлари 1 литр бензин учун 550 сўмни ташкил қилади.

1. Акциз солиғини ва сотилиш баҳосини ҳисобланг.
2. Мувофиқ равишда ҳисоб счетларида акс эттиринг.
3. Сотилган маҳсулотга акциз солиғини қачонгача тўлаш керак?
4. Акциз солиғини жорий қилишдан мақсад нима? (1 литр бензин =0,8кг. деб олинган)

2тарқатма материал

2кичик гуруҳ учун топшириқ.

Корхона 30 тонна дизель ёқилғисини ишлаб чиқарди. 25 тонна ёқилғини 20март куни истеъмолчига жўнатди. Ёқилғини улгуржи баҳоси 4687500 сўм.

1. Акциз солиғи қўшилган маҳсулотнинг 1 литри баҳосини аниқланг.
2. Корхона 30мартга қадар дизель ёқилғиси бўйича қанча акциз солиғи тўлаши керак?

3. Операцияларни ҳисобварақларда акс этиш тартибини изоҳланг.
4. Акциз солиғи хорижий мамлакатларда ҳам қўлланиладими?
(1 литр бензин = 0,8кг. деб олинг).

3тарқатма материал

3кичик гуруҳ учун топширик.

Янгийўл «Ёғмой акциядорлик жамияти» 20 апрелда «Ҳилол» супермаркетига 10 минг дона хўжалик совуни жўнатди. Совун ишлаб чиқариш корхонаси учун улгуржи нарх 1500000 сўм.

1. Акциз солиғини ҳисобланг.
2. «Ҳилол» супермаркети корхонага хўжалик совуни учун қанча сумма тўлаши керак?
3. Акциз солиғи билан биргаликда бир дона хўжалик совуннинг нархи қанча бўлади?
4. Бажарилган операцияларни ҳисобварақларда акс эттиринг.

Нима сабабдан акциз солиғини тўлашнинг қатъий муддатлари белгилаб қўйилган, изоҳланг.

4тарқатма материал

4кичик гуруҳ учун топширик.

«Фарғона нефтни қайта ишлаш» ОАЖ АИ91, АИ93 бензини ишлаб чиқариб, 10 тонна бензинни «Исмаат сервис» кичик корхонасига сотди. Корхонанинг маҳсулоти улгуржи баҳоси бўйича 2170000 сўм эди.

1. Кичик корхона «Фарғона нефтни қайта ишлаш» ОАЖ ига қанча ҳақ тўлаши кераклигини ҳисобланг.
2. «Исмаат сервис» кичик корхонаси ҳаммаси бўлиб, қанча акциз солиғи тўлашини аниқланг.
2. Бажарилган олдисотди бўйича маблағлар ҳаракатини ҳисоб варақларда акс эттиринг.
3. Сизнингча, бензинга акциз солиғи белгилаш тўғрими? Фикрингизни асослаб беринг.

Жавоблар:

5тарқатма материал

1 кичик гуруҳ учун топшириқнинг жавоби:

1. Корхонанинг улгуржи баҳоси 1875000 сўм, акциз солиғи ставкаси 45%, улгуржи нархига нисбатан акциз солиғи 843750 сўм.
Бензиннинг акциз солиғи қўшилган қиймати 2718750 сўм.
2. Бир литр бензин нархи (улгуржи нарх+акциз солиғи) 217,5 сўм.
3. Дт 5110 «ҳисоб китоб счёти» 2718750 сўм.
Кт 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар счёти» 2718750 сўм.
4. Акциз солиғи қийматига:
Дт 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар счёти» 843750 сўм.

Кт 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ҳисоб варағи 843750 сўм.
Акциз солиғи бюджетга ўтказилганда:
Дт 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ҳисобварағи 843750 сўм.
Кт 5110 «ҳисоб китоб счёти» 843750 сўм.
Давлат бюджетини зарур даромадлар билан таъминлаш.

6тарқатма материал

2 кичик гуруҳ учун топшириқнинг жавоби:

1. Дизель ёқилғисига маҳсулот қийматига нисбатан акциз солиғи ставкаси 40%.
Мувофиқ равишда ҳисобланган акциз солиғи 1875000 сўм.
2. Акциз солиғи билан маҳсулот қиймати 6562500 сўм 1литр дизель ёқилғиси 210 сўм.
3. Дт 5110 «ҳисоб китоб счёти» 6562500 сўм.
Кт 9110 «Тайёр маҳсулот сотишдан даромадлар» 6562500 сўм.
4. Акциз солиғи қийматига:
Дт 5110 «ҳисоб китоб счёти» 1875000 сўм.
Кт 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ҳисобварағи 1875000 сўм.
Корхона 3 апрелга қадар 1875000 сўм акциз солиғи тўлаши керак.

7тарқатма материал

3 кичик гуруҳ учун топшириқнинг жавоби:

1. Акциз солиғи 300000 сўм. хўжалик совунга акциз солиғи корхонанинг улгуржи нархига нисбатан 20% белгиланади.
2. «Ҳилол» супермаркети кир совун учун 300000 сўм тўлайди.
3. . Куйидагича ҳисобварақларда акс этади:
Дт 5110 «Ҳисоб китоб счёти» 300000 сўм.
Кт 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар счёти» 300000 сўм.
Дт 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар счёти» 300000 сўм.
Акциз солиғи қийматига:
Кт 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ҳисобварағи. 300000 сўм.
4. Акциз солиғи тўлаганда:
Дт 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ҳисобварағи 300000 сўм.
Кт 5110 «ҳисоб китоб счёти» 300000 сўм.

Бюджет харажатларнинг асосий қисми ижтимоий мақсадларга сарфланади. Бу маориф, маданият, солиқни сақлаш, мудофаа мақсадларидир.

8тарқатма материал

4 кичик гуруҳ учун топшириқнинг жавоби:

1. Нефтни қайта ишлаш корхонаси, улгуржи баҳоси 2170000 сўм эди, акциз солиғи 976500 сўм.
2. Ҳаммаси бўлиб, «Исмаат сервис» 3146500 сўм тўлайди.
3. Бу операциялар Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси ҳисоботларида куйидагича акс этади:
Дт 5110 «Ҳисоб китоб счёти» 3146500 сўм.

Кт 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар счёти» 3146500 сўм.

Акциз солиғи қийматига:

Дт 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар счёти» 976500 сўм.

Кт 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» ҳисобварағи.
976500 сўм.

4. Солиқ тўлаганда:

Дт 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»
ҳисобварағи. 976500 сўм.

Кт 5110 «Ҳисоб китоб счёти» 976500 сўм.

Акциз солиғини тўлашнинг қатъий муддатлари белгилаб қўйилган, сабаби, бюджет харажатларининг асосий қисми ижтимоий харажатлар маориф, маданият, нафақа ва ҳоказоларни вақтида амалга ошириш манбаидир.

Ўқитувчининг жавобларни аввалдан тайёрлаб қўйиши кичик гуруҳларнинг жавобларини тезда баҳолаш имконини беради.

Дарс кичик гуруҳлар ўртасида танлов тарзида ташкил этилади. Кичик гуруҳлар бўйича ҳисоблашларнинг ва ўтказилган операцияларнинг ҳисобварақларда акс этирилишининг тўғрилигига қараб, балл берилади. Кичик гуруҳларга вақт бериб, мавзу бўйича тест тузишни ёки ечишни топшириш, билдирилган фикр тўғри ёки нотўғрилигини асослаб беришни таклиф қилиш мумкин. Гуруҳни баҳолаганда, албатта, тест саволлари ҳамда жавобларига қаралади.

Биз билдирилган фикр тўғри ёки нотўғрилигини асослаб беришни кўзда тутган топшириқлар мисолида кўриб чиқамиз:

9тарқатма материал

1кичик гуруҳ учун топшириқ.

Т/Н

1. Акциз солиқлари ставкасини шартли равишда 4 та гуруҳга бўлиш мумкин.
 - а) сўм қийматига нисбатан, фоизда;
 - б) натура ўлчови бирлигига нисбатан;
 - в) солиқ ставкаси ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган;
 - г) солиқ тўловчилар ва акциз солиғи тўлаш тартиби Молия вазирлиги билан Давлат Солиқ қўмитаси келишган ҳолда белгиланадиган алоҳида товарларга.
2. 2005 йилда гилам маҳсулотларига тайёр маҳсулотнинг улгуржи баҳосига нисбатан 15% миқдорида акциз солиғи белгиланган.

10тарқатма материал

2 кичик гуруҳ учун топшириқ Т/Н

3. 2005 йилда озик овқат сифатида истъёмол қилинадиган пахта мойига, тайёр маҳсулотнинг улгуржи баҳосига нисбатан 79% акциз солиғи тўланади.
4. 2005 йилда нефт маҳсулотларига белгиланган акциз солиғи ставкалари 2004 йилдаги даражада қолдирилди.

11тарқатма материал

3 кичик гуруҳ учун топшириқ. Т/Н

5. Ароқ ва шароб маҳсулотларига ҳисобланган акциз солиғининг белгиланган миқдори «Ўзмевасабзавотвиносаноатхолдинг» ХКнинг махсус счётига ўтказилади.
6. Юмшоқ упаковкадаги филтрланган сигареталар учун корхона 2005 йил феврал ойида тайёр маҳсулотнинг улгуржи баҳосига нисбатан 45% миқдорида акциз солиғи тўлади.

12тарқатма материал

4 кичик гуруҳ учун топшириқ. Т/Н

7. «Миконд» ОАЖ ишлаб чиқарган биллур вазалар ва қандиллари учун тайёр маҳсулотнинг улгуржи нархидан 5% миқдорида давлат бюджетига акциз солиғи тўлади.
8. 2005 йилда гуруч–ёрма маҳсулотларига акциз солиғи ставкаси 2004 йилдаги 15% ўрнига янги оширилган 20% миқдорида белгиланди. Бу бозорда нархларнинг кўтарилишига олиб келди.

Ҳар бир гуруҳ ким жавоб беришини ўзи танлайди. Жавобга кўра балл берилади. Агар кичик гуруҳларда фаол қатнашмаётган талабалар бўлса, ўқитувчи уларга алоҳида мурожаат қилиб, кўшимча саволлар бериши мумкин.

Қўлланиладиган методлар бирбири билан боғлиқ. Мақсад, улардан фойдаланиб, талабаларни мавзу бўйича ўрганилиши зарур бўлган масалаларни пухта ўзлаштиришига эришишдир.

Ўқитувчи тўғринуотўғрилигини тезда аниқлаш учун ўзи тайёрлаган жавоблардан фойдаланиши мумкин. Кичик гуруҳларга берилган фикрлар жавоблари қуйидагича:

13тарқатма материал

Жавоблар:

1 кичик гуруҳ.

1. **Тўғри.** Вазирлар Маҳкамасининг 28декабрь 2004йилда 610 Қарорининг №122 иловасига кўра, солиқ ставкаларини шартли равишда ана шундай гуруҳларга бўлиш мумкин.
2. **Нотўғри.** Юқоридаги Қарорга мувофиқ гилам ва гилам маҳсулотлари 2005 йили акциз солиғидан озод қилинди.

2кичик гуруҳ.

1. **Нотўғри.** Бу ставка 2004 йил учун белгиланган. 2005 йилдан 1 тонна тайёр маҳсулот учун (саломас ва Ўзбекистон ёғини тайёрлаш учун ишлатилганини қўшмай) 495000 сўм миқдорида акциз солиғи белгиланган.
2. **Тўғри.** А72, А-76, Аи91, Аи93, Аи95 бензинларига улгуржи баҳосига нисбатан 45%, дизел ёқилғисига 40%, авиакеросинга 20% даражасида қолдирилади, лекин, бу ерда огоҳлантириш бор, яъни йил давомида талабнинг ўзгаришига кўра сотиш ҳажми ва баҳонинг ўзгаришига қараб, акциз солиғи ставкалари ҳам ўзгариши мумкин.

3кичик гуруҳ.

1. **Тўғри.** Агар белгиланган миқдорда акциз солиғи йиғилиб, уни тўлашдан қарз бўлмаса, ароқ ва 10%гача, 30% ва ундан юқори даражада этил спирти мавжуд алькоголли ичимликлар, коньяк ва сувсиз спиртга белгиланган ставкадан 60 сўми ўтказилади. Бир бутилка шампан виноси ва 1 литр винодан 12 сўм ўтказилади.
2. **Нотўғри.** 2005 йилдан бошлаб юмшоқ упаковкадаги филтрланган сигареталарнинг минг донасига 4175 сўм ставка белгиланган. Бу ставка йил давомида сотилган маҳсулот ҳажми ва баҳосининг ўзгаришига қараб, ўзгартирилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш бор.

4кичик гуруҳ.

1. **Нотўғри.** Чунки корхона биллур қандил ва бошқа буюмлар учун тайёр маҳсулотнинг улгуржи нархидан 5% миқдорида акциз солиғи ҳисоблайди. Лекин уни давлат бюджетига эмас, балки корхонанинг махсус счётига ўтказиб, келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун фойдаланади.
2. **Нотўғри.** 2005 йилдан бошлаб, гуручёрма маҳсулотларига акциз солиғи бекор қилинди. Бозорда нархнинг ошиши сезонли характерда ёки бошқа сабаб бўлиши мумкин.

Дарс якунида ўқитувчи энг фаол қатнашганларни гуруҳнинг ўзи томонидан эълон қилиш учун имконият бериб, сўнгра ўзи бугунги дарсда қайси гуруҳ кўп балл тўплади ва қайси талабалар энг фаол қатнашганини кўрсатиб, барча талабаларга балл қўйиб чиқади, уни қандай амалга оширишни аввалги бобларда кўриб чиққанмиз.

5§. Моделлаштирувчи ўйин методини қўллаш

Бухгалтерияда пухта ўрганиш зарур бўлган дастлабки мавзулар, айниқса, бухгалтерия ҳисоб варақлари, иккиёқлама ёзув бўлиб, кейинги мавзуларда кўриладиган бухгалтерия ҳисоби операцияларини бажариш кўп жиҳатдан талабалар уларни қай даражада ўзлаштиргани, тушуниб етганларига боғлиқ.

Шунинг учун ўқувчиталабаларнинг мавзуни пухта ўзлаштиришлари келгусида ҳам муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олиб, дарсда барчани фаол қатнашишини таъминловчи моделлаштирувчи ўйин методини қўллаш, ўйинни эса қуйидагича ташкил қилиш мумкин.

«Бухгалтер лавозимига ишга қабул қилиш» ўйини

Ўйиннинг мақсади: ўқувчиталабаларнинг икки ёқлама ёзув, ҳисобварақлар ва уларда хўжалик муомалаларининг акс этишини пухта ўзлаштиришларига эришиш.

Ўқитувчи ўйинда ўрганиладиган тушунчаларни эсга солиб, қайтаради.

Ўйиннинг мақсадини тушунтиради. Гуруҳ учга бўлинади. Гуруҳдаги энг иқтидорли талабалардан 3 киши «экспертлар» гуруҳини ташкил этади. Улар ишга қабул қилиш учун танлов ўтказилиши ҳақида эълон тайёрлашлари керак.

Иккинчи гуруҳ корхонада ташкил этилган «бош бухгалтер» бошчилигидаги 5 кишидан иборат танлов комиссияси, унга: кадрлар бўлими ва бухгалтериядан тажрибали мутахассислар аъзо қилиб жалб этилган. Улар ҳам ишга қабул қилиш учун танлов ўтказилиши ҳақида эълон тайёрлашлари керак. Эълон ватман қоғозга ёзилган, слайд, тарқатма материал тарзида бўлиши мумкин.

Учинчи гуруҳ қолган барча ўқувчиталабалар, улар касбхунар коллежини ёки институтни битириб, шу корхонага ёш мутахассис сифатида ишга киришмоқчи.

Комиссия уларга бир неча босқичда топшириқ бериб, уларни тўғри бажариб, энг юқори балл тўплаганларни ишга қабул қилмоқчи.

Ўқитувчи ўйин ўтказиш қоидаларини ўқувчиталабаларга тушунтиради: ҳар бир ўқувчиталабага уч босқичда топшириқ берилади. Биринчи топшириқ нисбатан осон тестлар. Уларни камида ярмини тўғри ечганлар келгуси турда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Иккинчи босқичда машқ берилади, унинг тўғринотўғрилигини аниқлаб, сабабини ёзиб кўрсатилиши керак. Унинг ҳам камида ярмини тўғри бажарганлар келгуси босқичга қўйилади.

Учинчи босқичда атайлаб нотўғри бажарилган ишлар берилади. Уни камчилигини топиб, тўғри бажариш сўралади. Ҳар бир босқичда бажарилган ишларни танлов комиссияси аъзолари текшириб, баҳолайдилар. Уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини эксперт комиссияси текшириб, хулоса чиқаради. Ўқитувчи ўйинни қандай ўтаётганини кузатиб туради. Бунда унга эксперт комиссия аъзолари ёрдам беради. Ўқувчиталабалар қуйилган топшириқларни бажариш жараёнида мавзуни тушуниб оладилар.

Ўйин ўтказиш тафсилоти.

Гуруҳ учга: экспертлар, танлов комиссияси аъзоларига бўлиниб, ўз жойларини эгаллашади. Биринчи навбатда танлов комиссияси томонидан тайёрланган эълон матни кўрсатилади. Уни ўқиб, ўқувчиталабалар ишга қабул қилиш учун танловда қатнашишни сўраб, ариза берадилар.

Кейинги фаза топшириқни бажариш: бунда ўқувчиталабаларга биринчи топшириқ тестлар берилади. Улар қуйидагича бўлсин:

1 тарқатма материал

Танловда қатнашувчилар учун 1 топшириқ Тестлар:
--

1. Молиявий ҳисобот стандартлари эҳтиёжларига нима сабаб бўлди?
 А) барча хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоботларига бир хилда ёндашиш;
 Б) ҳисоботлар тузишни осонлаштириш;
 В) бухгалтерия юритишни осонлаштириш;
 Г) инвестиция қўйишни осонлаштириш;
2. Хўжалик маблағлари ва жараёнларини қайси ўлчов умумлаштириб кўрсатади?
 А) натура ўлчови; Б) пул ўлчови; В) меҳнат ўлчови; Г) шартли ўлчов бирлиги.
3. Тезкор ҳисобнинг асосий вазифаси нимадан иборат?
 А) бошқарувга маълумот бериш учун;
 Б) ишлаб чиқаришдаги салбий ҳолатларга барҳам бериш;
 В) ишлаб чиқаришдаги ижобий ҳолатларни рўйхатга олиш;
 Г) кузатилаётган объектларда содир бўлаётган ўзгаришлар ҳақидаги зарур маълумотларни тезкорлик билан етказиш;
4. Икки ёқлама ёзувни биринчи бўлиб ким кашф қилган?
 А) Император Максимилиан I; Б) Микеланжело; В) Лука Пачоли;
 Г) Леонардо да Винчи.
5. Бухгалтерия ҳисоби фанини вужудга келиши сабабини тарихан нима билан изоҳлаш мумкин?
 А) савдосотиқнинг ривожланиши;
 Б) ишлаб чиқаришнинг ривожланиши;
 В) товар ишлаб чиқаришни вужудга келиши билан;
 Г) меҳнат таксимотини чуқурлашуви билан.
6. Икки ёқлама ёзиш деб, ...
 А) ҳисоб дафтارينинг икки томони бўйича ахборотларни ёзиб боришга;
 Б) хўжалик муомалаларини иккита дафтарда қайд этишга;
 В) хўжалик муомалаларини транзит ҳисобварақларда ёзиб борилишига;
 Г) хўжаликда содир бўлган муомалаларни ҳисобварақлар орқали ўзаро алоқадорликда акс эттиришга айтилади.
7. Муомалалар суммаси иккиёқлама ёзувда қандай акс эттирилади?
 А) бир ҳисобварақнинг кредити ва иккинчи счетнинг ҳам кредитида;
 Б) бир счетнинг дебитида, иккинчи счетнинг ҳам дебитида;
 В) бир ҳисобварақнинг дебитида айти чўғда иккинчи ҳисобварақнинг кредитида тенг суммада акс эттирилади;
 Г) бир ҳисобварақнинг ҳам дебитида ҳам кредитида акс эттирилади.
8. Бухгалтерия ҳисобида фойда ...
 А) ҳисобот даврида ўтган йилга нисбатан харажатларни камайиши;
 Б) ҳисобот даврида олинган барча даромадларни харажатлардан ортиши;
 В) маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайиши туфайли олинган даромад;
 Г) маҳсулот сотишни кўпайиши натижасида корхонанинг ҳисобкитоб счетидаги маблағларнинг кўпайиши деб, эътироф этилади.
9. Ҳисобварақлар режаси деганда нимани тушунамиз?
 А) ҳисобварақларнинг иқтисодий мазмунига кўра бир тизимга солинган рўйхати;
 Б) ҳисобварақларда муомалаларни акс эттириш режаси;

- В) ҳисобварақларни актив ва пассив ҳисобварақларга бўлиш режаси;
Г) ҳисобварақларда акс этадиган муомалаларнинг режаси.

10. Синтетик счётлар қандай маълумотларни беради?

- А) меҳнат ўлчовидаги маълумотларни;
Б) пул ўлчовидаги маълумотларни;
В) натура ўлчовидаги маълумотларни;
Г) хўжалик маблағлари ва муомалалари ҳақида умумлаштирилган маълумотларни.

Тестлар билимни синовчи тарқатма материал сифатида тайёрланади ва ишга кириш учун ариза берган ўқувчиталабаларга тарқатилади. Ҳар бир тестни ечиш учун 1 дақиқадан вақт берилади ва ҳар бир тўғри жавоб бир балл баҳоланади. Ким берилган вақтдан эртароқ тестни ечиб топширса, жавобига қараб, кейинги босқич топшириғи берилади

Тестнинг ярмини тўғри ечганлар, кейинги босқичга ўтади. Бу топшириқ ҳам тарқатма материал қилиб тайёрланади ва иккинчи босқичга ўтган ўқувчиталабаларга берилади. Бу топшириқ аввалгига нисбатан мураккаброқ. Ҳар бир фикрга билдирилган жавобни ёзиш учун 1 минут вақт берилади ва тўғри жавоб 1 балл баҳоланади. Ишга кирувчилар бу топшириқни бажаришгунча экспертлар танлов комиссиясининг тестлар жавобига қўйган баҳолари тўғрилигини текширишади.

Иккинчи босқичда қуйидаги топшириқ берилади.

2тарқатма материал

Танловда қатнашувчилар учун 2топшириқ

Қуйидаги билдирилган фикрларни диққат билан ўқинг. Уларни тўғри ёки нотўғрилигини кўрсатинг. Фикрингизнинг исботини ёзиб беринг.

Т/Н

1. Баланс – ўлчов деган маънони билдиради.
2. Бухгалтерия ҳисобида икки ёқлама ёзиш деб, хўжалик муомалалари натижасида вужудга келадиган, иқтисодий алоқаларни ҳисобварақлар орқали ўзаро алоқадор ҳолда акс этириш усулига айтилади.
3. Икки ёқлама ёзув орқали ҳисобварақлар ўртасидаги ўзаро боғланишни белгилаш ҳисобварақларни назорат қилиш дейилади.
4. Ҳисоб варақларнинг дебети ва кредитида муомала суммасининг кўрсатилиши бухгалтерия проводкаси деб аталади.
5. Бухгалтерия ҳисобида иқтисодий муомалаларни ҳисобварақларда акс этиши ўзаро алоқадорликни ифодалайди.
6. Икки ёқлама ёзув орқали ҳисобварақлар ўртасидаги ўзаро боғланишни белгилаш бухгалтерия проводкаси дейилади.
7. Бажарилган муомаланинг бир ҳисобварақнинг дебетида, иккинчи ҳисобварақнинг кредитида ифодаланиши оддий бухгалтерия проводкаси дейилади.
8. Ҳисобварақлар бу бухгалтерия ҳисобининг асосий элементларидан бири бўлиб, улар ҳисоб – китобни, назоратни осонлаштиради. Хўжалик фаолиятидаги муомалалар, маблағлар ҳаракати, уларнинг манбаларини акс этиради.
9. Ҳисобварақлар бўйича ёзувлар яқунлари сальдо (қолдиқ) деб аталади.
10. Бухгалтерия балансиға мувофиқ ҳисобварақлар иккига бўлинади.
11. Актив ҳисобварақлар деб, маблағларнинг келиб чиқиши манбаларининг ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга оладиган ҳисобварақларга айтилади.
12. Мураккаб бухгалтерия проводкаси дейилганда бирданига бир неча ҳисобварақлар кредитланиб, бир нечаси дебетланиши тушунилади.

Иккинчи топширикни муваффақиятли бажарганлар навбатдаги 3босқичга ўтишади. Учинчи босқичдаги топширик мураккаброқ тузилади. Унда атайлаб хатога йўл қўйилган. Уни бажариш аввалгиларига қараганда чуқурроқ билим талаб этади.

Зтарқатма материал

Танловда қатнашувчилар учун 3топширик		
Дебет	Актив ҳисобварақ	Кредит
Ой бошидаги сальдо Маблағларнинг камайиши		Маблағларнинг кўпайиши Ой охиридаги сальдо.
<p>Ой охирида сальдонинг берилиши тўғрими? Ҳисобварақни тузилиши тўғри бўлса, тўғрилигини исботланг, хато бўлса, хатоларини кўрсатинг.</p> <p>2. Актив ҳисобварақлардан бири 50 кассадаги пул маблағларининг ҳисоб варақлари. Одатда, кўпроқ миллий валютадаги пул маблағлари операциялари амалга оширилади. Юқоридаги мисолимиз бўйича ойнинг бошидаги сальдо 50 минг сўм десак, ой давомида бир неча марта ҳисоб–китоб счётидан кассага пул тушди: 500 минг сўм, 200 минг сўм, 300 минг сўм, шу билан бирга кассадан ходимларга 300 минг сўм, ишчиларга 600 минг сўм иш ҳақи тўланди, десак, ана шу операциялар бу ҳисоб варақда қандай акс этишини кўрсатинг. Ой охиридаги сальдони аниқланг. Юқоридаги чизмада кўрсатилгани бўйича сальдони ҳисобласак, жавоби қандай бўлиши мумкин? Тўғри жавобни кўрсатинг.</p> <p>(Асосий диққатни шу ҳисобвараққа қаратинг, бошқа ҳисобварақлар билан боғланишни таҳлил қилманг.)</p>		

3топширикни бажариш учун 10 дақиқа вақт берилади. Топширик тўғри бажарилса 10 балл берилади:

1. Актив ҳисобварақни ифодаланишидаги хатони топиб, тўғри жавоб бериш 2 балл.
2. Бажарилган операцияларни ҳисоб счётларида тўғри акс эттириш 2 балл;
3. Дебет ва кредит бўйича оборотларни тўғри ҳисоблаш 2 балл.
4. Ой охиридаги сальдони тўғри аниқлаш 2 балл;
5. Жавобларни берилган актив ҳисобварақнинг дебети ва кредити ҳамда сальдосида ифодаланиши билан таққослаш асосида чиқарилган хулосанинг жавоби тўғри бўлса 2 балл.

Шундай қилиб, тўпланиши мумкин бўлган максимал балл 32 балл. Танловда 13 ўрин олган талабалар ишга қабул қилинади.

Танлов комиссияси аъзоларига ва экспертларга баллни ўқитувчи, уларни жавобларни текшириш бўйича хато қилганларми ёки йўқлигига қараб қўяди. Бунинг учун ҳар бир танлов ва эксперт комиссияси аъзоси танлов иштирокчилари жавобини текшириб, берган хулосасида ўзини исмишарифини кўрсатиши керак.

Агар ўқувчигилар ўртасида аввалги топширикларни бажариш бўйича балл тўплай олмай қолганлари бўлса улар учун куйидаги топширикни бериш мумкин. Бу уларни дарсда бекор ўтиришларига йўл қўймайди. Улар битта кичик гуруҳ бўлиб,

биргаликда бирбирларига ёрдам бериб, топширикни бажаришади. Жавобларига кўра, рағбатлантирувчи балл берилади.

4тарқатма материал

Етарли даражада балл тўплай олмай танловдан чиқиб кетган талабалар учун топширик:

Қуйидаги чизмада пассив ҳисобварақларда ой давомида бажарилган операцияларни ҳисобга олиб, ой охиридаги сальдони аниқлаш схемаси берилган.

Дебет	Пассив ҳисобварақ	Кредит
Маблағларнинг кўпайиши	Маблағлар манбаининг камайиши	Ой бошидаги сальдо: Ой охиридаги сальдо

$$\text{Сальдо}_{\text{ой охири}} = \text{Сальдо}_{\text{ой боши}} + O_{\text{к-т}} - O_{\text{дт}};$$

Чизмада бажариладиган операцияларнинг мазмуни тўғри ифодаланганми? Ишотланг.

Булардан ташқари эълон тайёрлаганлик учун ҳам рағбатлантирувчи балл қўйиш мумкин.

Ўйинни навбатдаги фазаси уни муҳокама қилиш бўлиб, ўқитувчи тўғри жавобларни тарқатади.

5тарқатма материал

Топширикларнинг жавоблари:

Биринчи топширикнинг жавоблари:

1. А); 2.Б); 3.Г); 4.В); 5.В); 6.Г); 7.В); 8.Б); 9.А); 10.Г);

Иккинчи топширикнинг жавоби:

1. **Нотўғри.** Баланс лотинча bis – икки, banx – «тарози палласи» сўзларидан таркиб топган бўлиб «икки палла» деган маънони англатади, тенглик, мувозанат тушунчаси сифатида ишлатилади.

2. **Тўғри.** Икки ёқлама ёзув бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидаларидан бири бўлиб, барча хўжалик муомалалари бир ҳисобварақ дебетида айни вақтда бошқа ҳисобварақ кредитида тенг суммада акс эттирилади.

3. **Нотўғри.** Икки ёқлама ёзув орқали ҳисобварақлар ўртасидаги ўзаро боғланишни белгилаш ҳисобварақлар корреспонденцияси дейилади. Бир ҳисобварақнинг дебети ва иккинчи ҳисобварақнинг кредитида ифодаланиши орқали бу ҳисобварақлар бир – бири билан боғланади.

4. **Тўғри.** Хўжалик муомалалари проводка орқали тегишли дебетланув ва кредитланувчи ҳисобварақларда муомала суммаси кўрсатилади, яъни расмийлаштирилади. Улар бирламчи хужжатлар асосида тузилади.

5. **Тўғри.** Ана шу алоқадорликни акс эттириш усули икки ёқлама ёзиш деб аталади. Чунки бу муомалалар бир ҳисобварақнинг дебетида, иккинчисининг эса кредитида акс этади.

6. **Нотўғри.** Ҳисобварақлар ўртасидаги ўзаро боғланишни белгилаш ҳисобварақлар корреспонденцияси дейилади. Яъни, бажарилган муомалалар қайси ҳисобварақ дебетида ва қайси бирининг кредитида ифодаланиши аниқланади. Масалан, ишчиларга иш ҳақи кассада июнь ойи учун 1 миллион сўм тўланади. Демак, бунда **5010** касса – Миллий валютадаги пул маблағлари ва **6710** Ишчи ва хизматчиларга

иш ҳақи юзасидан қарзлар ҳисобварақларини ўзаро боғланиши, яъни ҳисобварақлар корреспонденциясини ҳосил қилади.

7. **Тўғри.** Чунки бир муомала суммаси иккита ҳисобварақда акс этапти, унда ҳеч қандай мураккаблик йўқ.

8. **Тўғри.** Маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатишдаги муомалаларни ҳисобварақларсиз олиб бориб бўлмайди. Умуман олганда, ҳозирги бухгалтерия ҳисобини ҳисобварақларсиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бухгалтерия объектининг ҳар бир тури учун алоҳида ҳисобварақ очилади.

9. **Нотўғри.** Ҳисобварақлар бўйича икки ёклама ёзув яқунлари оборотлар деб аталади. Дебет ва кредит оборотлари ўртасидаги тафовут эса сальдо деб аталади.

10. **Тўғри.** Улар актив ва пассив ҳисобварақларга бўлинади.

11. **Нотўғри.** Аксинча. Маблағларнинг келиб чиқиш манбаларини ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга оладиган ҳисобварақларни пассив ҳисоб варақлар деб айтилади. Актив ҳисобварақлар эса хўжалик маблағлари ҳолати ва ўзгаришини ҳисобга олади.

12. **Нотўғри.** Бир муомалада битта ҳисобварақ дебетланиб, бир нечтаси кредитланса, бир ҳисобварақ кредитланиб бир неча ҳисобварақ дебетланиши тушунилади. Бошқача бажарилган операциялар нотўғри ҳисобланади.

бтарқатма материал

Зтопшириқнинг жавоби:

Ҳисобварақдаги айрим ёзувлар чизмада нотўғри акс эттирилган. Булар: 1. Дебетда маблағларнинг камайиши эмас, кўпайиши деб ёзилиши керак. Маблағларнинг камайиши, аксинча ҳисобварақнинг кредитида акс этади. Ой охиридаги сальдо ҳам дебетида ҳисобланади. Чунки у актив ҳисобварақ. Бажарилган операциялар бўйича ёзувларни тўғри акс эттирсак, у қуйидагича бўлади.

Дебет	Актив ҳисобварақ	Кредит
Ой бошидаги сальдо. Маблағларнинг кўпайиши Ой охиридаги сальдо		Маблағларнинг камайиши

2. Актив ҳисобварақ кассадаги пул маблағ, 5010 миллий валютадаги пул маблағлари бўйича бажарилган операциялар асосида ой охиридаги сальдони топиш учун дебет бўйича ва кредит бўйича оборотларни ҳисоблашимиз керак.

Ҳисоб – китоб счётига маблағ тушса демак, кассада пул кўпаяди, унинг дебетига ёзамиз:

Биринчи марта:

Д – т 5010 Миллий валютадаги пул маблағлари, 500 минг сўм.

К – т 5110 Ҳисоб – китоб счёти, 500 минг сўм

Иккинчи марта:

Д – т 5010 Миллий валютадаги пул маблағлари, 200 минг сўм.

К – т 5110 Ҳисоб – китоб счёти, 200 минг сўм

Учинчи марта:

Д – т 5010 Миллий валютадаги пул маблағлари, 300 минг сўм.

К – т 5110 Ҳисоб – китоб счёти, 300 минг сўм

Кассадан ходимларга иш ҳақи берилганда, 6710 Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб–китоблар счёти билан боғланади. Кассадаги пул камаяди.

Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб–китоблар бўйича ҳам камаяди.

У ҳолда:

1 марта:

К – т 5110 Миллий валютадаги пул маблағлари, 300 минг сўм

Д – т 6710 Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб – китоблар, 300 минг сўм

Иккинчи марта:

К – т 5110 Миллий валютадаги пул маблағлари, 600 минг сўм

Д – т 6710 Ҳисоб – китоб счёти, 600 минг сўм

3) У ҳолда ҳисобварақ бўйича чизмамиз қуйидагича бўлади:

Актив ҳисобварақ

Дебет Миллий валютадаги пул маблағлари	Кредит
Ой бошидаги сальдо: 50.000	
1) 500.000	1) 300.000
2) 200.000	2) 600.000
3) 300.000	
Ой охиридаги сальдо 150.000	

4) Д – т бўйича оборот = 500 000 + 200. 000 + 300.000=1000000 сўм.

К – т бўйича оборот = 300.000 + 600.000 = 900.000 сўм.

Актив ҳисобварақлар бўйича ой охиридаги сальдони топиш учун ой бошидаги қолдиқ (сальдо) счётининг дебет обороти (О_{дт}) қўшилиб, кредит оборотини (О_{кт}) айирамиз.

У ҳолда ой охирида сальдо:

$$\begin{aligned} \text{Актив счёти бўйича, Сальдо}_{\text{ой охири}} &= \text{Сальдо}_{\text{ой боши}} + \text{О}_{\text{д-т}} - \text{О}_{\text{кт}} \\ &= 50.000 + (500000 + 200000 + 300000) - (300000 + 600000) = 50000 + 1000000 \\ &- 900.000 = 150.000 \end{aligned}$$

5) Чизмада нотўғри берилгани бўйича сальдони ҳисоблашнинг маъноси қуйидагича бўлади.

$$\text{С}_{\text{ой охири}} + \text{О}_{\text{к-т}} = \text{С}_{\text{ой боши}} - \text{О}_{\text{дт}}$$

Агар рақамларни қўйиб ҳисобласак, актив ҳисоб варақларни ой охиридаги сальдосини юқоридаги нотўғри чизма бўйича аниқлай олмаслигимизга қатъий ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

7тарқатма материал

Етарли даражада балл тўплай, олмай танловдан чиқиб кетганлар учун берилган топшириқнинг жавоби:

Чизмада ой давомида бажарилган операцияларни ҳисобга олган ҳолда пассив ҳисобварақларнинг ой охиридаги сальдосини ҳисоблаш модели нотўғри кўрсатилган.

1. Пассив ҳисобварақларда маблағларнинг манбалари ҳолати ва ҳаракати ҳисобга олинади. Шунинг учун маблағлар эмас, балки маблағлар манбаининг кўпайиши деб ёзилиши керак.

2. Пассив ҳисобварақларда дебетда маблағлар манбаининг камайиши, аксинча, кредитда маблағлар манбаининг кўпайиши юз беради. Шунинг учун уларнинг ўрнини алмаштириш лозим. Сальдо тўғри ёзилган.

Чизмамизни тўғри ифодаласак, қуйидаги кўринишда бўлади:

Дебет	Пассив ҳисобварақ	Кредит
Маблағлар манбаининг камайиши	Маблағларнинг манбаининг кўпайиши	Ой бошидаги сальдо: Ой охиридаги сальдо

Ой охиридаги сальдони топиш учун ой бошидаги сальдога счётининг кредит оборотини қўшамиз, дебет оборотини айирамиз.

$$\text{Сальдо}_{\text{ой охири}} = \text{Сальдо}_{\text{ой боши}} + \text{О}_{\text{к-т}} - \text{О}_{\text{дт}}$$

Ўқувчигалабалар уларни ўз жавоблари билан солиштирадilar. Сўнгра муҳокама қилиш бошланади.

Қандай методни қўллаб дарс ўтишдан қатъий назар, тўғри жавобни шунчаки айтиб қўйиш етарли эмас. Асосийси, жавобни муҳокама қилиб, нима сабабдан айнан шу жавоб тўғри эканлигини талабанинг онгига етказишдир. Ана шундагина талаба ўрганаётган мавзунинг мазмунини пухта ўзлаштиради ва дарсдан қўйилган мақсадга эришилади.

Моделлаштирувчи ўйинларда ҳам ўйинни тугатгач, натижаси муҳокама қилиниши зарур. Муҳокама охирида барча қатнашчиларга берилган баллар эълон қилинади. Ўқитувчи барча иштирокчиларга ўйинда қатнашганлари учун минатдорчилик билдиради ва келгуси дарснинг мавзуси ва унда қўлланиладиган методлар эълон қилинади.

Шундай қилиб, бухгалтерия фанининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, фанни ўрганиш учун тарқатма материаллардан, айниқса, ҳужжатлаштириш шаклларида кенг фойдаланиш зарур.

Иккинчидан, масаламашқлар ечиш асосий метод ҳисобланадики, масаламашқ ечмай, фанни ўрганиб бўлмайди. Барча методлар орасида универсаллиги билан ажралиб турадиган жуфтлик ва кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш ҳам фанни ўрганишда самарали метод ҳисобланади.

Албатта, ўрганилаётган мавзунинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда муҳокама қилинаётган саволга кўра бошқа методларни ҳам бемалол мослаштириш мумкин. Бу ўқитувчининг иқтидори, хоҳишистагига боғлиқ.

Умуман олганда юқорида ўрганилган аксарият методларни ўрганилаётган фанларга мослаштириш мумкин. Лекин уларни айнан шу фан учун қай даражада самарали бўлишини ҳисобга олиш зарур.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Бухгалтерия фанининг хусусиятлари, ички бошқарув, ташки истеъмолчи, бухгалтерия ҳисобининг мақсади, бухгалтерия ҳисобининг функциялари, бухгалтерия ҳисобининг объектлари, бухгалтерия ҳисобининг субъектлари, бухгалтерия ҳисобининг методлари, бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари, дарс ўтиш методларини мослаштириш.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Бухгалтерия ҳисобининг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақида нималар биласиз?
2. Бухгалтерия ҳисоби фани бошқа иқтисодий фанлардан қайси жиҳатлари билан фарқланади?
3. Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлаштириш қандай рол ўйнайди?
4. Бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳисоб юритиш қоидалари қандай роль ўйнайди?
5. Бухгалтерия ҳисоби нима сабабдан юридик кучга эга?
6. Бухгалтерия ҳисобини ўрганишда тарқатма материал қандай роль ўйнайди?
7. Фанни ўрганишда, сизнингча, қайси методларни кўпроқ қўллаган маъкул?
8. Фанни ўрганишда дарс ўтиш методларини қандай мослаштириш мумкин?

XXI боб. АЙРИМ ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАР ВА ДАРС ЎТИШДА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

1§. «Иқтисодий таҳлил» фани ва уни ўрганиш хусусиятлари

XX аср кўпинча «ахборот асри» деб аталади. XXI асрга келиб ахборотнинг аҳамияти янада ортди. Зарур ахборотга эга бўлганлар, бошқаларга қараганда устун мавқега, кўшимча наф, фойда олиш имконига эга бўладилар. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда Н. Винернинг «Кимки ахборотга эга бўлса, дунёни тебратади», деган ибораси машҳур бўлиб, тезтез ишлатилмоқда.

Аввалги бобда тўхтаб ўтдик, иқтисодий ахборотлар билан бухгалтерия ҳисоби таъминлайди. Ахборотга эга бўлиш яхши, лекин ундан қандай фойдаланиш керак? Бу саволга жавобни турли нуқтаи назардан бериш мумкин, **микромикёсда, яъни хўжалик юритувчи субъектлар миқёсида эса иқтисодий таҳлил фани беради.**

Ҳар қандай фанни шаклланиб, вужудга келиши объектив зарурият туфайли юз берганидек, иқтисодий таҳлил фанини вужудга келиши ҳам объектив зарурият, аввало иқтисодиётда рақобатнинг кучайиши сабаб бўлган. Чунки ресурслар чекланганлиги: биринчидан уларни самарали ишлатишни; Иккинчидан, шу ресурсларни ишлатиб, ишлаб чиқарган маҳсулоти сотилганда сарфлаган харажатларини қоплайдими, йўқми, аниқлашни; Учинчидан, корхонанинг ҳозирги ҳолати қандай, келгусида истиқболи қандай бўлиши мумкинлигини прогноз (илмий тахмин) қилишни зарур қилиб қўяди.

Бозор иқтисодиёти шароитида нима ишлаб чиқариш, ким учун ишлаб чиқариш, қанча ишлаб чиқариш ва қандай ишлаб чиқаришни ҳар бир корхона, фирма ўзи ҳал қилар экан, бунда улар энг аввало турли ахборотларга, уларни ўрганишга таянадилар. Уларнинг келажаги ана шу ахборотларни ўрганиб, хулоса чиқаришлари ва қандай қарор қабул қилишларига боғлиқ.

Бухгалтерия ҳисобида, мавжуд ахборотларни ўрганишдан кўйилган мақсадга асосланиб, турли жиҳатдан ёндашиб, иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади. Ана шу кўрсаткичларнинг ўзгариши тенденциясига кўра хўжалик фаолиятига ҳолисона баҳо бериш талаб қилинади. Албатта ҳар бир хўжалик юритувчи реал ҳолатни ўрганишдан манфаатдор. Бошқалар учун ўз манфаатидан келиб чиқиб, «ёмон томонини яшириб, яхшисини оширса» ҳам ўзи учун албатта реал ҳисобкитоб қилиб, хулоса чиқаради.

Хўжалик юритувчилар ўз аҳволларини билиб олгач, хўжалик юритиш самарасини ошириш учун қандай имкониятлари бор? Ўзларидаги ички имкониятларни ишга солса етарлими ёки четдан имконият қидириш, яъни четдан инвестициялар, кредит ва ҳоказоларни жалб этиш зарурми, аниқлашлари лозим.

Қандай чоратадбирларни қўлласа, фирма, корхона танг аҳволдан чиқиб кетади ёки унинг самарадорлиги янада ортади ёки кўриладиган зарар даражаси минимал бўлади. Буларни билиш учун иқтисодий фанларни, айниқса таҳлил фанини чуқур ўрганиш, бошқалар тажрибасида нима, қандай юз берган, қандай чоратадбирлар қўлланган ўрганиш даркор.

Бозор иқтисодиётига ноаниқлик доимо йўлдош. Ҳар бир фирма, корхона бирон фаолият юритар экан, доимо риск қилади. Айрим фаолият турларида таваккалчилик хатари кичик бўлса, бошқаларида катта. Энг асосийси ана шу таваккалчилик хатарини камайтириш. Агар диққатэтибор берган бўлсангиз, охириги йиллардаги иқтисодий соҳа бўйича «Нобел мукофоти»ни олган ишларнинг кўпчилиги у ёки бу жиҳати билан ана шу рискни, ундан келадиган талафотни камайтиришга қаратилган. Бунинг учун эса иқтисодиётни ниҳоятда синчиклаб ўрганиш зарур. Айнан ана шу зарурият туфайли янги янги иқтисодий математик методлар ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқилмоқда ҳамда корхона, фирма, қолаверса бутун мамлакат иқтисодиёти ҳолатини ўрганишда кенг қўлланилмоқда. Буларни билиш учун ҳам таҳлил қилишни пухта ўрганиш зарур.

Маълумки, фирмакорхоналар мамлакат иқтисодиётининг хужайралари. Хужайралар соғлом, бақувват бўлса, организм соғлом, бақувват бўлади. Уларнинг ҳолати қандайлигини билиш учун эса организмни, чуқур ўрганиб, анализ қилиб, ташҳис қўйилади. Касаллик аломатлари сезилса, даволаш йўллари, воситалари танланади ва муолажа қўлланади. Худди шундай иқтисодиётда ҳам фирма, корхоналарнинг ҳолати иқтисодий кўрсаткичларни йиғиш, таҳлил қилиш орқали амалга оширилиб, чоратадбирлар белгиланади. Демак, буни ҳам таҳлил фани бажаради. Шунинг учун ҳам фан номининг келиб чиқиши ҳам «анализ» сўзи билан боғлиқ. Анализ, юнонча analysis – ажратиш маъносини ифодалайди: 1. Объектни хаёлан ёки реал бўлакчаларга ажратиш, бўлиш маъносида ва синтез¹ билан узвий боғлиқ ҳолда ишлатилади.

2. Илмий билишнинг, тадқиқотнинг синоними;

3. Мантиқда – фикр юритишнинг шакли, таркиби, тартиби. Ўзбек тилида анализ сўзи маъносига яқин, ана шу бўлакларга бўлишдан мақсадни, фикр юритишни, тадқиқотни англатадиган сўз таҳлил тушунчаси ишлатилади.

Ўз бераётган жараён, ходисалардан реал хулоса чиқариш, уларга баҳо бериш учун, уни чуқур ўрганишимиз, сабабларини аниқлашимиз керак. Бунинг учун уларни, ҳар бир фаолиятни турли жиҳатдан ёндашиб, қисмларга ажратиб, барча қирраларини ўрганишимиз зарур. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини таҳлил қилмай иложи йўқ.

Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошликни таъминлаш, аҳволи танг бўлиб, бозорни тарк этмаслик учун ўз фаолиятини таҳлил қилиши, қандай омиллар ижобий ва қандай омиллар салбий таъсир кўрсатаётганини аниқлаш зарур. Бу олинган ва улар асосида ҳисоблаб чиқилган иқтисодий кўрсаткичлар орқали амалга оширилади. Улар асосида хулоса чиқарилади ва қарор қабул қилинади. Буларни эса иқтисодий таҳлил фани ўрганади.

Юқорида билдирилган фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: демак, таҳлилни билиш, билибгина қолмай, тўғри хулоса чиқариш, баҳо беришга ва улар асосида турли вариантлар орасидан энг мақбулини топиб, қарор қабул қилишни ўрганиш учун иқтисодий таҳлил фанини пухта ўрганиш зарур.

Фанни пухта ўрганишда эса ўқитиш методлари муҳим рол ўйнайди. Аввалги бобларда кўриб чиқдик, ўқитиш, ўрганиш методларини танлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга.

Биринчидан, иқтисодий таҳлил фани энг аввало иқтисодиёт назарияси фани билан чамбарчас боғлиқ. Иқтисодиёт назарияси иқтисодиётни бир бутун ҳолда, жамият миқёсида назарий жиҳатдан ўрганса, иқтисодий таҳлил фани микромиқёсда амалий жиҳатдан ўрганади. Иқтисодиётни жамият миқёсида ўрганишда иқтисодиёт назарияси фанидан ташқари статистика, макроиқтисодиёт ва бошқа фанлар ҳам қатнашадики, улар назарий хулоса чиқариб, баҳо бериш учун зарур фактлар, далиллар, ҳисобкитоблар билан таъминлашда муҳим рол ўйнайдилар. Иқтисодий таҳлил фани эса бевосита корхона, фирмалар фаолияти миқёсида ўрганади.

1. Мамлакат миқёсида макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилинади

2. Корхона, фирма ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар миқёсида эса микроиқтисодий кўрсаткичлар асосида таҳлил олиб борилади.

Иккинчидан, таҳлил фани статистика ва маркетинг, менежмент фанлари билан ҳам боғлиқ. Статистика фани микроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисобкитобини амалга оширишда қўлланиладиган усуллар ва уларни қандай тарзда қўллашга ёрдам берса, маркетинг орқали бозор ҳолати ўрганилиб, корхона, фирма миқёсида хулоса чиқариш, тавсиялар ишлаб чиқиш, қарор қабул қилишда фойдаланилади.

¹ Синтез (юнунча – synthesis – бирлаштириш) фикран ёки реал объектнинг турли элементларини ягона бир бутун(тизим)га келтиришни билдиради ва анализ билан чамбарчас боғланган.

Корхона, фирма фаолиятини таҳлил қилмай туриб, бошқариб бўлмайди. Ички ва ташқи фаолиятни, уларга таъсир қиладиган омилларни ўрганиш асосида бизнес режа тузиладики, у истикболнинг йўналишини белгилайди. Таҳлил натижаларига кўра, бошқарув қарорлари қабул қилинади. Бу жиҳатдан менежмент, маркетинг, иқтисодий таҳлил фанлари бирбири билан узвий боғланади, бирбирини тўлдиради.

Учинчидан, таҳлил қилиш деганда биз доимо ўрганаётган объектимизни бўлакларга, қисмларга бўлиш, таққослаш, солиштириш, синтез қилишни тушунар эканмиз, демак, воқеаҳодисаларни статик ҳамда динамик жиҳатдан ўрганаемиз.

Тўртинчидан, таҳлил фани иқтисодий жараён, воқеа, ҳодисаларни юз бериши, ривожланиши, ўзгаришини объектив ва субъектив жиҳатлари, сабабларини ўрганади, яъни таҳлил диалектик методга таянади. Динамик ўрганиш етакчи роль ўйнайди.

Бешинчидан, бу фанда таққослаш, солиштириш асосий ўрин тутди. Чунки, таҳлилнинг ўзи таққослашга асосланади. Шунинг учун ҳам фанни ўрганиш методлари ҳақида тўхталганда биринчи навбатга таққослаш қўйилади.

Олтинчидан, қўйилган мақсадга кўра, хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш учун бирбири билан боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар тизимини қўллаш ва бу кўрсаткичларни аналитик жиҳатдан қайта ишлаш амалга оширилади.

Еттинчидан, фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш учун асос қилиб олинган тамойиллар ва фаннинг ўзига хослигини ифодаловчи принциплар мавжудки, улар иқтисодий таҳлил фанини ўзига хос жиҳатларини кўрсатади. Демак, иқтисодий таҳлил фанини ўрганиш учун самарали методларни танлашда фаннинг ана шу хусусиятларини ҳисобга олишимиз зарур. Шу билан бирга ўқитувчи фанни, мавзунини ўқитиш учун метод танлар экан, албатта, унинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда предметнинг ўзини ўрганишда қўлланиладиган методларни ҳам назардан қочирмаслиги лозим.

Иқтисодий таҳлилда мураккаб иқтисодий **математик методлар**: корреляционрегрессион, логарифмлар, детерминантлар, матрицалар, чизиқли программалаштириш кабилар билан биргаликда оддий ҳисобкитобларга асосланган методлар ҳам қўлланилади. Лекин у қандайдигидан қатъий назар, **таҳлилда доимо кўрсаткичлар таққосланади**. Таққослаш жорий йил маълумотлари билан аввалги йил кўрсаткичлари, бизнес режа кўрсаткичлари, бозорда муваффақиятли иш юритаётган хўжалик маълумотлари, ўртача кўрсаткичлар билан, чет эл мамлакатлари тажрибаси ва бошқалар билан амалга оширилади.

Таққослашнинг ўз қонунқоидалари бор. Булар: таққосланиши зарур кўрсаткичларнинг мазмунан бир хил усул билан ҳисобланиши; бир хил баҳода ҳисоблаш ва бир баҳога келтириш; ўрганиладиган даврлар бир хил бўлиши; хўжалик юритувчи субъектнинг жойланиши ва бошқа табиий омилларни ҳисобга олиш; уларнинг ихтисослашуви, бирбирига ўхшашликларини ҳисобга олиш; ўрганиладиган объектларнинг миқдори мос бўлиши; маҳсулот сифати; техник хавфсизлик ва экологик мувозанатни сақлаш бўйича тадбирларни ҳисобга олиш; хўжалик юритувчи субъект қандай мулкчиликка асосланганини ҳисобга олиш ва бошқалар. Демак, ўқитувчи таққосланиши лозим бўлган кўрсаткичларни бир хил асосда бўлиши лозимлигини доимо ўқувчиталабаларга уқтириши лозим.

Таққослашни амалга оширишда катта миқдордаги маълумотларни ўзида мужассамлаштирган ҳамда уларни солиштириш имконияти кенг, тушунарли ва кўзга ташланадиган метод, уларни жадвалларда ифодалаш ва жадвал маълумотларини таққослаш асосида хулоса чиқаришдир. Ундан ташқари жадвал маълумотлари асосида турли диаграммалар, графиклар ҳам чизиш мумкин. Бунда мавжуд ахборотларни жадвал орқали ифодалашда статистик методлар, унинг қонунқоидаларини ҳам кенг равишда қўллаш мумкин.

Иқтисодий таҳлилда кенг қўлланиладиган методлардан яна бири гуруҳлаштириш. Гуруҳлаштириш бу умумий маълумотларни қўйилган мақсадга кўра, алоҳида муҳим

белгилари ва хусусиятларига қараб, маълум бир гуруҳларга ажратишдир. Улар мақсад, мазмунига кўра типологик, таркибий, омилли гуруҳлаштиришга ажратилади. Гуруҳлаштириш методини қўллашнинг ҳам талаблари бор. Булар: гуруҳлаш белгисини тўғри танлаш; фақат бир тизимга кирувчи кўрсаткичларни олиниши; кўрсаткичларнинг бир хил ўлчов ва услубда аниқланиши; гуруҳлар орасидаги интервалларга диққат қаратиш; бошланғич ва охириги гуруҳ чегаралари аниқ бўлиши; гуруҳ тузиш пастдан юқорига, кичик сондан катта сонга қараб бориши ва бошқалар. Улар таҳлил натижаларини тўғри ва аниқ бўлишига, ўрганиладиган кўрсаткичларни ўзгаришига таъсир этадиган омилларнинг тутган ўрнини тўғри аниқлашга қўйилган мақсадни кўнгилдагидек амалга оширишга ёрдам беради. Дарс ўтишда ана шу жиҳатларни албатта ҳисобга олиш зарур.

Иқтисодий таҳлилда балансли боғланиш методидан ҳам кенг фойдаланилади. Уни, айниқса, кўрсаткичлар орасида функционал боғланишлар мавжуд бўлганда қўллаш муҳим ўрин тутди. У манба ва унинг тақсимланиши (масалан, хўжаликнинг ер фонди ва уни тақсимланиши, меҳнат ресурслари ва уларни таркиби кабилар), даромад, харажатлар ва бошқаларни ўрганишда қўллаш мумкин. Бухгалтерия баланси ҳам ушбу методга асосланиб тузилади. Одатда бу метод кўрсаткичларнинг бирбири билан функционал боғлиқлиги яқин бўлганда тўғри натижа беради ва уни қўллаш ижобий саналади.

Иқтисодий таҳлил фанида статистика фанида кенг қўлланиладиган мутлақ ва нисбий фарқларни аниқлаш методидан ҳам фойдаланилади. У иқтисодий кўрсаткичларни ўсиш, ўзгаришини ҳисобга олишда ишлатилади. Ундан ташқари, ўрганилаётган иқтисодий кўрсаткичлар тўғридантўғри, такрорий алоқадорликда, яъни функционал боғланишда бўлса, занжирли боғланиш методи қўлланилади. Лекин таҳлилда қандай методни қўлламайлик, хулоса чиқариш учун албатта маълум даражада таққослашни талаб қилинади. Мавзу бўйича дарс ўтиш методларини танлаганда албатта ана шуларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Иқтисодий таҳлилдан мақсад таҳлилни ташкил этиш босқичлари, таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш, таҳлилни ташкил этишда ахборот технологияларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқилган компьютер дастурларини қўллаш, манбалар тўғрилигини текшириш ва уларга қўйилладиган талабларни билиш нақадар муҳимлигини ўрганишдир. Лекин дарс ўтиш методи жиҳатидан ёндошсак, **ҳар бир талаба учун энг муҳими, таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштиришдир.**

Ҳар бир талаба таҳлил натижаларини умумлаштириши, унда ўз фикрини ифодалаш, эришилган натижаларни асослаши, хулоса чиқаришни, баҳолашни, таклифлар беришни билиши керак. Ўз фикрларини қабул қилинган тартибда, таҳлил нима мақсадда ўтказилганига қараб расмийлаштиришни билишлари зарур. Унга кўра, баённома қандай тарзда ёзилиши аниқланади. Демак, таҳлил фанидан дарс ўтишда ўқувчигалабаларнинг ўз фикрларини баён қилишга асосланган методлар, чунончи, ёзма иш, эссе, назорат иши ёзиш каби методларни тезтез қўллаш фойдадан холи эмас.

Таҳлилни ахборот билан таъминлашда бош ролни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ўйнайди. Чунки хўжаликнинг барча фаолияти, унинг натижалари айнан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс этади. Асосийси, ана шу ахборотларни қўйилган мақсад бўйича қайта ишлаш ва улар асосида хулоса чиқаришни ўрганишдир.

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил фанини ўрганишда юқорида кўриб ўтган барча методларимизни фаннинг ва уни ўрганишнинг хусусиятларига кўра мослаштириш мумкин. Айниқса, концептуал жадвал, семантик жадвал, Тсхема, масаламашқ, тест, эссе ёзиш, намоёиш қилинувчи ва тарқатма материаллар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш, тадқиқот, мунозара, ақлий ҳужум, кейс стади методларини қўллаш кенг имкониятларга эга.

2§. «Аудит» фани ва уни ўқитиш методикаси

Иқтисодий фаолиятда барча даражадаги ахборотлар, юқорида айтиб ўтганимиздек, бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосланади. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида чалкашликларга, хатоларга йўл қўйиш, хоҳишмақсадларимизни бошқалар томонидан реаллик тарзида қабул қилишларига уриниш, нотўғри ахборот бериш ва бошқалар, албатта чиқарган хулосамиз ва қабул қилган қароримизни нотўғри бўлишига олиб келади. Бунинг натижасида:

➤ Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи ноқулай иқтисодий аҳволга тушиб қолиши ёки инқирозга юз тутиши;

➤ шу хўжалик юритувчи субъект билан ҳамкорлик қилувчилар ноқулай аҳволга тушиб қолиши;

➤ хўжалик юритувчи субъектнинг инвесторлари, кредиторлари катта зарар кўришлари;

➤ бошқа ахборотдан фойдаланувчилар манфаатига путур етиши, масалан, сунъий равишда банкротлик ҳолатига олиб келиб, турли мажбуриятлардан қочиш ҳолатлари юз бериши мумкинки, уларнинг ҳаммаси ахборотларнинг ҳаққоний бўлишини таъминлаш заруриятини келтириб чиқаради. Бу мақсадга қандай эришиш мумкин? Бунинг учун:

* иқтисодий ахборотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун зарур махсус билимга эга бўлиш;

* маълумотларни бевосита баҳолаш ва сифатини аниқлаш учун махсус малака, вақт, далил, ахборот ва материаллар керак;

* бундай билим ва малакага эга бўлган шахс холис, мустақил, инсофли бўлиши ва унинг фаолияти шундай ташкил этилиши керакки, ҳаққоний бўлиш унинг манфаатига мос келиши зарур.

Инсоният бу муаммонинг ечими сифатида аудиторлик хизматини ўйлаб топди ва ана шундай хизмат кўрсатишни ўргатадиган аудит фани шаклланди. Тарихий манбаларга асосланган ҳолда, профессор П. И. Камышанов аудиторликни тахминан эрамиздан олдинги 200 йилларда шакллана бошлаганини эътироф этади. Марказлашган давлатчиликнинг барпо бўлиши ҳамда ривожланиши натижасида мамлакатни бошқариш учун ҳаққоний ҳисоб, назорат ва молия ишларига зарурият кучайган. У пайтларда квесторлар, яъни Рим Империяси даврида молия ва судлов ишларини олиб борувчи мансабдор шахслар жойлардаги ҳукумат бухгалтерлари устидан назорат қилиб турганлар. Квесторларнинг ҳисоботлари Римга юборилиб, имтиҳон қилувчилар томонидан эшитилган. «Аудитор» лотинчада «auditing» айнан таржимаси «у эшитаяпти», «эшитувчи» деган тушунча ана шундан келиб чиққан¹.

Демак, «Аудит» тушунчаси лотинчадан кириб келган бўлиб, ҳаққоний ҳисобот юритишни, бунинг учун ҳукумат бухгалтерлари устидан назорат қилишни имтиҳон қилиш, уларни эшитиш орқали амалга оширилганини кўрсатади.

Европада XVII асрда акцияларнинг вужудга келиши, натижада акциядорлик компанияларининг ўз акциядорлари, кредиторлар, солиқ хизмати ходимлари ўртасида мунозарали масалаларнинг тезтез келиб чиқиши, уларни ҳал қилиб берувчи мутахассис, холис ва ҳаққоний ахборотга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Бозор иқтисодиёти шароитида бу эҳтиёж янада ортиб, охиरोқибат ҳозирги даражадаги ташкилийҳуқуқий инфратузилмаларига эга бўлган аудит институтлари шаклланиб, фаолият юритишига олиб келди.

Аудит мамлакатимиздаги хўжалик фаолиятини назорат ва иқтисодий таҳлил қилишнинг нисбатан янги йўналишидир. Агар Ўзбекистонда аудит 150 йилдан буён маълум бўлса, Ўзбекистонда эса, мустақил фаолият соҳаси сифатида хўжалик

¹ Камышанов П. И. Практическое пособие по аудиту. М.: Инфра-М, 1996, стр 7.

юретишда давлат монополиясидан воз кечиш ва бозор иқтисодига ўтиш натижасида шакллана бошлади.

Қисқа вақт ичида Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни, аудиторлик миллий андозалари ҳамда Молия вазирлигининг қатор қарорлари, йўриқномалари ишлаб чиқилди. Бу меъёрий ҳужжатларда халқаро аудит андозаларини чуқур ўрганиб, миллий иқтисодиётимизни хусусиятларини ҳисобга олинган.

Аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимининг биринчи (юқори) поғонасида Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири) туради. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 26 майдаги қарорига мувофиқ қабул қилинган бўлиб, 29 моддадан иборат

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган ҳукумат қарорларини ҳам ушбу тизимнинг биринчи поғонасига киритиш мумкин. Жумладан, 22 сентябрь 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 365сонли «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» Қарор қабул қилди. Ушбу қарорга мувофиқ «Аудиторлик хулосаларини солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низом», «Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказишдан бўйин товлаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тартиби тўғрисидаги Низом» ва «Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тўғрисидаги Низом» тасдиқланган.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган микрофирмаларнинг молияхўжалик фаолияти солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан тегишли аудиторлик ташкилоти албатта жалб қилинган ҳолда текширилади. Бунда молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги учун аудиторлик ташкилоти жавоб беради.

Аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимининг иккинчи поғонаси – аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини (АФМС) ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ўз ичига олади. Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС) – бу барча аудиторлик ташкилотлари ўзларининг профессионал фаолиятлари жараёнида риоя қилишлари лозим бўлган ягона асосий тамойиллардир. Стандартлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудит услубиёти бошқармаси томонидан ишлаб чиқилиб тасдиқланади ва Адлия вазирлигида рўйхатга олинади. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти Миллий Стандартлари (АФМС) Аудитнинг Халқаро Стандартлари – АХС (International Standards of Auditing ISAs) негизида ишлаб чиқилади ва асосан аудиторлик текширувларини ўтказиш қоидаларини белгилайди. Бу қоидалар молияхўжалик фаолиятининг барча субъектларида бир хил қўлланилади.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аудиторлик стандартларига риоя қилиш аудит сифатини ва унинг натижалари ишончилигини кафолатлайди.

Аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимининг шаклланиши ва ривожланишида профессионал жамоат ташкилотлари муҳим ўрин тутди. Републикамизда *Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторларининг миллий ассоциацияси (ЎБАМА)*, *Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси (ЎАП)* нинг фаолияти катта аҳамиятга эга.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 9моддасида, аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текшириш эканлиги, текшириш: мажбурий ва ташаббус тарзидаги шаклларда ўтказилиши таъкидланган. Қонуннинг 10моддасида эса, мувофиқ фаолият турига кўра қайси иқтисодий субъектлар ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши

кераклиги кўрсатилган.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 11моддасига мувофиқ ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви хўжалик юритувчи субъектнинг ёки бошқа аудиторлик текшируви буюртмачиларининг қарорига биноан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўтказилиши мумкин.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг предмети, муддатлари ва бошқа шартлари аудиторлик текширувининг буюртмачиси билан аудиторлик ташкилотлари ўртасида тузиладиган аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади. Ташаббус тарзидаги (ихтиёрий) аудиторлик текшируви одатда хўжалик юритувчи субъектнинг қарорига, ўз олдига қўйган мақсадига кўра ўтказилади. Ундан ташқари, аудитни таваккалчиликка асосланган, тизимли йўналтирилган, молиявий ҳисобот аудити мавжуд.

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан хусусийлаштирилган ва акциядорлик жамиятларига айлантирилган кўплаб собиқ давлат корхоналари махсус идоравий давлат назорат органлари томонидан текширилиши барҳам топди. Шунингдек, мулкчилик ва муносабатларнинг янги турлари ҳисоб объектларига айланди.

2. Мулк эгалари, инвесторлар ва акциядорларнинг корхона молияхўжалик фаолиятининг аҳволи тўғрисидаги ҳолис ахборотларни талаб қилишлари, шунингдек, бухгалтер ходимларнинг беқарорлиги, яъни ўзгариб (алмашланиб) туриши, улар малакасининг пастлиги ва бошқалар.

3. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва ислохотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан меъёрий ҳужжатларнинг тезтез ўзгариб туриши ва янгиларининг қабул қилиниши ва ҳ. к. Бундай муаммолар билан тўқнашаётган корхоналарда малакали аудиторлик хизматларига эҳтиёж кучайиб, уларнинг раҳбарлари мустақил аудиторлик ташкилотларига ёрдам сўраб, мурожаат қилишади.

Мажбурий аудиторлик текшируви тўлиқ (комплекс) ўтказилади. Ташаббус тарзидаги, яъни ихтиёрий аудит эса тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин. Шунингдек, ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 15моддасига мувофиқ аудиторлик текшируви назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташаббусига кўра аудиторлик ташкилоти томонидан, улар ўртасида хўжалик юритувчи субъектларнинг молияхўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш юзасидан тузилган шартномага асосан ҳам ўтказилади.

Аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича ишларга ҳақ тўлаш аудиторлик текширувини белгилаган орган ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси процессуал қонунчилигига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари (тергов органлари, суд ва арбитраж суди) хўжалик юритувчи субъектларни аудиторлик текширувидан ўтказишга топшириқ беришлари мумкин.

Аудиторлик ташкилотлари мажбурий ва ташаббус тарзидаги (ихтиёрий) аудиторлик текширувларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни, унинг 17моддасида ва N 90«Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари» номли аудиторлик фаолияти миллий стандарти(АФМС)да кўрсатилганидек, исталган профессионал хизматларни кўрсатишлари мумкин.

Аудиторлик фаолияти ва аудиторлик касбининг таърифи Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 2моддасида қуйидагича келтирилган: Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва ушбу қонуннинг 17моддасида назарда тутилган профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади».¹

¹ Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун (Янги таҳрири). Халқ сўзи газетаси, 26 май, 2000 й.

Келтирилган профессионал хизматлар рўйхати кенгайтирилиши ва тўлдирилиши мумкин.

Аудит бошқа назорат турларидан ўзида тадбиркорлик фаолиятини мужассамлаштиргани ва мустақиллиги билан ажралиб туради. Бу унинг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

Ўзбекистондаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аудиторлик фаолиятини амалга ошириши қонун билан тақиқланган.



Аудитнинг асосий мақсади – молиявий ва хўжалик операцияларининг тўғрилигини, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатларга нечоғлик мослиги, уларнинг тўла-тўқислиги, аниқравшанлиги, бухгалтерия ҳисоби ёки бошқа молиявий ҳисоб юритишга қўйилаётган талабларга жавоб бера олишини аниқлашдан иборат.

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун, фаолиятнинг мақсади ва вазифалари тавсифидан келиб чиқиб, **аудит фанининг предмети** бу хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик ва молиявий операцияларининг тўғри юритилиши, уларни қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларга мослиги, талабга жавоб беришини текшириш ва қонунда белгиланган бошқа хизматлар кўрсатишни ўрганишдир, деб айтиш мумкин.

Аудиторлик фаолияти хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан махсус ваколат олган давлат органлари назорати ўрнини боса олмайди.

Аудит махсус иқтисодий фанлар жумласига кириб, у ҳам бухгалтерия ҳисоби каби амалий фандир.

Аудит фани, **биринчидан**, ўз предмети билан бошқа иқтисодий фанлардан катта фарқ қилади. У аудитнинг функцияларида ҳам ўз ифодасини топади. Булар: экспертлик

текшируви, таҳлил қилиш, маслаҳат бериш, хизмат кўрсатиш бўлиб, ахборот рискинни камайтиришга йўналтирилган.

Иккинчидан, фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда аудит фаолиятини ўрганишда турли методлар қўлланилади.

Аудит фани бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил билан чамбарчас боғлиқ бўлгани сабабли ҳар икки фаннинг предметини ўрганишда қўлланиладиган методлар борки, бир томондан улардан фойдаланишда ўхшашлик, иккинчи томондан фарқлар мавжуд. Масалан, инвентаризация, ҳужжатлаштириш, икки ёқлама ёзув, бухгалтерия счёtlари, калькуляция, баланс методлари бухгалтерия ҳисобини ўрганишда, таққослаш, илмий тахмин, таҳлил ва синтез иқтисодий таҳлилда қўлланилади. Лекин бу методларни аудитда қўллашнинг катта фарқи бор. Унда бу методларни қўллаш энг асосий мақсад ахборотни, ҳужжатлаштиришни, бажарилган операцияларнинг тўғрилигини текширишга, аниқлашга қаратилган.

Учинчидан, аудит фанининг ўзига хос методлари бор. Улардан бири, тафтиш қилиш методидир. Бу метод корxonанинг фаолиятига тўлиқ баҳо бериш учун барча операцияларни тасдиқловчи назоратдан ўтказилишини ифодалайди.

Экспертиза ўтказиш методида эса ҳужжатларнинг реаллиги, маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари лабораторияда текшириш йўли билан аниқланади. Булардан ташқари, аудитор текшириш жараёнида статистика фанининг предметини ўрганишда қўлланиладиган методлардан ҳамда қабул қилинган умумий методлардан ташқари аудитор учун маъқул, бошқалар учун «тижорат сири» бўлган методлардан ҳам фойдаланиши мумкин. Методларни қўллаш аудитнинг тури, мақсади, вазифаларига боғлиқ.

Тўртинчидан, аудиторлик текширувини юқори савияда ва муваффақиятли ўтказиш учун назорат методи ва методологиясини тўғри қўллаш, илғор тажриба, ютуқлардан фойдаланиш лозим.

Ҳар бир аудиторлик текшируви вақти чекланган. Демак, аудитор текшириш мақсадини тўғри ва аниқ белгилаши, объектларни хатосиз танлаб олиши, ўз ҳаракатларини аниқ режалаштириши, самарали аудиторлик операцияларини қўллаши ва ҳаққоний хулоса чиқариб бериш учун керакли бўлган далилларни танлаши лозим.

Маълум бир аудиторлик текшируви мақсадларни муваффақиятли амалга ошириш учун аудит ўтказиш жараёнини асосий босқичлари бажарилишини таъминлаш керак.

Аудит ўтказиш технологиясини асосий босқичлари ҳақида ягона фикр йўқ. Лекин кўпчилик аудит фанидан дарс берувчи ўқитувчиларнинг фикрига кўра уни 3 босқичга бўлиш мумкин: 1. Аудиторлик текширувини ўтказишга тайёрланиш ва уни ўтказишни режалаштириш:

- * мижоз билан танишиш;
- * мижоз билан ўзаро мажбуриятлар ва унинг талаблари аниқланади, келишилади;
- * муносабатлар шартнома ва мажбурият хати орқали расмийлаштирилади;
- * аудиторлик гуруҳи таркиби аниқланади;
- * мижознинг хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими ўрганилади,

баҳоланади;

- * бўлажак текширувнинг моддийлик даражаси аниқланади;
- * аудиторлик рисқи баҳоланади;
- * текширишнинг умумий режаси ва дастури тайёрланади.

2. Аудиторлик текшируви ўтказишнинг асосий босқичи:

- * зарур бўлган барча ахборотларни, ҳисоботларни тўплаш;
- * хўжалик фаолиятида амалга оширилган алоқаларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларида тўғри акс этганини аниқлаш;
- * олинган ахборотлар устида ишлаш, таҳлил қилиш;
- * натижалар бўйича хулоса чиқариш ва баҳолаш.

3. Аудитни якунлаш босқичи:

- * ишчи ҳужжатлар тайёрлашни якунлаш;
- * хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти номига аудит натижалари тўғрисида ёзма маълумотнома тайёрлаш;
- * қабул қилинган шакл бўйича аудиторлик хулосаси тайёрлаш кабиларни ўз ичига олади.

Текширилаётган хўжалик ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолаш, аудиторлик ҳисоботларини тўплаш биринчи босқичда, аудит режаси ва дастури иш жараёнида ҳам амалга оширилиши мумкин. Ҳужжатлаштириш эса барча босқичда амалга оширилади ва текшириш якунида тугалланган шаклга эга бўлади.

Бешинчидан, аудитни бизнесни ўзига хос экспертиза қилиш деб таърифлаш мумкин. Кўпчилик корхоналарда ташқи аудит билан бирга ички аудит ҳам йўлга қўйилган бўлиб, улар ишлаб чиқариш харажатларининг даражаси, рентабеллик, тежамкорлик, мақбул режимга риоя қилиш ва кўрсатиладиган хизматларнинг юқори сифатлилиги устидан назорат қиладилар.

Фирмаларнинг, шу жумладан, аудиторлик фирмаларининг ҳам бозорда мустаҳкам ўрин топишида уларнинг маҳсулот (иш, хизмат)ларининг сифати муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ички аудитни муваффақиятли ташкил этиш ҳар икки томон учун ҳам манфаатли. Жаҳонга донғи кетган трансмиллий корпорацияларнинг шу даражага етишида ички аудитнинг ҳам роли бор.

Олтинчидан, аудит текшируви ўтказишда марказда аудитор туради. Демак, аудит фанини ўрганишда ҳам марказда аудитор туради. Ҳеч қайси иқтисодий фанни ўрганишда мутахассисга бу қадар алоҳида эътибор қаратилмайди. Бу жиҳатдан аудитор ягона ва аудит фани бошқа фанлардан ажралиб туради.

Аудиторнинг, аудиторлик касбининг алоҳида диққат қаратиш лозим бўлган муҳим хусусиятларини инобатга олиб, 18моддадан иборат «Ўзбекистон аудиторларининг касбга оид ахлоқ кодекси» лойиҳаси ишлаб чиқилиб, муҳокама қилинмоқда. Унда аудиторлик касбининг ахлоқий меъёрлари, унинг тарихий тараққиёти натижасида шаклланган мустақиллик, пухта билимга эгалик, ҳалоллик, виждонлилик, ҳаққонийлик ва сир сақлаш каби халқаро принциплари негизидаги лойиҳа моддаларида ўз ифодасини топган. Ривожланган мамлакатларнинг барчасида бухгалтер-аудитор мутахассислигини танлаганлар узоқ йиллар ўқиш, кўп амалиёт ўтказиш ҳамда кўп сонли имтиҳон ва синовлардан муваффақиятли ўтиш талаб қилинади. Аудитор мамлакатда амал қилаётган қонунлар, меърий ҳужжатларни, бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилни чуқур билиши лозим. Чунки билим ва тажрибага эга бўлгандагина бошқаларни текшириш, тўғри хулоса чиқариш, зарурий маслаҳат бериш мумкин. Бундай малакага эга бўлиш учун ўз устида тинмай ишлаш, изланиш, бошқалар тажрибасини ўрганиш зарур.

Бу касб билан шуғулланувчиларни бирлаштириб турувчи ташкилотлар аудиторлар палаталари уларнинг иш сифатини доимо назорат қилиб боради. Аудиторни палатадан чиқарилиши уни бу касб билан шуғулланишини тўхатилишини билдиради.

Ўзбекистонда бундай ваколатга Молия вазирлиги эга бўлиб, фаолиятни амалга ошириш учун лицензия бериш ва уни бекор қилиш шу вазирлик зиммасидадир.

Аудитор учун энг нохуш ҳол у текшириб, ижобий аудиторлик хулосасини ёзиб бергач, тўсатдан корхона ўзини «банкрот» деб эълон қилишидир. Бунда унинг макеи тушиб кетади, ҳатто лицензиясидан маҳрум бўлиши мумкин. Шунинг учун у аудиторлик текшируви асосида келажакда корхона ўз фаолиятини тўхтатиши ёки қисқартириш мақсади, мажбуриятлари йўқлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Корхонани яшовчанлигини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичларни таҳлил қилиш керак: корхона «харажатлар – фойда ҳажми» кўрсаткичларининг нисбати, реализация ҳажмининг ўзгаришлари, самарадорлик, ликвидлик кўрсаткичлари, фойда нормаси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари айланувчанлик коэффициенти ва бошқалар.

Агар текширувлар давомида бу кўрсаткичлар меъёрлари бузилмаган бўлса, аудитор ижобий хулоса бериши мумкин. Агар акси бўлса, аудитор буни камида алоҳида бандда кўрсатиши зарур.

Корхонани банкротликка тушиб қолиши сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- мажбуриятларни ўз вақтида қоплай олмаслик;
- хўжалик фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлиш.

Аудитор корхонани яшовчанлигини текшириш жараёнида корхона маъмуриятига маслаҳат сифатида хўжалик фаолиятини яхшилаш, тўлов қобилиятини ҳамда ликвидли маблағларни салмоғини ошириш учун зарар қилмайдиган даражада корхона активларини бир қисмини сотиш, зарур воситаларни бирданига сотиб олмай, бир қисмини ижарага ёки лизингга олиш каби тавсиялар бериши мумкин.

Ўрганилаётган корхонани яшовчанлиги даражасини баҳолаш учун аудитор:

- Корхона, ташкилотда молиявий ҳолатни белгиловчи асосий кўрсаткичларни ёмонлашуви эҳтимоли борми ёки йўқми? Агар йўқ бўлса, уни тўсатдан пайдо бўлиб қолиш хатари қандай?

- Тўсатдан корхонанинг аҳволи ёмонлашиб, банкрот бўлиб қолиш хавфининг реаллик даражаси қанақа? Бундай ҳолатдан чиқиб кетишининг корхона учун бирон йўли, чораси борми?

- Бу муаммони аудиторлик хулосасида қандай акс эттириш керак бўлади? – деган саволларга ижобий жавоблар ололса, корхонанинг молиявий ҳисоботлари ва унинг ҳолати ҳақида ижобий хулоса чиқариши мумкин.

Аудитор хулосасини маълум қилиниши қарз бериш, инвестиция қўйиш, қўймаслик, унинг акцияларини сотиб олиш ёки олмаслик ҳақидаги саволларга умумий жавоб бўлади.

Аудиторлар корхоналарнинг яшовчанлигини аниқлашда икки хил ёндашишлари мумкин:

1. Актив. Агар корхонанинг ҳолати ва унинг истиқболи молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун ўта зарур бўлса, бундай ҳолда текширилаётган корхонанинг яшовчанлигини аниқлаш учун керакли ахборотматериалларни излаб топиш аудит ўтказиш дастурига алоҳида киритилади.

2. Пассив. Аудитор оддий текширув жараёни ўтказиш ва фақатгина тегишли омиллар кўзга ташланганда ёки бундай хатар бўйича огоҳлантирилгандагина эътибор билан ёндашади.

Аудиторнинг ўз миқозларига кафолати, миқознинг:

1. Давлат, бошқарув, молия ва назорат органлари олдида келгусида хўжалик юритиш имконига кафолат.

2. Ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи хўжалик юритувчи субъектлар олдидаги кафолати.

3. Маҳсулоти(товар, хизматлари) истеъмолчилари олдидаги кафолати;

4. Хўжалик юритувчи субъектнинг эгалари, яъни акционерлар ва бошқаларга кафолати.

5. Оммавий матбуот воситалари олдидаги кафолатидир.

Аудиторлик хатарини камайтиришнинг муҳим воситалари корхоналар молиявий ҳисоботларидаги хатоликларни тўғри таснифлаш ва баҳолашдир. Ушбу хатоликларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) молиявий санкциялар сифатида салбий оқибатларга олиб келувчи хатоликлар;

б) номолиявий санкциялар сифатида салбий оқибатга олиб келувчи хатоликлар.

- Биринчи хатоликларга корхоналарнинг ижобий аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган молиявий ҳисоботларини давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текширувлар орқали аниқланган хатоликлар киради. Бу хатоликларнинг аксарияти солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобкитоблари билан боғлиқ. Бундай ҳолат берилган ижобий аудиторлик хулосасига эга бўлган молиявий ҳисоботни давлат органлари ва бошқа

фойдаланувчилар учун яроқсизлигини билдиради. Демак, ундаги маълумотлар реал эмас, амалдаги қонунлар бузилган.

Аудитор мамлакатдаги мавжуд қонунларни, меъёрий ҳужжатлардан ташқари жаҳон амалиётида қўлланилаётган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни ҳам билиши зарур.

Хорижий мамлакатларнинг назорат амалиётидаги ижобий тажрибаларни ўрганиш ва ёйиш мақсадида 1953 йили БМТ қошида нодавлат ташкилоти *Олий Назорат Органларининг Халқаро Ташиклоти* (INTOSAI) тузилган.

Барча аудиторлик фирмалари, хизматлари ўз фаолиятларида «*Халқаро аудит нормалари ва қўшимча ишлар Низоми*» дан фойдаланадилар.

Аудит фанининг хусусиятлари албатта фанни ўрганиш методикасида ҳам ўз ифодасини топади. Дарс жараёнида ўқитувчи бир томондан, аудит фанни предметини ўрганиш методларига диққат қаратса, иккинчи томондан уларни методик жиҳатдан қўллашга аҳамият бериши зарур.

Аудит фанини ўрганишда **марказда аудитор шахси тўрар экан**, демак айнан ана шу аудиторлик мутахассислигини эгалламоқчи бўлган **ўқувчиталабаларнинг ақлини чархлайдиган методларни қўллаш зарур**. Бу жиҳатдан ҳужжатлаштириш, ҳисобкитобни тўғри йўлга қўйилганини ёки хатоларни аниқлашни ўргатадиган методлар фанни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Фанни ўрганишда аввалги бобда кўрганмиздек, **ўқитувчи томонидан атайлаб камчиликлар билан тўлдирилган ҳужжат ёки ҳисобкитобни хатосини топишга қаратилган топшириқлар тайёрлаб, дарсда қўллаш алоҳида аҳамият касб этади**. Бундай топшириқларни бошқа методлар билан биргаликда қўлласа бўлади. Айниқса, моделлаштирувчи ўйинлар ташкил қилиб, дарс жараёнида қўллаш мумкин. Ана шундай топшириқлар асосида дарсни кичик гуруҳларга бўлиб ўтиш мумкин.

Биз кўриб ўтган барча методларни аудит фанига мослаштирган ҳолда дарс ўтиш мумкин. Демак, аудит фанини ўрганишда ўқитувчи, ўқувчиталабалар амалдаги бухгалтерия ҳисоби, аудитга ва бошқа иқтисодиётга оид қонунлар, меъёрий ҳужжатларни, республикамизда қабул қилинган миллий ва халқаро стандартларни пухта билишлари, улар асосида иш юритишни ўрганишларига диққат қаратишлари, мустақил фикрлашга, таққослаш ва қарор қабул қилишга, ҳисобкитобларни тўғри бажаришга ўргатадиган дарс ўтиш методларини кенг қўллашлари лозим.

38. «Солиқ ва солиққа тортиш» фанининг хусусиятлари ва дарс ўтиш методларини танлашда уларни ҳисобга олиш

Солиқлар доимо жамият аъзоларининг диққат марказида бўлиб келган, чунки у ҳар бир кишининг манфаатига тааллуқли бўлиб, иккинчи томондан давлат бюджети даромадларининг асосий манбаидир.

Маълумки, ҳар бир давлат ўз функцияларини бажариши учун харажатлар талаб этилади. Айнан ана шу харажатлар учун зарур маблағ билан солиқ тизими таъминлайди.

Солиқ тизими бошқа соҳалардан тубдан фарқ қилади.

Ана шу фарқ солиқ органлари учун тайёрланадиган малакали мутахассисларни касбий билим эгаллашларига оид мутахассислик фанлари ва уларни ўрганишда ўзига хос хусусиятларни келтириб чиқаради.

1. Республикамизда солиқ ва солиққа тортиш қабул қилинган қонунлар асосида олиб борилади.

Солиқчилик асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ташкил этади. Конституциянинг 123-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли»дир.

Солиқ қонунчилиги Конституциядан кейин 1997 йил 24 апрелда қабул қилиниб, 1998 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси(кейинги

ўзгаришлар билан, ҳозирги кунда янги таҳрири тайёрланмоқда)га асосланади. У солиқ тизимининг ҳуқуқий асосларини, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, солиқ ишларини юритиш ва солиқ мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик тартибини белгилайди.

Солиқ қонунчилиги таркибига солиқ жараёнини тартибга солувчи бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг меъёрий ҳужжатлари киради. Бу эса ўз вақтида солиқ органларида ишловчи мутахассислардан:

а) солиққа оид қонунлар, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни, йўриқномаларни чуқур билишлари;

б) улар асосида қонуний равишда юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалларини тўғри бажаришларини талаб қилади.

2. Солиқ тўловчилар билан солиқ ундирувчилар манфаатлари қарамақаршилиги мавжуд. Солиқ бошқа тўловлардан фарқ қилиб, солиқ тўловчилар, тўлов эвазига индивидуал тарзда солиқ тўлаш пайтида ҳеч нима олмайдилар. Бу тўловлар уларга жамият миқёсида ижтимоий товарлар ва хизматлар тарзида қайтади. Бу солиқ тўловчиларни иложи борича солиқ тўлашдан қочиш ёки камроқ солиқ тўлаш йўлларини қидиришга олиб келади. Бунда солиқ имтиёзлари мавжудлиги ҳам турли салбий, ноқонуний ҳаракатларни юз беришида маълум рол ўйнайди. Солиқ қонунчилиги бузилиши кўринишлари турлича. У солиқ тўловчилар томонидан ёки солиқ ундирувчилар томонидан содир қилиниши мумкин. Шунинг учун мутахассис солиқ қонунчилигини бузилиши қандай юз бериши мумкин, унинг оқибати, олдини олиш чораларини яхши билишлари керак.

Жамиятнинг иқтисодий юксалишга эришишида солиқ ходимлари, уларнинг билими, малакаси, ҳалоллиги, қонунлар асосида иш кўриши алоҳида роль ўйнайди.

3. Солиқ тизими бир томондан ишлаб чиқариш фаолияти, иккинчи томондан, инсонлар фаолияти билан боғлиқ.

Солиқ бўйича мутахассис солиқ ва ҳисоб қонунчилиги тўғри юритилишини ташкил этишни, айнан ана шу қонунбузарликлар қандай оқибатларга олиб келишини чуқур биладиган, уни олдини олишга ҳаракат қиладиган бўлиши лозим. Солиқларни ҳисоблаш ва уни тўлаш бевосита бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ. Демак, «Бухгалтерия ҳисоби» солиқ билан чамбарчас боғланганлигини назардан қочирмаслик керак.

Маълумки, турли мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобини амалга оширишнинг икки схемаси мавжуд.

1. Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби бир бирига тўғри келади. Бу Германия, Италия, Швеция каби мамлакатлар, Ўзбекистон ҳам шу гуруҳга киради.

2. Бухгалтерия ва солиқ ҳисоби параллел олиб борилади. Буларга АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Россия каби мамлакатлар киради. Лекин, қайси схемада иш юритишдан қатъий назар, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари солиқларни ҳисоблаш учун асос ҳисобланади.

Ҳисоб тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий фаолият юритиш жараёнида халқаро андозалар асосида «Молиявий ҳисоб» ва «Бошқарув ҳисоби» счётларида ҳамда «Молиявий ва бошқарув» ҳисоботлари орқали маълумотларни акс эттириш амалиёти жорий этилган.

Солиқ базасини тўғри аниқлаш, уларни тўғри ҳисоблаш ва бюджетга белгиланган муддатларда тўлаш тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳолатида муҳим рол ўйнайди. Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида тўғри ҳисобкитоб қилиш ва тўлаб бориш натижасида корхона иқтисодий нохушликлар, жарима ва бошқалардан зарар кўрмайди. Шу сабабли солиқлар ҳисоби тадбиркорлик субъектлари фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Демак, солиқчи мутахассис нафақат солиқ, солиққа тортишни, балки бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, аудитни ҳам пухта билиши зарур.

Шунинг учун ҳам солиқ тизими учун кадрлар тайёрлашга фаннинг хусусиятларидан ҳамда кадрларга қўйиладиган талаблардан келиб чиққан ҳолда ёндашиш зарур.

«Солиқ ва солиққа тортиш» фанининг хусусиятидан келиб чиқиб, марказий ўринни масала, машқ ечиш эгаллайди.

Масала, машқ ечиш олган билимни амалиётда қўллаш имконини таъминлайди ва шу йўл билан талабаларнинг билим олишдаги фаоллиги ортади.

Масала ечишга фақат ҳисобкитоб асосида топшириқни бажариш, жавобини аниқлаш эмас, фикр юритиш объекти сифатида қаралиши керак.

Масала ёрдамида фанни ўрганганда аниқ ҳужжатлар асосида таҳлил қилиш имконияти кенг.

Масала ечишни моделлаштирувчи ўйин тарзида ташкил қилиш мумкинки, бунда талабалар солиқ ходимлари ва солиқ тўловчилар сифатида қатнашиб, реал воқеликка янада яқин бўладилар.

Дарсни тарқатма материаллардан фойдаланиб ўтиш мумкин. Масала, машқ ечиш жараёнида талабаларнинг қабул қилинган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномаларни қай даражада билишларини ҳам аниқлаш мумкин. Улардан мунозара, дебатлар методини қўллашда ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Кўриб ўтган методларимизни «Солиқ ва солиққа тортиш» фанидан ҳам дарс мавзуларига ва қўйилган мақсадга қараб мослаштириб, кенг қўллаш мумкин.

Асосий таянч тушунча ва атамалар

Ахборотларни таҳлил қилиш, ахборотни асимметрик тарқалиши, таққослаш, солиштириш, гуруҳлаштириш, иқтисодий кўрсаткичлар тизими, иқтисодий таҳлил хусусиятлари, фаннинг предметини ўрганиш методлари, аудит фани хусусиятлари, аудиторнинг роли, солиқ қонунчилиги, фанни ўрганиш методлари.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Иқтисодий таҳлил фани бошқа иқтисодий фанлардан қайси жиҳатлари билан ажралиб туради?
2. Аудит фанининг вужудга келишига қандай заруриятлар сабаб бўлди?
3. Аудитнинг марказида аудитор туради, деган фикрга қўшиласизми?
4. Аудит ва бошқа иқтисодий фанларни ўрганиш учун дарс ўтиш методларини танлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олиш зарурми?
5. Дарс ўтиш методлари билан фаннинг предметини ўрганиш методлари ўртасида қандай боғланиш борлигини тушунтириб беринг.

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ (глоссарий)

Академик лицей – ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстириш, уларнинг чуқур табақалаштирилган ва касбхунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган ўрта махсус ўқув юрти.

Аккредитация – фаолият юритишга ишонч билдириш ва мувофиқ равишда берилган хужжат, яъни фаолият даражасининг қўйилган мезон ва талабларга жавоб беришини давлат томонидан эътироф этилиши.

Анъанавий дарс ўтиш дарснинг асосий мақсади кўпроқ тушунтиришга қаратилган, ўқитувчи билим берувчи, ўқувчиталаба билим олувчи ролини бажарувчи дарс ўтиш

Аттестация – мутахассисларнинг ишга лаёқатини, малакасини, билим даражаси ва хулқатворини аниқлаш ва шу асосда ишга тайинлаш ёки унвон бериш.

Ахлоқ шахсни жамиятга ва бошқа кишиларга нисбатан бурчини белгилаб берувчи меъёрлар тизими, маънавий хулқ қоидалари, ижтимоий онг шаклларида бири.

Ақлий ҳужум методи – қўйилган муаммо, масала, саволга нисбатан барча ўқувчиталабаларнинг ўз фикрини билдиришини таъминлаш асосида уларни дарсга фаол қатнашиш, ўз нуқтаи назаридан ёндашишга йўналтириш, билдирилган фикрларни саралашга ўргатувчи метод.

Баён қилиш ўқитувчи томонидан ўрганилаётган мавзу, материалнинг мазмунини изчил сўзлаб бериш методи.

«Биламан, Билмоқчиман, Билдим (Б/Б/Б)» методи китоб, илмий мақолаларни ўқишга, билмаганларини ўрганишга ҳаракат қилишга йўналтирадиган метод.

«Блицўйин» методи мантикий мустақил фикрлашга, ҳаракатлар кетмакетлигини тўғри ташкил этишга ва баҳолашга ўргатувчи метод.

Вазифа қўйилган мақсадни амалга ошириш босқичларининг мазмуни.

Вербал оғзаки ифодалаш.

Давлат таълим стандартлари узлуксиз таълимнинг муайян босқичида тайёрланаётган кадрларнинг минимал даражада эга бўлиши лозим бўлган билим ва кўникмалар.

Дарс ўтишнинг самарали методи мавжуд турли туман методларни орасидан қабул қилинган мезонлар бўйича мавжуд шароитда энг юқори натижага эришиладиган методлар.

Дарсни саволлар асосида олиб бориш методи ўқув режаси бўйича саволжавоблар ёрдамида талабаларни ўқув жараёнига жалб этиш, уларда фикр–мулоҳаза юритиш, ўқиш, ўрганиш, ўз фикрини изоҳлашга иштиёқ уйғотадиган метод

Дельфа методи Ўқувчиталабаларни ижодий фикр юритиш, билдирилган фикрларни таққослаб, баҳо бериш кўникмаларини шакллантиришга ўргатадиган метод

Дидактика (юнонdidaktikos ўқитадиган, ўргатадиган) – педагогиканинг билим олиш, таълим ва тарбия назариясига оид таркибий қисми. Дидактика «нима?» ва «нима учун?» ўқитиш керак деган саволлар билан шуғулланади.

Дунёқараш шахснинг тафаккур тарзи ва йўналишини акс эттирувчи қарашлар, эътиқод ҳамда фикрўйлар тизими.

Жадаллаштирилган, чуқурлаштирилган маъруза таҳлилий фикрлаш кўникмасини ҳосил қилиш, ривожлантириш универсал асосларига таянган ҳолда тайёрланган маърузанинг мукаммаллаштирилган, чуқурлаштирилган вариантдир. Маъруза ўқишда қўлланиладиган метод ва воситалар узвий саволлар бўйича аввалдан лойиҳалаштирилиб, маъруза дарсининг технологик харитасида кўрсатилади.

Идрок маълумотларни ранглар, белгилар, ҳаракат, кўриш, эшитиш, сезиш, ҳис қилиш орқали ахборотни яхлитликка олиб келиш.

Идрок этиш малакаси бошқа субъектнинг хусусиятларини: унинг мулоқоти ва мулоқотга ҳозирлигини аниқлаш учун зарур бўлган касбий педагогик малака.

Изоҳлаш, тушунтириш – тушунча, сўзнинг қисқача маъносини ифодалаш: оғзаки изоҳ, ёритилиши лозим бўлган турли материалларни изоҳлаш, исботлаш, таҳлил қилиш.

Инсерт методи – ўқувчиталабаларни ўқиётган китоблари, мақола ва турли ахборотларни тушуниб етишлари учун ўқиш жараёнида материалнинг (дарслик, ўқув қўлланма, илмий мақола, жадвал, схема кабилар) ҳар бир сатр боши (ёки қисми)нинг мазмунини баҳолаш орқали, чиқарган хулосасига мувофиқ равишда варақнинг четки томонига (ҳошиясига) қалам билан белги қўйиб бориш орқали ўз муносабатини билдиришга ўргатувчи метод.

Интерактив дарс ўтиш методлари дарс жараёнида ўқувчи, талабалар ҳамда ўқитувчи орасида юқори даражада ҳамкорлик ўрнатиладиган дарс ўтиш методлари.

Илмий муаммо – фанда тадқиқот орқали ҳал қилинадиган асосий зиддиятлар.

Иқтисодий парадокслар ва топишмоқлар танлови методи ўқувчи, талабаларни кенг қамровли ижтимоийиқтисодий муаммоларни аниқ ва изчил тасаввур қилиш, фикр юритиш, иқтисодий концепцияларни тушуниш, реал ҳаётда қўллашни ўрганишларини шакллантиришга йўналтирилган метод.

Иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси (услугияти) иқтисодийназарий таълим беришнинг қонуниятлари, фанни ўқитиш, ўрганишда қўлланиладиган турли методлар ва уларни дарс жараёнида қўллашни ўрганувчи фан.

Иқтисодий фаолият инсоннинг эҳтиёжини қондириш, яъни тирикчилик, ҳаёт кечирешини таъминлашнинг восита ва усуллари мажмуи.

Касбий билимдонлик педагогик фаолият юритиш учун зарур бўлган назарий ва амалий тайёргарлик бирлиги.

Касбхунар коллежи ўқувчиларнинг касбхунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танлаган касблари бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган ўрта махсус, касбхунар ўқув юрти.

Касбийпедагогик мулоқот педагог ва тарбияланувчининг ўзаро узлуксиз, доимий ҳамкорлик ижтимоийпсихологик алоқаси тизими бўлиб, унинг мазмуни ахборотлар айирбошлаш, тарбиявий таъсир ўтказиш, коммуникатив воситалар ёрдамида ўзаро муносабатларни ташкил этиш ҳисобланади.

Касбий тайёргарлик бўлажак мутахассиснинг психологик, жисмоний ҳамда илмийназарий ва амалий тайёргарлиги.

Кейс стади методи «case study method» ўқувчиталабаларни қарор қабул қилишга ўргатишда муаммоли вазият ҳосил қилиб, уни ечишни ўрганиш методи.

Китоб устида мустақил ишлаш методи ўқув ахборотини ўқувчиталаба унинг ўзига хос суръатда ва қулай вақтда олишини таъминлашини ҳисобга олиб, китоб устида мустақил ишлашни ўргатиш асосида фанни ўрганишга қаратилган метод.

Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш методи – гуруҳни маълум бир мезонлар асосида 36 ўқувчиталабадан иборат кичик гуруҳларга бўлиб, уларни ҳамкорликда ишлаш, билиш жараёнини пухталаштириш, бошқаларнинг фикрини эшитишга ўргатадиган, масъулият талабалар зиммасига юкланиб, улар фаоллигини оширишга қаратиладиган дарс ўтиш методи.

Кластер (ахборотларни ёйиш) методи кенг қамровли фикр юритиш, ўрганилаётган тушунча (категория, ҳодиса)лар, ғоялар ўртасида муҳим бўлган боғланишларни аниқлаш, кенг қўламли фикр юритиш малакасини шакллантиришга қаратилган метод, педагогик стратегия.

Концептуал (моҳияти, асосини ифодаловчи) жадвал, харита асосида фанни ўрганиш методи – ўқув материалларида кўргазмалилик орқали фикр юритиш, қиёслаш, таққослаш, таҳлил қилиш, баҳо беришга ўргатадиган метод.

Кузатиш бирор (педагогик ва бошқа) ҳодиса, жараён бўйича аниқ фактлар, далиллар, ахборот олиш мақсадини кўзлаган идрок этишнинг шакли.

Кўникма ўрганиш натижасида қўлга киритилган, бирор ҳаракатни назоратсиз, автоматик тарзда бажариш қобилиятлари.

Лаборатория иши асбобуқуналар ва бошқа техник мосламалардан фойдаланган ҳолда тажрибалар ўтказиш, бирор ҳодисани махсус жиҳозлар ёрдамида ўрганиш.

Лойиҳалаш методи – ўрганилиши лозим бўлган мавзу, муаммо, масалани аниқлаб, уни ечиш учун келажакда амалга ошириладиган ишларни режалаштириш, қўйилган мақсадни ва уни бажариш қандай натижага олиб келишини лойиҳада акс эттириш ҳамда уни амалга оширишни ўргатадиган метод.

Мавзунини ўрганишдан қўйилган мақсад – мавзунини ўрганиш туфайли эришиладиган натижани олдиндан фикран белгилаш.

Малака шахснинг ўзи эгаллаган билимлари асосида маълум бир фаолиятни янги шaroитдаги янгиликлар билан бирга, самарали бажариш қобилияти.

Малака амалиёти – ўқув жараёнининг назарий билимларни мустақкамлаш, амалий кўникма ва ўқув ҳосил қилиш, таълим дастурининг маълум якуни, қисмидаги мавзу бўйича материаллар тўплаш учун ўтказиладиган қисми

Масала ечиш методи – берилган рақамлар, далиллар, ҳужжатлар асосида ҳисобкитоб қилиш орқали номаълум натижани топиш, уни таҳлил қилиш ва хулоса чиқаришни ўргатадиган метод.

Масофадан (дистанцион) ўқитиш талабани мустақил билим олишга асосланган таълим жараёнини янги ташкил этиш бўлиб, кўпинча ёки доимо ўқитувчидан вақт ва масофа жихатидан ажралган ҳолда, ўқув материални хатлар, топшириқлар ёки аудиовизуал воситалар орқали мустақил ўрганишдир.

Мафкура ғоя ва қарашлар тизими.

Маъруза (арабча, лекция (лот. lectio) ўқиш) ўқув материал, бирор масала, мавзу қабиларнинг изчил, маълум бир тизимга солинган баёни.

Машқ ўзининг билимларини чуқурлаштириш ҳамда тегишли малака ва кўникмалар ҳосил қилиш мақсадида ҳаракатларни оғзаки ва ёзма равишда такрор амалга ошириш.

Машқлардан фойдаланиш методи – фанни ўрганиш, малака, кўникмалар ҳосил қилиш учун тайёргарлик кўриш, такрорлаш ва синаб кўришга қаратилган метод.

Мақсад фаолият натижасини олдиндан фикран белгилаш.

Мақтов – фойдали иш қилган шахсни, жамоани оғзаки тақдирлаш.

Метод юнонча «methodos тадқиқот ёки билиш йўли, назария, таълимот» сўзидан келиб чиққан бўлиб: 1) табиий ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тадқиқ қилиш, билиш йўли; 2) ҳақиқатга интилиш, билиш, ҳаракат қилиш йўллари; 3) кутилаётган натижага эришиш усуллари; 4) воқеликни амалий ёки назарий ўзлаштириш усуллари

Методика педагогиканинг таркибий қисми (педагогика юнонча paidagogike) бўлиб, шахсни шакллантиришда муайян мақсад сари қаратилган систематик фаолият тўғрисидаги ҳамда таълимтарбия беришнинг мазмуни, шакли ва методлари (услублари), қисқача айтганда, илмий билиш фаолиятининг шакллари ва методлари мажмуи ҳақидаги фан. У «қай тарзда?» ва «нималар ёрдамида ўқитиш?» лозим масалалари билан шуғулланади.

Методология (юн. methodos ва logos) фаолиятнинг таркиби, мантикий тузилиши, метод ва воситалари ҳақидаги таълимот.

Методология 1) дунёни илмий билиш методи ҳақидаги таълимот; 2) бирор фанда, шу жумладан, педагогикада қўлланиладиган методлар мажмуи

Моделлаштирувчи ўйин билим олишга қаратилган ва маълум бир педагогик натижани кўзлаган ҳамда турли (имитацион, амалий, рол ижросига асосланган) ўйинлар ёрдамида таълим жараёнида муайян мақсадни амалга оширувчи фаолият.

Мотив маълум эҳтиёжларни қондириш учун асос бўладиган кишининг ички фаолият мазмуни.

Мотивация – биологик жихатдан инсоннинг ирсий ва тўпланган тажрибаси асосида индивидуал ва гуруҳий равишда эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган, ундайдиган туйғу.

Муаммоли вазият – ҳаётдаги ёки ўқув вазияти бўлиб, у машаққат билан ҳал қилинадиган масала туйғули юзага келади.

Муаммоли маъруза талабани ўйлашга, таққослашга, ечимини топишга ундайдиган маъруза.

Муаммоли ўқитиш ўқув машғулотини ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог раҳбарлигида муаммоли вазият юзага келтирилади ва унинг ҳал қилинишида таълим олувчилар фаол мустақил ҳаракат қиладилар.

Мунозара 1) матбуотда, суҳбатда бирор баҳсли масалани муҳокама қилиш, баҳс. 2) муайян муаммо бўйича фикр алмашишга асосланган таълим методи.

Мустақил ишлар билимларни эгаллаш билан бирга кўникмаларни шакллантириш ҳам мустақил амалга ошириладиган фаолият, вазифа.

Назарий таҳлил педагогик ҳодисаларни алоҳида жихатлари, белгилари, хусусиятлари, ўзига хослигини аниқлаш ва таҳлил этиш.

Объект инсоннинг, субъектнинг билиш предмети ва фаолияти.

Одат кишининг маълум эътиқодлар, қадриятлар ёки ахлоқий меъёрлардан келиб чиқиб, амалга оширадиган онгли фаолияти.

Олий таълим муассасаларининг аккредитацияси – олий таълим муассаси фаолият даражасининг ОТ ДТС мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши.

Олий таълим муассасаларининг аттестацияси – олий таълим таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатини олий таълим давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини аниқловчи тадбир.

Педагог тарбиячи, ўқитувчи, дарс берувчи.

Педагогика ёш авлод таълим ва тарбияси ҳақидаги фан.

Педагогиканинг назарий вазифаси илғор ва янги педагогик тажрибаларни ўрганиш.

Педагогик жараён таълим масалалари, унинг тараққиётини ҳал қилишга қаратилган, махсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг мақсадли ўзаро муносабатлари.

Педагогик жараён тамойиллари педагогик фаолиятни ташкил этишнинг асосий талаблари бўлиб, у педагогик жараённинг йўналишини кўрсатади ва унинг қонуниятларини очиқ беради.

Педагогик малака муайян тоифадаги вазифаларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлган мутахассиснинг касбий педагогик тайёргарлиги даражаси ва тури.

Педагогик маҳорат педагогик жараённи билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш (А.С. Макаренко), педагогик жараённинг юқори самарадорлигини таъминловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтези.

Педагогик технология – «ишлаб чиқариш» натижаси «маҳсулоти» маълум малакага эга бўлган мутахассис тайёрлаш учун илмий асосланган дидактик жараённи амалга ошириш, яъни ўқитиш жараёнини қўйилган мақсадга кўра изчил кетмакетликда турли восита, методларни қўллаш орқали самарали таълим натижасига эришишнинг ишончлилигини таъминловчи, кафолатловчи педагогик фаолият.

Педагогик фаолият таълим мақсадларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

Рационализация методларни ёки бирор ишҳаракатни такомиллаштириш.

Сезги кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, ҳис қилиш. Улар инсоннинг кўзи, қулоғи, бурни, тили, териси орқали юз бериб, билишнинг бошланғич воситачилари ҳисобланади.

Семантик (маъносини ифодалаш) хусусиятлар таҳлили методи ахборотларни кузатишни маълум бир **майдон** жадвал ва графиклар орқали ифодалаш ва улар орқали ғоялар, тавсиялар, таклифлар беришга ўргатадиган метод.

Семинар (лот. *seminarium* – манба, кўчма маънода мактаб) – ўқув амалий машғулот шаклларида бири. Асосан олий ўқув юртларида, илмий тўғарак, анжуманларда қўлланиладиган турлитуман диалог асосида олиб борилади. Одатда семинар дарсида талабаларнинг билими, ўз устида ишлаш даражаси аниқланади, назорат қилинади.

Синквейн (ахборотни йиғиш) методи мураккаб ғоя, иқтисодий тушунчаларни бир нечагина сўзлар билан ифодалашни ўрганиш. орқали мавзуни яхшироқ англашга, ўзлаштиришга ёрдам берадиган метод.

Стимул (туртки) шахс психикаси мотивларининг шаклланишини таъминловчи ташқи таъсир.

Сухбат методи кузатув чоғида етарли даражада аниқ бўлмаган зарур ахборотни олиш учун қўлланиладиган мулоқот, тадқиқот методи. Оғзаки жавобга асосланган, кенг тарқалган шакли ҳикоя ва баён қилишдир.

Тадқиқот методи ахборотлар, далиллар, маълумотлар асосида тадқиқот ўтказиш жараёнида қатнашиш орқали дарс ўтишнинг талабаларни ахборот тўплаш ва уни устида ишлаш, хулоса чиқариб, баҳолашга ўргатиш жараёнида мавзунинг мазмунини ўзлаштиришга, илмий изланишни ўрганишга қаратилган метод.

Тадқиқот объекти зиддият ва муаммоли вазият туғдирувчи, билишга қаратилган илмий таҳлилга мухтож объект.

Тадқиқот предмети бевосита ўрганилиши лозим бўлган ва амалий ёки назарий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этадиган объектнинг моҳияти, маълум бир томони, хусусияти.

Талқин қилиш бирор ҳодиса ёки нарсани изоҳлаш, тушунтириш.

Танқидий назар методи матннинг мазмунини тадқиқ қилиш, таққослаш, шахсий тажриба билан боғлаш ва ўз муносабатини билдиришни ўргатадиган метод.

Таълим 1) шахснинг жисмоний ва маънавий шаклланишининг ягона жараёни, ижтимоий эталонларнинг ижтимоий онг сифатида у ёки бу даражада қайд қилинган, тарихан шартланган идеал тимсолларга онгли йўналтирилган ижтимоийлашиш жараёни; 2) муайян билимларни эгаллаш ғоявийахлоқий, кадр, малака, кўникма, ахлоқ меъёрларига қаратилган жамият аъзоларининг таълим ва тарбияси вазифасини бажарадиган нисбий мустақил тизим.

Таълим дастури – ўқув фанларининг бакалаврият йўналишлари ёки магистратура мутахассисликларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражада тайёргарлигини таъминловчи блокларга жамланган рўйхати.

Таълим мақсади – таълим беришдан(олишдан) кўзланган муддао.

Таълим мазмуни – ўқитиш жараёнида эгаллаш лозим бўлган билим, кўникма, малакалар маъноси, ҳажми ва характери.

Таълим сифатини назорат қилиш – ўқитиш мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш.

Тафаккур инсон ақлий фаолиятининг олий шакли, инсонларни ўраб олган дунёдаги ўзаро боғланган нарса ва ходисаларнинг билиш жараёни, муҳим ҳаётий жараёнларни хис қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш, маълум бўлмаган воқеаҳодисаларни қидириш, келажакни кўра олиш. Тафаккур тушунча, ҳукм, хулоса шаклларида намоён бўлади.

Таҳлилий – ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш методи – иқтисодий фикрлашни мувофиқ равишда билдирилган фикрларнинг энг мақбулини танлаш ва тавсиялар ишлаб чиқишни ўргатишга қаратилган метод.

Тест 1) стандарт шаклдаги топшириқлар бўлиб, ақлий тараққиёт, қобилият, билим ва малакани аниқлаш мақсадида ўтказиладиган синондир; 2) аниқ социологик тадқиқотларда фойдаланиладиган тарқатма материал, саволнома; 3) шахс руҳияти ва хулқининг аниқ миқдорий ва маълум сифат баҳоларини олдиндан берилган баъзи

стандарттест меъёрлари билан қиёсий ўрганишга мўлжалланган психологик тадқиқотларнинг стандартлаштирилган методи.

Тест методи кўзланган мақсадга кўра, савол қўйиб, унга бирбирига яқин бир неча, лекин тўғриси битта бўлган жавоблар мужассамланган топшириқ, машқни бажариш орқали фанни, мавзуни ўрганишга, ўқувчиталабалар билимини синашга қаратилган метод.

Тушунча атрофмуҳитдаги ҳодисалар, предметларнинг муҳим хусусиятларини, улар орасидаги алоқа ва муносабатларни билиш.

Фаолият – 1) онгли мақсадга кўра бошқариладиган кишининг ички(руҳий), ташқи(жисмоний) фаоллиги; 2) атрофмуҳитни кишилар тамонидан мақсадга мувофиқ қайта бунёд этиш.

ФСМУ методи ўқувчиталабаларни мустақил, эркин фикрлаш ва ўз фикрини ҳимоя қилишга, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини баҳолашга, баҳслашиш маданиятини ва унга риоя қилишни ўргатадиган метод.

Шахсий фазилат шахс томонидан ўзининг ахлоқий, руҳий ва ишчанлик қобилиятининг ижтимоий аҳамиятини, жамиятдаги ўрнини англай олиш хусусияти.

Эссе ёзиш методи муаллифнинг индивидуал позициясини, дунёқарашини алоҳида ажратиб кўрсатиш орқали эркин ёзма баён қилишга йўналтирилган, талабаларни иқтисодий фикр юритиш ва уни ёзма равишда ифодалашга ўргатадиган ва уларнинг билимини баҳолашда қўлланиладиган метод.

Эътиқод шахс амал қиладиган билим, тамойил ва идеалларнинг ҳаққонийлигига қалбан ва асосли ишонч билан боғланган, унинг атрофмуҳитга ҳамда ўзининг хаттиҳаракатларига бўлган субъектив фаолияти.

Яқунловчи давлат аттестацияси – бакалавр ёки магистр даражасига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ ҳолда маълум талаб ва тартиблар воситасида (фанлар бўйича давлат аттестацияси, битирув малака иши ёки магистрлик диссертацияси ҳимояси) битирувчи томонидан таълим дастурининг бажарилиши сифатини баҳолаш.

Яхлитлик педагогик жараённинг синтезлашган сифати бўлиб, унинг олий даражадаги тараққиётини, ундаги субъектлар, объектлар фаолиятини бир бутунлигини таъминловчи жараён.

Яхлит педагогик жараён тарбия жараёнида таълим ва таълим жараёнида тарбия беришнинг ўзаро сингиб кетган, яхлит ҳолга келган жараёни.

Ўзлаштириш – 1) ўзига сингдириш, тушуниш, билиш; 2) муайян билим, кўникма, малакаларни эгаллашга қаратилган жараён; 3) ижтимоий тажриба натижалари билан шахсий тажриба натижаларини қўшилиши.

Ўйин фаолиятнинг бир тури бўлиб, ижтимоий табақаларни ўзлаштириш ва бунёд этишга, ўз хаттиҳаракатларини такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Ўзўзини баҳолаш шахснинг ўз психологик сифатлари, хулқи, ютуқлари ва муваффақиятсизликлари, қадрқиммати, камчиликларини баҳолай олиши.

Ўқитиш ўқитувчининг таълим олувчининг билиш фаолиятини бошқаришга қаратилган фаолияти. Ўқитиш: 1) таълимнинг ўзига хос усули бўлиб, шахсга назарий ва амалий билимлар бериш жараёнида унинг ривожланиши таъминланади; 2) ўқувчи ва ўқитувчи, ўқувчининг бошқа ўқувчилар билан алоқаси натижаси ўлароқ атрофмуҳит, унинг қонуниятлари, тараққиёт тарихи ва уларнинг ўрганилиш усулларини билишнинг мунтазам бошқарилиш жараёни.

Ўқитиш сифатини назорат қилиш – талаба билим савиясини режалаштириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш.

Ўқиш ўқувчининг ўз қобилияти, билими, малака ва кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ҳаракат.

Ўқувбилиш фаолияти инсоният томонидан тўпланилган маданий бойликни эгаллаш билан боғлиқ фаолият.

Ўқув режаси – таълимнинг муайян йўналиш ёки мутахассислик бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курслари таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажми белгиланган норматив ҳужжат.

Ўқув фани дастури – таълим мазмуни, талабалар томонидан ўзлаштиришнинг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжат.

Ўқув фаолияти шахснинг янги билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш жараёни.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш ўқувчиёшларга келажакда ўз касбларини аниқлаб олиш учун ёрдам кўрсатишга қаратилган ижтимоийиқтисодий, психологик, педагогик, тиббийбиологик ва ишлаб чиқариштехник тадбирларнинг асосланган тизими.

Қизиқиш шахс ҳаракатига сабаб бўладиган фаолият йўналишининг онгли шакли.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: "Ўзбекистон", 2005 й.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» қонуни. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» Қонун. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.:»Шарқ», 2001.
- 1.4. "Аудиторлик фаолияти тўғрисида", Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2000 йил, 26 май (янги таҳрири).
- 1.5. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида", Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1996 йил, 30август.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Т.: 2002.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Таълим тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш» тўғрисида». Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. «Ўзбекистон» 1997 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

- 3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори (1998 йил, 5 январь). Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001.
- 3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги Қарори(1998 йил, 5 январь). Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001.
- 3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори (1998 йил, 28 январь) Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

- 4.1. Каримов И.А. "Ўзбекистон буюк келажак сари" Т.: "Ўзбекистон". 1998.
- 4.2. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: «Шарқ» 1998.
- 4.3. Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда". Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маъруза. 1999 йил 14 апрель. " Т.: "Ўзбекистон". 1999.
- 4.4. Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси. Т.: «Шарқ» 1999.
- 4.5. Каримов И. А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил боришасосий вазифамиз. // Халқ сўзи, 2004 й, 10 февраль,
- 4.6. Каримов И.А. “Таълим –келажакка йўналтирилган сармоя” минтақавий конференция иштирокчиларига табрик хати.// Маърифат. 7 апрель 2004 йил.
- 4.6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005.
- 4.7. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоийиқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.// Халқ сўзи, газетаси, 2006 йил, 14 февраль.

5. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари

- 5.1. Олий таълим. Меъёрий хужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001.
- 5.2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида Низом. Олий таълим. Меъёрий хужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001
- 5.3. Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом. Олий таълим. Меъёрий хужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001

Махсус адабиётлар

6. Дарсликлар

- 6.1. Ваҳобов А., Иброҳимов А.Т., Ишонқулов Н. Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Т.: «Шарқ» нашриётматбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2005.
- 6.2. Дўсмуротов Р. Д. Аудит асослари. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2003.
- 6.3. Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Т.: «Шарқ» нашриётматбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2004.
- 6.4. Мавлонова Р., Тўраева О., Ҳоликбердиев К. Педагогика.Т.: Ўқитувчи, 2001.
- 6.5. Пронина Е.Н., Лукашевич. В.В.“Психология и педагогика”. Учебник для студентов ВУЗов. Издательство «Элит», Москва 2004.
- 6.6. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов обучающихся по педагогическим специальностям и направлениям. М.:Профессиональное образование,1997.
- 6.7. Benjamin Bloom et al., eds., Taxonomy of Educational Objectives, Handbook J: Cognitive Domain (New York: Mk. Kay, 1956).
- 6.8. Silber K, H. Some implicational of the history of Educational Tecnology: we are all in this together. In: J. W. Brown and S. N. Brown. Educational Media Yearbook, Littleton, Colorado: Librares Unlimited, 1981.

7. Ўқув қўлланмалар

- 7.1. Абдуллаев А.Х., Аметов А.К. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури фалсафаси ва давлат таълим стандартларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент, 2003.
- 7.2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат, Тошкент, 2003
- 7.3. Ахунова Г.Н. Образовательная технология по курсу «Маркетинг в сфере образования» Т.: “IQTISODMOLIYA”, 2005
- 7.4. Брюс Джемс и Марша Вейл. Модели обучения. М. 1996.
- 7.5. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. М: Педагогика, 1999.
- 7.6. Гулямов С.С., Мибартова Л.И., Абдуллаев А.Х. «Внедрение новых информационных технологии» дистанционного обучения в образовательные учреждения Узбекистана. Ташкент, 2002.
- 7.7. Гулямов С.С., Мибартова Л.И., Абдуллаев А.Х. Новые педагогические технологии. Рекомендации по организации дистанционного обучения (Под ред. акад. Гулямова С.С.). Ташкент, 2002.
- 7.8. Зиёмухаммадов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология: Назария ва амалиёт. «Маънавият асослари» дарси асосида ишланган услубий қўлланма. Т.: «Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти», 2001.
- 7.9. Камышанов П. И. Практическое пособие по аудиту. М.: ИнфраМ, 1996.
- 7.10. Ларнер И.Я. Внимание о технологии обучения. – М.: «Педагогика», 1990.
- 7.11. Сайидахмедов Н. Янги педагогик тгхнологиядар. Т.: «Молия», 2003.
- 7.12. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. ТМИ, 2003.
- 7.13. Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. Т. Фан, 2000.
- 7.14. Фарберман Б.А., Мусина Р.Г., Жумабоева Ф.Р. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Тошкент 2002.
- 7.15. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика. Тошкент, 2002
- 7.16. Хужаев Н., Хошимов П.З., Джураев Т.Т., Гимранова О.Б. Методика преподавания экономических дисциплин. Ташкент 2004,

7.16. Ҳасанов Б. А., Бобобеков Б.С. Бухгалтерия ҳисоби назарияси фанидан кўргазмалари қўлланма. ТМИ 2002.

8.Монографиялар, мақолалар

8.1. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон: Янги ғоялар, ютуқлар. Т.: “Шарқ” 2002.

8.2. Қобуснома. Т.: “Ўқитувчи”, 1973.

9. Илмийамалий анжуманлар маърузалари тўплами

9.1. «Рейтинг тизими ва уни такомиллаштириш усуллари» мавзусидаги республика услубий ва илмийамалий конференция тезислари, Бухоро 1999.

9.2. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари мавзусидаги семинартренинг материаллари. Тошкент, 2002.

9.3. «Божхона органлари учун малакали кадрлар тайёрлаш муаммолари» мавзусига бағишланган Республика илмийамалий конференция материаллари. 1 ноябрь, 2003 йил. Тошкент, 2003.

9.4. Солиқ органлари кадрларини тайёрлаш тизимидаги таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг илмий асослари. Халқаро илмийамалий конференция материаллари. 1012 ноябрь, 2003 йил. Тошкент, 2003.

9.5. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари. Халқаро илмийамалий конференция материаллари. 1012 февраль, 2004 йил. Тошкент, 2004.

9.6. «Ахборот коммуникациялар технологиялари асосида электрон ўқув адабиётларини яратиш. Тажриба, муаммо ва истиқболлар» мавзусидаги Республика илмийамалий анжуманининг маърузалар тўплами. 28 апрель, 2004 йил. Тошкент, 2004.

9.7. «Маънавият, илмфан ва иқтисодий билим ёшлар тарбиясига хизмат қилсин» мавзусидаги республика илмийамалий конференция материаллари 34 ноябрь, 2004 йил. Тошкент, 2004.

10. Газета ва журналлар

10.1. Касбхунар таълими. 20042006 йил сонлари.

10.2. Халқ таълими. 2005 йил сонлари.

11. Статистик маълумотлар тўплами

11.1 Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ. 2005 йил. Тошкент, 2005.

11.2. Социальноэкономические показатели Республики Узбекистан за 2004г. –Т.: 2005

11.3. Основные показатели развития народного образования и подготовки кадров за 2004 год.

Статистический бюллетень. Ташкент: 2005,

Интернет сайтлари

11.4. <http://www.rbcnet.ru> «Экономика и Жизнь»

11.5. www.school.edu.ru.

11.6. www.inter-pedagogika.ru.

11.7. www.ecsoman.edu.ru Россия Федерацияси олий ўқув юртларида ўқитилган фанлар бўйича ўқувуслубий комплекслар.